

*Буюк адибларимиз  
Абдулхамид Чўлпон, Гафур Гулом  
ва Мақсуд Шайхзоданинг  
порлоқ хотирасига бағишланади.*

*ТАРЖИМОН*



Academy of sciences of Uzbekistan  
Institute of literature and language named after Alisher  
Navoi

WILLIAM  
SHAKESPEARE

Selected Works

In three volumes

Volume two

Romeo and Juliet  
Othello  
Corelianus  
Julies Caesar

*Translated from English  
by Jamal Kamal,  
national poet of Uzbekistan*

Tashkent  
Publishing house "Fan"  
Academy of sciences of Uzbekistan  
2008

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти

# ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

Сайланма

Уч жилдлик

Иккинчи жилд

Ромео ва Жульетта

Отелло

Кориолан

Юлий Сезар

*Инглиз тилидан Ўзбекистон халқ шоири  
Жамол Камол таржимаси*

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
"Фан" нашриёти  
2008

*Вильям Шекспир ижоди жаҳон тамаддунининг узвий бир қисми ўлароқ барча эллар ва элатлар маданияти, маънавиятига дахлдор. Зотан дунёда Шекспир асарлари намойиш этилмаган битта ҳам театр топилмаса керак.*

*"Сайланма"нинг ушбу иккинчи жилдига буюк адибнинг ўзбек театр мухлислари орасида ҳам катта шуҳрат ва эътибор қозонган "Ромео ва Жульетта", "Отелло", "Кориолан" ва "Юлий Сезар" асарлари киритилди.*

*Масъул муҳаррир:*

Бахтиёр Назаров,  
филология фанлари доктори, академик

*Муҳаррир:*

Жаббор Эшонқул

*Нашрга тайёрловчи:*

Нодир Рамазонов

*Техник муҳаррир:*

Мадина Абидова

*Саҳифаловчи:*

Сирдарёхон Утанова

ISBN 978-9943-09-441-3

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,  
«Фан» нашриёти,  
Тошкент, 2008.





---

# Ромео ва Жуљетта

(Беш пардали фоџиа)

## Иштирок этувчилар:

Э с к а л — Верона беги, ҳоким.

П а р и с — ёш аслзода, бекнинг қариндоши.

М о н т е к к и, К а п у л е т т и — бир-бирига душман  
икки оиланинг бошлиқлари.

Ч о л — Капулеттининг қариндоши.

Р о м е о — Монтеккининг ўғли.

Б е н в о л и о — Монтеккининг жияни ва Ромеонинг  
дўсти.

Т и б а л ь т — Капулетти хонимнинг жияни.

Р о ҳ и б Л о р е н с о, Р о ҳ и б Ж о в а н н и —  
Франсискан роҳиблари.

Б а л ь т а з а р — Ромеонинг хизматкори.

С а м с о н, Г р и г о р и о — Капулеттининг хизмат-  
корлари.

П е т р — Жульетта энагасининг хизматкори.

А б р а м — Монтеккилар хизматкори.

Дорифуруш

Уч созада

Париснинг маҳрами.

Иккинчи маҳрам.

Миршаб.

М о н т е к к и х о н и м — Монтеккининг хотини.

К а п у л е т т и х о н и м — Капулеттининг хотини.

Ж у л ь е т т а — Капулеттининг қизи.

Ж у л ь е т т а н и н г э н а г а с и.

Верона фуқароси, ҳар икала хонадоннинг қариндош-  
ларидан бўлган бир неча эркак ва аёллар, ниқобли ки-  
шилар, посбонлар, қоровулар, бекнинг аъёнлари ва хор.

Воқеа Веронада ва қисман (бешинчи пардада) Ман-  
туяда кечади.

## Пролог

Хор киради.

### Хор

Обрўли, нуфузли икки хонадон  
Гўзал Веронада этишар низо.  
Улар кўпдан баҳсу жанжал айлабон,  
Ҳамшаҳарлар қонин тўкишар ҳатто,  
Лекин душманларнинг икки фарзанди  
Кўксиди юлдузин ёқди муҳаббат.  
Улар етишмади висолга, сўнди,  
Битди ўртадаги кийну адоват.  
Масъум муҳаббатнинг ҳалокатини,  
Фарзандлар ўлими туфайли битган  
Ота-оналарнинг адоватини  
Шу икки соатда этармиз баён,  
Сабру тоқат билан қилинг тамошо,  
Қалам кемтигини тўлдирсин ижро.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи сахна

Верона. Майдон.

Капулеттининг хизматкорлари Самсон ва Григорио қилич ва қалқонлар билан қуролланган ҳолда кириб келишади.

### Самсон

Григорио, сўзим сўз, уларга энди калака бўлиш йўқ.

### Григорио

Нималар деяпсан? Ўзимиз уларнинг калакасини чиқазиб қўямиз.

## С а м с о н

Фашимизга тегишса борми, бўш келмаймиз, бошлаб таъ-  
зирларини берамиз.

## Г р и г о р и о

Ҳар ҳолда, сувдан қуруқ чиқолсак, ёмон бўлмасди.

## С а м с о н

Мен жаҳдим чиқса, жуда ёмон бўлиб кетаман.

## Г р и г о р и о

Аммо сенинг жаҳлингни чиқазиш ҳам осонмас.

## С а м с о н

Монтеккининг ҳар бир ити менинг жиғимга тегиб, жаҳ-  
лимни қўзғайверади. Уларни кўрдим дегунча, қайнаб ке-  
таман.

## Г р и г о р и о

Қайнаган нарса тўкилади. Йигит деган қимирламай,  
оёқда маҳкам туради. Баски, қайнар экансан, тўкилиб,  
сочилиб кетишинг тайин.

## С а м с о н

Йўқ, ўша хонадоннинг бирорта ити жаҳлимни қўзғар  
экан, оёқда қаттиқ тураман. Монтеккиларнинг эркагини  
ҳам, урғочисини ҳам деворга қапиштириб ташлайман.

## Г р и г о р и о

Маълум бўлдики, бир ожиз банда экансан. Ожиз киши  
нуқул деворга ёпишади.

## С а м с о н

Гапинг тўғри, шунинг учун ҳам аёлларни бўш идишдек  
деворга тирашади-да. Мен Монтеккиларнинг эркагини  
девордан улоқтириб, аёлларини деворга қапиштираман.

Г р и г о р и о

Бу жанжал - икки хўжайин ва уларнинг хизматкорлари орасидаги гап.

С а м с о н

Менга барибир. Мен уларнинг эркагини ҳам, аёлини ҳам аямайман. Бошларини кесаман.

Г р и г о р и о

Чўри қизларнинг бошини ҳамми?

С а м с о н

Чўри қизларми ёки бокираларми, бари-бир кесавераман. Қандоқ тушунсанг, тушунавер.

Г р и г о р и о

Ҳар ҳолда буни татиб кўрганлар тушунса керак.

С а м с о н

Мени қандоқ оёқда тура олишимни татиб кўришади ҳали. Маълумки, мен алай-балай одам эмасман.

Г р и г о р и о

Хайриятки, балиқ эмассан. Балиқ бўлганингда ғоят бемаза, бадҳазм, дудланган қоқ балиқ бўлардинг. Қиличингни чиқар, ана Монтекилардан иккитаси келяпти.

Абрам билан Бальтазар киради.

С а м с о н

Қиличим шай. Сен жанжални бошлайвер, мен ортингда тураман.

Г р и г о р и о

Нима, жуфтакни ростламоқчимисан?

С а м с о н

Мендан хавотир олма.

Г р и г о р и о

Йўқ, Худо ҳақи, сендан хавотирдаман.

С а м с о н

Биринчи бўлиб улар бошласин. Шунда қонун биз тарафда бўлади.

Г р и г о р и о

Мен уларнинг ёнидан қовоғимни солиб ўтаман. Кўрайлик-чи, нима қилишаркин?..

С а м с о н

Мен уларга қараб туриб, бармоғимни тишлайман. Индамай тураверишса, бу уларнинг ҳақоратга чидагани бўлади.

А б р а м

Бизга қараб бармоғингизни тишляяпсизми, тақсир?

С а м с о н

Мен бармоғимни тишляяпман, тақсирим.

А б р а м

Бизга қараб бармоғингизни тишляяпсизми, тақсир?

С а м с о н

*(Григориога, секин)*

Ҳа, десам, қонун бизни қувватлармикин?

Г р и г о р и о

*(Самсонга, секин)*

Йўқ.

С а м с о н

Йўқ, тақсир, сизга қарабмас. Шунчаки бармоғимни тишлаяпман, холос.

Г р и г о р и о

Тақсир, сиз жанжал чиқармоқчимисиз?

А б р а м

Жанжал дейсизми? Йўғ-ей, тақсирим.

С а м с о н

Агар жанжал чиқармоқчи бўлсангиз, мана, мен тайёр. Мен ҳам сизга ўхшаб, яхши бир хўжайиннинг хизматкориман.

А б р а м

Аммо, яхшироқ эмас.

С а м с о н

Яхши, тақсирим.

Г р и г о р и о

*(Самсонга, секин)*

Яхшироқ, дегин. Бу ёққа хўжайиннинг қариндоши келяпти.

С а м с о н

Ҳа, яхшироқ, тақсир.

А б р а м

Бекорларни айтибсан!

С а м с о н

Мард бўлсанг, қиличингни чиқар. Григорио, қиличбозликни унга бир кўрсатиб қўй!

*(Улар қиличлашадилар)*

Бенволио киради.

### Б е н в о л и о

Бас қилинғлар, тентақлар! Ҳой, қиличингни торт,  
Англамайсиз ўзингиз не қилганингизни.

*(Қилич сирмаб, уларни ажратмоқчи бўлади.)*

Тибальт киради.

### Т и б а л ь т

Ажаб! Қўрқоқ қуллар билан жанг қиласанми?  
Бенволио, ажалинға юзингни ўтир.

### Б е н в о л и о

Ҳой, уларни тинчитмоқчи бўлдим мен, холос,  
Кел, уларни ажратайлик, менга ёрдам қил.

### Т и б а л ь т

Қилич сирмаб туриб, яна "тинчлик" дейсанми?  
Мен бу сўздан жирканаман, худди дўзахдан,  
Сендан, жумла Монтеккидан жирканганимдай.  
Ол ҳиссангни, қўрқоқ!

Улар жанг қилишади.

Икки хонадоннинг одамлари келиб, уларга қўшилишади.  
Калтак ва ойболталар кўтариб шаҳар фуқаролари киради.

### Ф у қ а р о л а р

Ҳей, халойиқ, ишга солинг чўқмор, найзани,  
Уринг Монтеккини! Уринг Капулеттини!..

Халат кийган Капулетти ва Капулетти хоним киришади.

### К а п у л е т т и

Бу не шовқин? Менга узун қиличимни бер!



## Капулетти хоним

Сенга қўлтиқтаёқ лозим! Қилич не даркор?

## Капулетти

Қиличимни бер деяпман! Ана, Монтекки!

Мен томонга келяпти шамшир ўйнатиб.

Монтекки билан Монтекки хоним киришади.

## Монтекки

Капулеттимисан, аблаҳ! Хотин, мени қўй!..

## Монтекки хоним

Йўқ, қўймайман, бир қадам ҳам жилмайсан энди!

Верона беги ўз яқинлари билан киради.

## Бек

Фаламислар, тинчлик, ором кушандалари!  
Қиличини қўшниларнинг қонлари ила  
Булғалаган шумлар, мени тинглаяпсизми?  
Сизлар одам эмас, йиртқич газандаларсиз,  
Адоватнинг оловини томирдан оққан  
Қирмиз қонлар билан магар ўчирмоқчисиз.  
Қуролларни ташланг ерга қонли қўллардан,  
Йўқса, олажаксиз мутлақ жазойингизни.  
Ва эшитинг қаҳрланган ҳоким ҳукмини,  
Бемаъни гап-сўзлар ила уч карра жанжал  
Чиқардингиз сен, Монтекки, сен, Капулетти!  
Тинч кўчалар уч бор шовқин-суронга тўлди,  
Вероналик чоллар зарбоф тўнларни ечиб,  
Қўлга олди уч бор қадим ойболталарни  
Ва ҳар бири бир томоннинг ёнини олди,  
Эски жанжал-можарони ечмоқчи бўлди.  
Агарда-чи, яна бир бор жанжал қилсангиз,  
Жавоб беражаксиз худди бошингиз билан.  
Майли, бу гал уй-уйига тарқасин ҳамма,

Капулетти, сиз мен билан бирга борасиз,  
Тушдан кейин маҳкамага ўтинг, Монтекки,  
Бу иш юзасидан бутун Фри-таунда  
Сизга қандай ҳукм чиқар, билиб оласиз.  
Яна бир бор айтаманки, тарқалинг ҳамма!

Монтекки, Монтекки хоним ва Бенволиодан бўлак ҳамма кетади.

### М о н т е к к и

Ким бошлади, жиян, яна эски низони,  
Жанжал бошланганда бунда ҳозирмидингиз?

### Б е н в о л и о

Мен келганда қиличбозлик авжида эди,  
Жанг қиларди икки уйнинг хизматкорлари.  
Мен уларни ажратмоқчи бўлдим, шу фурсат  
Келиб қолди Тибальт қўлда қиличин шайлаб.  
Мени жанг-жадалга чорлаб, таҳдид этди у,  
Қиличини боши узра ўйнатар эди,  
Шамолларни тилкаларди қиличи ёлғиз.  
Зарб устига зарб тушириб, солиша кетдик,  
Одамлар ҳам кела берди тарафма-тараф,  
Қизиб кетди майдонда жанг, тинмади сурон,  
То ҳокимнинг ўзи келиб, тинчитмагунча.

### М о н т е к к и х о н и м

О, Ромео қайда? Уни кўрмадингизми?  
Хайриятки бу ишга у аралашмапти.

### Б е н в о л и о

Хоним, ҳали тонг отардан бир соат олдин,  
Қуёш боқмай шарқнинг олтин даричасидан,  
Мени уйдан судраб чиқди юрак ғашлигим,  
Шаҳарнинг ғарб ҳудудида юксалиб ўсган  
Чинорлар остида кўрдим ўғлингизни мен.  
Унга томон юрдим, ўзни олиб қочди у,

Апил-тапил ўзни урди ўрмон ичига,  
Ҳиссиёти таниш менга - ҳиссиётимдан,  
Англадимки, танҳоликни истар шу палла,  
Орқасидан тушиб, таъқиб этмадим, илло,  
Мен ҳам қочавердим шунда қочган кимсадан.

### М о н т е к к и

Неча карра ўша ёқда кўрмишлар уни,  
Шабнамларга ёш тўкармиш субҳидамларда.  
Туманларга қоришармиш хўрсиниқлари,  
Лекин шарқ уфқидан аста мўралаб қуёш,  
Тонг париси - Авроранинг тўшакларидан  
Унинг қора чойшабларин йиғиб оларкан,  
Ўғлим ёруғлиқдан қочиб, қайтади ҳорғин,  
Хужрасига кириб, дарҳол беркиниб олар.  
Тамбалайди эшикларни, дарчаларни ҳам,  
Парда тортиб, кундузини қаро тун этар.  
Бордир унинг руҳида бир қаролик, булут,  
Балки даво бўлур яхши насихат, ўтит.

### Б е н в о л и о

Амакижон, биласизми боиси нима?

### М о н т е к к и

Билолмадим, билолмасман бундан кейин ҳам.

### Б е н в о л и о

Сабабини айт, деб қистоқ қилмадингизми?

### М о н т е к к и

Мен ҳам, дўстлари ҳам сўраб, қистадик қанча,  
Гап уқмайди, туйғуларин тинглайди ёлғиз.  
Туйғу маслаҳатчи бўлса, нечук натижа?  
Ичимдагин топ, деб турар, камгап, индамас,  
Чурқ этмайди, кўнглини бир ошкор айламас,  
Ич-бағрини қуртлар еган куртакка ўхшар,

На хуш ҳаволарда яшнаб, ёзади япроқ,  
На қуёшга кўз-кўз қилур ҳусну чиройин.  
Кошки билсак, қайдан келмиш бу дарду алам,  
Дардин билсак, топар эдик давосини ҳам.

Б е н в о л и о

Мана, ўзи келаяпти, сизлар боринглар,  
Мен бу сирни билишга бир уннаб кўраман.

М о н т е к к и

Барака топ, ҳақиқатни бизга билиб бер,  
Юринг, хоним, биз уларни қўййлик холи.

*(Монтекки ва Монтекки хоним кетишади)*

Ромео киради.

Б е н в о л и о

Хайрли тонг, жиян.

Р о м е о

Ажаб, тонгми ҳали ҳам?

Б е н в о л и о

Соат тўққизга занг урди.

Р о м е о

Ишонгим келмас,  
Қайғу-алам соатлари нақадар узун.  
Бундан шоша-пиша кетган отам эмасми?

Б е н в о л и о

Отанг эди, аммо менга айт-чи, не алам  
Соатларинг чўзиб, сени қийнар, Ромео?

Р о м е о

Соатларни банд этувчи кишим йўқлиги.

Б е н в о л и о

Севгими?

Р о м е о

Йўқ.

Б е н в о л и о

Севасанми?

Р о м е о

Йўқ, гап бундамас,  
Мен севаман, у бўлса, ҳеч парво айламас.

Б е н в о л и о

Ҳайҳот, севги деган гарчи сувратда ҳалим,  
Аммо аслида-чи, ўта бешафқат, золим.

Р о м е о

Эвоҳ, севги деган ўша алдоқчи кўлка,  
Кўзи кўр бўлса ҳам, бизни бошлагай йўлга.  
Қайда овқатланамиз? Эй Худойим, бунда  
Не ур-йиқит бўлмиш? Айтма, барин эшитдим.  
Нафрат нелар қилмас, севги нималар этмас,  
О, савдойи жунун, эй сен, суюкли нафрат,  
О, борлигу йўқлик аро биринчи хилқат,  
О, заҳматли роҳат, жиддий савлату сумбат,  
Сувратда нозанин, вале сийратда офат,  
Қўрғошин пат, равшан тутун, муздек аланга,  
Соғлом касал, уйқу ичра уйғоқлик, азоб,  
Шундоқ севги мени бутун айлади хароб  
Гапларимга кулмайсанми?

Б е н в о л и о

Йиғлайман, жиян.

Р о м е о

Нега энди?

Б е н в о л и о

Мен ҳолингга боқиб, йиғлайман.

Р о м е о

Балли, севги, муҳаббатнинг касофати бу!  
Бас, шундоқ ҳам ортиқ эди дилимда қайғу,  
Сенинг ҳамдардлигинг билан тагин ортди у.  
Менга кўрсатганинг бундоқ шафқат ва карам  
Боисидан ортди яна юракда алам.  
Севги нима? Дил оҳидан таралган тутун,  
Севишганлар кўзларида оловдир, ёлқин,  
Ошиқларнинг кўз ёшидан яралган денгиз.  
Яна недир севги? У бир доно жиннилик,  
Заҳардан ҳам заққум, вале асаддан ширин.  
Хайр, биродарим.

Б е н в о л и о

Шошма, мен ҳам сен билан,  
Шундоқ ташлаб кетаверсанг, хафа бўламан.

Р о м е о

Ҳой, мен йўқотганман ўзни, излаш бефойда,  
Ромео йўқ, Ромео ул бошқа бир жойда.

Б е н в о л и о

Менга айт-чи, кимдир ўшал жондан севганинг?

Р о м е о

Нима қилай, исмин айтиб, фарёд чекайми?

Б е н в о л и о

Фарёд нечун? Фақат унинг исмин айтсанг, бас.

Р о м е о

Бу - беморга васият қил, дегандек бир гап,  
Ки хастага бунни айтиш жуда ҳам офир.  
Хуллас калом, бир гўзални севиб қолдим мен.

Б е н в о л и о

Бундан чиқди, нишонни мен тўғри олибман.

Р о м е о

Сен - мергансан, суюклигим - нақ фариштадай.

Б е н в о л и о

Мўлжал гўзал эса, унга отиш ҳам қулай.

Р о м е о

Йўқ, сен янглишасан, ўша тангри Купидон  
Унга ўқлар отса ҳамки, этмагай асар.  
Юрагида Диананинг юдузи яшар.  
Бокиралик - совут унга, қилич ва қалқон,  
Хушомадли сўзлар таъсир этмоғи гумон,  
Ва термулган кўзларга ҳам доим бепарво,  
Уюм-уюм олтинларга боқмас бир қиё.  
О, у ҳусн маликаси, ҳуснини бир кун  
Мозорига шундоқ олиб кетмоғи мумкин.

Б е н в о л и о

У дунёдан тоқ ўтишга қасам ичганми?

Р о м е о

Қасам ичган, қасамида турипти собит,  
Бундоқ қаттиқ бағритошлик охири маълум,  
Ул чечакни зурриётдан айлагай маҳрум.  
У гўзалдир, у оқила, у доно малак,  
Тақводорлигига боқиб, шу жоним ҳалак.  
Муҳаббатдан воз кечдим, деб онт ичди санам,  
Мен-чи, энди тирик эмас, тирик мурдаман.

Б е н в о л и о

Сенга маслаҳатим шуки, унуттил уни.

Р о м е о

Эвоҳ, қандоқ унутамаман? Ўргаттил буни.

## Б е н в о л и о

Кўзларингга бергил кўпроқ эрку ихтиёр,  
У биттамас, яна бошқа гўзаллар ҳам бор.

## Р о м е о

Шундоқ қилсам, кўраманки, гўзаллар ичра  
У гўзалдир, латофатда танҳо, беқиёс.  
Юзларига ниқоб тутар хонимлар нечун?  
Қора ниқоб ичра кўпроқ чақнайди ҳусн.  
Кўз нуридан айриларкан эртами ё кеч,  
Киши ўша хазинани унутарми ҳеч?  
Менга кўрсат бир гўзални, тенгсиз чиройи  
Хаёлимдан ўчиролсин унинг хаёлин,  
Борми шундоқ бир санамнинг ҳусну жамоли?  
Хайр, уни унутишни ўргатолмайсан.

## Б е н в о л и о

Ўргатаман ёки армон ичра ўламан.

*(Кетишади.)*

## Иккинчи саҳна

Кўча.

Капулетти, Парис ва хизматкор киришади.

## К а п у л е т т и

Монтеккини жазолашди, қўшиб, мени ҳам,  
Иккимизга жазо — бирдек жарима бўлди.  
Не қиларди, аҳил бўлиб яшасак энди...

## П а р и с

Эл ичида эъзозлисиз, икки муҳтарам,  
Аммо, афсус, орангизда қадим адоват  
Ҳа, дарвоқе, таклифимга не дейсиз, хўжам?



## Ка пу л е т т и

Жавоб ўша, аввал бошда берган жавобим,  
Қизим ҳали бўй етмаган, навниҳолдек ёш,  
Норасида, ўн тўрт ёшга энди тўлади.  
Келинг, яна икки ёзни кечирсин яйраб,  
Кейин унинг никоҳ тўйин қилса бўлади.

## П а р и с

Ундан-да ёш оналар бор, яшар шодумон.

## Ка пу л е т т и

Шунинг учун гул очмасдан бўлишар хазон.  
Тупроқ ютди бирин-бирин фарзандларимни,  
Тупроғимнинг омон қолган сўнг умиди шу.  
Ширин сўзлар айтиб, Парис, эритинг қизни,  
У кўнса, бас, йўқ демайман, рози бўламан.  
У йигитлар орасида танласа сизни,  
Кувёликка бажонидил қабул қиламан.  
Бугун оқшом уйимизда одатий базм,  
Қадрдонлар йиғилишар, келинг, марҳабо,  
Фақир кулбамизнинг азиз меҳмони бўлинг.  
Кўражаксиз ҳусни билан осмонларни ҳам  
Юлдуз бўлиб ёритгувчи нозанинларни.  
Ёшлик завқу шавқи бўлур юракларга эш,  
Шундоқ бир сурурким, оқсоқ қишининг ортидан  
Ташриф буюргувчи фасли баҳордек дилкаш.  
Гулғунчалар келур, кўринг, тингланг, баҳоланг  
Ҳар бирининг хислатини, тароватини.  
Улар орасида менинг қизим ҳам бўлур,  
Гарчи эътиборга унча лойиқ эмас ул.  
Қани, юринг.

*(Хизматкорга қогоз узатиб)*

Сен, йигитча, Верона бўйлаб  
Учгил, бунда исмлари битилган барча

Кишиларни зиёфатга айлагил даъват,  
Бугун оқшом уйимизга марҳабо, деб айт.

*(Капулетти ва Парис кетишади)*

### Х и з м а т к о р

Бунда исми битилганларни топиб, айт эмиш!.. Бунда нималар ёзилганини мен қаёқдан билай? Балки этиқдўз газчўп, тикувчи қолип, балиқчи мўйқалам, рассом тўр билан ишласин, деб ёзилгандир. Номлари битилган кишиларни топиб, айт эмиш!.. Очик гапки, бу ерда кимларнинг номлари битилганини мен ҳеч қачон билолмайман. Билафон кишилардан сўрашга тўғри келади. Ана, Худонинг ўзи етказди.

Бенволио билан Ромео киришади.

### Б е н в о л и о

Асло! Сен оловни олов, ўт билан ўчир,  
Янги оғриқ босар пича эски оғриқни,  
Бошинг айланаркан, унга тескари айлан,  
Эски ғамни даволайди янги изтироб.  
Янги дардинг кўзларингда ёқар экан ўт,  
Эски аччиқ азобларинг этарсан унут.

### Р о м е о

Унда энг яхшиси менга - отқулоқ барги.

### Б е н в о л и о

Нега? Нечун?

### Р о м е о

Оёғимни даволаш учун.

### Б е н в о л и о

Ҳой, Ромео, нима бало, жинни бўлдингми?

Р о м е о

Жинни эмас, жиннидек қўл-оёғим боғлиқ,  
Қоронғу бир зиндондаман, ҳорғин, оч-наҳор.  
Ҳар дақиқа азобларга, қийноққа дучор  
Хайрли кун, келинг, ошнам.

Х и з м а т к о р

Салом, тақсирим  
Сиз ўқий оласизми?

Р о м е о

Ҳа, ўқийман қисматимни қайғуларимдан.

Х и з м а т к о р

Сиз буни китоблардан ўқиб, ўрганмагансиз.  
Мен кўзингиз кўрган нарсани ўқий оласизми, деб сўра-  
япман.

Р о м е о

Ҳарфи, тили таниш бўлса, ўқий оламан.

Х и з м а т к о р

Танги жавоб. Хўп, яхши қолинг.

*(Кетмоқчи бўлади.)*

Р о м е о

Ҳой, тўхта, ошнам. Мен ўқий оламан.

*(Ўқийди.)*

"Сеньор Мартино, унинг рафиқаси ва қизлари; граф Ансельмо ва унинг ойбарчин сингиллари; бева Витрувио хоним; сеньор Плаченсио ва унинг гўзал жиянлари; Меркуцио ва унинг биродари Валентин; амаким Капулетти, унинг хотини ва қизлари; латофатли жияним Розалина; Ливия; сеньор Валенцио ва унинг амакиваччаси Тибальт; Лючио ва унинг шўх, қувноқ рафиқаси Елена"

Гап йўқ, ажойиб бир йигин!.. Хўш, булар қаёққа бо-  
ришади?

Х и з м а т к о р

Тевага.

Р о м е о

Қайси тевага?

Х и з м а т к о р

Бизнинг уйга, зиёфатга.

Р о м е о

Кимнинг уйига?

Х и з м а т к о р

Хўжайинимнинг уйига-да.

Р о м е о

Дарвоқе, мен буни одинроқ сўрашим керак эди.

Х и з м а т к о р

Сўрамасангиз ҳам ўзим айтиб бера қолай. Хўжайиним-  
ўша донг таратган бой-бадавлат Капулетти. Агар Мон-  
теккиларга мансуб бўлмасангиз, сиз ҳам марҳамат қилинг,  
даврада ўлтириб, бир қадаҳ май сипқаринг. Хайр, яхши  
қолинглар.

*(Кетади.)*

Б е н в о л и о

Капулетти уйидаги у зиёфатда  
Сенинг гўзал Розалинанг бўлур бегумон,  
Веронанинг бошқа гулираънолари ҳам.  
Юр, борайлик, мен кўрсатай, холис кўз билан  
Севганингни бошқаларга қиёслаб қара,  
Кўз ўнгингда қарға бўлиб қолар оққушинг.

## Р о м е о

О, кўзларим шу самовий муҳаббатимни  
Алдар эса, юрагимга сўзласа ёлгон,  
Кўз ёшларим алангага айлансин, майли,  
Бир кофирдек кейин ёниб битсинлар тамом.  
Ундан гўзал ким бор яна? Яралмиш дунё  
Дунё бўлиб, бунақасин кўрмамиш асло.

## Б е н в о л и о

Сен шошилма! У гўзални кўрганинг чоғи  
Ёнида ҳеч бўлмагандир бирор ўртоғи.  
Гавҳарингни тарозуда тортиб, чамала,  
Уни ўзга олмос ила айлагил қиёс,  
Бугун шундай жононларни кўрсатай сенга,  
Беқиёс, деб ўзинг иқрор бўласан менга.

## Р о м е о

Майли, борай, бошқаларни кўриш учунмас,  
Фақат ўша дилдоримни кўра олсам, бас.

*(Кетишади.)*

## Учинчи саҳна

Капулеттилар уйда бир хона.

Капулетти хоним ва Энага киришади.

## К а п у л е т т и х о н и м

Ҳой, энага, қизим қани? Қизимни чақир.

## Э н а г а

Кечган қизлик иффатимга қасам ичаман,  
Ўн икки ёшимда бериб қўйганман уни.  
Мен чақирдим, қўзичоғим, овунчоғим, кел!  
Вой, Худойим! Қайда бу қиз? Ҳой, Жульетта!  
Жульетта киради.

## Ж у л ь е т т а

Лаббай, мени ким чақирди?

Э н а г а

Ана, ойингиз.

## Ж у л ь е т т а

Ойижон, мен келдим, айтинг айтар сўзингиз.

К а п у л е т т и х о н и м

Бир гапим бор. Энага, сен бизни холи қўй,  
Бу - она-қиз орасида кечадиган сир.  
Йўқ, кетма, тур, келиб бундоқ биз билан ўтир,  
Биласанки, қизим анча бўй чўзиб қолди.

Э н а г а

Истасангиз, ёшин айтай соатма-соат.

К а п у л е т т и х о н и м

У ўн тўртта тўлмади.

Э н а г а

Мен гаров этардим

Нақ ўн тўртта тишимни ҳам, аммо қолгани  
Бор-йўғи тўртта, холос. У ўн тўртдамас,  
Айтинг, Ламмас ҳайитига неча кун қолди?

К а п у л е т т и х о н и м

Ҳайитгача фурсат - икки ҳафтадан ортиқ.

Э н а г а

Икки ҳафта, ортиқроқми, буни билмадим,  
Аммо ўн тўрт ёшга тўлар ҳайит кечаси.  
Қизим Сусанна ҳам худди шу ёшда эди,  
Худо олди, пешонамга сифмади, нетай.  
Уни раҳмат қилсин! Шуни аниқ биламан,

Ҳайит оқшомида у ҳам ўн тўртга тўлгай.  
Зилзила юз берган ўша ўн бир йил аввал  
Мен кўкрақдан айиргандим, эслайман ҳамон,  
Йиллар кечди, у кунни ҳеч унутолмайман  
Кўкрагимга аччиқ суриб, ўлтиргандим мен  
Каптархона деворига туташ офтобда,  
Сиз ва хўжам Мантуяда эдингиз унда.  
Вой, не дедим? Эсим қурсин, ҳа, худди шундоқ,  
Кўкрагимга мен қаламспир суриб олгандим,  
Қизалоғим бир-икки бор уни сўрдию  
Оғзи куйиб, ерга отди ўзни, аразлаб.  
Худди шу он каптархона силкинди қаттиқ,  
Мен турибоқ, ура қочдим, қаранг, шунга ҳам  
Ўн бир йил тўлибти, қизим энди оёққа  
Турган палла, йўқ, пилдираб югурарди у,  
Бир кун олдин пешонасин ёриб олганди.  
Эрим, Худо раҳмат қилгур, хушчақчақ эди,  
Қизалоқни қўлга олиб, эркалаб, деди:  
Бу нимаси? Йиқилибсан бутун юзтубан?  
Чалқанчага йиқиларсан эрта улғайсанг!  
Шундоқмасми, Жули? - дея яна сўрди ул,  
Ҳа, шундоқ, деб жавоб берди қизим тушмагур,  
Йиғлашдан ҳам тинди, ўша ҳазил-ҳузул гап  
Йиллар ўтиб, чиқаяпти, мана, рўёбга,  
Шундоқмасми, Жули? - дея эрим сўргани,  
Ҳа, шундоқ, деб Жульеттанинг жавоб бергани.

#### К а п у л е т т и х о н и м

Етар, бас қил, эзмаладинг роса, кифоя.

#### Э н а г а

Хўп бўлади, бекам, аммо ҳар гал эсласам,  
Кулгим қистайверар, ўзни тўхтатолмайман.  
У йиғисин босиб туриб, ҳа, шундоқ, деди,  
Манглайида ғурраси нақ тухумдек эди,  
Қўрқинч бир шиш.

Йиғлар эди аччиқ ўксиниб,  
Эрим сўрди: йиқилибсан нега юзтубан?  
Жули, бир кун катта бўлиб, камолга етсанг,  
Сен ортингга йиқиласан, шундоқмасми, а?  
Кўз ёшлари тиниб, қизим, ҳа, демишди, ҳа!...

### Ж у л ь е т т а

Сен ҳам тина қолсанг энди бўлар, энагам.

### Э н а г а

Хўп. Тугатдим, Худойимнинг ўзи асрасин,  
Ҳаммадан ҳам севиб, асраб ўстирдим сени,  
Тўйинг кўрсам, қолмас эди юракда армон.

### К а п у л е т т и х о н и м

Ҳа, дарвоқе, тўю никоҳ  
Шу хусусда мен  
Гаплашгани келган эдим, қизим, сен билан.  
Жульетта, нима дейсан қилсак тўйингни?

### Ж у л ь е т т а

Бундоқ шараф тушимга ҳам ҳатто кирмаган.

### Э н а г а

Бундоқ шараф!... Энагангман, йўқса, дердимки,  
Она сути билан сингмиш сенга фаросат.

### К а п у л е т т и х о н и м

Қизим, шу тўғрида бир оз ўйлаб қарагил,  
Веронада сендан-да ёш келинчақлар бор,  
Аллақачон она бўлган.  
Менинг ўзим-чи,  
Сенга кўзим ёриганда сендан ёш эдим.  
Гапнинг хулосаси шуки, шавкатли Парис  
Розилигинг сўраб, сенга совчи юбормиш.



## Э н а г а

Йигитмисан йигит, яна ўшандоқ ким бор?  
Мумдан яралганми, дейсан, силлиқ, беғубор.

## К а п у л е т т и х о н и м

Веронада унга қиёс этгудек гул йўқ.

## Э н а г а

Гул демагил, дегил уни гулларнинг гули.

## К а п у л е т т и х о н и м

Нима дейсан? Шуңдоқ йигит сенга маъқулми?  
Бугун оқшом зиёфатда кўрасан уни.  
Юзларининг китобида ўқирсан чандон  
Гўзал қалам битган нозик калималарни.  
Нафис чизгиларга қара синчиклаб, илло,  
Кўргил, улар бир-бирига бағишлар маъно.  
Гар китобда кўрар бўлсанг бирорта қусур,  
Кўзларидан сўра уни, кўзлар англатур.  
Шу бебаҳо ишқнома, шу китобга ҳусн  
Бағишловчи чиройли бир муқова лозим.  
Балиққа сув даркор, балки денгиз ҳар маҳал,  
Ҳар кўринмас ҳуснга ҳам керақдир сайқал.  
Кўплар назарида теран маънолар албат  
Зарварақлар ила яна топади қиймат.  
Ҳуснинг ила ҳусни ортар унинг ҳар нафас,  
Унга тегсанг, бирор жойинг камайиб қолмас.

## Э н а г а

Нега камаяркан? Йўқ, кўпаяди. Хотинлар эрга тегса,  
тўлишади-ку.

## К а п у л е т т и х о н и м

Менга айт-чи, қизим, Парис маъқулми сенга?

## Ж у л ь е т т а

Мен қарайман, агарда-чи ёқтириб қолсам,  
Кўзим тикиб, бир чамалаб боқаман ўзим,  
Бас, десангиз, ўша заҳот оламан кўзим.

Хизматкор киради.

## Х и з м а т к о р

Бекам, меҳмонлар келишди, дастурхонга таомлар тор-  
тилди, ҳамма сизга мунтазир, ёш бекамни сўрашяпти, та-  
ванхонада энагани сўкишяпти, ҳамма ёқ алғов-далғов.  
Мен меҳмонларга хизмат қилишим керак. Марҳамат  
қилиб, ташриф буюрсинлар.

## К а п у л е т т и х о н и м

Қани, кетдик. Граф сени кутар, Жульетта.

## Э н а г а

Боргин, қизим, бахтли тунинг тонгта улашсин.

*(Кетишади).*

## Тўртинчи саҳна

Кўча.

Ромео, Меркуцио ва Бенволио ниқоб таққан беш-олти киши  
билан кириб келишади. Машғал кўтарган хизматкорлар ва но-  
горачи бола.

## Р о м е о

Кирар экан, бирон оғиз сўз айтамызми,  
Ёки кириб борамизми сўзсиз, садосиз?

## Б е н в о л и о

Сухандонлик қилиш бунда ҳозир урф эмас,  
Ҳожати йўқ кўзларига қийиқча бойлаб,  
Татар ўқ-ёйини тутган Купидоннинг ҳам,

Хонимларнинг ўтақасин ёриш не даркор?  
Неча бир сатрни суфлёр кўмаги билан  
Узуқ-юлуқ такрорлашга асло лузум йўқ.  
Улар қандай баҳоласа, баҳолар бизни,  
Биз уларга баҳолатиб қўймаймиз ўзни.

Р о м е о

Менга машғал беринг. Уйга ёруғлик элтай,  
Кайфиятим бузук, рақс туша олмайман.

М е р к у ц и о

Йўқ, Ромео, сен рақсга тушмоғинг керак.

Р о м е о

Мени қўйинг, сизда шундоқ енгил этиклар,  
Менинг юрагимда эса юким кўп оғир,  
Мени ерга эгар ўша, қўрғошиндай зил...

М е р к у ц и о

Сен ошиқсан, қанот олиб ишқ тангрисидан,  
Осмонларга парвоз қилиб, учавер баланд.

Р о м е о

Ишқ найзаси тилка-пора этмиш бағримни,  
Қанотларим оғир, олиб учолмас мени.  
Қадам босишга ҳам қўймас устимдаги ғам,  
Муҳаббатим залворидан қаддим букилган.

М е р к у ц и о

Сен йиқилма, лат емасин устингдаги юк,  
Севги деган нафис бўлур, жуда ҳам нозик.

Р о м е о

Севги нозик эмишми? Йўқ, бешафқат, дағал,  
Тикан бўлиб қадалади, санчади наштар.

## М е р к у ц и о

Севги дағал эса, сен ҳам дағал бұл унга,  
Тиканларингни санч, уни қориштир ерга.  
Ниқоб беринг, юзларимни яширай энди.

*(Ниқоб кияди.)*

Ниқоб узра ниқоб! Аммо не парвойим бор?  
Биров хунук деса боқиб юзимга атай,  
Юзим эмас, шу бедаво ниқоб қизаргай.

## Б е н в о л и о

Эшик қоқинг,  
Ичкарига кираркан, ҳамон  
Ҳамма бирдек оёғини ўйнатсин равон.

## Р о м е о

Менга машғал беринг, юрак машғаласини,  
Майли, истаганлар ўйнаб, рақсга тушсин,  
Мақолларда айтилгандек, бир четда туриб,  
Мен чароғбон бўла қолай базмингизга то.  
Ўйин авжига чиқар экан, бўлурман адо.

## М е р к у ц и о

Ҳай-ҳай, гапнинг рости лекин, жонга ҳам тегдинг,  
Сен бир четда адо бўлсанг, турмаймиз қараб.  
Биз севгингдан қутқазамиз сени, ишонгил,  
Чўқар бўлсанг, қулоғингдан тутиб, тортқилаб.  
Кетдик, машғал ёқаяпмиз куппа-кундузи.

## Р о м е о

Ундоқ эмас.

## М е р к у ц и о

Биз бу ерда имиллаш билан  
Худди куппа-кундуз куни чироқ ёққандай,  
Беҳудага сарфляяпмиз машғал нуруни.

Менинг ушбу доно сўзим бу ерда ҳозир  
Беш калланинг идрокидан беш карра устун.

Р о м е о

Шу базмга келганимиз ёмонмас балким,  
Аммо лекин яхши ҳаммас.

М е р к у ц и о

Хўш, нега энди?

Р о м е о

Мен бу кеча туш кўргандим.

М е р к у ц и о

Мен ҳам туш кўрдим.

Р о м е о

Қанақа туш?

М е р к у ц и о

Туш дегани ёлғон ҳаммаси.

Р о м е о

Мен туш кўрсам, тушим ўнгдан келар ҳамиша.

М е р к у ц и о

Демак, малика Меб сизга илашиб қопти.

Р о м е о

Малика Меб? Ким у?

М е р к у ц и о

Париларнинг дояси,  
Шаҳар беги бармоғида ярқираб ёнган  
Ақиқтошдек бўйчаси бор, кичкинтой, жажжи.  
Киши ухлаганда унинг бурни устида  
От-арава қилиб сураб заррачаларни.

Кегайлари - ўргимчакнинг оёқларидан,  
Соябони - чигиртканинг бир жуфт қаноти,  
Мезон ипларидан унинг қўлида тизгин,  
Бўйинчалар эса намчил ой шуъласидан,  
Чирилдоқнинг суягидан қўлда қамчиси,  
Аравакаш эса унга - ушоқ бир пашша.  
Ялқов қизнинг тирноқлари остида ўсган  
Қуртчалардан кичикроқ у, шу қадар майда.  
Араваси - ичи бўм-бўш ёнғоқ пўчоғи,  
Уни олмахон ё қари қўнғиз ясаган,  
Париларнинг аравасоз устаси улар,  
Меб ҳар кеча аравасин ҳайдаб, от сурар,  
У туфайли ошиқларнинг туши - муҳаббат,  
Аъёнларнинг туши - сарой, савлат, салобат,  
Қозиларнинг тушларида беҳисоб пора,  
Хонимларнинг лабларига тўқиниб ўтса,  
Тушда кўрганлари нуқул ширин бўсалар,  
Баски, улар ширинликка ўчдир ҳамиша,  
Ўша ўтдек дудоқларга учуқ тоширар.  
Амалдорнинг бурни узра от сураркан у,  
Унинг тушларига кирар ўтинч, илтифот.  
Чўчқа думи қилчасини судраб оҳиста,  
Меб таъмагир поп бурнини қитиқлаб ўтса,  
Унинг тушда кўражаги - фойда, манфаат.  
Гоҳо асқар бўйни бўлар унга равон йўл,  
Шунда тушга кирар қонли жанглар, суронлар,  
Испания шамширлари, кесилган бошлар,  
Улкан, чуқур қадаҳлар ҳам кўринар унга,  
Ноғоралар гумбуридан уйғониб кетар,  
Бир-икки бор дуо ўқир қўрқиб, қалтираб,  
Ёстиққа бош қўяр яна, уйқуга ботар.  
Бу ўша Меб, отхонага кириб гоҳида  
От ёлларин тараб, ўриб қўйғувчи фақат,  
Уни ечган бир балога учрайди албат.  
Бу ўша жодугар, қизлар чалқанча ётса,

Устларидан босиб, сира бермаган уйқу,  
Аёл бўлиш ҳунарига ўргатади у.  
Бу ўша...

### Р о м е о

Ҳай, Меркуцио, етади, бас қил!  
Айтганларинг бари сийқа, сафсата.

### М е р к у ц и о

Тўғри,  
Мен тушларни сўйладим. Хўш, туш дегани не?  
Бўш-бекорчи хаёлларнинг меваси улар.  
Ва бетийиқ тасаввурнинг маҳсули бўлар.  
Нозик, нафисликда ҳафиф ҳаводек худди,  
Аммо шамол каби доим беқарор, дайди.  
Бир шамолким, шимолнинг муз кўксидан келар,  
Аммо қаҳрланса борми, қўзғалур яна,  
Шабнамларга чўмиб ётган жанубга елар.

### Б е н в о л и о

Ҳай, учириб кетмасин у бизни ҳам ҳамон,  
Шошилайлик, алақачон тортилди таом.

### Р о м е о

Ҳали эрта эмасмикин? Сезиб турибман,  
Юлдузларга нақшланган аччиқ қисматим  
Осмонлардан туриб солур бахтимга соя.  
Шу оқшомги базм бўлур мудҳиш ибтидо,  
Шундан кейин сўнар, кўпга чўзилмас умрим,  
Ва бемаҳал ўлим билан топар ниҳоя.  
Эй ҳаётим кемасининг соҳиб дарғаси,  
Елканларинг кўтар!.. Қани, юринглар энди.

### Б е н в о л и о

Ноғора чал!..

*(Ҳамма кетади.)*

## Бешинчи саҳна

Капулетти уйида бир зал.

Машшоқлар кутиб туришибди. Қўлларида сочиклар билан хизматкорлар киришади.

### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Потпан қани? Қаёққа йўқолди у? Нега у қарашмаяпти? Идиш-товоқларни алмаштириш лозим. Бошқаларини ювиб, тозалаш даркор.

### И к к и н ч и х и з м а т к о р

Барча юмуш бир-икки ювуқсизнинг қўлига қоларкан, иш мана шундоқ расво бўлади.

### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Курсиларни олинг, жавонларни нари сурунг, ликопчаларни жой-жойига қўйинг. Азизим, менга бўғирсоқдан олиб қўй. Мени чинакам яхши кўрсанг, бориб, эшикбонга тайинла, Сусанна Грайндстон билан Неллини ичкарига қўйсин. Эй Антоний!.. Эй Потпан!..

### И к к и н ч и х и з м а т к о р

Лаббай, шу ердаман.

### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Сизларни катта зада кутишаяпти. Оёғингни қўлингга олиб, югур!

### У ч и н ч и х и з м а т к о р

Бир йўла ҳам у ёқ, ҳам бу ёққа қандоқ улгурамыз?

### И к к и н ч и х и з м а т к о р

Чаққонроқ, йигитлар! Бўш келиш йўқ!  
Кўп яшаган кўп ошайди.

Капулетти, Капулетти хоним, Жульетта ва бошқа хонадон аҳли кириб, меҳмонларни, ниқоб таққанларни қарши олишади.



## Капулетти

Мархабо, жаноблар! Гўзал хонимлар билан  
Яйраб-яйраб рақсларга тушасиз бугун.  
Аҳ-ҳа, гўзалларим, қани, қайси бирингиз  
Ўйинга тушишдан бўйин товлар экансиз?  
Қасам ичиб айтаманки, ўша жононнинг  
Оёғида сўтали бор, шундоқ эмасми?  
Хуш келибсиз, биродарлар! Ёдимга тушди  
Ниқоб тақиб, базмларда юрган пайтларим,  
Гўзалларнинг қулоғига айтган байтларим,  
Эссизгина бари ўтди, мозийга кетди.  
Марҳамат, жаноблар! Қани, машшоқлар чалинг,  
Ўртани кенг олинг, қизлар, тушинг даврага.

*(Муסיқа чалиниб, меҳмонлар рақсга тушишади.)*

Чирокларни кўпроқ ёқинг! Эй муттаҳамлар!  
Курсиларни нари суриг, ўтга сув уринг,  
Каминни пасайтинг бир оз, уй исиб кетди,  
Кутилмаган шодиёна мени фарқ этди.

*(Ўз кекса қариңдошига.)*

Йўқ-йўқ, ўтир, Капулетти, азизим, ўтир,  
Сен билан биз рақс тушган давронлар ўтди.  
Сен билан биз ниқоб тақиб, охирги марта  
Қачон рақс тушган эдик?

Ч о л

Ўттиз йил аввал.

## Капулетти

Йўғ-ей, мунча кўп эмасдир, мунчалар кўпмас,  
Люченцио никоҳ тўйи эди чамамда,  
Биз ўшанда ниқоб кийиб, рақс тушгандик,  
Йигирма беш йилча бўлди, бундан ортиқмас.

Ч о л

Йўқ, кўп бўлди, унинг ўғли ўттиздан ошди.

## Капулетти

Вой, тавба-ей, тавба, наҳот рост бўлса шу гап?  
Кечагина ўғли думбул ўспирин эди.

Ромео

*(Ўз хизматкорига.)*

Ким у, анув дов йигитга ушлатиб қўлин,  
Рақс тушаётган жонон?

Хизматкор

Тақсир, билмадим.

Ромео

Унинг ҳусни тўсиб қўйди машғалларни ҳам,  
Занжи қулоғида ёнган гавҳар мисоли  
Қаро тунни ёритади ойдек жамоли.  
У ноёбдир, бебаҳодир бу дунё учун,  
Зоғлар даврасида оппоқ кабутар гўё.  
У қайдаю қайда эмиш ўзгалар ҳусни?  
Улар рақс тушиб бўлсин, дарҳол бораман,  
Қўлларига қўлим жиндак тегса ҳам - савоб,  
Шу чоққача севармидим? Айтинг, кўзларим,  
Шундоқ ҳусну малоҳатни кўргансиз қачон?

Тибальт

Овозидан танийманки, Монтеккидир бу,  
Ҳой, йигитча, қилични бер! Қулбачча нечук  
Журъат айлаб, ниқоб кийиб келмиш бу ёққа?  
Келмиш магар масхаралаб, кулгу қилмоққа?  
Мен оилам номусига қасам ичаман,  
Ўлдираман, гуноҳ бўлмас уни ўлдирсам.

Капулетти

Ҳай, қариндош, нега мунча шовқин соласан?

## Т и б а л ь т

Амакижон, душманингиз Монтекки келмиш,  
Ниқоб кийиб, яширинча кирмиш муттаҳам,  
У ҳойнаҳой базмимизни бузар бу оқшом.

## К а п у л е т т и

Ёш Ромео эмасми у?

## Т и б а л ь т

Аблаҳ Ромео!

## К а п у л е т т и

Ташвиш чекма, жиян, уни ўз ҳолига қўй,  
У одобли, назокатли, ҳалол бир йигит.  
Ростин айтсам, Веронада йигитлар ичра  
Мақтовлидир унинг хулқи, равиш-рафтори.  
Шаҳарнинг бор бойликларин инъом этсанг ҳам  
Йўл қўймасман уни койиб, ранжитишингга,  
Шундоқ экан, ўзингни бос, парво айлама.  
Менинг хоҳишим бу, жиян, қатъий амал қил,  
Қовоқ-думоғ қилиб юрма, илтифотли бўл,  
Зиёфатда қовоқ-думоғ қилиш яхшимас.

## Т и б а л ь т

Анув аблаҳ уйимизга кирса, яхшими?  
Йўқ, мен бунга чидамайман.

## К а п у л е т т и

Айтдим, чидайсан!  
Бу нимаси! Чидамасанг, қани, бор, жўна,  
Бу ерда мен хўжайинми, сенми хўжайин?  
Чидамас эмишлар! Ўзинг асра, Худойим!  
Жанжал кўтармоқчимисан меҳмонлар ичра?  
Вой, мақтанчоқ хўроз! Етар, энди одам бўл!

## Т и б а л ь т

Амаки, бу уят, ахир.

## К а п у л е т т и

Қани, жўнаб қол!

Сен жанжалкаш бир йигитсан, ишондим ортиқ.

Бу қилмишинг зиён бўлиб қайтади сенга,

Менга ақл ўргатмоқчи бўласанми, а?

Кет, безори! Дамингни ют, фингшима, йўқса...

Яна кўпроқ чироқ ёқинг, чироқ!.. Эй уят!..

Ўзим тинчитаман сени!.. Дўстлар, марҳабо!..

## Т и б а л ь т

Алам қақшатади, нетай, босаман уни,

Қаҳру газаб вужудимни титратар ҳамон.

Мен кетаман, аммо бу иш яхши бўлмади,

Ҳозир гарчи хуш кўрингай охири ёмон.

*(Кетади.)*

## Р о м е о

*(Жульеттага)*

Нозик қўлларинга дағал қўлларим тегди,

Магар озор бермадимми, эй раъно ҳусн?

Ижозат эт, қўлларингдан ўпайин энди,

Гуноҳимни зиёратчи лабларим ювсин.

## Ж у л ь е т т а

Зиёратчим, қўлингизни кўпам камситманг,

Сидқу садоқатини у айлади зоҳир.

Қўлни қўлга берар экан аҳли ибодат,

Бу уларнинг кўришгани, ўпишганидир.

## Р о м е о

Зиёратчи ҳожиларнинг лаблари йўқми?

Ж у л ь е т т а

Лаблари бор, фақат зикри ибодат учун.

Р о м е о

О, унда-чи, пирим, қўлим адо этганни,  
Изн беринг, лабларим ҳам адо айласин.  
Йўқ, десангиз, иймонимга кўшилар куфр.

Ж у л ь е т т а

Пирлар эгилмайди, аҳли ихлос энгашур.

Р о м е о

О, сиз қимирламанг, пирим, мен энгашаман.

*(Ўпади.)*

Гуноҳидан фориф бўлди лабларим энди.

Ж у л ь е т т а

Демак, у гуноҳлар менинг лабимга инди.

Р о м е о

Лабларимнинг гуноҳими? Бу не кўргулик!  
Тутиб турманг уни, менга қайтаринг, жоним.

Ж у л ь е т т а

Сиз ўпасиз китобларда битилганидек.

Э н а г а

Қизим, ойинг чақирмоқда, гапи бор эмиш.  
Жульетта кетади.

Р о м е о

Ойиси ким?

Э н а г а

Ҳай, йигитча, қайда турибсиз?

Шу хонадон бекасидир ойиси унинг.  
Оқила ва олийжаноб, гўзал бир хоним,  
Мен эсам, шу барно қизнинг энагасиман,  
Айтиб қўяй, уни олган давлатманд бўлур.

Р о м е о

Капулетти қизими у? Эвоҳ, қисматим!  
Умрим энди душманимга гаровга қолди.

Б е н в о л и о

Қани, кетдик. Ўйин-кулгу бўлди ажойиб.

Р о м е о

Аммо мени машаққату ташвишга қўйди.

К а п у л е т т и

Йўқ, жаноблар, шошиланглар, кетишга эрта,  
Ширинликлар, мевалар бор навбатда ҳали.  
Фурсат зиқми? Қололмайсиз? Унда ташаккур!  
Яна бир бор хуш келибсиз, хайрли хуфтон,  
Машғал тутиб, меҳмонларнинг йўлин ёритинг!  
О, чинданам кеч бўлибти, вақт алламаҳал,  
Ётиб, роҳат дам олишнинг айни палласи.

*(Жульетта ва Энагадан бўлак ҳамма кетади.)*

Ж у л ь е т т а

Энагажон, бери кел-чи, анув йигит ким?

Э н а г а

Тиберио деган чолнинг ўғли, вориси.

Ж у л ь е т т а

Хув, эшиқдан чиқаётган анув йигит-чи?

Э н а г а

Уми? Агар адашмасам, ёш Петруччио.

Ж у л ь е т т а

Анави-чи, турибди-ку ўйинга тушмай?

Э н а г а

Танимадим.

Ж у л ь е т т а

Сўраб, билиб келгин, энажон.

*(Энага узоқлашади.)*

Гар уйланган бўлса, унда аҳволим хароб,  
Қабр бўлур менга оппоқ никоҳ тўшаги.

*(Энага қайтади.)*

Э н а г а

Унинг исми Ромео, у - Монтеккилардан,  
Сизга ганим бўлган зотнинг ягона ўғли.

Ж у л ь е т т а

Севгим куртак очди нафрат, адоватимдан!  
Уни эрта кўрдим, аммо кеч топиб олдим.  
Бахтсиз муҳаббатнинг ажиб ибтидоси бу,  
Ки ашаддий душманнимни мен севиб қолдим.

Э н а г а

Нималар деб пичирлайсан, қизим?

Ж у л ь е т т а

Ҳеч нима,  
Рақс тушиб, биров менга ўргатган бир шеър.

*(Кимдир саҳна ортидан "Жульетта!" деб чақиради.)*

Э н а г а

Ҳозир, ҳозир!.. Келган барча меҳмонлар кетди,  
Юргил, қизим, уйқу-ором фурсати етди.

Энага ва Жульетта кетишади.

## ПРОЛОГ

Хор киради.

### Х о р

Ўлим тўшагида ётар эски муҳаббат,  
Аммо янги севги кулиб, эшиқдан кирар.  
Ромеога азиз бўлган ҳусну латофат  
Жульеттанинг шуъласида милтираб сўнар.  
Яна севилмишдир, яна севар Ромео,  
Жульеттанинг нигоҳлари айламиш фусун.  
Йигит қиз тарафга ёқмас, ғанимдир, эвоҳ,  
Қизнинг юрагида ишқу ҳадикдан тугун.  
Баски, ёри ғаним эса, қандай кўришсин?  
Қандоқ қилиб ичсин энди севгига қасам?  
Қиз қалбида зиёдадир севгиси лекин,  
Ёри билан кўришмоққа эътимоди кам.  
Аммо севги куч бағишлар, фурсат ва замон  
Севишганлар висолига очади имкон.

*(Кетишади.)*

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Верона. Капулетти боғининг деворлари ёнида.  
Ромео киради.

### Р о м е о

Қандоқ кетай, ахир, қалбим шу ерда бўлса,  
Эй дунёи замин, айлан, меҳварингни топ.

*(Деворга тирмашиб чиқиб, ўзини нарёққа ташлайди.)*

Бенволио билан Меркуцио киради.



Б е н в о л и о

Ромео! Ҳой, биродарим!

М е р к у ц и о

У аҳмоқ эмас,  
Онт ичаман, ухлагани жўнади уйга.

Б е н в о л и о

Югурганча келди-да, шу девордан ошди,  
Меркуцио, чақир уни.

М е р к у ц и о

Майли чорлайман  
Сеҳру афсун ўқиб энди. Эҳ-ҳей, Ромео!  
Эй ошиғи девона! Эй мажнуни шайдо!  
Кўриниш бер бир хўрсиниқ, ўтли оқ бўлиб,  
Оҳ-воҳ чекиб, шеър ҳам ўқи, майли, розиман,  
Эвоҳ, дегил, қофия қил "ёр"га "дилдор"ни,  
Ишқ тангриси Венерага хушомад айла,  
Унинг хира кўзли, шабкўр ўғлини мақта.  
Чунки битта ўқ узиш-ла Адам Купидон  
Чўри қизга ошиқ қилиб қўйди подшони.  
У индамас, қимирламас, бермайди садо,  
Маймун ўлган, сеҳру жоду этмайди амал.  
Шахло кўзли Розалина ҳақи, чорлайман,  
Унинг оппоқ юзи, гилос лаблари ҳақи,  
Нозик оёқлари, ларзон қуймичларию  
Ва уларга туташ ўзга неъматлар ҳақи,  
Бор қиёфанг билан бизга кўрин, Ромео!..

Б е н в о л и о

Сўзларингни эшитса, у ранжийди сендан.

М е р к у ц и о

Нега ранжир экан, магар чорладимми мен  
Розалина хонасига ўзга кимсани?

Розалина билан ёлғиз қўйдимми уни?  
Шундоқ бўлса, ранжи хотир бўлишга ҳақли.  
Чорловларим самимийдир, ранжимоқ нечун?  
Келсин, дедим севган ёри ҳурмати учун.

#### Б е н в о л и о

Кетдик, дарахтзорга кириб, яширинди у,  
Балки шунга ундар уни ишқий эҳтирос,  
Қоронғу тун унинг сўқир севгисига мос.

#### М е р к у ц и о

Муҳаббат кўр бўлса, ўқи мўлжалга тегмас.  
Балки ҳозир ўлтириб у дарахт остида,  
Ёрим олма бўлсайди, деб оҳлар уради,  
Ва оғзимга тушсайди, деб хаёл суради.  
Эй Ромео, соддадилсан, овора бўлма,  
Олма пишар балки, аммо оғзинга тушмас.  
Хайрли тун, дўстим, уйга жўнайман энди,  
Сенинг ер тўшагинг менга тўғри келмайди.  
Кетамизми?

#### Б е н в о л и о

Кетдик, биздан бекинган улфат  
Топилишни истамаса, излаш не ҳожат.  
Кетишади.

#### Иккинчи саҳна

Капулетти боғи.

Ромео киради.

#### Р о м е о

Ярадор бўлмаган кимса ярадан кулар.

*(Юқорида, деразадан Жульетта кўринади.)*

Анун деразада чақнаб кўринган нима?

Кунчиқар уфқи у, унда Жульетта - қуёш!  
Порла, қуёш, рашк айлаган ойни адо қил,  
У хастадир, аламлардан сарғаймиш юзи,  
Чунки ундан гўзалроқдир унинг чўриси.  
Баски рашк этаркан, унга чўрилиқ қилма.  
Устингдадир бокиралик либоси, яшил,  
Қизикчилар кийими у, ечиб ташлагил.  
О, севгилим, гўзал ёрим, ишқим, маликам,  
Бир малаксан, жоним, ўзинг билармикансан?  
У гапирди, йўқ, индамай, сокит турар, жим,  
Сўзлаётган кўзлари-ку, жавоб берайин,  
Мен сурбетман, у мен билан гаплашмаяпти.  
Унинг кўзларига боқиб, кўқда қўш юлдуз  
Ёлборишар, кетаяпмиз, иш чиқиб қолди,  
Биз келгунча ўрнимизда чарақлаб тур, деб.  
Улар ўрни алмашилиб қолса, не бўлар?  
Юлдузларни сўндиради унинг гул юзи,  
Хираланиб қолганидек чироқ кундузи.  
Осмонларга кўчса агар кўзлари, ҳамон  
Бутун дунё бўлур эди равшан, чароғон,  
Тонг отди, деб сайрашарди қушлар бетиним.  
Боқ! Қўлини чаккасига қўйди суюклим,  
Кошки эди, ўша қўлнинг қўлқопи бўлсам,  
Юзларини сийпар эдим.

### Ж у л ь е т т а

Вой, ҳолим хароб!..

### Р о м е о

У гапирди! Гапир яна, нозли малагим.  
Сен шу ажиб тун қўйнида бошим устида  
Осмонлардан учиб келган қанотли элчи.  
Ҳар лаҳзада инсонларнинг бошлари узра  
Нигоҳларни лол қолдириб учган фаришта.  
Оппоқ булутларга миниб, сузиб юргувчи,  
Соф ҳаволар оғушида жавлон ургувчи.

## Ж у л ь е т т а

О, Ромео, Ромео!... Сен нечун Ромео?  
Отангдан кеч, кечгил ному насабингдан ҳам.  
Гар кечмасанг, ишқимизга этгил қасамёд,  
Капулетти бўлишни мен энди истамам.

Р о м е о

*(Четга.)*

Яна эштайми ёки гапирсаммикан?

## Ж у л ь е т т а

Менга ганим сенмас, сенинг исмингдир, холос.  
Сен Монтекки бўлмасанг ҳам, ўша-ўшасан.  
Хўш, не эмиш Монтекки? У қўлмас, оёқмас,  
Юз ҳам эмас, кўз ҳам эмас, инсонга мансуб  
Ўзга аъзолармас. О, сен бошқа ном танла.  
Ном дегани нима? Исмин ўзгартирса гул,  
Гул бўлмасми, атир-уфор таратмасми ул?  
Ромеосан, Ромео деб чақирмаса ҳам,  
Сен аслида қандоқ эсанг, шундоқ қоласан.  
Номдан кечсанг, фазилатинг камайиб қолмас,  
Эй Ромео, исмингни қўй, тарк айла уни,  
Кейин, майли, сеникиман, ола қол мени...

Р о м е о

Жоним, айтган сўзингда тур, оламан сени,  
Мени ёрим десанг, исмим ўзгартираман,  
Ва ҳеч қачон бўлмагайман сўнгра Ромео!

## Ж у л ь е т т а

Ҳай, кимдирсан, шу қоронғу тун оғушида  
Сирларимга ошно бўлган кимса?

## Р о м е о

Билмадим,  
Ўзни қандоқ аташга ҳам энди ҳайронман.  
Исмим айтолмайман, ундан ҳазар қиламан,  
Сенинг душманинг у, жон деб йиртиб ташлардим  
Ўша исмим ёзиқ барча қоғозларни ҳам.

## Ж у л ь е т т а

Мен бу тилдан чиқаётган юзтача сўзни  
Эшитганим йўқ-ку, аммо овозинг таниш.  
Сен Ромео эмасмисан, яъни Монтеки?

## Р о м е о

Йўқ-йўқ, улар иккиси ҳам сен учун жирканч.

## Ж у л ь е т т а

Қандоқ келдинг, нега келдинг бу ерга, айттил?  
Тош деворлар боғимизни ўрамыш баланд.  
Қандоқ ошиб ўта олдинг? Бирор қариндош  
Кўриб қолса, қутулмайсан, бўлурсан ҳалок.

## Р о м е о

Севгим қанот бўлди, учиб, ошиб ўтдим мен,  
Тош деворлар муҳаббатга бўломас тўсиқ,  
Севги ўзи амр айласа, не қилсин ошиқ?  
Ҳатто қариндошларинг ҳам йўлим тўсолмас.

## Ж у л ь е т т а

Улар кўриб қолса, сенга беришмас омон.

## Р о м е о

Эвоҳ, шаҳло кўзларингдир менга беомон  
Йигирмата қариндошинг, қиличбозингдан.  
Аммо меҳр билан бир бор ташласанг назар,  
Меҳринг қалқон бўлур, менга душман не писанд.

## Ж у л ь е т т а

Аммо истамасмен сени кўришларини.

## Р о м е о

Қоронғу тун ёт кўзлардан яширар мени,  
Агар мени севар бўлсанг; магар севмасанг,  
Майли, улар кўра қолсин, ўлганим афзал,  
Ишқингга зор бўлиб, ҳар кун ўлиб юргандан.

## Ж у л ь е т т а

Айтгил, кимнинг изми билан кирдинг бу боққа?

## Р о м е о

Муҳаббатим амри билан келдим бу ёққа,  
Ишқим кенгаш берди, унга кўзимни бердим,  
Мен денгизчи бўлмасам-да, сузиб ўтардим  
Денгизнинг у қирғоғидан бу қирғоғига,  
Сендек асл ва бебаҳо дурдона учун.

## Ж у л ь е т т а

Тун пардаси юзларимга ниқобдир, йўқса,  
Кўрар эдинг хижолатдан қизарганимни.  
Мени эшитдинг сен, энди иложим қанча,  
Жон деб кечар эдим ўша айтганларимдан.  
Лутфу назокатни қўйгил! Очиқ айт менга,  
Мени севасанми? Бунга "ҳа" дейсан албат,  
Ёлғон эмас, ишонаман, айтган сўзинг чин,  
Аммо, онт ичсанг-чи, ёлғон бўлиши мумкин,  
Тангри Юпитер ҳам кулмиш ишқий қасамдан,  
О, Ромео, севар бўлсанг, айтгил баралла,  
Ўйламагин, бу қиз дарҳол кўна қолди, деб.  
Унда берсанг ҳамки буткул дунёни менга,  
Қовоқ уйиб, йўқ, деб жавоб бераман сенга.  
Гапнинг рости, мен севаман сени, Монтекки,  
Енгилтак эмасман, бундоқ хаёлга борма,

Ишон менга, ўзларини атай бепарво  
Тутган ўша ёлфондакам сиполардан ҳам  
Босиқроқман, номусимга садоқатлиман.  
Мен ҳам тутар эдим ўзни босиқ, совуққон,  
Аммо, нетай, сўзларимни эшитиб қолдинг,  
Воқиф бўлдинг ҳисларимдан, ҳавасларимдан.  
Қоронғу тун сирим очди, енгилга йўйма,  
Осонгина унади деб ўйлама мени.

Р о м е о

Дарахтларнинг учларини кумушлантирган  
Муборак ой шуъласига ичаман қасам.

Ж у л ь е т т а

Ойга қасам ичма, ойку шундай беқарор,  
Ҳар ой ўзгартирар шаклу шамойилини.  
Севгинг унга ўхшамасин асло.

Р о м е о

О, унда  
Айт, нимага қасам ичай?

Ж у л ь е т т а

Қасам ичма ҳеч,  
Аммо қасам ичар бўлсанг, кўрку камолинг,  
Худойимнинг ҳурматига этгил қасамёд.  
Сенга ишонаман.

Р о м е о

Агар қалбим севгиси...

Ж у л ь е т т а

Йўқ, қасамёд этма, кўриб, хурсандман гарчи,  
Мени севинтирмас тунги бу аҳду паймон,  
Жуда ҳам тез, шошилинич бу, қисток, ногаҳон.  
Ялт этаркан, биров, "ана, чақмоқ" демасдан,

Сўниб, дарҳол адо бўлган яшинга ўхшар.  
Хайрли тун! Келгуси гал учрашувгача  
Севгимиз ғунчаси чаман гулга айлансин  
Ёзги субҳидамнинг илиқ нафаси билан.  
Хайрли тун, жоним! Мени тўлдирган туйғу  
Юрагингга тўлсин, топгил ором ва шукуҳ!

Р о м е о

Кетаверасанми жиндак тасалли бермай?

Ж у л ь е т т а

Шу қоронғу тунда қандоқ тасалли берай?

Р о м е о

Мен қасам ичгандек сен ҳам қасамёд айла.

Ж у л ь е т т а

Мен қасамлар ичдим боя, сўрамасингдан,  
Ғар истасанг, яна бир бор қасам ичаман.

Р о м е о

Берган у сўзингни қайтиб олмоқчимисан?

Ж у л ь е т т а

Ҳа, қайтариб олгум, яна бермоқлик учун.  
Истайманки, борим бўлсин ихтиёримда.  
Менинг меҳру саховатим шу қадар чексиз,  
Менинг севги, муҳаббатим мисоли денгиз,  
Униси ҳам, буниси ҳам худди денгизча,  
Қанча берар бўлсам, яна кўпаяр шунча.

*(Ичкаридан энагаси чақиради.)*

Мени чақирешаяпти. Хайр, севгилим!  
Мана, ҳозир! - Аҳдингда тур, жоним, Монтекки!  
Бир нафас кут, мен ҳозироқ чиқаман яна.

*(Кетади.)*



Р о м е о

О, гўзал ва хайрли тун! Қўрқаман лекин,  
Булар бари тушларимдир, кечар уйқуда.  
Бундоқ ажиб воқеалар бўлмайди ўнгда.

Жульетта қайтиб чиқади.

Ж у л ь е т т а

Икки оғиз сўз, Ромео, сўнг хайрли тун,  
Агар юрагингда ишқинг чиндан рост эса,  
Ва уйланиш ниятинг бор эса, билдиргин.  
Мен эртага юборажак одамимга айт,  
Қачон, қайда ўқитасан никоҳ хутбасин.  
Бутун борлигимни сўнгра аямам сендан,  
Шу дунёда қайга десанг, боргум изингдан...

Э н а г а

*(Ичкаридан.)*

Қизалоғим!

Ж у л ь е т т а

Ҳозир, эна! - Агарда ишқинг  
Чин бўлмаса, ўтинаман...

Э н а г а

Ҳай, қизим!

Ж у л ь е т т а

Ҳозир!..  
Ана, бордим!.. Қўйгил мени ўз ғамим билан..  
Мен эртага юбораман.

Р о м е о

Жонимга қасам!

Ж у л ь е т т а

Сенга минг бор хайрли тун!

*(Кетади.)*

Р о м е о

Сенга хайр дейиш минг бор азоб мен учун.  
Севишганлар бир-бирига талпинар, бола  
Мактабдан қутулиб, уйга талпинганидай  
Хайрлашиб, кетишади улар, талаба  
Мактаб сари жўнагандек истар-истамай.

*(Кета бошлайди.)*

Ж у л ь е т т а

*(Яна юқорида пайдо бўлади.)*

Жим! Ромео, секин  
Лочин овозим бўлса,  
Мен қийқириб чақирардим бу анво қушни  
Тутқун деган овозини қўёлмас баланд,  
Йўқса, ўша тоғларни ҳам титратар эдим,  
Кар қилардим улардаги акси садони,  
О, Ромео! Ромео! - деб такрорлаш билан.

Р о м е о

Мени жоним чақирмоқда исмимни айтиб,  
Севишганлар саси тунда жаранглар ширин,  
Қулоқларга хуш ёқувчи тарона янглиғ.

Ж у л ь е т т а

О, Ромео!

Р о м е о

Лаббай, жоним!

Ж у л ь е т т а

Айтгил, эртага  
Қай соатда ҳузурингга борсин одамим?

Р о м е о

Соат тўққизларда.

Ж у л ь е т т а

Менинг қарорим қатъий,  
Аммо эртагача гўё йигирма йил бор.  
Ажаб, нега чақирдим мен сени, унутдим.

Р о м е о

Сен элагил, мен шу ерда кутиб тураман.

Ж у л ь е т т а

Сен кутиб тур шунда, мен-чи унутаё тагин,  
Сенга ҳамдам дамларимни эслайин фақат.

Р о м е о

Унутавер, мен ҳам шунда турайин, токи  
Ўй қолмасин хотирамда шу ўйдан бўлак.

Ж у л ь е т т а

Тонг ёришиб қолди, энди кетмоғинг керак.  
Оёғига ип боғланган қушсан, қизалоқ  
Гоҳо ипни салқи қўйиб, учирар жиндак.  
Қуш гўёки оёқлари занжирбанд асир,  
У жиндак учаркан, қизча ипни тортади,  
Қушнинг эрку ҳавосига рашки ортади.

Р о м е о

Кошки қушинг бўлсам.

Ж у л ь е т т а

Қушим бўлсайдинг кошки,  
Сени ўлдирардим севиб, эркалаш билан.  
Хайрли тун! Хайрли тун! Аччиқдир ҳижрон,  
Мен тонггача, хайрли тун, дейишга шайман.

*(Кетади.)*

## Р о м е о

Кўзларингни уйқу элтсин, ухлагин, жоним,  
Уйқу ичра тушинг бўлай, ширин ороминг.  
Мен-чи, роҳиб ҳузурига бораман ҳозир,  
Арз этаман, мушкулимга сўрайман тадбир.

*(Кетади.)*

### Учинчи саҳна

Р о ҳ и б Л о р е н с о ҳужраси.

Сават кўтариб, роҳиб Лоренсо киради.

### Р о ҳ и б Л о р е н с о

Тонг ҳайдайди табассум-ла бадқовоқ тунни,  
Булутларга чизар алвон сувратларини.  
Қоронғулик қочар ўзни ҳар ёққа уриб,  
Кайфи ошган кимсалардек йўлда турганиб.  
Қуёш олов назарини ерга солмасдан,  
Сабзаларга қўнган шабнам кўтарилмасдан,  
Саватимни тўлдирай мен дору ўтларга,  
Дору дармон гиёҳларга, оғу ўтларга.  
Ер - тириклик онасидир, унинг қабри ҳам,  
Ер - қабрдир тирикликка, она бағри ҳам.  
Биз излаймиз шу қориндан чиққан жонларни,  
Ер кўксини эмиб ўсган болажонларни.  
Хосияти, сифати бор уларнинг қанча,  
Ҳар бирининг вазифаси айру-айруча.  
О, шу тошлар, кўкатларда қанчалар хислат,  
Меҳрибонлик жамулжамдир, ҳикмат, фазилат.  
Энг арзимас мавжудот ҳам, гарчи паст тургай,  
Бежиз эмас, ерга бирор манфаат бергай.  
Истифода эта олсанг, фойда бергай хўп,  
Этолмасанг, манфаатдан мазаллати кўп.  
Хато қилсанг, яхши нарса ёмон бўлгуси,  
Фойда кутган жойда сенга зиён бўлгуси.

Увоққина шу гулда ҳам ҳаёт мужассам,  
Оғу бордир унда, яна дору-дармон ҳам.  
Ҳидлар эсанг, атри билан кулдиргувчи ул,  
Татиб кўрсанг, заҳри билан ўлдиргувчи ул.  
Икки рақиб яшар унда шундоқ ёнма-ён,  
Инсонда ҳам яшар шундоқ яхши ва ёмон.  
Гар ёмонлик яхшиликдан баланд келса, бас,  
Ўсимликка завол етиб, ямлайди мараз.

Ромео киради.

Р о м е о

Хайрли тонг, ота!

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Худо хайрингни берсин!  
Тонгда ширин салом бериб, ким келди экан?  
Ўғлим, мунча эрта турдинг, айна субҳидам,  
Демак, бирор ташвишинг бор бошингда сенинг  
Кексаларни ухлатмайди ташвиш ва қайғу,  
Ташвиш қўним топган жойда қочади уйқу.  
Ёш, навқирон болишга бош қўяркан, ҳамон  
Олтин тушлар оғушида қолур бегумон.  
Баски, шундоқ эрта туриб, келибсан, демак,  
Бу - сендаги ногаҳон бир ташвишдан дарак.  
Ёки адашдимми? Йўқ, бу сўзим бехато,  
Бу кеч сира ухламапсан, ўғлим Ромео.

Р о м е о

Ухламадим, аммо роҳат қилдим нақадар.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Ҳай-ҳай! Розалина билан бўлдингми магар?

Р о м е о

Розалина билан эмас, ота, қулоқ тут,  
Унут бўлди унинг номи, ўзи ҳам унут.

## Р о ҳ и б Л о р е н с о

Бўлмаса, айт, ўғлим, қайда кечирдинг тунни?

### Р о м е о

Ота такрор сўраяпсан, айтаман уни,  
Мен базмда бўлдим кеча душманим билан.  
У ногаҳон юрагимга ботирди ханжар,  
Мен ҳам ханжар урдим унинг кўксига, энди  
Иккимиз ҳам ярадормиз, ўзинг чора қил,  
Қутлуғ дору дармон билан бизни бойлагил,  
Унга нафратим йўқ, бизни бойлагил, отам,  
Мададкор бўл менга, менинг душманимга ҳам.

## Р о ҳ и б Л о р е н с о

Ўғлим, менга мақсадингни очиқ баён қил,  
Иқрор мавҳум эса, тавба бўлмагай қабул.

### Р о м е о

Очигини айтсам, майли, айтайин, тақсир,  
Капулетти қизи этди қалбимни асир.  
Мен севаман уни, у ҳам севади мени,  
Ота, никоҳ билан бойла севишганларни.  
Биз қандай учрашдик, қайда, қачон кўришдик,  
Аҳду паймон этиб, қандай қасамлар ичдик,  
Айтиб берай ҳаммасини, ўтинчим, ҳазрат,  
Бугун никоҳ ўқимоққа ваъда бер фақат.

## Р о ҳ и б Л о р е н с о

Ё азизлар! Бирданига шундоқ ўзгариш!  
Розалина, дея шунча ўртаниб, ёниш  
Дарҳол унут бўлдими, а? Тўғри дерлар, хай,  
Ёш йигитнинг муҳаббати кўзида бўлгай.  
Ё Исойи Масиҳ! Ахир, кеча эди-ку,  
Розалина, дея ёниб, йиғлар эди-у  
Наҳот зое кетса энди шунча кўз ёши,  
Магар эриб битдими у қайғулар тоши?

Чеккан оҳинг осмонларда юрибти ҳануз,  
Нолишларинг қулоғимда турибти ҳануз,  
Юзларингда кўз ёшларнинг изи бор ҳамон,  
Ювган билан ювилмас у, ишқингдан нишон.  
Кўз ёшлару оҳу фарёд замзамалари,  
Розалина учун эди уларнинг бари.  
Энди ўзгардингми? Ўзинг эттил хулоса,  
Аёллар не қилсин, эрлар бетайин бўлса?

Р о м е о

Койигандинг севганим-чун Розалинани.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Жиннилигинг учун койиб-нетганман сени.

Р о м е о

Муҳаббатинг кўм, деб ўзинг айтгансан менга.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Бошқасини қазиб ол, деб айтмадим сенга.

Р о м е о

Ўтинаман, койима, бу кўнгил берганим  
Севгимга чин севги ила бермоқда жавоб.  
Аввалгиси аксинча.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

О, билар эди у,  
Ишқинг омонатдир, тезда бўлгуси хароб.  
Ошиқи беқарор, майли, юргил мен билан,  
Бир андиша билан сенга кўмаклашаман.  
Балки шу никоҳ-ла икки хонадони хос  
Адовату хусуматдан бўлишар халос.

Р о м е о

О, тезроқ борайлик. Сабру чидам йўқ менда.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Кўп ошиқма, ошиққанлар қоқинар йўлда.

*(Кетишади.)*

### Тўртинчи саҳна

Кўча.

Бенволио билан Меркуцио киради.

М е р к у ц и о

Бу Ромео қурғур қайга йўқолди экан?  
У уйда тунаганми?

Б е н в о л и о

Тунамаган, йўқ.

М е р к у ц и о

Биласанми, Розалина касофати бу,  
У жодугар бир кун уни жинни қилади.

Б е н в о л и о

Анув Тибальт, Капулетти жияни бор-ку,  
Жўнатибти Ромеонинг номига мактуб.

М е р к у ц и о

Онт ичаман, у дуэлга чақирган.

Б е н в о л и о

Балки,  
Энди Ромео ҳам унга жавоб беради.

М е р к у ц и о

Саводли киши мактубга мактуб билан жавоб бериши  
табий.



## Б е н в о л и о

Йўқ, у мактуб эгасига, мен таклифингизни қабул қилдим, тақсирим, деб жавоб беради.

## М е р к у ц и о

Хайҳот! Шўрлик Ромео! У алақачон ўлиб бўлган эдику. Оқ жодугарнинг қора кўзлари уни адои тамом қилган. Қулоқлари муҳаббат қўшиғидан батанг, юраги муҳаббат ўқидан тилка-пора. Шундоқ аҳволда у қандай қилиб Тибальт билан жанг қиларкин?

## Б е н в о л и о

Дарвоқе, ўша Тибальт деганнинг нимаси бор ўзи?

## М е р к у ц и о

Сенга айтсам, у мушуклар шаҳзодасидан ҳам эпчил. О, у лутфу адо, таъзиму тавозуларнинг устаси. Қиличини нотага қараб соз чалгандай, ўйнайди. Хужумда фурсат, масофа ва мувозанатга риоя қилади. Бир лаҳза нафасини ростлаб, шундоқ ҳамла қиладики, бир, икки, уч дегунча кўкрагинга қиличини қадайди-қўяди. У шоҳи тутмаларнинг ёвуз кушандаси, ашаддий дуэлбоз, чинакам аслзода, дуэль учун биринчи ва иккинчи баҳоналар топишга устаси фаранг. Оҳ, унинг ўлмас пассадоси! Пунто реверсо ёки ҳей деб қичқиришлари-чи?

## Б е н в о л и о

Нима, нима?

## М е р к у ц и о

Э, жин урсин, алла нима бало! Анави ер ютгур тақлидчиларнинг ибораси.

Нималар дейишади денг: Худо ҳақи, яхши шамшир!.. Гаров бойлайман, хушқомат йигит!.. Ўлай агар, кетворган фоҳиша!.. Жонга тегди бу хорижий пашшалар ўзларининг "pardonnez-mois"лари билан. Янги либослари билан эски курсиларга ўлтиролмай, қийналишларини айтмайсанми?

Р о м е о

Ана, Ромео келяпти, Ромео.

М е р к у ц и о

Кийимини демасанг, қоқланган балиқнинг худди ўзгина-  
си. Ё пирай, вужуд дегани ҳам шунақа балиққа ўхшаб  
қоларканми, а?.. Энди Петраркага ўхшаб шеър устига шеър  
ўқийверса ҳам бўлаверади. Ўша Лаура дегани, гарчи оши-  
риб мақталган бўлса-да, бунинг маъшуқаси олдида - ош-  
хона чўриси. Дидона - ислиқи, Клеопатра - лўли, Елена  
билан Ҳера - шилқим ва фоҳиша, Тисба, гарчи кўзлари  
шахло бўлса ҳам, бунга қиёслаганда, ҳеч нарса. Жаноб  
Ромео, бонжур! Франсузча кўйлак-иштонингизга франсузча  
саломлар!.. Кеча бизни бошлаб алдадингиз, оғайни.

Р о м е о

Иккингизга ҳам хайрли тонг. Хўш, мен сизни нечук  
алдабман?

М е р к у ц и о

Сирғалиб қочдингиз, тақсир, бизга чап бериб,  
Тушунмаяпсиз шекилли?

Р о м е о

Узр, азизим Меркуцио, зарур иш чиқиб қолди. Бундай  
пайтда киши лутфу назокат қоидаларини бузиши мумкин.

М е р к у ц и о

Бундай пайтда киши тиз чўкиб, узр сўраса, ёмон  
бўлмасди.

Р о м е о

Яъни, назокатли бўл, демоқчисан-да?

М е р к у ц и о

Баракалла.

Р о м е о

Ўта назокатли таклиф.

М е р к у ц и о

Бўлмаса-чи, мен лутфу назокатлар тимсолиман-ку.

Р о м е о

Гули, десанг-чи.

М е р к у ц и о

Тўппа-тўғри.

Р о м е о

Бамисоли менинг этикларимга солинган гулдек.

М е р к у ц и о

Шу айтганингда тур, этикларинг тўзиб, якка-ёлғиз пош-наси ҳам тушганда, у ягона ҳазил бўлиб қолади.

Р о м е о

О, ёлғизликда ягона, ягоналикда ёлғиз ҳазил!..

М е р к у ц и о

Орага туш, Бенволио, менинг ақлим ўтмаслашиб қолди.

Р о м е о

Отингни қамчила, йўқса, мен ўзиб кетдим, деб қичқи-раман.

М е р к у ц и о

Йўқ, агар сенинг ақлинг ёввойи ғозлар ортидан тушадиган бўлса, мен ўзиб кетаман. Сабаби, сенинг биргина ақлинг-даги ёввойи ғозлар менинг бешала ақлимдаги ғозлардан кўпроқ. Магар мени ёввойи ғоз деб ўйламаяпсанми?

Р о м е о

Мен учун ҳамиша ёввойи ғозсан. Ёввойи ғоз бўлма-санг, нима бўлардинг? Ҳеч нарса.

М е р к у ц и о

Бу ҳазилинг учун қулоғингни узиб оламан.

Р о м е о

Ҳай-ҳай, ғозинам, қулоғимни тинч қўй.

М е р к у ц и о

Ҳазилинг роса аччиқ-чучук, ундан мазали қайла чиқади.

Р о м е о

Уни мазали ғоз гўштига қўшиб ейилса, яна-да мазали-роқ бўлмасмикин?

М е р к у ц и о

Ҳазилинг эчки терисига ўхшаб қолди. Чўзиб, тортиб, ҳар қаричини бир қулочга етказиб қўйдинг.

Р о м е о

"Бир қулоч" сўзини чўзиб, "ғоз"га улаштирсанг, нима чиқади? Бир қулоч ғоз.

М е р к у ц и о

Баракалла! Вой, уни севдим, вой ҳажрида куйдим, деб чеккан оҳ-воҳларингдан бу яхши эмасми? Энди сен билан гаплашса бўлади. Энди аслингга қайтдинг. Анави аҳмоқона севгинг таёғини қаёққа тикишни билмай, довдираб юрган жиннига ўхшайди, ўлай агар.

Б е н в о л и о

Шу ерда бас қил, тўхта.

М е р к у ц и о

Мени тўхтатиш билан қиссамни орқага сураяпсан.

Б е н в о л и о

Тўхтатмасам, адоғига етолмайсан.

М е р к у ц и о

О, адашдинг, мен эндигина унинг индаллосига етган-  
дим, гапни чўзмоқчи эмасдим.

Р о м е о

Ҳой, қаранглар, ана, томоша!

Энага билан Петр киришади.

М е р к у ц и о

Елкан, демайсанми, елкан!

Б е н в о л и о

Бир йўла икки елкан: бири кўйлак, бири иштон.

Э н а г а

Петр!

П е т р

Лаббай!

Э н а г а

Елпуғични бер!

М е р к у ц и о

Азизим Петр, бу кишининг юзларини елпуғич билан  
тўса қол, юзларидан елпуғичлари афзал.

Э н а г а

Хайрли тонг, яхши йигитлар.

М е р к у ц и о

Хайрли тун, гўзал хоним.

Э н а г а

Вой, дарҳол тун бўлиб қолдими, а?

## М е р к у ц и о

Менга ишонаверинг, соат мили тушни кўрсатяпти.

Э н а г а

Боринг-е! Қанақа одамсиз ўзи?

Р о м е о

У шундоқ одамки, хоним, Тангри уни ўз зиёнига яратган.

Э н а г а

Худо ҳақи, топиб айтдингиз: "Тангри уни ўз зиёнига яратган". Жаноблар, мабодо айтолмайсизми, ёш Ромеони қайдан топсам бўлади?

Р о м е о

Мен айта оламан. Сиз ахтариб, топиб олгунча у анча қартайиб қолиши мумкин. Ромеолар ичида энг ёмони бўлмасам-да, энг ёши мен бўламан.

Э н а г а

Гапга чечан экансиз.

М е р к у ц и о

Қандай қилиб ёмон яхши бўлсин! Қойил! Мана буни ақлу фаросат деса бўлади.

Э н а г а

Агар сиз чинданам Ромео бўлсангиз, сизга айтадиган хуфя гапим бор.

Б е н в о л и о

Бу хотин уни бирор кечки зиёфатга таклиф этмоқчи шекилли.

М е р к у ц и о

Далла у, далла!.. Бос, олқиш!..

Р о м е о

Сен олқишлаб, кимни бос деяпсан?

М е р к у ц и о

Ҳар ҳолда қуённи эмас, тақсирим. Магар қуён бўлганда ҳам ёлғиз парҳез таомларга ярайди у, негаки, қуриб, қов-жираган, эскириб, титиғи чиққан.

*(Куйлайди.)*

Эскирган қуён гўшти, эскирган қуён гўшти,  
Парҳез таом учун бош, парҳез таом учун бош.  
Эскирган деб сен уни, қараб турмагин асти,  
Ишлата бер овқатга, эта бер ҳисоб-китоб.  
Ромео, уйингга борасанми? Биз овқатлангани ўша ёққа кетаяпмиз.

Р о м е о

Бўпти, мен етиб оламан.

М е р к у ц и о

Хайр, кекса хоним, яхши қолинг,  
Хоним, хоним, хоним.

*(Меркуцио билан Бенволио кетишади.)*

Э н а г а

Хайр, қоранг ўчсин!.. Менга айтинг-чи, тақсирим, тинимсиз валақлаган бу кимса ким ўзи?

Р о м е о

Энажон, бу ўз сўзини ўзи хуш кўриб тинглайдиган бир кимса. Унинг бир нафасда айтадиганини бошқалар бир ойда ҳам айтиб, тугатолмайди.

Э н а г а

Менга қарши бирор нима деб кўрсин-чи, нақ оёғим остига оламан. Унақаларнинг йигирматасини таъзирини бериш қўлимдан келади. Қўлимдан келмаса, одам ёллай-

ман. Вой, аблах, вой муттаҳам-ей! Мен унинг ўйнаши бўлмасам, қариндоши бўлмасам. (Петрга) Сени қара-ю!.. Шундоққина кўз олдинда аллақандай ярамаслар мени мазах қилишса-да, сен безрайиб, қараб тура берсанг!..

### П е т р

Сизни биров мазах қилганини пайқамадим. Йўқса, ишонинг, қиличимни дарҳол қўлимга олардим. Жанжал учун баҳона тополсам, қонун мен томонимда эканлигига ишонсам, бас, қараб турмайман, мен ҳам бошқаларга ўхшаб жанг қиламан.

### Э н а г а

Худойим шоҳид, мени шунчалар хафа қилишдики, ҳалигача бутун баданим дир-дир титрайди. Ярамас, аблах! Ўтинаман, тақсир, сизга бир оғиз гапим бор. Боя айтганимдек, менинг ёш бекачим сизни топиб, бир нималар дейишни менга буюрган. Унинг айтганларини ҳозирча айтмайман. Аммо, ижозатингиз билан биринчи гада шуни айтаманки, мабодо уни лақиллатмоқчи бўлсангиз, бу ўта номардлик бўлади. Негаки, бекачим - ёш, навниҳол, шундоқ олийжаноб қизни алдаш, гапнинг рости, тубанлик, ярамасликдан бўлак нарса эмас.

### Р о м е о

Энажон, бекачинга менинг саломимни айт! Сени ишонтириб айтаманки...

### Э н а г а

Барно йигит, мен ишонаман ва айтганларингни унга етказаман. Вой, Худойим!.. Вой, Худойим!.. У бахтли-тахтли хотин бўлади.

### Р о м е о

Унга нималарни айтасан, энажон? Мен ҳали ҳеч нарса демадим-ку.



Э н а г а

Мен унга, ишонтираман, деганингни айтаман. Менинг назаримда, бу - эр киши айтадиган гап.

Р о м е о

Унга етказ:

Бугун тушдан кейин келсин тавба қилгали  
Лоренсо хужрасига, иккимизни у  
Ўша ерда никоҳлайди. Бу - хизмат ҳаққинг.

Э н а г а

Йўқ, керакмас, бир тийин ҳам олмайман, тақсир.

Р о м е о

Олинг, дедим, олинг!..

Э н а г а

Бугун тушдан кейинми?  
Бекам айтган жойингизда бўлади ҳозир.

Р о м е о

Эна, бориб, бутхонанинг орқасида тур,  
Менинг бир одамим унда бир соатдан сўнг  
Сенга етказади арқон, осма нарвонни  
Бугун тун палласи ўша сирли нарвондан  
Саодатим чўққисига чиқиб бораман.  
Хайр! Рози бўлгин, борман хизматларингга,  
Хайр! Менинг саломимни етказ бекангга.

Э н а г а

Худо ёрлақасин сени! Айтмоқчи, тақсир.

Р о м е о

Хўш, нима гап тағин?

Э н а г а

Магар ишончлимидир  
Анави одаминг? Чунки учинчи киши  
Икки киши билган сирни билмаса, яхши.

Р о м е о

У пўлатдек садоқатли, ишончим комил.

Э н а г а

Яхши, тақсирим. Менинг бекачим - кетворган нозанин. Вой, Худойим!.. Вой, Худойим-ей!.. Унинг болаликдаги бижир-бижир гапиришлари ҳали-ҳамон қулоғимда. О, шаҳарда бир аслзода борким, исми Парис, бекамга кўз тикиб юрибти. Аммо, бекам хушламайди. Уни кўрдим, дегунча, чўл қурбақа ёдига тушади. Мен унга гоҳида, Парис муносиб йигит, дейман. Шунда, ишонасизми, жаҳли чиқиб, ранги шундоқ бўзариб кетадики, кўриб, оппоқ бўзми, дейсиз. Айтмоқчи, Розмарин билан Ромео иккаласи битта ҳарфда бошланадими?

Р о м е о

Ҳа, шундоқ, эна. Нима эди? Иккаласи ҳам «Р» ҳарфи билан бошланади.

Э н а г а

Вой, масхарабоз-ей! У итнинг номи-ку «Р» дегани. Йўқ, у бошқа ҳарф билан бошланади. Бекам сиз ҳақингизда, розмарин тўғрисида шундоқ ширин гаплар топиб айтадики, эшитиб, роҳат қиласиз.

Р о м е о

Бекангга мендан салом айт.

Э н а г а

Вой, бирмас, минг карра салом айтаман.

*(Р о м е о кетади.)*

Петр!

П е т р

Лаббай?

## Э н а г а

Қани, олдинга туш, қимирла, илдамроқ қадам бос!

*(Кетишади.)*

## Бешинчи саҳна

Капулетти боғи.

Жульетта киради.

## Ж у л ь е т т а

Роса тўққиз эди уни жўнатганимда,  
Ярим соат чамасида қайтмоқчи эди.  
Балки уни учратмаган? Йўқ, мумкин эмас!  
У чўлоқ-ку! Ишқ-муҳаббат элчиси қилиб,  
Муносибдир, юборилса фикру хаёллар.  
Тоғ бошидан сояларни нари ҳайдовчи  
Қуёш нурларидан ўн бор учқурдир улар.  
Шу боисдан кабутарлар элтар севгини,  
Шу сабабли Купидонда учқур қанотлар.  
Қуёш кўтарилиб, кундуз қиёмга етди,  
Тўққиздан то шу дамгача кечди уч соат,  
Аммо дарак йўқдир ҳамон юборганимдан.  
Агар у севсайди, қони қайноқ бўлсайди,  
Копток каби учиб бориб, учиб қайтарди,  
Севганимга сўзларимни ҳамон айтарди,  
Унинг сўзларини менга.  
Кексалар тутишар ўзни ўликдек оғир,  
Карахт, камҳаракат, ялқов, қўрғошиндек зил.  
*(Энага билан Петр киради.)*

Вой, Худойим! Ана, келди. Азиз энажон,  
Нима гаплар? Сўйла, уни учратолдингми?  
Хизматкорни ташқарига жўнат.

## Э н а г а

Петр,  
Чиқиб, дарвоза олдида бизни кутиб тур.  
Петр кетади.

## Ж у л ь е т т а

Гапир, эна! Вой, Худойим, маъюссан нега?  
Нохуш хабар бўлса, айтгил очик юз билан.  
Яхши хабар бўлса, ўша шўх таронани  
Маъюс чехранг билан нега ғамгин этасан?

## Э н а г а

Қолдан тойдим, болам, бир дам ўзимни ўнглай,  
Суякларим зирқирайди, йўл босдим роса!

## Ж у л ь е т т а

Суякларим берай сенга, менга мужда айт,  
Ўтинаман, зориқтирма, гапир, энажон!

## Э н а г а

Тавба, мунча шошқалоқсан? Жиндак сабр қил,  
Қара, бўғиламан, нафас ололмаяпман.

## Ж у л ь е т т а

Нафас олиб туриб, нафас олмадим, дейсан,  
Бўғиламан, дейишга-ку етар нафасинг.  
Айтар сўзни айтмай, нега ортга сурасан?  
Достондан ҳам узун узру баҳонанг сенинг.  
Айтгил менга, хушхабарми ёки шум хабар?  
Тасалли бер, айтар сўзинг яхшими, ёмон?

## Э н а г а

Нима дердим, ўзинг танлагансан-қўйгансан. Рости гап,  
танлашни билмайсан. Ромео! Йўқ, у эмас. Гарчи унинг  
юзи ўзга йигитларнинг юзидан кўҳлик, оёқлари узунроқ  
бўлса ҳам. Қадди қоматлари келишган, расо, буни айт-  
маса ҳам бўлаверади. Лутфу назокати жилла етукмас,  
аммо, ўзим кўриб, ишондим, барра қўзичоқдек юмшоқ.  
Бахтинг ёр бўлсин, ойимқиз. Худо ёрлақасин сени. Айт-  
моқчи, тушлик қилдиларингми?

## Ж у л ь е т т а

Йўқ-йўқ, бу гапларни ўзим яхши биламан,  
Никоҳ тўғрисида, айт, у нималар деди?

## Э н а г а

Вой, Худойим! Тарс ёрилиб кетгудек бошим!  
Шундоқ оғрийдики гўё чилпора бўлган.  
Вой-вой, белим қақшаяпти!.. Ўша ёқларга  
Қандоқ кўнглинг бўлди мени жўнатмоққа, ҳай?  
Чопавериб, худди ўлар ҳолатга етдим.

## Ж у л ь е т т а

Мени кечир, сени шунча азобга қўйдим,  
Ширин-шакар, энажоним, айт, у не деди?

## Э н а г а

Ўша севганингиз ҳам ҳалол, ҳам назокатли, ҳам меҳ-  
рибон, ҳам гўзал, ишонаманки, ҳам жасур бир йигит  
бўлгани туфайли айтдиким. Ҳа, айтмоқчи, ойингиз қайда?

## Ж у л ь е т т а

Ойим қайда? Ойим қайда бўларди, уйда!  
Жавобларинг айқаш-уйқаш, ғоят ғалати.  
Шу ҳам гапми? "Севганингиз ҳалол бир йигит,  
У айтдиким. Ҳа, айтмоқчи, ойингиз қайда?.."

## Э н а г а

Вой, Худойим! Сўзларимга қизишдингизми?  
Суякларим оғриғига шўрпахтами бу?  
Бундан кейин ўзингизга ўзингиз - элчи.

## Ж у л ь е т т а

Майли, сал қизишдим, ўтди! У нима деди?

## Э н а г а

Ибодатга борасизми бугун?

## Ж у л ь е т т а

Бораман.

### Э н а г а

Ҳазрат Лоренсо ҳужраси сизга мунтазир,  
Қайлифингиз кутар сизни хотин қилгали.  
Ажаб, қон югурди икки ёнофингизга,  
Янги бир гап айтсам, яна қизаргай ҳали.  
Бутхонага боринг, мен-чи, бошқа манзилга  
Бориб, арқон келтираман, севган ёрингиз  
Токи тунда чиқа олсин ошёнингизга,  
Майлига, мен заҳмат чекай, сиз эса роҳат.  
Мен - овқатга, сиз ҳужрага югуринг ҳозир.

### Ж у л ь е т т а

Бахтим сари ошиқаман! Энажон, хайр!

*(Кетишади.)*

### Олтинчи саҳна

Роҳиб Лоренсо ҳужраси.

Роҳиб Лоренсо билан Ромео киради.

### Р о ҳ и б Л о р е н с о

Фалак, ўзинг ёрлақагин ушбу никоҳни,  
Қутлуғ бўлсин унинг охир-оқибати ҳам.

### Р о м е о

Омин, омин!.. Майли, келсин қайғу, аламлар,  
Улар севгилим-ла бир зум ҳамнафас бўлиб,  
Топган чексиз қувончимдан устун келолмас.  
Севги кушандаси ажал менга не писанд?  
Тап тортмайман, Жульетта меники, дейман.

## Р о ҳ и б Л о р е н с о

Ўтли эҳтирослар топгай шиддатли якун,  
Энг авж нуқтасига етган ўт ва боруқдай,  
Бир бўсада битади у; асал гар ширин,  
Меъёридан ошар бўлса, кўнгил айнитар,  
Бундай пайтда бўғилади тамом иштаҳанг,  
Севгида ҳам меъёрни бил, аста қўй қадам,  
Етишасан ошиқсанг ҳам, ошиқмасанг ҳам.

Жульетта киради.

Ана, ёринг! О, бу қадим, совуқ тошларга  
Тушмагандир сира бундоқ латиф қадамлар.  
Ошиқ кимса ёз палласи ҳавода учган  
Ўргимчакнинг ипидан ҳам юриб ўтаркан,  
Йиқилмайди, унинг руҳи шунчалар латиф.

## Ж у л ь е т т а

Салом сизга, хайрли шом, руҳоний отам!

## Р о ҳ и б Л о р е н с о

Ромео ҳам, мен ҳам сенга, марҳабо, деймиз.

## Ж у л ь е т т а

Чин юракдан ташаккурлар айтаман мен ҳам.

## Р о м е о

Оҳ, Жульетта, ҳозир менинг қалбимга тўлган  
Севинчларни севинчингга қиёс этсайдинг  
Овозингни қўйиб, куйла, шарафла уни,  
Ширин нафасларинг билан тўлдир ҳавони.  
Гўзал оҳанг самолардан жаранглаб қайтсин,  
Иккимизга етган висол бахтини айтсин.

## Ж у л ь е т т а

Инсонда сўз эмас, амал устувор эса,  
Моҳиятга боқар, зебу зийнатга боқмас.

Гадоларга осон молу маблағни санаш,  
Аммо менинг муҳаббатим чексиздир, балаңд,  
Санаб, унинг адоғига етолмагайман.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Қани, юринг, маросимни адо этайлик,  
Қутлуғ никоҳ иккингизни айласин пайваст,  
Ўшангача сизни ёлғиз қолдириб бўлмас.

*(Кетишади.)*

## УЧИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Майдон.

Меркуцио, Бенволио, маҳрам ва хизматкорлар кириб келишади.

Б е н в о л и о

Ўтинаман, Меркуцио, кетайлик бундан,  
Ҳаво иссиқ, шу атрофда Капулеттилар.  
Гар учрашиб қолсак, жанжал чиқар бегумон,  
Иссиқ кунда қайнаб турар томирларда қон.

М е р к у ц и о

Сен шундоқ йигитларга ўхшайсанки, улар қовоқхона-  
га киргач, қиличини столга тарақлатиб ташлаб, илойим,  
керак бўлмагайсан, дейди. Аммо иккинчи қадахдан сўнг  
уни қўлига олади-да, буфетчининг биқинига санчади.

Б е н в о л и о

Мен шунақа йигитларга ўхшайманми?

М е р к у ц и о

Сен барча итальянларга ўхшаб, салга ловуллаб кетасан.  
Кейин ўзингни тутиб туrolмайсан.



## Б е н в о л и о

Хўш, нима демоқчисан?

## М е р к у ц и о

Демоқчиманки, шу ерда сенга ўхшаш иккитаси бўлса, хаш-паш дегунча бири иккинчисини ўлдиради-қўяди. Сени қара-ю! Сен бировнинг соқолидаги туки сеникидан кўпроқ бўлса ҳам, камроқ бўлса ҳам, шуни баҳона қилиб, жанжал кўтарасан. Биров ёнғоқ чақса, ҳеч баҳона тополмасанг, кўзларинг ёнғоқранг бўлгани учун у билан гижиллашасан. Сенинг кўзларингдек жанжалга баҳона изловчи кўзлар бормикин? Тухум ичидаги сарикдек, бошинг ҳамиша жанжал, можарога тўла. Аммо калтакланавериб, эзилган тухумдек пачоқ, бўм-бўш бўлиб қолган ўша. Сен кўчадан ўтган йўловчига, нега йўталдинг, деб мушт кўтаргансан. Қуёшда исиниб, ухлаб ётган итимни уйғотиб қўйдинг, деб айблагансан у шўрликни. Сен, ҳайитдан олдин нега янги камзул киясан, деб тикувчига ҳамла қилмадингми? Ёки янги туфлисига эски боғич боғлаган йигит билан ёқалашганингни? Шу аҳволда тагин менга, жанжал кўтарма, деб ақл ўргатмоқчи бўласан!

## Б е н в о л и о

Сенга ўхшаб жанжалга ўч бўлганимда молу мулкимга меросхўрлик ҳақини алақачон сотиб олишар ва ўлимимни бир соату ўн беш дақиқа кутишарди, холос.

## М е р к у ц и о

Сизнинг молу мулкингиз бор эмишми?

Вой, нодон!...

## Б е н в о л и о

Бошимга онт ичаманки, Капулеттилар келишяпти.

## М е р к у ц и о

Товонимга онт ичаманки, парвойимга ҳам келмайди.

Тибальт ва бошқалар киришади.

## Т и б а л ь т

Қани, юринг, улар билан гаплашмоқчиман,  
Салом, бир оғиз сўзим бор сизга, жаноблар.

## М е р к у ц и о

Атиги бир оғиз сўзми? Бирор нарса қўшинг тагин. Масалан, сўзга зарбани улаштиринг.

## Т и б а л ь т

Баҳона топиб берсангиз, бас, хизматингизга ҳозирман.

## М е р к у ц и о

Нега биз топиб берар эканмиз? Ўзингиз тополмайсизми?

## Т и б а л ь т

Меркуцио, сен Ромеога жўр бўлаяпсанми?

## М е р к у ц и о

Жўр бўлаяпман? Нима, бизни дайди ашулачилар деб ўйладингми? Сенга сираям жўр бўлмаймиз. Мана, гиж-жагимни кўриб қўй. Чалсам, ўйинга тушасан. Э, жин урсин сени! Жўр бўласан, эмиш!..

## Б е н в о л и о

Биз жамоат ичидамиз, катта майдонда,  
Юринг, бир чеккага, овлоқ жойга борайлик.  
Ёки вазмин, босиқ бўлиб баҳс этинг бунда,  
Ёки тарқалинглар, ҳамма қараб турибти.

## М е р к у ц и о

Кўзни нима учун берган? Майлига, ҳамма  
Қарайверсин, мен жойимдан қимирламайман.  
Ромео киради.

## Т и б а л ь т

Сизга соғлиқ, тақсир! Менинг одамим келди.

## М е р к у ц и о

Йўқ, у сира одамингиз, малайингизмас,  
Сиз майдонга тушинг, у ҳам тушар шу замон.  
Кимлигин ҳам кўражаксиз ўшанда аён.

## Т и б а л ь т

Эй Ромео, сенга бўлган нафратларимнинг  
Хулосаси шуки, олчоқ, бир мутгаҳамсан.

## Р о м е о

Тибальт, бир сабаб-ла чиндан севаман сени,  
Бундоқ марҳаматинг ила ўт олиб, ёнган  
Қаҳру ғазабимни босиб туришимга ҳам  
Ўша сабаб боис. Йўқ, мен олчоқ эмасман,  
Хайр, кўраманки, мени билмас экансан.

## Т и б а л ь т

Ҳой, болакай, бу сўзларинг узр бўлолмас  
Этган ҳақоратинг учун, қилични чиқар!

## Р о м е о

Мен ҳақорат этмаганман сени ҳеч қачон,  
Сени қандоқ севишимни англашинг гумон  
Токи унинг сабабини билмагунингча.  
Азиз Капулетти, сенинг ному насабинг  
Ному насабимдек менга азиздир энди.

## М е р к у ц и о

О, нақадар разолат бу, аянч итоат!  
Мен қон билан юваман бу беномусликни.

*(Қиличини сугуради.)*

Тайёрмисиз, каламушлар овчиси Тибальт?

## Т и б а л ь т

Меңдан не истайсан?

## М е р к у ц и о

Мухтарам мушуклар султони, истагим сизнинг тўққиз жонингиздан атиги биттаси, холос. Мен у билан бир гаплашиб қўймоқчиман. Кейин, ижозат этсангиз, қолган саккизтасини ҳам битта-битталаб кесиб олсам. Қиличингизни қулоғидан тутиб, тортасизми? Қиличим қулоғингизга етиб қолмасин тагин.

## Т и б а л ь т

Мен тайёрман!

## Р о м е о

Азиз Меркуцио, тўхта, қиличингни қўй!

## М е р к у ц и о

Қани, бошланг, сиздан бўлсин зарба, пассадо.

*(Улар солишадилар.)*

## Р о м е о

Бенволио, ўртага туш, ажрат уларни.

Уят, бебошлик бу, ўзни тийинг, жаноблар.

Тибальт, Меркуцио! Шаҳар кўчаларида

Жанжал, тўполонни волий тақиқ айлаган.

Тўхта, Тибальт! Меркуцио, азизим, тўхта!

Тибальт қулай қилиб, Ромеонинг қўли остидан Меркуциони яралаб, шериклари билан қочиб кетади.

## М е р к у ц и о

Ярландим...

Уйингизни кўтарсин вабо!

Ишим битди! Ҳа, нима, у қочиб қолдимми,

Яраланмай?

Б е н в о л и о

Нима бўлди? Яраландингми?

М е р к у ц и о

Жиндак тимдаландим, шу ҳам етади менга,  
Ҳой, йигитча, югур, дарҳол жарроҳни чақир.

Маҳрам кетади.

Р о м е о

Тетик бўл, азизим, яранг унча оғирмас.

М е р к у ц и о

Йўқ, албатта, у қудуқдек чуқур, ибодатхона эшигидек  
икки қулоч ҳам эмас. Аммо шу ҳам етиб ортади менга.  
Эртага излаб қара, қабристондан топасан мени. Очиқ гап  
шуки, мен бу дунёга сиғмадим. Вабо кўтарсин хонадон-  
ларингни! Вой, сен кўппак, каламуш, сичқон, мушук!  
Одамни ўладиган қилиб тимдалайсанми, а? Мақтанчоқ,  
ярамас, аблаҳ! Ҳисоб-китоб қилиб урушади-я! Жин ур-  
син, нега сиз ўртага тушасиз? Мени қўлингиз остидан  
тиғ санчиб яралади.

Р о м е о

Мен сизларни ажратмоқчи бўлдим.

М е р к у ц и о

Бенволио, бирор ёққа олиб бор мени,  
Ҳолим хароб, уйларингни кўтарсин вабо!  
Мени қуртга ем қилишди, яна дейманки,  
Хонадонларингни вабо кўтарсин!..

*(Меркуцио билан Бенволио кетишади.)*

Р о м е о

Бу азамат йигит бекнинг қариндошидир,  
Менинг дўстим, биродарим, мени деб фақат

Шундоқ офир яраланди. Ор-номусимни  
Ерга уриб, қоришгирди тупроққа Тибальт,  
Ҳолбуки у менга энди қариндош бўлди.  
О, Жульетта, ажаб ҳусну жамолинг сенинг  
Юмшоқ қилиб қўйди, тамом эритди мени.

Бенволио қайтиб киради.

### Б е н в о л и о

О, Ромео! Меркуцио жон берди ҳозир,  
Мағрур руҳи самоларга айлади парвоз,  
Ўзи кўздан ҳазар этган ерни тарк этди.

### Р о м е о

Эвоҳ, қора кунларимнинг дебочаси бу,  
Боши қайғу бўлди, демак охири андуҳ.

Тибальт қайтиб киради.

### Б е н в о л и о

Мана, келиб қолди яна қутурган Тибальт!

### Р о м е о

О, у тирик, дўстим эса у ёқда - ўлик.  
Йўқол, раҳму шафқат, энди ҳавога тарал,  
Оташ кўзли қаҳру газаб, ўзинг йўл бошла!  
Эй муттаҳам Тибальт, боя берганларингни  
Ўзинг энди қайтариб ол, Меркуционинг  
Руҳи кезиб юрар бу дам бошимиз узра,  
Сени кутмоқда у, кўқда қолмагай ёлғиз,  
Сен ёки мен, ё иккимиз ҳамроҳ бўламиз.

### Т и б а л ь т

Бадбахт бола, ўзинг унга мададкор эдинг,  
Ўзинг унинг олдига уч!

Р о м е о

Ҳал қилсин қилич!

*(Улар солишадилар, Тибальт яраланиб йиқилади.)*

Б е н в о л и о

Ромео, қоч энди, тезроқ қорангни ўчир!  
Тибальтни ўлдирдинг, ана келар одамлар.  
Ҳой, қаққайиб турма, қўлга тушгудек бўлсанг,  
Қутулмайсан, этишади ўлимга ҳукм.  
Ромео, қоч!

Р о м е о

О, мен қисмат масхарабози!

Б е н в о л и о

Қоч, Ромео! Нега қотиб турибсан ҳануз?

*(Ромео кетади.)*

Бир гуруҳ шаҳар фуқаролари киришади.

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Қайга қочди ўлдириб у Меркуциони?  
Қотил Тибальт қочиб, қайга йўқолди экан?

Б е н в о л и о

Сиз излаган кимса, мана, ётибди бунда.

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Бек номидан буюраман, биз билан юринг,  
Йўқ дейишга ҳаққингиз йўқ, фармойиш қатъий.

Бек ўз аъёнлари билан, Капулетти ва Монтеки ўз хотинлари  
билан ва яна бошқалар киришади.

Б е к

Ким бошлади можарони, қаерда улар?

## Б е н в о л и о

Муҳтарам бек! Истасангиз, айтиб берайин  
Бу қайғули можаронинг тафсилотини.  
Ромеонинг қиличидан ўлди бу кимса,  
Лекин ўзи ўлдирмишди Меркуциони.

## К а п у л е т т и х о н и м

Тибальт, азиз жияним! О, акамнинг ўғли!  
О, бегим!.. О, жиянгинам!.. Эрим, қаранглар,  
Менинг жону жигаримнинг қони тўкилмиш!  
Бегим, агар сизда чиндан адолат бўлса,  
Қонимиз-чун Монтеккининг қонини тўкинг!  
О, жияним, жиянгинам!

## Б е к

Бенволио, ким бошлади қонли низони?

## Б е н в о л и о

Ромео ўлдирган Тибальт бошлади уни,  
Кўп ялинди, ширин сўзлар айтди Ромео,  
Жанжал қилма, курсин уруш-жанжалнинг бети,  
Жанжал қилсак, бек ҳам биздан ранжийди, деди.  
Бу гапларнинг барини у тавозу айлаб,  
Очиқ чехра билан баён айлади, бегим.  
Аммо Тибальт қулоғини кар қилиб олди  
Ва Меркуциога қилич ўқталиб қолди,  
Жанг бошланди, Меркуцио қайтариб турди  
Тибальтнинг кетма-кет қилган ҳужумларини,  
Қиличини қўлдан қўлга олиб дам-бадам.  
Ромео ўртага тушди, бас қилинглар, деб,  
Худди шу аснода Тибальт пайтини пойлаб,  
Қулай қилиб Ромеонинг қўли остидан  
Меркуцио биқинига ботирди қилич,  
Сўнгра қочди, Меркуцио таслим этди жон.  
Аммо тагин қайтиб келди Тибальт ҳадемай,  
Ромеони ёндирарди қасос оташи.



Ўртада жанг бўлди, бир зум яшинворий жанг,  
Тибальт ҳалок бўлди, шунда қочди Ромео.  
Ёлғон айтсам, ўлай агар, бор ҳақиқат шу.

#### К а п у л е т т и х о н и м

Сўзи ёлғон, Монтеккининг қариндоши бу,  
Шунинг учун ҳақиқатни очиқ сўзламас.  
Улар йигирмата киши ташланиб бирдан,  
Бир кишини ўлдиришган, мана, ҳақиқат.  
Мен адолат сўрайман, бек, адолат танҳо,  
Бас, Тибальтни ўлдирипти, ўлсин Ромео!

#### Б е к

Уни Ромео ўлдирмиш, аммо мен сўрай,  
Меркуцио қони учун ким жавоб бергай?

#### М о н т е к к и

Бегим, бунда Ромеонинг айби йўқ асло,  
У дўстининг қасосини олган, вассалом.  
Қонун буйруғини магар айламиш бажо.

#### Б е к

Бу жиноят учун унинг жазоси - сургун,  
Бу тупроқни тарк айласин, этдик бадарға.  
Мен ҳам катта зиён кўрдим низойингиздан,  
Қариндошим ҳалок бўлди, тўкилди қоним.  
Ҳаммангизни жазолайман жарима билан,  
Маҳрумият учун бизга тўлайсиз товон.  
Қулоқларим қардир энди илтижоларга,  
Кўз ёшлару ялинишлар, оҳ-воҳларга.  
Ромео тез чиқиб кетсин, бу юртдан бадар,  
Йўқса, уни ўлим кутар бунда муқаррар.  
Бу жасадни олиб чиқинг, эшитинг минбаъд,  
Қотилларга шафқат қилмоқ - ажалга мадад.

*(Ҳамма чиқади.)*

## Иккинчи саҳна

Капулетти боғи.

Жульетта киради.

### Ж у л ь е т т а

Ўт туёқли аргумоқлар, югуринг шитоб  
Фебнинг оромгоҳи томон, агар Фаэтон  
Аравакаш бўлса эди, сизни қамчилаб,  
Тунни етказарди ўша манзилга ҳамон.  
Бошлар узра чодиринг ёз, муҳаббат туни!  
Севишганлар топишсинлар, токи Ромео  
Келиб, қўлларимдан тутсин сўзсиз, садосиз.  
Севишганлар муҳаббатнинг расми-русмини  
Бажаришар ҳуснлари машғаласида,  
Севги кўр бўлса-да, лекин хушлайди тунни.  
Кел, келақол энди, мунис, назокатли тун,  
Бошдан - оёқ қора кийган шафқатли момо,  
Икки масъум жоннинг ишқий ўйинларида  
Ютиб туриб, ютқизишнинг асрорин ўргат.  
Яноғимда ўйнаган шу журъатсиз қонни  
Қора тўнинг билан бекит, дадиллансин у  
Ва билсинким, асл севги камтарин бўлур.  
Кела қол, тун, кел, Ромео, тун аро кундуз,  
Сен етиб кел туннинг қора қанотларида,  
Қора қарға елкасига илашган қордай.  
Кел, мунисим, кел, севгилим, қора қош туним,  
Менга Ромеони етказ, ўлар бўлса у,  
Майда юдузлардек сочиб юборгил уни,  
То ёритсин шуъласидан арзу самони,  
Бутун борлиқ тун ҳуснига бўлур маҳлиё,  
Ўша порлоқ қуёшга ҳам боқмаслар асло  
О, мен сотиб олдим севги қасрини, лекин  
Маликадек ичкарига қўймадим қадам,  
Мен сотилдим, аммо қўлим тутмади хўжам.  
Ҳаловатсиз кун бу, худди арафа туни,

Ҳайитга деб гарчи янги либослари шай,  
Интизордир, киёлмайди уни болакай  
О, энагам келди.

(Энага арқон кўтариб киради.)

Магар келтирди хабар,  
Ромео дегувчи тилнинг қурбони бўлай!  
Энагажон, айтгил, нечук хабар келтирдинг?  
Келтирдингми, энажоним, Ромео айтган  
Ўша арқонларни?

Э н а г а

Ҳа-ҳа, мана, арқонлар.

*(Арқонларни ерга ташлайди.)*

Ж у л ь е т т а

Мунча безовтасан, эна, сенга не бўлди?

Э н а г а

О, қиёмат қойим!.. Ўлди! Ҳалок бўлди у!..  
Вой, бекачим, адо бўлдик ҳаммамиз, адо!  
Ҳайҳот, уни ўлдиришди, у ҳалок бўлди!..

Ж у л ь е т т а

Фалак, шунча золиммисан?

Э н а г а

Ромео - золим,  
Фалак қилмаган бир ишни қилди Ромео!  
Шундоқ бўлади деб ким ҳам ўйлабти, эвоҳ!

Ж у л ь е т т а

Ҳай, жин урсин сени, нега қийнайсан мени?  
Дўзахий ҳам чидамас бу қийноқларингга.  
У ўзини ўлдирдимми? Ҳа, десанг, етар.  
Шу биргина товуш менинг ҳаётим учун

Сирли аждар кўзидаги заҳардан баттар.  
Гар "ҳа" десанг, бундан кейин мен эмасман мен,  
Кўзларингни юмиб, очдинг. "Ҳа" деганингми?  
Ўлган бўлса "ҳа" де, йўқса "йўқ" дегил бу дам,  
Шу биргина товуш айтсин: севинчми, алам!

### Э н а г а

Ярасини ўзим кўрдим кўзларим билан.  
Кўкрагида мана бундоқ! Худо асрасин!  
Ўз қонига ботганича ётибди шўрлик.  
Тани қонга ботган, юзи бўз каби оппоқ,  
Ҳамма ёқ қон  
Бир қарашда ажрадим ҳушдан.

### Ж у л ь е т т а

Ёрил, юрак! Адо бўлдинг! Эвоҳ, кўзларим,  
Банди зиндон бўлинг, сизга ёруғлик ҳаром!  
Хокий таним, аслингга қайт, тупроқ бўл ҳамон,  
Тобут ичра ётгил энди Ромео билан!

### Э н а г а

Оҳ, Тибальт, оҳ, жигаргўшам, бечора Тибальт!  
Менинг асл баҳодирим! Лафзи ҳалолим!  
Эвоҳ, сенинг ўлимингни кўрди кўзларим!

### Ж у л ь е т т а

Икки ёқдан ёпирилган қандай бўрон бу?  
Ромеони ўлдирилди? Тибальтми ўлди?  
Бири акам эди! Бири суюкли ёрим!  
Эй Исрофил, сурингни чал, келди қиёмат,  
Улар ўлган бўлса, бизга яшаш не ҳожат?

### Э н а г а

Тибальт ўлди, Ромеони этишди сургун,  
Қотиллиги учун юртдан бўлди бадарға.

## Ж у л ь е т т а

Ё Раб, Ромеоми тўқди Тибальт қонини?

## Э н а г а

Ўша тўқди, эвоҳ, худди ўшанинг ўзи.

## Ж у л ь е т т а

О, сен, юзлари гул, лекин юраги илон!  
Гўзал горда яшагувчи ёвуз аждаҳо!  
О, хушсуврат золим! Малак чехрали шайтон!  
Кабутар қанотли қарға! Қўзичоқ - бўри!  
Кўриниши олий, ўзи пастгарин махлуқ,  
Сувратинга тескаридир сийратинг сенинг.  
Лаънати авлиё, иззат-ҳурматли аблаҳ!  
О, табиат! Шундоқ разил, азозил руҳни  
Шундоқ жаннатий бир танга жойлабсанми, бас,  
Жаҳаннамда қиладиган ишинг қолдими?  
Шундоқ шинам муқовада бўлмағур китоб?  
О, мухташам кошонада макр ва алдов,  
Ёлғон яшагандек худди.

## Э н а г а

Ишониб бўлмас  
Эркакларга, бари қитмир, олчоқ, муттаҳам,  
Уларда не садоқат бор, на номус, шараф.  
Вой, хизматкор қани? Менга шароб келтирсин,  
Йўқса, бу қайғулар, ғамлар қаритар мени,  
Ромеога лаънат бўлсин!

## Ж у л ь е т т а

Тилинг кесилсин!  
Лаънатлама, лаънат учун туғилмаган у,  
Лаънат зоти манглайига қўнолмас унинг.  
У шундоқ тахтдирким, унда ўлтириб ёлғиз,  
Дунё ҳукмдори бўлиб, тож кияр номус.  
Мен ҳайвонман, уни шунча маломат қилдим...

## Э н а г а

Акангизни ўлдирганни мақтармидингиз?

### Ж у л ь е т т а

Ўз эримни мақтамасдан, ерга урайми?  
Шўрлик эрим, сенга иззат, эҳтиром қани,  
Уч соатлик хотининг ҳам хўрласа сени?  
Аммо, сен ўлдирдинг нечун акамни аблах?  
Акам сени ўлдирса-чи, нима бўларди?  
Бас, бемаъни кўз ёшларим, орқага қайтинг,  
Сиз - қайғу, ҳам хирмонидан йиғилган хирож,  
Янглиш қилиб, томаверманг бахтим устига.  
Эрим тирик, Тибальт уни ўлдирмоқчийди,  
Тибальт ўлик, ўлдирмоқчи эди эримни.  
Бу жилла ёмонмас. Унда не учун йиғлай?  
Аммо бир сўз борки, Тибальт ўлиmidан ҳам  
Оғир, мени ўлдирди у, кошки унутсам!  
Мудҳиш гуноҳ гуноҳқорни эзгандек, ёху,  
Эс-хушимни босиб, янчиб эзгилайди у.  
"Тибальт ўлди ва Ромео бадарға бўлди".  
Шу "бадарға" сўзи, ҳа, шу биргина сўзинг  
Менга каммас, ўн минг Тибальт ўлимига тенг.  
Камлик қилармиди магар ўша мусибат,  
Унга яна бир нимани қўшмоқ не ҳожат?  
Қайғу-алам деган ёлғиз юрмайди сира,  
Истар, бошқалар ҳам унинг сафдоши бўлса.  
"Тибальт ўлди" дегач, нега қўшиб айтмадинг:  
"Отанг ёки онанг ўлди, ёки иккиси  
Ва бошланди мотам, аза йиғи-сигиси"  
Ўша "Тибальт ўлди" дегач, этган илованг,  
"Ромео бадарға бўлди" деганинг калом  
Отам, онам, Тибальт, ана мен ва Ромео  
Ҳаммамиз ҳалокмиз, деган маънодир, тамом.  
"Ромео ҳайдалди!" сўзи чегара билмас,  
Бошқа сўзлар босолмайди, бу шундоқ алам -  
Отам қайда, онам қайда? Айттил, энагам.

## Э н а г а

Улар фарёд чекар ҳозир Тибальт устида,  
Истасангиз, бошлаб борай сизни у ёққа.

## Ж у л ь е т т а

Майли, Тибальт учун йиғлаб, чексинлар фиғон,  
Улар тингач, Ромео деб тўкарман ёшим.  
Арқонларни яшир. Эвоҳ, шўрлик арқонлар!  
Ромео қувилди, биз-чи, алданиб қолдик,  
Сиздан чиқиб келмоқчийди ётоғимга у,  
Қиз ҳолимда бева бўлиб ўламан энди.  
Хайр, никоҳ тўшагимга чўзилай бир пас,  
Қизлигимни ажал олгай, Ромео эмас!

## Э н а г а

Бора қолинг, сизга берсин учун тасалли  
Ромеони топиб, тунда бошлаб келаман.  
Уни қайдан ахтаришни яхши биламан,  
Лоренсонинг хужрасида паноҳ топмиш у.

## Ж у л ь е т т а

Шу узукни бергил унга, келсин севар ёр,  
Токи хайр, алвидо деб айтай сўнгги бор.

*(Кетишади.)*

## Учинчи саҳна

Роҳиб Лоренсонинг хужраси.

Роҳиб Лоренсо киради.

## Р о ҳ и б Л о р е н с о

Ҳой, Ромео, бу ёққа чиқ, чиқа қол, қўрқоқ,  
Қайғу, ғамлар сени чиндан севиб қолишган,  
Сени машаққатга қўшиб, никоҳ ўқишган.

Ромео киради.

Р о м е о

Ота, нечук хабар? Бекнинг ҳукми не бўлди?  
Яна қандай аламларга бўлгаيمان дучор?

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Азиз ўғлим, улар эски улфатларингдир,  
Бекнинг ҳукми ҳақида мен хабар келтирдим.

Р о м е о

Ҳойнаҳой, у - рўзи Маҳшар, Қиёмат ҳукми?

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Анча юмшоқ бўлди бекнинг азму қарори,  
Ўлимгамас, сен қувфинга этилдинг ҳукм.

Р о м е о

Вой, қувфинми? Шафқат айла, ўлим, десанг-чи,  
Ўлимдан ҳам машаққатдир қувфин деганинг,  
Қувфин, дема.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Веронадан ҳайдалдинг фақат,  
Сабрли бўл, дунё юзи кенг ишдир ғоят.

Р о м е о

Менинг учун Веронадан ўзга дунё йўқ.  
Ундан нари аъроф, қийноқ, азоб, жаҳаннам.  
Веронадан қувфин демак - жаҳондан қувфин,  
Ва жаҳондан қувфин демак - ўлимдир, адам.  
Уни қувфин дейишаркан, хато айтишар,  
Қувфин дейиш - олтин болта билан бошимни  
Аввал чошиб, кейин кулиб, сийпалаш демак.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

О, гуноҳи азим! Яна ношукурлик бу!  
Гуноҳингга жоиз эди ўлим жазоси.



Бек қонунни четлаб ўтди, аяди сени,  
Ўлим деган қора сўзни қувғинга бурди,  
Бу шафқату мурувватни кўрмаяпсанми?

### Р о м е о

Бу - азобдир менга, шафқат, мурувват эмас,  
Жульетта яшаган ер менга - осмон.  
Ҳатто мушук, ит ва сичқон ё ўзга махлуқ  
Шу осмонга боқиб, уни кўра олади.  
Фақат кўролмайдди, бундан Ромео маҳрум.  
Ҳатто ўлимтикка гушна пашшалардан ҳам  
Шўрлик Ромеонинг эрку ихтиёри кам.  
Улар учиб ҳар гал, гўзал Жульеттанинг  
Оппоқ, нозик қўларига қўна олади.  
Унинг лабларидан ўпиб, сўра олади.  
Ул бокира дудоқларким, бири-бирига  
Текканда ҳам қизаради, чекиб хижолат.  
Пашшалар ўпса, хўп, аммо Ромеога йўқ,  
Улар эркин, озод, мен-чи, бадарға, қувғин,  
Шундоқ эса, қувғин нега ўлим бўлмасин?  
Бундан кўра, бир нафасда адо этгувчи  
Бирор заҳри қотил, ўткир ханжаринг йўқми,  
Ки бу сўздан мени буткул халос айласанг?  
Қувғин!.. Бу - қанчалар мудҳиш, ҳалокатли сўз!  
О, ҳазратим, жаҳаннамда малъунлар уни  
Айтар бўлса, фарёд солиб айтишар фақат.  
Қандоқ кўнглинг бўлди сенинг, руҳоний отам,  
Азиз валийulloҳ пирим, қадрдон дўстим,  
"Қувғин" сўзин айтиб, мени абгор этишга?

### Р о ҳ и б Л о р е н с о

Эй ошиғи девона, бас, тингла бир нафас.

### Р о м е о

О, биламан, сўз очасан яна қувғиндан.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Йўқ, мен унга қарши сенга қурол бераман,  
Ичираман фалсафанинг ширин шарбатин,  
Ҳатто ўша қувғинда ҳам топасан таскин...

Р о м е о

Яна қувғин!.. Ол, фалсафанг ўзингга бўлсин!  
Жульеттани яратгайми ўша фалсафанг?  
Бир шаҳарни бузолгайму ёки ҳукмни  
Бекор эта олгайми? Йўқ, бўлди, гапирма.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Кўраманки, жинниларга етишмас қулоқ.

Р о м е о

Нима қилсин, оқил кўзлар кўрмаса йироқ.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Кел, бир гаплашайлик сенинг шу аҳволингни.

Р о м е о

Билармидинг, танангда ҳис этмасанг уни?  
Сен ҳам ёш бўлсайдинг, мендек ошиқ бўлсайдинг  
Жульеттага; ва уйланиб, бир соатдан сўнг  
Тибальтни ўлдириб, мендек қувғин бўлсайдинг,  
Биров билан гаплашмасдинг, сочларинг юлиб,  
Ўзни ерга отар эдинг мендек бесабр,  
Тирноқларинг билан балки ковлардинг қабр.

*(Эшик тақиллайди.)*

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Тур! Эшикни қоқаяпти кимдир, яширин.

Р о м е о

Бекинмайман, юрагимдан гуркираб чиққан  
Дуди оҳим яширади кўзлардан мени.

*(Эшик тақилмайди.)*

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Яна тақ-тақ!.. Ким у?.. Қани, қўзғал, Ромео,  
Сени тутишлари мумкин. - Ҳозир очаман!

*(Эшик тақилмайди.)*

Югур, менинг бўлмамага кир! Эй Парвардигор!..  
Мунчалар ўжарсан! – Мана, очаман ҳозир!

*(Эшик тақилмайди.)*

Ҳай, намуноча тақ-тақ? Кимсиз? Айтинг, не даркор?

Э н а г а

*(Ташқаридан.)*

Ичкарига қўйинг мени, айтар сўзим бор.  
Мени Жульетта жўнатди.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Унда, марҳабо.

Энага киради.

Э н а г а

О, ҳазратим, айтинг менга, пири давлатим,  
Бекачимнинг эри қани? Қайда Ромео?

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Ана, ётипти у йиғлаб, кўз ёшига фарқ.

Э н а г а

Менинг бекачим ҳам худди шу аҳволдадир.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Ажаб қайғудошлик! Ғоят ғариб бир ҳолат!

Э н а г а

У ҳам шунга ўхшаб йиғлаб-сиқтайди фақат.  
Ҳой, эркак бўлсангиз, туринг, оёққа қалқинг,

Туринг Жульеттанинг ҳақи ҳурмати учун,  
Қайғу-ғамларга ҳам шунча ботгайми киши?

Р о м е о

Оҳ, энага!..

Э н а г а

Оҳ, тақсирим, ҳаммасининг охири - ўлим.

Р о м е о

Жульеттадан сўзладингми? Аҳволи қалай?  
Бир ёвуз қотил деб балки ўйлайди мени?  
Ўйлайдики, қариндошнинг қонини тўкиб,  
Мен булғадим мурғак бахту иқболимизни.  
У қаерда? Ҳоли нечук? Нималар дейди  
Севгимиз ҳақида менинг махфий хотиним?

Э н а г а

О, ҳеч нарса демайди у, йиғлайди нуқул,  
Тўшакка ташлайди ўзни, тагин туради.  
Эвоҳ, Тибальт, дейди, эвоҳ, Ромео, дейди,  
Тўшакка мук тушиб яна, ётади ҳолсиз.

Р о м е о

Менинг исмим унга қаттол ўқ каби манфур,  
Акасини ҳалок этган қўлдек касофат.  
О, ҳазратим, айтинг менга, хокий танимнинг  
Қай бир ифлос гўшасида яшайди исмим?  
Айтинг, уни чопиб ташлай.

*(Қиличини ялангочлайди.)*

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Қўлингни тийгил!  
Эркакмисан? Кўринишда эркаксан худди,  
Йиғи-сигинг билан аммо хотинчалишсан.  
Жаҳл этганда-чи, жоҳил, йиртқичнинг ўзи,

Эркак сувратида юрган хотинсан, аниқ,  
Ё хунаса қиёфали ёвуз бир махлуқ.  
Мени хайрон қолдирдинг сен, Худойим шоҳид,  
Сени жасур тийнатли деб ўйлар эдим мен.  
Тибальтни ўлдирдинг, энди шу етмагандай,  
Унга қўшиб, ўзингни ҳам ўлдирасанми?  
Сенинг ҳаёт дарахтингга суяниб турган  
Бегуноҳ бир қиз ҳам энди бўлсинми ҳалок?  
Лаънатлар остида буткул қолмоқчимисан?  
Нега сўқдинг еру кўкни, таваллудингни?  
Ўша таваллуду ўша ер билан осмон  
Сенда туташгандир, энди учовига ҳам  
Қилич тортиб, берасанми бир йўла барҳам?  
Уят сенга! Қиёфангни, ақлинг, ишқингни  
(Улар сенда шундоқ асл, етук ва юксак)  
Нўноқ бир судхўрдек сочиб, совурмоқдасан,  
Лозим эди уларни сен эъзоз айласанг.  
Сенинг олийжаноб, юксак қиёфанг энди  
Одамийлик шавкатидан йироқ мум хайкал.  
Сенинг ишқинг қасамхўрлик қурбони бўлди,  
Асрайман, деб ўзинг уни ўлдирмоқдасан.  
Сенинг ақлинг - қиёфангу ишқинг зийнати  
Абгор этди ишқингни ҳам, қиёфангни ҳам.  
Нўноқ аскар ўқ-дориси унинг қўлида  
Портлагандай, парчалади қуролинг сени.  
Уял энди! Оёққа тур, Жульетта тирик,  
Сен кўйида ўламан деб юрганинг санам  
Сени кутар, шунинг ўзи омад эмасми?  
Тибальт сени ўлдириши мумкин эди-ку,  
Аммо сен ўлдирдинг, бу ҳам омад эмасми?  
Гуноҳингга жоиз эди ўлим жазоси,  
Қувғин билан алмашинди, бу ҳам омадинг.  
Лутфу марҳаматлар нури бошингда порлар,  
Бахту иқбол деганлари қошингда пайдо.  
Аммо, сен-чи, беадаб бир оймқиз каби

Ўз ишқингу қисматингга қиласан фироқ,  
Ҳай, ҳазир бўл, хазон бўлиб кетмагин тагин.  
Бор, суйганинг олдига бор, келишилгандай.  
Унинг хонасига кириб, кўнглини кўтар.  
Тонг отгунча қолиб кетма, эртароқ жўна,  
Йўқса, Мантуяга бориб етолмагайсан.  
Бир оз муддат унда яшаб турасан, сўнгра  
Биз пайт пойлаб, никоҳингни ошкор этамиз,  
Аразлашган дўстларни ҳам яраштирамиз,  
Сени авфу этишни ҳам сўраймиз беқдан.  
Веронага қайтарамиз сени, ўшанда  
Юз минг карра ортиқ бўлур қайтиш қувончинг  
Кетгандаги чеккан қайғу, аламларингдан.  
Бор, энага, бекачингга биздан салом айт,  
Мусибатдан ҳориб-толган уйдагиларни  
Тўшакка ётқизиб, тезроқ хотиржам этсин,  
Ромео ҳам тезда етиб боргай.

Э н а г а

Эй, Худо!  
Ана, донишмандлик! Шунда тун бўйи қолиб,  
Доно ўғитларингизни тингласам, дейман.  
Тақсир, сизни келаяпти, дея айтаман.

Р о м е о

Айтгин, шайлаб турсин таъна-дашномларни ҳам.

Э н а г а

Бу узукни сизга атаб юборди бекам,  
Тезроқ боринг, тун ярмига етай деб қолди.

*(Кетади.)*

Р о м е о

Булар бари таскин берди менга ҳарқалай!

## Р о ҳ и б Л о р е н с о

Боргин энди, хайрли тун, ёдингда сақла:  
Посбонлар чиқмасдан олдин йўлга туш, жўна.  
Тонг отарда чиқсанг, ўзгарт кийимларингни,  
Мантуяда кутгин. Огоҳ этаман сени  
Бор гаплардан хизматкоринг воситаси-ла,  
Не хушхабар бўлса, сенга шитоб етказур,  
Қўлингни бер, ўғлим, йўлинг оқ бўлсин, хайр!

## Р о м е о

Ёрим васли иштиёқи тортади, йўқса,  
Қийин бўлар эди сиздан айрилиш, ота.  
Хайр!..

Кетишади.

## Тўртинчи саҳна

Капулеттилар уйида бир хона.

Капулетти, Капулетти хоним ва Парис киришади.

## К а п у л е т т и

Тақсир, шу мусибат боис қизимиз билан  
Тўй ҳақида гаплашишга имкон бўлмади.  
Менга ўхшаб Тибальтни у севарди жуда,  
Аммо, иложимиз қанча, ўлим муқаррар.  
Вақт ҳам алламаҳал, қизим чиқолмас энди.  
Биласизми, ташвишингиз бўлмаса агар,  
Мен ҳам ётган бўлар эдим бир соат аввал.

## П а р и с

Мотам-аза айёмида совчилик бўлмас,  
Хайр, хоним, қизингизга мендан саломлар.

## К а п у л е т т и

Саломингиз етказаман, унинг майлини  
Эртага сўрайман, бугун мавриди эмас.

## Капулетти

Жаноб Парис, мен мутлақо ишонаманким,  
Қизим сизни хушлар, яна этмасман гумон,  
Менинг чизган чизифимдин чиқмас ҳеч қачон,  
Хоним, сиз гаплашинг бориб, уйқу олдидан,  
Ўғлимиз Париснинг унга севгисин айтинг.  
Огоҳ этинг, шу келгуси чоршанба куни  
Ҳа, бутун қайси кун?

П а р и с

Бутун душанба, хўжам.

## Капулетти

Душанбами? Ундоқ бўлса, чоршанба яқин,  
Хўп, пайшанба бўла қолсин, пайшанба куни  
Ўқитамиз икки ёшнинг никоҳ хутбасин.  
Шу муддатга тайёрмисиз? Шошилиничмасми?  
Шовқин кўтармаймиз, неча дўсту ёр фақат,  
Тибальт ўлдирилди, ахир, яқинда, афсус,  
Базми жамшид қилар бўлсак, қариндошига  
Аза тутишмаяпти, деб кўпаяр гап-сўз.  
Беш-олтита дўст, ақрабо етади бизга,  
Бас, кифоя! Хўш, пайшанба маъқулми сизга?

П а р и с

Кошки, дердим, эртага кун пайшанба бўлса.

## Капулетти

Унда, хайр, бора қолинг, пайшанбагача!  
Хоним, сиз гаплашинг энди Жульетта билан,  
Ҳозир бўлсин пайшанбага, никоҳ кунига.  
Хайр, граф! Қани, менга чироқ тутинглар!  
Тун ҳам оғиб қолди, ана, ҳадемай саҳар,  
Шундоқ бўлса ҳамки, сизга бўлсин муяссар  
Хайрли кеч!..



## Бешинчи саҳна

Жульеттанинг хонаси.

Ромео билан Жульетта киради.

### Ж у л ь е т т а

Кетасанми? Тонг отарга ҳали узоқ-ку,  
Сайрашлари сени бундоқ ҳушёр тортирган  
Тўрғай эмас, тун қўйнида булбулдир, жоним,  
У ҳар кеча сайрар анор шохига қўниб,  
Ишонавер, сайраган у булбул, беуйқу.

### Р о м е о

Булбул эмас, тонг жарчиси тўрғай эди у.  
Қара, севар ёрим, майин, қизғиш шуълалар  
Кун чиқарда булутларга бермоқда жило.  
Тун шамлари сўниб борар, хушчақчақ кундуз  
Мўралайди туман босган тоғ чўққисидан,  
Кетсам, ҳаёт менга, қолсам, ўлимдир, мамот.

### Ж у л ь е т т а

У субҳидам шуъласимас, яхши биламан,  
У - қуёшдан узилган ўт, учар бир юлдуз.  
Тунда бошинг узра порлоқ машғала бўлиб,  
Мантуяга томон йўлинг ёритгувчидир.  
Шунинг учун ошиқма кўп, жоним, қол яна.

### Р о м е о

Майли, тутсин улар, майли, ўлдирса ҳамки,  
Мен қоламан, жоним, сенинг истагинг қабул.  
Истасанг, бас, уфқларда тонг нури эмас,  
Ой аталмиш Диананинг ёғдуси, дейман.  
Ва бошимиз узра, юксак кўк гумбазида  
Сайрагувчи қуш ҳам тўрғай эмасдир асло.  
Кетмоққа не ҳожат, жон деб ёнингда қолгум,  
Жульетта истайди, менга писандмас ўлим,  
Жоним, гаплашайлик, ҳали тонгтача узоқ.

## Ж у л ь е т т а

Йўқ-йўқ, тонг ёришиб қолди, бора қол тезроқ,  
Бу бетартиб ва ёқимсиз садолар ила  
Сайраётган қуш ҳам худди тўрғайнинг ўзи.  
Дейдиларки, бўзтўрғайнинг овози ширин,  
Нечук ширин бўлмай, солса ўртага ҳижрон?  
Кўзларини бақа билан алмаштирганмиш,  
Кошки эди алмаштирса овозини ҳам.  
У ажратди туташган шу қўлларимизни,  
Тонгни отгирди-ку, лекин сени ҳам отди.  
О, бора қол энди, мана, ёришди сабоҳ.

## Р о м е о

Тонг ёришган сайин тортар ғамларим қаро.  
Энага киради.

## Э н а г а

Бекам!

## Ж у л ь е т т а

Лаббай, эна!

## Э н а г а

Бека ойингиз бу дам  
Бу томонга келмоқдалар, хузурингизга.  
Тонг ёришиб қолди, қаранг, эҳтиёт бўлинг.

*(Чиқади.)*

## Ж у л ь е т т а

Деразадан кундуз кириб, кетар ҳаётим!

## Р о м е о

Хайр, битга ўпай, кейин кетаман, жоним.

*(Деразадан тушади.)*

## Ж у л ь е т т а

Кетаяпсанми, а? Эрим, суюкли ёрим!  
Ҳар кун, ҳар соатда сендан хабар кутаман.  
Шу йўсинда Ромеомни кўргунимча то,  
Роса қариб қолсам керак.

## Р о м е о

Хайр, маликам!  
Ишон, менга, фурсат қулай келди дегунча  
Мен сенга йўлайман севги саломларимни.

## Ж у л ь е т т а

Менга айтгил, жоним, яна кўришамизми?

## Р о м е о

Ҳеч шубҳасиз. Ширин-ширин суҳбатлар қуриб,  
Эслашамиз бу аламлар, қайғу-ғамларни.

## Ж у л ь е т т а

Эвоҳ, шум манзара ногоҳ юз очди менга,  
Сен шу пастда эканинда, бир зум қабрда  
Ётган оппоқ мурда бўлиб кўриндинг нечун?  
Ё кўзларим ҳорғин, ёки юзларинг сўлғин...

## Р о м е о

Жоним, ишон, сен ҳам менга шундоқ туюлдинг,  
Қайғу-ғамлар қонимизни ичар. Алвидо!

*(Кетади.)*

## Ж у л ь е т т а

Қисмат, қисмат! Беқарор деб аташар сени,  
Шундоқ эса, садоқатда устуворларни  
Не қиласан? Кўрсат яна беқарорлигинг,  
Ўтинаман, йироқларда тутиб турмагин,  
Уни тезроқ қайтар менга.

Капулетти хоним

(Саҳна ортидан)

Қизим, ҳой, қизим!  
Турдингми уйқудан?

Жульетта

Ким бу, ойим эмасми?  
Ёки ухламаган, ёхуд эрта турганми,  
Қай бир сабаб юз бердиким, келар бу ёққа?  
Капулетти хоним киради.

Капулетти хоним

Хўш, қалайсан, қизалоғим?

Жульетта

Ойи, мазам йўқ.

Капулетти хоним

Қариндошинг учун ҳамон йиғлаяпсанми?  
Қабрини ҳам кўз ёшинг-ла ювмоқчимисан?  
Йиғлаганинг билан ўша тирилармиди?  
Гарчи қайғу чекиш меҳр нишонидир, бас,  
Ҳадеб ҳасрат чекиш аммо ақлдан эмас.

Жульетта

Қўйинг, айрилиққа яна йиғлай, ойижон.

Капулетти хоним

Йиғлаганинг сайин дардинг зиёда бўлур,  
Аммо биласанки, кетган қайтиб келмагай.

Жульетта

Шу айрилиқ дарди мени йиғлатса нетай?

Капулетти хоним

Сен акангга эмас, кўпроқ уни ўлдирган  
Аблаҳ тирик юрганига чекасан андуҳ.

Жульетта

Қайси аблаҳ, ойи?

Капулетти хоним

Ўша аблаҳ Ромео.

Жульетта

*(Четга)*

Аблаҳ ва у - бамисоли еру осмон,  
Тангрим уни маъзур тут, мен кечирдим дилдан,  
Гарчи ҳеч ким кўнглим шунча яро қилмаган.

Капулетти хоним

Чунки ўша аблаҳ ҳамон тирик юрибти.

Жульетта

Таассуфки, қўлим етмас узоқларда у,  
Йўқса, акам қасосини олардим мен ҳам!

Капулетти хоним

Биз қасос оламиз ундан, сен хотиржам бўл,  
Кейин йиғлаб-сиқтамайсан. Мантуяга мен  
Одам юбораман, унда яшар қувғинди.  
Унга шундоқ оби зам-зам ичирамизки,  
Тибальт, қайдасан, деб ўзи излаб, чопади,  
Шунда сенинг маъюс кўнглинг таскин топади.

Жульетта

Чинданам, ойижон, кўнглим топмас тасалли  
Ромеони кўрмагунча қаршимда ўлик.  
Акамни деб алам чекди бечора кўнглим,  
Ойи, агар ишончли бир киши топсангиз,

Ўзим тайёрлайман ўша заҳар-заққумни.  
Уни ичдими, бас, тошдек қотар Ромео.  
О, нақадар алам, ҳар гал номин эшитсам,  
Кошки, дейман, мен шу лаҳза олдига борсам,  
Акамга севгимни айтиб, бўшатсам дилни,  
Ва бағримга босиб, бўғсам ўша қотилни.

### Капулетти хоним

Оғуни топ, мен ишончли одам топаман,  
Энди сенга бир қувончли хабар айтаман.

### Жульетта

Шундай дамда севинчларга жуда ташнаман,  
Қандай яхши хабардир у, айтинг, ойижон.

### Капулетти хоним

Ажаб мунис ва меҳрибон отанг бор, қизим,  
Алам-андуҳларингни у камайтмоқ бўлди,  
Ва тўсатдан тайин этди қувончли кунни,  
Мен-ку кутмагандим, сен ҳам кутмагандирсан.

### Жульетта

У қандай кун экан, ойи, очикроқ сўзланг.

### Капулетти хоним

Никоҳ кунинг у, пайшанба эрталаб, қизим,  
Ўктам, аслзода, ёш ва навқирон йигит -  
Граф Парис азиз Петр бутхонасида  
Содиқ жуфти ҳалолим, деб атайди сени.

### Жульетта

Онт ичаман Петрга ҳам, бутхонага ҳам,  
У бундоқ қилолмас, бунга кўнмасман асло.  
Мен ҳайронман, шошилишга мунча не ҳожат?  
Унашмасдан туриб, қандоқ никоҳдан ўтай?  
Ойи, ўтинаман сиздан, отамга айтинг,

Эрга тегиш истагим йўқ, қасам ичаман,  
Эрга тегар бўлсам, ўзим лаънатлаб юрган  
Ромеога тегаманки, Парисга эмас.  
Вой, тавба-ей!

### Капулетти хоним

Ана, отанг... бу гапларингни  
Унга айтиб кўр-чи, не деб жавоб бераркин.

Капулетти киради.

### Капулетти

Қуёш ботса, ҳаволардан ёғади шабнам,  
Аммо жиянимнинг умр офтоби ботиб,  
Шаррос ёмғир ёғаяпти...  
Ҳой, қиз, тинмадингми, ҳамон йиғлаяпсанми?  
Шу кичкина вужудингда, ўйлаб қарасам,  
Ҳам кема, ҳам шамол, ҳамда денгиз мужассам.  
Кўзинг, кўз ёшларинг - денгиз, тўлқин ва тошқин,  
Чекаётган оҳу воҳинг - денгизда шамол,  
Танинг - ўша тўфонларда сузгучи кема.  
Агарда ел тинчимаса, бўрон тинмаса,  
Тўлқинларда фарқ бўлгуси кеманг, вужудинг,  
Хоним, айтдингизми унга қароримизни?

### Капулетти хоним

Айтдим, унамайди, сизга ташаккур дейди,  
Аммо тегмас эмиш унга ҳатто ўлса ҳам.

### Капулетти

Ҳай-ҳай, шошма, хотин! Менга тушунтириб айт,  
Нима, йўқ дейдими? Биздан хурсанд эмасми?  
Шукур, демайдими, шундоқ омади келса?  
Бу ношукур қизинг магар қувонмайдими  
Шундоқ яхши куёв топиб берганимизга?

## Ж у л ь е т т а

Қувонмайман, аммо сизга ташаккур дейман,  
Жиним суймаган кимсага қандоқ қувонай?  
Лекин раҳмат дейман, шунча заҳмат чекибсиз.

## К а п у л е т т и

Бу нимаси? Бу не савдо? Бу не сафсата?  
"Қувонаман, сизга раҳмат" дейишдан сўнгра  
"Қувонмайман, сизга раҳмат демайман" дейиш...  
Ҳой, ойимқиз, қувонасиз, қувонмайсизми,  
Ташаккур дейсизми ёки демайсиз, бироқ,  
Граф Парис билан Петр бутхонасига  
Агар бормасангиз, ўзим судраб элтаман!  
Йўқол, эй ўлакса! Йўқол кўзимдан, безбет!  
Даф бўл, шум башара!..

## К а п у л е т т и х о н и м

Ҳай-ҳай, жаҳлга минманг  
Нима, жинни бўлдингизми?

## Ж у л ь е т т а

Отажон, сиздан  
Тиз чўкиб сўрайман, бир дам сўзимни тингланг.

## К а п у л е т т и

Вой, башаранг қурсин сени, ярамас, нодон!  
Пайшанба кун бутхонага борасан, тамом.  
Ёки кўрсатмайсан менга қорангни буткул.  
Оғиз очма, гап қайтарма, етар, вассалом.  
Қўлим қичияпти... Хоним, хафа эдик биз,  
Тангри бизга биттагина фарзанд берди деб.  
Энди ўйлаб кўрсам, шу ҳам даҳмаза экан,  
Бундоқ қизнинг бўлганидан бўлмагани хўп.  
Қуриб кетсин!..



Э н а г а

Ундоқ деманг, Худо асрасин,  
Қизини ҳам шундоқ сўкиб, койирми киши?

К а п у л е т т и

Ҳой, сиз тилингизни тийинг, оқилу доно,  
Боринг, ўша ғийбаткашлар олдига жўнанг.

Э н а г а

Мен бир нима дедимми?

К а п у л е т т и

Кет, қорангни ўчир!

Э н а г а

Гапириш ҳам қатағонми?

К а п у л е т т и

Бидирлама, бас!  
Ўзинг қуйиб ичавер у ғийбат косангни,  
Бизга унинг ҳожати йўқ.

К а п у л е т т и х о н и м

Қизишманг мунча.

К а п у л е т т и

Эй, Худойим, мен бу ҳолда жинни бўламан!  
Кеча-кундуз, ҳар соатда, уйдаи, ишда,  
Ёлғизманми, даврадами, ташвишим фақат  
Уни эрга узатсайдим, деган ўй-ният.  
Мана, яхши куёв топдим, ўктам, навқирон,  
Аслзода, назокатли, йигитлар ичра  
Ҳавас қилса, арзийдиган расо бир йигит.  
Бу бўлса-чи, энди нозу фиरोқ қилади  
Тақдирнинг бу тухфасига шукрона этмай,  
Минғирлайди, кўзларига ёш ҳам олади.  
"Мен эрга чиқмайман" эмиш, "Севмайман" эмиш,

"Ҳали жуда ёшман" эмиш. "Кечиринг мени",  
Баҳоналар бисёр... Майли, кечирдим сени,  
Аммо, тўрт томонинг қибла, уйимни тарк эт,  
Ўйлаб қара, сўзим қатъий, бунда ҳазил йўқ,  
Пайшанбага яқин қолди, мулоҳаза қил.  
Қизим эсанг, чиқасан мен айтган кишимга,  
Йўқса, ўзингни ос, юргил кўча-кўйда хор,  
Худо ҳақи, қарамайман, боқмайман қиё.  
Бенасибсан менинг молу давлатимдан ҳам,  
Ўйла, қасам ичдимми, бас, уни бузмасман.

*(Чиқади.)*

### Ж у л ь е т т а

Яратганнинг менга раҳми келмасми, ёҳу!  
Ахир, кўриб турибди-ку ғамларимни у...  
Ойи, ҳайдаманглар мени, ўша никоҳни  
Бир ой ёки бир ҳафтага орқага суринг.  
Йўқ десангиз, Тибальт ётган совуқ даҳмада  
Қизингизга атаб тобут тайёрлайверинг.

### К а п у л е т т и х о н и м

Мендан сўрайверма, сенга айтар сўзим йўқ,  
Не истасанг, қилавер, мен аралашмайман.

*(Кетади.)*

### Ж у л ь е т т а

Эй, Худойим! Оҳ, энагам! Не қилай энди?  
Эрим ерда, қасамёдим осмонлардадир.  
Эрим кўкка чиқиб, уни қайтармас эса,  
Қандоқ қилиб ерга қайтар қасамим менинг?  
Энажон, бир нима дегил, мени юпантир!  
Ҳайҳот, ҳайҳот! Фалак мендек бир бечорага  
Нега раво кўрди экан бу найрангларни?  
Нима дейсан? Наҳот менга тасалли учун  
Бир сўз айтолмасанг, эна?

## Э н а г а

Эшит, айтаман.

Ромео қувғинда, энди не бўлганда ҳам  
У даъвогар бўлиб, сени талаб этолмас.  
Мабодо келса ҳам, келгай фақат пинҳона,  
Шундоқ экан, сен графга текканинг дуруст.  
О, у қандай жонон бир йигит!  
Бургут дейсан, ўлай агар, унинг олдида  
Ромео деганинг ўтмас, кўримсиз матоҳ.  
Дуркунликда, эпчиликда, кўрку камолда  
Парис билан бўйлашмоққа йўл бўлсин унга.  
Ўйлайманки, бу никоҳда бахтли бўласан,  
Бу никоҳнинг афзал ўша биринчисидан.  
Ўша эрингни деб юрма қуруқдан-қуруқ,  
Ўликми ё тирикмидир, сенга фойда йўқ.

## Ж у л ь е т т а

Шу сўзларинг юракданми?

## Э н а г а

Дилу жонимдан,  
Ёлгон айтсам, жудо бўлай иккисидан ҳам.

## Ж у л ь е т т а

Омин!

## Э н а г а

Нега энди?

## Ж у л ь е т т а

Чиндан юпатдинг мени,  
Энди бориб, ойимга айт, пайсалга солмай,  
Мен Лоренсо ҳузурига бораман бу дам.  
Отамга етказган ранжу заҳматим учун  
Бошим эгиб, гуноҳимга тавба қиламан.

## Э н а г а

Ҳозироқ айтаман, балли, бу ишинг маъқул.

*(Кетади.)*

## Ж у л ь е т т а

Вой, лаънати айёр, ёвуз, бедаво иблис!  
Мени ҳеч тортинмай, никоҳ аҳдингни буз деб  
Хиёнатга ундайди, бу гуноҳ эмасми?  
Ромеони камситади, ерга уради,  
Ахир, кечагина худди ўша тил билан  
Минг маргалаб таъриф-тавсиф этган эди-ку.  
Йўқол, берган маслаҳатинг ордона қолсин!  
Сен бошқасан буткул, менинг юрагим бошқа,  
Нажот истаб, мен роҳибга бораман энди,  
У ҳам ёрдам беролмаса, кейин ўламан.

*(Кетади.)*

## ТЎРТИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Роҳиб Лоренсо ҳужраси

Роҳиб Лоренсо ва Парис киришади.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Пайшанбага, дейсизми? Вақт жуда қисқа-ку.

П а р и с

Отам Капулетти шуни истайди, тақсир,  
Улки қистар эса, нечук йўқ дейман?

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Яна,  
Қизнинг раъйини ҳам ҳали сўрамагансиз,  
Менга ёқмас ишнинг бундоқ мужмаллиги ҳам.

## П а р и с

Тибальтни деб у тинимсиз кўз ёши тўкар,  
Шу боисдан кўнгил очиб, гаплашолмадим,  
Фамли уйда ишқ Тангриси этмас табассум.  
Отаси ўйларки, қизнинг йиғи-сиғиси  
Шундоқ давом этаверса, гоят хатарли.  
Шу сабабли тўйимизни шошилтирди у,  
Қизнинг кўз ёшлари шунда тинса деб зора.  
Кўз ёшларки, танҳоликда тўкар у фақат,  
Унга даво бўлур ёлғиз никоҳ ва улфат.  
Шошилишнинг сабаби шу, биласиз энди.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

*(Четта)*

Кошки энди нарёғини билмасам эди

*(Парисга)*

Қаранг, келиб қолди, мана, ойимқиз ўзи.

Жульетта киради.

## П а р и с

Бахтиёрман кўриб сизни, менинг рафиқам.

Ж у л ь е т т а

Рафиқам денг, агар сизга рафиқа бўлсам.

## П а р и с

Севиклигим, пайшанба кун шундоқ бўлади.

Ж у л ь е т т а

Бўладими, бўлмайдими, Худо билади.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Бу тўғри гап.

П а р и с

Келдингизми тавба қилишга?

Ж у л ь е т т а

Тавба қилиб, кейин сизга иқрор бўлишга.

П а р и с

Иқрор бўлинг менга бўлган севгингизга ҳам.

Ж у л ь е т т а

Уни севаман деб сизга иқрор бўламан.

П а р и с

Ишонаман, не бўлса ҳам севасиз мени.

Ж у л ь е т т а

Яхши бўлмас юзингизга сўйласам бунни.

П а р и с

Кўз ёшлардан сўлгин тортмиш юзларинг сенинг.

Ж у л ь е т т а

Аввалданам сўлгин эди юзларим менинг.

П а р и с

Шундоқ дейиш зиёнлидир кўз ёшларданам.

Ж у л ь е т т а

Бу айтганим ёлғон эмас, ҳақиқат, тақсир,  
Юзларимни сўлгин дедим, яна айтаман.

П а р и с

Ўша юзлар меники, сен бўҳтон қилдинг, бас.

Ж у л ь е т т а

Балки шундоқ, чунки улар меники эмас.  
Фурсатингиз борми ҳозир, руҳоний ота,  
Ёки кечки ибодатга келсамми экан?

## Р о ҳ и б Л о р е н с о

Бўшман, сени тингламоққа ҳозирман, қизим.

*(Парисга)*

Узр, энди холи қўйинг, тақсирим, бизни.

## П а р и с

Тақвойингиз бузармидим, Худо асрасин!  
Пайшанба кун уйғотаман, Жульетта, сизни,  
Ўшангача хайр, жоним, ўпаман, хайр!

*(Кетади.)*

## Ж у л ь е т т а

О, эшикни ёпинг, ота, йиғланг мен билан,  
На умид бор, на бир мадад, на чора-тадбир!

## Р о ҳ и б Л о р е н с о

Жульетта, мен биламан қайғу, ғамингни,  
Ўйласам-да, бу иш менинг ақлимга сиғмас.  
Пайшанбада граф билан бўлуwr никоҳинг,  
Уни қолдириб ҳам, ортга суриб ҳам бўлмас.

## Ж у л ь е т т а

Ота, айтманг бу балони билишингизни,  
Айтинг, нечук тадбир ила даф этай уни.  
Агар ақлу ҳунарингиз этолмаса ҳал,  
Менинг қароримни қўлланг, мана шу ханжар  
Бир зарб ила ҳал этади, қолмагай чигал.  
Тангри туташтирди бизнинг қалбаримизни,  
Қўлларимизни-сиз, азиз отажон, энди  
Ромеога чўзилган қўл бошқа бировга  
Чўзилгудек бўлса, менинг содиқ юрагим  
Бошқага юз бурса агар, айлаб хиёнат,  
Шу ханжарим иккисин ҳам тилкалаб ташлар!  
Шу боисдан узоқ умр тажрибасидан  
Истифода этиб, ота, маслаҳат беринг.

Йўқса, мени дардим билан қўйинг юзма-юз,  
Қонли ханжар бўлсин бизнинг ўртада ҳакам.  
Донишмандлик ила ҳунар қоларкан ожиз,  
Муаммога бир зарб ила берсин у барҳам.  
Илтимосим, фақат қисқа сўзланг, отажон,  
Ёки ўлай, ёки этинг дардимга дармон.

### Р о ҳ и б Л о р е н с о

Шошма, қизим, милтиради умид учқуни,  
Фақат лозим бўлур никоҳ машмашасидек  
Ўзга бир хатарга ўзни айламак дучор.  
Баски, сен Парисга хотин бўлишдан кўра,  
Ўлимни ўзинга афзал кўрар экансан,  
Ёлғондакам ўлишга ҳам рози бўлгайсан.  
Бу бир чорадирким, қабул айласанг уни,  
Ўша манфур никоҳингдан қутқарар сени.  
Агар рози бўлсанг, сенга дори бераман.

### Ж у л ь е т т а

О, Парисга текканимдан кўра, анави  
Минорадан сакра, деса, сакрайман ҳозир.  
Ўғрилик қил, десангиз гар, ўғрилик қилай.  
Майли, илон-чаён тўла ўрага ташланг,  
Майли, мени айиқ билан занжирбанда айланг.  
Ёки тунда элтиб, совуқ дахмага қаманг,  
Гарчи унда мурдаларнинг бош чаноқлари,  
Шақир-шуқур суяклари қалашиб ётар  
Ё буюринг, мен янги бир қабрга кирай,  
Ўлик кафанини юлқиб, танимга ўрай,  
Таним қалтирайди ҳар гал шуни ўйласам...  
Аммо буларни мен қилгум иккиланмасдан,  
Севганим олдида юзим ёруғ бўлса, бас.

### Р о ҳ и б Л о р е н с о

Унда эшит, уйинга бор ҳозир шод-хуррам,  
Тўй-никоҳга розилик бер. Эрта - чоршанба,



Ўз хонангда ёлғиз ухла чоршанба оқшом,  
Сен биланмас, бошқа уйда ётсин энаганг.  
Тўшагингга ётиб, қўлга шу шишани ол,  
Охиригача симир, токи қатра қолмасин.  
Баданингга бир совуқлиқ югурар шунда,  
Танинг карахт тортиб, томир уришлари ҳам  
Секинлашиб борар, аста тинар ниҳоят,  
На нафас, на ҳароратдан бўлмагай нишон.  
Ранги ўчиб лабларинг ҳам, ёноқларинг ҳам  
Кулранг тусга кирар экан, ҳорғин кўзларинг  
Юмилади, ҳаёт билан видолашгандай.  
Бор вужудинг ва ундаги бутун аъзолар  
Ҳаракатсиз, қотиб қолар худди мурдадек.  
Шу ўлимга ўхшаш сохта, ясама ҳолат  
Давом этажақдир сенда қирқ икки соат,  
Сўнгра уйфонасан гўё ширин уйқудан...  
Пайшанба кун уйғотгали куёв келаркан,  
Кўрар ётганингни совуқ тўшақда бежон.  
Шунда таомилга кўра, ясатиб сени,  
Тобутга солурлар, марҳум капuletгилар  
Ётган хилхонага сўнгра элтарлар равон.  
Мен хат ёзиб, Ромеони воқиф этаман,  
Етиб келиб, шунда ҳозир-нозир бўлар у.  
Уйғонишинг кутамиз ва ўша тундаёқ  
Мантуяга олиб кетар сени Ромео.  
Шу йўсинда маломатдан бўлурсан халос,  
Фақат қилган қарорингда туролсанг қатъий  
Ва аёллар қўрқоқлиги панд бермаса, бас.

### Ж у л ь е т т а

Дору беринг, қўрқоқликдан гапирманг, ота!

### Р о ҳ и б Л о р е н с о

Мана, ол ва қарорингда қатъиятли бўл,  
Мен ҳозироқ Мантуяга бир роҳибни зуд  
Жўнатаман, Ромеони хабардор этсин.

## Ж у л ь е т т а

О, муҳаббат, ўзинг куч бер, ўзинг ярлақа!  
Хайр, отажоним!..

*(Кетадилар.)*

## Иккинчи саҳна

Капулетти уйида бир зал.

Капулетти, Капулетти хоним, энага ва хизматкорлар киришади.

## К а п у л е т т и

Рўйхатда бор меҳмонларни бир-бир таклиф эт.

*(Хизматкор чиқади.)*

Сен ҳам бор-да, йигирмата яхши ошпаз топ.

## И к к и н ч и х и з м а т к о р

Хотиржам бўлинг, тақсирим. Мен бармоғини ялайди-  
ганларни топаман.

## К а п у л е т т и

Бу нимаси тағин?

## И к к и н ч и х и з м а т к о р

Тақсирим, мен сизга айтсам, ёмон ошпаз бармоғини  
яламайди. Мен ундайларни ёлламайман.

## К а п у л е т т и

Бўпти, бора қол.

*(Иккинчи хизматкор чиқади.)*

Улгурармиканмиз, чунки вақтимиз тигиз,  
Ҳа, айтмоқчи, жўнадими қизим роҳибга?

## Э н а г а

Жўнади, тақсирим.

## К а п у л е т т и

Роҳиб насиҳати-ла

Эпақага келар балки гап уқмас, қайсар.

## Э н а г а

Ана, келмоқда у шодон кайфият ила.

Жульетта киради.

## К а п у л е т т и

Ҳай, ўжар қиз, қаёқларда юрибсан санқиб?

## Ж у л ь е т т а

Шундоқ бир жойдаким, сизга саркашлик айлаб,  
Этган гуноҳимга тавба-тазарру қилдим.  
Ҳазрат Лоренсо тиз чўкиб оёфингизга,  
Сиздан узр сўрашимни буюрди менга.  
Мени маъзур тутинг, ота, сиздан сўрайман,  
Бундан кейин амрингизга итоатдаман.

## К а п у л е т т и

Биров бориб, огоҳ этсин графни бундан,  
Эртагаёқ биз тугунни туғиб қўямиз.

## Ж у л ь е т т а

Лоренсонинг ҳужрасида учратдим уни,  
Расму одат кўтаргунча этдим илтифот,  
Камтаринлик чизигидан чиқмадим аммо.

## К а п у л е т т и

Мен хурсандман, баракалла, майли, тур энди,  
Сен бошданоқ шундоқ қилсанг, яхши бўларди.  
Худо ҳақи, кўп азиздир руҳоний ҳазрат,  
Бутун шаҳар кўрар ундан лутфу марҳамат.

## Ж у л ь е т т а

Энагажон, юргил энди менинг хонамга,  
Менга ёрдам бергил, зебу зийнатларимни  
Эртага тақиш-чун бугун ҳозирлаб қўйй.

## Капулетти хоним

Ҳай, шошилма, ҳали вақт бор пайшанбагача.

## Капулетти

Бор, энага, бутхонага борилар эрта.

*(Энага ва Жульетта кетишади.)*

## Капулетти хоним

Тайёргарлик кўриш учун фурсатимиз оз,  
Тун ҳам кириб қолди.

## Капулетти

Хотин, сен ташвиш чекма,  
Ҳамма нарса аъло бўлур, ишонгил менга,  
Сен, яхшиси, Жульеттага бориб, қарашгил.  
Мен бу кеча ухламайман, мени холи қўй.  
Уй бекаси бўламан. Ҳой, у ёқда ким бор?  
Кетишдимми? Йўқ, ҳозироқ ўзим бораман,  
Ёш графни ҳозирлайман эртанги кунга.  
Руҳим енгил тортди, ёнди юрагимда нур,  
Ўжар қизим муросага келди ҳайтовур...

*(Кетади.)*

## Учинчи саҳна

Жульетта хонаси.

Жульетта билан Энага киришади.

## Жульетта

Ҳа, мана бу қўйлак - аъло, мунис энагам,  
Ўтинаман, мени ёлғиз қўйгил бу кеча.  
Дуо-илтижолар этай токи тонггача,  
Биласан-ку, қанча айбу гуноҳларим бор,  
Шояд карам этса менга Ҳақ-парвардигор.  
Капулетти хоним киради.

Капулетти хоним

Ҳай, ҳали ҳам бандмисизлар? Ёрдам керакми?

Жульетта

Йўқ, ойижон, биз эртанги маросим учун  
Зарур барча нарсаларни ажратиб бўлдик.  
Ўтинаман, мени энди холи қўйинглар,  
Ойи, энага ҳам бугун сиз билан бўлсин,  
Бугун оз эмасдир, ахир, иш-ташвишингиз,  
Сизга қарашади.

Капулетти хоним

Майли, хўп, хайрли тун,  
Дамингни ол, қизим, яхши ётиб, ухлагин.

*(Капулетти хоним ва Энага чиқишади.)*

Жульетта

Хайр!..

Яна қачон кўришамиз, Худо билади.  
Даҳшатли бир қўрқув кезиб томирларимда,  
Титратади, музлатади жисму жонимни.  
Юпатинг, деб уларни ё чақирсаммикин?  
Энага! Ҳай, бу ерда у нима қилади?  
Қайғули бу ролни ўзим ўйнашим даркор.  
Эй шиша, кел, келақол энди,  
Нима бўлар агар таъсир этмаса дору?  
Мен бировга тегаманми эртага? Йўқ, йўқ!  
Мана бу бор, йўл қўймайди, турсин бу ерда.

*(Ханжарни олиб, ёнига қўяди.)*

Мабодо бу дору эмас, заҳар бўлса-чи?  
Роҳиб мени ўлдиришни ўйлаган бўлса?  
Бу никоҳда унинг сири фош бўлур, мени  
Ромеога никоҳлаган унинг ўзи-ку  
Қўрқаманки, шундоқ.

Йўғ-ей, бу мумкин эмас,  
Ахир, у тақводор, азиз авлиё одам,  
Бундоқ хунук хаёлларга боришим - гуноҳ,  
Нима бўлур, агарда мен уйғониб қолсам,  
Ромео келмасдан олдин? Мана бу - даҳшат!  
Нафасларим қисиб ўша сассиқ даҳмада  
Ромео келмасдан олдин бўғилиб ўлсам?  
Ёки тирик қолсам, ўша сағана ичра  
Кам эмасдир ўлим ила зулмат ваҳимаси.  
Ва юз йиллар давомида дафн этилган  
Аждодларнинг суяклари, руҳи шарпаси.  
Кечагина ўлдирилган Тибальт жасади  
Қонли кафан ичра чириб ётгандир балки.  
Дейдиларки, тун қўйнида маълум соатда  
Қабрлардан чиқар эмиш жумла арвоҳлар.  
Эвоҳ! Мен ўшанда эрта уйғониб қолсам,  
Қўланса ҳидлардан, қуюқ тун зулматида  
Ерни зир титратган қўрқинч, қичқириқлардан  
Бир лаҳзада жинни бўлиб қолмасмиканман?  
О, агар уйғонсам, жинни бўлишим тайин.  
Қўрқув, ваҳималар ичра ўзни йўқотиб,  
Боболарим суякларин ўйнаб телбадек,  
Тибальт кафанини юлқиб, тортқилаб олсам?  
Бобомнинг бир суягини калтақдай тутиб,  
Ўз бошимга ўзим уриб, пачоқлаб қўйсам?  
Эвоҳ, Тибальт руҳи тентиб юрибти, мана,  
Ромеони излайди у, нечун танамни  
Тилка-пора қилди, дейди, қиличинг сенинг?  
Тўхта, Тибальт!.. Ромео, мен етиб бораман,  
Сен учун ичаман шуни...

*(Парда ортидаги тўшакка йиқилиб тушади.)*

## Тўртинчи саҳна

Капулетти уйида бир зал.

Капулетти хоним ва Энага киришади.

Капулетти хоним

Манави калитни ол-да, ширинлик келтир.

Энага

Пишириққа беҳи билан хурмо керакмиш.

Капулетти киради.

Капулетти

Қимирланглар! Икки дафъа қичқирди хўроз,  
Ибодатга занг урилди, соат уч бўлди.  
Анжелика, яхшироқ қил бугун сомсани,  
Гўштни тежайверма.

Энага

Боринг, озгина ухланг,  
Мижжа қоқмай, оёқдасиз, ахир, тун бўйи,  
Бетоб бўлиб қолманг тагин эртага.

Капулетти

Йўқ-йўқ,  
Илгари ҳам ухламаган тунларим бўлган.  
Аммо касал бўлмаганман асло.

Капулетти хоним

Ўшанда  
Кечалари ов қилгани чиқар эдингиз,  
Энди чиқолмайсиз, энди чиқариб бўлман!

*(Капулетти хоним ва Энага кетишади.)*

Капулетти

Вой, рашкчи хотин-ей!.. Қаранг, унутолмайди.

(Уч ёки тўртта хизматкор киради, уларнинг қўлларида кабоб сихлари, ўтин ва саватлар.)

Ҳой, йигитча, қўлингдаги нима?

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Масаллиқ,

Аммо не эканин, ўзим билмайман, тақсир.

К а п у л е т т и

Қани, бўл, қимирла тезроқ!

*(Биринчи хизматкор чиқади.)*

Сен эса, ошнам,

Чопқиллаб боргин-да, қуруқ ўтин олиб кел,

Петрдан сўра, айтар қайдалигини.

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Каллам бор-ку, тақсир, ўзим яхши биламан,

Петрдан сўрамоққа ҳожат йўқ сира.

К а п у л е т т и

Вой, хумпар-ей! Сўзни дарров илиб кетади,  
Каллам, дейди, калла эмас, гўла, десанг-чи!

*(Иккинчи хизматкор чиқади.)*

Тонг оқариб қолди, мана, ҳадемай энди

Куёв бола келиб қолар машшоқлар билан.

Буни ўзи айтган.

*(Муסיқа эшитилади.)*

Ана, келди шекилли,

Энага!.. Ҳой, Хотин!.. Ким бор?.. Энага, дейман!

Энага киради.

Бориб, Жульеттани дарҳол уйғот, кийинтир,

Мен Парисни қаршилай-да, гаплашиб турай.

Куёв келиб қолди, қани, қимирланг чаққон,

Ҳой, тезроқ бўлинглар!..

*(Кетади.)*



## Бешинчи саҳна

Жульетта хонаси.

Энага киради.

Э н а г а

Ҳой, ойим қиз! Ҳой, бекачим! Ҳой, Жульетта!  
Қўзичоғим! Уйғондингми? Тўшақдамисан?  
Энди тура қолинг, жоним! Янги келинчак!..  
Нега жавоб бермас, ажаб? Ҳамон уйқуда,  
Бир ҳафталик уйқусини олмоқчи шекил.  
Граф Парис ухлатмайди сизни бу кеча,  
Бир оз ухлаб олсам, дейсиз шу боисдан ҳам.  
Вой, Худойим, тошдек қотиб ухлабди бу қиз,  
Уни уйғотишим керак! Уйғонинг, бекам!  
Нима бўлур граф сизни тўшақда кўрса,  
Бир чўчитиб қўймасмикин сизни шу онда?  
Ажаб, кийимларин кийиб, ухлабди тагин!  
Сизни уйғотишим зарур, Жульетта! Бекам!  
Ҳайҳот! Ҳайҳот! Ёрдам Беринг! Бекачим - ўлик!  
Кошки эди туғилмасам! Ҳой, хоним! Хўжам!  
Менга дори беринг! Вой-дод! Чидаёлмайман!  
Капулетти хоним киради.

К а п у л е т т и х о н и м

Нега шовқин кўтарасан?

Э н а г а

О, қиёмат кун!

К а п у л е т т и х о н и м

Нима бўлди? На ҳодиса?

Э н а г а

Ўзингиз қаранг!

Капулетти хоним

Эвоҳ! Эвоҳ! Болагинам! Жоним! Ёлғизим!  
Кўзингни оч бундоқ! Йўқса, мен ҳам ўламан!  
Ҳой, ёрдам беринглар, ёрдам!

Капулетти киради.

Капулетти

Уят эмасми!  
Куёв кутиб қолди унда, Жульетта қани?

Энага

У ўлиб ётибти бунда, эвоҳ, фалокат!

Капулетти хоним

Қандай қаро кун бу! Қизим ётибди жонсиз!

Капулетти

Йўғ-ей! Қани, кўрай.. Ҳайҳот! Совубди буткул,  
Қони музлаб, тортишибти бутун бадани,  
Бу лабларда йўқдир энди ҳаёт асари,  
Ўлим чирмаб олиб, хазон этибти тамом,  
Гўё қаҳратонда қолиб, қовжираган гул.

Энага

О, қиёмат кун бу!

Капулетти хоним

Эвоҳ, қандай мусибат!

Капулетти

Уни олиб, менга фарёд келтирган ўлим,  
Тилим тутиб қўйди, сўзга келмайди тилим.  
Роҳиб Лоренсо, Парис ва машшоқлар киришади.

Роҳиб Лоренсо

Бутхонага бориш учун тайёрма келин?

## Капулетти

У боришга тайёр, аммо қайтмас ҳеч қачон.  
Ўғлим! Тўйинг бўлмай туриб, сенданам аввал  
Ёстиқдошинг ёстиғига бош қўйди ажал.  
Мана, ётибди у совуқ тўшақда бежон,  
Бир гул эди олдин, энди бир ҳовуч хазон.  
Куёвим ҳам, ворисим ҳам ўлимдир бугун,  
Мен қизимни бердим унга, энди ўламан,  
Молимни ҳам, жонимни ҳам унга бераман.

## Парис

Мен бу тонготарни қанча орзиқиб кутдим,  
Кўрсатган неъматини менга шуми оқиба?

## Капулетти хоним

Касофатли кун бу, мудҳиш, ҳалокатли кун!  
Умр карвонимнинг узун, яйдоқ йўлида  
Бундоқ машғум, мусибатли соат бўлмаган!  
Эсиз! Эсиз! Ёлғиз болам, биргина болам,  
Кўзларимнинг севинчию кўнглим юпанчи  
Кетди!.. Юлиб кетди уни бағримдан ўлим!

## Энага

Во ҳасрато! Қандай кун бу! Во мусибато!  
Бундай қайғу, ҳасрат куни бўлмамиш асло!  
Қандай кунга қолдик, қандай мотамга қолдик!  
Мен умримда бундоқ қаро кунни кўрмадим,  
Во ҳасрато!.. Во мусибато!..

## Парис

Мен алдандим, жудо бўлдим, топталиб, ўлдим!  
Мени алдаб кетдинг, иркит, лаънати ўлим!  
Ёвуз қилмишинг-ла бахтим қўпординг, йиқдинг,  
Ишқим барбод этдинг, мени тупроққа тикдинг!

## Капулетти

Адо бўлдим, адо бўлдим, адо бўлдим мен!  
Нега бевақт келдинг, ажал, не сабабдан сен  
Тўйимизни мусибатга, азага бурдинг?  
Менинг болам, ширин жоним, кўзимнинг нури!  
Ўлдингми, а? Наҳот, наҳот, рост бўлса шу гап?  
Севинчларим кўмилади сен билан бирга!..

## Роҳиб Лоренсо

Ҳай, тинчланинг, етар! Шундоқ айрилиқ кунда  
Шукур қилмай, дод-вой солиш уят бўлади!  
Гўзал қизга соҳиб раво сиз эмас танҳо,  
Унга соҳиб раво эди фалакнинг ўзи,  
У истади, мана, уни бағрига олди.  
Ўша ерда яшаш унга минг карра қулай,  
Сиз ўлимдан уни асраб қололмадингиз,  
Лекин фалак унга мангу тириклик бергай.  
Ниятингиз Жульеттани юксалтиш эди,  
Уни кўкка кўтаришни истар эдингиз,  
Фалак уни юксалтирди булутлардан ҳам,  
Авжи самодадир, нега йиғлайсиз энди?  
Болангизни демак яхши кўрмас экансиз,  
Йўқса, нега у қувонса, чекасиз қайғу?  
Узоқ турмуш қурган аёл бахтли бўлолмас,  
Турмуш қуриб, вафот этган келин бахтиёр.  
Кўз ёшларни артинг, гўзал жасади узра  
Атиргуллар сочинг, расму одат бўйича  
Ясантириб, бутхонага элтинглар уни.  
Гар табиат, йиғлангиз, деб фармон берса ҳам,  
Ақлу идрок тутар ўзни тетик ва бардам.

## Капулетти

Биз тўйга деб ҳозирлаган барча нарсалар  
Не қилайки, сарфланади азага энди.

Қувноқ таронамиз мунгли марсия бўлур,  
Тўй оши ўрнига энди - маърака оши,  
Тантанавор куй ўрнига - мотам навоси,  
Келинга деб сараланган гуллар, чечаклар  
Унинг тобутини безаб, беради оро,  
Ҳамма нарса тескари бир тус олди, эвоҳ!..

### Р о ҳ и б Л о р е н с о

Боринг, тақсир! Хоним, сиз ҳам боринг у билан,  
Сиз ҳам боринг, жаноб Парис! Ҳозирланинглар  
Марҳумани элтмоқ учун унинг қабрига.  
Фалак жазо берди қай бир гуноҳингиз-чун,  
Фарёд чекиб, ғазабини қўзғатманг тагин.

*(Капулетти, Капулетти хоним, Парис ва Лоренсо кетишади.)*

### Б и р и н ч и м а ш ш о қ

Биз ҳам карнай-сурнайни йиғиштириб, йўлга равона  
бўлишимизга тўғри келади.

### Э н а г а

Ҳой, яхши йигитлар, йиғиштиринглар! Кўраяпсиз,  
қандоқ мусибат юз берди.

*(Кетади.)*

### Б и р и н ч и м а ш ш о қ

Ҳар ҳолда ҳақимизни беришса, ёмон бўлмасди.  
Петр киради.

### П е т р

Машшоқлар, ҳой, машшоқлар! "Юрак қувончи"ни!..  
Мени ўлмасин десангиз, "Юрак қувончи"ни чалинг.

### Б и р и н ч и м а ш ш о қ

Нега энди "Юрак қувончи"ни?

Петр

Ох, машшоқлар, юрагимда "Юрагим ғамга тўлди" ашу-  
ласи янграпти. Ох, бирор шўх тарақ-туруқ чалиб, мени  
юпатинглар.

Биринчи машшоқ

Ҳозир тарақ-туруқ мавриди эмас.

Петр

Чалмайсизларми?

Машшоқлар

Йўқ.

Петр

Унда мен кўрсатиб қўяман сизларга.

Биринчи машшоқ

Нимани кўрсатасиз?

Петр

Пул эмас, шапалоқ! Татиб кўрасиз уни, саёқ созандалар!

Биринчи машшоқ

Мен ҳам сенга кўрсатиб қўяман, малай.

Петр

Малай ханжаримни чекканга қадасам борми,  
Ре-фа-ля деб хиргойи қилаверасан.

Биринчи машшоқ

Бизнинг ре-фа-ляни билсангиз, бизни ҳам билар экан-  
сиз-да?

Иккинчи машшоқ

Илтимос, ханжарингизни бекитиб, бизга ақлингизни  
кўрсатинг.

## П е т р

Майли, пўлат ханжаримни беркитиб, пўлат ақлим билан таъзирингизни бера қолай. Сизлар одамга ўхшаб жавоб беринглар.

Қайғу-ғам солиб яра,  
Юракни этса пора,  
Шунда кумуш оҳанглар.

Нега энди кумуш оҳанглар? Нега оҳангларда кумуш бўлади? Жавоб бер-чи, ҳай, Симон-пачоқ?

Б и р и н ч и м а ш ш о қ

Негаки, кумушнинг жаранглаши ширин.

## П е т р

Дуруст! Сиз нима дейсиз, Ҳай - ғижжак?

И к к и н ч и м а ш ш о қ

Сабабки, машшоқларга кумуш танга билан ҳақ тўлашади.

## П е т р

Жуда соз! Сизнинг фикрингиз нечук, Жеймс - вайсақи?

У ч и н ч и м а ш ш о қ

Рости гап, не дейишни ҳам билмайман.

## П е т р

О, мени маъзур тутасиз. Сизлар - хонадаларсиз. "Кумуш оҳанг"нинг маъноси шуки, машшоқларга ҳеч қачон тилла берилмайди.

Шунда кумуш оҳанглар  
Кўнгилни шодон айлар.

*(Кетади.)*

Б и р и н ч и м а ш ш о қ

Тавба, шунча ҳам тубан, муттаҳам бўладими киши!

## И к к и н ч и м а ш ш о қ

Унга тупур, Жек! Яхшиси, шу ерда кутиб турамыз.  
Мозорга кетганлар қайтишсин, улар билан овқатланамыз.

*(Кетишади.)*

## БЕШИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Мантуя. Кўча.

Ромео киради.

### Р о м е о

Шу тушимда кўрганларим агар рост эса,  
Хушxabардан дарак берар менга рўёлар.  
Ўз тахтида қарор топмиш кўнглим султони,  
Ва кун бўйи фавқулодда кўтаринки руҳ  
Мени олиб учар, этар хаёлларга банд.  
Туш кўрибман, ёрим келмиш, ўлган эмишман,  
(Антиқа туш, ўйлай олса агар ўлик ҳам).  
Ёрим лабларимдан ўпиб мени дам-бадам,  
Тирилтирган эмиш, подшо бўлган эмишман.  
Эй Худойим, ишқ дегани ширин нақадар,  
Баски, шарпаси ҳам шундоқ қувонч бағишлар.

Бальтазар киради.

Веронадан не хабарлар? Салом, Бальтазар!  
Бирор мактуб келтирдингми менга роҳибдан?  
Менинг севар ёрим қалай? Отам тузукми?  
Жульеттадан гапир, тагин сўрайман сендан,  
Гар у яхши бўлса, демак, бошқаси дуруст.

### Б а л ь т а з а р

Жульеттангиз яхши, тузук бошқалари ҳам,  
Унинг жисми Капулетти хилхонасида,



Руҳи кўқда кезиб юрар малаклар билан.  
Ўзим кўрдим қандоқ дафн этишганини,  
Жон ҳолатда бу тарафга югурдим ҳамон.  
Маъзур тутинг, сизга хабар келтирдим ёмон,  
Тақсир, юклагансиз менга шундоқ юмушни.

Р о м е о

Наҳот?.. Унда лаънат бўлсин сизга, юлдузлар!  
Сен уйимга бориб, қоғоз, сиёҳ ҳозирла,  
Отлар ёлла, мен бу оқшом жўнаб кетаман.

Б а л ь т а з а р

Ўтинаман сиздан, тақсир, шошилманг мунча,  
Рангингиз қум учган, яна кўзингиз бежо,  
Тагин юз бермасин бирор фалокат, дейман.

Р о м е о

Э, қўйсанг-чи! Бу гапларинг беҳуда бари,  
Сен шу онда бориб, менинг айтганимни қил.  
Ҳа, роҳибдан менга мактуб келтирмадингми?

Б а л ь т а з а р

Йўқ, тақсирим.

Р о м е о

Зиёни йўқ, майли, бора қол,  
Отлар ёлла, мен ҳозироқ етиб бораман.

*(Бальтазар кетади.)*

О, Жульетта, мен бу кеча ёнингда ётгум!  
Аммо қандоқ қилсам экан? Эвоҳ, мусибат!  
Сен хаёлни бир нафасда оласан чирмаб.  
Шу атрофда доручи бор, ёдимга тушди,  
Мен яқинда дўконида кўргандим уни.  
Ориқ, қоқ суяк чол, оппоқ қошлари ўсиқ,  
Бир-биридан ажратарди ўт-ўланларни.  
Муҳтожликнинг юки босиб, қаддини буккан,

Йўқсил дўкони шифтида турар осифлик  
Катта-кичик тошбақаю эчкиэмарлар,  
Қўрқинч балиқларнинг тулум, қотирмалари.  
Токчаларда сийрак тортиб турибти қатор  
Бўш қутилар, хурмачалар, шиша идишлар,  
Моғор босган уруғлару узуқ чилвирлар  
Ва атиргул талқонидан дорию дармон.  
Бари сўзлаб турар мудҳиш камбағалликдан.  
Буни кўриб, ўз-ўзимга дедим: мабодо  
Оғу керак бўлиб қолса бировга, гарчи  
Мантуяда заҳар сотган - ўлимга маҳкум,  
Лекин топиб бергай уни мана шу шўрлик.  
О, бекорга ўйламабман ўшанда, қаранг,  
Ўша бечорадан ўзим заҳар сўрайман.  
Адашмасам, унинг уйи - мана шу эшик,  
Бугун байрам, шунинг учун дўкони бекик.  
Ким бор? Ҳой, доручи!

Дорифуруш киради.

### Д о р и ф у р у ш

Ким у қичқираётган?

### Р о м е о

Яқинроқ кел, камбағалсан, кўриб турибман,  
Қўлингни чўз, мана сенга қирқ танга олтин,  
Эвазига бергил менга бир мисқол оғу.  
Ва ҳаётдан безган кимса уни ичаркан,  
Чирмовикдай томирларин чирмаб олсин у,  
Йиқилсин-да, шу ондаёқ жони узилсин.  
Унинг вужудида қолган энг сўнгги нафас  
Замбаракнинг ўқи янглиғ отилиб чиқсин.

### Д о р и ф у р у ш

Бундай дори топилади  
Лекин сотганни  
Мантуяда қонун этар ўлимга ҳукм.

## Р о м е о

Шундоқ бенавосан, йўқсил, бечорасанким,  
Боз ўлимдан қўрқасанми? Бор қиёфангда,  
Юзларингда, кўзларингда очлик азоби.  
Ҳақирлик ва йўқсилликнинг юки бўйнингда,  
Дунё дўстинг эмас, унинг қонунлари ҳам,  
Сени бойитгудек унда қонун, низом йўқ.  
Шундоқ экан, қашшоқ бўлма, қонунга тушур,  
Ол шу олтинларни.

## Д о р и ф у р у ш

Мен олмасман, лекин уни муҳтожлик олгай.

## Р о м е о

Сенга эмас, муҳтожликка бераман мен ҳам.

## Д о р и ф у р у ш

Бирор суюқликка қўшиб, ичасиз бунни,  
Агар сизда йигирмата эркакнинг кучи  
Бўлган тақдирда ҳам, этгай бир зумда адо.

## Р о м е о

Мана, сенга олтин - инсон жонига оғу,  
Шу қабоҳат дунёда бу қотилдир, қўрқинч  
Сотилиши манъ этилган заҳарингдан ҳам.  
Сен заҳар сотмадинг, сенга мен заҳар сотдим,  
Хайр, ўзни овқатга ур, танни семиртир,  
Сен эса, эй жон малҳамим, юпантир мени,  
Жульеттанинг қабри узра ичаман сени.

*(Кетади.)*

## Иккинчи саҳна

Роҳиб Лоренсо хужраси.

Роҳиб Жованни киради.

Р о ҳ и б Ж о в а н н и

Эй авлиё ҳазратлари, азиз биродар!

Роҳиб Лоренсо киради.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Лаббай? Роҳиб Жованнининг овозимасми?

Мантуядан хуш келибсан, қалай Ромео?

Ёзган бўлса, қани, менга мактубини бер.

Р о ҳ и б Ж о в а н н и

Мантуяга борарканман, бирга борсин деб

Роҳиблардан биттасини йўлдош истадим.

Излаб топдим, касаларга қараб юрар у.

Аmmo бир пайт миршаблару дарвозабонлар

Беркитдилар қўрғонимиз дарвозасини.

"Булар вабо теккан уйга кириб-чиққан" деб

Уйимизнинг эшигин ҳам муҳрладилар.

Шу боисдан Мантуяга боролмай қолдим.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Ромеога мактубимни ким элди унда?

Р о ҳ и б Ж о в а н н и

Мактуб менда, афсус, уни жўнатолмадим,

Киши тополмадим сенга қайтаришга ҳам,

Вабо одамларни шундоқ чўчитиб қўйган.

Р о ҳ и б Л о р е н с о

О, шўр қисмат! Биродарлик ҳақи ишонгил,

У мактубда битилган гап кўп муҳим эди.

Етиб бормагани чакки бўлибти, чакки,

Бу элтмаса, дейман, мудҳиш оқибатларга.

Роҳиб биродарим, энди қайдан бўлса ҳам  
Излаб, менга битта темир мисрон топиб кел.

Р о ҳ и б Ж о в а н н и

Хўп, ҳозироқ келтираман, азиз биродар.

*(Чиқади.)*

Р о ҳ и б Л о р е н с о

Энди қабристонга ўзим бораман ёлғиз,  
Уч соат бор Жульеттанинг уйғонишига.  
Ромеога нечун хабар етказмадинг деб,  
Мени таъна-дашномларга кўмади лекин.  
Аммо яна Мантуяга мактуб ёзмаман,  
У келгунча турар менинг паноҳимда қиз,  
Тирик ҳолда сағанада ётибти шўрлик!..

Кетади.

Учинчи саҳна

Қабристон. Капулеттилар дахмаси.

Парис киради, изидан гуллар ва машғала кўтарган маҳрами.

П а р и с

Машғални бер, ўзинг бориб бир чеккада тур,  
Йўқ, сен ўчир уни, мени кўрмасин биров.  
Анув дарахтзор остига бориб, яширин,  
Ерга қулоқ босиб, сергак, ҳушёр бўлиб ёт,  
Бунда эшитилар ҳар бир босилган қадам,  
Чунки қабр кўп қазилган, тупроғи ғовак.  
Бирор шарпа эшитилса, менга ҳуштак чал,  
Шундоқ қилиб билдир биров пайдо бўлганин.  
Менга гулларни бер, ўзинг айтганимни қил.

М а ҳ р а м

Мен кўрқаман қабристонда ёлғиз қолишдан,  
Атроф тўла қабр бўлса... Аммо, на илож!

*(Яширинади.)*

## П а р и с

Гулим, келин тўшагингни гулларга кўмгум,  
Эвоҳ, тош-тупроқлар бўлди масканинг сенинг.  
Гулоб билан ювайнми уларни энди?  
Ёки кўзларимдан оққан кўз ёшим билан?  
Шу қоронғу тун қўйнида жонсиз танингни  
Яна бир бор дафн қилиб, фарёд соламан...

*(Маҳрам ҳуштак чалади.)*

Бола ҳуштак чалди, биров келмоқда демак,  
Тунда юрган у лаънати ким бўлди экан?  
Нега бузар менинг севги маросимимни?  
Ажаб, машғал кўтарганми? Тун, мени яшир.

*(Яширинади.)*

Машғал, чўкич ва мисрон кўтариб Ромео ва Бальтазар киришади.

## Р о м е о

Чўкични бер менга, темир мисронни ҳам бер,  
Мана бу мактубни ол-да, эрта тонг билан  
Элтиб, уни бузрукворим, отамга топшир.  
Машғални ҳам бергил, сенга жон керак бўлса,  
Бунда нелар кўрсанг ёки эшитсанг, жилма,  
Аралашмай, бир чеккада қотиб туравер.  
Мен шу ўлим ётоғига тушаман энди,  
Хотинимнинг чеҳрасини бир кўрсам, дейман.  
Кейин, энг муҳими, жонсиз бармоғин ўпиб,  
Ўша қимматбаҳо, нодир узукни олсам...  
Бу жуда ҳам зарур менга бир масалада.  
Шундоқ экан, жўна, менга халақит берма.  
Агарда-чи, қизиқсиниб, менинг ортимдан  
Пойлаб қарайдиган бўлсанг, Худойим шоҳид,  
Онг ичаман, бурда-бурда қилиб ташлайман,  
Сўнг уларни қабристонга ёйиб ташлайман.

Билсанг, ҳозир бешафқатман, жуда беомон,  
Юрақдаги қаҳру заҳрим шу дақиқада  
Оч арслон ё қутурган денгиздан ёмон.

### Б а л ь т а з а р

Мен кетаман, сизга халал бермайман, бегим.

### Р о м е о

Бу дўстлигинг нишонаси бўлгай, мана, ол,  
*(Унга пул беради.)*

Соғ бўл, омадингни берсин, хайр, алвидо!

### Б а л ь т а з а р

*(Четга)*

Не бўлса ҳам шу атрофда пойлаб тураман,  
Авзойи кўрқинчдир унинг, нияти бузуқ.

*(Яширинади.)*

### Р о м е о

Эй, сен, ўлим аждаҳоси, еб тўймас юҳо,  
Ютдинг дунёда энг гўзал, азиз вужудни.  
Чирик жағларингни йириб, очаман энди.

*(Сағанани очади.)*

Зўрлаб едираман сенга янги таомлар...

### П а р и с

Ҳов, бу қувғин Монтеккининг худди ўзи-ку,  
Севгилимнинг акасини ўлдирмишди у.  
Ўша қайғу, алам ичра ўлди Жульетта,  
Энди келмиш марҳумларни таҳқирламоққа,  
Вой, муттаҳам! Мен шу онда тутаман уни.

*(Олдинга чиқади.)*

Тўхта, осий жиноятчи, аблаҳ Монтеки!  
Қасос олмоқчисан магар мурдалардан ҳам?

Эй касофат, қўлга тушдинг, таслим бўл энди,  
Мен билан юрасан, кутар ўлим, насибанг.

Р о м е о

Чиндан ўлим кутаяпти, айтганинг тўғри,  
Бу даргоҳга келишимнинг сабаби ҳам шу.  
Яхши йигит, жароҳатли кўнглимга тегма,  
Кет бу ердан, марҳумларнинг тақдирин ўйла,  
Улардан қўрқ, ялинаман сенга, эй бола,  
Жўна бундан! Фазабимни қўзғатма ортиқ,  
Яна янги бир гуноҳга бошлама мени,  
Ўзимдан ҳам кўра қўпроқ севаман сени.  
Мен бу ерга ўзимга қасд этиб келганман,  
Бор, яшайвер, сўнг айтарсан ўзинг тан бериб,  
Бир жиннининг амри мени асраб қолди, деб.

П а р и с

Ўтинч, илтижоларинга боқмасман асло,  
Мен қамоққа олдим сени, жиноятчисан.

Р о м е о

Шунақами? Бўлмаса ол ҳаққингни, бола!

*(Улар қиличлашадилар.)*

М а ҳ р а м

Вой, Худойим! Посбонларни чақирай тезроқ.

*(Кетади.)*

П а р и с

*(Йиқилади.)*

О, мен яраландим!.. Сенда мурувват бўлса,  
Қабрни оч, ёнма-ён қўй Жульетта билан.

*(Ўлади.)*



## Р о м е о

Хўп, қўяман... Юзин очиб, қарай-чи, ким у?  
Меркуцио қариндоши, граф Парис-ку!  
Хизматкорим йўлда менга нималар деди?  
Мен диққат этмадим унга ҳаяжон ичра.  
Жульеттага уйланмоқчи бўлганмиш Парис...  
У шундоқ дедими? Ёки тушимда кўрдим?  
Ёки Жульеттанинг номин эшитиб ҳозир  
Жинни бўлиб қолдиммикан? Қани, қўлни бер,  
Мусибатномага тушди номимиз бирга.  
Ҳашаматли қабр ичра қўяман сени,  
Қабрми? О, қабр эмас, ёруғ кошона,  
Жульетта ётибти бунда, унинг ҳусни-ла  
Шундоқ сағана ҳам, қаранг, равшан, мунаввар.  
Тинч ёт, мурда, сени гўрга қўймоқда мурда...

*(Парисни сағанага қўяди.)*

Кўпинча инсонлар ўлим соати етса,  
Хурсанд бўлишади, ажаб, бу хурсандликни  
Аташади ўлим олди чақмоғи, дея.  
Мен уни чақмоқ деб энди қандоқ атайман?  
О, менинг севгим, менинг азиз рафиқам,  
Ўлим сўриб олмиш ширин нафасинг сенинг,  
Аммо чиройингга унинг кучи етмамиш,  
Мағлуб этолмамиш сени, ҳуснингдан нишон  
Лабларинг ва ёноқларинг қизиллигидир,  
Сўлгин байроғини ўлим тикмамиш ҳали.  
Тибальт, ётибсанми шунда, қонли кафанда?  
О, мен бугун сени жуда хурсанд қиламан,  
Сени, ёшлигингни хазон этган қўл билан  
Бурдалаб ташлайман энди душманингни ҳам.  
Кечир, қариндошим!.. Эвоҳ, азиз Жульетта,  
Мунча офатижон, мунча гўзалсан ҳамон?  
Ёки тансиз ўлим сенга ошиқ бўлгану  
Ўша жирканч махлуқ сени зулматда сақлаб,

Айлантирмоқчими магар маъшуқасига?  
Шу боисдан мен ёнингда қоламан, эркам,  
Ва ҳеч қачон кетмайман бу қора қасрдан,  
Канизларинг - қуртлар билан бирга қоламан.  
О, бу ерда топажакман абадий ором,  
Машъум юлдузларнинг оғир бўйинтуруғин  
Улоқтириб, ирғитаман бўйнимдан тамом.  
Кўзлар, сўнгги марта боқинг термулиб! Қўллар,  
Келинг, сўнгги дафъа сиз ҳам қучинг, қучоқланг!  
Лаблар, о, ҳаётнинг гўзал даричалари,  
Сиз ҳам сўнгги ҳалол, қайноқ бўсангиз билан  
Мухрингизни босинг ўлим аҳдномасига!..  
Энди сен кела қол, тахир, нохуш сарбоним,  
Ҳеч тап тортмас дарғам, сен шу абгор кемани  
Олиб бор-да, қояларга уриб, пачоқла!  
Севгим учун ичаман...

*(Ичади.)*

Ў, қойил, доричи!  
Доринг чакки эмас... Энди ўпиб, ўламан.

*(Ўлади.)*

Қабристоннинг бошқа томонидан фонус, мисрон ва белкурак  
кўтариб, роҳиб Лоренсо киради.

Р о ҳ и б   Л о р е н с о

Ўзинг мададкор бўл менга, пирим Франсис!  
Қабрларга неча карра қоқиндим... Ким бор?

Б а л ь т а з а р

Бу мен, сизни яхши билган биродарингиз.

Р о ҳ и б   Л о р е н с о

Худо хайринг берсин, менга айт-чи, анави  
Қуртлар, кўзсиз бош чаноқлаар узра ловуллаб,  
Беҳудага ёнаётган кимнинг машъали?  
Адашмасам, Капулетти даҳмасида у.

Б а л ь т а з а р

Худди шундоқ, ҳазрат, ҳозир ўша ердадир  
Менинг хўжам, сизнинг яхши кўрган кимсангиз.

Р о ҳ и б   Л о р е н с о

Ким у?

Б а л ь т а з а р

У - Ромео.

Р о ҳ и б   Л о р е н с о

Айт-чи, кўпданми унда?

Б а л ь т а з а р

Роса ярим соат бўлди.

Р о ҳ и б   Л о р е н с о

Юр сағанага.

Б а л ь т а з а р

Йўқ, қўрқаман, тақсир, хўжам тайинлаганди  
Шу ерда туришни, агар ортимдан келсанг,  
Ўлдираман, деганди у.

Р о ҳ и б   Л о р е н с о

Майли, кутиб тур,  
Ўзим бора қолай, эвоҳ, хавотирим бор,  
Бир фалокат тағин бунда юз бермасайди...

Б а л ь т а з а р

Мен бир лаҳза туш кўрдим шу дарахт остида,  
Тушимда-чи, қилич сирмаб, жанг қилди хўжам  
Ва ўлдирди аллакимни жангда.

Р о ҳ и б   Л о р е н с о

*(Сағанага яқинлашиб.)*

Ромео!..

Эвоҳ! Эвоҳ! Қайдан мунча тўкилмиш қонлар?  
Бўяшипти сағананинг тош зинасини.  
Не сабабдан сўнгги макон остонасига  
Ташлаб кетишибти қонли қиличларини?

*(Сағанага киради.)*

Ромео!.. О, ранги ўчиқ!.. Яна ким? Парис!  
Қонга ботган! Эвоҳ, қайси машғум соатда  
Рўй берибди экан бундоқ мудҳиш фалокат?  
Қиз қимирляпти... Ана, кўзини очди.

*(Жульетта уйғонади.)*

Ж у л ь е т т а

О, меҳрибон ҳазрат! Қани эрим, соҳибим?  
Мен яхши биламан қайда бўлишлигимни,  
Мен бундаман, аммо, менинг Ромеом қани?

*(Ташқарида шовқин)*

Р о ҳ и б    Л о р е н с о

Кимдир келаяпти, тургил, кетайлик, қизим,  
Тарк эт ўлим, иллат, уйқу босган маконни.  
Буюк қудрат барбод этди ниятимизни,  
Унинг қаршисида биздек баңдалар ожиз.  
Юр, кетайлик! Эринг ётар кўксингда бежон,  
Парис ҳам бу ёқда жонсиз ётибди, мурда.  
Сени элтиб, монастирга жойлаштираман,  
Роҳибалар билан унда бўласан бирга.  
Савол берма ортиқ, ана, соқчилар келди,  
Юр, Жульетта, қизим!

*(Эшиқда шовқин)*

Энди кетишим керак.

Ж у л ь е т т а

Бор, кетавер, мен шу ерда қоламан, ота.

*(Роҳиб Лоренсо кетади.)*

Нимадир у, севар ёрим қўлида шиша?  
Заҳар, шуни ичиб, жонни жабборга берган.  
Вой, ноинсоф! Бир қатраям қолдирмабти-я...  
Майли, унинг лабларидан ўпаман сўриб,  
Бўса куч бағишлар менга ўлим олдидан,  
Балки заҳар юқи сўнгра ўлдирар мени.  
О, лабларинг илиқ!

Б и р и н ч и с о қ ч и

*(Ташқаридан)*

Бола, бизга йўл кўрсат!

Ж у л ь е т т а

Яна шовқин! Фурсатим зиқ! О, азиз ханжар!

*(Ромеонинг ханжарини олади)*

Сени филофингга солай!

*(Кўксига уради)*

Менга ўлим бер!..

*(Ромеонинг жасади устига йиқилиб, ўлади).*

Париснинг маҳрами билан соқчилар кириб келишади.

М а ҳ р а м

Мана шу жой! Қаранг, ҳамон ёнмоқда машғал.

Б и р и н ч и с о қ ч и

Ҳамма ёқ қон... Қабристонни тинтиб чиқинглар!

Ким учраса, ҳайдаб келинг бу ёққа дарҳол.

*(Айрим соқчилар чиқади.)*

Аянч бир ҳол, граф Парис ётибти унда,  
Бунда қонга беланганча Жульетта ётар,  
Ҳали совумаган, илиқ, яқинда ўлган.

Ажаб, тунов куни дафн этилганди-ку...  
Бекка хабар беринг, боринг Капулеттига,  
Монтеккини уйғотинглар, бошқаларни ҳам.

*(Соқчилардан айримлари чиқади.)*

Тупроқ қонга ботмиш, қайғу, аламга ботмиш,  
Боиси не бунинг? Ва бу кимларнинг иши?  
Сўраб, суриштирмай, буни айтолмас киши.

*(Соқчилар Бальтазар билан қайтиб киришади.)*

И к к и н ч и с о қ ч и

Ромеонинг хизматкори шу ерда экан.

Б и р и н ч и с о қ ч и

Бек келгунча уни шунда тутиб туринглар.

*(Соқчилар Роҳиб Лоренсо билан қайтиб келишади.)*

У ч и н ч и с о қ ч и

Роҳибни ушладик, титраб, оҳ чекиб, йиғлар,  
Олиб қўйдик мисрон билан белкурагини,  
Қабристоннинг этагида учратдик уни.

Б и р и н ч и с о қ ч и

Шубҳали ҳол, тутиб туринг уни ҳам шунда.

*(Бек ўз яқинлари билан киради.)*

Б е к

Не фалокат юз бердиким, уйқумиз бузиб,  
Бемаҳалда турғизишди бизни оёққа?

Капулетти, Капулетти хоним ва бошқалар киришади.

К а п у л е т т и

Нега мунча шовқин-сурон? Нима гап ўзи?

Капулетти хоним

Кўча-кўйда "Ромео!" деб қичқирар ҳамма,  
Кимдир яна "Парис!" дейди, кимдир "Жульетта!"  
Барча югуришар бизнинг хилхона томон.

Бек

Айтинг, қўрқув, аросатнинг сабаби нима?

Биринчи соқчи

Бегим, граф Парис ўлиб ётибти бунда,  
Ромео ҳам ўлик, марҳум Жульетта эса  
Совумаган, ўлдирилган яқин орада.

Бек

Суриштиринг, излаб топинг ўша қотилни.

Биринчи соқчи

Мана, роҳиб, Ромеонинг хизматкори ҳам,  
Улар қўлга тушди, бегим, шу сағанани  
Бузиб, очишга боп яроқ, асбоблар билан.

Капулетти

Эй Худойим! Хотин, қара, қизинг не ҳолда!  
О, қонларга беланибди. Ханжар адашган,  
Монтеккининг камарида бўм-бўш гилофи,  
Ўзи эса қизимизнинг кўксига ботган.

Капулетти хоним

Тангрим, бу не мусибатдир кекса бошимга,  
Ажал қўнғироғи демак чалинар менга.

Монтекки ва бошқалар киришади.

Бек

Монтекки, кел, бугун эрта уйғондинг жуда,  
Аммо, ўғлинг жуда бевақт уйқуга толди.

## М о н т е к к и

Оҳ, хотиним вафот этди, бегим, бу кеча,  
Айтинг, яна менга қандай кўргилик қолди?

Б е к

Ўзинг қараб, кўравер...

## М о н т е к к и

Вой, беадаб! Мен, отангни гўрга қўймасдан,  
Ўзинг шошилдингми ўша қора қабрга?

Б е к

Оху фиғонлардан ўзни тийиб туринглар,  
Токи етмагунча ишнинг ҳақиқатига.  
У қайдан бошланди, билай асл сабабин,  
Кейин бош бўламан ўзим мотамингизга.  
Ўшангача жим туринглар, тоқат қилинглр,  
Биз сўроқ қилайлик қўлга олинганларни.

## Р о ҳ и б Л о р е н с о

Мен каттаман бунда, гарчи ожиз бир банда,  
Фалокат юз берган пайти, унинг макони  
Юзасидан кўпроқ шубҳа тушади менга.  
Мен бу ишда ҳам оқловчи, ҳам қораловчи,  
Ўзим айбловчиман, ўзим этгум ҳимоч.

Б е к

Дарҳол баён айла бизга билганларингни.

## Р о ҳ и б Л о р е н с о

Мен гапни чўзмайман, сўзим шу мусибатли  
Қиссадек узунмас, қолган умримдек қисқа.  
Жульеттанинг эри эди анув Ромео,  
Манави Жульетта эса - унинг хотини.  
Мен уларни ўзим ўқиб, никоҳлаганман.



Тибальт ўлдирилди худди ўша кун, куёв  
Шаҳардан ҳайдалди, четга этилди сургун.  
Қиз ўшада Тибальт учун йиғламаганди,  
Сиз шундоқ деб тушундингиз, унинг қайғусин  
Аритмоқ-чун узатмоқчи бўлдингиз зўрлаб.  
Қиз шунда зор қақшаб, йиғлаб ҳужрамга келди,  
Парисга тегмайман, мени қутқаргил, ота,  
Иккинчи никоҳдан мени халос қил, йўқса,  
Мен ўзимни шу ондаёқ ўлдиргум, деди...  
Шунда уйқу дору бердим, синашта дору,  
Ки ичганни солар ўлик қиёфасига.  
Ромеого мактуб ёздим, даҳшатли тунда  
Қиз уйқудан уйғонаркан, уни қабрдан  
Халос айлаб, ўзинг билан олиб кет, дея.  
Мактубни элтувчи роҳиб Жованни эди,  
Йўлда уни тасодифан тутиб қолишган,  
Кеча оқшом хатни менга қайтариб берди.  
Шу боисдан ўзим келдим мозористонга,  
Қизнинг уйғонишин пойлаб, қабрдан олиб,  
Ўз ҳужрамда асраб туриш - ниятим эди,  
Ромеого яна мактуб ёзмоқчи эдим...  
Мен дахмага келсам, ҳали қиз уйғонмаган,  
Ётишарди Парис билан Ромео ўлик.  
Қиз уйғонди, кетайлик, деб қистадим уни,  
Сабру бардош айла, дедим, фалак амрига.  
Ташқарида шовқин қўпгач, кетдим у ердан,  
Қиз қабрни тарк этишга сира кўнмади,  
Назаримда, ўз жонига қасд қилган кейин.  
Бор гап шу. Сўраб кўринг, ўша никоҳга  
Энагаси гувоҳ. Баски, бу можарога  
Мен сабабчидирман, қонун ҳукмини айтсин,  
Майли, муҳлатидан олдин берай жонимни,  
Майли, кекса умрим шунинг қурбони бўлсин!

## Б е к

Биз ҳамиша авлиё деб биламиз сени,  
Ромеонинг хизматкори, қани, сен гапир.

## Б а л ь т а з а р

Мен хўжамга Жульеттанинг вафот этганин  
Хабарин етказдим, чиқиб Мантуядан у  
Етиб келди шу қабристон, шу сағанага,  
Отамга топшир, деб битта хат берди менга,  
Таҳдид этди, сағанага кирмайсан, дея,  
Агар пойлаб келар бўлсанг, ўлдиргум, деди.

## Б е к

Мактубни бер, ўқиб кўрай... Қани жанжалдан  
Соқчиларга хабар берган граф маҳрами?  
Айт, йигитча, хўжанг бунда нималар қилди?

## М а ҳ р а м

Хўжам гуллар олиб келди хоним қабрига,  
У буюрди, мен хўп дея бир четда турдим.  
Биров келиб, сағанага кирмоқчи бўлди,  
Шунда хўжам чиқиб, унинг йўлини тўсди,  
Мен шу онда соқчиларга қараб югурдим....

## Б е к

Роҳиб сўзин тасдиқлайди мана бу мактуб,  
Ишқ тарихи, қизнинг ўлим ахборини ҳам.  
У ёзибди: «...шаҳардаги ғариб, бенаво  
Доручидан заҳар олдим ва шу ондаёқ  
Йўлга тушдим шу дахмага етишни ўйлаб.  
Токи, дебти, шу дахмада ўлайин мен ҳам  
Ва ёнма-ён ётай сўнгра Жульетта билан...»  
Фанимлар, қайдасиз? Энди сарҳисоб этинг,  
Бу не демак, ҳой, Монтекки, ҳой, Капулетти?  
Мана, нелар олиб келди адоватингиз!

Ишқ билан сўндирди фалак қувончингизни.  
Мен ҳам улушимни олдим, кўрингим, илло,  
Айрилиб турибман икки қариндошимдан,  
Хуллас, ҳаммамизга кўқдан етишди жазо.

### К а п у л е т т и

О, Монтеки, биродарим, қани, қўлни бер,  
Қизимнинг маҳрига фақат сўрайман шуни,  
Бошқа талабим йўқ.

### М о н т е к к и

Менинг атаганим бор,  
Мен тиклайман унга тоза олтидан ҳайкал,  
Веронамиз турар экан Верона бўлиб,  
Унга тенг келгудек бошқа ҳайкал қўйилмас,  
У - вафодор Жульеттанинг ҳайкали бўлар.

### К а п у л е т т и


У билан ёнма-ён тургай олтин Ромео,  
Бизнинг кийну адоватнинг қурбони улар!

### Б е к

Шунинг билан тонг келтирди ғамгин осойиш,  
Ғамдан бошин кўтаролмай, қийналар қуёш.  
Юринг, гаплашайлик яна, этайлик тайин,  
Кимни кечирамиз, кимга бергаймиз жазо.  
Ромео ва Жульеттанинг ишқидек, эвоҳ,  
Қайғули бир муҳаббатни кўрмамиш дунё!  
Кетишади.







---

О Т Е Л Л О  
(Венецианлик мавр)

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Венеция дожи.

Б р а б а н ц и о - сенатор.

Бошқа сенаторлар.

Г р а ц и а н о - Брабанционинг укаси.

Л о д о в и к о - Брабанционинг қариндоши.

О т е л л о - аслзода араб, Венеция давлатининг аъёни.

К а с с и о - унинг лейтенанти.

Я г о - унинг мулозими.

Р о д р и г о - венециялик давлатманд.

М о н т а н о - Қибриснинг аввалги ҳокими.

М а с х а р а б о з - Отеллонинг хизматкори.

Д е з д е м о н а - Брабанционинг қизи, Отеллонинг хотини.

Э м и л и я - Ягонинг хотини.

Б и а н к а - Кассионинг маъшуқаси.

Д е н г и з ч и л а р, о ф и ц е р л а р, к и б о р л а р,  
ч о п а р л а р, м а ш ш о қ л а р, м у л о з и м л а р.

Воқеа аввал Венецияда, кейин Қибриснинг денгиз портида кечади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи сахна

Венеция. Кўча.

Родриго билан Яго киради.

Р о д р и г о

Бас, гапирма! Ярамайди бу ишинг, Яго,  
Ҳамёнимни сенга шундай очиб қўйсаму,  
Сен шу ишни билатуриб, билмадим, десанг...

Я г о

Вой, жин урсин, истамайсиз эшитишниям!  
Ўлай агар, шу гап ухлаб тушимга ҳатто  
Кирган бўлса, юз ўгилинг мендан, розиман.

Р о д р и г о

Уни жиним суймайди, деб, ўзинг айтгансан...

Я г о

Ҳа, суймайди, ҳазар қилинг, агар алдасам.  
Шаҳарнинг уч валломати лейтенантликка  
Мени ўтказмоқчи бўлиб уринди қанча.  
Гапнинг рост, мен биламан ўз баҳойимни,  
Мен у жойга муносибман ҳар қалай, лекин,  
У бўлса-чи, такаббур ва худбин эмасми,  
Борганларни чалғитибди сафсата сотиб,  
Тумтароқли сўзга ҳарбий ифода чатиб.  
Хуллас калом,  
Гапни шундай тамом этибди:  
"Афандилар, мен офицер танладим" дебди.  
Хўш кимни денг?  
Дарҳақиқат, буюк ҳисобдон,  
Флоренциялик Микель Кассио деган кимсани.  
Гўзал бир хотиннинг сеҳри-домига тушган,

Бирор жангга эскадронни бошлаб бормаган  
Ва жанговар дивизион нимадир, десанг,  
Қари бир қизчалик фикр этмайдиган зот,  
Нари борса, китобий бир билим эгаси,  
Башанг тўнли элчилардан сўраб қаралса,  
Ҳарбий билимлари ундан баланддир балки;  
Гап сотишга уста, лекин амалдан йироқ,  
Ҳа, бор-йўқ асқарлиги мана шу. Бироқ,  
Келиб-келиб у танланди. Мен эсам-чи, мен -  
Отеллонинг шундоққина кўзи ўнгида  
Родос, Қибрис ерларида ва бошқа неча  
Христиан ва мажусий ўлкаларда ҳам  
Не-не жанглар қилиб, килич сирмаган одам -  
Қолабердим... Мана энди, ўша ҳисобдон  
Лейтенант бўлади, майли, хайрини берсин.  
Мен эсам, эй фалак, мавр жанобларига  
Бор-йўғи ўша-ўша... бир мулозимман...

Р о д р и г о

Худо шоҳид, калласини узар эдим мен.

Я г о

Хўш, начора, лаънати шу мансаб - вазифа  
Мактуб, таниш-билиш билан олинмас энди.  
Бир-бирига ворис бўлиб ўрин эгаллаш  
Ва суруниш - илгари бир қоида эди.  
Тақсир, инсоф билан энди ўзингиз айтинг,  
Мен арабни қандай қилиб севишим мумкин?

Р о д р и г о

Мен этмасдим хизматини.

Я г о

Хотиржам бўлинг;  
Унга эмас, мен ўзимга хизмат қиламан.  
Ҳамма бирдек бўлавермас хўжайин, илло,



Ҳаммага ҳам хўжайиндек хизмат этилмас.  
Биласизки, қанча содиқ муттаҳамлар бор.  
Хўжайинга хизмат қилар, тизза чўкиб, хор.  
Не учун денг - арзимас бир ювинди учун,  
Қариганда эса итдек қувилиш учун.  
Менга қолса, бундайларни савалаш даркор!  
Лекин бордир яна бошқа мулозимлар ҳам -  
Кўринишда садоқатнинг тимсоли, аммо  
Юраклари ўзларидан ўзгани билмас.  
Хўжайини учун куйиб-пишади гўё,  
Аслида-чи, ҳамёнини тўлдиради, бас.  
Бошқанимас, ўз-ўзини эъозлайди, ҳа.  
Ўйлайманки, бундайларда ақлу тамиз бор.  
Тақсир, мен ҳам шундайларнинг бири бўламан.  
Бу чин гапдир, сиз Родриго бўлиб, мен эсам  
Араб бўлганимда - Яго бўлмаганимдек...  
Унга атаб, мен ўзимга хизмат қиламан;  
Худо шоҳид, бу севгию садоқат эмас,  
Шундоқ туюлади, лекин ниқобдир, холос.  
Мумкинмидир бирор хатти-ҳаракат билан  
Юрагимнинг табиати, моҳиятини  
Жилла ошкор этсам, жиндак сездириб қўйсам?  
Ундан кўра юрагимни кафтимда тутиб,  
Зағчаларга чўқитганим эмасми афзал!  
Ҳа, аслида бошқачаман: мен эмасман - мен.

## Р о д р и г о

Қандай омад насиб этар лаби дўрдоққа,  
Шу ишни ҳам гар эпласа.

## Я г о

Бориб, уйғотинг -  
Қизнинг отасини, дарҳол оёққа турсин.  
Боринг, севинч нашъасини заҳарга қотинг,  
Кўчаларда айюҳаннос солинг, ҳайқиринг,  
Бошингизга йиғинг қавму қариндошини,

Пашша бўлиб, ёпирилиб, босинг арабни,  
Токи унинг қувончлари қайғуга дўнсин,  
Аламидан оқариб ҳам кўкариб кетсин.

Р о д р и г о

Мана, отасининг уйи. Мен қичқираман.

Я г о

Ҳа, бақиринг овоз қўйиб, ваҳима билан,  
Ярим тунда шаҳарга ўт кетгандай гўё.

Р о д р и г о

Ҳов, Брабанцио!.. Синьор Брабанцио!..

Я г о

Брабанцио! Уйғонинг тез! Ўғри тушди, ҳов!  
Қаранг қизингизга, молу бисотингизга!  
Уйингизга ўғри тушди! Уйғонингиз, ҳов!  
Юқори қаватдаги даричада Брабанцио кўринади.

Б р а б а н ц и о

Ҳа, намунча қичқирасиз? Нима гап ўзи?

Р о д р и г о

Синьор, уй ичингиз тўкис - тугалми?

Я г о

Синьор,  
Қулфланганми дарвозаю эшикларингиз?

Б р а б а н ц и о

Хўш, нима гап ўзи? Айтинг, нега сўрайсиз?

Я г о

Вой, жин урсин! Таландингиз! Дарҳол кийининг!  
Уят ахир! Жонингиздан жудо бўлдингиз;

Балки ётгандир ҳам ҳозир, худди шу нафас  
Қора қўчқор остида оқ қўзичоғингиз...  
Ҳа, шошилинг! Айюҳаннос солинг, бонг уринг,  
Хуррак отган халойиқни уйғотинг тезроқ.  
Йўқса, иблис бобо қилиб қўяди сизни.  
Ҳой, қимирланг!

Б р а б а н ц и о

Магар жинни бўлганинг йўқми?

Р о д р и г о

Синьор, мени овозимдан танияпсизми?

Б р а б а н ц и о

Йўқ, сен кимсан?

Р о д р и г о

Родриго деб аташар мени.

Б р а б а н ц и о

Отнинг кашқасисан; сенга айтган эдим-ку,  
Пашшахўрда бўлма уйим атрофида деб.  
Қизим сенинг тенгинг эмас... Аллақайларда  
Мусаласга бўкиб, яна аламга тўлиб,  
Эшигимга келибсан-да?

Р о д р и г о

Тақсир!

Б р а б а н ц и о

Билиб қўй,  
Гар истасам, таъзирингни бериб қўймоққа  
Кучим етади, ҳа.

Р о д р и г о

Тақсир, эшитсангиз-чи!

Б р а б а н ц и о

Нега қичқирасан! Бу ер - Венеция-ку!  
Менинг уйим шаҳардадир, далада эмас.

Р о д р и г о

Эй муҳтарам жаноб, ёмон ният биланмас,  
Очиқ кўнгил билан келдик остонангизга...

Я г о

Вой, жин урсин сизни, синьор! Сиз иблис амр этса,  
Тангри ибодатидан ҳам кечадиганлардан экансиз. Биз сизга  
холис хизмат қиламиз деб келсагу сиз бизни авбош-безо-  
ри, деб ўйласангиз. Демак, сиз қизингизнинг араб айғири-  
дан қочишини истайсиз. Невараларингиз отта ўхшаб киш-  
наса ҳам майли. Жиянларингиз тулпорлар, бедовлар би-  
лан қариндош-уруғ киришса ҳам йўқ демайсиз?

Б р а б а н ц и о

Кимсан ўзинг, муртад?

Я г о

Синьор, мен қизингиз билан араб худди шу топда  
икки бошли бир махлуқ бўлиб ётишганини айтгани  
келган кимсаман.

Б р а б а н ц и о

Сен - ярамас ифлоссан!

Я г о

Сиз эса - сенатор.

Б р а б а н ц и о

Бу гаплар-чун, Родриго, сен жавоб берасан,  
Мен танийман сени.

## Р о д р и г о

Тақсир, жавоб бераман.  
Лекин сиздан ўтинаман, менга айтингиз:  
Магар рухсатингиз билан гўзал қизингиз  
Ярим тунда қоровулсиз, яккаю ёлғиз  
Уйдан чиқиб, ёлланма бир қайиқчи билан  
Мавр оғушига томон ошиқмадими?  
Шу иш бўлган эса сизнинг ижозат ила,  
Қаршингизда биз гуноҳкор эрурмиз чиндан.  
Агарда-чи, сиз шу гапдан ғофил бўлсангиз,  
Ўринсиздир бутун таъна-дашномларингиз.  
Бу калака қилаяпти мени, деб зарра,  
Ўтинаман, ўйингизга келмасин сира.  
Сўраб-нетмай, ўз бошича кетган бўлса у,  
Яна айтай, кўп ножўя иш бўлибди бу.  
Бурчи, ҳусни, заковати, бойлигини қиз  
Бир келгинди, саёқ билан боғламиш, эсиз...  
Ҳа, ўзингиз қараб кўринг: агар қизингиз  
Ҳозир уйда бўлса, майли, мени шу замон  
Сизни алдаганим - тайин гуноҳим учун  
Маҳкамага судранг.

## Б р а б а н ц и о

Ким бор? Шамларни ёқинг!  
Менга чироқ тутинг! Ҳамма оёққа турсин!  
Наҳот кўрган тушим энди ўнгидан чиқса?  
Бу гап чинга ўхшаяпти, ўйламоқ - азоб.  
Қани, тезроқ, шам келтиринг! Шам келтиринг, шам!  
Кетади.

## Я г о

Хайр энди, мен бу ердан кетишим даркор.  
Агар қолсам, оқибати хунук бўлади  
Мавр билан тўқнашишга тўғри келади.

Биламан, у мансабидан ихрож этилмас,  
Нари борса, бир оз танбеҳ олади, холос,  
Чунки тезда бошланажак Қибрис жангида  
У бағоят кераклидир, асқотар жуда.  
Унинг ўрнин босадиган бошқа биров йўқ -  
Бу юришга бош бўлишга. Шунинг учун мен,  
Гарчи уни жинимдан ҳам ёмон кўраман,  
Не қилайки, тирикчилик сиқуви билан  
Дўстлик байроғини унга эгаман ночор,  
Бу шунчаки бир муроса, бўлак гап эмас.  
Ҳа, агарда уни чиндан топмоқ бўлсангиз,  
Тикка қуролхона томон бошлаб борингиз  
Халойиқни. Мен ҳам шунда бўламан. Хайр...

Кетади.

Брабанцио машғал кўтарган хизматкорлар билан тепадан ту-  
шиб келади.

### Б р а б а н ц и о

Гоят машғум ҳақиқат бу: қизим уйда йўқ,  
Яшаш менга ортиқ - ҳасрат-алам, вассалом.  
Ҳой, Родриго, қайда кўрдинг уни? Бадбахт қиз!  
Мавр билан кўрдингми, а? Ота бўлмай, ўл!  
Чиндан ўшамиди - қандай танидинг уни?  
О, у мени алдар экан, мен-чи, беҳабар,  
Хўш, у нима деди? Яна машғал келтиринг!  
Қавму қариндошим бари оёққа турсин!  
Никоҳдан ҳам ўтишганми улар?

### Р о д р и г о

Эҳтимол.

### Б р а б а н ц и о

Ё фалак! У қандоқ қилиб кўчага чиқмиш!  
Ўз наслим, ўз қоним менга хиёнат этмиш!

Эй оталар, қизингиз бор эса мабодо,  
Юриш-туришига боқиб, ишонманг асло.  
Магар йўқ эмишми сархуш этиб ёшларни,  
Эс-ҳушидан айиргувчи сеҳру амаллар?  
Бу тўғрида ўқиганинг борми, Родриго?

Р о д р и г о

Ўқиганман, тақсир.

Б р а б а н ц и о

Қани, укамни чақир.  
Аслида-ку сизга берсам бўларкан уни.  
Сиз бу ёқдан юра қолинг, бизлар - бу ёқдан!  
Сиз биларсиз, қайдан излаш керак уларни?

Р о д р и г о

Ҳа, уларнинг қайдалигин яхши биламан,  
Эпчил соқчилардан олиб, юринг мен билан.

Б р а б а н ц и о

Ўтинаман, бошланг, менинг ваколатим бор:  
Йул-йўлакай посбонлардан оламиз яна.  
Қани, ҳамма қуролларни қўлларга олсин!  
Соқчибошиларга айтинг, оёққа турсин,  
О, Родриго хизматингиз қадрлайман, ҳа...  
Чиқадилар.

## Иккинчи саҳна

Бошқа бир кўча.

Отелло, Яго ва машғал кўтарган мулозимлар киришади.

Я г о

Гарчи жангда одамларни ўлдирганим бор,  
Бироқ қотил бўлишимга қўймади виждон.  
Нетай, баъзан қабоҳатга боргим келади,  
Тўққиз, ўн бор қиличимни худди қорнига  
Ботирмоқчи бўлдим, аммо ўзимни тийдим.

О т е л л о

Яхши қилибсан.

Я г о

Лекин у жанобингизни  
Шундоқ сўзлар билан шундоқ таҳқир этдиким,  
Гарчи бир оз жиннилим бўлсаям, бунга  
Мен ҳар тугул тишни-тишга қўйдим, чидадим.  
Ҳа, дарвоқе, сиз чинданам уйландингизми?  
Тақсир, биласиз-ку, ахир, қизнинг отаси  
Фоят ардоқлидир, яна нуфузи баланд.  
Дожникидан балки устун келар овози.  
Ҳа, у сизни ажратади бир-бирингиздан,  
Ё бўлмасам, қонунларга суяниб чиндан,  
Маҳкамага судраб, роса сарсон этади.

О т е л л о

Майли, билганини қилсин. Синьория деб  
Қилган хизматларим унинг шикоятлари  
Овозини ўчиради. Билиб қўйсин у,  
Мақтанмоқчи бўлса наслу насаби билан,  
Мен ҳам кимлигимни унга аён этаман.  
Подшо наслиданман, ундан камлик ерим йўқ,  
Насиб этган қисматимдан фахрланаман.  
Эшитиб қўй, Яго, сенга боқий сўзим шул,



Агар севмасайдим гўзал Дездемонани,  
Алишмасдим мен дарбадар, ҳур ҳаётимни  
Денгизларнинг бутун бойлик сарватига ҳам.  
Аммо, қара! Машғал ёқиб келаётган ким?

Я г о

Қизнинг отаси ва унинг биродарлари.  
Уйга киришг.

О т е л л о

Йўқ, яхшиси мени топсинлар.  
Менинг номим ва унвоним, тоза виждоним  
Менга ҳимоячи. Чиндан ўшалармикин?!

Я г о

Янус ҳаққи онт ичаман, бошқа кимсалар.  
Кассио ва машғал кўтариб бир неча офицерлар киришади.

О т е л л о

Дож мулозимлари, менинг лейтенантим-ку.  
Тун хайрли бўлсин сизга, дўстлар! Нима гап?

К а с с и о

Салом йўллаб, дож буюрди сизга, генерал,  
Шу ондаёқ ҳузурида ҳозир бўлишни.

О т е л л о

Хўш, нима гап? Не ҳодиса ўзи?

К а с с и о

Чамамда  
Кибрис билан боғлиқ бирор гап бўлса керак.  
Фавқулудда бир ҳодиса рўй бермиш магар,  
Шу тундаёқ етиб келмиш қанча чопарлар,  
Ва оёққа турмиш барча сенаторлар ҳам,  
Улар дож олдида ҳозир туришибди жам.

Сизни кўпдан илҳақ бўлиб кутишар улар,  
Уйингиздан излаб сизни топишолмади;  
Шунда сенат тўрт томонга киши юборди,  
Ахтаринг, деб.

О т е л л о

Хайриятки, мени топдингиз.  
Мен шу уйга кираману чиқаман бирров,  
Сўнг жўнаймиз.

Чиқади.

К а с с и о

Бунда нечук иши бор унинг?

Я г о

У бу кеча бир кемани қўлга туширди,  
Қонуний деб топишса, бас, ишни пиширди.

К а с с и о

Тушунмадим.

Я г о

У уйланди.

К а с с и о

Уйланди? Кимга?

Отелло қайтиб киради.

Я г о

Наҳотки, сиз... жўнадикми, генерал?

О т е л л о

Жўнадик.

К а с с и о

Мана, тагин келишмоқда сизни ахтариб.

Я г о

Брабанцио!.. Ҳа, эҳтиёт бўлинг, генерал,  
Унинг ёмон нияти бор, авзойи бузуқ.

Брабанцио, Родриго ва соқчилар қурооланган ҳолда машғал-  
лар кўтариб киришади.

О т е л л о

Ҳой, тўхтанглар!

Р о д р и г о

Мана, ҳозир!

Б р а б а н ц и о

Ур қароқчини!

Ҳар икки томондан қиличларини яланғочлайдилар.

Я г о

Салом, Родриго, мен шайман хизматингизга.

О т е л л о

Ҳой, шу олмос қиличларни қинига жойланг,  
Тагин шабнам қўниб, занглаб қолмасин улар.  
Бизга таъсир этадиган қуролингизмас,  
Шу табаррук ёшингиздир, муҳтарам синьор.

Б р а б а н ц и о

Ҳой, шум ўғри, қизим қани, қайга яширдинг?  
Уни жоду-амал қилиб, сеҳрлаб олдинг.  
Ақли салим, тафаккурнинг тайин ҳукми шу:  
Қизим занжирбанддир жоду занжири билан.  
Йўқса, шундоқ маъсума қиз, бахтли фаришта  
Юртимизнинг не-не ўктам ўғлонларига  
Унашишга унамасдан, устига-устига  
Ўз уйидан қочиб, элга масқара бўлиб,  
Ўзни отармиди шундай қора қучоққа!

Бир кучоқки, меҳр эмас, ваҳима қўзғар...  
Дунё шоҳид, бу ақлга сигмайдиган гап.  
Жодугарлик бобида сен устаси фаранг,  
Қизга сеҳру амал қилдинг, дору ичирдинг  
Ва бошини айлангирдинг алал-оқибат  
Бу аён гап, боланинг ҳам ақли етади.  
Бир менимас, бор дунёни ҳақорат этдинг,  
Бас, қонунга хилоф қора қилмишинг учун  
Мен ҳозироқ сени банди зиндон этаман.  
Қани, тутинг уни, агар таслим бўлмаса,  
Аяб-нетиб турманг!

### О т е л л о

Ҳой, сиз қўлингиз тортинг!  
Эрк бермасин қиличига икки тараф ҳам.  
Агарда иш қон тўкишга бориб тақалса,  
Буни ўзим бошқаларсиз эплай оламан.  
Мен тайёрман қилмишимга жавоб бермоққа,  
Айтинг, бунинг учун қайга боришим зарур?

### Б р а б а н ц и о

Турмага борасан, кейин тайин соатда  
Қилмишингга суд олдида жавоб берасан.

### О т е л л о

Майли, бўйсунаман амру фармонингизга,  
Унда дожга нима дейсиз? Чопарлар йўллаб,  
Муҳим давлат иши билан мени ҳозироқ  
Ҳузурига чақиртирган.

### О ф и ц е р

Ҳа, шундоқ, синьор,  
Дожд олдида фавқулодда кенгаш бор, балки,  
Чопар жўнатилган сизнинг уйингизга ҳам.

## Б р а б а н ц и о

Шунақами! Дож олдида кенгашми? Ажаб  
Ярим кечада-я! Майли, олиб борингиз.  
Бу ҳам жила ёмон эмас, унда дож ўзи,  
Яна бошқа сенаторлар - биродарларим  
Бу қилмишни тафтиш этиб, қилишар ҳукм.  
Бундай қилмишларга изн берилса агар,  
Қуллар билан мажусийлар давлатта минар.  
Чиқадилар.

## Учинчи саҳна

Кенгаш зали.

Дож ва сенаторлар стол атрофида ўтиришибди. Офицерлар  
тикка туришибди.

## Д о ж

Келаётган хабарларда кўп тафовут бор,  
Бас, уларга ишониш ҳам қийин.

## Б и р и н ч и с е н а т о р

Чиндан ҳам

Улар бир-бирига тўғри келмайди; менга  
Кемаларни - юз етгита, дея ёзишган.

## Д о ж

Менга эса - бир юзу қирқ.

## И к к и н ч и с е н а т о р

Менга етишган

Мактубларда улар сони - худди икки юз.  
Гарчи мувофиқлик йўқдир бу хабарларда,  
Чамамда ёзишар кўпроқ тусмол этишиб.  
Бироқ бир нарсани улар аниқ тасдиқлар:  
Турк флоти Қибрис сари бормоқда сузиб.

Д о ж

Балли, муҳокама учун шунинг ўзи бас,  
Тафовутлар эса мени тинчита олмас.  
Зеро, келиб чиқадиган асосий маъно -  
Хатарлидир.

Д е н г и з ч и

(Саҳна ортидан)

Қўйинг мени! Қўйиб юборинг!

О ф и ц е р

Кемалардан - чопар.

Денгизчи киради.

Д о ж

Қани, гапир, не гаплар?

Д е н г и з ч и

Турк флоти сузмоқдадир Радосга қараб.  
Шу хабарни етказгил деб мени сенатга  
Синьор Анжелло жўнатди.

Д о ж

Бунга не дейсиз?

Б и р и н ч и с е н а т о р

Йўқ, бўлмаган гап бу, ахир, бунга асос йўқ,  
Балки бизни чалғитишга тўқилган ҳийла.  
Биламизки, Қибрис туркка қанчалар муҳим  
Ва Радосдан кўра афзал, буни унутманг.  
У Қибрисни осонгина олиши мумкин,  
Истеҳкоми кучли эмас, ҳимояси бўш.  
Радос эса тайёр турар мудофаага  
Маслаҳатим - ўйлаб кўринг шу жиҳатларни,  
Турк дегани ахир унча анойи эмас,  
Фойда нима, зиён нима - яхши билади,  
Нақд турганда насияни нима қилади.

Д о ж

Ҳа, чиндан ҳам Радос унинг мўлжали эмас.

О ф и ц е р

Яна чопар.

Чопар киради.

Ч о п а р

Муҳтарам Дож, азиз жаноблар,  
Радос сари сузаётган оттоманларга  
Яна ўзга бир флот ҳам келиб қўшилди.

И к к и н ч и с е н а т о р

О, мен шундоқ бўлишини ўйлаган эдим.  
Улар неча кема сизнинг тахминингизча?

Ч о п а р

Ўттиз кема. Энди улар орқага қайтиб,  
Очиқ-ошкор йўл олишди Қибрисга томон.  
Сизга ботир навкарингиз синьор Монтано  
Сидқи садоқат-ла шуни маълум қилади,  
Унга ишонишингизни сўрайди чиндан.

Д о ж

Ҳа; аниқ гап, боришмоқда Қибрисни кўзлаб,  
Марк Лукезе қайда ҳозир, шаҳардамасми?

Б и р и н ч и с е н а т о р

Йўқ, у ҳозир Флоренцияда.

Д о ж

Унга шу замон  
Мактуб ёзинг, зудлик билан етиб келсин у.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Мана, Брабанцио билан шавкатли мавр.

Брабанцио, Отелло, Яго, Родриго ва бошқа офицерлар киришади.

Д о ж

Шавкатли Отелло, келинг, сизни ҳозироқ  
Туркка қарши жўнатишга тўғри келади.

*(Брабанциога)*

Пайқамабман, хуш келибсиз, муҳтарам синьор,  
Кенгашингиз кўп зарурдир бизга бу кеча.

Б р а б а н ц и о

Мен сиғиниб келдим, тақсир, паноҳингизга,  
Мени маъзур тутинг, зеро, мени оёққа -  
Турғизган на бурчимдир, на умумий ташвиш,  
Оғир бир фалокат мени домига тортмиш,  
Ёруғ дунё кўзимга тор...

Д о ж

Айтинг, не бўлди?

Б р а б а н ц и о

Оҳ, қизим! Оҳ!..

Д о ж

У ўлдими?

Б р а б а н ц и о

Мен учун ўлди!

У уйимдан ўғирланди, ҳақоратланди,  
Бир лўтгибоз сеҳрлади найранглар билан.  
Йўқса, кўру кар бўлмаган, ақли расо қиз  
Шундоқ кунга тушармиди?



## Д о ж

Ким бўлмасин у -  
Жазоланур. Қонунларнинг қонли китобин  
Олиб ўқинг ва ўзингиз этингиз ҳукм,  
Ҳатто ўғлим бўлгандаям, аралашмайман.

## Б р а б а н ц и о

Мен ташаккур дейман сизга бош эгиб, синьор  
Айбдор мана қаршингизда турибди - мавр.  
Давлат иши юзасидан ҳузурингизга  
Ҳозиргина чақирилган кимса.

## Д о ж в а с е н а т о р л а р

О, афсус!..

## Д о ж

*(Отеллога)*

Хўш, сиз бунга нима дейсиз?

## Б р а б а н ц и о

Нима ҳам дерди?  
Бор гап шу.

## О т е л л о

Эй иззатли, азиз жаноблар,  
Менинг нажиб, олий насаб сенаторларим!  
Бу кексанинг қизин олиб қочганим-тўғри,  
Яна тўғрисини айтсам, унга уйландим.  
Бор айбим - аввал-охир, фақат мана шу.  
Сўзим дағал, осойишта-тинч давронларнинг  
Майин лутфи-такалуфи менга бегона.  
Шу қўлларим етти ёшдан ҳозиргача то  
(Кейинги шу тўққиз ойни ҳисоб этмасак)  
Ҳарбий машқдан бошқасига машғул бўлмаган.  
Ва шу буюк дунёда мен билганим бир оз:

Жасорату уруш-суриш сўзидир, холос...  
Шунинг учун ўз тўғримда сўзлаган маҳал  
Меҳрингизга ноил бўлиш мен учун маҳол.  
Лекин сабр айласангиз, аҳли аржуманд,  
Муҳаббатим қиссасини сўзлаб бераман.  
Айтиб берай, қиз қалбини овламоқ учун  
Қандай дору, қандай сеҳру жоду қўладим.  
Яна қандай амалларни ишга солдим мен,  
Мени айблашади шундай гуноҳларда ҳам...

### Б р а б а н ц и о

Ахир, қизим оҳу каби ҳуркак қиз эди,  
Ювош, камтар эди, иффат, ҳаёси баланд.  
Салга қизаргувчи эди, хижолат чекиб,  
Шундай бир қиз ўз феълига ўзи гов тушиб,  
Ёши, юрти, номуси ва бурчидан кечиб,  
Шу кимсани севармиди! Ахир, илгари  
Унга қарашга ҳам ҳатто қўрқар эди-ку!  
Табиатга хилоф иш бу, фақат телбалар  
Бу аҳволни табиий ва тўғри деб билар.  
Йўк, муқаррар у дўзахий амаллар билан  
Қиз бошини айлантирган, яхши биламан.  
Дору бериб қиз қонини заҳарлаган у,  
Ё бўлмаса, сеҳрлаган - шу йўллар билан  
Уни таслим этган.

### Д о ж

Булар исбот бўлолмас,  
Уни айблаш учун тахмин, тусмоллар эмас,  
Аниқ, қатъий далилларга суюнмоқ даркор.

### Б и р и н ч и с е н а т о р

Айтинг-чи, Отелло, қизни қўлга оларкан,  
Сиз мабодо дору, амал ишлатдингизми?  
Ё бу ширин суҳбат чоғи юракдан учган  
Илтижонинг маҳсулими?

## О т е л л о

Сиздан сўрайман,  
Буюрингиз, биров бориб Қуролхонага,  
Хотинимни бошлаб келсин бу ерга ҳозир.  
Отасининг ҳузурида сўзласин бир-бир  
Мен тўғримда эшитгану билганларини.  
Агар сўзим ёлғон чиқса, унвон-ку унвон,  
Ҳаётимни гаров қўяй, этингиз ҳукм.

## Д о ж

Бориб, бошлаб келинг дарҳол Дездемонани.

## О т е л л о

*(Ягога)*

Бора қолинг, сиз у жойни яхши биласиз.  
Яго мулозимлар билан чиқади.  
У келгунча, Яратганга иқроп этгандай,  
Изҳор этай қонимнинг шу ғалаёнини.  
Айтиб берай сиз муҳтарам олий зотларга -  
Қандай қилиб паривашга кўнгил боғладим,  
Ва у қандай севди мени...

## Д о ж

Сўзланг, Отелло.

## О т е л л о

Қиз отаси мени севиб, иззатлар эди,  
Меҳмон қилиб, этар эди уйига даъват.  
Сўрар эди ҳаётимнинг савдоларидан,  
Сўрар эди йилма-йил ва фаслма-фасл:  
Жанглар, қамалару қонли можаролардан.  
Бошимдан не ўтган бўлса, бари-барини,  
Болаликдан шу кунгача нелар кечирдим -  
Сўзла, дерди, барчасини сўзлар эдим мен.  
Сўзлар эдим қўрқинч, мудҳиш саргузаштларни,  
Денгизда ё ерда кўрган уқубатларни:

Қандай қилиб қоча билдим ажал домидан,  
Қандай қилиб банди қилди мени ғаддор ёв,  
Сўнг кул қилиб сотилдим ва қандай қутулдим,  
Қанча манзил босиб, сарсон-саргардон юрдим,  
Не баҳайбат ғорлар кўрдим, бўм-бўш саҳролар,  
Чўнг қоялар, боши кўкка туташган тоғлар...  
Мен бетиним сўйлар эдим, бир-бирин еган  
Одамхўрлар борми ёки ўзга ваҳшийлар,  
Елкалари бошидан ҳам балаңд одамлар -  
Ҳаммасини. Дездемона тингларди тўниб,  
Ҳар сўзимни ихлос ила, эътибор қўйиб.  
Мен ҳикоя қиларканман, уйда мабодо  
Бирор юмуш чиқиб, магар банд этар бўлса,  
Апил-тапил айлар эди уни саранжом,  
Келиб, яна тикар эди жон қулоғини...  
Қулай топиб, бир гал қиздан эшитолдим роз:  
"Бошингдан шу кечганларни менга батафсил  
Бошдан-оёқ айтиб берсанг" деган илтимос.  
Рози бўлдим. Ва ҳикоя этар эканман,  
Қиз яширмай, кўз ёшини артди дам-бадам.  
Ҳикоямни айтиб бўлдим, шунда баногоҳ  
Қиз қалбидан учди ёниқ, оташин бир оҳ.  
Ва онт ичиб айтдики, бу ажиб бағоят,  
Ҳа, бағоят ачинарли, ғамгин ҳикоят.  
Кошки эди эшитмасам буларни, деди,  
Кошки фалак мени сиздек яратса эди!..  
Раҳмат айтиб, яна шуни итоб этди қиз:  
"Агар мени севар бўлса бирор дўстингиз,  
Таълим беринг, қиссангизни ёдлаб олсин у,  
Кейин сиздек айта билсин, унга шартим шу.  
Ишорани англадим ва кўнглимни очдим,  
Чеккан аламларим ҳақи мени севди қиз,  
Мен ҳам севдим уни мунис юраги учун.  
Мана шудир мендаги бор амал ва афсун,  
Ана, келяпти, сўранг, ўзи сўзласин.  
Дездемона, Яго ва мулозимлар киришади.

## Д о ж

Бу ҳикоя қаршисида менинг қизим ҳам  
Туриш беролмасди балки; Брабанцио,  
Сиз бу ишни яхшиликка йўйинг, азизим.  
Асл эрлар кураш чоғи яланғоч муштан  
Афзал билишади синиқ яроқни.

## Б р а б а н ц и о

Сиздан  
Ўтинаман, ўзидан ҳам сўраб кўрингиз.  
Агар қизим шу гапларнинг ярмига иқроп -  
Бўлса, майли, ҳалокатга бўлайин дучор.  
Маломатим элу юртга овоза бўлсин!  
Қани, бери келинг, менинг азиз бекачим,  
Шу мажлиси олий ичра ҳаммадан аввал  
Кимга қулоқ осийингиз лозим?

## Д е з д е м о н а

Отажон,  
Бу даврада бўлинади иккига бурчим;  
Мен бурчлиман сизга ҳаёт, тарбиям учун.  
Ҳаётим ҳам, тарбиям ҳам, отажон, мени  
Сизни ҳурмат айламоққа даъват этади.  
Сиз - номусли падарсиз, мен - ҳамон қизингиз  
Аммо-лекин бу даврада эрим ҳам ҳозир,  
Бир маҳаллар онам сизга бўйсунганидай,  
Мен ҳам унга бўйсунаман, итоатдаман.

## Б р а б а н ц и о

Худо хайрингизни берсин! Тамом-вассалом!  
Энди давлат ишларига ўтайлик, тақсир.  
Асранди қиз боқсам бундан яхшироқ эди.  
Бери кел, мавр;

Чин юракдан бердим сенга, ола қол уни,  
Гарчанд ўзи алақачон сенингдир, лекин,  
Лекин, агар менга қолса ҳеч қачон уни  
Яқинингга йўлатмасдим. Эшит, дурдонам,  
Хайриятки, сендан ўзга зурёдим йўқдир,  
Ажаб золим қилиб қўйди қилмишинг мени,  
Синглинг бўлса, кишанларга солардим уни.  
Мен тугатдим, тақсир...

### Д о ж

Рухсат беринг, мен ҳам энди фикримни айтай.  
Шоядки у маъқул тушиб, ошиқ-маъшуққа  
Меҳрингизни қозонишга баҳона бўлмай.  
Эр кишилар эртанги кун ғамини ерлар,  
Бўлган бўлди, ўтган ишга саловат, дерлар,  
Фалокатни эслайверсанг, ёш тўкиб, қарғаб,  
Бу ўшани қайта бошдан чақиришдай гап.  
Қисмат сени зуғумига оларкан буткул,  
Заҳарханда билан жавоб айлаган маъқул.  
Кимки ўғри орқасидан жилмаяр, кулар,  
Қайғу чангалидан ўзни қутқарган бўлар.

### Б р а б а н ц и о

Ундоқ бўлса, бера қолинг туркка Қибрисни,  
Кейин кулиб, қайғудан ҳам қутқаринг ўзни.  
Насихатчи насихатга ҳамиша тайёр,  
Лекин силлиқ сўздан бўлак унда нима бор?  
Ҳасрат босиб, юрагингга қайғу чўккан дам  
Тилга сўз келади, ўша сўз билан алам.  
Бундай сўзлар замирида яшайди мажоз,  
Асалга ҳам, заҳарга ҳам ўхшайди бир оз.  
Сўз дегани - сўздир, юрак оғриси магар,  
Қулоғидан дори қуйиб, тузатмагайлар.  
Келинг, давлат ишларига ўтайлик, тақсир.

## Д о ж

Турклар катта флот билан Қибрисга қараб сузмоқдалар, Отелло, оролдаги қалъа қудрати сизга яхши маълум. Гарчи у ерда талай фазилатлар соҳиби бўлмиш ноибимиз бор, лекин воқеалар ҳукмфармоси бўлмиш кўпчилик фикри сизни ёқламоқда. Шунинг учун янги бахтингиз шуъласини ана шу машаққатли ва серташвиш сафар билан хиралаштиришга тўғри келади.

## О т е л л о

Одат ҳукми кўп аёвсиз, азиз жаноблар,  
Ҳарбу зарбнинг тиканакли тош кўрпасини  
Айлангирмиш менинг учун парқув тўшакка.  
Машаққатлар чекиш менга роҳат-фароғат,  
Туркка қарши юришга мен тайёрман, фақат  
Бошим эгиб сўрайдирман, хотиним учун  
Яратилса яшамоққа шароит, чунон:  
Уй-жой ила жория ва маблағ-нафақа,  
Кўрган тарбияси шунга лойиқдир тамом.

## Д о ж

Истасангиз, тура турсин отаси билан.

## Б р а б а н ц и о

Истамайман, мен қаршиман.

## О т е л л о

Мен ҳам қаршиман.

## Д е з д е м о н а

Мен ҳам истамайман, чунки отам ҳар сафар  
Мени кўриш билан яна ғазабга минар.  
Муҳтарам дож, ўтинчим бор, сиздан сўрайман  
Дариф тутмасангиз мендан мурувватингиз.

## Д о ж

Не истайсиз, Дездемона?

## Д е з д е м о н а

Мен маврни севдим бирга яшамоқ учун.  
Қисматимнинг қанотланган, учқур бўрони  
Бу савдони бор дунёга қилди овоза.  
Юрагимни асир этдим матонатига,  
Ақлу идрокида кўрдим унинг жамолин.  
Унинг шавкатига, унинг шижоатига  
Қалбим билан толеимни тикдим тамоман.  
Шундоқ экан, жаноблар, у урушга кетса,  
Ва мен бунда қолсам ёлғиз парвона каби -  
Бу фироқ, бу айрилиққа қандоқ чидайман,  
Мен ҳам бирга кетай, шунга изн сўрайман.

## О т е л л о

Изн беринг, шафқатингиз ундан аяманг,  
Худо шоҳид, йигитчилик ошуфталиги,  
Ҳою ҳавас йўлидамас менинг ўтинчим.  
Юрагимни ўз измимга солишим мумкин.  
Лекин унга изн беринг, эркига қўйинг,  
Мен у ёқда азамат бир ишдан юз буриб,  
Ишқибозлик айламасман, Худо сақласин.  
Ҳа, мабодо ишқ Тангриси бўлмиш Купидон  
Кўзларимни кўр айласа эҳтирос билан  
Ва жанговар бурчимни мен унутиб қўйсам,  
Майли, унда дубулғамни уй бекалари  
Декча қилиб қайнатишсин, номусим-орим  
Уят билан маломатга кўмилсин тамом.

## Д о ж

Қоладими, кетадими - ўзингизга тан,  
Ўзингиз ҳал қилинг буни. Фурсат жуда зиқ.



## Б и р и н ч и с е н а т о р

Шу тундаёқ жўнаш лозим.

### О т е л л о

Мен тайёр, бегим.

### Д о ж

Биз эрталаб тўпланамиз соат тўққизда,  
Отелло бир офицерни қолдириб кетинг.  
Бизнинг топшириқлар, яна ҳар неки зарур -  
Ҳаммасини изингиздан етказур сизга.

### О т е л л о

Олий ҳазрат, мана, менинг мулозимим бор,  
Ғоят сидқу садоқатли ва ҳалол одам;  
Хотинимни элтишни мен унга юклайман,  
Хизматингиз бўлса, бажо этишга тайёр.

### Д о ж

Майли, шундоқ бўла қолсин. Хўп, хайрли тун -  
Ҳаммангизга.

### *(Брабанциога)*

Менга қаранг, муҳтарам синьор,  
Олийжаноблик белгиси ҳуснмас мутлоқ,  
Куёвингиз қора эмас, гавҳардек порлоқ.

## Б и р и н ч и с е н а т о р

Хайр сенга, баҳодир мавр! Тинглагил мени,  
Яхши асраб-авайлагил Дездемонани.

### Б р а б а н ц и о

Ҳа, сен ундан кўзларингни айирма, магар  
Отасини алдадими - сени ҳам алдар...

Дож, сенаторлар ва мулозимлар чиқишади.

## О т е л л о

Жоним гаров бўлсин унинг садоқатига!  
Содиқ Яго, топшираман Дездемонани,  
Хотинингни ҳамроҳ қилиб қўйгил, уларни  
Хайрли бир фурсат топиб, элтасан бизга.  
Кетдик, Дездемона, менинг ёлғиз бир соат -  
Фурсатим бор сенинг билан бирга бўлмоққа:  
Муҳаббат у яна бошқа ишларга буткул;  
Бўйсунамиз, замонанинг фармойиши шул.

Отелло ва Дездемона чиқадилар.

## Р о д р и г о

Ҳой, Яго!

Я г о

Лаббай, аслзодам.

## Р о д р и г о

Биласанми, мен ҳозир нима қиламан?

Я г о

Нима қилардинг, уйинга бориб, маза қилиб ухлайсан.

## Р о д р и г о

Мен ўзимни сувга отаман.

Я г о

Унда орамиздаги ошначилигимиз битди, деявер. Одам  
ҳам шунақа аҳмоқ бўладими!

## Р о д р и г о

Яшаш азобга айлангач, яшамоқ - аҳмоқлик. Ўлимдан  
бўлак чора қолмагандан сўнг, нима қилардинг, ўласан-да.

Я г о

Вой, хумпар-ей! Мен йигирма саккиз йилдан бери дунёга боқаман. Нима фойдаю нима зиёнлигини билганимдан буён ўзи тўғрисида дурустроқ ўйлай оладиган битта ҳам одамни учратмадим. Мен бир макиёнга кўнгила қўйиб, ўзимни чўктираман, дейишдан олдин одамлигимни маймунликка алмаштираддим.

Р о д р и г о

Нима қилай? Бунақа муҳаббатга мубтало бўлиш - уят, ўзим ҳам биламан. Лекин бирор нима қилиш қўлимдан келмайди.

Я г о

Қўлимдан келмайди! Мана сенга!.. Унақа бўласанми ёки бунақа бўласан - бу ўзинга ҳавола. Бизнинг вужудимиз - боғ, иродамиз - боғбон. Сассиқ алаф ўстирамизми ё жамбилу райҳон, бир хилдаги кўкатлар билан безаймизми ёки анвойи чечаклар билан, боғни боғ қиламизми ё тап-тақир саҳройи кабир - бу ўз қўлимизда. Агар ҳаётимиз тарозусининг бир палласида ҳиссиётларимизни босиб турувчи ақл-идрок бўлмаса, табиатимиздаги қон ва пасткашлик бизни аянч оқибатларга етаклаган бўларди. Лекин ақлу идрок қутурган ҳиссиётларимиз, шаҳвоний истақларимиз, тизгинсиз ҳисларимизни совутиб туради. Бас, сен севги деб атаган ўша нарсани мен бачки бутуқ деб биламан.

Р о д р и г о

Бекор гап.

Я г о

Бу қоннинг кўпиришию ироданинг сусайишидан бўлак нарса эмас. Ҳой, йигитмисан ўзинг! Ўзимни сувга отаман эмиш! Ундан кўра, мушуклару кўзи очилмаган кучукларни чўктира қол. Мен сени дўстим деганман ва эътироф

этаманки, орамиздаги дўстлик ипи жуда мустаҳкам. Ҳозир роса фойдам тегадиган бўлиб турибди. Ҳамёнингни ақчага тўлдир-да, бизга ҳамроҳ бўл. Ясама соқол билан башарангни ўзгартир. Ҳа, ҳамённи ақчага тўлдир. Сенга айтсам, Дездемонанинг маврга муҳаббати узоққа бормайди - кармонни ақчага тўлдиравер - маврнинг севгиси ҳам узоққа чўзилмайди. Дездемонанинг севгиси шиддат билан бошланган эди - шиддат билан тугайди, ўзинг кўрасан. Ҳамённи ақчага тўлдир. Бугун шакардан ширин бўлиб туюлган нарса ҳадемай қалампирдан ҳам аччиқ бўлиб қолади. Дездемона ёш, турланиб, тусланаверади. У маврнинг вужудига тўйгандан сўнг янглишганини тушуниб қолади. Кўнгли бошқасини тусайди, шундоқ экан, ҳамённи тўлдиравер. Агар жонингга қасд қилмоқчи бўлсанг, ўзингни сувга чўктирма, бошқа нозикроқ чорасини топ. Ҳа, ҳамённи бақувват қил. Магар беқарор бадавий билан маккор венеция қизи ўртасидаги омонат аҳду паймон менинг ақлим ва жаҳаннам қудратларидан устун чиқмас экан, жононни кучдим, деявер. Демак, ақчани ғамла. Фарқ бўлишни ўйлама. Мурод ҳосил этиб, дорга осилиш қуруқдан-қуруқ сувга чўкиб ўлишдан минг марта афзал.

### Р о д р и г о

Агар сенга ишонсам, умидларим рўёбга чиқармикин?

### Я г о

Хотиржам бўл. Бор, ақча топ. Илгари неча бор айтганман, яна айтаман, арабни жиним суймайди. Бунинг учун кучли асосларим бор, аммо сеники ҳам меникидан оз эмас. Кел, бирлашамиз, бирлашиб туриб, қасос оламиз. Хотинини қўлга тушириб, унинг олдига похол солиб кетсанг, сенга роҳат бўлади, менга эрмак. Замонлар қаърида не не сир-асрорлар ниҳондирки, бир куни ошкор бўлгай. Бор, ақчани ўйла. Эртаги кундан умидимиз беҳисоб. Хайр.

Р о д р и г о

Эртага қайда учрашамиз?

Я г о

Меникида.

Р о д р и г о

Мен эртароқ келаман.

Я г о

Бўпти, хайр. Ҳай, менга қара, Родриго?

Р о д р и г о

Нима дейсан?

Я г о

Ўзни сувга чўктириш ҳақида бошқа гапирма. Хўпми?

Р о д р и г о

Мен фикримдан қайтдим. Ҳовли-жойимни сотаман.

Я г о

Баракалла! Хайр! Ҳамённи тўлдир!..

Родриго чиқади.

Мўмай ҳамён эрур менга мана шу сўтак,  
Манфаатим суянчиги, эрмак нишони.  
Йўқса, юрармидим унга вақтимни сарфлаб.  
Аён гапки, мен маврни ёмон кўраман.  
Хотиним-ла дон олишган деган гаплар бор,  
Аниқ билолмадим, бу гап чинмидир, ёлғон?  
Лекин менга кифоядир ана шу гумон...  
Унинг менга эътимоди, ишончи баланд,  
Бу қўл келар ниятимнинг ижроси учун.  
Кассио зап йигит... Шошма, ўйлаб кўрайлик:  
Мен ўрнини эгаллайман унинг. Ва шунда

Макрим қуши парвоз учун тақар қўш қанот...  
Хўш, кейин-чи? Кейин?.. Ҳа, ҳа, бир оз вақт ўтиб,  
Отеллонинг қулоғига қуяман секин -  
Кассио хотининг билан апоқ-чапоқ, деб...  
Бунда жон бор: хўп келишган, барно йигит у,  
Бир қарашда чалғитади хотин зотини.  
Мавр табиатан софдил, содда эмасми,  
Бу гапларга ишонади, лаққа тушади.  
Мен эсам-чи, нўхта солиб унга бегумон,  
Эшшак каби йўрттираман, этаман сарсон.  
Ҳа, муқаррар шундоқ бўлур: жаҳаннам ва тун,  
Ёпирилиб босар жумла жаҳонни бутун.

*(Кетади.)*

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Қибрисда денгиз порти. Соҳилга яқин очиқ бир жой.  
Монтано билан икки йигит киради.

М о н т а н о

Ҳа, тепадан бирор нарса кўролдингизми?

Б и р и н ч и й и г и т

Йўқ, ҳеч нарса: уфққача тўлқин ва тошқин,  
Осмон ва сув оралиғи ичра шу палла  
Бирор елкан кўринмайди.

М о н т а н о

Шиддатли шамол  
Тиним билмай солмоқдадир ерда ҳам сурон.  
Титрамоқда бизнинг буюк истехком - қўрғон.  
Ўйлаб қаранг: денгизда не бўрон, пўртана...  
Тоғдай тўлқинларга бардош берарми кема?  
Оқибати не бўларкин?

## И к к и н ч и й и г и т

Турк кемалари  
Шубҳасизки, ҳар томонга сочилиб кетди.  
Кўпикланган қирғоққа бир бориб, қарангиз,  
Тикка тўлқин булутларга човут солгудай.  
Шамолларда даҳшатли бўз ёлларин тараб,  
Етти қароқчини кўқдан узиб олгудай,  
Қутб юлдузини ўчирмоқчидай гўё -  
Юксақларга талпинади, мудҳиш гулдираб.  
Бир бўронки, кўрмаганман бунақасини.

## М о н т а н о

Турк флоти қулай қилиб, бирор кўрфазга  
Ўзни ололмаган бўлса тамом, чўқди, бас,  
Ахир, бундай бўрон билан ўйнашиб бўлмас.

Учинчи бир йигит киради.

## У ч и н ч и й и г и т

Йигитлар, хушxabар! Бизнинг уруш тугади,  
Бўрон турклар флотини яксон айлади.  
Ниятлари барбод бўлди. Венециянинг  
Бир кемаси кириб келди гаванга омон,  
Улар кўришибди, аниқ сўзламоқдалар  
Турк флотин қайда ҳалок айламиш бўрон.

## М о н т а н о

Йўғ-ей! Наҳот?

## У ч и н ч и й и г и т

"Вероналик" деган бир кема  
Ҳозиргина бандаргоҳда лангар ташлади.  
Ундан тушиб келди Микель Кассио деган  
Бир лейтенант - Отеллонинг содиқ навқари.  
Ўша Отеллони ҳали денгизда демиш,  
У Қибрисга ноиб бўлиб келмоқда эмиш.

## М о н т а н о

Мен хурсандман, мавр бунга жуда муносиб.

### У ч и н ч и й и г и т

Ва ўша Кассио турклар ҳалокатини  
Хурсанд сўзлар экан, бир оз ташвишли боқар.  
Мавр саломат бўлгай, деб илтижо этар,  
Бўрон бир-биридан узиб қўймиш уларни.

## М о н т а н о

Уни паноҳингда ўзинг асрагил, Худо!  
Унга хизмат қилганим бор, у чин саркарда  
Ва чинакам жангчи. Қани, қирғоққа юринг,  
Келаётган ҳар кемани кўрайлик токи,  
Кўринмасми унда бизнинг жасур Отелло?  
Мовий йироқларга ҳамма кўз тикиб, уни,  
Ахтарайлик назаримиз етгунича то.

### У ч и н ч и й и г и т

Қани, юринг, огайнилар, фурсат ғанимат,  
Ҳар дақиқа янги-янги йўлчилар...

Кассио киради.

## К а с с и о

Раҳмат,  
Эй шавкатли эрлар, Қибрис баҳодирлари.  
Маврни таърифлаб, шунча эъзоз этдингиз.  
Балолардан ўзинг омон сақлагил, фалак,  
Даҳшатли денгизда кўздаң йўқотдим уни.

## М о н т а н о

Хўш, кемаси нечук, маҳкам, бақувватмиди?

## К а с с и о

Зўр, бақувват кема эди унинг кемаси,  
Дарғаси ҳам тажрибали, пишиқ бир одам.  
Шуни ўйларканман, ортар умидим ҳар дам.



Саҳна ортидан "Елкан! Елкан кўринди, елкан!" деган овозлар.  
Чопар киради.

К а с с и о

Бу не шовқин?

Ч о п а р

Шаҳар гўё хувиллаб қолган,  
Ва бутун халойиқ ўзни қирғоққа урган.  
"Елкан! Елкан!" дея бирдек қичқирар ҳамма.

К а с с и о

Адашмасам, саркардамиз келди чамамда.  
Тўп отилгани эшитилади.

И к к и н ч и й и г и т

Тўп отишар меҳмонларни эҳтиром айлаб,  
Демак, дўстлар келишибди.

К а с с и о

Сиздан сўрайман,  
Бориб, билиб келинг, қани, ким келди экан?

И к к и н ч и й и г и т

Бош устига.

М о н т а н о

Ҳа, лейтенант, уйланганми генералингиз?

К а с с и о

Уйланганда қандоқ! Ажиб бир пари пайкар,  
Гўзалиқда овозаси оламга кетган,  
Таърифига сўз ҳам ожиз, қалам ҳам ожиз,  
Фариштадек қизга.

Иккинчи йигит қайтиб киради.

Айтинг, келган ким экан?

## И к к и н ч и й и г и т

Генералнинг мулозими, Яго деган зот.

### К а с с и о

Қаранг, қандай шитоб ила йўл босибди у.  
Ваҳший бўрон, бўз тўлқинлар, учқур шамоллар  
Тик қоялар, саёз қумлар, хавфу хатарлар,  
Хуллас калом, табиатнинг бебош кучлари  
Хусн ила малоҳатнинг сеҳрига тушиб,  
Йўл бермишлар илоҳий у Дездемонага.

### М о н т а н о

Ким экан у?

### К а с с и о

Ҳозиргина таърифладим-ку  
Сардоримиз сардораси. Ҳа, ботир Яго  
Қолдирилган эди уни олиб келмоққа,  
У келтирмиш муддатидан бир ҳафта олдин  
Эй сен, Отеллога паноҳ бўлган Юпитер,  
Унинг елканига ўзинг уфур нафасинг.  
Шу кўрфазни обод этсин кемаси билан,  
Келиб, гўзал ёрини у қўйнига олсин,  
Сўник руҳимизга яна ҳарорат солсин,  
Фароғат келтирсин бутун Қибрисга!

Дездемона, Эмилия, Яго, Родриго ва мулозимлар киришади.

Қаранг!

Кеманинг бор хазинаси соҳилга чиқмиш.  
Эй Қибрис эрлари, қани, тиз чўкингиз тез!  
Олқиш, салом бўлсин сенга, гўзал маликам!  
Саломат бўл, қайда бўлсанг, қудратли фалак  
Бошинг узра паноҳ бўлсин.

### Д е з д е м о н а

Раҳмат, Кассио,

Айтинг, нечук хабарлар бор менинг эримдан?

## К а с с и о

Ҳали келгани йўқ, аммо ишончим комил,  
Соғу саломатдир, тезда етиб келар ул.

## Д е з д е м о н а

Оҳ, қўрқаман... Қандай қилиб ажраб қолдингиз?

## К а с с и о

Кўк ва сувнинг олишуви ажратди бизни,  
Лекин, ана, кичқиришар "Елкан!" деб яна.

Саҳна ортидан "Елкан! Елкан!" деган кичқириқлар. Тўп отилади.

## И к к и н ч и й и г и т

Истеҳкомга салом йўлаб, тўп отди кема,  
Демак, яна дўстлар.

## К а с с и о

Бориб, тез хабар олинг.

Йигит чиқади.

Хуш келибсиз, мулозим. О, марҳабо, хоним!  
Бу қилиғим гашингизга тегмасин, Яго,  
Менинг кўрган тарбиям ўз илтифотимни  
Шундай изҳор айламоққа даъват этади.

Эмилияни ўпади.

## Я г о

Тили билан таъзиримни бергани каби,  
Додингизни берса эди лаблари билан,  
Ҳолингизга боқар эдим.

## Д е з д е м о н а

Йўғ-ей, наҳотки!  
У жудаям камгап.

Я г о

Бекам, жудаям сергап.  
Мени уйқу босса, унинг очилар жағи.  
Аммо сизнинг олдингизда камтарин, сипо.  
Юрагига тилини сал суқиб туради,  
Лекин хаёлида мени сўкиб туради.

Э м и л и я

Бу гапларнинг менга сира алоқаси йўқ.

Я г о

Шунақа денг... Кўчада сиз - мисоли суврат,  
Меҳмонхонангизда лекин - мисли қўнғироқ.  
Ошхонада - ёввойи бир мушуксиз худди,  
Авлиёга айланасиз - алам чексангиз.  
Биров ранжитса-чи - худди шайтоннинг ўзи  
Уй-рўзғорда - раққосаю тўшақда - бека.

Д е з д е м о н а

Ҳай-ҳай, уят! Бўлди қилинг, тухматчи.

Я г о

Йўқ-йўқ,  
Ёлғон айтсам, ҳарна бўлай, булар не эмиш,  
Турмуш сизга - эрмак фақат, ётиш сизга - иш.

Э м и л и я

Менга бошқа мадҳиялар тўқиманг.

Я г о

Асло.

Д е з д е м о н а

Менга нечук бир мадҳия тўқир эдингиз?

Я г о

О, маликам, беҳудага мени қийнаманг,  
Мен танқидсиз туrolмайман.

## Дездемона

Бир уннаб кўринг.  
Ҳа, дарвоқе, бандаргоҳга одам кетдимиз?

Я г о

Кетди, бекам.

## Дездемона

(Четта)

Юрагим гап, шу эрмак билан,  
Нима қилай, ўзимни сал овутмоқчиман.

(Ягога)

Айтинг, менга не мадҳия тўқир эдингиз?

Я г о

Жиндак сабр, мана ҳозир... Менинг ижодим  
Елим каби ёпишибди бошимга маҳкам.  
Миямни ҳам кўпоради кўчирай десам...  
Лекин илҳом келиб қолди, мана, эшитинг:  
Қиз оқил ва соҳибжамол бўлса, ҳар жойда  
Ақли унинг чиройидан чиқазар фойда.

## Дездемона

Дуруст, дуруст! Чаккимас, хўп, яна айтинг-чи,  
Қиз агарда хунук, лекин доно бўлса-чи?

Я г о

Қиз оқила, аммо хунук бўлса, безиён,  
Муносиб бир йигитчани топар бегумон.

## Дездемона

Йўқ, буниси чиқмади.

Э м и л и я

Гўзал бўлиб, гўл бўлса-чи?

Я г о

Гўзал, аммо нодон бўлса, бўлура аломат,  
Нодонлиги туғишига қўл келар фақат.

## Д е з д е м о н а

Ҳа, бу қовоқхона аҳлини кулдириш учун тўқилган эски латифалар. Хўш, ҳам хунук - бедаво, ҳам гўл-аҳмоқ бўлган қиз ҳақида қандай аянчли мадҳиянгиз бор?

Я г о

Қиз хунук ва аҳмоқ бўлса, този бўлади,  
Гўзал, оқил қизлар каби нози бўлади.

## Д е з д е м о н а

О, қандай жаҳолат! Энг ёмонни, энг яхши таърифла-  
дингиз. Аммо мақтовга чинданам муносиб, қадр қийма-  
тини ҳасад-адоватнинг ўзи ҳам тан оладиган хотинни қан-  
дай таърифлаган бўлур эдингиз?

Я г о

У гўзалдир, аммо сира такаббур эмас,  
Тили бийрон бўлса ҳамки, ортиқ сўзламас.  
Ақчаси мўл, лекин уни совурмас елга,  
Не сўрасанг, "йўқ" демайди, дейди "майлига".  
Алам етса, ўч олмайди, чидайди фақат,  
Бошингизга ёғдирмайди таъна-маломат.  
У маъсумдир, оқиладир, юрак ҳамдами,  
Дон қайда-ю, сомон қайда - етади-фаҳми.  
У ўйлайди, ўйлаганин айламас ошкор,  
Хушгорлари эргашганда этмас эътибор.  
У шундай зот, шундай зотки...

## Д е з д е м о н а

Ярар не ишга?

Я г о

Аҳмоқларни туғишгаю пиво қуйишга.

## Д е з д е м о н а

О, қандай чўлтоқ ва бўлмағур бир хулоса бўлди! Эмилия, гарчи у эринг бўлса-да, сўзларига кулоқ осма. Сиз нима дейсиз, Кассио? У ғоят осий ва бузуқи бир маслаҳатчи эмасми?

### К а с с и о

Хоним, у чўрткесар одам. Унинг олим эмас, аскар эканлигини ҳисобга олишингизга тўғри келади.

### Я г о

*(Четра)*

Кассио унинг қўлини кафтига босяпти. Ҳа, майли, шивирлашиб қолинглар. Мен ана шу мўъжаз тўр билан Кассиодек каттакон пашшани домимга тушираман. Хўш, хўш, унга қараб илжайвер... Мен сени ўз хушомадларингга чирмаб, тақдим этаман. Сиз ҳақлисиз, бегим, чинданам шундай! Бир куни ана шу ҳазилларинг сени лейтенантликдан маҳрум қилиб қўйса, уч бармоғингни шу қадар интиқиб ўпганларингга пушаймон бўласан. Ҳа, хўжайинни рақсга тортишга иштиёқингиз баланд. Дуруст, дуруст! Ўпишлари муборак бўлгай! Назокатни қаранг, назокатни! Яна бармоғингизни лабингизга босяпсиз шеклли? Ўша бармоқлар бирданига клизматрубкага айланиб қолса, ёмон бўлмасди.

*(Бургу садоси.)*

Мавр келди.

Бурғусидан танийман уни.

### К а с с и о

Ҳа, ўшанинг ўзи.

## Д е з д е м о н а

Юринг, қарши оламиз.

## К а с с и о

Йўқ, у мана, келиб бўлди.

Отелло ва мулозимлар киришади.

## О т е л л о

О, менинг ҳур - паривашим, гўзал ботирим!

## Д е з д е м о н а

Азиз Отелло!

## О т е л л о

Кўзларимга ишонмайман, не саодат бу!  
Мендан олдин нечук етдинг бу ерга, жоним.  
Бўрондан сўнг доим шундай фароғат келса,  
Майли, увлаб эсаверсин учқур шамоллар,  
Учиримлар тўлқинларни кўтарсин кўкка.  
Чўнг кемалар тўлқинларга тирмашиб худди,  
Олимп каби юксаклардан, фалак буржидан  
Жаҳаннамий чўнқирларга отилсин тикка!  
Агар ўлиш керак бўлса, мана, мен тайёр,  
Кўз юмардим шу дунёдан мен ҳам бахтиёр.  
Қалбим қувончларга тўлган шу дақиқани  
Қўрқаманки, қисмат насиб этмагай такрор.

## Д е з д е м о н а

Йўқ, Худо асрасин!

Ҳали бахтимиз кулгай,

Севгимиз ҳам, умримиз ҳам зиёда бўлгай.

## О т е л л о

Омин! Айтганларинг келсин!

Мен қувончимдан,

Сўз айтишга ожиздирман!.. Нафасим тутар.

Фақат бир меъёрда урмай юракларимиз,

Бир ажойиб оҳангсизлик ошкор этар.



Дездемонани ўпади.

Я г о

*(Четга)*

О, жудаям созлангандир юракларингиз,  
Фақат мен уларга жиндак тикан санчаман,  
Ўзгаради пардаси ҳам, таронаси ҳам...

О т е л л о

Энди қасрга борайлик. Дўстлар, хушхабар:  
Уруш тамом! Турк флоти денгизга ботди.  
Оролдаги дўстлар қалай, саломатмилар?  
Сени бунда кўтарурлар бошларга, жоним,  
Мени эса севиб, жуда эъзоз этурлар.  
Сўзларим ҳам пойма-пойдир, маъзур тут мени,  
Нима қилай, қувончимдан айланар бошим.  
Ўтинаман, Яго, дарҳол бандаргоҳга бор,  
Унда менинг юкларимни кемадан олиб,  
Капитаннинг қўрғонига таши!.. Зўр йигит!  
Менга жуда ёқар унинг довиюраклиги.  
Дездемона, ёнимдасан, йўқдир армоним,  
Яна бир бор хуш келибсан Қибрисга, жоним!  
Қани, кетдик.

Яго ва Родригодан бўлак ҳамма кетади.

Я г о

*(Хизматкорлардан бирига)*

Бориб, мени бандаргоҳда кут. *(Родригога)* Бери кел.  
Агар чинданам йигит бўлсанг - дейдиларки, муҳаббат  
кўрқоқни ҳам шерга айлантирармиш - гапимга қулоқ сол.  
Лейтенант бугун кечаси саройга қоровуллик қилади. Аммо  
бундан ҳам олдин айтадиган гапим шуки, Дездемона уни  
ўлгудек севиб қолган.

Р о д р и г о

Кассионими? Йўғ-ей, бекор гап.

Я г о

Дамингни ютиб, мени охиригача тингла. У бошда маврни нечоғлик ошуфта бўлиб севиб қолганини бир эслаб кўр. Нима учун - мактанчоқлиги ва ҳар турли уйдирмалари учун. Наҳотки, ана шу валақлашларга у бир умр маҳлиё бўлиб ўтса? Йўқ, ундай деб ўйласанг, янглишасан. Аёл кишининг кўзига ҳам озуқа керак. Хўш, ўша қора шайтонга тикилиб, не баҳра топади? Ишқий эрмаклардан қон совугач, уни қайта алангалатиш, янгидан карнай бўлган иштаҳани қондириш учун кўркам шаклу шамойил, ёшлик-навқиронлик, назокату нафосатлар керак бўлади. Булар маврда йўқ. Бу фазилатларни тополмаган Дездемона ўзининг нозик сезгиларини таҳқирланган деб ҳис қилади, оҳ чекади, уҳ чекади, маврни жини севмай қўяди, охир-оқибат ундан жирканади, ҳазар килади. Табиатнинг ўзи уни бошқага итаради. Хўш, тақсирим, шундоқ бўлиши муқаррар экан, бу ишга Кассиодан бўлак ким мувофиқ келади? У ярамас гап деганни қийиб юборади, кейин ўзини яхши кўрсатиш учун ўзидаги қусурларни ким у каби пардалай олади? Ҳеч ким, ҳеч кимса. У шундай муттаҳамки, фурсат тўғри келди дегунча ўзининг фойдаси учун чиппа ёпишади, қулай келмаса, қулай келтиради. Бунинг устига хушсуврат ва ёш, ҳали эсини ўнглаб олмаган чала думбулларни чалғитиш учун ҳамма нарса унда муҳайё. Ана шундай учига чиққан муттаҳам у!.. Хотин ҳам уни танлади - қўйди.

Р о д р и г о

Мен бунга ишонмайман. У - олийжаноб хотин.

Я г о

Олийжаноб эмиш!.. Мана сенга - олийжаноб! Унинг ҳам ичадиган шароби узумдан солинган шекилли. У олийжаноб бўлганда маврни севмасди. Катта холанг - олийжаноб! У Кассионинг қўлини кафтида тутиб ўйнаганини пайқадингми? Наҳотки пайқамадинг?

Р о д р и г о

Пайқаганда-ку пайқадим, лекин бу бир илтифот-да.

Я г о

Бунинг отини бузуқчилик дейишади! У қўлдан бошланади, Худо билади, қайда тугайди. Ифлос ҳирсу ҳаваслар тарихининг дебочаси бу! Улар лабларини шундай яқинлаштиришдики, ҳатто нафаслари ҳам қўшилишиб кетди. Шайтон васвасаси бу, Родриго! Қўллар топишдимиз, тамом, нарёғи - асосий иш, умумий хулосага ўтиш қийинмас. Ҳой, тақсирим, гапимга қулоқ осинг: мен сизни Венециядан бекорга бошлаб келмадим. Тунда қоровулда турасиз. Сизни тайинлашларини мен бўйнимга оламан. Кассио сизни танимайди. Мен ҳам ўша атрофда бўламан. Сиз бир эвини қилиб, унинг жаҳлини чиқаринг. Бақириб гапирасизми ё интизомни бузасиз - бу ёғи ўзингизга ҳавола.

Р о д р и г о

Яхши.

Я г о

Тақсир, у қизиққон одам, салга жаҳли чиқади, сизни шапалоқлаб тушириб қолиши ҳам ҳеч гапмас. Шундоқ қилишига қўйиб беринг. Мен шу жанжални баҳона қилиб, Қибрис аҳлини оёққа турғизаман. Халқни тинчитиш учун Кассиони ишдан олишга тўғри келади. Ана шу қисқа йўл билан ниятингизга етасиз, менга ҳам осон бўлади. Агар шу ғовни ўртадан кўтариб ташламасақ, ишимиз юришмайди.

## Р о д р и г о

Қулайини топсам, бас, бажараман.

## Я г о

Мен сени ёқлайман. Мени қасрда кут. Отеллонинг  
юкини қирғоққа ташишим керак. Хайр.

## Р о д р и г о

Хўп, кўришгунча.

Чиқади.

## Я г о

Кассионинг севишига ишончим комил.  
Дездемонанинг ҳам унга кўнгли йўқ эмас,  
Гарчи жиним хушламайдн маврни, лекин,  
У самимий, назокатли, олийжаноб зот,  
Фоят садоқатли эрдир Дездемонага,  
Буни исбот этади у, бунга шубҳам йўқ.  
Мен ҳам хуш кўраман гўзал Дездемонани,  
Гарчи шунга ўхшаш қилмиш - гуноҳларим кўп,  
Лекин мени қасос ҳисси ундар бу ишга,  
Хотинбоз у Отеллога тушган гумоним.  
Ўша менинг тўшагимда ётганмиш! Шуни  
Ўйладимми, ёйилади ичимга захар.  
Хотиним-чун хотинини олмагунча то,  
Бирор нарса юрагимга бермас тасалло.  
Агарда-чи, эполмасам бу ишни, унда  
Маврни рашк оловига шундай қорайки,  
Зир югуриб, тополмасин дардига чора.  
Венеция кўппагини ишга соламан,  
Бунинг учун Кассио бир баҳона бўлур.  
Кассиони қоралайман маврга нуқул,  
Дон олишган эмиш у ҳам хотиним билан.  
Мавр менга меҳр қўйиб, раҳмат айтади,  
Уни худди эшшак қилиб минганим учун.

Жудо айлаб тамом роҳат-фароғатидан,  
Қутуртириб, роса жинни қилганим учун...  
Ҳай-ҳай, шошма! Уят, ахир! Шу ёғи етар,  
Картани ҳам юрмагунча кўрсатмагайлар...

Чиқади.

## Иккинчи саҳна

Кўча.

Кўлида ёрлиқ кўтариб, жарчи киради. Унинг изидан халойиқ.

### Ж а р ч и

Олийжаноб ва қаҳрамон генералимиз Отеллонинг фармойиши. Яқинда олинган аниқ маълумотларга кўра, турк флоти буткул ҳалокатга учраган. Ана шу муносабат билан буюрамиз: халойиқ шодиёна қилсин, базм гулханлари ёқилсин, рақсларга тушилсин. Ҳар ким истаганча ўйинкулги, хурсандчилик ила машғул бўлсин. Бу хушхабардан ташқари, генералимизнинг никоҳ тўйлари ҳам нишонланади. Шуни билдириб қўйишни генералимиз лозим топмишлар. Қаср эшиклари шодиёна учун кечқурун бешдан ўн биргача очиқ. Тангри таоло Қибрис ороли ва унинг олийжаноб ҳукмдори Отеллони ўз паноҳида асрасин!

Чиқади.

## Учинчи саҳна

Қасрда бир зал.

Отелло, Дездемона, Кассио ва мулозимлар киришади.

### О т е л л о

Кассио, сиз посбонларга кўз-қулоқ бўлинг,  
Айш-ишратни меъеридан оширмасинлар.

К а с с и о

Бу тўғрида мен Ягога топшириқ бердим,  
Тунда ўзим текшираман қоровуларни.

О т е л л о

Яго ҳалол йигит. Бўпти, хайр, Кассио,  
Эрта тонгда гаплашамиз яна сиз билан.

*(Дездемонага)*

Кетдик, жоним! Мана, савдо-сотик ҳам битди,  
Мевасини бирга баҳам кўрайлик энди.  
Хайрли тун.

Отелло, Дездемона ва бошқа мулозимлар чиқишади.

Яго киради.

К а с с и о

Хуш кўрдик, Яго. Ҳозироқ қоровуликка боришимиз зарур.

Я г о

Ҳали эрта-ку, лейтенант, соат ақалли ўн ҳам бўлмаган. Генералимиз Дездемонага муҳаббати туфайли бизни анча эрта бўшатди, шунинг учун бизни айбламаса керак. У Дездемона билан ҳали бир кеча ҳам ишрат қилган эмас. Ўзиям Юпитерга луқма бўладиган жонон-да!

К а с с и о

Ғоят дилбар хотин.

Я г о

Нозу карашмаларини айтмайсизми!

К а с с и о

Чиндан ҳам тоза ва назокатли бир санам.

Я г о

Кўзларини, денг, кўзларини! Нақ ёндираман деб ишва-  
имо қилиб туради-я!

К а с с и о

Ҳа, кўзлари фаттон, аммо камтарин ва сипо боқади.

Я г о

Сўзлари-чи, сўзлаганда муҳаббатта чорлаб турмайдими?

К а с с и о

Ҳа, у чиндан ҳам бир пари-пайкар.

Я г о

Хўп, уларнинг омадларини берсин! Менга қаранг лей-  
тенант, бир кўза шаробим бор. У ёқда Қибрис йигитлари  
қора Отелло шарафига сиз билан майхўрлик қиламиз,  
деб ўтиришибди.

К а с с и о

Фақат бугун эмас, дўстим Яго. Шу шароб ичишга то-  
бим йўқроқ. Одамлар ўйнаб-кулишнинг бошқа бир усу-  
лини топишса, ёмон бўлмасди.

Я г о

Улар дўстларимиз, ахир. Атиги бир қадах, холос. Мен  
сизнинг соғлигингиз учун ичаман.

К а с с и о

Мен бу оқшом бир қадах ичдим. Ўшангаям сув қўшиб.  
Лекин бошимни айлантириб юборди. Заифлигимга иқрор-  
ман. Уни яна бир бор синаб кўришга ҳожат йўқ.

Я г о

Қанақа йигитсиз ўзи! Шундай айшу ишрат оқшомида-я.  
Йигитлар талаб қилишяпти, ахир.

К а с с и о

Улар қаерда ўзи?

Я г о

Шундоқ эшикнинг орқасида. Ўтинаман, уларни бу ёққа таклиф этинг.

К а с с и о

Хўп, таклиф этаман, аммо бу иш менга ёқмаяпти.  
Чиқади.

Я г о

Ҳа, бу оқшом ичганинг у қадаҳ устига  
Эплаб, яна биттасини ичиролсайдим,  
Бамисоли ёш хонимнинг лайчаси каби  
Ташланардинг дуч келганга ҳуриб, акиллаб...  
У ёқда-чи, муҳаббатдан эси айниган  
Аҳмоқ Родриго ҳалитдан жинни, маст-аласт.  
Дездемона соғлиғига ичибди нокас,  
Ўзи тагин қоровулда турибди. Унга  
Шерик бўлиб турар учта Қибрис ботири,  
Орол аҳли каби бари мағрур, жангари,  
Йигитлик шаънини ғоят баланд тутишар,  
Уларга ҳам қадаҳ тутиб, ичирдим роса.  
Энди-чи, шу маст-аластлар галасига мен  
Кассиони итараман - қўзғасин жанжал,  
Бутун орол оромини йўқотсин тугал!  
Келишмоқда... Орзуларим рўёбга чиқса,  
Ҳар қадамда ҳамроҳ бўлиб шамол ва тўлқин,  
Кемам янги манзилларга сузарди жадал.

Кассио, Монтано ва йигитлар киришади. Улар изидан - ша-  
роб кўтарган мулозимлар.

К а с с и о

Худо ҳаққи, булар мени роса ичиришди.



## М о н т а н о

Инсоф қилинг, атиги бир томчи, холос. Кичкина бир қадаҳда жичча. Мен аскарман, сўзимга ишонинг.

Я г о

Қани, шароб келтиринг!

Куйлайди.

Қадаҳ тутинг, чўқиштирай: чиқ-чиқ,  
Қадаҳ тутинг, чўқиштирай: чиқ-чиқ..  
Солдат дегани  
Анойи эмас,  
Умр - бир нафас,  
Агар солдат бир бор ичса,  
Ҳеч зиён қилмас.  
Йигитлар, шароб!..

К а с с и о

Худо ҳаққи, ажойиб қўшиқ.

Я г о

Мен буни Англияда эшитганман. У ерда ичишни билишади. Данияликларингиз, немисларингиз, қорни катта голландларингиз бу ишда инглизлар олдида ип эшолмайди.

К а с с и о

Улар шунақа шаробхўрми?

Я г о

Бўлганда қандоқ! Данияликлар ўлгудек маст бўлганда, инглизлар миқ этмай ичаверишади. Немислар чала ўлик бўлиб йиқилганда ҳам, улар ичаверишади, лекин пешонаси йилт этмайди. Голландлар кўнгли айнаб, қуса бошлаганда, улар навбатдаги шишани очишади.

К а с с и о

Қани, генералимизнинг соғлиғи учун!

М о н т а н о

Қўшиламан, лейтенант! Ва сиздан ортда қолмайман.

Я г о

О, гўзал Англия!

Куйлайди.

"Ажаб хасис эди қирол, Стефан,  
Бир крон бериб у тиктирди иштон.  
Олти пенс ортиқча тўлабди, қаранг.  
У-ку, элга машҳур бир подшо эди,  
Забун рутбанг ила, ўйла, сен кимсан?  
Юртни чўл қилганинг ила мағрурсан,  
Жанда-чопонингни йиғиштир энди..."  
Ҳой, шароб келтиринглар!

К а с с и о

Бу қўшиқ ҳалигисидан ҳам ажойиброқ экан.

Я г о

Такрор эшитишни истайсизми?

К а с с и о

Йўқ. Мен уларни ўша қилмишлари учун ўз мавқеларига муносиб кишилар эмас, деб ҳисоблардим. Хўп, ҳаммамизнинг ҳам тепамизда тургувчи - Худо. Айримларга нажот бор. Айримларга эса - йўқ...

Я г о

Рост айтасиз, лейтенант.

К а с с и о

Масалан, менга келсак, генерал ёки ундан юқори турадиганлар хафа бўлишмасин, менга у дунёда нажот бор, деб умид қиламан.

Я г о

Мен ҳам шундай деб умид қиламан, лейтенант.

К а с с и о

Аммо, ижозатингиз билан, аввал мен... Лейтенант мулозимдан аввал нажот топмоғи керак. Хўш, бу тўғрида энди гап тамом. Хизмат масаласига ўтайлик Гуноҳимизни Тангри таолонинг ўзи кечирсин! Йигитлар, қани ишга киришайлик! Жаноблар, мени маст деб ўйламанг тагин. Манави - менинг мулозимим. Манави ўнг қўлим. Манави – чап қўлим. Мен сираям маст эмасман. Мана, мен тикка тура оламан, мана, мен бийрон гапира оламан.

Ҳ а м м а

Албатта, албатта.

К а с с и о

Демак, ҳаммаси жойида. Демак, мени маст деб ўйла-масликларинг керак.

Чиқади.

М о н т а н о

Жаноблар, ташқарига чиқайлик. Қоровуларни жой-жойига қўйиш зарур.

Я г о

Кўрдингизми боягина чиққан йигитни,  
У Сезарнинг қўл остида саркарда бўлиб,  
Амру фармон юритишга муносиб эди.  
Аммо, афсус, қаранг, қандай қилиқлари бор,  
Қусуридан ортиқ эмас фазилатлари.  
Ажаб, шунга ишонади Отелло чиндан.  
Лекин шунинг касри билан бир кун оролда  
Бир кори-ҳол рўй бермаса, дея қўрқаман.

М о н т а н о

У ҳар куни ичадимми?

Я г о

Ичганда қандоқ!  
Ётолмайди, гар ичмаса уйқу олдидан.  
Тун бўйи сандирақлаб юриб чиқади -  
То хумори қониб, роса симирмас экан.

М о н т а н о

Буни Отеллога дарҳол етказиш даркор.  
Эҳтимолки, у беҳабар, соддалик билан  
Кассионинг сувратига баҳо беради,  
Сийратига эмас. Айтинг, шундоқ эмасми?

Родриго киради.

Я г о

*(Родригога, секин)*

Хўш, Родриго, айт-чи, сенга нима бор бунда?  
Лейтенантнинг изига туш ҳозироқ, жўна.

Родриго чиқади.

М о н т а н о

Кўп таассуф, шундай масъул бир вазифани  
Шундай аянч бир кимсага бериш Отелло.  
Инсоф юзасидан унга билдирмоқ зарур.

Я г о

Мен айтмайман - шу оролни беришганда ҳам:  
Кассиони севаман ва бу фалокатдан  
Қутқараман уни. Тўхтанг, бу нима шовқин?

*(Саҳна ортидан: "Ёрдам!", "Ёрдам беринг!" деган қичқириқлар.)*

Олдин Родриго, унинг орқасидан қувиб Кассио киради.

К а с с и о

Аблаҳ!.. Ярамас!..

М о н т а н о

Нима гап, лейтенант?

К а с с и о

Менга ақд ўргатмоқчи бўлади ифлос!  
Ҳай, мен сени май шишага жойлаб қўяман!

Р о д р и г о

Жойлаб бўпсан!

К а с с и о

Ҳали гап ҳам қайтарасанми?

Родригони уради.

М о н т а н о

*(Уни тўхтатмоқчи бўлиб)*

Ҳой, лейтенант, ўзингизни босинг, сўрайман!  
Қўлингизни тортинг!

К а с с и о

Мени қўйиб юборинг!  
Бўлмаса-чи, аямайман ҳатто сизни ҳам!

М о н т а н о

Сиз ичгансиз, ахир!

К а с с и о

Нима? Ичганман?!

Улар ёқалашадилар.

Я г о

*(Родригога, секин)*

Қани, жўна, қоч бу ердан, қорангни ўчир.  
Дод-вой солиб, халойиқни турғиз оёққа!

Родриго кетади.

Ҳой, лейтенант, тўхтанг! Ўзни босинг, жаноблар!  
Ёрдам беринг! Ҳой, лейтенант! Шошманг, Монтано!  
Жинни бўлдингизми! Тўхтанг! Ёрдам беринглар!..

Бонг урилади.

Ким бўлди бу бемаҳалда бонг ураётган?  
Вой, жин урсин! Шаҳар энди оёққа қалқар...  
Ҳой, лейтенант, тўхтанг! Ахир, бу шармандалик!

Отелло мулозимлари билан киради.

О т е л л о

Хўш, нима гап бунда?

М о н т а н о

Эвоҳ, мен яраландим,  
Бошдан-оёқ қонга ботдим, аҳволим ёмон...

О т е л л о

Тўхта, жонинг керак бўлса, жойингдан жилма!

Я г о

Ҳой, лейтенант, шошманг! Тўхтанг энди, Монтано!  
Нима бало, эсингизни еб қўйдингизми?  
Генерал айтаяпти сизга! Уялинг ахир!

О т е л л о

Хўш, нима гап? Бу тўполон қаёқдан чиқди?  
Ё туркларга айланишиб қолдикми буткул?  
Бундай ишдан ҳазар этар ҳаттоки улар,  
Насронийлар учун қандай шармандалик бу!  
Кимки яна ғазабига эрк бера қолса,  
Юрагини суғураман! Қимирлаш - ўлим!  
Ҳой, у машъум қўнғироқни бориб тўхтатинг!  
Ярим тунда ваҳимага солар оролни.

Хўш, нима гап ўзи, менинг қадрдонларим?  
Содиқ Яго алаמידан кўкариб кетмиш,  
Қани, гапир, ким бошлади биринчи бўлиб?

Я г о

Билолмадим, боягина барча аҳли дўст  
Иноқ эдик янги келин-куёвлар каби.  
Бир маҳал қарасам... ҳамон ажабланаман,  
Магар бирор юлдуз кўқдан хуруж қилдими -  
Қиличлар яланғоч, дўстлар қаршима-қарши  
Солишиб турибди, хуллас, қонли можаро!  
Айтолмайман, жанжал ўзи нимадан чиқди.  
Муносиб бир ишда ажраб оёқларимдан,  
Шу даврага келолмасам, яхшироқ эди.

О т е л л о

Хўш, Кассио, айтинг, сизни нима жин урди?

К а с с и о

Ўтинаман, маъзур тутинг. Мен айтолмайман.

О т е л л о

Монтано, сиздаги ақл-андиша қани?  
Номингиз бор эди босиқ-одобли деган.  
Сизга қараб-қараб, ҳайрон бўламан, афсус,  
Наҳотки сиз энди авбош - кўчабезори?  
Нима учун яхши номни ёмон номга сиз  
Алмаштириб ўтирибсиз? Жавоб берингиз.

М о н т а н о

Отелло, мен жуда оғир яраланганман;  
Шунинг учун жим турганим яхшироқ, зотан,  
Сизга айтиб берар Яго - офицерингиз  
Менинг барча билганиму билмаганларим.  
Фақат билолмадим, нечук бир гуноҳ қилдим  
Мен бу кеча сўзим ёки қилмишим билан.  
Ўз-ўзимни аяганим иллатми магар?

Ўзни ҳимоя этганим - гуноҳдир наҳот,  
Бошқалар куч ишлатганда?

### О т е л л о

Худойим шоҳид!  
Қоним қайнаб, чиқиб борар миямга томон.  
Ғазабим ҳам юрагимда кўзғалиб шу он,  
Мени бир йўлларга солмоқ истайди. Агар  
Бир силтансам ёки шундоқ кўтарсам қўлим  
Ва туширсам - янчар эдим сизни беомон!  
Айтинг, ким бошлади дастлаб бу тўполонни?  
Ким ўт қўйди унга? Яъни сабабчиси ким?  
Агарда у бир қориндан талашиб тушган  
Оғам бўлгандаям сира аямас эдим!  
Бу нимаси ахир, ҳарбий ҳолатда турган  
Шаҳар аҳолиси бунда қўрқув-ваҳимдан  
Ўзни ўнглашга ҳам ҳали улгургани йўқ...  
Шундай пайтда ярим тунда, яна саройда,  
Қоровуллар ўртасида жанжал, можаро!  
Бу - қабоҳат, Яго, буни ким бошлади, айт?

### М о н т а н о

Дўстлик юзасидан ёки хизмат важидан  
Ҳақиқатни оширсанг ё туширсанг зарра,  
Аскар номи сенга ҳаром.

### Я г о

Ғашимга тегма.  
Мен тилимни шартта кесиб ташларман, аммо  
Кассиони хафа қилиб қўймасман асло.  
Ишонаман, ҳақиқатни айтиб берсам, у -  
Ранжимайди. Мана бундоқ бўлди, генерал:  
Сухбатлашиб турар эдик Монтано билан.  
Бир маҳал қарасак, келар бир йигит чошиб,  
"Ёрдам беринг! Ёрдам беринг!" дея қичқириб.  
Орқасидан - Кассио, ҳа, қўлида қилич,



Уни қувиб, таҳдид этар. Шунда Монтано  
Кассиони тўхтатмоқчи бўлиб уринди,  
Мен эсам-чи, қичқирганнинг изига тушдим,  
Шаҳарнинг тинч уйқусини бузмасин, дедим.  
Аммо-лекин бениҳоя чопқир экан у,  
Етолмадим, бир оз юриб, орқага қайтдим.  
Шунда нима эшитдим денг - қилич жаранги.  
Кассионинг сўкиниши... Шу маҳалгача  
Эшитмаган эдим унинг сўкинганини.  
Келиб кўрсам, ўқталишиб қиличларини  
Бир-бирига човут солиб турар икки дўст...  
Етиб келиб, ажратдингиз уларни. Мана -  
Бор гап шу. Бу ёғига ўзингиз шоҳид.  
Мен билганим шулар. Фақат айтар эдимки  
Инсон инсон экан, ҳатто энг яхшиси ҳам  
Жаҳли чиққанида ўзни унутиб қўяр.  
Монтанони хафа қилиб қўйди Кассио.  
Асли шундай бўлар, баъзан ғазаб келганда  
Дўстингни ҳам ранжитасан билиб-билмайин.  
Кейин, менинг назаримда: анави йигит  
Қаттиқ ҳақорат айлаган, шунда Кассио  
Ғазабини босолмаган...

## О т е л л о

Биламан, Яго,  
Дўстлик бурчи, мурувватнинг амрига учиб,  
Сен ҳар қалай Кассиони оқламоқдасан.  
Сенга меҳрим балаң, аммо, эшит Кассио,  
Менга энди офицерлик қилолмагайсан.

Дездемона канислари билан киради.

Қаранг! Уйғотдингиз ҳатто севгилимни ҳам!

*(Кассиога)*

Бошқаларга сабоқ бўлиб, хизмат қиласан.

## Дездемона

Нима бўлди? Не ҳодиса юз берди?

О т е л л о

Тинчлик,

Ҳаммаси жойида, бориб ухлагин, жоним.

(Монтанога)

Тақсир, ўзим сизга жарроҳ бўламан энди.

Қани, уни олиб чиқинг.

Монтанони олиб чиқадилар.

Яго, энди шаҳарга сиз кўз-қулоқ бўлинг,  
Жанжал билан фуқаронинг тинчи бузилди.

Кетдик Дездемона, аскар ҳаётидир бу,  
Машмашаси билан гоҳо бузилар уйқу.

Яго ва Кассиодан бўлак ҳамма кетади.

Я г о

Нима, яраландингизми, лейтенант?

К а с с и о

Ҳа, ўладиганман.

Я г о

Йўғ-ей, Худо асрасин!

К а с с и о

Обрўйим тўкилди, обрўйим! О, мен обрўйимдан жудо бўлдим! Борлигимнинг боқий қисми кетиб, ҳайвоний қисми қолди, холос. Обрўйим, Яго, обрўйим!..

Я г о

Мен - бир оққўнгил одам, сизни яраландингиз деб ўйлабман. Яраланиш обрўни йўқотишдан ёмон. Обрў дегани нима - бекорчи гап, фирт уйдирманинг худди ўзи.

Ҳеч нарсадан ҳеч нарсага келади, ҳеч нарсадан ҳеч нарсага кетади. Сиз обрўйингизни сираям йўқотмадингиз, буни ўзингиз овоза қилмасангиз, бас. Менга қаранг, оғайни генералга яна яқинлашишнинг чораси бор. У сизни кайфият устида ҳайдади, ғазаб юзасидан эмас, сиёсат юзасидан жазолади. Баъзан кучли арслонни қўрқитиш учун беозор итни уришади. Ялиниб-ёлборинг, генерал сизники бўлади-қўяди.

К а с с и о

Шундай ажойиб сардорни мендек ношуд, кўрнамак, шаробхўр, бетайин бир офицер лақиллатсинми! Ундан кўра, мени ҳақорат қилинг, деб ялиниб-ёлбораман... Ўлгудек ичиш!.. Сўнг тўтидек валақлаш... Уч пулик нарсани деб жанжал-тўполон кўтариш, кўпириб мақтаниш, сўкиниш!.. Кейин ўз соянг ила баланддан келиб гапдонлик қилиш!.. О, сен, шаробнинг кўринмас арвоҳи! Номинг бўлмаганда, сени иблис деб атасак, яхшироқ бўларди!

Я г о

Сиз қилич кўтариб, кимни қувладингиз? У сизга нима қилди?

К а с с и о

Эсимда йўқ.

Я г о

Наҳотки?

К а с с и о

Айқаш-уйқаш бир нималарни аранг эслайман, аммо аниқ бир нарса хотирамда йўқ. Жанжал бўлгани ёдимда, аммо сабабини айтолмайман. Ё Худойим! Ақлимизни ўғирласин учун биз душманни оғзимизга оламыз. Ўйин-кулги, хурсандчилик, базм, чапаквозлик билан ўзимизни ҳайвон қиёфасига соламыз!

Я г о

Аммо ҳозир туппа-тузуксиз. Қандай қилиб дарҳол тузала қолдингиз?

К а с с и о

Ичкилик шайтони ўз ўрнини ғазаб шайтонига бўшатиб беради. Бир пасткашлик бошқасини бошлаб келади. Хуллас, мени тупроққа қориштирмагунча тинчимайди.

Я г о

Жудаям мутаассибсиз. Албатта, вақт, жой ва оролдаги вазиятни ҳисобга олганда шу ҳодисанинг юз бермагани маъқул эди. Аммо начора, бўлар иш бўлди. Энди уни ўз фойдангизга қараб тузатиб олишингизга тўғри келади.

К а с с и о

Хўш, мен ундан ўз вазифамни қайтариб беришни сўрадим ҳам дейлик. У, сен шаробхўрсан, деб жавоб қайтаради! Агар етти бошли аждаҳо бўлганда ҳам бу жавоб қаршисида офиз очолмайди. Ажабо, ҳозиргина ақлу ҳуши бутун одам бўлсангу бир зум ўтмай, эс-ҳушингни йўқотиб қўйсанг, сўнг ҳаш-паш дегунча йиртқич бир ҳайвонга айланиб ўтирсанг! Ё тавба! Ҳар бир ортиқча қадах - унинг ичидаги ичимлик - иблис.

Я г о

Келинг энди, шу гапни қўйинг! Меъёрини билиб ичилса, яхши шароб - жонга роҳат. Уни ҳадеб қоралайверманг. Лейтенант, сизни қанчалар яхши кўришимни биласиз.

К а с с и о

Шунга ишонганимдан ичиб, маст бўлиб ўтирибман-ку!

Я г о

Сиз ҳам бошқаларга ўхшаб баъзан ичиб, маст бўлсангиз, нима қипти? Йигитсиз-ку, ахир! Мен энди нима қили-

шингиз кераклигини айтиб бераман. Энди генералимизнинг хотини - генерал. Мен буни шу маънода айтаяпманки, Отелло унинг латофату малоҳатларига термулиб тўймайди. Дездемонага дардингизни айтинг. Ҳоли-жонига қўйманг, ўтиниб сўрайверинг. У ўрнингизни қайтариб олишингизга ёрдам беради. У шу қадар саховатли, шу қадар меҳрибон, шу қадар олийжаноб ва табиатан одамижонки, ўзидан қилинган илтимосни ўрнига қўймас экан, кўнгли тинчимайди, ўзини гуноҳкор санайди. Унинг эри билан ўртангизда узилган алоқани тиклаб беришни сўраб ялиниб-ёлборинг. Мен бор давлатимни гаровга қўйиб айтаманки, ўртангиздаги меҳру оқибат аввалгидан ҳам зиёда бўлади.

К а с с и о

Менга яхши маслаҳат бердингиз.

Я г о

Мен буни сизга бўлган самимий муҳаббату садоқатим юзасидан айтаяпман.

К а с с и о

Мен бунга ишонаман. Эртагаёқ вақтли бориб, олийжаноб Дездемонадан мен учун ўртага тушишини илтимос қиламан. Омадим юришса - хўп, юришмаса, толеимдан кўраман.

Я г о

Барақалла. Хайрли тун, лейтенант. Мен энди қоровулларни кўздан кечиришим зарур.

К а с с и о

Хайрли тун, содиқ Яго.

Чиқади.

Хўш, ким энди мени ёвуз, ифлос деб атар?  
 Жўяли ва ҳалол - берган маслаҳатларим.  
 Отеллони юмшатиш ва йўлга солиш-чун  
 Айтинг, ахир бундан бўлак нечук чора бор?  
 Ва Дездемонани бундай хайрли ишга  
 Тортиш жуда ўнғай, яъни, бўлмагай душвор.  
 Яратганда нақ ўзига ўхшатиб фақат  
 Сахий қилиб бино этмиш уни табиат.  
 Унинг ишқи билан мавр ошуфта-ҳайрон,  
 Хотин уни боғлай олур минг тугун қилиб,  
 Ва истаса, тугунларни ечади бир-бир,  
 Хуллас, уни ҳар мақомга солур бегумон!..  
 Шундоқ экан, Кассиони йўлга бошловчи  
 Шундай тўғри маслаҳатлар берар эканман,  
 Қандай қилиб разил ёки аблаҳ бўлай мен?  
 Ё китобул дўзах! Иблис азозиллар ҳам  
 Қора қилмишларин ошкор этишдан аввал  
 Кўрсатишиб самовий, нур манзараларни  
 Кўзларни чалгитар... Мен ҳам шундай қиламан.  
 Анув аҳмоқ борар энди Дездемонага,  
 Ялиниб-ёлборар, менга ёрдам беринг, деб;  
 Дездемона юзланади қора арабга,  
 Кассионинг гуноҳини энди кечир, деб...  
 Отеллонинг қулоғига қуяман шунда  
 Ҳалокатли шу заҳарни - хотининг магар  
 Бузуқчилик юзасидан шу гапни сўйлар...  
 Хулласки, хотини сўраб-ёлборган сайин  
 Отеллонинг гумонлари ортади тайин.  
 Дездемона номусини лойга қораман.  
 Унинг фазилатларидан тўр тўқиб аъло,  
 Барчасини тушираман унга.

Родриго киради.

Родриго!

## Р о д р и г о

Мен бу ерга ов қилиш учунмас, балки ҳуриш, аккиллаш учун келтирилган итга ўхшайман. Пулларимни сарфлаб бўлдим. Бугун кечқурун дурустгина калтакландим. Хуллас, натижа ёмонмас: калтаклар эвазига тажрибам ошди. Энди бир чақасиз, аммо бир оз ақлим кириб, Венецияга қайтаман шекилли.

## Я г о

Чидами йўқ одамларга мен ачинаман!  
Қайси яра бита қолар бир зумда осон?  
Ақл билан ишляяпмиз, сеҳр биланмас.  
Ақл эса фурсат кутиб, иш кўрар ҳар он.  
Ишимизнинг бориши, хўш, айт-чи, ёмонми?  
Кассиодан калтак единг бир оз, лекин у  
Мансабидан ҳайдалди шу қилмиши учун.  
Қуёш кўрмай ўсадиган оғочлар ҳам бор,  
Аммо эрта пишгай эрта гуллаган дарахт.  
Бир оз чида... Ё Худойим, тонг отиб қолди,  
Иш ва эрмак билан ўтса, сезилмас соат.  
Қани, жўна энди, қўнган ётоғингга қайт,  
Бошқа гаплар ҳам бор, билиб оларсан кейин,  
Бор, жўнаб қол, хайр.

Родриго чиқади.

Энди икки иш қолди.  
Хотинимга айтай, токи маликасидан.  
Кассиони қўлланг, дея этсин илтижо.  
Отеллони мен бир ёққа судраб чиқаман,  
Сўнг бошлаб келаман, шунда албатта кўрар:  
Кассио Дездемонага ёлбориб турар..  
Ҳа, буёғи шундоқ бўлар, режамиз тайёр,  
Фақат уни имилламай бажармоқ даркор.

Чиқади.

## УЧИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Қибрис. Қаср олдида.

Кассио бир неча машшоқлар билан киради.

К а с с и о

Машшоқлар, мен ҳақингизни тўлайман, чалинг,  
"Тонг хайрли бўлсин, генерал!"- деган навони.

Муסיқа. Масхарабоз киради.

М а с х а р а б о з

Машшоқлар, асбобларингиз мабодо Неаполда бўлишма-  
ганми? Улар шу қадар димоғ билан овоз чиқаришади-ки...

Б и р и н ч и м а ш ш о қ

Нима демоқчисиз, афандим?

М а с х а р а б о з

Мени маъзур тутасиз, улар пуфлаб чалинадиган ас-  
бобларми?

Б и р и н ч и м а ш ш о қ

Худди шундай, афандим, пуфлаб чалинадиган.

М а с х а р а б о з

Демак, думлари ҳам бор, десангиз-чи?

Б и р и н ч и м а ш ш о қ

Қанақа думлари, афандим?

М а с х а р а б о з

Маъзур тутасиз, менга маълум бир талай асбоблар-  
нинг думлари бўлгувчи эди... Ҳа, майли, мана, сизга ақча.  
Машқингиз генералга шу қадар манзур бўлдики, у киши



илтифот юзасидан, бошқа шовқин-сурон кўтармасинлар,  
деб илтимос қилдилар.

Б и р и н ч и м а ш ш о қ

Хўп бўлади, афандим, бошқа чалмаймиз.

М а с х а р а б о з

Бордию қулоққа чалинмайдиган музикангиз бўлса, мар-  
ҳамат, чалаверинг. Аммо генералнинг мусиқа эшитишга  
тобу тоқати йўқ.

Б и р и н ч и м а ш ш о қ

Бизда унақа мусиқа йўқ, афандим.

М а с х а р а б о з

Унда карнай-сурнайларни халталарга жойланг-да, ту-  
ёғингизни шиқиллатиб қолинг. Қани, даф бўлинг тезроқ!  
Жўнанг!

Машшоқлар чиқишади.

К а с с и о

Марҳамат қилиб, мени эшит, дўстим.

М а с х а р а б о з

Марҳамат қилолмайман, аммо эшитиш мумкин.

К а с с и о

Ўтинаман, ҳазилингни қўй. Мана, сенга бир танга ол-  
тин. Мабодо генерал хонимга хизмат қилувчи хотин  
ўрнидан туриб қолса, Кассио деган йигит сиз билан бир  
оғиз гаплашмоқчи экан, деб айтиб қўй. Қалай, бу ишни  
эплайсанми?

М а с х а р а б о з

У ўрнидан туряпти, афандим. Агар у бу ёққа келадиган бўлса, мен унга шундай деб хабар қиламан.

## К а с с и о

Шундай қила қол, дўстим.

Масхарабоз чиқади.

Яго киради.

Айни фурсатида етиб келдингиз, Яго.

## Я г о

Сиз бу кеча ухламабсиз шекилли?

## К а с с и о

Асло.

Биз хайрлашганда оппоқ тонг отган эди.  
Журъат этдим, мени маъзур тутгайсиз, Яго,  
Мен бу ёққа чақиртирдим хотинингизни.  
Ўтинаман, олиб берсин менга ижозат  
Дездемона ҳузурига кирмоғим учун.

## Я г о

Мен ҳозироқ юбораман бу ёққа уни  
Ва арабни бирор ёққа бошлаб жўнайман,  
То бемалол, эркин кечсин суҳбатларингиз.

## К а с с и о

Ҳимматингиз учун раҳмат!

Яго чиқади.

Ажойиб одам!

Шундай ҳалол ва меҳрибон кимсани ҳатто  
Мен кўрмадим флорентлар орасида ҳам.

Эмилия киради.

## Э м и л и я

Салом сизга, лейтенант, мен кўп ачинаман  
Шундай бўлиб қолганига, лекин ҳадемай

Бари ўз ўрнига тушар. Бу ҳақда генерал  
Ва унинг хотини тез-тез сўзлашмоқдалар,  
Дездемона сизни қаттиқ қувватламоқда.  
Генерал демоқдаки, кеча сиз яралаган  
Киши - Қибрис киборидир, обрўси баланд.  
Шу сабабга кўра, сизни ишдан четлатиш  
Ақли салим юзасидан муваққат чора.  
Ҳа, генерал ўзи сизни севаман, деди,  
Бу ўринда зарурат йўқ воситачига.  
Қулай фурсат кела қолса, бўлди, вассалом,  
Ўз ўрнига яна қайта қўяман, деди.

#### К а с с и о

Сиздан ўтинаман, агар иложи бўлса  
Ва лозим топсангиз яна, шу ҳақда бир дам  
Дездемона билан ёлғиз гаплашиб олсам...

#### Э м и л и я

О, марҳамат қилинг, қани, ичкари киринг,  
Мен гаплашиб берай, майли, юрагингизни  
Бир бўшатиб олинг, синьор.

#### К а с с и о

Ташаккур, хоним.

#### Иккинчи саҳна

Қасрда бир хона.

Отелло, Яго ва Қибрис аъёнларидан бир неча вакиллар  
киришади.

#### О т е л л о

Яго, ушбу мактубларни капитанга бер,  
Айт, етказсин сенатга у эҳтиромимни.  
Мен қалъани бугун кўздан кечирмоқчиман.  
Ўша ерда учрашамиз.

Я г о

Хўп бўлади, генерал.

О т е л л о

Хўш, жаноблар, кўрамизми истехкомларни?

В а к и л л а р

Амрингизга биз тайёрмиз, бошлангиз, сардор.

Учинчи саҳна

Қаср олдида.

Дездемона, Кассио ва Эмилия киришади.

Д е з д е м о н а

Ҳа, ишонинг, мен сиз учун бутун аъмолим  
Ва кучимни сарф этаман, азиз Кассио.

Э м и л и я

Шундай қилинг, маликам, ҳа, эрим бояқиш  
Шу тўғрида ўйлаб, шундай қайғурадики,  
Гўёки бу савдо унинг бошига тушмиш...

Д е з д е м о н а

О, у ҳалол инсон! Шубҳа қилманг, Кассио,  
Эрим билан орангизни боғлаб қўяман,  
Аввалгидек дўст бўласиз.

К а с с и о

Мунаввар бекам,  
Ҳаётида не бўлмасин, Микель Кассио  
Сизга содиқ навкар бўлиб қолади ҳар дам.

Д е з д е м о н а

Мен биламан. Ташаккур. Сиз менинг эримни  
Чин юракдан севасиз ва биласиз кўпдан.  
Ишонинг, у вақтинчалик сиёсат учун  
Сиздан ўзни узоқ олиб юрар.

## К а с с и о

Маликам,  
Қўрқаманки, бу сиёсат узоқда кетар,  
Ёки топар янги-янги озуқа-таом.  
Ёки шарт-шароит шундоқ шаклланарки,  
Мен бир четда, вазифам банд, генерал унутар  
Менинг сидқу садоқатим, хизматларимни.

## Д е з д е м о н а

Йўқ, ишонинг, Эмилия олдида, мана,  
Сўз бераман - сизникидир ўша вазифа.  
Сўз бердимми - етказаман охирига ҳам.  
Мен эримни тинчитмайман, безор қиламан,  
Тўшак унга - мактаб бўлур, дастурхон - меҳроб,  
Ва бўлмасин яна қай бир юмуш билан банд -  
Мен боғлайман Кассионинг ўтинчи билан.  
Шунинг учун сиз, Кассио, хотиржам бўлинг,  
Мен ўртага тушиб, шуни этолмасам ҳал  
Уят ахир, бундан кўра ўлганим афзал.  
Узоқроқда Отелло билан Яго кўринади.

## Э м и л и я

Бегим келди, маликам.

## К а с с и о

Хўп, мен энди кетай.

## Д е з д е м о н а

Йўқ, шошилманг, тингланг менинг сўзимни.

## К а с с и о

Бекам,  
Ҳозир эмас, бошқа бир гал. Менга ноқулай,  
Ишга тағин касри тегиб қолмасин, дейман.

Д е з д е м о н а

Ундоқ бўлса, бора қолинг, ихтиёрингиз.

Кассио чиқади.

Я г о

Воҳ, менга бу ёқмади...

О т е л л о

Ҳа, нималар дейсан?

Я г о

Йўқ, ҳеч нарса, бегим. Шундай... шунчаки ўзим.

О т е л л о

Хотиним-ла хайрлашган Кассиомиди?

Я г о

Кассио дейсизми? Йўғ-ей, мен ишонмайман,  
Сизни кўриб, ўғри каби қочармиди у?

О т е л л о

Ишонаман, ўша эди.

Д е з д е м о н а

Қалайсиз, бегим!

Ҳозиргина гаплашдим мен газабингизга  
Учраган бир жабрдийда, бечора билан.

О т е л л о

Ким экан у?

Д е з д е м о н а

Кассио у, лейтенантингиз.

Қаршингизда эътиборим бор эса зарра,  
Ўтинаман, сиз у билан дарҳол ярашинг.

Ё у ўзи сезмай, бирдан янглишиб қўйган -  
Аммо сизга садоқати баланд бир кимса;  
Ё мен ҳалол кишиларни таниёлмайман,  
Бегим, қайтиб олинг уни вазифасига.

О т е л л о

Ўша эмасмиди ҳозир бу ердан кетган?

Д е з д е м о н а

Ўша эди, ғоят маъюс, жуда эзилган!  
Менга тўкиб солди алам-ҳасратларини.  
Аҳволига боқиб, мен ҳам ачиндим унга,  
Жоним, қайтиб олинг уни вазифасига.

О т е л л о

Ҳозир эмас, Дездемона, сал туриб.

Д е з д е м о н а

Қачон?

О т е л л о

Шу яқин орада, фақат сен учун, жоним.

Д е з д е м о н а

Бугун кечки овқат маҳал?

О т е л л о

Йўқ-йўқ, бугунмас.

Д е з д е м о н а

Эртага тушлиқда?

О т е л л о

Уйда овқатланмайман,  
Қалъа капитанлари-ла суҳбатимиз бор.

## Дездемона

Майли, унда эрта оқшом бўла қолса-чи;  
Сешанба кун эрталаб ё сешанба пешин  
Ё кечқурун; чоршанба кун нонушта маҳал?  
Ўтинаман, аниқ-тайин бир вақтни айтинг  
Уч кундан ошмасин фақат. Ахир шундоқ ҳам  
У қийналди, тавбасига таянди роса.  
Ҳа, ҳарбий ҳолатда баъзан жазо муқаррар,  
Бу, шубҳасиз, бошқаларга бир сабоқ бўлар.  
Лекин унинг гуноҳини кечириш мумкин.  
Арзимас бир гуноҳ. Айтинг, қачон келсин у?  
Отелло, мен сизга боқиб, ҳайронман, магар  
Сиз бир нима сўраганда "йўқ" деганмидим?  
Ё ўйланиб-иккиланиб турганим борми?  
Бегонамас, ўзимизнинг Кассио, ахир!  
Сиз изимдан шайдо бўлиб юрган кезларда  
Юрар эди ҳамроҳ бўлиб сизга ҳар нафас.  
Шаънингизга дағалроқ бир сўз айтиб қўйсам  
Ёнингизни олиб, шўрлик талашарди, бас.  
Энди унга бир яхшилик қилиш ҳам қийин!  
Мен бўлсам-чи, ҳимматимни аямас эдим.

## Отелло

Ўтинаман, етар. Келсин истаган маҳал,  
Не истасанг, сўра, жоним, йўқ деёлмайман.

## Дездемона

О, марҳамат кўрсатдим, деб ўйламанг тагин,  
Бу-чи, худди алмаштиринг қўлқопингизни,  
Овқатланинг ё иссиқроқ кийиниб олинг -  
Деб ҳар куни ёлғиз сизнинг фойдангиз ўйлаб,  
Ўтинишим ё эслатиб қўйишимдек гап...  
Йўқ, агарда мен жазм этиб бир кун чинакам,  
Муҳаббатингизни синаб кўрмоқчи бўлсам,  
Оғир шартлар қўяр эдим, оғир сўровлар,  
Машаққатга қолар эди унда бировлар...



О т е л л о

Не истасанг, сўра, жоним, йўқ деёлмайман,  
Ўтинаман, энди мени бирпас холи қўй.

Д е з д е м о н а

Мен йўқ деярмидим? Асло. Хўп, хайр, бегим.

О т е л л о

Хайр, Дездемона, тезда етиб бораман.

Д е з д е м о н а

Кетдик, Эмилия.

*(Отеллога қараб)*

Бегим, хаёлларингиз  
Йўлдошингиз бўлиб, сабоқ берсинлар сизга,  
Қайда бўлманг, бўйсунаман фармонингизга.  
Эмилия билан бирга чиқади.

О т е л л о

Ширин офат! Юрагимга ёпишган бало!  
Эвоҳ, мен севаман сени, агар севмасам,  
Бир қиёмат қўпар худди жаҳаннам аро!..

Я г о

Азиз генерал...

О т е л л о

Эшитаман, не дейсан, Яго?

Я г о

Маликамга сиз харидор бўлиб юрганда  
Айтинг-чи, Кассио бундан хабардормиди?

О т е л л о

У хабардор эди бошдан охирга қадар.  
Хўш, нега сўрадинг буни?

Я г о

Шундоқ, ўзимча...  
Қиёсламоқ учун баъзи тахминларимни,  
Бошқа нарса эмас.

О т е л л о

Қандай тахминлар, Яго?

Я г о

У сизгача танишмиди маликам билан?

О т е л л о

Таниш эди. Воситачи эди бизга у.

Я г о

Чинданми?

О т е л л о

Ҳа, чиндан! Чиндан! Хўш, қани, гапир,  
Бу ўртада бирор тахмин - тусмолинг борми?  
Садоқатли Кассиодан борми гумонинг?

Я г о

Садоқатли, дедингизми?

О т е л л о

Ҳа, садоқатли!

Я г о

Мен ҳам бир оз биламан.

О т е л л о

Хўш, не деб ўйлайсан?

Я г о

Ўйлайман-да, бегим.

## О т е л л о

Яна "ўйлайман" эмиш!  
Тавба, нима десам шуни такрор этади;  
Хаёлида бир қабоҳат борга ўхшайди.  
Жирканч бир қабоҳат! Гапир, не демокчисан?  
Хотинимнинг ҳузуридан боя Кассио  
Кетганида, бу ёқмайди, дединг - эшитдим.  
Қани, очигини айт-чи, нима ёқмайди?  
Мен ошиғи шайдо бўлиб юрган кезларда  
Воситачим эди, десам, "чинданми?" дединг,  
Пешонангни тириштириб, қошинг чимирдинг.  
Яширин бир фалокат бор магар миянга,  
Айтгил уни, мени яхши кўрсанг агарда.

## Я г о

Бегим, биласиз-ку, сизни яхши кўраман.

## О т е л л о

Мен биламан, оқибатли, номуслидирсан,  
Ўйламасдан сўйламайсан бирор сўзни ҳам.  
Шунинг учун қўрқинчлидир ишоратларинг.  
Товламачи кимсаларга улар - бир одат;  
Аммо асл инсонларнинг забонида-чи,  
Юракдаги тугун-тугун алам маҳсули,  
Чунки айтса - тили қуяр, айтмаса - дили.

## Я г о

Ишонаман ва қасамёд этмоққа шайман,  
Сизга садоқатли эрур Микель Кассио.

## О т е л л о

Мен ҳам шундоқ деб ўйлайман.

## Я г о

Бир хил бўлур эр кишида суврат ва сийрат,  
Агар бир хил бўлмас эса, унга минг лаънат.

## О т е л л о

Балли, эр кишида бирдир суврат ва сийрат.

Я г о

Шунинг учун Кассио ҳам садоқатлидир.

## О т е л л о

Йўқ-йўқ, Яго, шошма, ҳали бу ерда гап бор,  
Ўтинаман сендан, неки дилингда бўлса,  
Бор ҳолича ҳаммасини тилингда келтир;  
Ёмон бўлса, уни ёмон сўзлар билан айт.

Я г о

Бегим, мени маъзур тутинг. Хизмат туфайли  
Гарчи сизга бўйсунаман, фармонпазирман,  
Аммо бир қулчалик эрку ихтиёрим бор -  
Юрагимни очайми? Хўш, юракда борим  
Бошдан-оёқ разолат ё ёлғон бўлса-чи?  
Саройларга кирмасми ҳеч иллат, маразлар?  
Тоза нафас кўкракларда эзгуликлар-ла  
Туташ бўлиб яшамасми кинлар, ғаразлар?  
Ҳақсизликлар йўқми қонун маҳкамасида?

## О т е л л о

Дўстни агар фалокатдан этмасанг огоҳ,  
Ўзинг уни фалокатга бошлайсан, Яго.

Я г о

Ўтинаман, ўз ҳолимга қўйингиз мени;  
Бир ёвузлик бўлур гоҳо тахминларимда,  
Бир ўлат бор каби гўё табиатимда -  
Ҳамма жойда излаганим нуқул хиёнат,  
Хиёнатни кўргандайман ҳар бир қадамда.  
Ва лекин сиз бу гапларга этманг эътибор,  
Улоқтиринг, ўзингизни ташвишга солманг.  
На сизнинг тинч турмуш, роҳат-фароғатингиз,

На менинг номусим, бурчим, ақлу идроким  
Йўл бермайди - ўйларимни этсам ошкор...

О т е л л о

Бу билан не демоқчисан?

Я г о

Азиз сардорим,  
Эркак учун, аёл учун номус, яхши ном -  
Аввал-охир бебаҳо бир гавҳардир тамом!  
Ҳамёнимни ўғирлатсам, ҳеч нарса эмас,  
Кеча меники эди, энди бутун - уники,  
Яна минглаб қўлдан-қўлга ўтади балки.  
Номусимни ўғирлатсам - бу беҳад ёмон,  
Номусимни ўғирлаган бадавлат бўлмас,  
Аммо мени бир умрга этади бадном.

О т е л л о

Худо шоҳид, мен фикрингни тушунгандайман.

Я г о

Қандай қилиб тушунасиш, ҳатто юрагим  
Кафтингизда бўлгандаям, бу сизга - мушкул.  
Мен бекитиб турибман-ку, меникидир ул.

О т е л л о

Ҳа!

Я г о

О, эҳтиёт бўлинг аммо рашк балосидан!  
Яшил кўзли маҳлуқдир у, ўз қурбонини  
Ҳам ейди, ҳам масхаралаб қаҳ-қаҳ кулади.  
Шундай даюс эрлар борки, турмуши - роҳат,  
Хотинининг қилмишини яхши билади,  
Лекин ўша бевафони севмайди ортиқ,  
Бор-е, дейди, ўз йўлига юраверади...

Бироқ хотинини еру кўкка ишонмай,  
Ҳам севса, ҳам шубҳа-гумон билан яшаса,  
Бундайларнинг ҳоли хароб...

О т е л л о

О, қандай азоб!

Я г о

Қаноатли қашшоқ асли чин бадавлатдир,  
Эртами-кеч қашшоқлашиб қолишдан кўрқиб,  
Қалтираб яшаган бойлар - юпун, бенаво,  
Тангрим, авлодимни асра рашк балосидан!

О т е л л о

Нега бундай демоқдасан? Сен ўйлайсанки,  
Умрим рашқда ўтар аста тўлишган ойдек -  
Ҳар куни бир янги шубҳа-гумон билан? Йўқ!  
Шубҳа туғилдими - ишни тамом қиламан.  
Лекин қалбимдаги асл муҳаббатимни  
Алиштирсам сенинг пучак тахминларингга,  
Майли, мени така билан алмаштиравер!  
Аммо менинг хотинимни: гўзал бир пари,  
Ўйин-кулги, базмларни яхши кўради,  
Шўх куйлайди ва чиройли рақс қилади -  
Дейишаркан, булар менинг рашкимни ёқмас.  
Ўзи тоза бўлгач, демак қилиғи ҳам пок.  
Яна, менда мақтагудек ҳусну жамол йўқ.  
Ва балки бу хотинимни мендан совутар,  
Деган андиша ҳам мени кўрқита олмас.  
Ахир танлар экан мени, кўриб танлаган.  
Йўқ-йўқ, Яго, мен аввало кўрмоқ истайман,  
Аввал кўрай, шубҳаларга борурман кейин.  
Шубҳа туғилдими - унга исбот ҳам керак.  
Агар исбот этилса-чи, бошқа йўл қолмас,  
Ишқимни ҳам, рашкимни ҳам отаман бешак!

Я г о

Мен хурсандман, кўрсатаман энди бемалол  
Сизга бўлган меҳрим билан муҳаббатимни,  
Самимиятимни, сидқу садоқатимни,  
Мен ҳозирча гапирмайман исбот ҳақида.  
Фақат ҳазир бўлинг, бегим, хотинингизга,  
Айниқса, у сўзлашаркан Кассио билан.  
Кўзингизни айирманг ҳеч, рашк қила кўрманг,  
Аммо-лекин бепарво ҳам бўлманг мутлақо.  
Истамайман, сиздек сахий, кўнгли мусаффо,  
Олийжаноб зотни алдаб, лақиллатишса...  
Мен биламан мамлакатим хотинларини,  
Венецияда, о, нималар қилишмас улар!  
Эрлари-ку, гофил, фақат бир Худо билар  
Уларнинг ишлари, турфа қилмишларини,  
Уларнинг виждони банддир, мен сизга айтсам,  
Ўша кирдикорларини хаспўшлаш билан.

О т е л л о

Шунақами?..

Я г о

Отасини алдади-ку сизга текканда;  
Юзингизга қарашга ҳам кўрқарди гўё,  
Аслида-чи, севар экан бағоят.

О т е л л о

Тўғри.

Я г о

Шундоқ экан, ўйлаб кўринг бу ёғини ҳам.  
Шундоқ ёш эканда, шундай эпчиллик билан  
Отасининг кўзини у бойлади, қаранг,  
Чол бояқиш билди буни жодугарлик деб...  
Аммо гуноҳ қилиб қўйдим, мени кечиринг,  
Муҳаббатим учун сиздан узр сўрайман.

О т е л л о

Йўқ-йўқ, бир умрга сенга садоқатдаман.

Я г о

Сизни хафа қилиб қўйдим, кўриб турибман.

О т е л л о

Асло.

Я г о

Тўғриси айтсам, мен кўрқаяпман,  
Ўйлайманки, менинг сизга айтганларимни  
Муҳаббатим белгиси деб билгайсиз, холос.  
Кўраяпман, сиз бир қадар ҳаяжондасиз.  
Ўтинаман сиздан, бунда баён этганим  
Оддий бир гумондир, бошқа ҳеч нарса эмас.  
Сиз уларни кўпиртириб, қатъий хулоса -  
Натижага олиб борманг.

О т е л л о

Бундоқ қилмайман.

Я г о

Агар шундай қилсангиз-чи, менинг сўзларим  
Жуда ифлос яқунларга элтади, бегим.  
Бундай ният йўқдир менинг хаёлимда ҳам.  
Биласиз, Кассио - менинг жонажон дўстим.  
Бегим, кўрқаяпман, яна ҳаяжондасиз...

О т е л л о

Йўқ, унчалик эмас, чунки, шубҳа қилмайман,  
Дездемона - тоза, ҳалол, номусли хотин.

Я г о

Омин, айтганингиз келсин! Соғ бўлсин бекам,  
Шундай ишонч билан сиз ҳам саломат бўлинг!



## О т е л л о

Киши кечолмагай лекин табиатидан...

### Я г о

Ҳа, масала шунда. Энди дадил айтаман,  
Ўз юртининг олий насаб, баланд рутбали  
Йигитлари таклифига қиё боқмади.  
Ҳалигидай табиатнинг таманноси бу.  
Замирини ҳидлаб кўриб фақат "пуф!" дейсиз;  
Бузуқчилик ҳиди шундай анқиб туради.  
Мени маъзур тутинг, бегим, Дездемонага  
Бу гапларнинг ҳеч дахли йўқ, аммо қўрқаман:  
Бирданига ҳушёр тортиб, қиёс этса у  
Сизни ўз юртининг барно йигитларига -  
Пушаймонлар қилмасмикан?

## О т е л л о

Хайр, хўп, хайр,  
Яна бирор нарса сезсанг, келиб, менга айт,  
Хотинингга тайинлагил, у ҳам кузатсин.  
Хайр энди, хайр, мени холи қўй, Яго.

### Я г о

Хайр, бегим хайр, сизни холи қўяман.  
Чиқади.

## О т е л л о

О, нега уйландим? Шаксиз шу содиқ йигит  
Талай гапдан хабари бор: кўрган, эшитган;  
Айтганидан кўпдир ҳали айтмаганлари.

### Я г о

*(Қайтиб кириб)*

Бегим, ўтинаман яна жанобингиздан:  
Сиз жудаям чуқурлашиб кетманг ва ишни  
Ўз ҳолига қўйиб беринг, фурсат кўрсатар.

Гарчи Кассиони яна вазифасига  
Олиш ёмон бўлмас, чунки у эпчил йигит;  
Лекин қўя туринг, ўздан узоқроқ тутинг.  
Шунда ўрганасиз бутун кори-борини.  
Ва эътибор қилинг: ўтинч - илтимос билан  
Сизни қандай қистовларга олар маликам;  
Бу ҳам бежиз эмасдир-ов!.. Лекин ҳар қалай,  
Менинг васвасага бир оз мойиллигим бор,  
Сал нарса ҳам туюлади ваҳима бўлиб,  
У покиза хотин, менга ишонинг, бегим.

### О т е л л о

Йўқ, сен ташвиш чекма.

### Я г о

Хайр, саломат бўлинг.

Чиқади.

### О т е л л о

Бу йигитнинг ажаб сидқу садоқати бор,  
Одамларнинг буткул қилмиш-қидирмишлари,  
Турфа феълу атворини яхши билади...  
О, билиб етолсам, тайин исбот этолсам,  
Сор лочиним, мендан безиб қолганлигингни,  
Тушовингни бўшатардим, ҳаттоки ўша  
Менинг юрак торларимга пайванд бўлса ҳам.  
Майли, шамол учган ёққа учавер шу тоб  
Ва қисмат буюрган ўлжа - насибангни топ!..  
Ҳа, мен қоп-қораман, баъзи олифталардек  
Сўзим силлиқ эмас, балки тўпори, дағал.  
Бир оз ўтинқираб қолган ёшим ҳам магар,  
Шу сабабли... Йўқ, бу ҳали ҳаммаси эмас,  
Мен айрилдим ундан, эвоҳ, ҳақоратландим,  
Куйиб, нафратланиш энди менга қолди, бас.  
О, лаънати никоҳ! Гўзал жононларни сен

Қўлимизга қўндирасан, лекин бўйсунмас  
Бизга уларнинг истагу иштағалари.  
Мен севган нарсамни бошқа бировлар билан  
Тақдирга тан бериб, бирга баҳам кўргандан -  
Зиндон балчиғида бақа бўлганим афзал.  
Бу - ўлат, бу - вабо, бу - бир офат-қабоҳат!  
Кўп оғирдир улар менга солган жароҳат,  
Туғилгандан ўлим каби муқаррар экан -  
Пешонанга тақдир ўзи битган маломат.  
Қаранг! Ўзи келаяпти, агар алдаса,  
Ўз-ўзини масхаралаб кулсин осмон.  
Йўқ, мен бунга ишонмайман.

Дездемона билан Эмилия киради.

### Д е з д е м о н а

Азиз Отелло,  
Овқат тайёр, неча аён, аслзодалар  
Тўпланишиб туришибди сизга мунтазир.

### О т е л л о

Мен айбдорман.

### Д е з д е м о н а

Нима бўлди, овозингиз паст?  
Магар касал бўлиб, оғриб қолмадингизми?

### О т е л л о

Ҳа, пешонам бир оз оғриб-санчиб турибди.

### Д е з д е м о н а

Кечалари ухлмаслик оқибати бу.  
Келинг, бошингизни маҳкам танғиб қўяман,  
Бир соатда тарқалади бутун оғриғи.

### О т е л л о

Рўмолчангиз жуда кичик.

Дездемонанинг қўлини итареди, рўмолча ерга тушади.  
Буни қўйинг. Ичкарига юринг мен билан.

Д е з д е м о н а

Афсус, бегим, касал бўлиб қолдингиз бирдан...  
Отелло билан Дездемона чиқади.

Э м и л и я

Қандай яхши, рўмолчаси қўлимга тушди,  
Бу - арабнинг хотинига тўнғич совғаси.  
Ўжар эрим, ўғирла, деб қистарди доим.  
Лекин Дездемона уни қўймасди қўлдан,  
Чунки эри, асрагил, деб илтижо этган.  
Шунинг учун доим асраб-авайларди у,  
Ўпар эди, силаб-сийпаб сўйлар эди роз.  
Мен бир нусха кўчираман, кейин эримга  
Топшираман, не қилади - Худо билади,  
Фақат хурсанд бўлишини биламан, холос.  
Яго киради.

Я г о

Хўш, нега турибсан бунда қаққайиб ёлғиз?

Э м и л и я

Койийверманг, бир нарсам бор, хурсанд бўласиз.

Я г о

Бир нарса? Ҳа, не бўларди - маълум...

Э м и л и я

Хўш, нима?

Я г о

Аҳмоқ хотин.

Э м и л и я

Бошқа айтар сўзингиз йўқми?  
Хўш, анави рўмолчага нима берасиз?

Я г о

Қайси рўмолча у?

Э м и л и я

Қайси рўмолча эмиш...  
Араб хотинига совға қилган эди-ку,  
Ўғирла, деб неча марта тайинлагансиз.

Я г о

Хўш, ўғирладингми?

Э м и л и я

Йўғ-ей, Худо сақласин,  
Паришонлик билан ўзи тушириб қўйди,  
Асқотар, деб ола қолдим мен ҳам. Мана у.

Я г о

Баракалла, момақаймоқ! Қани, менга бер!

Э м и л и я

Аввал айтинг, рўмолчани нима қиласиз?  
Нега қистадингиз, уни ўғирлагин, деб.

Я г о

Сенга нима? Бу ёғига ишинг бўлмасин.

Рўмолчани юлқиб олади.

Э м и л и я

Зарурат бўлмаса, уни қайтариб беринг,  
Рўмолчанинг йўқолганин билса маликам,  
Нақ ақлдан озади-я!

Я г о

Билмадим, деб айт.  
Бу рўмолча менга керак. Қани, бор, жўна!  
Эмилия чиқади.

Кассионинг ётоғига ташлайман буни,  
У топиб олади. Ва шу арзимас нарса  
Рашк ўтида ёнаётган кимсага худди  
Инжил сўзи каби буюк далил бўлади,  
Шунинг ўзи иш беради менга ҳар қалай.  
Мен берган заҳардан араб ўзгариб қолди.  
Бу оғунинг даҳшатли бир хосияти бор,  
Аввалига сезилмайди мазаси - таъми,  
Лекин қонга ўтдими, бас, хуруж қилади,  
Олтингугурт каби гурра олов олади.  
Ана, ўзи келяпти.

Отелло киради.

На бир кўкнори,  
На нашғайи тарёк ва на шу дунёдаги  
Бор дорию дармон бари йиғилганда ҳам  
Қайтариб беролмас энди ширин уйқунгни,  
Ўша уйқу билан кеча ухлар эдинг маст...

О т е л л о

О, хиёнат! Хиёнат!

Я г о

Ҳа, қалайсиз, генерал!  
Шу тўғрида гаплашмайлик энди, бас қилинг.

О т е л л о

Йўқол, дейман, йўқол! Мени азобга қўйдинг.  
Қасамёд қиламан, шубҳа билан яшаздан  
Алданганим эди менга минг карра афзал.

Я г о

Қўйинг энди, генерал.

О т е л л о

Унинг қилмишидан зарра хабардормидим?  
Кўрмагандим, ўйламасдим - парвойи палак.  
Кечалари ухлар эдим тўшақда хурсанд.  
Хотинимни ўпарканман, ўша лабларда  
Из кўрмасдим Кассионинг ўпичларидан.  
Уйни ўғри урганидан беҳабар киши  
Ўша ўғри билан сира бўлмайди иши.

Я г о

Шундай сўзлар айтасизки... Афсус, кўп афсус!

О т е л л о

Бахтли эдим бутун қўшин, бутун қароргоҳ  
Ўйнаш тушиб, унинг билан айш қилар бўлса  
Ва мен ғофил қолиб, хабар топмасам зарра;  
Энди бўлса ҳаммасига айтгум алвидо:  
Алвидо, эй ҳаловатим, тинчим, оромим,  
Алвидо, эй мағрур қўшинларим, олов жангларим,  
Хайр, учқур аргумоғим, шонли улфатим,  
Гумбурлаган барабанлар ва қулоқларни  
Батанг қилиб, ўт пуркаган замбаракларим!  
Ҳилпираган байроқларим ва бошқа барча  
Жанг-жадалда ёвқур яроғ-аслаҳаларим,  
Эй сиз, аждар ҳалқумлар-ла ишқ-муҳаббатта  
Тақлид қилган қуролларим, алвидо энди,  
Хайр, хайр! Отеллонинг хизмати битди!

Я г о

Наҳотки, генерал?

О т е л л о

Хотинимнинг бузуқлигин исбот қил, иблис,  
Ҳа, исбот қил буни аниқ далиллар билан.

Ёки ўлмас руҳимга мен қасам ичаман,  
Ғазабимга агар жавоб бермасанг тугал,  
Бир ит бўлиб туғилганинг бўлади афзал.

Я г о

Вой, шунгача етдингизми?

О т е л л о

Ҳа, исбот қил, токи бирор шубҳа қолмасин,  
Ё бўлмаса, куним битди, ўлдим, деявер.

Я г о

Муҳтарам генерал...

О т е л л о

Уни бадном қилиб мени қийноққа солсанг,  
Тавба қилма, калимангни ўгирмаёқ қўй,  
Ёғдираман даҳшатларнинг устига даҳшат,  
Самовот йиғласин, унга бутун ер юзи  
Қотиб қолсин, лаънатларнинг устига лаънат  
Қалашсин-да, қабр бўлсин сенга!

Я г о

Ё Худо!

Ўзинг асра фалокатдан мени, эй фалак!  
Одаммисиз? Сизда юрак, туйғу борми ҳеч?  
Худо хайрингизни берсин, мени бўшатиңг.  
Эй сен, аянч нодон! Қара, ким бўлдинг энди?  
Садоқатли бўламан деб балога қолдинг.  
О, кўриб қўй, сен ҳам кўргил, эй ёвуз дунё!  
Тўғри, ҳалол бўлиш бугун қандай хатарли...  
Сабоқ учун ташаккурлар айтаман сизга,  
Дўст демасман энди, дўстлик шунақа бўлса.

О т е л л о

Йўқ, сен тўхта, садоқатли бўлсайдинг кошки.



Я г о

Ақллироқ бўлсам, яна бўларди яхши.  
Ҳалол деган аҳмоқ бўлар, ҳамма билади,  
Ҳалоллиги билан ўзни адо қилади.

О т е л л о

Шу дунёга онт ичаман, хотиним менга  
Кўринар гоҳ номусли, гоҳ беномус бўлиб.  
Сен ҳам баъзан ҳақгўйдирсан, баъзида олчоқ.  
Менга далил керак. Менга ўшанинг номи  
Диананинг чеҳрасидек мусаффо эди,  
Менинг башарамдек хунук, бедаво энди.  
Ахир, шу дунёда бор-ку арқон ва ханжар,  
Заҳар ва ўт, сиртмоқ ва дор, юҳо дарёлар...  
Йўқ, чидаёлмайман. Аниқ билишим керак!

Я г о

Кўраманки, жазавангиз қўзипти жуда,  
Шу аҳволга солганимдан кўп пушаймонман.  
Демак, далил сўрайсиз?

О т е л л о

Йўқ, талаб қиламан.

Я г о

Сиз оласиз уни. Лекин қанақа далил?  
Қўлга туширмақчимисиз уларни магар  
Айни иш устида?

О т е л л о

Унга ўлим ва лаънат!

Я г о

Йўқ, менимча бу мушкул иш, бу мумкин эмас.  
Ким уларнинг қучоқлашиб ётишганини  
Кўзи билан кўрар бўлса - унга ҳам лаънат.

Хўш, бўлмаса, нима қилдик? Қандай чора бор?  
Не деб айтай? Далилларни қайдан ахтарай?  
Иш устида кўришингиз уларни - маҳол.  
Улар андишасиз така-эчкилар эмас,  
Маймунлар ҳам эмас, мудом қонлари қайноқ,  
Бир-бирига илиқишган бўрилар ҳаммас.  
Ё бўлмаса, ичавериб, ўласидек маст  
Аҳмоқлар ҳам эмасдирки - кўра қолсангиз.  
Лекин шундай ҳолатлар бор, тафсилотлар бор,  
Сиз уларнинг орқасидан тушсангиз агар,  
Ҳақиқатнинг эшигига бориб қоласиз,  
Далил сўраяпсиз, бегим, далил оласиз.

### О т е л л о

Аниқ далил келтир унинг хиёнатига.

### Я г о

Рости, менга бу иш унча ёқмайди, лекин  
Қадам қўйиб ҳалоллик ва дўстлик важҳидан,  
Шу йўлга кирдимми, демак, давом этаман,  
Мен бир кеча ухлагандим Кассио билан,  
Тишим оғриб чиқди, сира мижжа қоқмадим.  
Бир тоифа одамлар бор, жуда бепарво,  
Тушларида вайсашади қилмишларини,  
Кассио ҳам шундайлардан биттаси экан.  
"Жоним Дездемона!- деди бир пайт гўлдираб,  
Эҳтиёт бўл, севгимизни биров билмасин!"  
Кейин қўлларимни тутиб, сиқа бошлади,  
"Севгилим!" деб йиғлаб-йиғлаб ўпа бошлади.  
Лабларимни шундай сўриб ўпардики ул,  
Суғургандай бўлар эди жонимни буткул.  
Бир пайт қуймучимга аста оёқ ташлади,  
Тавба дейман, дам ўпади, дам хўрсинади,  
Гоҳо йиғлаб қичқиради, айтгани фақат:  
"Сени арабга берган у тақдирга лаънат!"

О т е л л о

О, даҳшат бу! Даҳшат!

Я г о

Бу бир туш-да, ахир, тушга нималар кирмас.

О т е л л о

Туш бўлса ҳам бир гаплардан хабар беради,  
Шубҳаларни яна бир бор кучайтиради.

Я г о

Йўл очади бошқа нозик тахминларга ҳам,  
Далиллар ҳам балки яна топилади.

О т е л л о

Ҳаҳ!..

Хотинимни мен бурдалаб ташлайман...

Я г о

Йўқ-йўқ,  
Ўзни босинг, бегим, ҳали тўла маълуммас,  
Бекам балки номуслидир, лекин айтинг-чи,  
Қулупнай каштали гулик рўмолчани сиз  
Хотинингиз қўлида ҳеч кўрганмидингиз?

О т е л л о

Мен берганман, хотинимга илк совғам эди.

Я г о

Хабарим йўқ, бугун шундай рўмолчани мен  
Кассиода кўриб қолдим, мўйлабин артди.  
Ишонаман, хотинингиз рўмолчаси у.

О т е л л о

Ўшамикин?

Я г о

Ўшамикин, бошқа - лекин маликаники,  
Мана, сизга керак бўлса, яна бир далил.

О т е л л о

У ифлоснинг жони бирмас мингта бўлса ҳам,  
Менинг қаҳрим, қасосимга етишмайди - кам!  
Ҳа, ишондим энди, бари чин экан, Яго:  
Мен кўкларга совураман ишқимни буткул,  
Токи кул бўлсину тамом тўзиб кетсин ул!  
Қўзғал, бўм-бўш жаҳаннамдан, қора интиқом!  
Муҳаббат! Сен топширавер тожу тахтингни  
Ғазаб билан нафратларга! Нотавон кўксим,  
Аламларга тўлиб энди кўрсат келбатинг!

Я г о

Ҳой, ўзингизни босинг.

О т е л л о

Қон, қон, қон!..

Я г о

Сабр қилинг, ахир, балки фикрингиз, бегим,  
Ўзгариб қолади ҳали.

О т е л л о

Яго, ҳеч қачон!  
Қора денгиз қўйнидаги совуқ тўлқинлар  
Ҳеч тескари қайтмас собит бир оқим бўлиб,  
Пропонт ва Ҳеллеспонтга қараб оққандай,  
Менинг қонли ниятларим шиддатга тўлиб,  
Олга томон оқар, энди ортига қайтмас.  
Энди нозу навозишлар этолмагай банд,  
Қалбим таскин топар фақат интиқом билан!  
Тиз чўқади.

Эй зангори фалак, сенга қасам ичаман!  
Пок тутаман қасамимни, берган сўзимни  
Ва мен бажараман уни!

Я г о

Қўзғалмай туринг.

У ҳам тиз чўкади.

Сиз гувоҳим бўлинг, мангу ёниқ машғаллар!  
Муаллақ кўк, сен ҳам менга гувоҳ бўлгайсан!  
Ки мен - Яго, ақлим, қўлим, қалбимни бутун  
Бағишладим таҳқирланган Отелло учун,  
У буюрсин, мен ҳозирман амрига ҳар дам,  
Майли, ҳатто қон тўкишга тўғри келса ҳам.

Иккаласи оёққа туради.

О т е л л о

Қасамингни бажону дил қабул қиламан,  
Қуруқ раҳмат билан эмас, саховат билан.  
Шошилинч бир хизматим бор, уни бажо эт.  
Менга уч кун ичидаёқ хабар қилгайсан,  
Кассио шу ер юзидан гумдон бўлди, деб.

Я г о

Дўстим ўлди, гумдон бўлди - амрингиз вожиб,  
Дездемона қолсин, уни ўлдирманг фақат.

О т е л л о

О, у танноз фоҳишага яна минг лаънат!  
Қани, бу ёққа юр. Ўша гўзал малъунни  
Тезроқ ўлдириш чорасин ўйлашим керак.  
Яго, менинг лейтенантим ўзингсан энди.

Яго

Бир умрга қулингизман, бегим.

Чиқадилар.

## Туртинчи саҳна

Қаср олдида.

Дездемона, Эмилия ва Масхарабоз киради.

Дездемона

Ҳой, менга айт-чи, лейтенант Кассио қаерда ётиб туради?

Масхарабоз

Буни айтишга тилим бормайди.

Дездемона

Нега энди?

Масхарабоз

У ҳарбий киши. Унинг қайда ётишини айтиб бериш сотқинлик қилишга баробар.

Дездемона

Вой, гапингни қара-ю! Мен у қайда туради, деб сўра-япман, холос.

Масхарабоз

Унинг қайда туришини айтиш менинг қайда ётишимни айтишнинг худди ўзи бўлади-қўяди, яъни турган-битгани кип-қизил алдоқчилик.

Дездемона

Бу сўзларингдан бирор маъно чиқармикин?

Масхарабоз

Унинг қайда туришини билмайман-ку, бордию у ёқда туради ёки бу ёқда туради, деб ўзимча тўқиб-бичадиган бўлсам, бошимдан ажраб қолишим муқаррар.

## Д е з д е м о н а

Бир гап айтсам, суриштириб топиб, унга етказа ола-  
санми?

## М а с х а р а б о з

Мен уни жумла дунёдан сўраб суриштираман ва ин-  
чунин саволлар бериб, жавоблар оламан.

## Д е з д е м о н а

Уни топиб айт, менинг ҳузуримга келсин. Хабардор қил:  
мен эримни унинг томонига ағдардим ва умид қиламанки,  
ҳамма ишлари юришиб кетади.

## М а с х а р а б о з

Булар бари инсон ақлу идроки доирасидаги гаплар, бас,  
шунинг учун мен уларни бажаришга ҳаракат қиламан.

*(Чиқади.)*

## Д е з д е м о н а

Ажаб, рўмолчани қайда йўқотдим экан, Эмилия?

## Э м и л и я

Хабарим йўқ сира, маликам.

## Д е з д е м о н а

Оҳ, кошкийди, мен жон дея рози бўлардим -  
Олтин тўла ҳамёнимни йўқотиб қўйсам.

Эрим менга ишонади, баъзилар каби  
Беҳудага рашк қилмайди, лекин ҳар қалай  
Бир оз шубҳа-гумонларга бориши мумкин.

## Э м и л и я

У рашк қилмайдими?

## Дездемона

Асло! Менинг фикримча,  
У туғилган юрт қуёши куйдирган тамом  
Ундаги бу сифатни.

Эмилия

Вой! Келяпти у.

## Дездемона

Кассиони қайта ишга олмагунча то -  
Уни тинчитмайман.

Отелло киради.

Бегим, аҳволлар қалай?

Отелло

Тузукман.

*(Четта)*

О, риёкорлик қилишим қийин,  
Хўш, ўзинг-чи, Дездемона?

## Дездемона

Шукр, яхшиман.

Отелло

Қўлингни бер, жоним. Қўлинг жуда намиққан.

## Дездемона

Чунки ҳали ёшдир, яна ташвишдан йироқ.

Отелло

Бу-чи, серлушт, саховатли юракка далил,  
Ўта иссиқ ва намиққан: бу қўл туфайли  
Ҳар қандайин озодликнинг ранги ўчади,  
Ҳеч бўлади сўнгра бутун тоат-ибодат,  
Тақводорлар тақвосидан буткул кечади.



Ёш, терлаган шайтон бунда ин қуриб олган  
Ки ҳар лаҳза хуруж қилар, исён этар ул,  
Ғоят очик қўл бу, ғоят саховатли қўл.

Д е з д е м о н а

Бу гапларни айтишга сиз ҳақлисиз, бегим,  
Чунки бу қўл тортиқ этган сизга қалбимни.

О т е л л о

Аввалари қўлга қўшиб бериларди қалб,  
Энди бўлса қўл берилар, юрак берилмас.

Д е з д е м о н а

Мен бир нима деёлмайман. Дарвоқе энди  
Ваъдангизга ўта қолсак, яхши бўларди.

О т е л л о

Қандай ваъда эди у, жоним?

Д е з д е м о н а

Боягина Кассиога киши юбордим,  
Келиб, сизга учрашсин деб.

О т е л л о

Шамоллаб қолдим,  
Тумов безор қилди, менга рўмолчангни бер.

Д е з д е м о н а

Мана, бегим.

О т е л л о

Бергил ўзим совға қилганни.

Д е з д е м о н а

Ёнимда йўқ.

О т е л л о

Йўқ, дедингми?

## Дездемона

Ҳа, чинданам йўқ.

### Отелло

О, бу сира яхши эмас, у рўмолчани  
Мисрлик бир аёл менинг онамга берган.  
Чамаси у лўли, яъни жодугар бўлган.  
Ўқир экан юзларгаю кўзларга боқиб,  
Одамларнинг асрорини, дилда борини...  
Хуллас, ўша рўмолчани онамга бермиш...  
Берар экан, эҳтиёт қил, авайла, демиш.  
Рўмолчани эҳтиётлаб сақлай олсанг гар,  
Эринг сени севар, сенга итоат айлар.  
Лекин уни йўқотсанг ё бировга берсанг,  
Бошдан-оёқ нафратларга қолдим деявер,  
Бошқасини севар, сендан жирканади эр...  
Онам вафот этиб, менга қолдириб кетган:  
Тақдир насиб этиб, агар уйланар бўлсанг,  
Хотинингга берарсан, деб васият этган.  
Онам васиятини мен бажо айладим,  
Сен ҳам кўзинг қорасидек уни асрагил,  
Гар йўқотиб қўйсанг ёки бировга берсанг.  
Жуда мудҳиш бир фалокат юз беради, бил,  
Тўю никоҳ деганларинг бўлади бир пул!

## Дездемона

Чинданми?

### Отелло

Ҳа, чиндан, балки муқаррар гап бу.  
Чунки унинг арқоғига ўрилган жоду.  
Ўришини икки юз йил қуёшда юрган  
Башоратгўй биби дуо айтиб, тўқиган.  
Ипагини ўрамишлар муқаддас қуртлар,  
Йиллар оша қабр ичра мўмиёланган  
Қиз қалбининг қони билан бўялмишдир у...

Дездемона

Нахотки у шундоқ бўлса?

Отелло

Ҳа, худди шундоқ.  
Шу сабабли эҳтиёт қил, авайла кўпроқ.

Дездемона

Эй Худойим, кошки эди кўрмасам уни!

Отелло

А! Хўш, нечун?

Дездемона

Бегим, мен билан  
Нега бундоқ жаҳл қилиб гаплашмоқдасиз?

Отелло

Йўқолдими? Йўқотдингми? Яширдингми? Айт!

Дездемона

Ё Худойим, ўзинг асра!

Отелло

Нималар дейсан?

Дездемона

Йўқолганмас. Хўш, йўқолса, нима қилипти?

Отелло

Нима дединг?

Дездемона

Йўқолганмас, дедим-ку.

Отелло

Келтир,  
Кўрсат уни, кўзим билан кўрай.

## Дездемона

Хўп, майли,  
Кўрсатаман уни, бегим, лекин ҳозирмас,  
Сиз шу баҳонада мени чалғитмоқчисиз.  
Ўтинаман, Кассиони қайтариб олинг.

О т е л л о

Рўмолчани келтир: қора, мубҳам хаёллар  
Юрагимда қўзғалмоқда...

## Дездемона

Бўлди, бас энди,  
Ахир, тополмайсиз ундан муносибини.

О т е л л о

Рўмолча!

## Дездемона

Ўтинаман, Кассиодан сўзлашайлик, хўп?

О т е л л о

Рўмолча!

## Дездемона

Бутун ҳаётини, ахир, сизга боғлади,  
Сизга садоқатни қисмат тожи деб билди,  
Хавфу хатарларда сизга шерик бўлди у...

О т е л л о

Рўмолча!

## Дездемона

Инсоф билан айтганда-чи, айбингиз ҳам бор.

О т е л л о

Йўқол! Қорангни ўчир!..

Чиқади.

Э м и л и я

Яна рашкчи эмас эмиш!

Д е з д е м о н а

Ҳеч кўрмаганман  
Уни шундай бир ҳолатда. Балки чинданам  
Рўмолчада сеҳр-жоду борга ўхшайди,  
Ўша йўқолди-ю, мана, балого қолдим.

Э м и л и я

Эр деганни билиш учун бир-икки йил оз,  
Улар - меъда, бизлар эса - овқатмиз, холос.  
Оч қолганда есам, дейди, кўзни ёшлайди,  
Тўйгунича ейди, кейин қусиб ташлайди.  
Қаранг, келишмоқда эрим билан Кассио.  
Яго билан Кассио киради.

Я г о

Сизга ёлғиз Дездемона ёрдам беради,  
Ана ўзи... Қани, боринг, сўранг-ўтининг.

Д е з д е м о н а

Хўш, Кассио, келинг, қандай янгиликлар бор?

К а с с и о

Илтимосим ўша-ўша, азиз маликам;  
Ҳимматингиз билан, ўзим юрак-юракдан  
Шунча севиб ардоқлаган муҳтарам зотнинг  
Меҳр-ишончига ноил бўлсайдим яна..  
Истамасдим мен бу ишни кечиктиришни,  
Қилган гуноҳимни агар юва олмаса -  
На кечаги хизматим, на ҳозирги куним,  
Чекаётган ташвишларим, аччиқ аламим,  
На келажак ниятларим, булар барчаси  
Ишонч-эътиборга мени ноил этмаса,

Буни ҳозирданоқ аниқ билганим афзал.  
Тақдирга тан бераман-да, бошқа бир ёқдан  
Бахтимни излайман.

### Д е з д е м о н а

Эвоҳ, азиз Кассио,  
Бекор кетди шунча қилган ҳимоятларим.  
Эрим гўё эрим эмас, ўзгариб қолди.  
Агар ўзгарсайди шаклу шамойили ҳам  
Уни таниб олишим ҳам қийин бўларди.  
Сизни деб этганим ўтинч-илтимослардек,  
Истайманки, фаришталар ёнимни олсин,  
Унинг юрагига шафқат-мурувват солсин,  
Ғазабига лойиқ бирор иш қилмадим мен.  
Яна бир оз сабр қилинг, кўрасиз ҳали,  
Аямайман, бор кучимни ишга соламан,  
Ўзимга ҳам қилмагани сизга қиламан,  
Ўйлайманки, шу сўзларим берар тасалли.

### Я г о

Нима бўлди? Бегимизнинг жаҳди чиқдими?

### Э м и л и я

Ҳа, шу ерда эди, ҳозир чиқиб кетди у,  
Ғоят тажанг, тушуниксиз кайфият билан.

### Я г о

Унинг жаҳди чиқармиди? Ўзим кўрганман:  
Тўп зарбаси жангчиларни ҳавога отиб,  
Шайтон каби учиб, неча сафларни ёриб,  
Акасига текканда ҳам - киприк қоқмаган.  
Жаҳди чиқибдими, демак, жиддий сабаб бор,  
Мен ҳозироқ ҳузурига боришим даркор.

### Д е з д е м о н а

Ўтинаман, бора қолинг.

Яго чиқади.

Эҳтимолки бу -

Венеция билан боғлиқ давлат ишидир.  
Ё Қибрисда унга қарши бирор фитна бор,  
Шу фитнадан балки бугун бўлган хабардор,  
Шундан унинг юрагига бир алам етган.  
Эркакларнинг табиати ўзи маълум-ку,  
Катталарнинг аламини олар кичикдан.  
Ҳа, ҳа, шундай. Бармоғимиз оғриси агар,  
Биламизки, оғриқ бутун танга ёйилар.  
Йўқ, эрларни Худолар деб ўйламоқ хато,  
Аллақачон ўтиб бўлди кувелиқдан ҳам.  
Шунинг учун менга бир оз илтифоти кам.  
Ростин айтсам, бир оз нўноқ жангчи эканман,  
Дағал муомала қилди, озор берди, деб  
Беҳудадан-беҳудага уни айбладим.

Э м и л и я

Худойимдан сўрайман, шу, айтганингиздай  
Рашк балоси эмас, давлат ташвиши бўлсин.

Д е з д е м о н а

Рашк қилишга бирор боис-баҳона йўқ-ку.

Э м и л и я

Бу гап билан енголмайсиз рашкчи одамни,  
Рашк этар у сабабсиз ҳам, баҳонасиз ҳам.  
Рашк этар у фақат рашкчи бўлгани учун.  
У шундай бир маҳлуқдирки, ўзидан туғиб,  
Ўз-ўзидан кўпаяди.

Д е з д е м о н а

Худо асрасин  
Отеллони бу офатдан.

## Э м и л и я

Омин, маликам.

## Д е з д е м о н а

Мен-чи бориб, излаб кўрай уни, Кассио -  
Сиз шу ерда тура туринг, агар тополсам,  
Кайфияти яхши бўлса, бутун кучимни  
Ишга солиб, адо этай ўтинчингизни.

## К а с с и о

Ташаккур, маликам.

Дездемона билан Эмилия чиқади.

Бианка киради.

## Б и а н к а

Салом, азиз Кассио!

## К а с с и о

Қандай қилиб келиб қолдинг, гўзал Бианка?  
Биласанми, паривашим, зебо санамим,  
Ҳозиргина мен уйингга бормоқчи эдим.

## Б и а н к а

Мен ҳам ҳозир уйингизга бораётгандим,  
Ҳазил гапми: етти кеча ва етти кундуз,  
Бир ҳафта бу - бир юз олтмиш соат деган сўз.  
Биласизми, айрилиқда кечган ҳар соат  
Бир йилга баробар!

## К а с с и о

Мени кечир, гўзалим.  
Иш-ташвишлар чиқавериб, жуда банд бўлдим.  
Ҳижрон эмас, висол бўлар ишимиз энди,  
Ҳиссасини чиқарамиз. Мана, Бианка.



Дездемонанинг рўмолчасини узатади.

Шундан нусха кўчир.

Б и а н к а

Буни қайдан олдингиз?

Бирор янги жонон берган бўлса, ажабмас,  
Шунча маҳал дом-дараксиз бўлиб кетдингиз  
Мана, энди маълум бўлди. Дуруст.

К а с с и о

Қўйсанг-чи!

Аҳмоқона бу шубҳангни шайтонга ошир.  
Сени шундай хаёлларга бошлаган ўша,  
Сен рашк қилаяпсан, балки бирор ойимча  
Эсдаликка буни совға қилгандир деб. Йўқ,  
Онт ичаман, Бианка...

Б и а н к а

Хўш, айтинг бўлмаса,  
Кимникидир бу рўмолча?

К а с с и о

Билмадим, жоним,  
Мен уйимдан топиб олдим, каштаси гўзал,  
То эгаси чиқиб, қайтиб олгунга қадар  
Шундан нусха кўчир. Энди ёлғиз қўй мени.

Б и а н к а

Ёлғиз қўяй? Нега энди?

К а с с и о

Жоним, бу ерда

Мен генерал билан ҳозир кўришмоқчиман.  
Мени аёл киши билан кўрса, яхшимас,  
Ҳалигидай...

Б и а н к а

Нима бўпти? Кассио, айтинг?

К а с с и о

Бу-чи, сени севмай қўйдим, деганим эмас.

Б и а н к а

Аммо-лекин мени севмай қўйганингиз рост.  
Ўтинаман, мени бир оз кузатиб қўйинг,  
Бугун оқшом келасизми эртароқ? Айтинг!

К а с с и о

Бундан нари кузатишим қийин. Шу ерда  
Отеллони кутишимга тўғри келади.  
Биз ҳадемай кўришамиз, хайр ҳозирча.

Б и а н к а

Нима дердим, хўп демасдан иложим қанча...  
Чиқади.

## ТЎРТИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Қибрис. Қаср олдида.

Отелло билан Яго киради.

Я г о

Сиз шундоқ деб ўйлайсизми?

О т е л л о

Шундоқ деб, Яго!

Я г о

Хилват қилиб, ўпишишган бўлса, хўш нима?

О т е л л о

Ўпишишган бошдан-оёқ ҳаромга ботиб.

Я г о

Хуштор билан бир тўшақда яланғоч ётиб,  
Яна соф-мусаффо қолиш мумкин эмасми?

О т е л л о

Қип-яланғоч ётиб, яна мусаффо қолиш?  
Бу - шайтони лаинга ҳам панд беришдек гап.  
Кимки ҳалолликни ўйлаб, ҳаромга ботса,  
Бундайларни шайтон йўлдан оздирган бўлар,  
Кейин улар фалакни ҳам йўлдан оздирар.

Я г о

Гуноҳ қилишмаган бўлса - ҳеч зиёни йўқ.  
Масалан, мен хотинимга рўмолча бердим...

О т е л л о

Хўш, кейин-чи?

Я г о

Шу рўмолча уники бўлди.  
Энди, бегим, ўзининг шу рўмолчасини  
У истаган бир эркакка бериши мумкин.

О т е л л о

Номуси ҳам уникидир, бундан чиқдики,  
Ўшани ҳам беравериш мумкин экан-да?

Я г о

Ҳадеганда кўролмаимиз номус деганни,  
Одатда у кўпроқ бўлар беномусларда.  
Лекин рўмолчага келсак...

О т е л л о

Эй парвардигор,  
Севиардим, агар шуни унута олсам,

Сен гапириб, яна қайта ёдимга солдинг,  
Вабо теккан уй устидан қузғун учгандай,  
Фалокатлар белгисидир, тимсолидир у -  
Унинг қўлидаги ўша менинг рўмолчам.

Я г о

Хўш, қўлида бўлса нима?

О т е л л о

Бу яхши эмас.

Я г о

Тавба, унинг шаънингизни ерга ургувчи  
Бирор ёмон иш қилганин кўрдим, дедимми?  
Ё дедимми магар, бирор эшитганим бор?  
Тўғри, шундай аблаҳлар ҳам учрайди гоҳо  
Хотинларни авраб турфа хушомад билан,  
Ёки хонимларнинг эрку хоҳиши билан,  
Бир ишларни қилиб, кейин уялмай-нетмай,  
Валақлашиб юришади мақтаниб роса.

О т е л л о

У бир нима дедими?

Я г о

Ҳа, у айтди, бегим,  
Лекин битта қасам ичиб, ўз айтганидан  
Қайтиши ҳам мумкин...

О т е л л о

Гапир, у нима деди?

Я г о

Ўша ишни қилганини...

О т е л л о

Хўш, қайси ишни?

Я г о

Ётганини...

О т е л л о

Ётганини... Яъни ёнма-ён?

Я г о

Ёнма-ён ётганми, устига чиқибми - бу ёғи ўзингизга ҳавола.

О т е л л о

У билан ётдими? Унинг устига чиқиб ётдими? Унга бўҳтон қилишганда, биз устига чиқиб ётди деймиз. У билан ётди. Бунисига чидаёлмайман! Рўмолча - исбот, далил - рўмолча! Иқрор қиламан, кейин қилмиши учун осаман. Йўқ-йўқ, аввал осаман, кейин иқрор қиламан. Мен қалтираяпман. Шунча қаҳру ғазаб берган табиат ўзи йўл-йўриқ ҳам кўрсатар... Ҳеч нарса мени шу қадар титратмаган. Туф-ей! Бурунлар, қулоқлар ва лаблар. Мумкинми шу? Далил, исбот керак? Рўмолча! О иблис!..

Ҳушдан кетиб йиқилади.

Я г о

Ҳа, кучингни кўрсатавер, мўътабар оғу!  
Ҳар айтилган сўзга лаққа тушабергувчи  
Соддадиллар тумшуғидан шундай илинар.  
Шу йўл билан аслзода хонимлар ҳатто  
Беҳудадан-беҳудага бадном қилинар.  
Бегим, кўзингизни очинг! Сизга не бўлди!  
Ҳой, генерал Отелло!..

Кассио киради.

Салом, келинг, Кассио.

К а с с и о

Хўш, нима гап?

Я г о

Тутқаноғи тутиб, йиқилди,  
Тунов кун ҳам тутган эди, бу - иккинчиси.

К а с с и о

Чаккасини уқаланг.

Я г о

Йўқ, тегмаган маъқул.  
Касаллик ўз маромида кечмоғи керак,  
Бўлмаса-чи, кўпик чиқиб оғзидан худди,  
Қутуради, ваҳший тентак бўлиб қолади.  
Ана, қимирляяпти у. Сиз бўлса энди  
Ҳов нарига ўтиб туринг, узоққа кетманг.  
У ўзига келсин, уни жўнатай, кейин,  
Гаплашампз, айтадиган бир гапларим бор.

Кассио чиқади.

Нима бўлди сизга, генерал? Аҳволлар нечук?  
Магар пешонангиз бир оз ёрилмадими?

О т е л л о

Мени майна-мазах қилиб, кулаяпсанми?

Я г о

Сизни мазах қилиб? Йўғ-ей, Худо сақласин!  
Эркак бўлиб бўйин эгинг қисматингизга.

О т е л л о

Гўсхўр бўлган эркак махлуқ, ҳайвон бўлади.

Я г о

Шаҳарларда оз эмасдир бундай махлуқлар,  
Орасида назокатли ҳайвонлар ҳам бор.

О т е л л о

У иқрор бўлдимми?

## Я г о

Бегим, сиз эркак бўлинг.  
Ҳар эркакнинг бошидадир ахир бу савдо,  
Соқол-мўйлаби бор не-не эркаклар бари,  
Сизга сафдош бўлиб, тортар аравасини.  
Ва миллион эркак борки, кечаси ётиб,  
Бу менинг пок тўшагим, деб қасам ичади.  
Шукр, сизнинг аҳволингиз унчалик эмас.  
Шундайлар ҳам борки, жуда парвойи палак,  
Бузуқ хотинини ҳар дам ўпиб, силайди,  
Уни гуноҳлардан тамом фориф санайди.  
Бундайларга шайтон кулар, дўзах ўртанар.  
Менга қолса, қилмишини аввал биламан,  
Аввал билай, не истасам, кейин қиламан.

## О т е л л о

О, сен доно одамсан!

## Я г о

Сиз бекиниб туринг,  
Ўзингизни қўлга олинг, бардошли бўлинг.  
Боя сиз аламдан ҳушсиз ётганингизда  
(Бундай бўлиш эр кишига ярашмас лекин)  
Кассио келганди, уни нари жўнатдим.  
Аҳволингиз тушунтирдим, баҳона тўқиб.  
Қайтиб кел, деб буюрдим, у қайтиб келади,  
Эшитасиз, ўртамизда суҳбат бўлади.  
Яшириниб туринг, лекин эътибор қилинг:  
Заҳархандасига, кулгу, киноясига,  
Юзининг ҳар узвидаги ифодасига.  
Айттираман унга эски ҳангомасини.  
Хотинингиз билан қандай, қаерда, қачон,  
Ётганлиги ва ётмоқчи эканлигини -  
Яширмасдан у бирма-бир айтиб беради.  
Диққат билан боқинг имо-ишорасига,

Аммо-лекин зинҳор босиқ, бардошли бўлинг,  
Йўқса, жаҳли чиқавериб, эркаклигидан  
Маҳрум бўлиб қолган дейман сизни, вассалом.

### О т е л л о

Тинглайсанми, Яго! Майли, чидаб бераман,  
Чидамимда мунофиқлик бўлар зиёда.  
Эшитиб қўй, аммо кейин қонга қораман.

### Я г о

Ёмон эмас. Ҳар бир ишнинг вақти бор лекин,  
Қани энди бир чеккага ўтинг, бекининг.

Отелло бир четга ўтади.

Кассиодан Бианкани суриштираман.  
У сўққабош хотин ўзни бозорга солиб,  
Ўзига нон, кийим-кечак сотиб олади.  
Кассиони жинниларча севиб қолган у,  
Бошқаларни лақиллатиб юргувчи мараз  
Баъзан ўзи шундай лаққа тушиб юради.  
Кассио-чи, шу тўғрида гап очдингми, бас,  
Ўзини ҳеч туюлмайдди, кулаверади,  
Ана, ўзи келяпти.

Кассио қайтиб киради.

Унинг кулгуси,  
Шубҳа йўқки, Отеллони қутуртиради.  
Ҳамда унинг жоҳил рашки бу кулгуларда,  
Кассионинг юриш-туриш, хулқ-атворида,  
Ўзи учун жуда машғум маъно кўради.  
Қалайсиз, лейтенант?

### К а с с и о

Қўйинг, кесатаверманг,  
Шунинг ташвишида ахир ўлиб бўлдим-ку.



Я г о

Сиз Дездемонани ҳоли-жонига қўйманг,  
Ишингизни у албатта ўнглаб беради.

*(Ярим овозда)*

Шу иш боғлиқ бўлса борми Бианка билан,  
Ишингиз тез ўнганарди.

К а с с и о

О, шўрлик хотин!

О т е л л о

Уни қаранг, ҳалитданоқ кула бошлади!

К а с с и о

Ҳа, чиндан ҳам у ярамас мени севади.

О т е л л о

Буни қаранг, рад этмайди, тағин кулади.

Я г о

Менга қаранг, ҳой, Кассио...

О т е л л о

Мана энди у  
Ҳамма гапни айтдиради. Яхши, кўп яхши.

Я г о

У Кассио уйланмоқчи менга деб рўй-рост  
Айтиб юрган эмиш. Ростдан уйланасизми?

К а с с и о

Хо-хо-хо!

О т е л л о

Рим уруғи, сен тантана қилаяпсанми?!

К а с с и о

Ўшанга уйланаманми? Олиб сотарга-я! Ҳой, менга бир оз раҳмингиз келсин. Нима, мени жинни деб ўйлаясизми? Хо-хо-хо!

О т е л л о

Ҳа, шунақа, шунақа... Фолиб чиққанлар кулади...

Я г о

Ҳамма жойда дув-дув гап: сиз ўшанга уйланармишсиз...

К а с с и о

Қўйсангиз-чи, ёлфон гапирманг.

Я г о

Ёлфон айтсам, яна бир бор мутгаҳам бўлай.

О т е л л о

Мен ҳисобда йўқман шекилли? Дуруст.

К а с с и о

Бу гапни ўша маймуннинг ўзи тарқатиб юрибди. У менга уйланади, деб умид қилади. Лекин мен ваъда бермаганман.

О т е л л о

Яго, менга имо қияпти. Демак, у энди ҳангомага ўтади.

К а с с и о

У боягина шу ерда эди; ҳамма жойда соядек изимдан изғиб юради. Тунов кун денгиз бўйида бир неча венецияликлар билан гаплашиб турувдим. Аллақаёқдан ўша қўғирчоқ етиб келди. Ўзини мана бундоқ қилиб ташлаб, бўйинимга осилиб олди...

О т е л л о

Балки: "О, жоним Кассио!"- деб қичқиргандир. Унинг ишорати шуни кўрсатиб турибди...

## К а с с и о

Осилиб олди денг: дам ялинади, дам йиғлайди, дам суд-райди, дам турткилайди. Хо-хо-хо!..

## О т е л л о

Ҳойнаҳой, менинг ётоғимга қандай судраганини ҳам айтиб қолса керак. О, мен бурунларингизни кўриб турибман! Фақат ўша бурунларни кесиб, ирғитганимда уларни кемириб ташловчи итларни кўрмаяпман, холос.

## К а с с и о

Мен ундан қутулишим керак.

## Я г о

Қутулиб бўлсиз! Ана, ўзи келяпти.

## К а с с и о

Ҳа, тагин ўша сассиққўзан! Фақат агир-упа сепиб олган...

Бианка киради.

Ҳой, менга қара, нега ҳадеб изимдан эргашиб юрасан?

## Б и а н к а

Изингдан шайтон билан унинг катта бувиси эргашсин! Мана, менга боя берган рўмолчангиз. Мен аҳмоқ бўлиб буни ола қолибман. Нусха кўчир эмиш. Уйларида топиб олганмишлар! Эгаси кимлигиниям билмасмишлар! Бирорта сатангнинг совғаси бўлса керак. Мен энди шундан нусха кўчирармишман!.. Буни олинг-да, ўша байталигизга элтиб беринг. Қайдан олган бўлманг, мен бундан нусха-пусха кўчирмайман.

## К а с с и о

Ҳой, Бианка, сени нима жин урди, жоним? Нима гап ўзи?

О т е л л о

Худо ҳақи, бу менинг рўмолчам бўлса керак.

Б и а н к а

Кечқурун овқатланишга келсангиз - марҳамат, кел-  
масангиз - бошқа бир гал келарсиз...

*(Кетади.)*

Я г о

Орқасидан боринг, ҳа, бора қолинг.

К а с с и о

Ростданам, бормасам бўлмайди шекилли. Кўча-кўйда  
валдираб юрмасин тагин.

Я г о

Кечқурун уникага овқатланишга борасизми?

К а с с и о

Борсам деб турибман.

Я г о

Яхши бўларди, ўша ерда сизни учратиб, суҳбатингиз-  
ни олардим.

К а с с и о

Марҳамат, кела қолинг. Хўш, келасизми?

Я г о

Хотиржам бўлинг, бораман.

Кассио кетади.

О т е л л о

*(Олдинга чиқиб)*

Мен уни қандоқ қилиб ўлдирсам экан-а, Яго?

Я г о

Унинг ўз қилғилиги устидан қандай кулганини пайқадингизми?

О т е л л о

Оҳ!.. Яго!..

Я г о

Рўмолчаниям кўрдингизми?

О т е л л о

Чинданам ўша менинг рўмолчаммиди?

Я г о

Қўлимни шартта кесишга ҳам тайёрманки, сизнинг рўмолчангиз эди. Хотинингизни аҳмоқ санаб, икки пулга ҳам олмаганига эътибор қилдингизми? У бунга ўз рўмолчасини берибди, бу эса уни ўйнашига тақдим этибди.

О т е л л о

Мен Кассиони сурункасига тўққиз йил ўлдиришга ҳам тайёрман. О, гўзал хотин!.. О, париваш хотин!.. О, ҳурилиқо хотин!..

Я г о

Йўқ, сиз буни унутишингиз даркор.

О т е л л о

Йўқ, унинг ўлиб, ириб-чириб кетгани афзал. Ҳа, бу кеча у худди жаҳаннамга равона бўлади. Менинг юрагим тош бўлиб кетди: мушт туширсам, қўлим зирқирайди... О, бу дунёда ундан гўзалроқ вужуд йўқ. У подшо билан ёнма-ён ётиб, унга буйруқ бера оларди.

Я г о

Йўқ, бу сизга тўғри келмайди.

О т е л л о

Мен уни осаман! Ҳа, осаман, аммо фазилатларини ҳам айтаман. Кашта тиккандаги назокатини демайсизми? Соз чалгандаги нафосати-чи. О, у қўшиқ айтиб, ваҳший айиқ-ни ҳам ром эта оларди. Нақадар юксак ва бой ақл соҳибаси эди у!..

Я г о

Ана шу фазилатлари билан ҳам у янада ёмонроқ-да.

О т е л л о

О, минг марта, миллион марта ёмон! Лекин шу билан бирга у шу қадар мунис, шу қадар меҳрибонки...

Я г о

Нимасини айтасиз, жудаям меҳрибон...

О т е л л о

Йўқ, чинданам шундоқ, шунинг учун жудаям таассуф, Яго! Жудаям таассуф!

Я г о

Шунча қилғилиги устига уни яна шу қадар севадиган бўлсангиз, яхшиси, унга ишонч қоғози бериб қўя қолинг: билганини қилиб, айшини суриб юра берсин. Сиз парво қилмасангиз, бас, бошқаларнинг нима иши бор.

О т е л л о

Мен уни бурдалаб ташлайман. Мени гўсхўр қиладими! Мени-я!..

Я г о

О, у чинданам хунук иш қилган.

О т е л л о

Яна менинг офицерим билан-а?

Я г о

Бунисига чидаб бўлмайди.

О т е л л о

Менга бир оз заҳар топиб бер, Яго. Шу кеча! Мен унга панд-насихат қилиб ўтирмайман. Унинг бадани, унинг гўзаллиги хаёлимни яна ўғирлаб қўйиши мумкин. Шу кеча, Яго.

Я г о

Уни заҳарлаб ўтирманг. Яхшиси, уни ўз тўшагида, ўша ўзи булғатган тўшақда бўғиб ўлдилинг.

О т е л л о

Яхши, яхши. Бу адолатли фикр менга ёқади. Жуда яхши.

Я г о

Кассиога келсак, уни мен ўзим гумдон қиламан. Қолган гапни ярим кечада эшитасиз.

О т е л л о

Айни муддао.

Бурғу садоси эшитилади.

Бу нечук бурғу садоси?

Я г о

Венециядан бирор хабар борга ўхшайди;  
Дож вакили Лодовико келмоқда, унга  
Ҳамроҳ бўлиб келаётир хотинингиз ҳам.

Лодовико, Дездемона ва мулозимлар киришади.

Л о д о в и к о

Салом сизга, азиз генерал!

О т е л л о

Хуш, келибсиз, бек.

Л о д о в и к о

Дож ва сенаторлар сизга салом йўллашди.  
Унга пакет беради.

О т е л л о

Ҳимматлари бош устига.  
Хатни очиб ўқийди.

Д е з д е м о н а

Тоғажон, айтинг,  
Қандай янгиликлар билан келдингиз?

Я г о

Синьор,  
Сизни кўрганимдан жуда шодман. Марҳабо!

Л о д о в и к о

Раҳмат сизга. Хўш, лейтенант Кассио қалай?

Я г о

У юрибди, бегим.

Д е з д е м о н а

Тоға, эрим-ла унинг  
Оралари бузилишиб қолган кўп ёмон,  
Сиз тузатиб қўярсиз, деб умид қиламан.

О т е л л о

Сизнинг ишончингиз шунга комилми?

Д е з д е м о н а

Бегим?

О т е л л о

"Сиз бу ишни қила кўрманг, лекин агарда..."



Л о д о в и к о

Сизга эмас. У мактубни ўқиш билан банд,  
Шундай қилиб, оралари бузилишган денг?

Д е з д е м о н а

Ҳа, шунақа бир нохушлик рўй бериб қолди.  
Не қилса ҳам мен уларни яраштираддим,  
Кассиони мен чинданам севаман, ахир.

О т е л л о

Ўлат, жаҳаннам!

Д е з д е м о н а

Отелло?

О т е л л о

Эсинг жойидами ўзи?

Д е з д е м о н а

Нима? Жаҳлингиз чиқдими?

Л о д о в и к о

У мактубни ўқиб, бир оз ранжиди балки:  
Лекин унда Кассиога ишни топшириб,  
Венецияга қайтинг, деган буйруқ бор, холос.

Д е з д е м о н а

Вой, ишонинг бу хабардан жуда хурсандман.

О т е л л о

Шунақами ҳали?

Д е з д е м о н а

Нима, азиз Отелло?

О т е л л о

Мен ҳам шодман: жинни бўлиб қолибсиз тамом.

Дездемона

Нега энди, азиз Отелло?

Отелло

Шайтон!

Уни уради.

Дездемона

Вой, мен нима қилдим? Менинг гуноҳим нима?

Лодовико

Ўзим кўрдим, дея қасам ичганимда ҳам  
Биров ишонмасди бунга Венецияда.  
Йўқ, яхшимас. Узр сўранг, йиғлапти у.

Отелло

О, шайтон! О, лаин! О, сен иблис, касофат!  
Ер хотинлар кўз ёшидан туға билсайди,  
Ҳар қатраси туғиларди бир тимсоҳ бўлиб.  
Йўқол! Қорангни ўчир!..

Дездемона

Жаҳдингиз чиқмасин майли, кетаман, бегим.  
Кета бошлайди.

Лодовико

О, нақадар ювош хотин. Сиздан сўрайман,  
Уни қайтаринг.

Отелло

Маликам!

Дездемона

Ҳа, лаббай, бегим?

О т е л л о

Уни нима қилмоқчисиз?

Л о д о в и к о

Қим? Менми?

О т е л л о

Ҳа, сиз.

Ахир, истадингиз уни қайтаришимни.

У қайтиши, аммо яна кетиши мумкин.

Истасангиз, йиғлаб-йиғлаб яна қайтади.

Бегим, у ювошдир. Майли, сиз йиғлайверинг;

Бунни ўқиб чиқдим. О, сиз устаси фаранг;

Қайтишимга буйруқ бўпти. Кетинг бу ердан;

Сизга киши юбораман ҳали. Буйруққа

Бўйсунаман ва қайтаман Венецияга.

Йўқол, даф бўл!

Дездемона кетади.

Вазифамни мен Кассиога

Топшираман. Бугун оқшом кечки таомга

Бизникига ўтинг, бирга кўрайлик баҳам.

Сиз Қибрисга хуш келибсиз. Така, маймунлар!

Чиқади.

Л о д о в и к о

Тавба, наҳот, бурун сенат яқдиллик билан

Камолотнинг тимсоли деб билган араб шу?

Вазмин эди, унга на бир тасодиф ўқи,

На тақдир найзаси таъсир этмас эди-ку?

Я г о

Ҳа, таассуф, у жудаям ўзгариб қолди.

Л о д о в и к о

Мияси жойида, ақли бутунми ўзи?

Я г о

Бўлгани шу, мен бир нима дейишим қийин.  
Шу туришда у ўзига ўхшамайди ҳеч,  
Истардимки, Тангри унга кушойиш берсин.

Л о д о в и к о

Тавба дейман! Хотинини қандай урди-я!

Я г о

Ҳа, жудаям чакки қилди. Унинг қилмиши  
Ишнинг чаппа кетишидан дарак беради.

Л о д о в и к о

Хўш, бу унинг одатими ёки мактубдан  
Бир оз жаҳли чиқиб, шундай қилиқлар қилди?

Я г о

Ҳайҳот! Ҳайҳот! Мен кўрган ва билганларимни  
Айтиб беролмасман, чунки садоқатим бор.  
Сиз яхшиси зеҳн қўйиб, кузатинг уни,  
Шунда ҳамма нарса ўзи бўлур ошкор.

Л о д о в и к о

Афсус, адашибман, ихлос қўйибман бекор...  
Чиқадилар.

### Иккинчи саҳна

Қасрда бир хона.

Отелло билан Эмилия киради.

О т е л л о

Хулласки, сиз бирор нарса кўрмадингиз?

Э м и л и я

Йўқ,

Ва шубҳали бирор нарса эшитмадим ҳам.

О т е л л о

Хўш, Кассио билан уни кўргансиз балким?

Э м и л и я

Ҳа, кўрганман, аммо улар орасида ҳеч  
Бирор ножўя иш ёки сўз кечган эмас.

О т е л л о

Шивирлашиб сўзлашгандир?

Э м и л и я

Ҳеч қачон, бегим.

О т е л л о

Сизни юборишмаганми бир ёққа?

Э м и л и я

Асло.

О т е л л о

Елпуғич ё қўлқоц, ниқоб олиб келишга?

Э м и л и я

Бунақаси ҳеч бўлмаган, бегим.

О т е л л о

Таажжуб.

Э м и л и я

У покиза хотин, яхши англандиз шуни,  
Юрагимни гаров қўйиб, айтаман буни.  
Гар бошқача ўйласангиз, хато қиласиз,  
Аямасдан улоқтиринг бундай фикрни,  
Шу ўй билан ўзингизни таҳқир этасиз.  
Хотинингиз нопок, дея бирор мутгаҳам  
Сизни ишонтирган бўлса, истайман ҳамон -

Бир илондек жазосини берсин осмон!  
Агарда у номусли ва ҳалол бўлмаса,  
Ер юзида бахтли эрлар топилмайди, рост,  
Ва уларнинг хотинлари бўҳтондек ифлос.

О т е л л о

Бор, бу ёққа чақириб кел.

Эмилия кетади.

Роса вайсади;  
Қуйиб қўйган қўшмачи бу, маккор фоҳиша,  
Ифлос сиру асрорларнинг қулфу калити;  
Керак бўлса, тиз чўқади, қасам ичади,  
Шундай ҳунарлари ҳам бор - кўрганман неча.

Эмилия Дездемона билан қайтиб киради.

Д е з д е м о н а

Лаббай, бегим, не истайсиз?

О т е л л о

Бери кел, жоним.

Д е з д е м о н а

Хўш, не хизмат?

О т е л л о

Кўзларингни бир кўрсам дейман,  
Қани, менинг кўзимга боқ.

Д е з д е м о н а

Вой, бу нимаси?  
Қўрқаяпман.

О т е л л о

*(Эмилияга)*

Бекам, энди сиз чиқиб туринг,  
Эр-хотинни ёлғиз қўйиб, ёпинг эшикни.

Биров келиб қолса, бизни хабардор қилинг  
Томоқ қириб, ойимтилла, қани, тез бўлинг.

Эмилия чиқади.

Д е з д е м о н а

Ялинаман, бу сўзларнинг маъноси нима?  
Мен уларда қаҳру ғазаб туяман фақат,  
Бошқа нарса англамайман.

О т е л л о

Айт-чи, сен кимсан?

Д е з д е м о н а

Сизнинг хотинингиз, бегим; покиза, ҳалол,  
Садоқатли хотинингиз.

О т е л л о

Қани, қасам ич,  
Қасам ичиб, ўз жонингни жаҳаннамга от!  
Уни кўриб, иблислар ҳам қалтираб қолсин  
Ва бошингга яна санги маломат ёғсин,  
Тозаман, деб қасам ич, ҳа!

Д е з д е м о н а

Худойим гувоҳ.

О т е л л о

Худо шоҳид, жаҳаннамдек ҳунаринг риё.

Д е з д е м о н а

Риё қилган бўлсам, айтинг, кимга қилибман?  
Мен ҳам билиб қўяй, ахир: қачон, ким билан?

О т е л л о

Уҳ, сен, Дездемона, йўқол, кўзимдан йўқол!

## Дездемона

Эвоҳ қандай қаро кун бу! Йиғлаясизми?  
Кўз ёшларга наҳотки мен сабабчи, бегим?  
Агарда-чи, сиз отамдан шубҳа қилсангиз,  
Сизни чақирришда уни боис билсангиз,  
Бунда менинг гуноҳим йўқ, у менга ортиқ  
Бегонадир, худди сизга ёт бўлганидек.

## О т е л л о

Оҳ, агарда майл этсаю шу баланд осмон  
Мени оғир синовларга солиб беомон,  
Офат-маломатларини бошимга отса,  
Фақирлигу ҳақирликка ботирса, кўмса,  
Бор умримни басир этиб, ноумид қўйса,  
Мен ҳар қалай шу қалбимнинг бир бурчагидан  
Бир озгина сабру бардош топа оламан,  
Эвоҳ, агарда-чи, жонсиз бир ҳайкал каби  
Таҳқир, мазах, дашномларга нишона бўлсам,  
Чидар эдим бундай оғир кўргиликка ҳам.  
Аммо-лекин юрагимнинг шу хазинаси,  
Хазинаки, у мен учун ҳаёт ва мамот -  
Тириклигим чашмасидир, оқиб кетса у  
Ёки қуриб қолса, уни тарк этганим хўп!  
Майли, сассиқ ҳовуз қилиб сақлай мен уни,  
Қурбақалар кўпайишиб, вақирлаб ётсин!  
Сен ҳам энди шу томонга юзингни ўгир,  
Қара унга, эй лаблари гулдек фариштам,  
Юзинг машъумликда худди қора жаҳаннам!

## Дездемона

Бегим, софлигимга ахир шубҳангиз йўқдир?..

## О т е л л о

Балли, ёзда жуфт-жуфт бўлиб урчиб ётгувчи  
Қушхонанинг пашшасидек софсан, мусаффо.



О, сен, алаф, хушбўйинг бор, тароватинг бор,  
Ақли ҳам, туйғуни ҳам таслим этасан,  
Кошки эди шу дунёга келмаган бўлсанг.

### Д е з д е м о н а

Эвоҳ, нима қилдим, айтинг, гуноҳим нима?

### О т е л л о

Мана бу оқ қоғоз ва шу бежирим дафтар  
"Фоҳиша" деб ёзиш учун чиқарилганми?  
Нима қилдим эмиш! Эҳ, сен авом - шарманда!  
Нима қилдим?! Қилмишингни агар сўйласам,  
Темирчининг қўрасидек ловулар юзим.  
Кўк бурнини жийиради, ой жирканади,  
Дуч келганни қучиб-ўпиб юргувчи шамол  
Эшитмай, деб ўнгирларга ўзни уради.  
Нима қилдим эмиш! Ифлос, уятсиз, бузуқ!

### Д е з д е м о н а

Сиз ноҳақсиз, Худо шоҳид, қасам ичаман.

### О т е л л о

Ҳа, сен бузуқ эмасмисан?

### Д е з д е м о н а

Христианман.  
Эрга садоқатли бўлиш, ор-номусни  
Бошқалардан эҳтиётлаб, мусаффо тутиш,  
Бузуқчилик саналмаса - мен покизаман.

### О т е л л о

Фоҳиша ҳам эмассан?

### Д е з д е м о н а

Йўқ, Худо сақласин!

О т е л л о

О, наҳотки?

Д е з д е м о н а

Ўзинг асра бизни, эй фалак!

О т е л л о

Ундоқ бўлса, маъзур тутинг. Сизни ҳамиша  
Отеллони ҳийла билан қўлга туширган  
Венециялик фоҳиша деб чамалар эдим.  
Сиз авлиё Пётрнинг душманидирсиз,  
Жаҳаннамнинг дарвозабони!..

Эмилия қайтиб киради.

Сиз, сиз, сиз!..

Биз тугатдик ишни. Мана, хизматингиз-чун  
Бу ақчани олинг, энди эшикни очинг,  
Гуллаб қўйманг тагин, бари шу ерда қолсин.

Чиқади.

Э м и л и я

Тавба дейман! Хўжайин не истади ўзи?  
Ҳа, қалайсиз, маликам? Вой, не бўлди, бекам?

Д е з д е м о н а

Мен карахтман.

Э м и л и я

Хўжайинга нима бўлди, азиз маликам?

Д е з д е м о н а

Кимга?

Э м и л и я

Хўжайинимга-да.

## Дездемона

Хўжайининг ким?

Эмилия

Сизнинг хўжайинингиз-да, мунаввар бекам.

## Дездемона

Эмилия, энди менинг хўжайиним йўқ,  
Қўй, сўрама; мен ҳаттоки йиғлай олмайман.  
Сенга жавоб берар унсиз кўз ёшим фақат.  
Ўтинаман, бу кечқурун тўшагимга сен  
Никоҳ тўшагини ёзиб қўйгил, унутма.  
Бор, эрингни чақириб кел.

Эмилия

Ажаб ўзгариш!

Чиқади.

## Дездемона

Бўйла кўргуликни менга буюрмиш қисмат,  
Аммо шунча таҳқир қайси гуноҳим учун?  
Қайси айбим учун шунча дашном - ҳақорат?  
Эмилия билан Яго қайтиб киради.

Яго

Лаббай, бекам, буюринг. Ҳа, сизга не бўлди?

## Дездемона

Айтолмайман. Болаларга таълим берганда  
Йўлга солишарди енгил танбеҳлар билан.  
У ҳам менга шундоқ танбеҳ берса бўларди,  
Инсоф билан айтганда-чи, мен ҳам боламан.

Яго

Хўш, ўзи нима гап, маликам?

Э м и л и я

Фоҳиша деб таҳқирлади хўжайин уни.  
Қаҳру ғазаб билан шундай сўзлар айтдики,  
Эшитганинг ўтакаси ёрилар.

Д е з д е м о н а

Яго,  
Наҳотки мен шундай номга муносиб эсам?

Я г о

Қайси номга, бекам?

Д е з д е м о н а

Ҳозир эшитдингиз-ку...

Э м и л и я

Эри уни бузуқ деди, ҳаттоки гадо  
Шундоқ сўзни хотинига кўрмасди раво.

Я г о

Нега шундоқ қилди экан?

Д е з д е м о н а

Билолмадим мен,  
Фақат биламанки, сира ундоқ эмасман...

Я г о

Касофат кун экан ўзи, қўйинг, йиғламанг!

Э м и л и я

Совчи қўйган не-не асл эрлардан кечиб,  
Отасидан, дўстларидан, юридан кечиб,  
Фоҳиша деб ном кўтарса, йиғламайдими?

Д е з д е м о н а

Ҳа, пешонам шўр экан...

Я г о

Вой, жин урсин уни!  
Нега шундай қилади-я?

Д е з д е м о н а

Худо билади.

Э м и л и я

Майли, мени оссалар ҳам, билганим билган.  
Ишонаман: қай бир аблаҳ, аянч муттаҳам,  
Пасткаш бир қул мансаб ёки мартаба учун  
Шундай бўҳтон-уйдирмани тўқиб чиқарган.  
Агар ёлғон айтсам, мени оса қолсинлар.

Я г о

Э, қўйсанг-чи! Унақаси бу атрофда йўқ...

Д е з д е м о н а

Агар бўлса, майли, Худо хайрини берсин!

Э м и л и я

Худо эмас, сиртмоқ унинг хайрини берсин,  
Суяклари жаҳаннамнинг ўтида ёнсин!  
Фоҳиша деб атади-я! Қани, ким билан,  
Қайда кўрипти у? Қачон? Қайси ҳолатда?  
Ҳа, аён-ку ахир: битта ярамас олчоқ,  
Муттаҳамнинг ифвосига учибди араб.  
Эй осмон! Шундайларнинг ниқобини йирт,  
Ҳалол инсонлар қўлига ўзинг қамчи бер.  
Токи улар малъунларни яланғоч қилиб,  
Дунё бўйлаб уриб-суриб, саваласинлар,  
Тирқиратиб Мағрибдан то Машрикқа қадар!

Я г о

Ҳой, қичқирма!..

## Э м и л и я

Ундайларга тупураман мен.  
Ўшалардан биттаси-ку иғволар қилиб,  
Бошингизни айлантирди, шубҳага солди,  
Мени гап қилдингиз қанча Отелло билан.

## Я г о

Вой, аҳмоғ-ей! Жўна энди бу ердан.

## Д е з д е м о н а

Яго,  
Қандоқ қилсам, эрим менга ишонар яна?  
Дўстим, унинг ҳузурига боринг. Шу осмон  
Равшанлиги - Қуёш ҳаққи қасам ичаман,  
Унинг севгисига зарра доғ туширмадим,  
На ўй-хаёлларим ва на ишларим билан.  
На кўзим, на қулоғим, на ҳисларим билан  
Бошқаларга зигирча ҳам парво қилмадим;  
Уни доим севиб, эъзоз айламадимми?  
Гадо каби бир чеккага итқитиб, отиб,  
Ташлаб кетган бўлса ҳамки, севаман уни!  
Қаҳру ғазаб кўп ишларни қилишга қодир,  
Ҳаётимни совурса-да, унинг ғазаби.  
Муҳаббатим қаршисида ожиздир лекин.  
"Фоҳиша" деб айтиш менга қийин нақадар,  
Жирканаман айтишга ҳам бу сўзни ҳатто.  
Дунё молин оёғимга майли тўксинлар,  
Мен унақа бўлолмайман, бўлмасман асло.

## Я г о

Ўтинаман, сиз тинчланинг, бу нарса унинг  
Табиатидаги ўта инжиқлик, холос.  
Ёки давлат ишларидан жаҳди чиққану  
Аламини сизга тўккан.

## Д е з д е м о н а

Бўлса, кошкийди.

Я г о

Ҳа, ишонинг, мен кафилман.

Бурғу чалинади.

Эшитинг, ана,

Кечки дастурхонга бизни этишар даъват,

Венеция элчилари учун зиёфат.

Сиз боринг, йифламанг, бари ўнглонар яна.

Дездемона ва Эмилия чиқадилар. Родриго киради.

Келинг, қалайсиз, Родриго?

Р о д р и г о

Сен менга инсофсизлик қиялсан.

Я г о

Масалан?

Р о д р и г о

Ҳар куни бир гап билан бошимни қотирасан, Яго. Менга шундай туюладики, умидларимни жиндак бўлса-да рўёбга чиқазиш ўрнига, мени барча қулайликлардан нари суриб, сарсон-саргардон қиласан. Мен ортиқ чидаёлмайман ва шу қадар аҳмоқ бўлиб чеккан ташвишларим аламини ҳам олмай қўймайман.

Я г о

Мени эшитасизми, Родриго?

Р о д р и г о

Эшитавериб, қулоқларим битди. Сўзингиз бошқа-ю, ишингиз бошқа.

Я г о

Мени ноҳақ айблаяпсиз.

## Р о д р и г о

Йўқ, мен ҳақман. Мен бор-будимни совуриб бўлдим. Дездемонага бераман деб мендан олган жавоҳиротнинг ярмига ҳам ойиси ўпмаган қизни қўлга туширса бўларди. Сиз, уларни Дездемона олди, берадиган ваъдасини берди, деб мени умидвор қилдингиз. Аммо ҳалигача ҳеч гапдан дарак йўқ.

## Я г о

Яхши, давом этинг, жуда яхши.

## Р о д р и г о

Давом этинг, жуда яхши эмиш!.. Ҳой, инсон, мен давом этолмайман, кейин бу сираям яхши эмас. Учига чиққан аблаҳлик бу! Ана шу қўлларимга қасам ичиб айтаманки, мени лақиллатишганига энди ақлим етиб турибди.

## Я г о

Жуда яхши.

## Р о д р и г о

Яна такрор айтаманки, бу ҳеч ҳам яхши эмас. Ҳамма гапни Дездемонага айтиб бераман. Жавоҳиротни қайтариб берса, хўп, даъвойимдан кечиб, қилмишимга тавба-тазарру қиламан. Бермаса, шуни билингки, ўзингиздан ундириб оламан.

## Я г о

Хўп, гапингиз тугадими?

## Р о д р и г о

Мен бажаришим қатъий бўлган қароримни айтдим.

## Я г о

Баракалла, сенда ҳам азму ирода борлигини, мана энди кўриб турибман. Шу дақиқадан эътиборан сен тўғрингда



фикрим ўзгарди, энди аввалгича ўйламайман. Қўлингни бер, Родриго. Мени айблашларинг тўғри, ҳаммасида ҳақсан. Аммо шуни ҳам айтиб қўяй: сени деб озмунча жон куйдирганим йўқ.

Р о д р и г о

Кўринмаяпти.

Я г о

Тўғри, кўринмаяпти, кейин шубҳаларингда ҳам жон бор. Бироқ, Родриго, ҳалигидек йигитлигинг чин бўлса, мен унинг чинлигига ишонаман, юрагингда аҳду қарор, азму жасоратинг бор бўлса, бу кеча кўрсатасан уни. Агар эртагаёқ Дездемонанинг қўйнига кирмасанг, майли, шу дунёдан менинг қорамни ўчир, хоин деб жонимни олавер.

Р о д р и г о

Хўш, нима гап ўзи? Бажарса бўладиган ишми?

Я г о

Афандим, Кассиони Отеллонинг ўрнига тайинлаш хусусида Венециядан махсус буйруқ келди.

Р о д р и г о

Ростданми? Унда Отелло билан Дездемона Венецияга қайтишар экан-да...

Я г о

Йўқ! У Марокашга жўнайди, ўзи билан Дездемонани олиб кетади. Бирор тасодиф рўй бермас экан, шундоқ бўлиши муқаррар. Ўша тасодиф рўй берсин учун Кассиони орадан суриб ташлаш керак, бўлак чора йўқ.

Р о д р и г о

Сиз орадан суриш деганда нимани кўзда тутасиз?

Я г о

Шундай қилиш керакки, у Отеллонинг ўрнини эгаллай олмасин. Яъни, миясини ёриб, қатигини оқизиш керак.

Р о д р и г о

Шу ишни менга топширасизми?

Я г о

Ҳа, агар ўз фойдангиз ва ҳақ-ҳуқуқингизни ўйласангиз шуни адо этасиз. Бу кеча у анави ўйнашининг уйида овқатланади. Мен ҳам у билан кўришмоқ учун ўша ерга бораман. У ҳали баланд мартабага кўтарилганидан беҳабар. Агар унинг қайтишини пойлаб турсангиз - мен шундай қиламанки, у чамаси ўн икки билан бир орасида қайтади - сиз уни осонгина қўлга туширасиз. Мен ҳам ўша атрофда бўламан, қараб турмайман, иккимизга бас келолмайди. Энди анграйиб тураверманг, юринг мен билан. Унинг ўлимига шундай далиллар келтирайки, мен уни даф этишим керак, деб ўзингиз беихтиёр ўйлаб қоласиз. Ҳозир кечки овқатнинг айна фурсати. Қош қорайиб қолди. Қани, кетдик.

Р о д р и г о

Мен ўша далилларни эшитишим керак.

Я г о

Айтаман, эшитасиз, ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

Чиқадилар.

## Учинчи саҳна

Қасрда бошқа бир хона.

Отелло, Лодовико, Дездемона, Эмилия ва мулозимлар киришади.

Л о д о в и к о

Ўтинаман, бегим, бошқа овора бўлманг.

О т е л л о

Ҳечқиси йўқ, бир оз сайр қилиб, қайтаман.

Л о д о в и к о

Хайрли тун, бекам. Сизга яна ташаккур.

Д е з д е м о н а

Хайр, хуш келибсиз.

О т е л л о

Сиз ҳам сайр этасизми?

Д е з д е м о н а

Лаббай, бегим?

О т е л л о

Бориб, ўрнингга ёт. Мен тезда қайтаман. Эмилияга рухсат бер. Айтганларимни бажар.

Д е з д е м о н а

Хўп, бўлади, бегим.

Отелло, Лодовико ва мулозимлар чиқишади.

Э м и л и я

Қалай энди? Аввалгидан кўра бирмунча  
Юмшаган шекилли?

## Дездемона

Тезда қайтаман, деди,  
Ўзинг бориб, ухлайвер, деб менга буюрди,  
Тайинлади сенга рухсат беришимни ҳам.

Эмилия

Менга рухсат экан-да!..

## Дездемона

Ҳа, унинг амри шу.  
Эмилия, менга тунги либосимни бер,  
Кейин сенга хайрли тун, майли, кетавер.  
Не бўлса ҳам, биз ғашига тегмайлик энди.

Эмилия

Сиз ўшани кўрмасангиз, яхши бўларди...

## Дездемона

Ундоқ дема, у бари бир менга суюкли,  
Ўжарлик қилса ҳам, қаҳру ғазаб этса ҳам,  
Бу тугмамни ечиб қўй - мен севаман уни.

Эмилия

Айтган чойшабларингизни тўшакка ёздим.

## Дездемона

Ҳа, бари бир. Вой, тавба-ей, қандай жинниман!  
Сендан олдин ўлар бўлсам, ўша чойшабнинг  
Биттасини менга ўзинг кафан қил, хўпми...

Эмилия

Қўйсангиз-чи, иссиқ қилинг нафасингизни.

## Дездемона

Онамнинг бир жорияси бўлар эди, ҳа,  
Оти Барбара, бировга кўнгил берибди,

Севгани жинни деб уни ташлаб кетибди,  
Қўшиғи бор эди битта ўша шўрликнинг,  
"Мажнунтол" деб аталарди, қадим бир қўшиқ.  
Шўрлик шуни куйлаб-куйлаб, жони узилди.  
Ўша қўшиқ хотирамга тушиб бу оқшом,  
Нимагадир хаёлимдан кетмай турибди.  
Шўрлик Барбарага ўхшаб мен ҳам бошимни  
Бир томонга солингириб, ўша қўшиқни  
Куйлагим келади, нуқул... Қани, бўла қол.

Э м и л и я

Маликам, берайми тунги кўйлагингизни?

Д е з д е м о н а

Йўқ, тутмани ечиб қўйсанг бўлди... Айтмоқчи,  
Лодовико кўп келишган йигит эканми?

Э м и л и я

Ҳа, жудаям барно йигит.

Д е з д е м о н а

Сўзгаям чечан.

Э м и л и я

Венецияда бир хоним унинг пастки лабидан бир ўпиш  
учун Фаластингача ялангоёқ, яёв боришга рози эди.

Д е з д е м о н а

Куйлайди.

Дарахт остида шўрлик ўлтирарди соч ёйиб,  
Куйла, яшил мажнунтол;  
Икки қўли кўксида, тиззасига бош қўйиб,  
Куйла, куйла мажнунтол.  
Муздек тиниқ тўлқинлар оқизарди ёшларни,  
Куйла, куйла, мажнунтол;

Аччиқ кўз ёши оқиб, эритарди тошларни...  
Буни қўятур - куйла, куйла, мажнунтол...  
Тезроқ бўлсанг-чи, у ҳозир келиб қолади.  
Шу ям-яшил мажнунтол гулмаржон бўлсин менга,  
Уни ҳеч айбламанглар, севмаса ҳам майлига -  
Йўқ, бу эмас. Ҳов, биров тақиллатаяптими?

Э м и л и я

Йўқ, шамол.

Д е з д е м о н а

Севгимни сохта десам, нима дейди у беор?  
Мен бошқаларга бордим, сен ҳам бошқаларга бор...  
Хўш, бора қол энди, тунинг хайрли бўлсин,  
Кўзим ачишмоқда ҳадеб - йиғлайман шекил.

Э м и л и я

Қўйсангиз-чи.

Д е з д е м о н а

Шунақа деб эшитганим бор.  
О эркаклар, эркаклар! Ҳа, айт, Эмилия,  
Инсоф билан ростини айт, хотинлар ичра  
Эрларини алдаб, шундай таҳқирлагувчи  
Бевафолар борми?

Э м и л и я

Бекам, нега бўлмасин!

Д е з д е м о н а

Гар дунёни берса, шундай қилармидинг сен?

Э м и л и я

Ўзингиз-чи?

Д е з д е м о н а

Йўқ, шу ёруғ юлдузлар шоҳид.

### Э м и л и я

Мен ҳам қилмас эдим юдуз ёруғлигида,  
Аммо кеча қоп-қоронғу бўлса, қилардим...

### Д е з д е м о н а

Гар дунёни берса, шундай қилармидинг, а?

### Э м и л и я

Дунё шундай баҳайбат, йўқ дегайман наҳот,  
Шундай кичик бир гуноҳга - буюк мукофот.

### Д е з д е м о н а

Ростини айтсам, сен қилмасдинг.

### Э м и л и я

Ростини айтсам, мен қилардим. Қилиб бўлгач устини хас-пўшлаб, бекитардим. Албатта, бу ишни битга узукми, бир кийимлик читми, кўйлақлар, юбкалар, шляпалар ёки шунга ўхшаш майда-чуйдалар учун қилмасдим. Аммо дунё учун - қилардим. Эрнинг бошига тож қўндириш учун унинг олдига похол солиш лозим экан - ким қараб туради, дейсиз. Бунинг учун мен аърофга тушишга ҳам рози бўлардим.

### Д е з д е м о н а

Менга лаънат бўлсин, санги маломат ҳар дам,  
Дунё учун шундай ёмон йўлларга юрсам...

### Э м и л и я

Бунинг нимаси ёмон экан; ёмон бўлса, ўз дунёингизда ёмон. Дунёни меҳнатингиз эвазига ўзингизники қилиб олгач, ўша ёмонни дарҳол яхшиликка айлантириш ўз қўлингизда.

### Д е з д е м о н а

Шундай хотин бормикин, йўқ, ишонгим келмас.

## Э м и л и я

Бор, ундайлар беҳисоб. Ва улар дунёни деб ҳар ма-  
қомга йўрғалашга тайёр.

Гар хотинлар зино қилса, эрлари айбдор,

Демак, улар етарлича этмас эътибор.

Демак, бурчларини ёмон адо этишар,

Хазинани бегонага элтиб тўкишар.

Ёки рашк қилишар, ҳадеб зуғум қилишар,

Калтаклашар, беҳудага зулм қилишар.

Бизда ҳам топилар лекин ранж ила озор,

Бизда ҳам гурур бор, демак, ўч бор, алам бор.

Ҳа, эркаклар билиб қўйсин - на ортиқ, на кам,

Сезги бўлар, туйғу бўлар хотинларда ҳам.

Нима бор уларга ошкор, бизга яширин?

Уларга не ширин бўлса, бизга ҳам ширин -

Улар кўрса, бизларнинг ҳам кўзимиз очиқ,

Уларга не аччиқ бўлса - бизга ҳам аччиқ.

Бошқаларга боришади. Хўш, эрмакми бу?

Шундоқ бўлса керак. Балки ишқ деган туйғу?

Бу ҳам бўлса бордир. Балки иродасизлик?

Эҳтимолдан йироқ эмас. Хўш, бизда йўқми

Эркакларда бўлган майл, истак ва орзу?

Бас, эътибор билан бизни кузатсин улар,

Биздан олдин ўзларини тузатсин улар...

## Д е з д е м о н а

Хайрли тун. Фалак, ўзинг бергайсан мадад,

Ёмонликдан яхшилиқни ўрганай фақат!

Чиқадилар.



## БЕШИНЧИ ПАРДА

### Биринчи сахна

Қибрис.

Кўча. Яго билан Родриго киради.

Я г о

Шу устуннинг орқасида яшириниб тур.  
У келади ҳозир. Қўлда кескир қиличнинг -  
Яланғоч, шай бўлсин, аниқ мўлжал қилиб ур,  
Фақат тез бўл, кўрқма, мен ҳам қаватингдаман.  
Бу иш бор қилади ёки йўқ қилар бизни,  
Шунинг учун мардона бўл, тетик бўл, бардам.

Р о д р и г о

Узоқлашма, мен шошилиб қолмайин тагин.

Я г о

Шу ердаман, дадилроқ бўл, ҳа, ўрнингда тур.  
Бир чеккага чиқади.

Р о д р и г о

Рости, унча ҳафсалам йўқ шу ишга, лекин  
У кўндирди мени талай далиллар билан.  
Ана, биров келяпти. Қани, қиличим,  
Шай бўлиб тур... Ҳа, кела қол, ҳозир ўласан..

Я г о

Мен тимдалаб, қонатдим шу янги ярани  
Энди ачишади - ва у жаҳлга минар,  
Кассиони ўддирар ё Кассио уни.  
Шу ўртада иккиси ҳам ўлади ёки -  
Униси ҳам, буниси ҳам менга қўл келар.  
Гар Родриго тирик қолса, талаб қилади

Дездемонага деб берган жавоҳирларни,  
Бу кетмайди... Гар Кассио тирик қолса-чи,  
Нуқул ҳузур-ҳаловатда кечади умри,  
Бу ҳам менга хуш келмайди. Бунинг устига  
Араб очиб берар унга кирдикорларим.  
Бу жудаям хатарлидир. Шунинг учун ҳам  
У ўлмоғи керак. Тўхта, келяпти у...

Кассио киради.

### Р о д р и г о

Юришидан танийман, бу - ўшанинг ўзи,  
Калимангни ўтир, малъун, ажалинг етди!..

Кассиога ташланади.

### К а с с и о

Жуда қаттол душманимнинг ҳамласидир бу.  
Эй, билиб қўй, мустаҳкамдир совутим менинг,  
Совутингни парчалайман лекин...

Қиличини яланғочлаб Родригони яралайди.

### Р о д р и г о

О, ўлдим!..

Яго орқадан писиб келиб, Кассионинг оёғига қилич уриб  
қочади.

### К а с с и о

Вой, оёқдан айрилдим!.. Ҳой, ёрдам беринглар!  
Йиқилади. Чеккароқда Отелло кўринади.

### О т е л л о

Кассионинг овози бу, азамат Яго  
Берган ваъдасига вафо айлади, мана.

Р о д р и г о

О, мен аблаҳ, ярамасман!..

О т е л л о

Балли, сўзинг чин.

К а с с и о

Ҳой, ёрдам беринглар! Чироқ, жарроҳ келтиринг!

О т е л л о

Худди ўзи. Баракалла, баҳодир Яго!  
Дўстнинг аҳволига ёниш бундоқ бўлибди.  
Мен ҳам сабоқ олай энди жасоратингдан.  
Ҳа, ойимча, айрилдингиз хушторингиздан.  
Қисматингни қаршилайвер энди, фоҳиша!  
Бораяпман, юрагимдан юлиб ташлайман  
Унинг кўзларини, сеҳру малоҳатини.  
У ҳирс билан тўшагини булғаган эди,  
Ифлос қони билан уни бўйайман энди!  
Чиқади. Лодовико билан Грациано киради.

К а с с и о

Ҳой, қоровул! Ҳой, ўткинчи! Ёрдам беринглар!

Г р а ц и а н о

Бир фалокат юз бермиш!.. Ҳа, кимдир қичқирар...

К а с с и о

Ёрдам беринг!

Л о д о в и к о

Ана, эшит!

Р о д р и г о

Ярамас, малъун!

Л о д о в и к о

Фарёд-фигон эшитилар икки-уч ёқдан,  
Даҳшатли тун, бу бир ҳийла-тузоқ бўлмасин;  
Соқчилар йўқ, боравериш балки хатарли...

Р о д р и г о

Ким бор? Қоним оқиб, тамом адо бўлдим-ку...

Л о д о в и к о

Ана!..

Яго машғал кўтариб қайтиб киради.

Кимдир келяпти машғал, қурол кўтариб,  
Кўйлакчан бир киши.

Я г о

Эҳ-ей, ким бор бу ерда?  
Қоровул, деб ким қичқирар бунда?

Л о д о в и к о

Билмадик.

Я г о

Эшитмадингизми магар қичқирикни ҳам?

К а с с и о

Хой, бу ёққа! Худо ҳақи, ёрдам берингла!

Я г о

Нима бўлди?

Г р а ц и а н о

Отеллонинг мулозими-ку.

Л о д о в и к о

Худди ўзи. У жудаям довьюрак йигит.

Я г о

Хўш, нима гап? Ёрдам сўраб қичқирган сизми?

К а с с и о

Яго? Мени чавақлашди малъунлар ёмон,  
Менга ёрдам беринг.

Я г о

Эвоҳ, азиз лейтенант!  
Қандай ярамаслар экан, билолдингизми?

К а с с и о

Шу атрофда бўлса керак улардан бири.  
Ётибди у, туролмайти.

Я г о

Вой, лаънатилар!

*(Лодовико билан Грацианога)*

Ҳой, кимсизлар? Қани, келиб, ёрдам беринглар!

Р о д р и г о

О, ёрдам беринглар!

К а с с и о

Мана, улардан бири.

Я г о

Шунақами, О, сен ифлос! Ярамас қотил!  
Родригога ханжар уради.

Р о д р и г о

О, лаънати Яго!.. Ёвуз, қутурган кўппак!

Я г о

Қоронғуда одамларни ўлдиришибди!  
Хўш, қайдадир ҳозир ўша қотил ўғриллар?  
Шаҳар жимжит. Қоровулар! Ҳой, қоровулар!..  
Сизлар кимсиз: дўстмисиз ё душманмисизлар?

Л о д о в и к о

Сиз синчиклаб қаранг, бизни таниб оласиз.

Я г о

Синьор Лодовико?

Л о д о в и к о

Худди ўзи, афандим.

Я г о

Мени маъзур тутинг, чунки кеча қоронғу,  
Лаънатилар Кассиони чавақлашибди.

Г р а ц и а н о

Кассиони?

Я г о

Аҳволингиз нечук, лейтенант?

К а с с и о

Оёғим шарт синган...

Я г о

Йўғ-ей, Худо сақласин!  
Қани, энди чироқ тутинг, менга, жаноблар,  
Ярасини боғлаб қўяй кўйлагим билан.

Бианка киради.

Б и а н к а

Нима жанжал? Ким қичқирди?

306

Я г о

Қичқирган - мана!

Б и а н к а

Оҳ, азиз Кассио! Менинг жоним Кассио!  
Оҳ, Кассио, Кассио!

Я г о

Ҳей, шошма, фоҳиша!  
Кассио, кўп афсус, сизни майиб қилишди,  
Хўш, бирор кимсадан магар шубҳангиз йўқми?

К а с с и о

Йўқ.

Г р а ц и а н о

Сизни шу аҳволда кўриб, таассуфдаман,  
Излаб юрган эдим...

Я г о

Бирор матоҳ беринглар,  
Замбил келтиринглар, тезроқ олиб жўнайлик.

Б и а н к а

Вой, ҳушидан кетиб қолди! Жоним Кассио!

Я г о

Офайнилар, тахминимча мана шу ишга  
Манов мегажиннинг бир оз алоқаси бор.  
Ҳа, озгина сабр қилинг, азиз Кассио.  
Чироқ тутинг, мен бу юзни танийманми - йўқ?  
Эвоҳ, бу жигарим, дўстим, ватандошим-ку,  
Родриго? Ё фалак? Худди ўша - Родриго.

Г р а ц и а н о

Венецияликми?

Я г о

Худди ўшанинг ўзи,  
Сиз билармидингиз уни?

Г р а ц и а н о

Балли, билардим.

Я г о

Маъзур тутинг мени, синьор Грациано,  
Хаёлимни банд этибди қонли можаро -  
Сизни танимабман.

Г р а ц и а н о

Сизни кўриб, хурсандман.

Я г о

Хўш, қалайсиз, Кассио? Ҳой, замбил келтиринг.

Г р а ц и а н о

Родриго денг?

Я г о

Ўзи. Мана, замбил ҳам тайёр,  
Қани энди эҳтиётлаб олиб жўнанглар.  
Генералнинг жарроҳини топиб шу замон,  
Ортингиздан мен ҳам етиб бораман жадал.

*(Бианкага)*

Сиз, ойимқиз, ўзингизни босикроқ тутинг...

*(Кассиога)*

Ўлган йигит менинг яқин оғайним эди,  
Орангизда бирор низо ўтганми эди?

К а с с и о

Йўқ, сираям. Танимасдим мен уни ҳатто.



Я г о

*(Бианкага)*

Хўш, рангингиз нега бундай оқариб кетди?  
Ҳой, бўлинглар, уни тезроқ олиб жўнанглар.

Кассио билан Родригони олиб чиқишади.

Ҳой, тўхтанглар. Хоним, нега рангингиз ўчиқ?  
Кўрасизми кўзларининг жовдирашини?  
Унга қараб, бир гапларни билиб оласиз?  
Оғайнилар, ўтинаман, синчиклаб қаранг,  
Қалай, кўряпсизми? Ҳа, тилсиз жиноят  
Ўзни ошкор этар шундай сўзсиз, изоҳсиз.

Эмилия киради.

Э м и л и я

Не ҳодиса бўлди ўзи? Нима гап, Яго?

Я г о

Родриго ва алакимлар қоронғу тунни  
Қулай қилиб, Кассиога хужум этмишлар,  
Кассио ярадор, лекин ўлмиш Родриго.

Э м и л и я

Эсизгина шундай йигит, эсиз Кассио!

Я г о

Саёқ юрган таёқ ейди, деганлари рост,  
Эмилия, ўтинаман, суриштириб боқ -  
У қаерда овқатланган экан бу оқшом?..

*(Бианкага)*

Хўш, сиз нега титраяпсиз?

Б и а н к а

Титраганим йўқ,  
Меникида овқатланган эди Кассио.

Я г о

Шунақами? Ундоқ бўлса, жавоб берасиз.

Э м и л и я

Тфу сенга, фоҳиша!

Б и а н к а

Мен фоҳиша эмас,  
Худди сиздек покизаман, ҳақорат этманг.

Э м и л и я

Худди мендек? Тфу сенга!

Я г о

Энди, ёронлар,  
Бориб, шўрлик Кассиодан олайлик хабар.

*(Бианкага)*

Сиз биз билан юришингиз керак, оймқиз,  
Балки бирор янги эртақ айтиб берарсиз.  
Эмилия, югур, дарҳол сен қасрга бор,  
Отелло ва хотинини эттил хабардор.

*(Четга)*

Оҳ бу кеча савдосини сўзламоқ мушкул;  
Ё бор этар мени ёки йўқ этар буткул...

Чиқадилар.

## Иккинчи саҳна

Қасрда хобгоҳ. Дездемона тўшақда ухлаб ётибди. Шам ёниб туради.

Отелло киради.

### О т е л л о

Жоним, бунинг сабаби бор, сабаби тайин,  
Сиз эшитмай қўя қолинг, шаффоф юлдузлар.  
Сабаби бор. Мен қонини тўкмайман унинг,  
Қордан ҳам оқ, қабрдаги мрамардан силиқ  
Шу баданга солмагайман яра-жароҳат.  
Аммо-лекин ўлиши шарт. Агар ўлмаса,  
Хиёнатга борар яна бошқалар билан.  
Шамни пуфлай ва ўчирай чироғимни ҳам...  
Эй ҳар ёнга шуъла сочиб, ёнаётган шам!  
Сени ўчирсаму кейин бўлсам пушаймон,  
Яна ёндираман, яна ёқа олурман...  
Аммо сени сўндирсам-чи, равшан чироғим,  
Гўзал табиатга маккор нусха бўлган тан,  
Билолмасман, оташингни ёндирмоқ учун  
Прометей оловини қайдан оламан...  
Гулни узиб гул бандидан, унга янгидан  
Ҳаёт тароватини мен нечук бағишлай?  
У сўлади. Бутоғида бир ҳидлаб олай...

Дездемонани ўпади.

Яна битта ўпай, яна биргина ўпай.  
Жоним, ўлимингга қадар қолавер шундай.  
Ўзим ўлдираман, лекин яна севаман,  
Яна бир бор ўпай, яна, охирги марта.  
Ё Худойим, бўса деган шунчалар ширин,  
Шунча машғум ва ситамкор бўлар экан-да!  
Йиғлаяпман. Кўз ёшларим оқар беомон,  
Самовий бир ишорат бор бу аламларда;  
Ўзи севган бандасини куйдирар осмон...  
Эвоҳ, у уйғониб қолди, кўзини очди.

Дездемона

Ким? Отелло, бу сизмисиз?

Отелло

Ҳа, Дездемона.

Дездемона

Ётмайсизми, бегим?

Отелло

Менга айт, Дездемона,  
Бугун кечки ибодатни қилганми эдинг?

Дездемона

Қилган эдим.

Отелло

Яратганга хуш келмайдиган  
Бирор гуноҳ қилган бўлсанг, ёдинга тушир,  
Шунга маъзур сўраб, узри-илтижо айла.

Дездемона

Мен бу гапни тушунмадим: не демоқчисиз?

Отелло

Тазарру қил тезроқ, бунда кутиб тураман,  
Азми сафар учун ҳозир бўлмаган жонни  
Қандоқ ўлдираман, руҳинг осий кетмасин!

Дездемона

Ўлдираман... дедингизми?

Отелло

Ҳа, ўлдираман.

Дездемона

Эй Худойим, ўзинг асра.

О т е л л о

Илоҳи омин!

Д е з д е м о н а

Шундай дедингизми, демак, ўлдирмайсиз...

О т е л л о

Ҳмм!..

Д е з д е м о н а

Аммо кўрқаяпман сиздан - важоҳатингиз  
Даҳшатлидир кўзларингиз олайган маҳал.  
Нега энди кўрқаяпман - билмайман ўзим,  
Ва билмайман: айбим нима, гуноҳим нима?  
Шундай бўлсаямки: яна кўрқаяпман, ҳа...

О т е л л о

Гуноҳингни эсла.

Д е з д е м о н а

Гуноҳим шу, у ҳам бўлса, сизни севганим.

О т е л л о

Ҳа, ана шу севгинг учун ўласан энди.

Д е з д е м о н а

Табиатда севги учун ўлим келмайди.  
Вой, Худойим, лабингизни тишлайсиз нечун?  
Аллақандай ғазаб сизни ёндирмоқдадир.  
Булар - машғум аломатлар, лекин ҳар тугул  
Мен сабабчи эмасдирман...

О т е л л о

Унингни ўчир!..

Д е з д е м о н а

Хўп, жим бўлдим, аммо айтинг, нима гап ўзи?

## О т е л л о

Ўзим севиб, совға қилган рўмолчани сен  
Кассиога бердинг.

## Д е з д е м о н а

Йўқ, мен қасам ичаман  
Жонимни ва ҳаётимни ўртага қўйиб,  
Йўқса, чақиртиринг уни, ўзи сўзласин.

## О т е л л о

Ҳой, сен, жоним, қасамхўрлик қилаверма кўп,  
Бошқа жойда эмас - ўлим тўшагидасан.

## Д е з д е м о н а

Шу дақиқа ўлмасман-ку, ахир...

## О т е л л о

Йўқ, ҳозир.  
Бас, шунинг-чун гуноҳингга тавба қилавер.  
Гарчи қасам ичдинг, гарчи иқрор бўлмадинг,  
Лекин ният ўзгармайди, қарорим қатъий,  
Гарчи фарёд чекаяпман - аммо ўласан.

## Д е з д е м о н а

Парвардигор, ўзинг менга раҳм айла!

## О т е л л о

Омин!

## Д е з д е м о н а

Сиз ҳам жиндай шафқат қилинг! Ахир мен сира  
Сизни ранжитмадим, зарра таҳқир этмадим,  
Кассиони севганим йўқ, ҳурмат қилардим,  
Бироқ бермаганман унга бирор-бир совға.

О т е л л о

Осмон шоҳид, рўмолчани қўлида кўрдим,  
Ҳой, қасамхўр! Юрагимни тош қотирдинг сен.  
Қурбонлик деб мен юракка туккан шу ишни  
Қотиллик деб тан олмоққа мажбур этасан.  
Рўмолчани кўрдим!

Д е з д е м о н а

Демак, топиб олибди.  
Мен ҳеч қачон бермаганман. Киши юборинг,  
Тўғрисини айтиб берсин.

О т е л л о

У айтиб бўлди.

Д е з д е м о н а

Хўш, у нима деди, бегим?

О т е л л о

Нима ҳам дерди?  
Айтиб берди сенинг билан айш қилганини.

Д е з д е м о н а

Қандай? Файриқонунийми?

О т е л л о

Файриқонуний.

Д е з д е м о н а

Йўқ, у бундай демайди.

О т е л л о

Ҳа, нафаси ўчди;  
Содик Яго бу мушкулни олди бўйнига.

Д е з д е м о н а

Эвоҳ, ўша кўрқувларим рўёбга чиқди!  
Нима, у ўлдимми?

О т е л л о

О, ҳар тола мўйи битта жон бўлганда ҳам,  
Ҳаммасини қондирарди қасосим менинг.

Д е з д е м о н а

Эвоҳ, шўрлик алданибди, мен адо бўлдим!

О т е л л о

Йўқол, фоҳиша!  
Уямасдан унинг учун йиғлаяпсанми?

Д е з д е м о н а

Майли, мени ҳайданг, бегим, аммо ўлдирманг!

О т е л л о

Ўл, фоҳиша!

Д е з д е м о н а

Эртага ўлдилинг, майли, шу кеча яшай.

О т е л л о

Талашмоқчи бўласанми ҳали мен билан!

Д е з д е м о н а

Майли, ярим соат!..

О т е л л о

Энди ортга суриш йўқ.

Д е з д е м о н а

Биттагина дуо ўқий!..

О т е л л о

Энди кеч бўлди.

Уни бўғади.



Э м и л и я

*(Саҳна ортидан)*

Бегим, ҳой, бегим! Бегим, дейман, бегим!

О т е л л о

Бу не шовқин? Ўлдимикин ё ўлмадими?  
Бағритошман, лекин бордир раҳму шафқатим.  
Шунча азоб чекканинг ҳам етади энди.  
Мана, бўлди...

Э м и л и я

*(Саҳна ортидан)*

Бегим, дейман, бегим! Ҳой, бегим!

О т е л л о

Ким у?

Э м и л и я

*(Саҳна ортидан)*

Бегим, очинг тезроқ, сизга гапим бор!

О т е л л о

Эмилия... Энди секин бўшатай. Ўлди.  
Кассионинг ўлимини айтмоқчидир у.  
Кўп қийналди. Тамом! Бошқа қимирламайди  
Энди жимжит ётар худди қабрағидай.  
Яна қимирладими? Йўқ. Не қилсам экан?  
Гаплашаман, деб қолса-чи хотиним билан.  
Хотиним! О, хотиним! Ҳа, қайси хотиним?  
Энди хотиним йўқ, о, мен чидаёлмайман!  
Қандай қаро кун бу! Шундоқ туюладики,  
Ой билан қуёшни қуюқ зулмат қоплаган,  
Ер ҳам шу бўшлиқда ёлғиз қорайиб мудҳиш,  
Тебраниб турибди кўрқув-ваҳима ичра...

Э м и л и я

(Саҳна ортидан)

Ўтинаман, очинг, бегим, айтар сўзим бор.

О т е л л о

Сени унутибман. Қани, кир, Эмилия.  
Шошма, бирпас сабр қил, мен пардани тортай.  
Қаёқдасан?

Эшикни очади.

Эмилия киради.

Хўш, нима гап? Сенга не қилди?

Э м и л и я

У ёқда-чи, бегим, қонли можаро бўлди.

О т е л л о

Йўғ-ей? Қачон? Шу топдами?

Э м и л и я

Худди шу топда.

О т е л л о

Эҳтимолки, ой йўлидан адашиб қолган,  
Ерга яқинлашиб, сеҳри - талъати билан  
Одамларни жинни қилган.

Э м и л и я

Бегим, Кассио  
Венециялик бир йигитни чавақлаб қўйди,  
Адашмасам, унинг оти Родриго эди.

О т е л л о

Родригони ўлдиришди! Кассиони-чи?

Э м и л и я

Йўқ, Кассио тирик.

О т е л л о

Қотил шошилибди-да.

Демак қасос ўти яна гуриллар баланд.

Д е з д е м о н а

Оҳ, гуноҳсиз ўлдирилдим...

Э м и л и я

Кимнинг овози?

О т е л л о

Мана шу овозми?

Э м и л и я

Эвоҳ, бу қандай даҳшат!

Маликамнинг овози-ку, ахир, бу овоз.

Ҳой, ёрдам беринглар! Ким бор? Ёрдам беринглар!

О, бирор сўз десангиз-чи, азиз маликам,

Гўзал Дездемона, менинг меҳрибон бекам!

Д е з д е м о н а

Мен бегуноҳ кетаяпман...

Э м и л и я

Ким қилди буни?

Д е з д е м о н а

Ҳеч ким. Ёлғиз ўзим. Хайр, хайр, алвидо,

Марҳаматли Отеллога топширинг мени...

Ўлади.

О т е л л о

Ажаб, нега энди уни ўлдиришибди?

Э м и л и я

Тавба, ким билади дейсиз?

О т е л л о

Эшитдингиз-ку,  
Ҳозиргина ўзи айтди, мен ўлдирмадим.

Э м и л и я

Шундоқ деди, мен ҳам тасдиқ этишим мумкин.

О т е л л о

У мунофиқ ҳозир худди дўзахга кетди.  
Уни мен ўлдирдим.

Э м и л и я

Эвоҳ, ундоқ бўлса-чи,  
У - бегуноҳ малак, аммо сен - қора шайтон.

О т е л л о

У айниган эди, ифлос фоҳиша эди.

Э м и л и я

Унга туҳмат қиялсан, лаънати иблис.

О т е л л о

Оқар сувдек у бетийиқ, беқарор эди.

Э м и л и я

Шу сўзингда сен ўт каби ҳовлиқма, нодон,  
У осмондек тоза эди, беғубор эди.

О т е л л о

Дон олишиб юрар эди Кассио билан;  
Сен эрингдан сўра буни. Суриштирмасдан,  
Шундай оғир бир чорани қўлаган бўлсам,  
Майли, худди жаҳаннамга туша қолай мен.  
Хулласи калом, ҳамма гапни эринг билади.

Э м и л и я

Менинг эримми?

О т е л л о

Ҳа, сенинг эринг.

Э м и л и я

Маликамнинг ёмон йўлга кирганини-я?

О т е л л о

Ҳа, Кассио билан. Агар содиқ бўлса-чи,  
Фалак қуриб берса ҳамки забаржад дунё,  
Унга алишмасдим.

Э м и л и я

Ажаб, менинг эрим-а?

О т е л л о

Ҳа, бу гапни менга аввал ўша етказди;  
У жудаям ҳалол инсон, шунинг учун ҳам  
Бундай ҳаром қилмишлардан ҳазар қилади.

Э м и л и я

Менинг эримми?

О т е л л о

Нега мунча такрорлайсан? Эринг дедим-ку!

Э м и л и я

Э Худойим, муҳаббатни макр булғамиш -  
Эрим шундоқ деган бўлса.

О т е л л о

Ҳа, шундоқ деди,  
Такрорлайман, эринг... Энди тушунгандирсан?  
Сенинг эринг, менинг дўстим, номусли Яго.

Э м и л и я

Шундоқ деган бўлса унинг ёвуз юраги  
Ҳар кун эриб, қатра-қатра сув бўлиб оқсин.  
У инсофга тупурибди, ёлфон айтибди,  
Бекам иркит қисматини севар эди...

О т е л л о

А!

Э м и л и я

Гар қўлингдан келса бундан баттарини қил,  
Маликамга сен муносиб бўлмаганингдек,  
Муносибмас осмонга сенинг қилмишинг.

О т е л л о

Жим! Сасингни ўчир!

Э м и л и я

Энди кўрқитолмайсан,  
Қилганингни қилдинг. Сўтак! Ярамас! Нодон!  
Ҳой сен жоҳил, айт-чи, нима иш қилиб қўйдинг -  
Менга писанд эмас энди қиличинг сенинг,  
Бирмас, йигирма бор жоним олганинга ҳам,  
Қилмишингни фош қиламан, элга ёяман.  
Ҳой, ёрдам беринглар, ёрдам! Ким бор, одамлар!  
Вой-дод араб маликамни ўлдириб қўйди!  
Вой-дод, ёрдам беринглар! Ҳой!..

Монтано, Грациано, Яго ва бошқалар киришади.

М о н т а н о

Хўш, нима гап? Нима бўлди, тинчликми, генерал?

Э м и л и я

Келдингизми, Яго? Яхши, мана бу кимса  
Сизга тўнкаяпти қилган қотиллигини.

## Г р а ц и а н о

Хўш, нима гап ўзи?

Э м и л и я

Эркак бўлсанг, чиқар бунинг шармаңдасини;  
Айтганмишсан, хотинини бузуқ деб гўё.  
Мен биламан, айтмагансан, аблаҳ эмассан,  
Гапир, йўқса, тарс ёрилар юрагим менинг.

Я г о

Мен ўзимча тахминимни айтганман, холос,  
У бўлса-чи, суриштириб, тўғри деб топди.

Э м и л и я

Хотинини сиз бузуқ деб, айтганмидингиз?

Я г о

Айтган эдим.

Э м и л и я

Сиз бу гапни ёлғон айтгансиз,  
Онг ичаман, уйдирма бу, қип-қизил ёлғон.  
Кассионинг ўйнаши ҳам деганмидингиз?

Я г о

Ҳа, деганман. Тилингни тий, етар, вайсама.

Э м и л и я

Йўқ, тилимни тиёлмайман, айтишим даркор,  
Бекам тўшагида ўлиб ётибди, ахир.

Ҳ а м м а

Ё Раббий!..

Э м и л и я

Бўхтонингиз бир шўрликка бало келтирди.

О т е л л о

Ҳа, жаноблар, ажабланманг, чин ҳақиқат бу.

Г р а ц и а н о

Аламангиз ҳақиқат!

М о н т а н о

О, машғум кирдикор!

Э м и л и я

О, разолат, разолат бу, мудҳиш разолат!..  
Эвоҳ, шундоқ бўлишини билар эдим мен,  
Ўйлар эдим, сезар эдим: қандай қабоҳат!  
Мен аламдан ўлдираман ўзимни энди,  
О, разолат! Разолат!..

Я г о

Нима! Жинни бўлдингми сен! Бор, уйга жўна!

Э м и л и я

Рухсат этинг, айтиб берай сизга, жаноблар,  
Унга бўйсунаман доим, аммо ҳозирмас,  
Эҳтимолки, Яго, энди уйга қайтмасман.

О т е л л о

*(Ўзини тўшакка ташлаб)*

Оҳ!.. Оҳ!.. Оҳ!..

Э м и л и я

Сен тўшакка ётиб олиб, бўкиравер, ҳа,  
Кўзи кўкка ҳамишалик термулиб қолган  
Шу бегуноҳни ўлдирдинг...

О т е л л о

Бузуқ эди у.



(Грацианога)

Сизни яхши танимасдим узр, амаки.  
Жиянингиз ётар бунда, уни мен ўзим  
Мана шу қўлларим билан бўғиб ўлдирдим.  
Мен биламан, даҳшатлидир ушбу қилмишим.

Г р а ц и а н о

Эвоҳ, шўрлик Дездемона! Хайрият, отанг  
Ўлиб кетди никоҳингга чидаёлмасдан:  
Умр риштасини узди сен солган алам.  
Агар тирик бўлганда бу ҳолингни кўриб,  
Худодан ҳам, самодан ҳам юз ўтирарди,  
Ҳаммасига лаънат айтиб, осий бўларди...

О т е л л о

Бу иш қайғулидир, лекин Яго билади:  
У минг марта зино қилган Кассио билан.  
Кассио ҳам иқрор бўлди. Бу етмагандай,  
Ўйнашининг меҳнатини мукофотлабди -  
Мен севгимнинг гарови деб илк бора берган  
Тортигимни Кассиога элиб берибди.  
Мен қўлида кўрдим. У бир рўмолча эди,  
Отам ҳада этган экан онамга уни.

Э м и л и я

Ё қудрати илоҳий! Ё фалак!

Я г о

Бас, жим бўл!

Э м и л и я

Оҳ, азоб бу, азоб! Яна жим турайми? Йўқ,  
Сўз айтишда мен шамолдек бийрон бўламан.  
Осмон, башар, шайтон бари қичқирсин, майли,  
Тортинмайман ҳаммасини айтиб бераман.

Я г о

Эсингни йиг, уйга жўна!

Э м и л и я

Йўқ, жўнамайман.

Яго Эмилияга қилич урмоқчи бўлади.

Г р а ц и а н о

Уят! Қилич сирмайсанми хотин кишига!

Э м и л и я

Аҳмоқ араб! Сен айтган у рўмолчани мен  
Тасодифан топиб, кейин бунга берганман.  
Шу арзимас рўмолчани ўғирлашимни  
Кўп марталаб буюрган у.

Я г о

Ифлос, фоҳиша!

Э м и л и я

Кассиога берган эмиш маликам уни!..  
Бўлмаган гап! Уни ўзим топиб олганман  
Ва эримга топширганман.

Я г о

Алжирама, ҳой!

Э м и л и я

Худо ҳақи, ишонингиз менга, жаноблар;  
Эй олифта қонхўр! Қаранг, шундай аҳмоққа  
Шундоқ хотин ҳайф эмасми?

О т е л л о

Тош ёғдирмасанг,  
Нега мунча гулдирайсан, фалак? Эй малъун!  
Ягога ташланади, Яго Эмилияга қилич уриб қочади.

## Г р а ц и а н о

Ох, йиқилди... Хотинини ҳалок этди у...

## Э м и л и я

Уҳ, ёнма-ён қўйинг мени маликам билан!..

## Г р а ц и а н о

Қочди, лекин хотинини ўлдириб кетди...

## М о н т а н о

О, тенги йўқ муттаҳам у, мислсиз аблаҳ.  
Мен арабдан тортиб олган шу қилич билан  
Сиз эшиқда туринг, токи чиқа кўрмасин,  
Гар чиқишга журъат этса, асло аяманг.  
Мен у ифлос, кўрнамакни тутишим керак.  
Монтано билан Грациано чиқади.

## О т е л л о

Журъат - жасоратим бари тугади, битди.  
Мишиқи ҳам қиличимни тортиб олади;  
Номус адо бўлган жойда не қилсин шараф?  
Йўқ, ҳаммаси адо бўлсин, соврулсин энди.

## Э м и л и я

У қўшиқнинг маъносига тушундим, бекам!  
Мени тинглайсанми, жоним? Бир оққуш бўлиб  
Чарх ураман энди, куйлаб-куйлаб ўламан:  
"О, мажнунтол, мажнунтол, гўзал мажнунтол..."  
Ҳой, араб, у тоза эди, номусли эди,  
Сени жондан севар эди, бағритош араб.  
Айтганим чин. Жоним билан қасам ичаман,  
Қасам ичиб, шу чин гапни айтиб... ўламан.  
Ўлади.

О т е л л о

Бу хонада менинг бошқа яроғим ҳам бор;  
Музли сувда совутилган испан шамшири.  
Оҳ, мана у! Амаки, мен чиқишим керак.

Г р а ц и а н о

*(Ташқаридан)*

Қуролинг йўқ, ўз жонингга жабр айлама.

О т е л л о

Бўлмаса, кир ичкарига, гаплаш мен билан.  
Унамасанг, қуролсиз ҳам човут соламан.

Грациано қайтиб киради.

Г р а ц и а н о

Нима дейсан?

О т е л л о

Мана, қаранг! Менда қурол бор.  
Ёнбошига худди шундоқ шамширни тақиш  
Ҳар қандайин аскарга ҳам насиб этмаган.  
Бир замонлар шу қисқа қўл, олмос тиф билан  
Не-не сафлар, қаторларни ёриб ўтганман.  
Унда ғовлар мустаҳкамди, тўсиқлар баланд.  
Аммо-лекин бу манманлик беҳуда энди,  
Айтинг менга: ким тақдирни таъбгир этади?  
Энди ундоқ эмас, тамом бошқаман, бошқа,  
Мендан зарра қўрқманг, гарчи қўлимда шамшир.  
Умр йўлим - саёҳатим ҳаддига етди,  
Сўнг манзилга етиб, кемам таққа тўхтади.  
Сиз орқага чекинманг, бу - беҳуда қўрқув,  
Отеллонинг кўкрагига қурол биланмас,  
Қамиш билан туртсангиз ҳам - гандираклайди,  
Айтинг-чи, у қочиб энди қайга боради?

О, қалайсан энди, шўрлик, бахтиқаро қиз?  
Рангинг ўчиб, устингдаги кўйлагингдек оқ!..  
Учрашамиз тонг-ла маҳшар - қиёмат куни,  
Шунда битта боқишингга бўлсам муяссар,  
Руҳим сапчиб тушиб, арши самодан қулар,  
Кейин талаш-талаш қилиб уни иблислар,  
Жаҳаннамга сурар... Эвоҳ, совубсан, жоним,  
Худди поклингидек. Эй сен, малъун, кўрнамак!  
Ҳайданг мени бу даргоҳдан,  
Ҳайданг мени бу самовий малак устидан,  
Бўронларга улоқтиринг, ўтларга отинг!  
Чўмилтиринг жаҳаннамнинг тўлқинларида!  
Дездемона! Дездемона! Сен ўлдингми, а?  
Оҳ!.. Оҳ!.. Оҳ!..

Лодовико билан Монтано киради. Кассиони замбилда олиб  
киришади. Қўлга тушган Яго офицерлар қуршовида.

Л о д о в и к о

Эс-ҳушини еб қўйган у бечора қани?

О т е л л о

Собиқ Отелломи? Мана, мен бу ердаман.

Л о д о в и к о

Хўш, газанда қани? Уни бери келтиринг.

О т е л л о

Оёғига боқсам, ажаб, туёғи йўқ-ку,  
Эчкигуёқ деганлари демакки - ёлғон.  
Ўлдираман энди ҳатто иблис бўлсанг ҳам!  
Яғони яралайди.

Л о д о в и к о

Унинг қиличини олинг!

Я г о

Қонга ботдим буткул, аммо тирикман ҳали...

О т е л л о

Мен заррача ачинмайман, ўлиш - сенга бахт,  
Агар ўлсанг, қутулардинг унда бир йўла.

Л о д о в и к о

О, Отелло, сен нақадар шавкатли эдинг,  
Охир, мана, шу бадбахтга ўйинчоқ бўлдинг.  
Энди не деб атай сени?

О т е л л о

Ихтиёр сизда.  
Истасангиз, номусли бир қотил деб атанг.  
Бу ишларни ғазаб ичра қилмадим, фақат  
Ор-номусни деб қилдим.

Л о д о в и к о

Бу иқрор бўлди -  
Ўзининг бор иблисона қилмишларига.  
Кассиони ўлдиришни ўйлабмидингиз?

О т е л л о

Ҳа.

К а с с и о

Муҳтарам генерал, сизни ерга ургувчи  
Бирор гуноҳ, ножўя иш қилганим йўқ-ку.

О т е л л о

Ишонаман ва бош эгиб, узр сўрайман.  
Аммо сўраб кўрингиз-чи шу азозилдан,  
Нега оловларга отди жисму жонимни?

Я г о

Не билсангиз - ўша, бошқа айтар сўзим йўқ,  
Энди офиз очмайман, бас, тамом-вассалом.

Л о д о в и к о

Ўлим олди калима ҳам ўгирмайсанми?

Г р а ц и а н о

Қийноқларга солсак, тилинг чиқади ҳали.

О т е л л о

Бали, шундоқ қилиш керак.

Л о д о в и к о

Отелло, энди  
Воқиф бўлинг воқеанинг иддизларидан.  
Ўйлайманки, барча гапдан хабарингиз йўқ,  
Ўлдирилган Родригонинг чўнтагидан биз  
Иккита хат топиб олдик. Биринчисидан  
Чиқадиган маъно шуки, ўша Родриго  
Кассиони ўлдиришни олмиш бўйнига.

О т е л л о

Вой, лаънати!

К а с с и о

Қандай ваҳшат, қандай қабоҳат!

Л о д о в и к о

Иккинчи мактубга келсак, уни батамом  
Жаҳл, асабият билан битмиш Родриго.  
Кейин шу махлуққа уни юбормоқ бўлган,  
Улгурмаган шунда Яго етиб келгану  
Уни чавақлаган.

## О т е л л о

О, шум, ярамас, олчоқ!  
Хўш, айтинг-чи, хотинимга тегिश рўмолча  
Қандай қилиб сизга ўтиб қолди, Кассио?

## К а с с и о

Мен уйимдан топдим. Яго тан олди ўзи,  
Шум ният-ла уни элтиб ташламиш, қаранг,  
Ўша ниятига, мана, етишди ифлос.

## О т е л л о

Мен аҳмоқман! Мен сўтакман! Нақадар нодон!

## К а с с и о

Родригонинг мактубида яна дашном бор,  
У Ягони қоралайди, қоровулда у -  
Турганида менга қарши қайрагани-чун.  
Ўша жанжал туфайли мен ишдан олиндим.  
Боягина унсиз, жонсиз ётган Родриго  
Бир зумгина кўзин очди, ҳушига келди.  
Бу ишларга мени нуқул бошлади Яго,  
Кейин ўзи мени чошиб ўлдирди, деди.

## Л о д о в и к о

Хўш, Отелло, сиз биз билан юрасиз энди,  
Битди расмий ҳуқуқингиз, ваколатингиз.  
Қибриснинг волийси бўлур энди Кассио.  
Бу қул учун шундай жазо топиш керакки,  
Азоблари чўзилгандан яна чўзилсин,  
Шу дунёга келганига пушаймон бўлсин.  
Сизни эса биз ҳибсга оламиз, токи  
Ишингиздан сенат воқиф бўлгунга қадар.  
Ўшангача сиз қамоқда кута турасиз.  
Қани, олиб чиқинг.



## О т е л л о

Жиндак сабр қилинглар.  
Икки офиз сўз айтаман кетиш олдидан.  
Юртга бир оз хизмат қилдим, бу энди маълум,  
Балки айтиш шарт эмасдир. Лекин сўрайман:  
Бу қайғули савдоларни хатта соларкан,  
Қандоқ бўлсам - шундоқ ёзинг: зарра камайтманг.  
Ғазаб ила бир нималар қўшманг. Айтингким,  
У бир жинни эди, лекин севарди жуда,  
Рашкчи эмас эди, лекин бир қўзғалдию  
Жазаваси чегарадан ошди ўшанда...  
Подшоликка бермас ноёб гавҳарини у  
Битта жоҳил ҳинду каби отди беписанд.  
Энди унинг мўлтираган, муте кўзидан -  
Аввал йиғлаб кўрмаганди, шундоқ бўлса ҳам,  
Арабистон дарахтининг шифобахш, шаффоф  
Ширасидай ёшлар оқар... Айтинг шуларни...  
Ва айтингки, кўриб қолдим бир кун Ҳалабда  
Қаҳри қаттиқ, саллали турк аяб-нетмасдан  
Саваларди Венеция фуқаросини.  
Ҳақоратга кўмар эди бизнинг сенатни,  
Халқумидан хишпа бўғдим мен ўша итни.  
Ва мана шундай қилиб... ханжар урдим!..  
Ўз-ўзига ханжар уради.

## Л о д о в и к о

Қонли якун!

## Г р а ц и а н о

Афсус, зое кетди шунча гап.

## О т е л л о

Ўпиб туриб, олган эдим жонингни, санам,  
Дездемонанинг устига ўзини ташлайди.  
Ўпиб туриб, берай энди жонимни мен ҳам...  
Ўлади.

## К а с с и о


Ана шундай бўлишидан кўрққан эдим мен,  
Қуролсиз деб ўйлагандим уни ҳар қалай.  
Буюк қалби бор эди.

## Л о д о в и к о

*(Ягoгa)*

О, Спарта ити!  
Очлик, вабо, денгиздаги бўрон, пўртана -  
Булар бари нима эмиш сенинг олдингда?  
Қаршингдаги даҳшатли шу тўшакка қара,  
Сенинг ишинг! Қарашга ҳам ботинмас киши.  
Устларини ёпиб қўйинг, Грациано.  
Бу уй мол-ашёси билан сизга ўтади,  
Сиз арабга меросхўрсиз. Муҳтарам волий,  
Бу дўзахий аблаҳ иши - сизга ҳавола:  
Ҳукм қилинг, қийноқларга солинг, аяманг!  
Мен ҳозироқ Венеция томон қайтаман,  
Бу қайғули можарони бориб айтаман.  
Чиқадилар.





---

# КОРИОЛАН

(Беш пардали фожа)

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

К а й М а р ц и й - кейин К а й М а р ц и й К о р и о л а н .

Т и т Л а р ц и й - вольскларга қарши урушда Рим саркардалари

К о м и н и й -

М е н е н и й А г р и п п а - К о р и о л а н н и н г д ўсти.

С и ц и н и й

Ю н и й Б р у т - халқ воизлари

К и ч и к М а р ц и й - К о р и о л а н н и н г ўғли.

Т у л л А в ф и д и й - вольсклар саркардаси.

В о л ь с к л а р л а ш к а р б о ш и с и - Авфидийга тобе киши.

Ф и т н а ч и л а р - Авфидийнинг маслақдошлари.

Н и к а н о р - римлик.

А д р и а н - вольск.

А н ц и у м ш а ҳ р и н и н г ф у қ а р о с и .

И к к и в о л ь с к п о с б о н и .

Ж а р ч и .

В о л у м н и я - К о р и о л а н н и н г о н а с и .

В и р г и л и я - К о р и о л а н н и н г х о т и н и .

В а л е р и я - В и р г и л и я н и н г д у г о н а с и .

В и р г и л и я н и н г ж о р и я л а р и .

Р и м в а в о л ь с к с е н а т о р л а р и , а с л з о - д а л а р , э д и л л а р , л и к т о р л а р , ж а н г ч и л а р , ш а ҳ а р л и к л а р , ч о п а р л а р ,

А в ф и д и й м у л о з и м л а р и в а б о ш қ а х и з - м а т к о р л а р .

Воқеа Рим ва унинг атрофларида, Кориола ва унинг теварагида, Анциумда бўлиб ўтади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи сахна

Рим. Кўча.

Қўзғолон кўтарган, ёғоч найза ва чўқморлар билан қуролланган шаҳарликлар оломони киради.

Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Ҳой, яна юришдан олдин мени эшитинглар.

Ҳ а м м а

Гапир, гапир.

Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Оч қолишдан ҳам ўлишга тайёرمىсизлар?

Ҳ а м м а

Тайёرمىз, тайёرمىз.

Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Халқнинг энг ашаддий душмани - Кай Марций эканини биласизми?

Ҳ а м м а

Биламиз, биламиз.

Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Бас, уни ўлдириб, ғаллага ўзимиз нарх қўямиз. Ҳукми-миз ҳукми?

Ҳ а м м а

Гапнинг нима кераги бор - ўлдираамиз, вассалом. Қани, юринглар!

И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Бир оғиз сўз, қимматли граждандлар...

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Бизни ҳеч ким қимматли деб ҳисобламайди. Қимматли нарсаларнинг ҳаммаси - зодагонларда. Уларнинг томоғига тиқилиб, ўтмаётгани ҳам бизга етиб ортарди. Дастурхонлари сарқитини саситиб-бижғитмасдан бизга беришгандаям, инсонлардек ҳамият қилишди, деб айтардик. Йўқ, улар шусиз ҳам бизни ўзларига дардисар деб билишади. Озғин-тўзғин аҳволимиз, гадодек сувратимиз улар ҳузур-ҳаловатининг ойнаси. Бизга қанча аччиқ бўлса, уларга шунча ширин. Ўзимиз ёғочдек қотмасдан олдин ана шу ёғоч найзаларимиз билан уларнинг таъзирини берамиз. Тангриларга қасамёд қиламанки, мен бу гапларни қасос олиш учун эмас, очлик алаmidан айта-япман!

## И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Ишни Кай Марцийдан бошламоқчимисизлар?

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Худди ўшандан: у халқ учун итдан ҳам баттар.

## И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Унинг ватан олдидаги хизматларини унутдингизми?

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Сира ҳам унутганимиз йўқ. Кибр-ҳавога муккасидан кетмаганда, ўша хизматлари учун балки мақтаган бўлардим.

## И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Йўқ, шошма. Сен жаҳл қилмасдан гапир.

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Мен сенга айтаяпман-ку - у нима қилган бўлмасин, ҳаммасини кибру ҳаво йўлида қилди. Соддадил анойи-

лар уни ватан учун жон куйдирди, деб ўйласа, ўйлайвер-  
ришсин. Аслида, у буларни онаси учун, кейин қисман  
ана шу кибру ҳаво деб қилди, ҳа, унинг кибру ҳавоси  
шуҳратидан кам эмас.

И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

У ўзини ўзгача тутолмаса, нима қилсин? Уни очкўз деб  
айтолмайсан-ку?

Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Шундай ҳам дейлик. Лекин бошқа айблари ҳам етиб  
ортади. Унда иллатлар шу қадар кўпки, санаб, саноғига  
ҳам етолмайсан.

Саҳна ортида қичқириқлар.

Бу нима шовқин? Афтидан, Тибрнинг нариёғида ҳам  
исён кўтаришганга ўхшайди. Нега биз энди валақлаб, вақт-  
ни бекорга ўтказяпмиз? Қани, Капитолийга!

Ҳ а м м а

Қани, юринглар!

Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Ҳой, жим бўлларинг! Ким у, бу ёққа келаётган?

Менений Агриппа киради.

И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Муҳтарам Менений Агриппа - ҳамиша халқдан меҳ-  
рини дариф тутмаган зот.

Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Ҳа, у ҳалол одам. Қани, бошқалар ҳам шундоқ бўлсайди.

М е н е н и й

Ҳамшаҳарлар, нима бўлди, калтак кўтариб,  
Қайга ошиқасиз мунча? Жавоб берингиз.

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Бизга нима бўлгани - сенатга маълум: қандай ниятни юракка тукканимизни бундан икки ҳафта бурун билишлари мумкин эди, мана бугун ўз кўзлари билан кўришди. У ерда, оч-яланғоч фуқаронинг нафаси оғир деб айтиш - уларга расм. Бизнинг муштумимиз ҳам енгил эмаслигини бир татиб кўришсин энди.

### М е н е н и й

Дўстлар, ҳурмат-эҳтиромли, азиз қўшнилари,  
Наҳот алам-фалокатга ботмоқ бўласиз?

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Алам-фалокатларга биз ботиб бўлганмиз.

### М е н е н и й

Дўстлар, менга ишонингиз, сиз тўғрингизда,  
Сизни ўйлаб, зодагонлар куйдирмоқда жон.  
Мен биламан, ғалла қиммат, очлик беомон -  
Қийнамоқда сизни, лекин ғулув бефойда.  
Римга қарши исён қилиш, биласизми, бу -  
Кўкка таёқ ўқталгандек беҳуда бир гап.  
Сизлар солмоқ бўлган темир кишанларни у  
Писанд этмас, узиб ташлар, отар парчалаб.  
Сизга келган очлик асло сенатдан эмас,  
Тангрилардан, ахир!.. Қўллар бермагай нажот.  
Нажот берур ерга чўкса тиззалар. Ҳайҳот!  
Очлик - офат етагида борасиз, лекин  
Офат минг бир бало бўлиб қаршилар сизни.  
Лаънатлайсиз сизни деб жон куйдираётган -  
Олиймақом зотлар давлат соҳибларини.



## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Бизни деб жон куйдираётган? Унчалик эмасдир-ов!  
Бизни деб уларнинг ҳеч қачон боши оғримаган. Омбор-  
лари галладан тарс ёриламани, дейди-ю, улар очлик билан  
бизнинг силамизни қуритишади, судхўрликка қарши суд-  
хўрларнинг фойдасига қонунлар чиқаришади. Кун ора бой-  
ларга ёқмайдиган бирор яхши қонунни бекор қилишади,  
кун ора камбағалларни сиқиб жонини олувчи низомлар  
тўқишади. Урушдан омон қолсак-қоламизки, улардан омон  
қолмаймиз, мана, уларнинг бизга меҳр-муҳаббати.

### М е н е н и й

Ё бўлмасам, ҳалол туриб,  
Иқроқ бўлингиз -  
Ки, кўп ёмон ҳаддан зиёд ғазаблангансиз.  
Ё бўлмасам, нодонларсиз. Қулоқ берингиз,  
Масал айтай сизга, балки эшитгандирсиз.  
Майли, шундоқ бўлса ҳамки, айтмоқ бўламан,  
Бас, мавриди келди, яна эсга соламан.

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Нега эшитмайлик, эшитамиз! Фақат масал билан биз-  
нинг аламларимизни юмшатаман, деб ўйлама. Шундай  
хаёл каллангга келиптими, айтавер.

### М е н е н и й

Бир кун тана аъзолари қоринга қарши  
Биргалашиб, ғазаб билан бошлабди ғавғо.  
Ҳа, қурсоқни айблашибди, аташиб юҳо,  
Бор таомни ямлаб ютар, вақтини нуқул  
Ройгон этар, иши фақат фароғат, ялло...  
Айни пайтда бошқа тана аъзолари-чи,  
Юриш билан, кўриш билан, эшитиш билан  
Бир-бирига кўмаклашиб, уюшиб яктан,  
Танга хизмат қилишади... Қорин дебдики...

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Хўп, айта қол, нима дебди қорин ўшанда?

### М е н е н и й

Айтаман. Ҳа, кўкрақдамас, ўпкадан пастда  
Пайдо бўлган аччиқ заҳарханда билан у -  
(Қаранг - қорним билан фақат товушни эмас,  
Кулишни ҳам ўхшатаман)-жавоб берибди,  
Сенаторларни сиз сўкиб-айблаётгандай,  
Қоринга шум ҳасад тошин ирғитган ўша -  
Қўзғолончи аъзоларга шундоқ дебди у...

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Қорин не ҳам деёларди хушёр кўзгаю  
Тож киевчи пешонага ҳамда юракка,  
Карнай мисол тилга, яъни маслаҳатчига,  
От-оёққа, жангчи - қўлга ва бошқаларга  
Таннинг мулозимларига не дерди, агар...

### М е н е н и й

Нима "агар?" Сўзни бўлдинг - ўзинг тутатгин.  
Қани?..

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Агар таннинг тубсиз, ютоқ чўнқири -  
Мечкай қорин ўшаларни юлса, таласа...

### М е н е н и й

Хўш-хўш, яна?

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Бас, нима ҳам дея оларди -  
Ўшаларнинг дашномига?

### М е н е н и й

Тингланг, бўлмаса.  
Мен айтаман, ўзингизни зўрлаб бўлса ҳам,  
Жиндаккина сабру бардош этолсангиз гар.

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Сен жуда ҳам чўзясан!..

### М е н е н и й

Эшит, биродар.

Қорин вазмин-босиқ, яна дашномчилардан  
Ақллироқ экан, шундоқ жавоб берибди:  
"Сиз ҳақлисиз, менинг шерик - амалдошларим,  
Сизни тирик тутган ўша умумий таом  
Дастлаб менга келар. Шундоқ бўлиши лозим,  
Мен омбор ва дўкон бўлиб хизмат қиламан.  
Унутмангким, қон дарёси ўтган йўллардан  
Бу ён - юрак қасри, бу ён - мия тахтига  
Мен тўхтовсиз йўлайдирман шира-шарбатни  
Таннинг ўнқир-чўнқир турфа манзили оша,  
Темир мускуллардан майда томирларгача -  
Бари мендан олур ҳаёт деган қудратни.  
Бироқ, азиз дўстлар, сизга аёнмас балким...

*(Биринчи шаҳарликка)*

Бу гапларни мен эмас, йўқ, қорин айтмоқда.

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Хўш, хўш, давом эттир.

### М е н е н и й

Сизга аёнмас балким,  
Ҳар аъзонинг менга боғлиқ баҳрамандлиги,  
Мен шундай бир хулосага ҳақлиман лекин:  
Мағзи сизга кетиб, менга қолар кепаги.

*(Биринчи шаҳарликка)*

Хўш, сен бунга нима дейсан?

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Жавоб чаккимас,  
Аммо буни қай йўсинда талқин этасан?

## М е н е н и й

Сенат - доно ва донишманд қорин, сиз эса -  
Қўзғолончи аъзоларсиз. Унинг ишини,  
Маъмурчилик йўлидаги бор ташвишини  
Чин баҳолаб, шуни бешак англарсиз аён,  
Ёлғиз ундан келур, ундан - неъматидаврон,  
Сиздан эмас аммо. - Айт-чи, бунга не дейсан,  
Ғазабли шу оломоннинг бош бармоғи - сен?

### Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Мен - бош бармоқ бўлдимми?  
Нега энди бош бармоқ бўларканман?

## М е н е н и й

Негаки, сен ярамассан, ҳаммадан тубан,  
Шу мушкул исённи йўлга солмоқ бўласан,  
Ва биринчи бўлиб ўлжа олмоқ бўласан,  
Сен - қўрқоқдан қўрқоқ, ожиз, нотавон кўппак.  
Майли, найза, чўқморларни шайлай берингиз.  
Каламушлар Римга ҳужум бошлапти, демак -  
Кимларгадир қийин бўлар.

Кай Марций киради.

Салом, эй Марций!

## М а р ц и й

Ташаккур.

*(Оломонга)*

Эй шум исёнчи махлуқлар, нега  
Хом ўйларнинг қичимаси, макрига учиб,  
Ярангизни тагин тирнаб қолдингиз?

### Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Ҳар вақт -  
Бизга атаб ширин сўзлар топиб юрасан.

## М а р ц и й

Кимки раво кўриб, сенга ширин сўз айтса,  
Ўша аянч хушомадгўй.

*(Оломонга)*

Сиз - кўшпақларга  
Нима керак ўзи? Доим ишингиз - фиғон,  
Урушга ҳам, тинчликка ҳам тоқатингиз йўқ.  
Урушда кўрқоқсиз, аммо тинчликда - сурбет.  
Сал ишонса сизга, тулки, арслон эмас,  
Ҳозлар билан қуёнларга ўхшаб қоласиз.  
Ишончисиз муз устида ёнган чўғ каби,  
Ё бўлмасам, саратонда ёққан дўл каби.  
Ҳақ, адолат қонунларин қоралаб-қарғаб,  
Жиноятчиларни оқлаш - сизларга одат.  
Кимки дўстлик шавқи билан бахтиёр эса,  
Сиз ўшанга ғаним бўлиб, ўқийсиз лаънат.  
Худди бемор одамлардек инжиқлик қилиб,  
Неки сизга таъқиқланса - шуни сўрайсиз.  
Сиздан мадад истаганлар масхара бўлар  
Қўрғошиндан иштон кийиб сузганлар каби,  
Ё эманни қамиш билан кесганлар каби.  
Сизга ишонч - тентаклигу телбалик, холос,  
Фикрингиздан ҳар дақиқа айниб турасиз.  
Сиз доимо ағёрларни кўкка кўтариб,  
Энг севиқли дўстингизни ерга урасиз.  
Не сабабдан ҳар қадамда кўтариб шовқин,  
Лаънатлайсиз олийжаноб сенатимизни?  
Сизни босиб турмасайди сенат, Худолар,  
Бўри бўлиб ғажирдингиз бир-бирингизни.

*(Мененийга)*

Хўш, уларга нима керак?

## М е н е н и й

Арзон-гаров нон,  
Шаҳарда дон-ғалла мўл деб ўйлашар улар.

## М а р ц и й

Ўйлашади? Ярамастар! Печка олдида  
Хаёл қилишарки, гўё ҳамма гап аён.  
Гўё аён - Капитолий нима билан банд:  
Унда ким юксалди, кимлар гуллаб-яшнади,  
Ким йиқилди, ким иттифоқ ё никоҳ тузди,  
Ким уларнинг хулқига мос - севишар уни,  
Ким уларга хушёқмаса - бадном этишар.  
Шаҳарда дон-ғалла мўл деб ўйлашадими?  
Сенат шафқат этмай, агар берсайди имкон,  
Мен буларнинг мурдасидан - қиличим билан  
Тоғ ясардим қўлимдаги найзамдан балаңд.

## М е н е н и й

Сўзни зое этма. Тиниб-тинчиб қолишди.  
Ҳа, уларда безбетликдан зиёда кўрқув,  
Тарқалишиб борар. Аммо нари ёқдаги  
Оломонда аҳвол нечук?

## М а р ц и й

Тарқаб бўлди у,  
Ҳе, жин урсин! - Аввал роса шовқин солишди.  
Биз очмиз, деб маталарни эсга олишди:  
Очлик тошни тешар эмиш, ҳатто итга ҳам  
Озиқ керак, яна донни чиритиш увол,  
Уни ёлғиз бойлар учун яратмаган Ҳақ-  
Каби шикоятларни хўп тўкиб солишди.  
Ва лекин уларнинг ўша дағал талаби  
(Бир талабки, киборларнинг бағрин тилкалаб,  
Ҳокимият назарига ташлагай губор)-  
Қондирилур, деган ваъда берилгач, алҳол  
Чувиллашиб, қалпоқларин кўкка отишди  
Қувончлари, дейман, худди ойга етишди.

## М е н е н и й

Хўш, уларга қандай ваъда берилди?

## М а р ц и й

Ваъда -

Шу бўлдики, уларнинг шум ниятларини  
Ёқлаш учун улар ўзи сайлаб кўрсатган  
Беш воизга энди расман рухсат этилди-  
Сициний Велут, Юний Брут, бошқасин  
Унутибман... Э, жин урсин! Халойиқ шундоқ  
Ён беришга мени мажбур этгандан кўра,  
Римда авом томларини бузиб ташласам  
Осон эди назаримда менга минг карра.  
Йиллар оша энди кучга миниб муқаррар,  
Безбетлиги ошиб борар.

## М е н е н и й

Галати гаплар.

## М а р ц и й

*(Оломонга)*

Қани, фитначилар, тарқанг уй-уйингизга?  
Югурганича чопар киради.

## Ч о п а р

Ким бу ерда Кай Марций?

## М а р ц и й

Мен. Гапир, нима гап?

## Ч о п а р

Вольсклар яна кўзфолишди.

## М а р ц и й

Айни муддао:

Уруш Римни тозалайди ирик-чирикдан...  
Ана, келишмоқда, ота сенаторлар ҳам.

Коминий, Тит Ларций ва бошқа сенаторлар, Юний Брут ҳамда Сициний Велут киришади.

### Б и р и н ч и с е н а т о р

Ҳақ экансан тахминингда, Марций, вольсклар -  
Кўзғолишди.

### М а р ц и й

Тулл Авфидий - уларга сардор.  
Амин бўлинг, сизга ташвиш туғдиролмайдим,  
Аммо унинг шавкатига келур ҳавасим,  
Ҳа, мабодо, мен Кай Марций бўлмаганимда  
Ёлғиз Авфидий бўлишни орзу қилардим.

### К о м и н и й

Ҳа, иккингииз майдон аро солишгансиз-ку.

### М а р ц и й

Икки душман гуруҳига бўлиниб дунё,  
Бир томонга тушиб қолсам агар Тулл билан,  
У билан бир солишай деб исён этардим.  
У - шер, уни овлаш билан фахрланаман.

### Б и р и н ч и с е н а т о р

Бу жуда соз, Марций, маҳкам боғлаб белингни,  
Кўшинларга раҳнамо бўл Коминий билан.

### К о м и н и й

Ваъда берган эдинг кўмаклашмоққа.

### М а р ц и й

Мен шай.

Сўзда собит туриш менга одат. Тулл билан  
Кўражаксан яна қандай савашганимни.  
Ҳа, қалайсан, Ларций! Мазанг қочиб қолдими?  
Ёки жангга бормаи, уйда қолмоқчимисан?



## Л а р ц и й

Йўқ-йўқ, Марций, суянсам-да, қўлтиқтаёққа,  
Жанг қиламан, бошқалардан орда қолмайман.

## М е н е н и й

Балли, ота ўғли!

## Б и р и н ч и с е н а т о р

Юринг, Капитолийга,  
Унда бизни кутишмоқда дўсту ёронлар.

## Л а р ц и й

Олдинга туш, Коминий, биз сенинг ортингдан,  
Орамизда ҳаммамиздан нуфузинг баланд.

## К о м и н и й

Олийжаноб Ларций!

## Б и р и н ч и с е н а т о р

*(Оломонга)*

Қани, тезроқ тарқалинг!

## М а р ц и й

Йўқ, уларни ўзимизга қўшиб оламиз:  
Вольскларда ғалла сероб, омборларини  
Каламушларга очамиз.

*(Оломонга)*

Бузуқбошлар, сиз  
Ортимиздан юринг, агар ботир бўлсангиз!

Сенаторлар, Коминий, Марций, Ларций ва Менений кети-  
шади. Шаҳарликлар секингина яширинишади.

## С и ц и н и й

Дунёда шу Марцийчалик мағрур, такаббур,  
Ҳавойи зот учрармикан?

Б р у т

Учрамайди, йўқ.

С и ц и н и й

Халқ бизларни воиз этиб сайлаганида...

Б р у т

Бизга қандай қаради у, айт, эсингдами?

С и ц и н и й

Қарашимас, сўқиниши эсимда қолди.

Б р у т

Ҳазаб ичра сўқади у Тангриларни ҳам.

С и ц и н и й

Ва уятчан ойни кулиб масқара айлар.

Б р у т

Бас, урушда адо бўлсин. Мен жасурман деб,  
Кибрланиб кетди роса.

С и ц и н и й

У шундайлардан -  
Ки, зафардан сармаст чоғи ўз соясини  
Тепкилашдан ҳам тоймайди. Лекин, ажабо,  
У, такаббур, мудом бўйин эгмоққа рози  
Коминийга.

Б р у т

Бу шон-шуҳрат қучишнинг йўли.  
Гарчи у шуҳратли, лекин шуҳратга ташна,  
У қўшинда иккинчи бир ўринда туриб,  
Довруғини асрай олур, ошира олур.  
Хатоларга жавоб берар ахир саркарда.  
Ҳаттоки у бир мўъжиза кўрсатганда ҳам  
Ғийбат дарҳол уввос солар: "Эвоҳ, бу ишни  
Бошқа киши эмас, Марций бажаргандами!"

## С и ц и н и й

Зафар қойим бўлганда-чи, миш-миш овоза  
Коминийга соя солиб, Марцийни мақтар.

## Б р у т

Коминий-чи, хоҳ арзисин, хоҳ арзимасин,  
Марций билан иззатини кўради баҳам.  
Коминий йўл қўядиган ҳар битта хато  
Ҳеч қанақа хизматлари бўлмаса ҳамки,  
Марцийнинг шон-шухратини оширади.

## С и ц и н и й

Юр,  
Қарайлик-чи, қандай тайёргарлик кўришар  
Ва у Марций - олатасир тентак юришга  
Нечук ҳозирлик кўрмоқда.

## Б р у т

Қани, юр, кетдик.

*(Кетишади.)*

## Иккинчи саҳна

Кориола. Сенат.

Тул Авфидий ва сенаторлар киришади.

## Б и р и н ч и с е н а т о р

Хуллас калом, тахминингча, Авфидий тамом  
Қилаётган ишларимиз, режаларимиз -  
Булар бари римликларга аён, шундоқми?

## А в ф и д и й

Сен бошқача ўйлабмидинг? Лоақал бир гал  
Бизнинг бирор ният ҳали топмасдан амал,  
Римнинг назаридан ниҳон қолгани борми?  
Мен у ёқдан тўрт кун бурун мактуб олганман:

(Уқийди)

"Қўшинлар жам, лекин аниқ айтолмас биров,  
Улар шарққа юришарми ёки ғарб томон.  
Ғалла қиммат, элда исён, миш-мишга кўра,  
Коминий ва Марций - сенинг эски душманинг  
(Уни Римда сендан баттар кўришар ёмон),  
Ҳам жасур Рим фарзанди Тит Ларций муқаррар  
Жанг-жадалга тайёргарлик кўраётирлар.  
Сенга юриш бошласалар керак. Ҳозир бўл".

### Б и р и н ч и с е н а т о р

Нима қипти! Қўшинимиз майдон аро шай.  
Рим бизларга қарши зарба бермоқлик учун  
Шай туришин билар эдик.

### А в ф и д и й

Улуғ режангиз  
Ўбдан пишиб, рўёбга ҳам чиқмагунча то,  
Уни махфий сақламоққа аҳд қилгандингиз.  
Ва лекин Рим хабардордир алақачонлар,  
Ошкор бўлиб қолди барча режаларимиз.  
Энди жангсиз ололмаймиз кўп шаҳарларни,  
Римликларни ғафлат босмас.

### И к к и н ч и с е н а т о р

Ботир Авфидий,  
Қўшинларнинг олдига бор саркарда бўлиб,  
Кориола ҳимоясин бизга қўйиб бер.  
Шаҳримизни душман қамал қилгудек бўлса,  
Мададга сен келасан-ку! Лекин менингча,  
Жангга шаймас римликлар ҳам.

### А в ф и д и й

Йўқ-йўқ, аксинча,  
Улар тайёр. Ҳатто шунга ишонаманким,

Уларнинг бир қисм илғор қўшини шу тоб  
Бизга томон яқинлашиб келмоқда шитоб.  
Отахонлар, хайр, яхши қолинг. Мабодо  
Мен Кай Марций билан жангда учрашиб қолсам,  
Ўлгунимча солишмоққа ичаман қасам.

Ҳ а м м а

Сени жангда паноҳида тутсин Худолар!

А в ф и д и й

Сизларни ҳам, отахонлар!

Б и р и н ч и с е н а т о р

Хайр!

И к к и н ч и с е н а т о р

Хайр!

Ҳ а м м а

Хайр!

*(Кетишади.)*

У ч и н ч и с а ҳ н а

Рим. Марций уйида бир хона.

Волумния билан Виргилия киришади, пастак курсиларга ўтириб, тикиш тикишади.

В о л у м н и я

Ўтинаман, қизим, бирор нима куйлаб бер ёки чеҳрангни очиб, мундоқ яйраб ўтир. Марций менинг эрим бўлганида эди, унинг тўшақдаги қайноқ оғушларидан ҳам кўра, шон-шуҳрат деб сафарга отланганидан кўпроқ хурсанд бўлардим. Ҳали у мурғак чақалоқ, яъни бағримда етишган бир донагина мева эканида, ҳали ўспиринлик чиройи кўрганларни қувнатиб юрган пайтларда, мен ўшандаёқ,

ҳа, она деган зот ҳатто подшолар сўраганда ҳам ўз ўғлини кучоғидан қўймайдиган ўша кезлардаёқ, унинг шон-шуҳрат учун туғилганини ва агарда у маълум ва машҳур бўлиш иштиёқи билан ёнмаса, фақат деворларнигина безовчи суврат бўлиб қолишини тушунгандим. Мен уни қирғиқаттол жангларга жўнатдим, у бошига гулчамбар кийиб қайтди. Ишонавер, жон қизим, у ўзини майдонда мардона тутганида шунчалар қувондимки, ҳатто ўғил туққанимдаям мунчалик қувонмагандим.

В и р г и л и я

Хўш, у жангда ҳалок бўлса-чи? Унда нима бўларди?

В о л у м н и я

Унда ўғлимнинг ўрнини унинг шон-шуҳрати босарди, ўша шон-шуҳратдан мен тасалли топардим. Сенга чинни айтаман: агар ўн иккита ўғлим бўлиб, уларнинг ҳар бирини шу азамат Марцийчалик севганимдаям, ўша ўн биттасининг ватанни деб мардона ҳалок бўлишини биттасининг қўрқоқларча омон қолишидан афзал кўрардим.

Чўри киради.

Ч ў р и

Олийҳиммат Валерия сизни кўрсам, дейди.

В и р г и л и я

*(Волумнияга)*

Ижозат бер, мен кетай.

В о л у м н и я

Йўқ, шу ерда қол.

Назаримда шундоқки, мен кўраман, эринг Ноғоралар сурон солиб, гумбурлар экан, Авфидийни судраб борар, сочидан тутиб. Ва айиқдан қўрқиб қочган болакайлардек-

Қочаётган вольскларни бетиним қувар,  
Ер тепинар, жангчиларга қараб ҳайқирар:  
"Олға, олға, ахир Римда туғилгансиз-ку,  
Қўрқоқларсиз, яралгансиз қўрқувда магар!"  
У шундоқ деб манглайдан қонини артар,  
Ўрим-йиғим битмагунча ҳақ олмайдиган  
Бир азамат ўроқчидек одимлар отар.

В и р г и л и я

Манглайда қонми? Эвоҳ, азиз Тангрилар!

В о л у м н и я

Жим бўл, нодон! Марднинг қони ярқироқ бўлар  
Ўлжа тушган ашёлару олтинлардан ҳам.  
Данай қиличи қонатган Гектор манглайи  
Уни боққан Гекубанинг кўксидан кўркам.

(*Чўрига*)

Чиқиб айтгил, Валерия ташриф буюрсин,  
Биз ҳозирмиз уни кутиб олмоққа бу дам.  
Чўри чиқади.

В и р г и л и я

Эй осмон, паноҳингда асра эримни,  
Уни ёвуз Авфидийдан саломат сақла.

В о л у м н и я

Бизнинг Марцийга Авфидий писанга бўптими,  
Уни эзиб ташлар худди товони билан.

Валерия, Чўри ва қоровул киришади.

В а л е р и я

Хайрли кун, зоти шариф азизларим!

В о л у м н и я

Азиз Валерия!

В и р г и л и я

Сени кўрганимдан хурсандман.

В а л е р и я

Саломатмисизлар? Уй ишлари билан бандмисизлар?  
Ҳа, нима тикиясизлар? Вой, қандай чиройли кашта.

*(Виргилияга)*

Ўғлинг нечук?

В и р г и л и я

Ташаккур, у соппа-соғ.

В о л у м н и я

У ўқишдан ҳам кўра, қиличга тикилиб, ноғора тинг-  
лашни хуш кўради.

В а л е р и я

Демак, дадасига тортибди. Худо ҳақи, у ажойиб бола.  
Йўқ, тўғриси, чоршанба куни мен ярим соатча уни кузат-  
дим: у шундоқ қатъиятлики, ҳайрон қоласан! У олтин ка-  
палакнинг изидан тушди: тутади, кўйворади, қувлайди,  
тутади, кўйворади, қувлайди. Бир пайт йиқилиб тушиб,  
жаҳли чиқди. Шунданми ёки бошқа сабабданми, билма-  
дим, тишларини - мана шундоқ!-қилиб қисди ва қапа-  
лакни бурда-бурда қилиб ташлади. Оҳ, унинг бурдала-  
шини кўрсангиз эди!

В о л у м н и я

Худди дадасининг ўзи, жаҳли қўзғаганда, еру кўкни  
танаймайди.

В а л е р и я

Чиндан ҳам ажойиб бола.

В и р г и л и я

Фақат ўлгудек шўх.



В а л е р и я

Менга қара, тикишингни қўя тур. Чиқиб, жиндак сайр қилайлик.

В и р г и л и я

Йўқ, азизим Валерия, мен уйдан чиқмайман.

В а л е р и я

Чиқмайсан?

В о л у м н и я

Чиқади, чиқади.

В и р г и л и я

Йўқ, йўқ, қистама. Эрим урушдан қайтмагунча остона ҳатлаб, ташқари чиқмайман.

В а л е р и я

Қўйсанг-чи. Уззуқун уйда ўтириш ақлданмас-ку. Юра қол. Кейин дарди тутиб ётган бечора қўшнингдан ҳам хабар олишинг керак.

В и р г и л и я

Дуоларим ижобат бўлиб, илоё, тезроқ кўзи ёрисин, бироқ ҳозир хабар ололмайман.

В о л у м н и я

Марҳамат қилиб жавоб бер-чи: нима учун?

В и р г и л и я

Ҳар қалай, ялқовлигим ёки уни хуш кўрмаганим учунмас.

В а л е р и я

Сен иккинчи Пенелопа бўлмоқчисан, шекилли. Аммо айтишларича, Улисс йўқлигида унинг тўқиган матойи Ита-када куяни кўпайтирган экан, холос. Кетдик! Афсуски,

матойингнинг жони ширин эмас, бармоқларингдек нозик эмас, йўқса, раҳм қилиб унга шунчалар нина санчмас эдинг. Тура қол энди. Сен биз билан боришинг керак.

В и р г и л и я

Йўқ, азизим Валерия, узр, мен боролмайман.

В а л е р и я

Бари бир боришингга тўғри келади: эринг тўғрисида хушxabарлар бор.

В и р г и л и я

Қўйсанг-чи! Дарров хушxabар келиб улгурармиди?

В а л е р и я

Ҳазилмас, рост гапиряпман. Тунда эрингдан хабар келди.

В и р г и л и я

Чинданми?

В а л е р и я

Чин ҳақиқат, бир сенатор айтиб қолди, мен эшитиб турдим. Вольсклар юриш бошлашпти, саркарда Коми-ний бир қисм қўшинларимиз билан улар устига бости-риб боришти, шу орада сенинг эринг ва Тит Ларций Ко-риолани ўраб олишпти. Улар тезда зафар қозонамиз ва уруш тугайди, деб ишонишяпти. Ўлай агар, бу рост гап. Хўш, энди борасанми?

В и р г и л и я

Уруш тугасин, нима десанг, айтганингга кўнаман, аммо ҳозир - маъзур тутасан, азизим.

В о л у м н и я

Яхшиси, буни қўя тур, азизим, бугун бу кашталар биз-ни ғуссага чўктириб ўлдиради.

В а л е р и я

Ҳа, мен ҳам шундоқ деб ўйлайман. Хайр, азизим. Кет-  
дик, олийжаноб Волумния. Ўтинаман. Виргилия, тантана-  
вор қиёфангни тарк айла ва биз билан юра қол.

В и р г и л и я

Йўқ, чин сўзим шуки, мен боролмайман. Яхши сайр  
қилиб қайтинглар.

В а л е р и я

Хўш, бўлмаса, хайр.

*(Кетадилар.)*

Туртинчи саҳна

Кориола деворлари ёнида.

Ноғоралар ва байроқлар билан Марций, Тит Ларций, лаш-  
карбошилар киришади. Уларга қарама-қарши ёқдан чопар  
киради.

М а р ц и й

Жанг бўлибди, истасанг, мен гаров ўйнайман.

Л а р ц и й

Жанг бўлмаган, мен отимни тикаман.

М а р ц и й

Мен ҳам.

Л а р ц и й

Келишдик.

М а р ц и й

*(Чопарга)*

Хўш, саркардамиз жангга кирдими?

Ч о п а р

Қўшинлар юзма-юз, лекин кутишяпти.

Л а р ц и й

Отинг менга ўтди.

М а р ц и й

Уни сотиб оламан.

Л а р ц и й

Йўқ, мен уни сотмайман ва инъом этмайман.

Бироқ, роса элик йилга қарзга бераман.

Хўп, қамални бошлаймиз.

М а р ц и й

*(Чопарга)*

Эй, қўшинлар қайда?

Ч о п а р

Икки чақирим нарида.

М а р ц и й

Ҳа, бизнинг ҳайқириқ

Етиб борар ва ўшалар кўтарган сурон

Етиб келар экан бизга муқаррар. О, Марс,

Тилагимни ижобат қил, ёвни якбора

Яксон этиб, қонга ботган қиличлар билан

Мадад учун ёронларга етиб борайлик.

— Ҳе, карнайчи, қаёқдасан, карнайингни чал!

Музокарага чақириб, карнай чалишади. Қалъа девори устида  
икки сенатор ва жангчилар пайдо бўлишади.

Айтинг-чи, Тулл Авфидий Кориоладами?

## Б и р и н ч и с е н а т о р

Қўрғондамас у ҳам, унинг сафдошлари ҳам,  
Сиз на унга, на ўзгага қўрқинч эмассиз.

Шаҳарда ноғоралар чалинади.

Ноғоралар янграмоқда. Тинглаяпсизми?

Ёш-ялангни майдон сари этмоқда даъват.

Биз қўрғонда қамал бўлиб тургандан кўра,  
Деворларни бузиб-йиқиб ташлармиз дарҳол.

Қамиш билан боғлаганмиз дарвозаларни,  
Кўринишга фақат, ҳали очамиз яланг.

Ана, тингланг.

Жанг сурони эшитилади.

Шижоатли бизнинг Авфидий унда

Қирон солиб, тўзғитмоқда қўшинингизни.

## М а р ц и й

У ёқда жанг!..

## Л а р ц и й

Жанг сурони - бизга ишора.

Шотиларни келтирингиз, ўтмасин фурсат.

Қўрғондан сездирмай чиққан вольсклар пайдо бўлишади.

## М а р ц и й

Улар чиқишибди: азму жасорат айлаб.

Юракларни қалқон билан тўсингиз, лекин

Қалқондан ҳам мустаҳкамроқ бўлсин юраклар!

Тит, олға бос! Ёвнинг бизга нафрати аён.

Ғазаб мени ёндирмоқда. Дўстлар, дадилроқ!

Ким чекинса, уни вольск деб ҳисоб этаман,

Шамширимга ем қиламан, хароб этаман.

Жанг. Римликлар чекинишади.

Жанубнинг бор маразлари ёғилсин сизга,

Рим шаънини оёқ ости қилган қўрқоқлар!

Яра-йиринг қошлаб олсин вужудингизни,  
Турқингиздан ҳазар қилсин ҳар бир йўловчи.  
Бир чақирим наридан ҳам эсганда шамол,  
Ярангизни юқтирсин у бир-бирингизга!  
Сувратда сиз - одамсизу сийратда - чумчуқ,  
Ҳей, сиз нечун қочмоқдасиз, ҳатто маймунлар  
Назар-писанд қилмайдиган манов қулардан?  
Эвоҳ, қонга беланибди елкангиз фақат.  
Манглайингиз эса қўрқув балосидан - бўз.  
Ҳей, орқага қайтинг! Ёки фалакка қасам!-  
Ёвни қўйиб, сизни тилка-пора этаман.  
Ҳей, ортимдан! Бизни улар сургандек жарга,  
Биз уларни суражакмиз хотинларига!  
Жанг қайта бошланади. Вольсклар Кориолага чекинишади.  
Марций уларни шаҳар дарвозасигача таъқиб этиб боради.  
Дарвоза ланг очиқ? Фурсат кетмасин қўлдан.  
Қисмат уни қочоқларга очмаган, бизга -  
Голибларга очган. Олға, менинг ортимдан!

*(Шаҳарга киради.)*

Б и р и н ч и ж а н г ч и

Йўқ, эсимни емаганман: кирмайман!

И к к и н ч и ж а н г ч и

Мен ҳам.

Дарвоза бекила бошлайди.

Б и р и н ч и ж а н г ч и

Дарвозани ёпмоқдалар!

Жанг сурони босилмайди.

Ҳ а м м а

У адо бўлди.

Тит Ларций киради.

## Л а р ц и й

Марций қани?

## Ҳ а м м а

Шубҳа йўқки, у ўлдирилди.

## Б и р и н ч и ж а н г ч и

Ҳа, изма-из қувиб борди қочганларни у,  
Улар билан ичкарига кирди, ногаҳон-  
Дарвозани бекитдилар. Шаҳарга қарши  
Энди танҳо ўзи қолди.

## Л а р ц и й

О, жасур дўстим!  
Сен мустаҳкам эдинг олмос қиличингдан ҳам,  
У баъзида эгиларди, сен-чи - ҳеч қачон.  
Биз Марцийдан жудо бўлдик! Мусаффо гавҳар  
Сендек йирик бўлганда ҳам, мутлақо сенинг  
Баҳойингга тенг келмасди. Шавкатли Катон  
Сендек баҳодирни фақат орзу айлаган.  
Ёлғиз зарбанг билан қўрқинч эмас эдинг, йўқ,  
Салобатинг, гулдирақдай овозинг сенинг  
Душманларни тўзғитарди, тирқиратарди.  
Дунёларни чайқатарди...

Қонга ботган Марций қайтиб чиқади: ортидан душманлар  
таъқиб этишади.

## Б и р и н ч и ж а н г ч и

Тит, мана у!

## Л а р ц и й

Марций, менинг баҳодир дўстим!  
Қутқарамиз - ёки бирга ҳалок бўламиз!  
Жанг қила-қила, шаҳарга бостириб киришади.

## Бешинчи саҳна

Кориоладаги бир кўча. Ўлжа кўтариб, бир неча Рим аскарлари киришади.

### Б и р и н ч и р и м л и к

Манавини мен Римга олиб кетмоқчиман.

### И к к и н ч и р и м л и к

Мен эсам - манавини.

### У ч и н ч и р и м л и к

Вой, қуриб кет! Мен буни кумуш деб ўйлабман!

Узоқдан жанг сурони эшитилади. Марций ва Тит Ларций карнайчи билан киришади.

### М а р ц и й

Сен бу жангчиларга қара, уларга қиммат -  
Фурсат эмас, балки сариқ танга-чақалар.  
Жанг охирга етмаган-ку, бу мумсик қуллар  
Ёстиқ, қошиқ, темир-терсак, латта-путгани  
Жаллод кўшиб кўмадиган бало-баттарни  
Устларига ортишибди қаватма-қават.  
Қани энди, битта қўймай қирсанг уларни!  
У ёқдаги суронни ҳеч тинглаяпсанми?  
Солишмоқда ғаним билан бизнинг саркарда.  
Ўша ёққа ошиқайлик! Рим мардларини  
Унда қонга ботирмоқда ёвуз Авфидий.  
Сен, баҳодир Тит, бир гуруҳ жангчиларни ол  
Ва шаҳарни сабот билан қўлда тутиб тур,  
Мен жамики жасурларни жам этиб ҳозир,  
Ёрдам учун Коминийга боришим зарур.

### Л а р ц и й

Азиз дўстим, бошдан-оёқ қонга ботгансан,  
Ҳа, бугунги ҳарбу зарбинг бўлмади осон.  
Яна жангга кириш сенга шартмас.



## М а р ц и й

Мақтама.

Мен айтарлик ҳали ёниб қизишмаганман,  
Қоним оққан экан, бунинг ҳеч зиёни йўқ,  
Фойдаси бор. Авфидийга қарши шу алвон -  
Қиёфада ҳозир бўлиб, жангга кираман.  
Хайр.

## Л а р ц и й

Сени ёрлақасин гўзал илоҳа,  
Қисмат сенга меҳр қўйиб, жодуси билан -  
Душманларинг қиличини титроққа солсин,  
Омад сенга садоқатли қул бўлиб қолсин.

## М а р ц и й

Илоҳанинг меҳри тушсин сенга ҳам. Хайр!

## Л а р ц и й

О, Марций, баҳодирлар ичра баҳодир!

Марций кетади.

## *(Карнайчига)*

Бор, майдонга чиқиб, ҳозир карнайингни чал,  
Шаҳар аъёнларин чорла, бир жойга жамла.  
Мен уларга иродамиз айтаман. Жўна!

## *(Кетишади.)*

## Олтинчи саҳна

Коминий қароргоҳи.

Коминий қўшинлари билан киради. Улар чекинмоқдалар.

## К о м и н и й

Дўстлар, бир оз дам олингиз. Римликларга хос  
Жанг қилдингиз-тошиқмасдан, телбаланмасдан,  
Чекинишда - чекиндингиз ваҳималарсиз.

Бизни янги ҳужум кутар, менга ишонинг,  
Биз ёв билан савашаркан, эшитиб турдик  
У ёқдаги дўстларимиз нидоларини.  
- О, Рим Тангрилари, бизни ёрлақанг, токим,  
Икки қўшин зафар чоғи қурбонлик билан  
Сизни хуррам-шод этайлик,  
Чопар киради.

Нечук хабарлар?

### Ч о п а р

Кориоаликлар бирдан ҳужумга ўтиб  
Ларций билан Марцийга чанг-човут солдилар  
Ҳам уларни ҳандақларга сурдилар, кўрдим  
Ва бу ёққа чопавердим.

### К о м и н и й

Эҳтимол чиндир -  
Айтганларинг, бироқ менга ёқмас мутлақо  
Хўш, бу қачон бўлди?

### Ч о п а р

Роса бир соат бурун.

### К о м и н и й

Ноғоралар эшитилар, бундан чиқдики,  
Масофамиз бир чақирим, ундан кўп эмас.  
Нега ҳаялладинг?

### Ч о п а р

Душман пойлоқчилари  
Қувиб қолди мени, шунда роса айланиб,  
Мен қарийб тўрт чақирим йўл босиб келдим,  
Бўлмаса-ку, етар эдим ярим соатда.

Марций киради.

## К о м и н и й

Бошдан-оёқ қонга ботиб келаётган ким?  
Терисини тамом шилиб олмишлар магар.  
О, Тангрилар, у Марцийга ўхшар нақадар!  
О, нималар кўряпман?

## М а р ц и й

Кечикмадимми?

## К о м и н и й

Гулдиракнинг садосию сурнай сасини  
Чўпон баъзан адаштириб кўяр эҳтимол.  
Мен Марцийнинг овозини минглаб товушдан  
Дарҳол ажратаман.

## М а р ц и й

Хўш, мен кечикмадимми?

## К о м у н и й

Йўқ, агарда ботган эсанг ўз қонингтамас,  
Ёв қонига.

## М а р ц и й

Ижозат бер сени қучмоққа  
Бир замонлар тўй кечаси никоҳ шамлари  
Пирпираркан, келинчакни қучганим каби.

## К о м и н и й

Ботирларнинг ботири, айт, Тит Ларций қани?

## М а р ц и й

Кориола қўрғонида ҳукм юритар:  
Бировларни қатл қилар, бошқани қувғин.  
Бировларни афв этар, бошқага товон -  
Солар, хуллас, қўрқув ичра тутар ҳаммани.  
Римнинг иродаси билан ўжар шаҳарни  
Занжирдаги итдек тутиб турмоқдадир у.

## К о м и н и й

Ҳалигина ёв сизларни ҳандаққа томон.  
Сурди, деган у лаънати қулвачча қани?  
Қани ўша? Чақирингиз!

## М а р ц и й

Қўятур уни.  
У рост айтган. Зодагонлар солишди фақат,  
Кўзи оққур авом эса қочди ортига.  
Шундайларга берилади тагин воизлар  
Ўзларига ўшаш ўша пасткаш тўдадан!  
Улар шундай қочишдики, бирорта сичқон  
Бу тариқа қочмагандир бирор мушукдан.

## К о м и н и й

Қандай қилиб, яна голиб келдингиз?

## М а р ц и й

Ҳозир  
Ҳикоятлар мавридими? Мавриди эмас.  
Душман қани? Кимга қолди маърака-майдон?  
Душмангами? Унда нега солишмаяпсиз?

## К о м и н и й

Талафотлар кўриб, ортга чекиндик, Марций,  
Сўнг солишиб, соҳиб зафар бўламиз лекин.

## М а р ц и й

Ёв сафлари қай тартибда жойлашган? Унинг  
Қайда энг зўр жангчилари?

## К о м и н и й

Мен билишимча,  
Анцийлардир - душманимиз илфор гуруҳи,  
Ўша илфор бутун бошли қўшинга таянч,  
Авфидий ҳам ўша ерда.

## М а р ц и й

Сендан сўрайман.

Ёлбораман бирга чопган майдонлар ҳақи,  
Қонлар ҳақи, жанглар ҳақи, суронлар ҳақи,  
Дўстлигимиз, қасамимиз ҳақи сўрайман,  
Ижозат бер менга, зеро ўтмасин фурсат,  
Авфидийнинг анцийларин урай мен ўзим!  
Ҳаволарни кессин яна қилич, найзалар,  
Яна бир бор толеимиз синаб кўрайлик.

## К о м и н и й

Истардимки, жароҳатинг ювиб ҳаммомда,  
Малҳам суриб, муолажа этсалар, лекин  
Шундоқ, ўтинч айладинги, рад этиш қийин.  
Жангчиларни саралаб ол.

## М а р ц и й

Мен билан борур  
Кимки, ўз ихтиёри-ла майдонга ҳозир.

*(Қўшинга қараб)*

Орангизда шундай бир мард бор бўлса агар,  
(У бор, уни йўқ деб айтиш гуноҳи азим),  
Менинг алвон қиёфамни кўриб кимда-ким  
Хурсанд бўлса, кимки қонли хавфу хатарни  
Афзал билса ҳақирликдан, шарафсизликдан,  
Мазаллатдан аъло билса кимки ўлимни,  
Ким ватанни ҳаётдан ҳам устун санаса,-  
Балки ёлғиз битгадир у, балки барчадир  
Қиличини боши узра кўтарсин баланд,  
Бораман, деб майдон сари Марций ортидан.

*(Шамширини яланғочлайди.)*

Қичқириклар. Жангчилар қиличларини силкитиб, дубулғаларини ҳавога отишади, Марцийни қўлда кўтар-кўтар қилишади.

Бас! Мен қилич эмасманки, тутсангиз маҳкам.  
Гар мақтанчоқ бўлмасангиз, авзойингиздан,  
Ҳар бирингиз тўрт душманга татийсиз, яна  
Солишмоққа шайсиз ўша Авфидий билан.  
Ҳаммангизга мен ташаккур айтсам-да гарчанд,  
Орангиздан айримларни танлаб оламан.  
Қолганларга бошқа жангда, толе буюрса,  
Иш топилар ҳали. Қани, жангга кирайлик!  
Менга кимлар ҳамроҳ бўлар - уларни ҳозир  
Тўрт азамат орангиздан танласин.

### К о м и н и й

Олға!  
Ботир бўлиб майдонда бонг урсангиз агар,  
Шон-шавкатда бўлажаксиз бизга баробар.

*(Кетадилар.)*

### Еттинчи саҳна

Кориола дарвозаси олдида.

Тит Ларций шаҳар муҳофазаси учун отряд қолдириб, ноғоралар ва карнайлар садоси остида Коминий ва Кай Марцийга ёрдамга шошилмоқда. Йўлбошловчи ва жангчилар унга ҳамроҳ бўлиб чиқадилар. Лашкарбоши уларни кузатиб қолади.

### Л а р ц и й

*(Лашкарбошига)*

Қаттиқ туриб қўриқлагин дарвозаларни.  
Фармонимни аниқ бажар, айласам хабар,  
Мадад учун йўлла бир саф ҳарбийларингни.  
Қолганлари билан бунда маҳкам тургайсан.  
Жангда ютқизсак, шаҳардан чиқиб кетамиз.

### Л а ш к а р б о ш и

Ҳаммасини айтганингдек айлагум бажо.

## Л а р ц и й

Дарвозани бекитиб ол биз чиққандан сўнг!-  
Йўлбошловчи, қани, бошла римликлар томон.

*(Кетишади.)*

## Саккизинчи саҳна

Римликлар ва вольск қароргоҳлари ўртасидаги жанг майдони.  
Жанг сурони. Икки ёқдан Марций ва Авфидий кирадилар.

## М а р ц и й

Мен сен билан солишаман яккама-якка,  
Сен муртадсан менга ҳатто қасамхўрдан ҳам.

## А в ф и д и й

Сен ҳам менга жирканчлардан жирканчсан ўша  
Қаҳру захринг билан, шону шуҳратинг билан.  
Африканинг илонидан батгарсан. Шайлан!

## М а р ц и й

Биринчи бўб ким чекинса, ўшанга лаънат,  
Ва ғолибга бўйин эгиб, қул бўлсин ўша.

## А в ф и д и й

Агар қочсам майли, този бўлиб қувала.

## М а р ц и й

Кориолага бундан роса уч соат бурун  
Танҳо ўзим ёриб кириб, қилдим қиёмат.  
Қара, бошдан-оёқ қонга ботганман, аммо  
Меникимас бу қон... Ҳа-ҳа, қувват йиғ, қувват.  
Қасос учун.

## А в ф и д и й

Агарда сен Гектор бўлсанг ҳам,  
Ёки унинг бир мақтанчоқ зурёди - тамом,  
Мендан қочиб қутулишинг энди даргумон...

Жанг қиладилар. Бир неча вольсклар Авфидийга ёрдамга  
отиладилар. Марций уларни улоқтириб ташлайди.

Хушомадгўй қўрқоқлар! Бу ишингиз билан  
Номусларга ўлдирдингиз. Йўқолинг ҳамманг!

Жанг қила-қила кетишади.

## Тўққизинчи саҳна

Жанг сурони. Карнайлар тинимга чорлайди. Бир томондан  
Коминий ва римликлар, иккинчи ёқдан - бир қўлини боғлаб  
олган Марций ўз отряди билан киради.

## К о м и н и й

Сенинг бутун майдон аро матонатингни  
Айтиб берсам, ишонмайсан ўзинг ҳам балким.  
Яхшиси, мен ёзиб, Римга йўллай ҳисобот,  
Сенаторлар севинчидан кўзга ёш олиб  
Роҳатланиб, жилмайганча ўқиб чиқишсин,  
Зодагонлар аввал ҳайрон, сўнгра шод бўлсин  
Нафас ютиб, қулоқ тутсин хотинлари ҳам,  
Токи сенга фаним бўлган нодон воизлар  
Ваъз айтаркан, эътирофга бўлишсин мажбур,  
"Римнинг ҳимоячиси бор, Худога шукур!"  
Аммоки, сен зиёфатга келгансан тўйиб,  
Боз устига, у охираб қолган паллада.

Душманни таъқиб этиб қайтган Тит Ларций ўз қўшини  
билан киради.

## Л а р ц и й

*(Марцийни кўрсатиб)*

О, саркарда мана, асл, жангари тулпор,  
Бизлар фақат ёпинчиқ. Оҳ, кўрсайдинг агар...



## М а р ц и й

Ўтинаман сендан, жим бўл! Ҳаттоки онам  
Мақтар экан (у ўглини мақташи жоиз),  
Тингламасдим, эшитмоққа етмасди чидам.  
Неки қилган бўлсам фақат ватан деб қилдим.  
Жондан кечиб, майдонда жанг қилган ҳар кимса  
Менинг билан баб-баравар.

## К о м и н и й

Йўқ, сен ҳеч қачон  
Хизматларинг қабристонни бўлмагайсан: Рим  
Билиб қўйсин ўғлонлари шижоатини.  
Пинҳон тутиб сенинг азму жасоратингни,  
Сен ўзингни четга олмоқ бўласан, гарчанд  
Мақтовлардан балаңдсан, лек матонатингни  
Гапирмаслик, биласанми, нима деган гап?  
Бу жиноят, ахир, яна ўйлаб қарасанг,  
Ўғирликдан баттар, ҳатто хиёнатга тенг.  
Шунинг учун жангчиларга сўзлар эканман -  
Таърифингни, буни оддий мукофот эмас,  
Хизматларинг баҳоси, деб қабул қилгайсан.

## М а р ц и й

Ярадорман. Яна оғриб-ёнмасин десанг,  
Эсга солма ўшаларни.

## К о м и н и й

Эсламоқ зарур.  
Йўқса, кўрнамаклик тиғи тирнаб уларни,  
Ажал-ўлим босар охир-оқибат муҳр.  
Ўлжа тушган бедовлардан (улар оз эмас),  
Яна жангда ва шаҳарда бизнинг қўлларга  
Тушган бойлик-хазинанинг ўндан бирини  
Сенга инъом сифатида тортиқ этамиз,  
Уни умум тақсимотдан соқит этамиз.  
Истаганингни ол, Марций.

## М а р ц и й

Раҳмат, саркарда,  
Лекин шамширимнинг иши, амали учун  
Ҳақ олишни садоқатли, кўнглим истамас.  
Менга жангда жавлон урган жонлар қатори  
Бир одатий улуш магар ажратилса, бас.

Карнайлар давомли янграйди. Ҳамма дубулға ва найзаларни  
ҳавога отиб: "Марций, Марций!" деб қичқиради. Коминий ва  
Ларций бош кийимларини ечадилар.

Ҳей, булғанган карнайларнинг овози ўчсин!  
Жанггоҳдаки тингларканмиз шундоқ хушомад,  
Бундан чиқди, саройларда ва шаҳарларда  
Чучмал риёкорлар бизга дуч келар фақат.  
Гар пўлатки сарой аҳли кийган ипақдан  
Юмшоқ тортса, демак, қурол-аслаҳа бекор.  
Бас! Наҳотки, юзларимга сачраган қонни  
Ювмаганим ва ё беҳол уч-тўрт шўрликни  
Маҳв этганим учун, яъни жаҳду жадалим  
Бир номаълум жангчи қадар бўлмаса ҳамки,  
Мени шундоқ мақтовларга этасиз дучор?  
Ё бўлмасам, шу арзимас ишга хушомад  
Суркаларкан, уни чайнаб ютишим ғоят -  
Лаззатли деб ўйлайсизми?

## К о м и н и й

Камтарсан беҳад.  
Ва ўз шону шуҳратинга жуда бағритош.  
Биз ҳақ гапни айтсак, қаҳру ғазаб қиласан.  
Ўз-ўзингни таҳқирлашни қўймас экансан,  
То ўзинга етказмагил дея бир зиён  
Ва бемалол гаплашишга бўлсин деб имкон,  
Бир жиннидек қўлларинга кишан соламиз,  
Хуллас, гапим ҳаммангизга етсин баралла,  
Бугун жангда Марций гултож қозонди тўла.  
Шу эҳтиром нишонаси ўлароқ отим,

Ҳар бир жангчи танийдирган асл тулпорим  
Ўтар унга бутун эгар-жабдуғи ила,  
Яна шунга бир қўшимча, бугундан бошлаб,  
Кориолада кўрсатган зўр хизматлари-чун  
Кориолан, деган ном ҳам берилар унга.  
Жангчилар, бир ҳайқирингиз, бу номни Марций  
Баланд тутсин ҳамишалик доврўғи билан!

Карнайлар ва ноғоралар янграйди.

### Ҳ а м м а

Кориолан - Кай Марций!

### К о р и о л а н

Мен бўлмаса, борай,  
Юз-бетимни ювай, сўнгра қараб кўрай-чи,  
Шунда маълум бўлар: магар қизармадимми?  
Не бўлмасин, чин юракдан раҳмат айтаман  
Ҳаммангизга.

*(Коминийга)*

Ва отни ҳам қабул қиламан.  
Берилган бу номни доим тутаман баланд,  
Гард қўндирмай, дубулғамнинг гултожи монанд.

### К о м и н и й

Хўп, чодирга кирайлик ва зафар ҳақида  
Римга мактуб ёзиб, бирпас олайлик ором.  
Тит Ларций, сен қайтиб боргил Кориолага  
Саркардаларини Римга жўнатким, улар  
Икки ёққа манфаатли битим тузгайлар.

### Л а р ц и й

Бажо этгум.

### К о р и о л а н

Афтидан, у қодир Тангрилар  
Меңдан кулишмоқда. Бундан бир нафас олдин

Мен шоҳона инъомларни рад этдим, лекин  
Саркардадан ўтинмоққа энди мажбурман.

К о м и н и й

Не истайсан? Аввал - бошдан розиман, сўра.

К о р и о л а н

Бир айёмлар бир камбағал бечора менга  
Кўрсатмишди Кориолада меҳмоннавозлик.  
Бугун ногоҳ кўриб қолдим, асир тушибди,  
Менга боқиб не алпозда нидо қилди у.  
Бироқ шу он Авфидийга кўзим тушдию  
Раҳму шафқат ўрнин ғазаб эгаллаб олди.  
Ўтинчим шу, асирликдан озод қил уни.

К о м и н и й

Олийжаноб ўтинч экан ўтинчинг, Марций!  
Мабодо ўғлим қотили бўлганида ҳам,  
Озод қилар эдим уни, чекмасдим алам.  
Ларций, бажо айла.

Л а р ц и й

Марций, оти нимади?

К о р и о л а н

Унутибман, Юпитерга қасам ичаман,  
Хотирамни хира этмиш ҳорфинлик тамом.  
Ҳа, бу ерда бир оз шароб топиладими?

К о м и н и й

Қани, чодирга юр. Аввал ювинмоқ даркор.  
Қатра-қатра бўлиб қотмиш юзингда қонлар,  
Ярангни ҳам боғлаш керак. Қани, юра қол.

*(Кетадилар.)*

## Унинчи саҳна

Вольсклар қароргоҳи.

Карнайлар ва бурғулар чалинади. Қонга ботган Тулл Авфидий киради. Унга бир неча жангчилар ҳамроҳ.

А в ф и д и й

Шаҳар қўлдан кетди.

Б и р и н ч и ж а н г ч и

Яна қайтади бизга  
Манфаатли шартлар билан.

А в ф и д и й

Шартларга кўра!  
Бир вольск бўлиб, ўз эркимча яшай олмасам,  
Бундан кейин, майли, римлик бўлайин мен ҳам.  
Шартлар эмиш! Қандай шартлар бўлиши мумкин  
Майдон аро енгилганлар, мағлублар учун!  
Роса беш бор солишдим мен, Марций, сен билан,  
Беш бора ҳам абгор бўлиб, енгилдим дилхун.  
Яна неча учрашмайлик, саваш этмайлик,  
Тағин шунча енгилишим муқаррар, тайин.  
Мен самовий қудратларга қасам ичаман,  
Эндиги гал ўлдираман ёки ўламан.  
Ҳазабимда йўқ аввалги олийжаноблик.  
Мен Марцийни аввал жангда енгмоқ истардим.  
Энди қудрат билан эмас, куч билан эмас,  
Макру ҳийла билан уни синдираман, бас.

Б и р и н ч и ж а н г ч и

У шайтоннинг ўзи-ку!

А в ф и д и й

Ҳа, шайтондек жасур,  
Аммо ундан айёр эмас ҳийлакор эмас.  
Шавкатимга шармандалиқ тамғасин босди,

Ўз-ўзимдан воз кечаман, қандай бўлмасин:  
Яланғочми, хастами, ё ухлоқми, уйғоқ,  
Қайда пайдо бўлмасин у: бутхонадами,  
Капитолийдами ёки меҳроб олдида,  
Ё қурбонлик соатида ёки саждада.  
Ўша қаҳру ғазаб ҳисси пасайган палла,-  
Ҳеч қандай бир одат, ҳеч бир занглаган қонун  
Менинг унга душманлигим тўсолмас зарра.  
Ҳаттоки, ўз бузрукворим - отам уйида  
Туғишган ўз оғам унга қалқон бўлса ҳам,  
Яксон этиб меҳмондўстлик таомилини,  
Юрагини кўкрагидан узмагунча то,  
Тинчимасман, юрагимда босилмас алам.  
Зудлик билан Кориолага бориб, аниқланг -  
Не қарорга келмиш улар ва гаров қилиб,  
Кимларни Рим сари энди жўнатмоқчилар.

Б и р и н ч и ж а н г ч и

Ўзинг қайга бормоқчисан?

А в ф и д и й

Жўнайман ҳозир  
Шаҳар тегирмонларидан қуйи сарвзорларга,  
Неча биродарлар мени кутишар унда.  
Ўша ёққа хабар еткиз, сени кутаман,  
Токи, билай не қилишим.

Б и р и н ч и ж а н г ч и

Бажо этаман.

(Кетадилар.)

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Рим. Майдон.

Менений ва халқ воизлари Сициний ва Брут кирадилар.

М е н е н и й

Коҳиндан эшитдим, кечга яқин хабарлар етиб қолади.

Б р у т

Қандай хабарлар?

М е н е н и й

Ҳар қалай, халойиққа манзур тушадиган хабарлар эмас, ахир, у Марцийни хуш кўрмайди-ку.

С и ц и н и й

Бунинг ҳайрон қоладиган ери йўқ; кимнинг дўст ёки дўст эмаслигини йиртқич ҳайвон ҳам билади.

М е н е н и й

Марҳамат қилиб, менга айт-чи, бўри нимани хуш кўради?

С и ц и н и й

Қўзичоқни.

М е н е н и й

Баракалла, еб-ямлаш учун уни хуш кўради, очикқан оломон ҳам олийжаноб Марцийни худди ўша қўзичоқдек ямламай ютсам, дейди.

Б р у т

Ҳа, Марций деганинг қўзичоқнинг худди ўзи, фақат айиққа ўхшаб маърайди, холос.

М е н е н и й

Айиқ деганингча бор, лекин қўйдек ҳаёт кечиради. Мана, иккингиз ҳам кексайиб қолган кишиларсиз. Менинг бир саволимга жавоб бермайсизми?

В о и з л а р

Сўрай қол.

М е н е н и й

Марцийда бўлиб, сизда бўлмаган бирор қусурнинг номини айта оласизми?

Б р у т

Унда бўлмаган қусурнинг ўзи йўқ; истаганча бижғиб ётибди.

С и ц и н и й

Айниқса, такаббурлик.

Б р у т

Мақтанчоқлик ундан ҳам кўпроқ.

М е н е н и й

Гапларингиз ғалати. Хўп, ўзингиз тўғрингизда шаҳарда - албатта, ҳамма эмас, биздек кибор кишилар орасида - қандай гаплар юриши сизларга маълумми? Хўш, маълумми?

В о и з л а р

Хўш, қандай гаплар экан?

М е н е н и й

Сиз ҳалигина такаббурлик ҳақида сўзладингиз... Айтсам, ранжимайсизми?

В о и з л а р

Йўқ-йўқ, давом этавер.



## М е н е н и й

Ҳа, мабодо хафа бўлсангиз ҳам, зиёни йўқ: ахир, ар-зимаган нарсага ҳам куйиб-пиша берасиз-ку. Шундоқ экан, ўзингизни қўйиб беринг ва истаганча аччиқланаверинг. Хуллас, сиз Марцийни такаббур деб, таъна қиласиз, шундоқми?

## Б р у т

Ёлғиз биз эмас.

## М е н е н и й

Биламан, ёлғиз икковингиз ҳеч нарсага арзимайсиз. Аммо ёрдамчиларингиз ҳамин қадар: улар бўлмаганда-ку ҳар қадамда масхара бўлишингиз турган гап эди. Ақлингиз - ёш боланинг ақлидек, ёлғиз икковингиз кўп иш қилолмайсиз. Бироқ, ўзингизга бир назар солиб, ўз-ўзингизни бир томоша қилсангиз, ёмон бўлмасди. Ҳа, ёмон бўлмасди!

## Б р у т

Хўш, унда биз нималарни кўрардик?

## М е н е н и й

Бир жуфт ярамас, кеккайган, безбет, ўжар воизни - жўнгина қилиб айтганда, Рим ҳали ўз тарихида кўрмаган бир жуфт аҳмоқни кўрган бўлардингиз.

## С и ц и н и й

Биз ҳам сени биламиз, Менений.

## М е н е н и й

Ҳа, мени, илитилган, аммо бир қатра ҳам Тибр суви қўшилмаган бир қадаҳ майни симиришдан тап тортмайдиган аслзодаларнинг энг хушчақчағи деб билишади. Гадойнинг дийдиёсидан ўпкаси тўлади, чақмоқтошнинг пилигидек дарров ўт олади, тонгнинг аврасидан ҳам кўра,

туннинг астари билан кўпроқ танишлиги бор, деб менга маломат қилишади, холос. Мен ичимда гина-кудурат сақламайман: дилимдаги тилимда. Хўш, борингки, сиздек иккита давлат арбобини учратиб қолган эканман (сизни ликурглар деб атаб бўлмайди, албатта!) ва сиз тутган косадан кўнглим айниётган экан, торгинмай, бемалол афтимни буриштиравераман. Сўзингизнинг ҳар бир оҳангидан эшшак ҳанграши эшитилиб тураркан, жаноблар, сиз оқилона сўзлаясиз, деб эътироф этишим қийин. Бошқалар сизни обрўли ва жиддий кишилар деб аташаркан, жим тураман, лекин улар юзингиздан самимият ёғилиб туради, дейишса, буни қип-қизил ёлғон, деб айтаман. Булар, албатта, сизга юриш-туришимдан аён, аммо бундан, сиз мени яхши биласиз, дейиш тўғри бўлармикин? Сўқир заковатингиз билан менда нечук қусурлар кўрдингизким, сени яхши биламиз, деб шунчалар кўкрак керасиз?

### Б р у т

Сен нима десанг, деявер, бари бир биз сени яхши биламиз.

### М е н е н и й

Сиз мени ҳам, ўзингизни ҳам ва умуман, бошқа бирор нарсани ҳам билмайсиз. Ҳар қандай жулдурвоқининг қаршингизда эгилишидан хурсанд бўласиз. Апельсин сотувчи хотин билан майхона эгасининг жанжалини уззукун муҳокама қилиб, арзимаган баҳона билан эртага қолдирасиз. Даъвогарларни тинглаётганда қорнингиз санчиб қолса борми, юзингиз масхарабоз башарасидек бужмайиб кетади, сабрингиз чидамай, бақириб-чақириб ўзингизга тувак талаб қиласиз, ишни тағин ҳам чувалаштириб, жуфтакни ростлайсиз. Сизнинг даъвогарларни келиштириш усулингиз битта: айбсизни ҳам, айбдорни ҳам бирдек мутгаҳам деб ҳақоратлаш, вассалом. Нимасини айтмай, жуда ҳам антиқа улфатларсиз-да!

## Б р у т

Етар, бас, дастурхон устида маҳмадоналигинг бизга маълум, аммо Капитолийда - бу ҳунаринг кетмайди.

## М е н е н и й

Сиз бедаволарни бот-бот учратганда борми, ҳаттоки ўша қоҳинлар ҳам кулишга ўрганган бўларди. Сиз ирод этган энг аъло нутқлардан ҳам соқолингизнинг силкиниши маънолироқ туюлади, гарчи ўша соқолингиз учун тикувчининг болиши ҳам, эшакнинг тўқими ҳам ҳайф. Тагин сиз Марций такаббур деб шикоят қиласиз! Ахир у, энг камида ўша Девкалиондан бошланиб, тузукроқлари отамерос жаллод бўлиб ўтган барча аждодларингиздан баланд туради. Хўп, омадингизни берсин, сиздек фуқаро пешволари билан гапни чўзавериш мияни ахлатга тўлдиради. Бас, хайр-маъзуримни қабул қилаверинг.

Брут ва Сициний саҳнанинг ичкарасига чекинадилар. Волумния, Виргилия, Валерия киришади.

Хўш, нима гап, оймўма бўлиб ерга қўнган гўзал, олийжаноб ва мусаффо санамларим? Бесабр нигоҳингизни қаёқларга тиккансиз?

## В о л у м н и я

Муҳтарам Менений, ўғлим Марций Римга яқинлашиб келяпти. Ўтинаман, бизни йўлдан қўйма.

## М е н е н и й

Нима? Марций қайтяпти?

## В о л у м н и я

Ҳа, муҳтарам Менений, у буюк шон-шухрат қучиб қайтяпти.

## М е н е н и й

*(Қалпоғини ҳавога отиб)*

Менинг қалпоғим ва менинг шукронамни қабул эт, Юпитер! Наҳотки, чиндан ҳам Марций қайтаётган бўлса?

## В и р г и л и я в а В а л е р и я

Ҳа-ҳа, чиндан ҳам.

### В о л у м н и я

Кўряпсанми, манави, унинг менга ёзган хати, бошқаси - сенатга, учинчиси - сенга, ҳа, унинг мактуби сени уйингда кутиб турипти.

### М е н е н и й

Ўҳ-хў, бугун менинг уйимда ҳамма рақсга тушадиган бўпти. Менга мактуб йўллагани ростмикин?

### В и р г и л и я

Ишонавер, ўз кўзим билан кўрдим.

### М е н е н и й

Менга мактуб! У менинг соғлиғимни роса етти йилга мустаҳкамлайди ва мен табибимнинг бурнини ерга ишқайман. Бундоқ мўъжиза қаршисида Жолинуслинг энг асл дориси ҳам сариқ чақа, ёки нари борса, отларнинг ичагини ювадиган сургининг худди ўзи. Ҳа, дарвоқе, Марций яраланганми? У уйга ҳеч қачон бешикаст қайтмаган.

### В и р г и л и я

Оҳ, йўқ, йўқ!

### В о л у м н и я

Албатта яраланган ва бунинг учун мен Тангриларга шукрона айтаман.

### М е н е н и й

Агар яралари оғир бўлмаса, мен ҳам Тангриларга шукур дейман. Ҳа, яралар унга ярашади. Хуллас, ғалаба унинг чўнтагида денг?

### В о л у м н и я

Йўқ, Менений, чўнтагидамас, манглайида. У Римга

учинчи бор гултож кийиб қайтяпти.

М е н е н и й

У Авфидийни яхшигина хирпалаган бўлса керак?

В о л у м н и я

Тит Ларцийнинг ёзишича, улар яккама-якка жанг қилишган, Авфидий қочган.

М е н е н и й

Номусимга онт ичиб айтаманки, у тўғри иш қилган. Ўз вақтида қочиб қолмаганда, Марций унинг шундоқ титигини чнқарардики, Кориола сандиқларида ётган ҳамма олтинларни берганда ҳам мен унинг ўрнида бўлишни истамасдим. Ҳа, сенат бу гаплардан хабардорми?

В о л у м н и я

Юринг, азизларим. (Мененийга.) Ҳа-ҳа. Сенат саркарда Коминийдан мактуб олди. Унинг ёзишича, юришда қозонилган шон-шухратнинг ҳаммаси менинг ўғлимга тегиш. Бу галгиси унинг олдинги жасоратларидан ҳам ошиб тушган.

В а л е р и я

Дарҳақиқат, унинг ишларини мўъжиза, деб айтмоқдалар.

М е н е н и й

Мўъжиза? Уларнинг чин мўъжиза эканлигига мен кафилман.

В и р г и л и я

Чинлигини Худолар ёрлақасин!

В о л у м н и я

Чинлигини? Ким уларни чин эмас, дейди!

## М е н е н и й

Чинлигимми? Мен қасам ичаман. - Хўш, у қаеридан яраланган. (Унга яна яқинлашган воизларга қараб) Салом, мухтарам зотлар! Марций қайтыпти-ку, энди унинг яна ҳам димоғдор бўлишига асослари бор. (Волумнияга) Хўш, у қаеридан яраланган?

## В о л у м н и я

Елкасидан ва чап қўлидан. Энди у консуликни доветиб, халққа кўрсатса, арзигулик чандиқлари бор. Тарквиний босқинини даф этишганда, Марций етти жойидан яраланган эди.

## М е н е н и й

Битта - бўйнидан, иккита - сонидан. Жами тўққизта эди шекилли.

## В о л у м н и я

Манави юришгача унинг йигирма бешта яраси бор эди.

## М е н е н и й

Демак, улар энди йигирма еттитага етибди. - Ҳар битта яраси - битта душманга қабр.

Саҳна ортида қичқириқлар ва карнайлар садоси.

Эшитяпсизми? Карнайлар!

## В о л у м н и я

Бу Марцийдан мужда. Чунки ҳар бир қадамда Қувонч кутиб, кузатади уни кўз ёши.

Қўлларида ўлим руҳи топмиш тажассум,  
Бир силтаса бўлди - тутдай тўкилар ғаним.

Карнайлар садоси.

Коминий ва Тит Ларций, улар ўртасида бошига эман бутогидан гултож кийган Кориолан, уларнинг ортидан лашкарбошилар, жангчилар ва жарчи киради.

## Ж а р ч и

Рим, эшитгил, Кориоланинг дарвозасини  
Мардлик билан танҳо ўзи очди Кай Марций.  
Шунинг учун аввалги қўш номи устига  
Кориолан, деб учинчи бир номни олди у.  
Хуш келибсан, Кориолан!

Карнайлар чалинади.

## Ҳ а м м а

Хуш келибсан, Кориолан!

## К о р и о л а н

Бас, етарли! Бу нарсалар менга ёқмайди. Ўтинаман...

## К о м и н и й

Ана, онанг келяпти.

## К о р и о л а н

О!

Мен биламан, Тангрилардан бу омадларни  
Ким тиланиб олган.

*(Тиз чўқади.)*

## В о л у м н и я

Тургил, эй қаҳрамоним,  
Менинг Марций жигарбандим, Кай баҳодирим,  
Янги жасоратларингга бугун янги ном...  
Нима эди? Кориолан. Шундайми, жоним,  
Қара, ана рафиқанг ҳам шу ерда.

## К о р и о л а н

Салом,  
Менинг гўзал паривашим, менинг сокинам!  
Фалабамга боқиб, нечук кўз ёш тўкасан?

Ҳа, мабодо тирик эмас, тобутда қайтсам,  
Кулармидинг... Бугун йиғи-аза, азизам,  
Кориолалик беваларга ва оналарга  
Ярашади.

М е н е н и й

Шараф бергай Тангрилар сенга!

К о р и о л а н

Тирикмисан, дўстим?

*(Валерияга)*

Мени маъзур тут, хоним...

В о л у м н и я

Билмай қолдим, саломлашай ким билан!

*(Коминийга)*

Салом,

Саркардамиз, эсон-омон қайтган ботирлар!

М е н е н и й

Бир эмас, минг салом бўлсин сизга беназир!  
Кулишга ҳам, йиғлашга ҳам ҳозирман. Кўнглим  
Ҳам қувонч, ҳам қайғу билан тўла. Ассалом!  
Кимки хурсанд эмас эса ташрифингизга,  
Бошларига лаънат тоши ёғилгай тамом.  
Ардоқлаши лозимдир Рим учовингизни,  
Гарчанд, унда қовжираган ўт-шумғиялар  
Учрайдики, алп руҳингиз ёқмас бир қадар.  
Нима бизга улар! Салом сизга, ботирлар!  
Не қилсанг ҳам газанда ўт - доим газанда,  
Аҳмоқ эса - аҳмоқ.

К о м и н и й

Доим тўғрисўздир у.



## К о р и о л а н

Ҳамиша ва ҳамма жойда Мененийдир у.

## Ж а р ч и

Олга! Қани, йўл бўшатиңг!

## К о р и о л а н

*(Волумния ва Виргилияга)*

Қўлингиз беринг.

Азиз остонамизга бош қўйишдан олдин

Асл-аъёнларимизга таъзим этайин,

Ҳурмат-иззатлари учун айтай ташаккур.

## В о л у м н и я

Тилақларим бажо бўлди барчаси, шукур.

Дуоларим ижобатга ўтдилар тайин.

Ёлғизгина битта орзу-армоним қолди,

Рим рўёбга чиқаради бунисини ҳам.

## К о р и о л а н

Ўз эркимча унга хизмат этганим афзал

Ҳоқим бўлиб, то оломон иродаси-ла

Иш тутгандан.

## К о м и н и й

Қани, юрдик Капитолийга.

Карнайлар ва бурғулар чалинади.

Тантанали юриш билан йироқлашадилар. Брут ва Сициний олдинга чиқади.

## Б р у т

Ҳамма уни сўзлар. Сўқир кўзлар ҳам ҳатто

Унга бир бор қараш учун тақмиш кўзойнак.

Йиғлаётган чақалоқни унутиб буткул,

Энага ҳам у тўғрида бидирлар фақат.

Ошпаз хотин пешбандини бўйнига осиб,  
Даричадан бақраяди. Тимлар, дўконлар,  
Остона ва эшикларда оломон тиқин;  
Томларда ҳам бекорчи халқ тизилиб турар.  
От устида анқаяди аравакашлар,  
Қай томонга назар солма - калла, башара  
Фақат уни бир кўришга ошиқар кўзлар.  
Хатто тарки дунё қилган қоҳинлар бугун  
Тиқилинчда инқиллашиб, чўзишар бўйин.  
Ипақларга ўранишиб хонимлар гулгун  
Юзларининг худди оқу қизил жойидан  
Шамолларга ўптиришар. Кўчалар гавжум.  
Унинг вужудига сингиб бир қодир Худо,  
Гўё унга берган каби жозоба, жило.

С и ц и н и й

Аминманки, у яқинда консул бўлади.

Б р у т

Унда бизга фақат ётиб ухлаш қолади.

С и ц и н и й

Ҳоким бўлиб, телбаларча иш тутади у,  
Ёмон бошламади, аммо тугатар ёмон.  
Бор нарсадан жудо бўлар.

Б р у т

Бўлсайди кошки!

С и ц и н и й

Биз воизи, тарафкаши бўлган оломон  
Сал баҳона бўлдими, бас, оловланади.  
Унутади унинг шону шавкатларини,  
Ҳа, кечаги душманлигин эсга олади.  
Оломонга Марций кибри баҳона бўлар.

## Б р у т

Қасам ичиб, ўзи менга айтди, мабодо  
Консул бўлмоқ истаса у, сайлов пайтида  
Халқнинг сассиқ овозига эришмоқ учун  
Ювошликнинг йиртиқ-ямоқ либосин кийиб  
Бозор аро кўз-кўз қилмас ўзини ўзи  
Ва одатга кўра яра-чандиқларини  
Халойиққа кўрсатмагай.

## С и ц и н и й

Буниси тузук!

## Б р у т

Яна шуни қўшиб қўйди, киборлар агар  
Консул бўлгин дея унга ялинишмаса,  
Умуман у консуликка қиё боқмагай.

## С и ц и н и й

Хўб аломат! Фақат унга тилагим шундай:  
Бузмасдан, шу қасамида турсин.

## Б р у т

Бузмагай.

## С и ц и н и й

Бу маҳв этар уни, худди биз истагандай.

## Б р у т

Ё биз уни қулатамиз, ёки бўлмасам,  
Бизнинг ҳокимият қулаб, топади барҳам.  
У авомга нафрат билан боқарди ҳар вақт,  
Ва қўлидан келса агар, аямай уни,  
Юк ортилган хачирларга айлантларди,  
Уни эрку ихтиёрдан этарди маҳрум,  
Кимки халқни ёқлар бўлса, ёпарди оғзин.  
Негаки, у халойиқни ақлу идрокда

Қўшиндаги туядан ҳам тубан деб санар.  
Боқиш керак - юк ташишга ярайди чунки,  
Бироқ, оғир юк остида йиқилганда-чи,  
Саваш керак, деб ўйлайди ва биз шуларни  
Бутун халққа айтишимиз керак шу кунда.

### С и ц и н и й

Кибри билан халойиқни қилгач ҳақорат,  
Бу гапларни уқдирамиз авомга такрор,  
Бу узоқмас ва эмасдир унча ҳам мушкул.  
Биласан-ку, оломонга Марцийни қайраш  
Итни қўйга гижгижлашдек қулай ва енгил,  
Халойиқ гув ёнар қуруқ ўтинга ўхшаб,  
Ва умрбод бадном қилар уни.

Чопар киради.

### Б р у т

Нима гап?

### Ч о п а р

Капитолий эшигига сизни чорлашар,  
Марций консул бўлар, деган овозалар бор.  
Унда одам қалин: карлар кўрмоқ истайди,  
Кўрлар уни эшитмоққа интиқар бу дам.  
Онахонлар, қиз-жувонлар унинг йўлига  
Рўмолларин ташлашмоққа пойандоз қилиб.  
Юпитернинг ҳайкалига сиғинган каби,  
Ҳамма унга таъзим бажо этмоқ истайди.  
Қалпоқлар ҳам ирғитилиб ҳавога бирдай,  
Олқишларнинг гулдуриси кўкни ёргудай,  
Бунақаси бўлмаган.

### Б р у т

Юр, Капитолийга!  
Ишга тушсин кўзларимиз, қулоқларимиз,  
Юрак эса кутиб турсин.

## С и ц и н и й

Мен сенга ҳамроҳ.

(Кетадилар.)

### Иккинчи сахна

Ўша жой. Капитолий.

Курсилар учун ёстиқ кўтариб икки хизматкор киради.

#### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Қани, қимирла тезроқ, ҳали-замон келиб қолишади. Консулликка ўзи неча киши даъвогар?

#### И к к и н ч и х и з м а т к о р

Айтишларича, уч киши. Лекин Кориолан сайланишига ҳамманинг ишончи комил.

#### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Унинг мардлиги бор, фақат ўлгудек димоғдор ва оддий халқни менсимайди.

#### И к к и н ч и х и з м а т к о р

Қўйсанг-чи! Не-не димоғдорлар халққа хушомад қилишади, лекин бари бир халқ уларни севмайди, негадир бошқаларни севади. Демак, шундоқ дейиш мумкин: халқ сабабсиз севади ва асоссиз нафратланади. Кориолан буни тушунади, халқ севадими, севмайдими - унга бари бир. Олийжаноб ва ростгўй одам бўлгани учун буни яширмайди ҳам.

#### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Халқнинг севиш-севмаслиги бирдай бўлганда у четда турар, халққа яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қилмасди. Лекин у халқ нафратини қозонмоқчидай ҳаракат қилади ва буни душманларига кўрсатиш учун ўлиб-тирилади. Халқ нафратига интилиш бу ўзинг нафратланадиган одамлар меҳрига муяссар бўламан деб хушомад қилишдан ҳам баттар.

## И к к и н ч и х и з м а т к о р

У ватанга чинакам хизмат қилди. Унинг мартабага ми-ниши ҳам айтишга арзигулик бирор иш қилмай, ҳурмат қозониш учун нуқул халққа таъзим ва хушомад қилган кўпларга нисбатан анча мушкул бўлди. Кориолан ўз шон-шуҳратини кўзларга, жасоратларини қалбларга шу қадар нақшладики, индамай жим туриш ва буни эътироф эт-маслик нонкўрлик бўлур эди. Уни фақат ёвуз ва риёкор кишигина ёмонотлиқ қилади, аммо ундайларга ҳеч ким қулоқ осмайди.

## Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Хўп, бу ҳақда бас қилайлик. Кўриб турибман: у ҳақиқатан ҳам ҳурмат қилишга арзигулик одам. Қани, йўл бўшат, сенаторлар келишяпти.

Карнайлар чалинади.

Консул Коминий, унинг изидан ликторлар, Менений, Корио-лан, сенаторлар, Сициний ва Брут киришади. Сенаторлар ўз ўринларига ўтиришади. Кориолан тикка туради.

## М е н е н и й

Ларций Римга чақирилиб, ёвлар хуружи Охирига етган ушбу айёмда энди (Шу туфайли жамоат жам бўлди бу ерда) Ватан учун шунча жавлон урган бир жонни Тақдирлашни ўйламоққа тўғри келади. Шунинг учун сўрайманки, азиз оталар, Бунда ҳозир бўлган консул, ғолиб саркарда Кай Марцийнинг ишларидан этсин ҳикоят. Кориолан шу ердадир, биз унга шояд Кўрсатолсак, эҳтирому иззатимизни, Хизматига яраша бир тарзда...

## Б и р и н ч и с е н а т о р

Коминий,  
Ҳаммасини бир-бир айтиб, аён айлаким,  
Биз муносиб тақдирлашга тайёрмиз, фақат  
Мукофотга Рим маблағи етишмас балким.

*(Воизларга)*

Сиздан тилагимиз шуки, халқ вакиллари,  
Камоли эҳтиром ила қулоқ солгайсиз.  
Сўнг дўстона нутқ ила қароримизни  
Халқ олдида қўллагайсиз, қувватлагайсиз.

С и ц и н и й

Биз умумий бир битимга интилиб яктан,  
Ушбу йиғин қаҳрамони бўлган бир зотни  
Иззатлашга шаймиз.

Б р у т

Лекин унинг ўзи ҳам  
Халқни иззатлашни бир оз одат этсайди,  
Кўпроқ иззат кўрармиди.

М е н е н и й

Брут, вайсама!  
Сўзинг бекор. Жим турганинг афзал эди. Хўш,  
Коминийни тинглайсанми?

Б р у т

Тинглайман, лекин  
Мени сўкканингдан кўра, уни мен бир оз  
Ҳақиқатга қаратганим афзал эмасми?

М е н е н и й

У халқингни хуш кўради, севади, фақат  
Бир тўшақда ухламайди ётиб у билан,-  
Хўш, Коминий, сўзла.

Кориолан кетмоқчи бўлади.

Кетма, шунда тура тур.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Кориолан, ишларингни таърифлашаркан,  
Ножоизмас уни бирпас эшитсанг. Ўтир.

К о р и о л а н

Отахонлар, маъзур тутинг яраларимни  
Қандай қилиб орттирганим тинглашдан кўра  
Жароҳатни шифолашим фойдалироқдир.

Б р у т

Магар сўзим сени бир оз чўчитдим?

К о р и о л а н

Йўқ.

Мен ҳеч қачон зарбалардан тап тортмаганман,  
Аммо қуруқ сўзбозликдан кўпинча қочдим.  
Сен хушомад этмадинг, бас, хафа қилмадинг,  
Мен халқингни севмайманмас, севаман, лекин  
Фақат унинг баҳосига яраша.

М е н е н и й

Ўтир.

К о р и о л а н

Менинг ўша арзимаган хизматларимнинг  
Мақтовини ялпайганча тинглашдан кўра,  
Кун тигига ўзни тоблаб, жангларни ўйлаб,  
Гоҳ бошимни қашиганим афзал минг карра.

*(Кетади.)*

М е н е н и й

Халқнинг вакиллари, айтинг, нечук суйкансин  
У сизнинг бир тўда юпун, тўпорингизга?



(Мингдан иккиси ҳам ҳатто асл саналмас,  
Баски, ҳатто ўз ишининг мақтовларидан  
Ўлимга тик қарамоқни афзал кўраркан,  
Қандай қилиб, суйкансин у? - Бошла, Коминий.

### К о м и н и й

Сўзим ожиз. Кориолан жасоратини  
Қандай қилиб чизади у? - Чин бўлса агар  
Эр кишини безайдиган фазилатлардан  
Энг олийси - матонату мардлик деган гап,  
Олам аро тенги йўқдир Кориоланнинг  
У ўн олти ёшга кирган пайтларидаёқ  
Тарквиний Римга юриш бошлаган айём  
Жангда не-не ботирларни йўлда қолдирди.  
Ўша пайтга шонли ботир, ҳукмдоримиз  
Ўзи кўрмиш ҳали мурти сабза урмаган  
Амазонка янглиғ Марций қотма ўспирин  
Шоп мўйловли ғанимларни тирқиратганин,  
Римликларнинг бири яраланганин пайқаб  
Кўкрагини унга қалқон қилиб тўсароқ,  
Бир ҳамлада ўлдирганин уч саркардани,  
Саҳнада-ку қиз ролини ўйнаса - раво,  
Лекин Тарквиний билан тўқнашган чоғи,  
Уни худди оёғидан чалиб, йиққани,  
Эрлар ичра кийди шунда биринчи гултож  
Ва эр янглиғ ёшликка ҳам кирмиш мардона.  
Денгиз каби тўлиб-тошиб, замондошларин  
Нишондорлик умидидан бенасиб айлаб  
Ёлғиз ўзи голиб чиқмиш ўн етти жангда.  
Ниҳоят, у Кориола остонасида,  
Ҳам шаҳарда шундоқ қаттиқ жанглар қилдики,  
(Бу ишларнинг таърифига менда сўз қайда!)  
Қочоқларни ортга бурди, юраксизларга  
Шахсан ўзи майдон аро намуна бўлиб  
Мудҳиш жангни айлангирди оддий эрмакка,

Кема тиғи сув ўтини ёриб боргандай,  
Ўлим учун муҳр бўлган шамшири билан  
Ганимларнинг сафларини ёриб, эзфилаб,  
Бошдан-оёқ жароҳатга ботган бўлса ҳам,  
Ажал қичқириғи учиб ҳар ҳамласидан,  
Кориолага танҳо ўзи бостириб кирди,  
Унинг дарвозаларини бўяди қонга.  
Соғ-саломат чиқишга ҳам яна улгурди,  
Сафдошлари билан яна ўша қўрғонга -  
Чақмоқ каби ёриб кириб, таслим айлади.  
Йироқдаги жанг шовқинин илаб шу маҳал,  
Бор кучини тўплаб, йиғиб иродасини,  
Вольскларнинг галасига отилди тагин,  
Туташ-туташ мурдаларнинг устидан юриб,  
Майдон аро солди яна қирғин-қабоҳат.  
Қонга ботиб, жанг қилишни қўймади асло,  
Шаҳар буткул таслим бўлиб ва жанг майдони  
Тўла-тўқис бизнинг қўлга ўтмагунча то.

### М е н е н и й

О, шавкатли баҳодир!

### Б и р и н ч и с е н а т о р

У батамом арзир

Бизнинг иззат-эҳтиромга.

### К о м и н и й

Рад айлади у

Ўлжаларни, қимматбаҳо инъом-эҳсонни.

Уларга нақ тупроқ билан тенг деб қаради.

Сўрар экан, арзимас бир нарса сўради.

Гўё унга жасоратнинг ўзи - мукофот,

Гўё ҳар гал майдон аро тикаркан жонин.

Шундан ўзи мамнун.

## М е н е н и й

Қандай олийжаноб у!  
Айтинг олиб киришсин.

## Б и р и н ч и с е н а т о р

Ҳа, чорланг бу ёққа  
Кориоланни.

## Х и з м а т к о р

Ана, унинг ўзи келмоқда.  
Кориолан киради.

## М е н е н и й

Кориолан, сени сенат яқдиллик билан  
Консулликка кўтаради.

## К о р и о л а н

Хизмат қиламан  
Сенатга мен ҳаётим ва шамширим билан.

## М е н е н и й

Энди эса одатимиз ҳукмига кўра  
Халойиққа қараб нутқ ирод этгайсан.

## К о р и о л а н

Изн беринг, шу одатни четлаб ўтайин.  
Халқ олдида, ахир, яримьяланғоч туриб,  
Жароҳатларимни бир-бир санаб, оҳ уриб,  
Менга овоз берингиз, деб айтишим қийин.  
Ўтинаман, шу нарсадан мени қутқаринг.

## С и ц и н и й

Консулни халқ сайламаса, қонуний бўлмас,  
Одатни ҳам бузишингга йўл қўймайди у.

## М е н е н и й

Ўтинаман, халойиқнинг ғашига тегма,  
Риоя қил шу қадимий одатга ҳам, то -  
Салафларинг каби ушбу олий рутбани  
Бутун қоидаси билан қабул этгайсан.

## К о р и о л а н

Хижолатдан қизараман, шу ҳолатимни  
Халқ кўрмаса бўлар эди.

## Б р у т

*(Сицинийга)*

Тинглаяпсанми?

## К о р и о л а н

Хўш, оломон олдида мен кўпик сочайми:  
"Ундоқ қилдим, бундоқ қилдим", - дея яширмай,  
Кўрсатайми битаётган яраларимни?  
Гўёки мен ўшаларнинг овозини деб,  
Яраланган каби...

## М е н е н и й

Етар, қайсарликни қўй. -  
Воизлар, биз топширамиз, қароримизни  
Бориб, халойиққа маълум қилингиз дарҳол.

*(Кориоланга)*

Олийҳиммат консулимиз, яша, бахтли бўл!

## С е н а т о р л а р

Кориолан, бахтиёр бўл! Сенга шарафлар!

Карнайлар чалинади. Сициний ва Брутдан бошқа ҳамма  
чиқади.

## Б р у т

Кўрдингми, у халққа қандай кўз билан қарар!

## С и ц и н и й

Буни ҳамма тушунмоғи керак. Муқаррар,  
Жирканса ҳам, аммо халқдан сўрар, негаким,  
Сўраганин беради халқ.

## Б р у т

Қани, юрамиз,  
Бозор майдонида бизни кутар халойиқ,  
Бориб, унга ҳамма гапни айтиб берамиз.  
Кетишади.

## Учинчи саҳна

Ўша жой. Йиғин.

Етти-саккизтача шаҳарлик киради.

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Ҳа, нима қипти: овоз беришимизни сўраса, йўқ де-  
маймиз, берамиз.

## И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Аммо истасак, йўқ дейишимиз ҳам мумкин.

## У ч и н ч и ш а ҳ а р л и к

Албатта, шундай қилишга ҳаққимиз бор, лекин шун-  
дай қилиб ҳақли бўлмаймиз: у ўзининг жароҳатларини  
кўрсатиб, жасоратларидан сўзлар экан, биз тилимизни  
ўша жароҳатларга тиқиб олиб, гапни ўшандан бошлай-  
миз. Ҳа, у ўз олийжаноб ишларидан сўзласа-ю, бунга  
жавобан миннатдорлик билдирмай, пасткашлик қилсак,  
тўғри келмайди-да! Нонкўрлик бу - қабоҳат. Нонкўр ха-  
лойиқ ҳам - қабоҳатли махлуқнинг худди ўзи. Баски, ха-  
лойиққа мансуб эканмиз, биз ҳам ўша махлуқнинг бит-  
таси бўлиб қолаверамиз.

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Ҳа, бизни ҳозир ҳуда-беҳудага махлуқ деб аташни расм қилишган. Эсларингда борми, ғалла деб исён кўтарганимизда, унинг ўзи ҳам бизни кўп бошли авом, деб сўкишдан уялмаган эди.

## У ч и н ч и ш а ҳ а р л и к

Кўплар бизни шундоқ деб аташган: биримизнинг бошимиз қора, бошқамизники малла, учинчимизники қўнғир, тўртинчимизники эса тепакал ё кал бўлгани учун эмас, ақлу идроклармиз хилма-хил бўлгани учун шундай дейишган. Борди-ю, ақлларимиз бир бош чаноғидан сакраб чиқишганда ҳам, тўрт тарафга - шимол, жануб, шарқ, ғарбга қараб учиб кетишар, тиккасига юриб, битта доирага тушиб қолишар, аммо ўша доиранинг турли нуқталарида ҳаракат қилишар эди.

## И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Шунақаами? Хўш, айт-чи, унда менинг ақлим қаёққа учарди?

## У ч и н ч и ш а ҳ а р л и к

О, сенинг ақлинг бошингдан осонликча чиқолмасди, негаки, у жуда парчинлаб ташланган, борди-ю, бир бало қилиб чиққанда ҳам эҳтимолки, жанубга қараб учган бўларди.

## И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Нега энди жанубга қараб?

## У ч и н ч и ш а ҳ а р л и к

Туманда эриб кетиш учун: тўртдан уч ҳиссаси қўланса буғлар билан қоришиб кетар, фақат бир ҳиссаси ортига қайтиб, сенга хотин топишда қўмаклашган бўларди.

## И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Ҳазилингни қўймадинг - қўймадинг-да. Ҳа, майли, давом эттир.

## У ч и н ч и   ш а ҳ а р л и к

Хўш, қароримиз қандоқ бўлди? Унга овоз берамизми, йўқми? Бари бир бефойда: кўпчилик унинг тарафида. Менинг фикрим бундоқ: агар у халқ билан сал юмшоқроқ муомала қилса борми, ундан мўътабар зот бўлмас эди.

Фақирлик кийимини кийган Кориолан ва Менений киришади.

Мана, у фақирлик либосини кийиб келяпти. Эътибор беринг-а, у биз билан қандай гаплашаркин. Оломон бўлиб боришимиз шартмас: унинг қошига биттадан, иккитадан, учтадан бўлиб борайлик. Токи ҳар биримиздан алоҳида-алоҳида сўрасин ва биз ўз тилимиз билан овоз бериш шарафига муяссар бўлайлик. Қани, ортимдан юринглар, мен сизларга унинг ёнидан қандай қилиб ўтиш кераклигини кўрсатаман.

### Ҳ а м м а

Розимиз. Кўрсат.

Шаҳарликлар кетишади.

### М е н е н и й

Йўқ, сен сира ҳақ эмассан: кўп олий зотлар  
Бу одатга бўйсунинган.

### К о р и о л а н

Хўш, нима дейман?

"Менинг дўстим..." дейманми. Йўқ, вабо кўтарсин!

Тилим туша қолмас, ахир, бундай оҳангга,

"Мана, жароҳатларни кўр, дўстим! Ватанга

Хизмат қилиб мен буларни ортгирдим фақат.

Нофоранинг гумбуридан оғайнилари

Пода каби бўкиришиб, қочиб қолганда!"

### М е н е н и й

Ё фалак! Йўқ, бундай дема. Хизматларингни  
Эсламоқни сўра.

## К о р и о л а н

Мен-а? Ўшалардан-а?  
Даф бўлишсин! Унутишсин мени тамоман,  
Коҳинларнинг йиллар бўйи фазилат деган  
Сўзларини бир нафасда унутишгандай.

## М е н е н и й

Сен қайсарлик билан ишни бузиб қўясан,  
Ўтинаман, улар билан очиқ чехра бўл.

Менений кетади.

## К о р и о л а н

Очиқ чехра? Булар аввал кир тишларини  
Тозалашсин, бетларини чайиб олишсин.

Иккита шаҳарлик киради.

Иккитаси келаётир, мана, бир йўла.

Учинчи шаҳарлик ҳам киради.

Мен бу ерда нега турганлигимни сиз, албатта, биласиз.

## У ч и н ч и ш а ҳ а р л и к

Биламиз, биламиз. Лекин шундоқ бўлса ҳам айт-чи,  
сени бу ёққа нима бошлаб келди?

## К о р и о л а н

Менинг ўз хизматларим.

## И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Сенинг ўз хизматларинг?

## К о р и о л а н

Ҳа, бироқ мен бу ёққа ўз хоҳишим билан келмаганман.

## У ч и н ч и ш а ҳ а р л и к

Бу деганинг нимаси?



## К о р и о л а н

Мен ўз хоҳишим билан ҳеч қачон гадодан садақа сўрамасдим.

## У ч и н ч и ш а ҳ а р л и к

Лекин унутмагилки, биз сенга бирор нима берар эканмиз, сендан ҳам бирор нима олишдан умидвор бўламиз.

## К о р и о л а н

Жуда соз. Унда шартга айта қол: сизда консулик мансабининг баҳоси неча пул?

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Унинг баҳоси - дўстона илтимос.

## К о р и о л а н

Дўстона? Бўлмаса, марҳамат қил. Менга овозингни бера қол, ошнам, бирор кун хилватда жароҳатларимни кўрсатарман.

## *(Иккинчи шаҳарликка)*

Сен ҳам, ошнам, овозингни бера қол. Хўш, нима дейсан?

## И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Овозим сеники, шавкатли ботир.

## К о р и о л а н

Бўпти, келишдик! Мана мен ўзимга иккита қимматли овоз тиланиб олдим. Садақа учун ташаккур. Саломат бўлсинлар.

## У ч и н ч и ш а ҳ а р л и к

Ажаб ғалати, тушунмайсан киши.

## И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Яна бир карра тўғри келганда борми... Ҳа, энди бўлар иш бўлди.

Учала шаҳарлик ҳам кетишади. Бошқа икки шаҳарлик киради.

### К о р и о л а н

Агар консул бўлишимга майлингиз бўлса, менга овоз беринг. Кўриб турибсиз, одатта риюя қилиб кийинганман.

### Т ў р т и н ч и ш а ҳ а р л и к

Сен ватанга ҳалол хизмат қилдинг, лекин хизматинг ҳалол эмас эди.

### К о р и о л а н

Бу нима, топишмоқми?

### Т ў р т и н ч и ш а ҳ а р л и к

Сен ватан душманларининг додини бердинг, ватан дўстларини эса чаён бўлиб чақдинг: сен оддий халқни ҳеч қачон севмагансан.

### К о р и о л а н

Демак, дуч келган ҳар кимса билан оғиз-бурун ўпишмаганим учун ҳам мени кўпроқ қадрлашинг керак. Гапнинг сирасини айтганда, мен тутинган оғам-халойиққа унинг қимматли эътиборини қозониш учун суйканишга тайёрман, фақат унга суйкансамгина у мени ҳурматлашга рози бўлади. Донишманд халқ учун очиқ кўнгилдан ҳам кўра, эгилган бўйин азизроқ экан, мен халққа хуш ёқадиган баъзи бировлардек эгилиброқ таъзим қилишни, башарамга ёқимтой тус беришни ўрганиб оламан, хуллас, ўтганга ҳам, қайтганга ҳам эгилавераман. Шунинг учун сизлардан сўрайман: мени консул қилиб сайланглар.

### Б е ш и н ч и ш а ҳ а р л и к

Бизга дўст бўласан, деб умид қиламиз ва сенга бажонидил овоз берамиз.

## Т ў р т и н ч и   ш а ҳ а р л и к

Ахир, сен ватанни деб жанг қилиб, неча бор яралангансан.

### К о р и о л а н

Баски, сен буни билар экансан, уларни кўрсатиб ўтирмайман. Овозингиз мен учун гоят қимматли, ортиқ баъд этмайман, хайр.

## И к к а л а   ш а ҳ а р л и к

Астойдил тилагимиз шуки, Тангрилар сенинг бахтингни берсин!

Кетишади.

### К о р и о л а н

Овозлари хуш ёқади менга нақадар!  
Йўқ, оч қолиб, силлам қуриб, ўлганим афзал  
Ўз ҳаққимни тиланчидек тилаб олгандан.  
Дик ва Хобнинг икки пулга қиммат овозин  
Нега энди жулдур кийиб сўраб турибман?  
Нега десанг, таомилнинг талаби шундай!  
Ҳар борада таомилга бўйсунаверсак,  
Асрларнинг чангини ким арта оларди?  
Ҳақиқатни хатолару янглишлар тоғи  
Босиб қолар эди буткул. Бас, шундоқ экан,  
Масхарабоз бўлиб бунда тургандан кўра,  
Яхшимасми бу эъзозу бу мартабани  
Таомилга чидаганга армуғон этсам?  
Йўқ, чидадим мен шунчалар шармандаликка,  
Сўнггигача сабот билан чидайман яна.

Яна уч шаҳарлик киради.

Мана, тагин учта овоз.-  
Сиздан сўрайман,  
Менга овоз беринг. Ахир шуни деб ёлғиз  
Мен жанг килдим, қонлар тўқдим шуни деб ёлғиз.

Узоқ тунлар ухламадим шуни деб ёлғиз.  
Ҳа, шуни деб ўн саккиз бор жангда қатнашиб,  
Худди йигирма беш марта ярадор бўлдим.  
Катта-кичик ишлар қилдим шуни деб ёлғиз.  
Ўтинаман сиздан, менга овоз берингиз,  
Мен чиндан ҳам истаяпман консул бўлишни.

#### О л т и н ч и   ш а ҳ а р л и к

Ҳа, у мардона жанг қилди. Ҳалол одамларнинг ҳеч бири  
ундан ўз овозини аямайди.

#### Е т т и н ч и   ш а ҳ а р л и к

Майли, консул бўла қолсин. Тангрилар ярлақаб, уни  
ҳаққоний халқ дўстига айлантирсин.

#### Ҳ а м м а

Омин! Худолар консулни саломат сақласин!  
Шаҳарликлар кетишади.

#### К о р и о л а н

О, нақадар овозлари азиз, мўътабар!  
Менений, Брут ва Сициний кирадилар.

#### М е н е н и й

Бас, синовдан ўтдинг. Халқнинг овозларини  
Мана, олиб келишмоқда сенга воизлар.  
Энди кийиб консулликнинг сарупосини,  
Халққа кўринишинг қолди.

#### К о р и о л а н

Кейин тамомми?

#### С и н и ц и й

Маросимни адо этдинг. Халқ рози бўлди  
Сенинг консул бўлишингга. Энди сайловни  
Сенат тасдиқлаши лозим.

Кориолан

Сенатми?

Синиций

Сенат.

Кориолан

Уст-бошимни алмаштирсам мумкинми?

Сициний

Мумкин.

Кориолан

Бориб энди кийимимни алмаштирай-да,  
Асл қиёфамга қайтиб, сенатга борай.

Менений

Мен сен билан. - Хўш, воизлар, сизга йўл бўлсин?

Брут

Биз халқ билан қолмоқчимиз.

Сициний

Саломат бўлинг!

Кориолан ва Менений кетишади.

Қутурса ҳам мақсадига етишди лекин.

Брут

Мағрур қолди у фақирлик либосида ҳам.  
Хўш, энди-чи, халойиқни тарқатасанми?

Шаҳарликлар киришади.

Сициний

Оғайнилар, қалай? Уни сайладингизми?

Биринчи шаҳарлик

Ҳа, биз унга овозимиз бердик.

## Б р у т

Ё фалак,  
Халқнинг муҳаббатини у оқласа басдир.

И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Омин! Аммо овозимиз сўрар экан у,  
Назаримда масхаралаб, кулгандай бўлди.

У ч и н ч и ш а ҳ а р л и к

Албатта, у буни эрмак учун қилди-ку.

Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Йўқ, ундаймас, у шу қадар оддий гапирди.

И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Сендан бўлак пайқагани шуки ҳаммининг,  
У бизлардан жирканишин қилди намоён.  
Ватан учун олган яра-жароҳатларин  
Кўрсатиши жоиз эди бизга бирма-бир.

С и ц и н и й

Ҳеч шубҳасиз яраларин кўрсатгандир ҳам!

Ш а ҳ а р л и к л а р

*(Олақуроқ овозлар)*

Ким кўрибди? Йўқ, кўрмадик! Кўрсатмади у!

У ч и н ч и ш а ҳ а р л и к

Қалпоғини таҳқиромуз силкиб деди у:  
"Хилват жойда кўрсатгайман яраларимни.  
Эски одат ҳукми шуки, сайламасангиз-  
Иш юришмас, менинг консул бўлишим мушкул.  
Шунинг учун беринг менга овозингизни".  
Рози бўлдик, яна шундоқ қўшимча қилди:  
"Ташаккур. Кўп қадрлайман овозингизни,  
Энди боринг". Айтинг-чи, бу таҳқир эмасми?

## С и ц и н и й

Мунча анқов бўлмасангиз, мунчалар лаққи,  
Ахир бунга гўдакнинг ҳам етар-ку ақли.  
Яна тагин англай туриб қочириқларни,  
Овоз бера қопсиз.

## Б р у т

Шундай ўргатганмидик,  
Нега жавоб бермадингиз гапига мослаб?  
Ҳокимият жilовини тутмасдан ҳали,  
Бир хизматкор эканида Рим танимаган,  
У сизларга душманликни кўрмишди раво,  
Йиғинларда сизга қарши нутқ сўзларди  
Эрку ҳуқуқлардан маҳрум этмоқчи бўлиб.  
Энди эса раёсатда кучи, таъсири  
Ошганида қолаверса халққа ёв бўлиб,  
Овозингиз бошингизга келтиргай бало.  
Айтишингиз лозим эди тик туриб дадил:  
Хизматларинг гарчи кўпдир, лекин ҳар қалай  
Бугун сени консул қилиб сайладикми, бас,  
Ташаккур деб айтиш бизга - бўйнингдаги қарз.  
Аввалги у душманлигинг унут мутлақо,  
Бизга дўст ва ҳимоячи бўлгин.

## С и ц и н и й

Мабодо  
Биз ўргатган шу сўзларни айтганингизда,  
У тутақиб, юрагини этарди изҳор.  
Ўз тилидан тинглардингиз ваъдаларини,  
Керагида ўз сўзларин эслатардингиз.  
Ё бўлмасам, жиззакилик табиатини  
Қўзғасангиз, шу йўл билан гув этиб яна  
Тутаб-ёниб кетар эди, сизга сайловни  
Рад этмоққа топиларди тайин баҳона.

## Б р у т

Сизга муҳтож бўла туриб, очиқдан-очиқ  
Сизни таҳқир этганини сезмадингизми?  
Ҳокимият тушганида унинг қўлига  
Сизни абгор этишини тушунмайсизми?  
Кўксингизда юрак деган урмайдими ё?  
Ёки сизга тил дегани ақлга қарши  
Сўзлаш учун берилганми?

## С и ц и н и й

Ёки бировлар  
Сиздан ул-бул сўраса, йўқ деёлмайсизми?  
Сиздан сўрамаган, балки сизни таҳқирлаб,  
Кулган бир кимсага нечун овоз бердингиз?

## У ч и н ч и ш а ҳ а р л и к

Ҳали тасдиқ этилмаган, истасак ҳали  
Уни бекор этиш мумкин.

## И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Бекор этамиз!  
Мен беш юзта фуқарони йўлга соламан.

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Мен мингтасин йўлдан уриб, аврай оламан.

## Б р у т

Боринг, тушунтиринг, ҳозир сиз сайлаётган  
Одам сизни эркинликдан маҳрум этмоқчи,  
Асоратга солмоқчи денг худди ит каби.  
Итни вовулласин дея асрар-да, ўзи  
Вовулласа савар яна, деб тушунтиринг.

## С и ц и н и й

Бориб, йиғинг фуқарони муҳокамага,  
Бу телбанинг сайловини айлангиз бекор.  
Далил қилиб айтингиз, у такаббур ва ёв,



Ва шуни ҳам қўшингизким, фақир либосин  
Елкасига солмиш фақат жирканиш билан.  
Айтинг овоз сўраганда кулганларини,  
Фақат хизматлари ёдда тургани учун  
Унинг сўзидаги пинҳон ҳақоратларни  
Ичидаги эски кекни пайқамай қолдик,  
Дея очик тушунтиринг.

### Б р у т

Айбни бутунлай  
Майли бизнинг устимизга ағдарсангиз ҳам,  
Арзимизга бу воизлар қулоқ солмади,  
Уни сайламоққа шулар даъват этди, денг.

### С и ц и н и й

Ўз эркимиз билан уни сайламадик, йўқ,  
Биз сайладик воизларнинг буйруғи билан,  
Ҳа, шундоқ деб айтинг, яна қўшиб қўйингким,  
Уни сайлаш чоғи ақлу хушингиз тамом  
Асир эди хоҳиш эмас, мажбуриятга.  
Яъни шундай бўлдики иш, сизлар консулни  
Хоҳламасдан сайладингиз. Бизларни айбланг...

### Б р у т

Ҳа, бизларни аяманг ҳеч. Дўстларга айтинг  
Биз кўпинча уни ташвиқ этганимизни,  
Ёшлигидан бошлаб токи ҳозирга қадар  
Ватанга у хизмат қилди: у Марцийларнинг  
Нажиб оиласидандир, ўша хонадон  
Римга тўртинчи подшо - Анк Марцийни берган,  
Буюк Гостилийга ўша меросхўр бўлган,  
Она томонидан Нума невараси у,  
Яна Римда илк бор водопровод қурган  
Квинт билан Публийлар ҳам шулар наслидан,  
Икки марта цензор бўлиб, Цензарин деган  
Лақаб олган фуқаронинг арзандаси ҳам  
Шу уруғдан чиққан, худди шу хонадондан.

## С и ц и н и й

Ҳа, воизлар бизга тинмай такрорлагани  
Фақат унинг олий наслу насаби эмас,  
Айтишди, денг, консуликка ҳуқуқ бергувчи  
Талай фазилатлари-ю, истеъдодини,  
Аммо тарозига тортиб барча ишларин  
Ҳамда сайлов кунидаги муомаласин  
Тушундик, денг, Марций бизга ашаддий душман,  
Шундан бекор қилдик шошқин сайловимизни.

## Б р у т

Такрор айтинг: воизларнинг ташвиқотисиз  
Консул қилиб сайламасдик уни ҳеч қачон  
Халойиқнинг қарорини қатъийлаб, сўнгра  
Капитолий томон юринг.

## Ш а ҳ а р л и к л а р

Шундоқ қиламиз.  
Сайлагани учун ҳозир ҳамма пушаймон.

*(Кетишади.)*

## Б р у т

Қўй, боришсин!  
Бизга унча хавфлимас зеро -  
Халойиққа қутқу солиб, қўзғасак исён.  
Хавфу хатар муқаррардир, агар рўй берса,  
Бундан ҳам зўр, даҳшатлироқ бошқа ғалаён.  
Мансабидан маҳрум бўлиб, Марций қутурса,  
Бизга фойда.

## С и ц и н и й

Қани, кетдик Капитолийга.  
Ялпи фуқародан олдин етиб борайлик.  
Токи бизнинг қутқу билан қўзғалган исён  
(Гарчи тайёр эди бир оз,) лекин, шубҳасиз,  
Халойиқнинг ўз ишидек бўлсин намоён.  
Кетадилар.

## УЧИНЧИ ПАРДА

### Биринчи сахна

Римда бир кўча.

Бурғу чалинади. Кориолан, Менений, Коминий, Тит Ларций, сенаторлар ва аслзодалар киришади.

К о р и о л а н

Хуллас, яна Авфидий бош кўтардимиз?

Л а р ц и й

Ҳа,

Бош кўтарди. Шунинг учун сулҳ битимини  
Тузишга биз ошиқдик.

К о р и о л а н

Ҳа, бундан чиқдики,  
Вольсклар фақат пайт пойлашар, қулай келганда  
Яна ҳужум қилишади бизга?

К о м и н и й

Йўқ, консул,  
Улар абгор бўлган, бунга ишонинг тамом,  
Байроқлари ҳаволарда энди ҳеч қачон  
Ҳилпирамас.

К о р и о л а н

*(Ларцийга)*

Авфидийни сен кўрмадингми?

Л а р ц и й

Менга келди муҳофаза ҳужжати билан.  
Кориолани бериб қўйган юртдошларини  
Лаънатлаб, сўнг Анциумга жўнаб кетди у.

К о р и о л а н

Мен тўғримда гапирдимми?

Л а р ц и й

Ҳа.

К о р и о л а н

Нима деди?

Л а р ц и й

Сен билан у неча карра жанг қилганини,  
Сенга бўлган адовати, нафратларини,  
Сени жангда енгмоқ учун бор-йўғини  
Совуришга шайлигини.

К о р и о л а н

У Анциумдами?

Л а р ц и й

Ҳа.

К о р и о л а н

Қанийди ўша ёққа борсам ва унинг  
Нафратини синдирсайдим буткул. Ҳа, майли,  
Табриклайман сени юртга қайтишинг билан.

Сициний ва Брут киради.

Ана воизлар, авомнинг кир томоқлари!  
Мен уларнинг ҳукмронлик қилиб, мақтаниб  
Юришидан жирканаман, киборлар бунга  
Тоқат қилишолмас.

С и ц и н и й

Тўхта, жойингдан жилма!

К о р и о л а н

Нима дединг? Нега?

Б р у т

Олға юришинг хавфли.

К о р и о л а н

Яна қандай ғавғо?

М е н е н и й

Гапир, нима гап ахир?

К о м и н и й

Ахир, халқ ва зодагонлар сайлаган уни.

Б р у т

Йўқ.

К о р и о л а н

Сенингча, ким сайлаган? Болакайларми?

Б и р и н ч и с е н а т о р

Бозор майдонига борсин, тўсма, нари тур!

Б р у т

Халқ қахрини кўзғатди у.

С и ц и н и й

Орқага чекин,

Чекинмасанг, яна исён бўлиши тайин.

К о р и о л а н

Мана сизнинг авом, сизнинг ивирсиқ пода!

Мана нима бўлар овоз ҳуқуқин берсанг

Ўз сўзида туролмаган бетайинларга!

Воизлар, юрт томоқлари, кўзингиз қайда?

Нега оғзин ёпмадингиз авомнинг, нега?

Ё ўзингиз очдингизми уни?

М е н е н и й

Ҳей, тинчлан.

К о р и о л а н

Авом раъйин аъёнларга юкламоқ учун  
Бунда атай фитна-фасод уюштирилган,  
Ҳа, бўйсунинг, ҳукмронлик қилолмайдиган  
Аммо тагин ҳокимлардан бўйин товловчи  
У ноқобил тўдаларга.

Б р у т

Бунда фитна йўқ,  
Халқ устидан кулганингни масхара қилиб,  
Донни текин тарқатишни айлаганингни,  
Халойиқнинг ҳимоячи-воизларини  
Ялтоқлар деб, аъёнларнинг душманлари деб  
Айтганингни қичқирганча тарқатмоқдалар.

К о р и о л а н

Бу эски гап, элга аён.

Б р у т

Ҳаммага эмас.

К о р и о л а н

Сен валақлаб ёйгандирсан уни?

Б р у т

Ким? Менми?

К о р и о л а н

Сен бу ишга қодирсан.

Б р у т

Мен қодирман балки

Сенлар қодир эмас қанча яхши ишларга.

## К о р и о л а н

Айт-чи, унда консуллинг не керак менга?..  
Осмондаги булут ҳақи онт ичаманки,  
Ундан кўра сиз қатори бир воиз бўлиб  
Сиздан пасткаш бўлсам тузук.

## С и ц и н н и й

Халқнинг қаҳрини  
Қўзғайдиган иллат сенда ҳаддан зиёддир.  
Ниятингга восил бўлмоқ истасанг агар,  
Аста сўраб-суриштириб назокат билан  
Сен йўқотган йўлингни топ, йўқса ҳеч қачон  
Консул тугул, ҳатто воиз бўлишинг гумон.

## М е н е н и й

Э, қўйсанг-чи.

## К о м и н и й

Халқ алданган. Бу муттаҳамлар  
Муносибмас Римга, шижоатли Кориолан  
Не қиптики, унга турли фитна-фасодлар  
Соя солгай.

## К о р и о л а н

У ғаллани хотирга олди!  
Ҳа, ўшанда айтганимдай, яна айтаман..

## М е н е н и й

Кейинроқ айтарсан.

## Б и р и н ч и с е н а т о р

Ҳозир ҳаяжондасан.

## К о р и о л а н

Йўк, умримга қасам ичиб, ҳозир айтаман.  
Олийжаноб дўстлар, мени маъзур тутингиз.

Нетай, ахир, қўланса ва олчоқ авомга  
Суйканишга тоқатим йўқ. Майли, у ҳозир  
Сўзларимда кўрсин шаклу шамойилини.  
Такрорлайман, биз сенатга зиён келтириб  
Эркалатиб қўймоқдамиз халқни ноўрин,  
Биз ўзимиз тўполону исён алафин  
Экмоқдамиз шудгор ҳайдаб, ўғитин солиб,  
Ўзимизни авом билан тенг қўймоқдамиз,  
Пасткаш гадоларнинг кўнглин топмоқчи бўлиб  
Ҳокимият жilовини бериб, уларга  
Қоришиб ҳам кетдик.

### М е н е н и й

Бас қил.

### Б и р и н ч и с е н а т о р

Бас, гапни тўхтат.

### К о р и о л а н

Нима-нима? Гапни тўхтат? Жанг-жадалларда  
Ватан учун қон тўқаркан, қўрқмадим сира -  
Не-не ғанимлардан, энди наҳот қўрқаман  
Бир-икки чин сўз айтишга шу моховлардан.  
Биз уларга ён берамиз, аслида улар  
Гаплашишга арзимади.

### Б р у т

Мардум ҳақида  
Шундай сўзлар айтасанки, наздинда гўё  
Сен улардай оддий одам эмассан, балки,  
Кўқдан ғазаб ёғдиргувчи Парвардигорсан.

### С и ц и н и й

Гапларингни халойиққа етказмоқ зарур.

### М е н е н и й

Э, қўйсанг-чи! Ғазаб ичра айтди-қўйди-да.



## К о р и о л а н

Нима-нима? Ғазаб ичра? Йўқ, Худо ҳақи.  
Ярим туннинг роҳатидан кўра хотиржам  
Бўлганда ҳам ўзгармасдим, шундоқ ўйлардим.

## С и ц и н и й

Ўйлаганинг заҳарлайди фақат ўзингни,  
Бошқаларга у безиён бўлади албат.

## К о р и о л а н

"Бўлади!"... Бу калтакесак не оҳанг билан  
"Бўлади!" деб айтганини эшитдингизми?

## К о м и н и й

Бу сўз ғайриқонуниймас аммо.

## К о р и о л а н

"Бўлади!"

О, шафқатли, марҳаматли, муҳтарам, лекин  
Ҳуқуқсиз ва ҳимоясиз, калтабин сенат!  
Қандай қилиб, сен йўл қўйдинг, бу муттаҳамлар  
Авом - минг бир бошли илон номидан бутун  
Қарор қилиб, "Бўлади" деб таҳдид этади.  
Агарчандки ҳокимият уларда бўлса,  
Калтафаҳм бошингизни эгинг уларга.  
Ҳокимият агар сизда бўлса, у ҳолда  
Бу илатни илдизидан қўпормоқ даркор.  
Агар чиндан эса идрок-ақлингиз бутун  
Ақли қосирларга ўхшаб ўлтирмоқ нечун?  
Гар нодон бўлсангиз, айтинг, парёстикларга  
Сизлар билан ўлтиришсин улар ёнма-ён.  
Авом билан айлагансиз ўрин айрибош,  
Баски, унинг шовқинида сизнинг сасингиз  
Чўкиб кетди, худди сувга тош чўккан каби,  
Баски, унинг вакиллари манави янглиф  
Назар-писанда қилмай шундоқ шонли йиғинни,

(Бир йиғинким, Юнонистон кўрмаган балки)  
Тупургандек, "Бўлади!" деб юзга солади.  
Осмон шоҳид, консулларни таҳқир этди у!  
Мен юракдан ғам чекаман, чунки биламан,  
Қаердаки пайдо бўлса қўш ҳокимият,  
Ўртадаги тор тирқишдан кирар нотинчлик,  
Сўнг уларни бир-бирига ем қилар.

### К о м и н и й

Етар!  
Юр, майдонга борайлик!

### К о р и о л а н

Ҳа, агар кимда-ким  
Донни текин тарқатишни бераркан кенгаш,  
Худди юнонларга ўхшаб...

### М е н е н и й

Ўтинаман, бас.

### К о р и о л а н

...(Гарчи унда халқ ҳуқуқи баландроқ эди,  
Яна такрор айтаманки, шу кенгаш билан  
У бебошлик ва ғалаён уруғин экиб,  
Салтанатни ҳалокатга маҳкум этади.

### Б р у т

Шу сўзларни айтаётган кимсага наҳот  
Халқ сайловда овоз берар?

### К о р и о л а н

У овоздан ҳам  
Қимматлироқ далилларни мен келтираман.  
Наҳот, ўйлайсизки, текин тарқатилган дон  
Мукофот эмаслигини билмас фуқаро?  
Халқ эмасми, ахир, она юрт юрагига

Душман таҳдид солар экан, қани, жангта, деб  
Биз чақирсак, остонадан нари чиқмаган?  
Хўш, жангларда кўрсатди у нечук жасорат?  
Машғул бўлди қўзғолону исёнлар билан.  
Ва сенатни айблаб, ҳадеб дўқ ура берди,  
Бир эҳсондек унга тортиқ этилди ҳуқуқ.  
Нима бўлди? Унинг сира еб тўймас қорни,  
Айтинг, нечук қадрлади бу мурувватни?  
Унинг хатти-ҳаракатин маъноси равшан:  
"Биз - кўпчилик. Ғалла талаб қилдик, қўрқишиб,  
Бизга ғалла беришди". Ҳа, ҳокимиятни  
Биз ўзимиз ерга урдик, шу сабабдан ҳам  
Андишани қўрқоқлик деб билади авом.  
Сенат эшикларини ҳам синдириб ҳали,  
Ёпирилиб кирар қарға-қузғун ғаласи.  
Бургутларни чўқиб ташлар.

#### М е н е н и й

Бас, жим бўл! Етар!

#### Б р у т

Ҳа, етганда қандоқ!..

#### К о р и о л а н

Йўқ, мен яна айтаман,  
Еру кўкка қасам ичиб, айтаман яна. -  
Бир офатдир, қабоҳатдир қўш ҳокимият,  
Ки бир тараф нафратланар бошқа тарафдан,  
Бошқа тараф ёмонлайди биринчисини,  
Амадан ҳам, насабдан ҳам, донолиқдан ҳам  
Саналаркан кўпчиликнинг овози баланд,  
Бунақа қўш ҳокимият бир куни бориб,  
Куллий бало, ағдар-тўнтар якунга элтар.  
Мақсад йўли бекилиб, сад чекилган жойда  
Мақсадга ҳам етиб бўлмас.

(Сенаторларга)

Шунинг-чун сизга  
Ёлборман, сизга, ҳадик-қўрқувдан йироқ,  
Бироқ ҳушёр, эҳтиёткор зотларга, сизга,  
Ўзгаришдан қўрқмайдиган, лекин тартибни  
Хуш кўрувчи, кўп яшашдан кўра, муносиб  
Яшамоқни ардоқловчи аҳли тамизга,  
Ёлбораман хавф-хатарли дори-дармондан  
Ҳақ ўлимни хўб билувчи олий зотларга,  
Зуддик билан юлиб ташланг халойиқ тилин,  
Токи ширин оғуни у татиб кўрмасин.  
Йўқса, таҳқир-ҳақоратга кўмилар сенат,  
Бирлик барбод бўлур, балки ҳоқимият ҳам.  
У ёмонлик чангалига йўлиқдим, бас,  
Кейин эзгуликка сира хизмат қилолмас.

Б р у т

Бизга ҳамма нарса равшан!

С и ц и н и й

Хоин бўлиб гапирди у, лекин кўради,  
Худди хоин бўлиб энди жавоб беради!

К о р и о л а н

Аблаҳ! Ёриласан худди қаҳру аламдан!  
Биз бу чўлтоқ супургилар бошбошдоқликка  
Ундасин, деб оломонга воиз этдикми?  
Халқ буларни исён чоғи сайлаган эди,  
Ўшанда бурч - қонун эмас, куч - қонун эди.  
У айёмлар ўтди, уни кўрмай энди эп,  
Ҳайқирайлик: "Ҳақ ўрнида қарор топсин!"- деб,  
Совурайлик воизларнинг салтанатини.

Б р у т

Хиёнат бу!

С и ц и н и й

Консулми шу? Йўқ-йўқ, сира ҳам!

## Б р у т

Ҳей, эдиллар, бу ёққа!

Эдил киради.

Тез олингиз уни!

## С и ц и н и й

Халқни чақир

Эдил кетади.

Мен ҳибсга оламан сени

Халқ номидан, чунки унга хиёнат қилдинг.

Сен душмансан унга. Сени судга тортаман,

Қоралайман.

## К о р и о л а н

Йўқол, қари серка, йўлимдан!

С е н а т о р л а р в а б о ш қ а л а р

Биз кафилмиз унга.

## К о м и н и й

Ундан торт қўлингни, чол!

## К о р и о л а н

Йўқол, йўқса, ирик-чирик суякларингни

Бир зарб ила кийимингдан қоқиб ташлайман.

## С и ц и н и й

Ёрдам беринг!

Эдиллар шаҳарликлар оломони билан киради.

## М е н е н и й

Иккингиз ҳам эсни йиғингиз!

## С и ц и н и й

Гражданлар, манави зот ҳокимиятни  
Қўлингиздан олмоқчидир.

## Б р у т

Тутинг, эдиллар!  
Шаҳарликлар  
- Унга ўлим! - Ўлдирамиз!..

## С е н а т о р л а р   в а   б о ш қ а л а р

Қуролни шайланг!

Ҳамма қичқириб, Кориоланни ўраб олади.

Зодагонлар!.. Гражданлар!.. Воизлар!.. Шошманг!.. Ҳой,  
Сициний!.. Ҳой, Брут!.. Ҳой, Кориолан.. - Тўхтаб!.. Ёрдам  
беринг!.. - Тинчланингиз!.. - Қани, жим бўлинг!

## М е н е н и й

Эй, нималар бўлаётир? Мен бўғиламан.  
Офат, яъни сўз қотмоққа етмас мажолим.  
Кориолан, эй воизлар, бирпас тинчланинг,  
Марҳаматли Сициний, сен халқни тинчит.

## С и ц и н и й

Жим! Гражданлар, сизга айтар сўзим бор, тингланг.

## Г р а ж д а н л а р

Ҳой, воизни эшитайлик. - Қани, жим бўлинг!

## С и ц и н и й

Сизга бало таҳдид этар: мана шу жаноб,  
Ҳалигина сизлар консул сайлаган Марций  
Тортиб олмоқчидир тамом ҳуқуқингизни.

## М е н е н и й

Туф-е! Баттар кўзғаяпсан ахир оловни!

Б и р и н ч и   с е н а т о р  
Сен шаҳарни хонавайрон этмоқчимисан?

С и ц и н и й  
Хўш, шаҳар дегани нима? Шаҳар - халойиқ.

Ш а ҳ а р л и к л а р  
Рост айтади: халқдир асли шаҳар дегани.

Б р у т  
Ҳа, халойиқ иш кўрсин деб яқдиллик билан  
Ўз номидан ҳакам қилиб сайлаган бизни.

Ш а ҳ а р л и к л а р  
Бизнинг комил ҳакам бўлиб қолинг.

М е н е н и й  
Албатта.

К о м и н и й  
Ҳа, қолингиз, хонавайрон этиб шаҳарни  
Бузинг, токи тупроқ билан тенг айланг уни  
Ва тупроққа кўминг тамом тартиб-низомни!

С и ц и н и й  
Айтган сўзи учун Марций ўлимга маҳкум.  
Ҳокимиятни ё қўлда сақлаб қоламиз,  
Ё бўлмаса, айриламиз ундан. Шунинг-чун  
Биз, воизлар, халқ номидан қиламиз қарор:  
Кай Марцийни ҳозир қатл айламоқ даркор.

С и ц и н и й  
Қани, қўлга олинг дарҳол хиёнаткорни,  
Тарпей қоясига судраб чиқинг-да, уни  
Жарга улоқтиринг.

Б р у т

Тутинг, эдиллар уни!

Ш а ҳ а р л и к л а р

Таслим бўл, эй Марций!

М е н е н и й

Тўхтанг, менга сўз беринг!

Воизлар, сўз беринг менга!

Э д и л л а р

Қани, жим бўлинг!

М е н е н и й

Ўзингизни бирдек ватан дўстлари дейсиз,  
Сиз амалда исбот қилинг буни. Чамаланг -  
Қаҳр қилмай ва ошиқмай қарорингизни,  
Ғазаб билан уни дарров ўртага солманг.

Б р у т

Гар чиндан ҳам ҳалокатли экан хасталик.  
Совуққонлик билан аста берилган мадад -  
Бемор учун жон олғувчи оғудан баттар.  
Олинг уни ва қояга судранг!

К о р и о л а н

*(Қиличини яланғочлаб)*

Йўқ, асло!

Ололмайсан, ўлар бўлсам шунда ўламан!  
Менинг қандай жанг қилишим яхши биласиз,  
Келинг, майли, шиддатимни кўрмоқ бўлсангиз.

М е н е н и й

Хой, қилични бекит! - Бир дам нари турингиз.  
Хой, воизлар, сабр!..



## Б р у т

Тутинг.

М е н е н и й

Ёрдам берингиз!  
Олийжаноб дўстлар, ёшми-қарими, ҳамма  
Кай Марцийга ёрдам беринг, ёрдам!

Ш а ҳ а р л и к л а р

Ур уни!

Умумий жанг. Воизлар, эдиллар ва халойиқ суриб чиқарилади.

М е н е н и й

*(Кориоланга)*

Уйингга бор, йўқса, ишни тамом деявер!

И к к и н ч и с е н а т о р

Ҳа-ҳа, тезроқ бора қолгин.

К о м и н и й

Йўқ, шу ерда қол:  
Душманлар кўп, дўстларимиз кам эмас лекин.

М е н е н и й

Наҳот, қон тўкилса?

Б и р и н ч и с е н а т о р

Йўқ-йўқ, қодир Худолар  
Бунга йўл қўйишмас. - Менинг мардона дўстим,  
Уйингга бор, қолган ишни бизга қўйиб бер.

М е н е н и й

Ҳаммамиз ҳам яраландик, жароҳатларни  
Ёлғиз ўзинг қандай қилиб бойлайсан. Жўна,  
Уйингга бор.

К о м и н и й

Йўл оламиз биз ҳам ортингдан.

К о р и о л а н

Менга айтинг, нега булар варварлар эмас,  
Римликлару варварларга жуда ҳам монанд.  
Капитолий этагида дунёга келган -  
Бу римликлар римликларга нега ўхшамас?

М е н е н и й

Боргил энди. Фазабинг бос ва менга ишон:  
Қодир қасос, ўч соати етар бегумон.

К о р и о л а н

Мен буларнинг юзтасини йиқардим жангда.

М е н е н и й

Мен анави воизларни - ҳеч бўлмаганда.

К о м и н и й

Авом бизни босади ўз залвари билан.  
Қулайман, деб турган девор ёнида туриш -  
Жасоратмас, нодонликнинг ўзидир чиндан.  
Кет бу ердан, оломон то изга қайтмасдан,  
Қайтар бўлса, учрагани абгор этади,  
Сув тўғонни емиргандек, ювиб кетади.

М е н е н и й

Бор, яширин, кекса ақлим ақлсизларнинг  
Ҳовурини босиб, йўлга солмагунча то  
Йиртиқ жойга ямоқ бўлар ҳар қандай мато.

К о м и н и й

Кетдик.

Кориолан, Коминий ва бошқалар кетишади.

## Б и р и н ч и а с л з о д а

Ўта тўғри, дунё билан яшолмас тотув.  
На Нептуннинг найзаси ва на Юпитернинг  
Чақмоқлари қаршисида эгилмагай у.  
Фикри билан сўзи сира тушмагай айру:  
Дили нима деса, тили шуни такрорлар.  
Ғазаб ичра ёнар экан, унутар тамом  
Не дегани "ўлим" деган даҳшатли калом.  
Саҳна ортида шовқин.  
Ў, иш катта.

## И к к и н ч и а с л з о д а

Қани энди уларни бир-бир  
Тўшагига ётқизсайдим.

## М е н е н и й

Қанийди нуқул  
Тибр тўлқинига қараб улоқтирсайдим,  
Эҳ, бекорга воизлар-ла ғижиллашди у!  
Брут ва Сициний плебейлар оломони билан киради.

## С и ц и н и й

Хўш, қани у, Римни бошдан-оёқ қийратиб,  
Кейин ўзи ҳукмронлик қилмоқчи бўлган?  
Хўш, қани у илон?

## М е н е н и й

Марҳаматли воизлар...

## С и ц и н и й

Ҳа, у Тирей қоясидан итқитилади.  
У қонунга қарши чиқди, бас, шунинг учун  
Уни судсиз Ҳақ жазога топширар қонун,  
Бизнинг ҳокимият буни ижро этади.

## Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Ҳа, у билиб қўйсин, воиз - халқнинг тилидир. Бизлар эса - қўлларимиз.

### Ш а ҳ а р л и к

Ҳа, баракалла!

### М е н е н и й

Мени бирпас эшитинглар...

### С и ц и н и й

Халойиқ, жим бўл!

### М е н е н и й

Хўш, айиқни олқишлашиб қувламоқ нечун?  
Ахир, уни суронсиз ҳам овламоқ мумкин.

### С и ц и н и й

Нега ёрдамлашдинг унга яширинмоққа?

### М е н е н и й

Қўй, гапирай, ахир, фақат фазилатимас,  
Неча қусури ҳам менга аён консулнинг.

### С и ц и н и й

Қайси консул?

### М е н е н и й

Кориолан.

### Б р у т

Консул? Ўша-я?

### Ш а ҳ а р л и к л а р

Йўқ-йўқ, асло!

## М е н е н и й

Воизларнинг рухсати билан  
Бир-икки сўз айтишимга ижозат беринг,  
Вақтингиздан олгум фақат неча дақиқа,  
Бир-икки офиз сўз.

## С и ц и н и й

Гапир, лекин қисқа қил:  
У заҳарли илонни тез мажақлаш лозим.  
Қувсак - хавфу хатар бизга таҳдид солади,  
Қолдирсак - биз учун тайин ҳалокат бўлур,  
Шунинг учун у бугуноқ ўлмоғи зарур.

## М е н е н и й

Йўқ, арвоҳлар тоқат қилиб туролмас бунга,  
Фарзандлари хизматидан рози бўлган Рим  
Қисмат китобига исмин Юпитер ёзган  
Шон-шуҳратли, мардимайдон ўғлонларини  
Худди йиртқич ҳайвон каби ўзи ямласа.

## С и ц и н и й

У йирингли яра. Кесиб ташламоқ даркор.

## М е н е н и й

У - бир аъзо, ҳаммаёғи яра-жароҳат.  
Даволаш - хўб, аммо кесиб ташлаш - ҳалокат.  
Қайси айби учун қатл этасиз уни?  
Айтинг-чи, у Римга нима ёмонлик қилди?  
Унинг айби-ёвни яксон айлаганими?  
Майдон аро душманни қон айлаганими?  
Бас, унинг қонини тўкмоқ бўлсангиз, албат  
Маломатта кўмиласиз абадул-абад.

## С и ц и н и й

Пуч, бекорчи гаплар!

## Б р у т

Яна жуда бетайин.  
У ватанни севганида кўрмишди иззат.

## М е н е н и й

Садоқат-ла бизга хизмат қилган оёқни  
Энди шол бўлди, деб кесиб ташлаш керакми?

## Б р у т

Бас, кифоя.- Шу ондаёқ уйига боринг,  
Судраб чиқинг ярамасни, токи марази  
Бошқаларга тарқалмагай.

## М е н е н и й

Тўхтанг, ошиқманг! -  
Яна жиндек сўз айтишга беринг ижозат.  
Сиз Марцийни қувмоқчисиз йўлбарсга ўхшаб.  
Бу ҳовлиқиш бошингизга келтирур бало,  
Қочаркансиз қуён бўлиб, жуфтакни ростлаб,  
Хатойингиз тушунасиз, кеч бўлур аммо.  
Кориолан қисматини аён этсин суд,  
Йўқ, десангиз ғавғо чиқар (у суюк ўғлон!)  
Рим римликлар қўли билан этилур вайрон.

## Б р у т

Агар ундоқ эса...

## С и ц и н и й

Бизга валақлаш нечун?  
У қонунни танимайди, ҳаммага маълум!  
У эдилни эдил демас, воизни воиз,  
Мушт кўтарди боя! Бориб қўлга олингиз...

## М е н е н и й

Унинг жангда ўсганини хотирга олинг.  
Қилич ушламоққа қўли келгандан буён  
Жанг қилади, аммоки сўз қотолмас равон.

Ўнг-терсига боқмасдан, гап қотаверади.  
Унни кепак билан қўшиб тортаверади.  
Изн беринг, мен борайин. Ишончим комил,  
Судда ҳозир бўлиб қонун юзасидан ул  
Собит туриб жавоб айтар сиз қўйган оғир  
Айбларга у.

### Б и р и н ч и   с е н а т о р

Мана, олийжаноб воизлар,  
Чин инсоний қарор деган бундоқ бўлади.  
Бошқа йўлдан борса лекин чатоқ бўлади.  
У - қонли йўл, боши маълум, охири мавҳум.

### С и ц и н и й

Ундоқ бўлса, олийжаноб Менений бориб,  
Халқ номидан ҳаракат қил.

*(Халққа)*

Сизлар ҳозирча  
Қиличларни қинга жойланг.

### Б р у т

Лекин тарқаманг!

### С и ц и н и й

Ҳаммамиз майдонда сени кутиб турамиз.  
Гар Марцийсиз қайтар бўлсанг, уни куч билан  
Қўлга олажакмиз.

### М е н е н и й

Марций келади, ишон.

*(Сенаторларга)*

Сиз ҳам юринг. У бу ёққа келиши лозим,  
Йўқса, ҳамма нарса тамом деявер.

### Б и р и н ч и   с е н а т о р

Кетдик!  
Кетадилар.

## Иккинчи саҳна

Кориолан уйида бир хона.

Кориолан ва аслзодалар киришади.

### Кориолан

Майли, мени бурда-бурда қилиб чопсинлар,  
Ё отларнинг оёғига отсинлар, майли,  
То ўпқонга боқиб тинсин учун кўзларим,  
Тарпей қоясидек яна ўнта қояни  
Ост-уст қилиб уйиб, майли, қалаштирсинлар,  
Қандай бўлсам, шундайликча, қолгум, уларга  
Сўзим ҳамон ўша-ўша.

### Биринчи аслзода

Олийжанобсан!

### Кориолан

Мен ҳайрон қоламан фақат онам феълига,  
Мени маъқулламас, гарчаңд халойиқни у  
Дағал жунли ҳайвон дея атарди доим,  
Ва уларнинг иши - нуқул бозор-ўчарда  
Бир чақа деб жон талашиш, мажлис-йиғинда  
Сўз бораркан уруш ёки яраш ҳақида  
Эснаш ёки сўз қотмасдан жимгина боқиб,  
Ҳайратланиб эшитиш, деб айтарди ойим.

Волумния киради.

Сен тўғрингда гап боради. Нега энди сен  
Табиатинг ўзгартир, деб талаб қиласан?  
Нега керак энди менинг юмшоқ тортишим?  
Қандай бўлсанг, шундай қол, буюрсанг эди...

### Волумния

Ўғлим,  
Ҳокимият тўнини сол елкангта аввал,  
Кейин кийгин илма-тешиқ бўлгунга қадар.



## К о р и о л а н

Жулдур кийим кимга керак!

## В о л у м н и я

Шуни англаким,  
Қандай бўлса, шундайликча қолишинг мумкин,  
Фақат буни душманларга кўрсатма унча,  
Шундай қилсанг, нафратлари оз бўлур шунча.  
Ниятларинг яшар, айла муродинг ҳосил,  
Кейин сенга биров халал бериши мушкул.

## К о р и о л а н

Дорга тортиш керак фақат авомни, дорга!

## В о л у м н и я

Менга деса, отмайсанми уни оловга.

Менений ва сенаторлар киришади.

## М е н е н и й

Эътироф эт: сен ҳақдингдан ошдинг кўп ёмон,  
Энди бориб, хатойингни тузат шу замон.

## Б и р и н ч и с е н а т о р

Бошқа йўл йўқ. Ё майдонга чиқасан, ёки -  
Рим тўзғийди, самоларга соврилур хоки.

## В о л у м н и я

Ўтинаман, сен буларнинг айтганига кўн,  
Мен ҳам сендек ўз сўзимда собитман, лекин,  
Лекин зарур бўлганда-чи, зарур бўлганда,  
Ақлим қаҳру ғазабимга жилов солади.

## М е н е н и й

Жуда яхши айтдинг, бекам, ўхшатиб айтдинг!  
Ватан учун таҳликали шундоқ паллада

Заҳар-заққум дорини сен талаб айлама.  
Мен ҳаттоки совут-қалқон киярман яна  
Дўстимни асрашчун ўша пода олдида -  
Таҳқирлардан.

К о р и о л а н

Хўш, мен нима қилмоғим керак?

М е н е н и й

Сен мен билан воизларнинг ҳузурига юр.

К о р и о л а н

Хўш, кейин-чи?

М е н е н и й

Сўзларингга сўрагил узр.

К о р и о л а н

Мен улардан узр сўрай? Сўрамагайман,  
Уларданмас, ҳатто қодир Тангрилардан ҳам!

В о л у м н и я

Сен қайсарсан жуда. Ахир олийжаноблик  
Заруратнинг овозини тинглагай баъзан.  
Жанг-жадалда мардоналик билан айёрлик  
Ҳеч айрилмас оғайни деб ўзинг айтардинг.  
Тинч-омонлик айёмида энди ўшалар  
Бир-бирига зиён қилиб, бир-бири билан  
Нега баҳслашар?

К о р и о л а н

Жим бўл!

М е н е н и й

Ҳаққоний савол.

## В о л у м н и я

Бас, урушда муғамбирлик беорлик эмас,  
Галабага етишмоққа бизга мададкор.  
Тинчлик айёмида ўша мададкор бўлса,  
Фойда берса, бунинг нечук маломати бор?  
Қани, айт-чи?

## К о р и о л а н

Хўш, бу билан не демоқчисан?

## В о л у м н и я

Демоқчиман, сен халқ билан истагингчамас,  
Тадбир ила муомала этмогинг даркор.  
Юрақдаги ғазабингни чиқармай юзга,  
Пуч ва совуқ гап-сўзларни тизгайсан қатор.  
Тил никоҳсиз болалардек туғиб уларни,  
Дилингдаги ниятингни яширгай буткул.  
Гоҳ шаҳарни жанг биланмас, авраб олишар,  
Ишон, ўғлим, ўшандан ҳам тубан эмас бул.  
Ўз ҳаётим ва дўстларим ҳаёти агар  
Хавф остида қолар бўлса, мен ҳам муқаррар  
Муғамбирлик қилар эдим ва бунда асло  
Кўрмас эдим ор-номусга хилоф бир маъно.  
Мен, рафиқанг, ўғлинг шуни сўраймиз яктан,  
Шуни сенат, зодагонлар сўрашар сендан.  
Сен бўлсанг-чи, хушомад бир табассум билан  
Авом юрагини авраб қўлга олишдан  
Қовоқ уйиб, ранжитишни кўрасан аъло.  
Гар авомнинг рағбатини қозонолмасанг,  
Ҳамма нарса адо бўлди деявер, адо.

## М е н е н и й

Айни ҳикмат!

(Кориоланга)

Бизлар билан юра қол энди.  
Хавф-хатарни даф этарсан ширин сўз билан  
Ва йўқотган бор нарсангни оларсан қайтиб.

В о л у м н и я

Ўғлим, улар ҳузурида қалпоғингни еч.  
Мана бундоқ қилиб кейин тутиб тур қўлда.  
(Ўшаларга ўхшаб.) Кейин тиззаларингни  
Енгилгина тошга тегиз (бундай пайтларда  
Сўзлашдан ҳам мақбул хатти-ҳаракат зарур.  
Жоҳилларнинг қулоғидан кўзлари ўткир).  
Сўнгра тутнинг ҳил-ҳил пишган меваси каби  
Озорга ҳеч бардоши йўқ нозик кўнглингни  
Ювош тутиб туриб, секин бошингни чайқат,  
Сўнг уларга содиқ жангчи эканлигинг айт.  
Айтгил, умринг доимо жанг майдонда ўтиб,  
Назокату нафосатга ўрганмаганинг.  
Баски, талаб этишаркан бу хислатларни  
Ўрганишга энди аҳду паймон этганинг.  
Энди сизга ёқиш учун қўлдан келганча  
Уринаман, дея халққа ваъда беравер.

М е н е н и й

Онанг неки демиш, шуни айлагил бажо.  
Бор юраклар сеникидир, халойиқ деган -  
Кимки узр айтса, уни хуш кўрар жуда,  
Маъзур тутмоққа ҳам яна сахийдир чиндан.

В о л у м н и я

Ёлбораман, маслаҳатим қулоғингга ол,  
Гарчанд, биламанки, ёвни изма-из қувиб,  
Олов тўла жаҳаннамга кириш сенга - хўб,  
Яшнаб турган боғда унга суйканиш - малол.

Коминий киради.

Қара, Коминий ҳам келди.

## К о м и н и й

Ошиқдим жуда.

Мен майдондан келяпман. Шайлан, Кориолан,  
Ё куч билан қаршилашга, ё бўйсунишга,  
Ё бўлмасам, қочишга сен тайёр тургайсан -  
Бутун шаҳар қўзғалди.

## М е н е н и й

Эх, бор-йўғи фақат  
Икки оғиз мулойим сўз...

## К о м и н и й

Айни шу фурсат  
Шу ёрдам беради, холос. Бизнинг Кориолан  
Бўйсундира олса ўзни.

## В о л у м н и я

Зарур - қилади,  
Ўғлим, сендан кутяпман "хўп" деган сўзни.

## К о р и о л а н

Демак, авом қаршисида қалпоғим ечиб,  
Мен унга бўйсунимни этайин ошкор?  
Ва уятсиз тилим билан бир нималар деб,  
Ёлғон айтиб, юрагимни булғашим даркор?  
Хўп, майлига, борай, шуни билингиз бироқ,  
Гап Марций деб аталувчи шу хокий таннинг  
Ҳалокати хусусида фақат борсайди,  
Тап тортмасдим, маҳв этардим уни ҳозирок,  
То анави... Ҳа, майлига, кетдик майдонга,  
Гарчи менга, ўйнайсан, деб берилган ролни  
Бажаришим гумон.

## К о м и н и й

Айтиб турамиз сенга.

## В о л у м н и я

Менинг азиз ўғлим, менинг мақтовим сенга  
Шижоат бахш этганини гапирган эдинг.  
Ўтинаман сендан, ўзинг ҳеч ўйнамаган  
Шу ролни ҳам онанг учун айлагил ижро.

## К о р и о л а н

Майли, шундоқ бўлсин! Мағрур руҳим, алвидо!  
Фоҳишанинг қалби энди яшасин менда!  
Ногоралар садосини босган овозим  
Бўлсин энди ахта қулнинг сасидек нолон!  
Ё бўлгай у бешик узра ҳорфин эгилган  
Энаганинг алласидек заиф ва ожиз!  
Лабларимни қийшайтирсин малай кулгуси,  
Кўзларимни пардалагай ҳалқа-ҳалқа ёш.  
Тилим бўлсин тиланчи бир дайдининг тили,  
Бир тиланчи каби юрай доим эгиб бош.  
Олдин фақат узангида эгилган тиззам,  
Ҳа, зирҳ билан қопланган шу тошдай тизларим,  
Ювош хотин тиззасидек букилсин энди!  
Йўқ! Мен сира ўз-ўзимни алдай олмайман,  
Вужудимга қилдирмайман пасткаш ишларни,  
Пасткашликка ўрганади йўқса руҳим ҳам.

## В о л у м н и я

Ихтиёринг! Сендан сўраб, ўтиниб такрор,  
Мен ўзимни хор айладим, авом олдида -  
Сенинг эса шунчалар хор бўлишинг душвор.  
Майли, адо бўлсин энди ҳаммаси. Токим  
Қайсарлигинг оқибатин кўрқиб кутгандан  
Ўз ўғлимнинг мағрурлиги қурбони бўлиб,  
Кўз юммоқни ўзимга мен афзал биламан.  
Сенга ўхшаб шум амалдан мен ҳам бир кулай.  
Жасоратни сутим билан симирдинг, аммо,  
Мағрурликни эса танҳо ўзинг касб этдинг.

## К о р и о л а н

Она, ҳадеб койийверма. Таскин топгайсан.  
Бозор майдонига чиқиб масхарабоздек  
Қийшанглайман, оломондан меҳр тиланиб.  
Меҳр олиб, ҳузуринга яна қайтаман,  
Римлик чорбозорчиларнинг эркаси бўлиб.  
Қара - кетяпман. Ёстикдошимга таъзим,  
Консул бўлиб қайтишимни кутгин, мабодо,  
Консул бўлолмасам, кейин бўлма умидвор -  
Хушомадга қодирман деб.

## В о л у м н и я

Сенда ихтиёр.

*(Кетади.)*

## К о м и н и й

Кетдик. Унда кутишмоқда воизлар бизни.  
Сен уларга ўзингни сал ювош тутиб бер,  
Эшитдимки, сенга қўймоқ бўлган айблари  
Аввалгидан анча офир бу гал.

## К о р и о л а н

Юравер.

Ювошлигу мулойимлик - менинг шиорим.  
Тухматларни ағдарсинлар бошимга ҳарчанд,  
Барчасига собит туриб жавоб бераман -  
Номус билан.

## М е н е н и й

Балли, бироқ ювошлик билан.

## К о р и о л а н

О, албатта, жуда-жуда ювошлик билан.  
Кетадилар.

## Учинчи саҳна

Ўша жой. Йиғин.

Сициний ва Брут кирадилар.

Б р у т

Мустабид бир ҳоким бўлиб олиш ниятин  
Дадил туриб исбот айла, агар рад этса,  
Орага сол халққа кеки борлигин кўздан.  
Шу сабабли анцийлардан олган ўлжани  
Тарқатмасдан, қўлда тутиб турибсан, дегин.

Эдил киради.

Хўш, келдими?

Э д и л

Ҳозир йўлда.

Б р у т

Ёнида ким бор?

Э д и л

Ҳамроҳлари - эски дўсти - Менений чолу  
Яна унга ихлос қўйган бир тўп сенатор.

С и ц и н и й

Бизга овоз берганларнинг рўйхати қани?  
Ёнингдами?

Э д и л

Ҳа, у рўйхат ёнимда. Мана.

Б р у т

Гражданлардан сен ўзинг сўрадингми?

Э д и л

Ҳа.



## С и ц и н и й

Бориб халойиқни тўпла, унга тушунтир -  
Ки, мен "Халқнинг ҳуқуқига кўра" дейману  
"Ўлим!" "Қувғин!" ё "Жарима!" деб қичқираман.  
Мен "Жарима!" деб қичқирсам "Жарима!" десин,  
"Ўлим!" десам, "Ўлим!" дея солишсин сурон.  
Халойиқ ўз ҳуқуқига, қадим эркига,  
Асосланиб ана шундай иш юритади.

## Э д и л

Мен шундоқ деб етказаман.

## Б р у т

Кўтариб сурон,  
Халойиқ ҳеч тинчимасин, тинмасин бир зум,  
Шу ҳайқириқ остида то бизнинг ҳукми  
Ижро қилишга у мажбур этсин.

## Э д и л

Тушундим.

## С и ц и н и й

Биз ишора айладикми, бас, шу дақиқа  
Иккиланмай бошлайверсин улар.

## Б р у т

Энди, бор.

Эдил кетади.

Сен жиғига тегиб, дарҳол жаҳлини чиқар,  
У ҳаммавақт, ҳамма жойда, баҳсда ҳам ҳатто,  
Биринчи бўлишга жуда ўрганиб қолган.  
Жаҳли чиқса, эҳтиётни унутар дарҳол.  
Ҳазаб билан дилдагиси тилга келади,  
Белини чўрт узмоққа шу ўзи кифоя...

Кориолан, Менений, Коминий, сенаторлар ва аслзодалар  
киришади.

С и ц и н и й

Мана ўзи.

М е н е н и й

Ўтинаман босиқ бўлгайсан.

К о р и о л а н

Ҳа, худди бир отбоқардек сариқ чақа деб  
Қанча таъна-дашном бўлса, ҳазм қиламан.  
О, Тангрилар, Римни асранг паноҳингизда  
Ҳакамларнинг олиймақом курсиларини  
Тўлдирингиз марди майдон фозиллар билан.  
Ато этинг бизга меҳр-оқибат, токим  
Бутхонада аҳилликни олқишлаб, бироқ  
Кўчаларда ёқа йиртиб юрмайлик.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Омин.

М е н е н и й

Олийжаноб тилак.

Эдил шаҳарликлар билан киради.

С и ц и н и й

Қани, яқинроқ келинг,  
Ватандошлар!..

Э д и л

Сўз аввали - воизларга! Жим!

К о р и о л а н

Аввал менга.

В о и з л а р

Бўпти, гапир.

(Шаҳарликларга.)

Қани, жим бўлинг!

К о р и о л а н

Бунда баён этиларми, бутун даъволар,  
Ва иш бошдан-охир шунда этиларми ҳал?

С и ц и н и й

Йўқ, сен аввал айтгин, халқнинг иродасига  
Бўйсунушга ҳозирмисан, тан оласанми -  
Воизларнинг ҳуқуқини ва тайёрмисан  
Бунда тайин этилажак айбларинг учун  
Ҳақли жазо олмоққа ҳам магар?

К о р и о л а н

Тайёрман.

М е н е н и й

Эшитдингми, халойиқ? У "Тайёрман" деди.  
Унинг жасоратларини ёдингда сақла.  
Эсингда тут, ахир, ҳамон унинг танида  
Қутлуғ мазордаги ўша қабр тошига  
Чекилган нақшлар каби чандиқлар ётар.

К о р и о л а н

Арзимаёди! Жиндаккина тирналган, холос!

М е н е н и й

Шуни яхши англандизки, у сўзга гарчанд -  
Нўноқ граждандир, лекин жангда беқиёс.  
Ғазаб мақомида кўрманг кескинлигини,  
Боя айтганимдек, сизга у душман эмас,  
У бир аскар каби сизга дағалдир, холос.

К о м и н и й

Бу тўғрида ётар энди.

## К о р и о л а н

Халқ менга айтсин,  
Нега бошда сайлаб мени яқдиллик билан  
Қарорини кейин бекор қилди, бу билан  
Мени таҳқирлади?

## С и ц и н и й

Бизмас, жавобгар - сенсан.

## К о р и о л а н

Тўғри. Ҳозир мен жавобгар. Қани, бўл, гапир.

## С и ц и н и й

Бизнинг сенга қўядиган айбимиз шуки,  
Сен қонун ва тартиботни емириб Римда,  
Яккабошли бир ҳукмдор бўлмоқ истадинг.  
Шунинг учун биз, воизлар эълон қиламиз,  
Сени халқнинг хоини, деб.

## К о р и о л а н

Мен - хоинманми?

## М е н е н и й

Ўзингни бос! Бизга берган ваъданг унутма.

## К о р и о л а н

О, жаҳаннам оловлари, халқни кул айла!  
Мен хоинми? Мен-а? Воиз, сен тухматчисан!  
Кўзларингдан йигирма минг ажал мўралаб,  
Қўлларингда ўлим бўлса - йигирма миллион,  
Яна шунча бўлса улар тилингда пинҳон,  
Тангриларга сифинганда, қўрқмаганимдек,  
Тап тортмасдан дердим: "Сўзинг қип-қизил ёлғон!"

## С и ц и н и й

Эшитдингми, халойиқ?

## Ш а ҳ а р л и к л а р

Бас, қояга судранг!

С и ц и н и й

Жим бўлингиз! Бошқа айблаш энди ҳожатмас,  
Унинг сўзи, кирдикори сизларга аён.  
Эдилларни калтаклади, бизларни сўқди,  
Ва қонунга қиличини кўтарди тикка.  
Бутун эса уни ҳаққа ҳукм этгувчи  
Биз, қонуний ҳакамларни масхара этар.  
Булар бари жиноятдир, ахир, бу билан  
Давлатга ҳам у хиёнат этмиш муқаррар.  
Бунинг учун у ўлимга мустаҳиқ.

Б р у т

Лекин  
Римга қилган хизматлари...

К о р и о л а н

Қанақа хизмат!

Б р у т

Мен бор гапни, билганимни айтаман.

К о р и о л а н

Сенми?

М е н е н и й

Эшит, ахир сен онангга қасам ичгансан...

К о м и н и й

Ўтинаман, ёдингда тут...

К о р и о л а н

Йўқ, истамайман  
Энди бошқа эслашни ҳам, эшитишни ҳам.

Тарпей чўққисидан мени отишсин, майли,  
Ё зиндонда ўлдиришсин мени очликдан.  
Терим шилиб олишсин ё этишсин қувфин,-  
Зарра шафқат сўрамасман, маъсум сўз айтиб,  
Бор дунёнинг бисотини берсалар ҳамки,  
"Марҳабо!" деб воизларга эгмасман бўйин.

### С и ц и н и й

Халойиққа ҳар соҳада, ҳар тарафлама  
Душманлигини у аён айлагани-чун,  
Ва қонуний ҳукуматдан уни бир йўла  
Маҳрум айламоққа ўзни шайлагани-чун.  
Ва ниҳоят, ҳакамларга бугун беписанд  
Дашном айтиб, таҳқир жавоб қайтаргани-чун,  
Ва ҳаттоки, уларга қўл кўтаргани-чун,  
Биз, воизлар халқ номидан ва бизга тегиш  
Ҳоқимият амри билан этамиз ҳукм:  
У бугундан то умрбод-қувфинга маҳқум.  
Рим дарвозасидан кириш унга - қатағон,  
Бу ҳукми бузса, унга бўйин эгмаса,  
Тарпей чўққисидан жарга ташланур - тамом,  
Халқ ҳуқуқи шуни талаб этар, вассалом!

### Ш а ҳ а р л и к л а р

Йўқол Римдан! - Ҳайданг уни! - Қувфин қилинсин!

### К о м и н и й

Эй соддадил дўстлар, мени эшитинг бир дам.

### С и ц и н и й

Ҳукм қатъий, бошқа гапга энди ҳожат йўқ.

### К о м и н и й

Йўқ, эшитинг. Мен ҳам консул бўлганман ахир,  
Яна менинг баданимда Рим душманлари  
Қилич билан ўйиб солган чандиқ оз эмас.

Менга ўз ҳаётим, рафиқамнинг номуси,  
Пушти камаримдан бўлган фарзандларимнинг  
Ҳаётидан кўра ватан иқболи қиммат,  
Шунинг учун айтардимки сизга...

### С и ц и н и й

Хўш, нима?

Сен нималар демоқчисан - олдиндан аён.

### Б р у т

Гапга нима ҳожат, халқ ва ватан душмани  
Қувғин этилди-ку ҳозир. Тамом-вассалом!

### Ш а ҳ а р л и к л а р

Қувғин қилинсин!.. Қувғин қилинсин!..

### К о р и о л а н

О, сиз, дайди итлар тўпи! Мен жирканаман  
Ботқоқ сассифидек чиркин нафасингиздан.  
Кўмилган у мурдаларнинг қўлансасини  
Сизнинг меҳрингиздан балки аъло кўраман.  
Шунда қолаверинг мудом бетайин бўлиб!  
Ҳар бир миш-миш хабар сизни титроққа солсин!  
Душман дубулғасидаги жиға-попуклар  
Елпиниши аламларга солсин тамоман!  
Ҳокимият жиловига ёпишинг маҳкам,  
Кимки сизга ҳимоячи бўлса, аяманг,  
Қувғин қилинг, токи сизнинг жаҳолатингиз  
(У офатни фақат офат келганда кўрар)  
Сизни этмагунча буткул бесару сомон  
(Сабаб шуки, ўзингизга ўзингиз душман),  
Токи келгиндилар сизни қуликка солиб,  
Жангсиз мағлуб этмагунча, қувинг беомон!  
Сиз туфайли жирканаман она шахримдан  
Ва ундан ҳам ўтираман юзни батамом:  
Дунё деган тутамас шу деворлар билан.

Кориолан, Коминий, сенаторлар ва аслзодалар чиқишади.

Э д и л

Кетяпти-ку! Халқ душмани кетяпти-ку! Ҳей!

Ш а ҳ а р л и к л а р

Биз ҳайдадик! Биз душманни қувиб чиқардик! Эҳ!

*(Қичқиришиб, қаллоқларини ҳавога отишади.)*

С и ц и н и й

Шаҳар дарвозасигача кузатинг уни,  
Бир замонлар сизни қувиб ҳайдаган каби,  
Таъқиб этиб боринг таҳқир-масхара айлаб,  
Биз борамиз соқчилар-ла шаҳар оралаб.

Ш а ҳ а р л и к л а р

Воизларимизни тутгай Тангрилар омон!  
Кетдик! Кузатамиз уни дарвоза томон!

Кетадилар.

## ТЎРТИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Рим дарвозалари ёнида.

Кориолан, Волумния, Виргилия, Менений, Коминий ва бир неча ёш патрицийлар киришади.

К о р и о л а н

Йиғламангиз. Қисқа бўлсин бизнинг хайр-хўш.  
Нима илож, минг бир бошли сузонғич ҳайвон  
Мени суриб, ҳайдаб чиқди шаҳардан. - Онам,  
Қайда қолди у аввалги жасоратларинг?  
Авваллари айтар эдинг, йирик фалокат -  
Руҳи соҳиб қудратларга йирик синов деб,



Майдаларнинг бахтсизлиги майда бўлади,  
Тинч денгизда қайиқча ҳам суза олур, деб.  
Аммо оқил, олийжаноб киши ҳар қачон  
Тақдир унинг боши узра ёнғоқ чақса ҳам,  
Парво қилмай, тута олур ўзни хотиржам.  
Она, менга бу фикрни уқтирган ўзинг,  
Руҳим енгилмаслигига шу эди гаров.

В и р г и л и я

Эвоҳ, фалак!..

К о р и о л а н

Ўтинаман, рафиқам, сендан...

В о л у м н и я

Вабо-қазо човут солиб, ёйилсин Римга,  
Савдогару ҳунармандни ямласин!

К о р и о л а н

Нега?

Фойиб бўлсам, етишади менинг қадримга.  
Она, ўзни бардам тутгил. Айтган эдим-ку,  
Геркулеснинг рафиқаси бўлсанг мабодо,  
Енгиллатиш учун унинг машаққатини,  
Олти жасоратни ўзинг этардинг бажо.  
Хайр, яхши қолинг энди, онам, рафиқам.  
Хор бўлмайман, маъюсланаверма, Коминий.  
Кўз ёшларинг ёшларнинг кўз ёшидан ҳам шўр,  
Қари кўзга бу оғудир, содиқ Менений.

*(Коминийга)*

Менинг собиқ қўмондоним, хотиримда бор,  
Юракларни музлатгувчи манзараларга  
Боқар эдинг парво қилмай, этмай эътибор.  
Сен бу ғамгин аёлларга уқтир, тушунтир  
Қисматнинг шум зарбалари остида йиғи -

Кулишдан ҳам баттар, ўта нодонлик, ахир,  
Сен биласан, онам, менинг жасоратларим  
Бағишларди сенга доим таскин-тасалли.  
Якка-ёлғиз бошим билан гўёки ҳозир  
Бирор кўзга чалинмаган, лекин шу билан  
Эл ичида қўрқув билан аросат солган  
Аждаҳонинг уясига йўл олмоқдаман -  
Лекин ишон, оломондан юксалур ўғлинг,  
Агар ем бўлмаса алдов, макрига унинг.

#### В о л у м н и я

О, тўнғичим, айтгин, энди қайга борасан?  
Сени йўлда кузатсин шу оғанг Коминий.  
Аввал обдан ўйлаб, кейин қадам босгайсан,  
Токи бирор хавфу хатар тўсмагай йўлинг.

#### К о р и о л а н

О, Тангрилар!

#### К о м и н и й

Бир ойгача сенга ҳамроҳ бўлиб юраман,  
Маълум бўлар кейин, қайда тутасан макон.  
Шундоқ бир жой бўлсинки у, токи қийналмай  
Хабар йўлаб турайлик биз бир-биримизга.  
Токи қулай фурсат етиб келиши билан  
Сенинг Римга қайтишингни талаб этайлик.  
Керагида ортиқ излаб-нетиб юрмайлик.  
Сўрагувчи ҳаялласа, кечикса агар,  
Валинеъмат деган совуб қолар...

#### К о р и о л а н

Йўқ, хайр!

Ёш эмассан ва жанговар ишларинг кўпдир  
Уруш, ғавго деган нарса жонингга теккан.  
Менинг эса иштаҳам зўр ҳамон жангларга,  
Шунинг учун менга ҳамроҳ бўла олмайсан,

Дарвозага етиб, унда хайрлашамиз.-  
Хотиним ва онам, менинг суюк жонларим  
Ва сиз менинг энг мусаффо, азиз дўстларим,  
Қани кетдик. Дарвозадан чиққан захотим  
"Хайр, оқ йўл!"-дея менга жилмайиб қаранг.  
Ўтинаман, кетдик. Токи тирик эканман,  
Йўллаб тургум сизга мактуб-хабарномалар.  
Лекин ишонингким, сизга етмас ҳеч қачон  
Марций энди аввалгидан бошқача бўлди,  
У ўзгарди, деган хабар.

### М е н е н и й

Шундоқ мард сўзни  
Эшитмовдим аввал. Бўлди, бас, йиғламанглар.  
Қани, кетдик. Эҳ, шу қари елкамдан агар  
Ўн йилини олиб, четга ота билсайдим,  
Худоларга мен қасамёд этгум, изингдан -  
Қолмас эдим, эргашардим сенга муқаррар.

### К о р и о л а н

Қўлингни бер, дўстим. - Қани, кетдик, юринглар.  
Кетишади.

### Иккинчи саҳна

Ўша жой. Дарвоза яқинида бир кўча.  
Икки воиз - Сициний ва Брут киришади. Уларга Эдил ҳамроҳ.

### С и ц и н и й

Халойиқни уй-уйига жўнат, тарқасин.  
У даф бўлди, шу бас. Унга яқин киборлар  
Энди фингший бошлар, қўмсаб эркатойини.

Б р у т

Сўзимизда қатъий туриб, биз кўрсатдикки,  
Нечук соҳиб ихтиёрмиз ва соҳиб қудрат.  
Энди ўзни бир оз камтар тутмоқлик керак.

С и ц и н и й

Айт, халойиқ уй-уйига тарқасин шу дам,  
Фуқаронинг бош рақиби қувилди, деб айт.  
Плебейлар салтанати яна мустақкам.

Б р у т

*(Эдилга)*

Бориб, тарқалинг, деб буюр.  
Волумния, Виргилия ва Менений кирадилар.  
Мана, онаси...

С и ц и н и й

Кел, бу ёққа бурилайлик яхшиси.

Б р у т

Нега?

С и ц и н и й

Дейдиларки, у ақдан озиб қолганмиш.

Б р у т

Йўқ, энди кеч, улар бизни кўриб қолишди.

В о л у м н и я

Ҳа, сизмисиз! Дучор этсин Тангрилар сизни  
Бало-қазоларга - ўғлим қасоси учун!

М е н е н и й

Ҳей, секинроқ! Нега керак беҳуда шовқин?

В о л у м н и я

Кўзёшларим бўғмасайди, мен айтар эдим,  
Йўқ, ҳозир ҳам айтаман...

*(Брутга)*

Ҳей, тўхта, қаёққа?

В и р г и л и я

*(Сицинийга)*

Сен ҳам тўхта, кетмагин. - Оҳ, нечун бу сўзни  
Мен эримга қатъий туриб айта олмадим!

С и ц и н и й

*(Волумнияга)*

Кўраманки, эркакка хос важоҳатинг бор.

В о л у м н и я

Сен нима деб ўйлагандинг, аҳмоқ, шармисор? -  
Йўқ, сиз қаранг, бу қандай бир аҳмоқ! - Магар мен  
Эркак пушти камаридан туғилмадимми?  
Сен Римни деб гап сотганда Римни деб жангда  
Қилич сирмагани сургун айлаган айёр,  
Мана, сендан менинг қандай тафовутим бор?

С и ц и н и й

Ё шафқатли фалак!

В о л у м н и я

Ҳа-ҳа, шуни унутма,  
Сенинг ўша доно, зукко сўзларингдан ҳам  
Унинг зарбалари жангда зиёда бўлган.  
У Рим бахти учун доим қилич сирмаган.  
Яна шуки... йўқ, яхшиси, йўқол кўзимдан.  
Йўқ, шошмай тур... Тангрилардан тилагим шуки,  
Ўғлим қўлда қилич билан сени, наслингни  
Арабистон саҳросида учратиб қолсин...

С и ц и н и й

Хўш, кейин-чи?..

В и р г и л и я

Кейин ўша қилич билан аямай зарра,  
Бутун зоти-зурёдингни тупроққа қорсин.

В о л у м н и я

Ҳа, қолмасин у ҳароми болаларинг ҳам.  
О, Римни деб неча марта яраланди у!

М е н е н и й

Етар, тинчлан энди.

С и ц и н и й

Ҳа, мен истар эдимки,  
Ватан учун аввалгидай хизмат қилиб у,  
Хизматлари занжирини сира узмагай,  
Яна шуҳрат топгай, аммо йўлдан озмагай.

Б р у т

Мен ҳам шуни истар эдим.

В о л у м н и я

Истар эдиммиш!  
Нега унда оломонни гижгижлатдингиз?  
Унинг фазли-фазилати хусусида сиз,  
Сиз, туллаган икки мушук, нима биласиз?  
Билишингиз - мен осмонни билишимдай гап,  
Гофил, гўл ва авомдирсиз.

Б р у т

Кетдик, Сициний.

В о л у м н и я

Энди ўзим ўтинаман - тезроқ даф бўлинг:  
Зеро, яхши ишладингиз. Шу асно лекин  
Энг охирги сўзимни ҳам эшитиб кетинг,

Капитолий тепалиги қанча устувор,  
Қанча юксак бўлса авом кулбаларидан  
Менинг ўғлим, ҳа, манави хотиннинг эри  
Қувғиндадир, лекин сиздан шунчалар баланд.

Б р у т

Хўп, жуда соз. Хайр.

С и ц и н и й

Вақтни этмайлик зое  
Жинни билан гап талашиб.

В о л у м н и я

Менинг тилагим,  
Дуоларим сизга ҳамроҳ бўлсин.

Воизлар кетишади.

Илойим,  
Ҳақ Тангрилар қарғишимни этсин ижобат.  
О, қанчалар истар эдим, ҳар кун лоақал  
Мен шуларга учрасаму лаънат ёғдирсам,  
Юрагимни аламлардан бўшатсам.

М е н е н и й

Ҳозир  
Иккиси ҳам таъзирини еди, хўб бўлди.  
Биргалашиб овқатлансак бўларди энди?

В о л у м н и я

Емак - менга нафрат - ғазаб. Алам - овқатим.  
Шундоқ таом ила энди топарман ажал.

*(Виргилияга)*

Юргил, энди ожизона ҳиқиллайверма,  
Аммо ёвуз Юнонадай ва мен сингари  
Нафратингни тийма ортиқ, тўкиб сол. Кетдик.  
Волумния ва Виргилия кетишади.

## М е н е н и й

О, разолат!..

*(Кетади.)*

## Учинчи саҳна

Рим ва Анциум орасидаги йўл.

Бир тарафдан римлик, иккинчи тарафдан вольск киради.

### Р и м л и к

Мен сени яхши танийман, дўстим, сен ҳам мени яхши биласан. Чамамда сени Адриан деб аташади, шундоқ эмасми?

### В о л ь с к

Худди шундоқ, ошнам. Аммо тўғриси айтсам, исмингни унутиб қўйибман.

### Р и м л и к

Мен асли римликман, лекин ҳозир сенга ўхшаб унинг душманларига хизмат қиламан. Хўш, энди танидингми?

### В о л ь с к

Никанор эмасмисан?

### Р и м л и к

Худди ўзиман, оғайни.

### В о л ь с к

Охирги бор учрашганимизда соқолинг узунроқ эди, лекин ҳечқиси йўқ, сени доим овозингдан таниса бўлади. Хўш, Римда нима гаплар? Мени бизнинг вольсклар сенати бу томонларга сени излаб топиш учун юборган. Учрашиб қолганимизни қара, йўлим роса бир кунга қисқарди-я!



## Р и м л и к

Римда катта исён бўлди, халойиқ сенаторлар, аслзодалар ва бошқа зодагонларга қарши бош кўтарди.

## В о л ь с к

Исён бўлди, дейсанми? Демак, у тугабди-да? Мана бизнинг ҳукмдорлар учун кутилмаган хабар! Улар Римда ўзаро низолар бошланиши билан унинг устига қўшин тортамиз, деб шайланиб ётишибди.

## Р и м л и к

Асосий ўт-ку, ўчирилди, бироқ сал баҳонада ловуллаб кетиши ҳеч гапмас. Зодагонлар шавкатли Кориоланнинг қувғин этилишини юракларига шу қадар оғир олишганки, ҳокимиятни халқдан тортиб олиб, воизлик мансабини абадий бекор қилишга ҳар дақиқа шай туришипти. Менга ишонавер: олов деган ўзича кўзга кўринмай, кул остида милтираб ётади, лекин бир пайт қарабсанки, гурр этиб, аланга олади.

## В о л ь с к

Наҳотки Кориоланни қувишган бўлса?

## Р и м л и к

Ҳа, оғайни, уни қувишди.

## В о л ь с к

Никанор, бу хабаринг учун бизникилар сени жуда яхши кутиб олишади!..

## Р и м л и к

Ҳа, сизникилар учун айна қулай фурсат. Айтишади-ку, бировнинг хотинини йўлдан урмоқчи бўлсанг, унинг эри билан аразлашган пайтини пойла, деб. Бас, Кориоландан ватани юз ўтирибдими, сизнинг олийжаноб Тулл Авфидийнинг энди омади келди, деявер.

## В о л ь с к

Шак-шубҳасиз. Сени учратиб, менинг ҳам роса омадим келди, оғайни. Ишим битди, сени Анциумгача бемалол кузатиб қўйишим мумкин.

## Р и м л и к

Мен йўл-йўлакай, кечки овқатгача Римнинг анвойи янгиликларидан яна сўзлаб бераман. Сен учун шунақа бир фурсат келдики, асти қўяверасан. Ҳали, бизда қўшин йифилди, дедингми?

## В о л ь с к

Қўшин бўлганда қандоқ! Юз-юз, туман-туман бўлиб тайёр туришибди, жангчиларга маошлар тўланган, хуллас, ҳамма нарса юришга шай.

## Р и м л и к

Ҳамма нарса шай бўлса, бу жуда ҳам аломат. Демак, менинг хабаримни эшитибок, юриш бошланади. Сени учратганим яхши бўлди, дўстим, йўлда йўлдош бўлишингга эса яна ҳам хурсандман.

## В о л ь с к

Мен ўзим сенга шуни айтмоқчи бўлиб турувдим, ошнам. Бу учрашувга сендан ҳам кўпроқ мен хурсандман.

## Р и м л и к

Қани, кетдик бўлмасам.

Кетадилар.

## Тўртинчи саҳна

Анциум. Авфидий уйи ёнида.

Фуқаро кийимини кийиб олган Кориолан киради, у чакмонининг бир чети билан юзини бекитиб олган.

### К о р и о л а н

О, нақадар муҳташамсан, зангин Анциум,  
Тул, бевалар билан сени тўлдирган эдим.  
Шу фаройиб биноларнинг хўжайинлари  
Фарёд чекиб йиқилмишди жангда пойимга.  
Шаҳар, Кориоланни энди танимагайсан,  
Зеро, хотин-халаж, бола-бақра тўпланиб,  
Шу ондаёқ уни сангсор этиши мумкин!..

Шаҳарлик киради.

Салом, ошна.

### Ш а ҳ а р л и к

Салом.

### К о р и о л а н

Менга айтиб берсанг-чи,  
Қайда истиқомат қилар шонли Авфидий?  
Шаҳардами унинг ўзи?

### Ш а ҳ а р л и к

Ҳа, у шаҳарда.

Шаҳар бекларига бугун зиёфат берар.

### К о р и о л а н

Унинг уйи қайда?

### Ш а ҳ а р л и к

Мана, рўпарангда у.

## К о р и о л а н

Хайр, раҳмат.

Шаҳарлик кетади.

Буқаламун эрур бу дунё!  
Қасамёдлар этиб, гўё кўкракларида  
Меҳр тўла битта юрак тепган дўстларни,  
Заҳмат, тўшак, эрмак, таом, сидқу садоқат  
Неъматларин бирга баҳам кўрган дўстларни -  
Бир лаҳзада арзимаган кичик бир сабаб  
Айлантириб қўя олур қаттол ёвларга.  
Қасос режасини ўйлаб уйқуси қочган,  
Нафрат билан тўлган хунхор ганимларни-чи,  
Худди шундай арзимаган баҳона билан  
Туташтириб, бир-бирига пайванд этар у.  
Ахир шундаймасми ҳозир менинг аҳволим?  
Ўз туғилган тупроғимга гупуриб нафрат,  
Ёв шаҳарга оловланур меҳру муҳаббат.  
Майли, борай, эҳтимолки, Авфидий мени  
Шу ондаёқ ўлдиради, ўлдирса ҳам ҳақ.  
Гар бошпана бериб, магар ёнига олса  
Унинг ватанига хизмат этарман ҳалол...

*(Кетади.)*

## Бешинчи саҳна

Ўша жой. Авфидий уйида бир даҳлиз.

Ичкарида мусиқа чалинмоқда. Хизматкор киради.

### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Шароб, шароб! Вой, ўргилдим сендақа хизматкорлардан! Ҳаммаси тош қотиб ухлаб қолдим, дейман.

*(Кетади.)*

Иккинчи хизматкор киради.

### И к к и н ч и х и з м а т к о р

Қаёқдасан, Котус? Хўжайин чақиряпти сени - Котус!

*(Кетади.)*

Кориолан киради.

### К о р и о л а н

Уй серҳашам, зиёфатнинг ҳиди муаттар!

Фақат менман бунда - шумшук, даъватсиз меҳмон.

Биринчи хизматкор киради.

### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Бу ерда нима қилиб юрибсан, ошнам? Қаёқдан келиб қолдинг? Бу ер сенинг жойинг эмас. Қани, чиқ эшиқдан.

*(Кетади.)*

### К о р и о л а н

Менга муносибмас бундан ортиқ такалуф,

Мен - Кориолан, ахир.

Иккинчи хизматкор киради.

## И к к и н ч и х и з м а т к о р

Қаёқдан пайдо бўлиб қолдинг? Қоровулнинг кўзи қаёқда эди? Нега энди у ҳар хил жулдурвоқиларни бу ёққа киритаверади. Қани, қорангни ўчир!

## К о р и о л а н

Эй, йўлингдан қолма!

## И к к и н ч и х и з м а т к о р

Нима дединг - йўлингдан қолма? Сен ўзинг йўлингдан қолма! Қани жўна!

## К о р и о л а н

Сен ғашимга тегяпсан!

## И к к и н ч и х и з м а т к о р

Вой, бу кишининг ботирлигини қаранглар! Йўқ, сен билан энди бошқача гаплашаман!

Биринчи ва учинчи хизматкорлар киришади.

## У ч и н ч и х и з м а т к о р

Бу ким бўлди тагин?

## И к к и н ч и х и з м а т к о р

Қандайдир бир эсипаст. Бунақасини ҳеч кўрмаганман: эшиқдан чиқмайди, қаққайиб туриб олган!

*(Бир четга ўтади.)*

## У ч и н ч и х и з м а т к о р

Сенга нима бор бунда, ошнам? Марҳамат қилиб, туёгингни шиқиллат.

## К о р и о л а н

Тинч қўйинглар. Булғамайман масканингизни.

У ч и н ч и х и з м а т к о р

Кимсан ўзинг?

К о р и о л а н

Оддий фуқаро эмасман.

У ч и н ч и х и з м а т к о р

Тўғри, оддий фуқаро эмас, ҳақиқий гадосан.

К о р и о л а н

Тўғри айтдинг, мен гадоман.

У ч и н ч и х и з м а т к о р

Эй, сен, фуқародан чиқмаган гадо, бошқа эшикка борганинг яхшимасми? Бу ер сенинг жойинг эмас. Марҳамат қилиб жўнаб қол! Хўш!..

К о р и о л а н

Сен ўз ишингни қил. Бориб, сарқит сўра!

*(Уни итариб ташлайди.)*

У ч и н ч и х и з м а т к о р

Сен ҳали қаршилиқ ҳам қиласанми?

*(Иккинчи хизматкорга.)*

Бориб, хўжайинга нечук меҳмон ташриф буюрганганини хабар қил.

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Бош устига.

*(Кетади.)*

У ч и н ч и х и з м а т к о р

Сен қайда яшайсан?

Кориолан

Кўк гумбази остида!

Учинчи хизматкор

Кўк гумбази остида?

Кориолан

Ҳа.

Учинчи хизматкор

У қайда жойлашган?

Кориолан

Қарға-қузғунлар салтанатида!

Учинчи хизматкор

Қарға-қузғунлар салтанатида?

*(Четга)*

Эшшакнинг худди ўзи!

*(Балаңд овозда)*

Демак, ҳақкалар билан бирга, шундоқми?

Кориолан

Йўқ, мен сенинг хўжайинингга хизмат қилмайман-ку.

Учинчи хизматкор

Ол-а! Сен афтидан менинг хўжайинимга тил тегизяпсан?

Кориолан

Нега тегизмай? Бу бекангга тегизгандан яхшироқ-ку. Ҳаддан ортиқ валақлаш одатинг бор экан. Бор, меҳмонларга қараш. Йўқол!

*(Уриб, итариб ташлайди.)*

Учинчи хизматкор кетади. Авфидий ва иккинчи хизматкор киради.



А в ф и д и й

Қани у азамат?

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Мана у, хўжайин. Меҳмонлар безовта бўлишмасин, дедим, бўлмаса-ку итдек савалаб, ҳайдардим...

*(Четга чиқади.)*

А в ф и д и й

Қаерликсан, кимсан? Мендан тилагинг нима? Нега бундоқ жим турибсан? Қани, жавоб бер.

К о р и о л а н

*(юзини очиб)*

Мана энди ўзинг шундоқ юзимга боқиб,  
Тулл, тагин ҳам мени таний олмасанг агар,  
Айтишим шарт бўлар: мени қандай аташар...

А в ф и д и й

Менга исмингни айт.

К о р и о л а н

Вольскнинг қулогига у  
Ёқимсиздир, аммо сенга жуда ҳам нохуш.

А в ф и д и й

Кимсан ахир? Қаҳрлидир бутун қиёфанг.  
Ҳокимият нишонаси юзингда зоҳир.  
Узуқ-юлуқ елканларнинг остида бу дам  
Қудратли бир кема менга кўринар. Кимсан?

К о р и о л а н

Ҳозир бузилади бутун авзойинг. Энди -  
Танидингми?

## А в ф и д и й

Танимадим. Қани, ўзинг айт.

## К о р и о л а н

Мен, Кай Марций, ўша - доим жангу жадалда  
Ўзинг ва биродарларинг қонини тўккан.  
Ҳаммадан ҳам сенга жабру жафо етказган,  
Шунинг билан Кориолан номига етган.  
Менинг нонкўр ва кўрнамак она ватаним  
Не-не хавфу хатарларга қилмайин парво  
Рим шавкати, дея тўккан қонларим учун,  
Менга ёлғиз шу лақабни этмиш мукофот.  
Бир лақабки, қачон тилга олинмасин у,  
Менга бўлган ғазабингни оширар дарҳол.  
Менинг бисотимда энди ёлғиз шу қолди:  
Қолган барчасини эса зодагонларнинг  
Кўрқоқлиги туфайли кўп ҳаддидан ошган,  
Очкўз авом мендан тортиб, юлқилаб олди.  
Авом мени қувди Римдан сазойи қилиб,  
Ва ортимдан чуввос солиб, тош отиб қолди.  
Мана энди муҳтожликда эзилиб, ҳориб,  
Ҳузурингга кириб келдим бошпана истаб.  
Қаршингдаман, ҳаётини шу тадбир билан  
Қутқармоқчидир, деб лекин ўйламагайсан.  
Ҳа, ўлимдан зарра ваҳмим бўлса мабодо,  
Ҳаммадан ҳам сенга яқин келмасдим асло.  
Йўқ, таҳқирлаб мени қувгин айлаганлардан  
Ўч чанқоғи мени сенга келтирмиш бу дам.  
Юрагингда ғазаб ўти сўнмаган эса,  
Ўз аламинг ҳам ватанинг чеккан беҳисоб  
Изтиробу аламлардан чиқмоқ истасанг -  
Менинг бахтсизлигимдан сен фойдаланиб қол,  
Ўч-интиқом ташнасиман, буни ишга сол,  
Зеро, шунинг оташи-ла нафас олурман  
Ва у ириб-чириётган юртимга қарши

Худди бир азроил бўлиб қилич солурман.  
Лекин ҳорган эсанг қисмат ўйинларидан  
Ва Рим билан солишмоққа этмасанг журъат,  
Ўтинаман ҳимматингни аяма мендан:  
Мен кўксимни тутиб турай, кучингни кўрсат.  
Чопиб ташла мени, эски адоватингга  
Сен ҳам таскин бергин энди алал-оқибат.  
Агар шундоқ қилмасанг-чи, аҳмоқсан, нодон,  
Ахир, сени таъқиб этиб жуда беомон,  
Тўкканман-ку, тупрогингда дарё-дарё қон,  
Тирик бўлиб сенга хизмат этмасам агар,  
Ҳаётим шаънингга доғи маломат бўлар.

#### А в ф и д и й

Марций, Марций! Айтаётган ҳар сўзинг билан  
Мени эски адоватдан фориғ этасан.  
Қўпорасан уни тамом илдизи бўлан.  
Булутларнинг орасидан боқиб Юпитер,  
Қасам ичиб, қанча аҳду паймон этсайди,  
Унга ишонардим, лекин унга ишончим  
Сенга бўлган ишончимдек бўлмасди, Марций!  
Марций, менга ижозат бер, қучай белингда,  
Қуйма темир каби танинг қучоқлай энди,  
Шу танангга оғир найзам урилиб қанча,  
Синиб учмиш ва ойни ҳам яраламишди.

*(Кориоланни қучоқлайди.)*

Қиличимнинг сандонини қучоқлаяпман,  
Бас, дўстликка мусобақа ўйнайлик атай.  
Бир замонлар душман бўлиб бир-биримизга,  
Шуҳрат учун ким ўзарга рақиблашгандай.  
Бир замонлар ошиқ бўлиб юрганимда ҳам  
Шундоқ ёниқ ва самимий хўрсинмаганман.  
Севар ёрим остонамни ҳатлаб ўтаркан,  
Кўнглим менинг севинчларга шундоқ тўлмаган.  
Икков кўришганимиздан шодман нақадар!

Эшиттил, Марс, биз яширин тўладик лашкар,  
Яна қайта тушмоқчийдим сенинг изингга,  
Қўлинг қирқиб олмоқчийдим қалқонинг билан,  
Ё бўлмаса, бермоқчийдим қўлимни сенга.  
Мен, ҳув, жангда сендан мағлуб бўлгандан буён,  
Ўн иккинчи бор олишиб яккама-якка,  
Бирор кеча йўқки, ўша бизнинг солишув  
Менинг тушларимга яна кириб чиқмаса,  
Ҳа, тушимга кирар ўша бўғишганимиз,  
Камарларни узиб, юлқиб дубулғаларни,  
Уйғонаркан, бир ҳорғинлик ўрайди мени.  
Жасур Марций, биз Рим билан солишмоқ учун  
Топмасайдик бирор бошқа боис-баҳона,  
Сенинг қувғин этилишинг етар эди, бас.  
Худди етти ёшдан етмиш яшаргача то  
Қўшин тузиб, этар эдик майдонда сафбаст.  
Унинг тўлқинлари билан кўрнамак Римни  
Фарқ этардик худди, айлаб қабоҳат-қирон.  
Хуш келибсан, марҳамат қил уйимга энди,  
Сенаторлар билан кўриш-сўрашгин шодон.  
Улар бугун айтмоқчилар менга хайр-хўш,  
Биз Рим вилоятларига бошлаймиз юриш.

### К о р и о л а н

Борингизга шукур, соҳиб карам Тангрилар!

### А в ф и д и й

Сен соҳиби ихтиёрсан. Бир ўзинг агар  
Олмоқ эсанг душманингдан қасос-интиқом,  
Қўшинларим тенг ярмиси сеники тамом,  
Ўзинг ҳал қил буни. Сенда тажриба аъло,  
Бизникидан балаңд, чунки яхши биласан  
Рим қайларда қудратлидир, қайларда заиф.  
Сенга аён: борамизми тикка бостириб,  
Ё бошлаймиз чекка ёқдан, таҳлика ёйиб.  
Қани, уйга киргил, сени таништирай то

Ниятингга валийнеъмат бўлган зотларга.  
Қаттол душман эдик, энди ғоят қадрдон  
Дўст бўламиз. Қўлингни бер! Қани, марҳабо!  
Кориолан ва Авфидий кетишади.

Биринчи ва иккинчи хизматкорлар олдинга чиқишади.

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Мана буни ҳангома деса бўлади.

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Худо ҳақи, мен уни таёқ билан тушириб қолмоқчий-  
дим, хайриятки, кийимидан унча мувофиқмаслигини се-  
зиб, ўзимни тийдим.

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Панжасини айтмайсанми, панжасини! Икки бармоғи  
билан мени бир соққадай айлантириб ташлади-я!

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Мен шундоқ юзига қарадиму ишнинг нозиклигини пай-  
қадим. Унинг юзида ҳалигидай... нима десам...

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Ҳа-ҳа, қандайдир анақа... Майли, мени осақолсинлар,  
агар унинг кўринишидан бошқачароқ эканини сезмаган  
бўлсам.

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Қасам ичиб айтаманки, мен ҳам пайқадим. Бутун ду-  
нёни ахтариб ҳам, бунақасини учратолмайсан.

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Мен ҳам шундоқ деб ўйлайман, гарчи бизга маълумки,  
ундан аслоқ жангчи ҳам бор.

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Сен кимга шама қиялсан? Хўжайинимизга эмасми?

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Бошқа кимга бўларди!

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Ҳа, бизнинг хўжайин унақаларнинг еттитасига тенг келади.

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Мен ҳам хўжайинимизни улуғ жангчи деб биламан, лекин бари бир оширдинг.

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Биласанми, бундай пайтларда ким биринчи - айтиш қийин: лекин шаҳарларни ҳимоя қилишда бизнинг саркарда беназир.

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Уларни олишда ҳам десанг-чи!

Учинчи хизматкор киради.

У ч и н ч и х и з м а т к о р

Биродарлар, шундай бир янгилик айтайки! Шундай бир янгилик, шумтакалар!

Б и р и н ч и в а и к к и н ч и х и з м а т к о р

Нима гап? Қандай янгилик? Бўлди, чўзаверма энди!

У ч и н ч и х и з м а т к о р

Шу топда римлик бўлишни сираям истамасдим: ҳатто оёғимдан осигандаям!

Б и р и н ч и в а и к к и н ч и х и з м а т к о р

Нега энди? Нега энди?

### У ч и н ч и х и з м а т к о р

Нега эмиш! Ахир шу тобда уйимизда хўжайинимизни мудом калтаклаган ўша саркарда Кай Марцийнинг ўзи ўлтирибди-ку.

### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Нима? Марций бизнинг хўжайинни калтаклаганми?

### У ч и н ч и х и з м а т к о р

Калтаклаган, деганинг нимаси, сира кун бермаган.

### И к к и н ч и х и з м а т к о р

Сирасини айтавер, ошнам, бунда бегона йўқ. Марцийга хўжайинимизнинг тиши сира ҳам ўтмаган. Унинг ўзи шундоқ деб айтганини ўзим эшитганман.

### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Тўғри, тиши ўтмаган. У эса Кориола остонасида хўжайинимизни эзиб, титигини чиқазган.

### И к к и н ч и х и з м а т к о р

Одамхўр бўлганда, балки қовуриб, еб қўярди.

### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Тагин нима гаплар?

### У ч и н ч и х и з м а т к о р

Бизникилар уни шундоқ силаб-сийпашяптики, гўё Марснинг ўғлими ёки ворисими, дейсан. Уни шундоқ дастурхоннинг тўрига ўтқизиб қўйишибди, сенаторлардан бирови у билан гаплашмоқчи бўлса, албатта ўрнидан туриб, қалпоғини ечади. Бизнинг саркарда унга худди маъшуқасига суйкангандай суйканади, дам муқаддас бир нарсага қўл ургандай, қўлини тегизади, дам кўзларини осмонга тикиб, ихлос билан қулоқ солади. Лекин асосий янгилик бу ёқда: саркардамиз энди иккига бўлинган, у

энди кечагисининг тенг ярми, бошқа ярми стол атрофида ўтирганларнинг хоҳиши ва розилиги билан Марцийга юкланди. У эса, Рим дарвозабонининг қулоғини узиб оламан, йўлимда учрагани шундоқ супурайки, орқам шипшийда бўлиб қолсин, деб ўтирибди.

#### И к к и н ч и х и з м а т к о р

Ҳа, менингча, у ҳаммадан ҳам шу ишга қодир.

#### У ч и н ч и х и з м а т к о р

Қодиргина эмас, шундоқ қилади ҳам. Нега десанг, ошнам, унинг юртида душманлари кўп бўлганидек дўстлари ҳам бисёр эмиш, фақат улар, ҳалигидай, у қувғинда юргани учун, ўз дўстликларини кўрсатишга ботинолмай туришганмиш.

#### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Қувғинда юргани учун? Бу нимаси тағин?

#### У ч и н ч и х и з м а т к о р

Лекин улар яна унинг дубулғаси тожининг даканглигини, ўзининг куч-қудратта тўлиқлигини кўришса, бас, ёмғирдан сўнгги қуёнлардек ин-инларидан югуриб чиқишиб, унга ёрдамга келишармиш.

#### Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Хўш, бу айтганларинг қачон бўлади?

#### У ч и н ч и х и з м а т к о р

Эртага, бугун, худди ҳозир. Зиёфат охирида шарбат тортилмайди, балки ногора қоқилади ва бизникилар лаб-даҳанларини артишга ҳам улгурмай, юриш бошлайдилар.

#### И к к и н ч и х и з м а т к о р

Демак, тағин айш қиламиз. Тинч ўтиришдан нима фойда? Темирлар занглаб, кийим тикувчилару қофиябоз шоирлар кўпаяди, холос.



## Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Мен ҳам шуни айтаман-да: уруш тинчликдан яхшироқ, худди кундуз кечадан афзал бўлгани каби. Уруш пайтида яшаш қизиқарли бўлади: бир қарасанг, янги мишмиш, бир қарасанг, янги хабар. Хўш, тинчлик нима - уйқу ёки фалаж касалига йўлиқишдай бир гап: зерикасан, ҳаммаёқ ҳувиллаган, ғариб. Урушда одамлар ўлади, лекин ундан ҳам тинчлик даврида ҳароми болалар кўпроқ туғилади.

## И к к и н ч и х и з м а т к о р

Ҳақ гап. Албатта урушда баъзан бошқаларнинг хотинини зўрлашади, лекин тинчлик даврида хотинлар ўз эрлари олдига ўзлари похол солишади.

## Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Рост. Шунинг учун ҳам одамлар бир-бирларини ёмон кўришади.

## У ч и н ч и х и з м а т к о р

Нега шундоқ? Негаки, тинчлик даврида улар бир-бирларига унчалик керак бўлишмайди. Урушда эса бошқа гап! Умид қиламанки, ҳадемай римликлар баҳоси вольсклар қийматидан ошмай қолади. - Эшитяпсизми, улар дастурхондан тура бошлашди!

## Б и р и н ч и в а и к к и н ч и х и з м а т к о р

Тезроқ борайлик, тезроқ!

Кетишади.

## Олтинчи саҳна

Рим. Майдон.

Икки воиз - Сициний ва Брут киради.

С и ц и н и й

Хўш, нимадан қўрқарканмиз? У дом-дараксиз,  
Яна тинчлик замонида тамом бешиён.  
Халқни талвасага солган хавотир битди...  
Қизаришсин гуллаётган ватанни кўриб,  
Калондимоғ Кай Марцийнинг қадронлари,  
Кўпроқ маъқул тушар кўча тўполонлари.  
Ҳунармандлар дастгоҳ узра куйлаган масрур -  
Ашулалар уларга ҳеч бўлмагай манзур.

Б р у т

Биз балони ўз вақтида даф этдик лекин...

Менений киради.

Қараб боқ-чи, келаётган Менениймикин?

С и ц и н и й

Худди ўзи. Сертакалуф бўлиб қолди у.  
Салом бердик.

М е н е н и й

Салом бўлсин иккингиизга ҳам.

С и ц и н и й

Сенинг Кориоланингга ачиниб ҳар дам,  
Оҳ-воҳ чекар фақатгина унинг дўстлари,  
Давлат эса қимирламай турибди собит.

М е н е н н и й

Булар бари дуруст, лекин яҳни бўларди  
Ўша бир оз ён берсайди.

С и ц и н и й

Ҳозир қайда у?

М е н е н и й

Билолмадим. Қайдалигин айтиб лоақал,  
Хотини ё онасига йўлламас хабар.

Уч-тўрт шаҳарлик киради.

Ш а ҳ а р л и к л а р

Иккингишни паноҳида тутсин Худолар!

С и ц и н и й

Хайрли кеч бўлсин сизга, қўшнилар!

Б р у т

Салом, Хайрли кеч бўлсин сизга!

Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Бизлар ҳар маҳал  
Тиз чўкамиз, ҳаққингизга дуо қиламиз.

С и ц и н и й

Яшанг, камол топаверинг.

Б р у т

Яхши боринглар,  
Марҳаматли қўшнижонлар, хайр. О, агар,  
Сизни ўша Кориолан ҳам севсайди шунча.  
Ҳамшаҳарлар, паноҳ бўлсин Тангрилар сизга.

И к к а л а в о и з

Хўп, кўришгунча!

Шаҳарликлар кетишади.

### С и ц и н и й

Мана, эл-юрт тинчиб, эркин олмоқда нафас,  
Шаҳар аҳли сурон солиб кўча-кўйларда  
Талвасага тушиб, ҳарён югуриб-елмас.

### Б р у т

Жанг-жадалда чин баҳодир эди Кай Марций,  
Аммо беҳад дағал, қўпол, худбин, дилозор  
Ва такаббур эди...

### С и ц и н и й

Мутлақ ҳокимиятга  
Ишгаҳаси карнай эди.

### М е н е н и й

Унчалик эмас.

### С и ц и н и й

Консулликдан уни маҳрум этмасак агар  
Ишонч ҳосил қилардингиз ўзингиз бунга.

### Б р у т

У қувилди Тангриларнинг хоҳиши билан -  
Рим осуда яшамоқда.

Эдил киради.

### Э д и л

Азиз воизлар,  
Қандайдир қул (банди зиндон этгандик уни)  
Вайсамишки, бирмас, икки, беҳисоб, улкан  
Вольск қўшини беҳад қиргин-қабоҳат билан  
Рим мулкига дориди деб.

### М е н е н и й

Ҳа, бу Авфидий.

У Марцийнинг қувилганин эшитипти-да,

Ва инидан чиқиб, тагин бош кўтаришти,  
Ювош эди Рим бошида Марций бўлганда.

С и ц и н и й

Бизга айтар сўзинг - Марций-Марцийми, холос?

Б р у т

Вайсақини савалатинг! Саванг! Зероки,  
Вольсклар тинчлик битимини буза олмаслар.

М е н е н и й

Хўш, айтинг-чи, нега энди буза олмаслар?  
Йўқ, аксинча, улар буза олурлар, илло,  
Шундоқ ишга менинг ўзим уч карра гувоҳ.  
Қулни калтакламай, сўроқ айлаган маъқул.  
Хавф-хатардан бизни огоҳ этган бўлса ул,  
Нега тутиб, савалаймиз?

С и ц и н и й

Алжирайверма,  
Бундай бўлиши мумкинмас!

Б р у т

Балли, мутлақо.

Чопар киради.

Ч о п а р

Зодагонлар сенат сари ошиқар, чунки -  
Бир совуқ, шум хабар билан уларнинг буткул  
Туси ўчди.

С и ц и н и й

Барчасига сабабчидир қул.

*(Эдилга)*

Олиб чиқиб, халқ олдида боплаб саваланг,  
Токи таъзирини есин.

## Ч о п а р

Муҳтарам жаноб,  
Қул бор гапни айтган. Тасдиқ этилди хабар,  
Янги хабар келмиш яна - ундан ҳам баттар,  
Даҳшатлироқ.

## С и ц и н и й

Даҳшатлироқ деганинг нима?

## Ч о п а р

Қанча ростдир, қанча ёлғон - айта олмайман.  
Лекин ошкор айтишмоқда, эмишки Марций -  
Биздан бориб Авфидийдан паноҳ топганмиш,  
Ва у билан қўшин тортиб келаётганмиш,  
Катта-кичик римликларнинг баридан бешак  
Қасос олмоқчиймиш.

## С и ц и н и й

Булар ҳаммаси чўпчак!

## Б р у т

Буни тўқиб чиқаришган бизнинг рақиблар,  
Шу йўл билан қайтармоқчи Марцийни улар.

## С и ц и н и й

Жуда боплаб тўқишипти!

## М е н е н и й

Мен ишонмайман!  
Улар икки қутб, ахир - Марций, Авфидий,  
Ўлса ўлишади, лекин қўшилишмайди.

Иккинчи чопар киради.

## И к к и н ч и   ч о п а р

Шу ондаёқ сенаторлар чорлайди сизни,  
Кай Марций ва Авфидий зўр қўшинлар билан

Бизнинг туманларимизга бостириб кирган.  
Келишмоқда шамшир, олов билан йўл очиб,  
Бор нарсани топтаб, талаб, созуриб, янчиб.  
Коминий киради.

К о м и н и й

Мана, қилган ишингизни кўринг!

М е н е н и й

Не хабар?

К о м и н и й

Сизлар шундоқ қилдингизки, энди муқаррар  
Қизларингиз номусини поймол қилурлар.  
Ёнғин ичра эригандай, қўрғошин ёмғир,  
Томингиздан бошингизга ёғилар энди.  
Хотинларингизни эса аямай асло  
Зўрлашади олдингизда...

М е н е н и й

Сўзла: не хабар?

К о м и н и й

Бутхоналарингиз куйиб кул бўлур буткул,  
Бир сичқоннинг уясига жо бўлур балким  
Азиз ҳаққу ҳуқуқингиз бари...

М е н е н и й

Алҳазар!

*(Воизларга)*

Қўрқаманки, ишни тоза расво қилдингиз!

*(Коминийга)*

Хўш, жавоб бер: нечук хабар? Марций мабодо  
Вольсклар билан битишганми...

## К о м и н и й

Нима, "мабодо!"  
Вольсклар унга сифинишар бутни кўргандай,  
Катта-кичик бари унга эгади бўйин.  
Уни бунёд этган гўё табиат эмас,  
Қандайдир бир олий қудрат, ўзга бир хилқат.  
Улар босиб келмоқдалар шундоқ бемалол,  
Гўё гулкапалак қувган болакай мисол,  
Ёки пашша эзган қассоб каби беписанд.

## М е н е н и й

Ҳа, ғалати иш қилдингиз саримсоқдией -  
Ҳиди анқиб турган ўша қашшоқлар билан.  
Сиз уларга жонингизни этдингиз қалқон.

## К о м и н и й

Энди бошга ағдарар у, Римни силкитиб...

## М е н е н и й

...Рим, Геркулес қоққан мева сингари дув-дув  
Устингизга тўкилади. Мана натижа!

## Б р у т

Шу рост гапми? Хабарларда ҳақиқат қанча?

## К о м и н и й

Ҳаммаси чин. Сен уларни инкор этгунча,  
Ҳатто бунга улгурмасдан мурда бўларсан.  
Бир замонлар Римга қўшиб олинган ерлар  
Ажралмоқда энди ундан хурсандлик билан,  
Қулаётир ҳамма - бир оз қаршилиқ қилиб,  
Бехудага ўлаётган мардлар устидан.  
Ким номаъқул дея олур Марций ишини?  
Дўстлар каби душманлар ҳам унга берар тан!



## М е н е н и й

Ҳалок бўлдик деяверинг ҳамма бир йўла,  
Шафқат сўрамасак ўша баҳодир эрдан.

## К о м и н и й

Ким сўрайди ундан шафқат? Шу воизларми?  
Номус-уят йўл қўймайди. Халқми, бўлмасам?  
Халойиққа у ҳамдардлик кўрсатар, балли,  
Худди чўпон этганидай бўрига шафқат.  
Ё дўстлари сўрасинми? Римга раҳм айла,  
Дея ундан ўтинсинми, ахир бу билан -  
Улар этишади унга ғанимлик изҳор  
Ва ғанимлар каби уни айлар ҳақорат.

## М е н е н и й

Ҳақ гап! Марций ёндирса ҳам уйимни ҳатто,  
Зарра шафқат сўрамоққа этмасдим журъат,  
Ҳа, сиз ўйлаб-нетмай, алҳол бунёд этдингиз,  
Ҳунармандрингиз билан ажиб кори ҳол!

## К о м и н и й

Римнинг вужудига шундай титроқ солдингиз,  
Энди тузалиши гумон.

## И к к а л а в о и з

Бизда не гуноҳ?

## М е н е н и й

Бўлмаса, ким? Биз айбдорми? Азиз эди у -  
Бизга, аммо, биз-чи, модек кўрқоқ киборлар  
Қатъий қарши туролмадик авомингизга,  
Авом хуштак чалиб, уни қувди.

## К о м и н и й

Қўрқаман,  
Ўша хуштакни деб қайтиб келмадимикан?

Тулл Авфидий ундан кейин турар қўшинда,  
Унинг амр-фармонига буткул бўйсунар,  
Марцийнинг ҳар тилагини вожиб деб билар.  
Энди Римга энг охирги суянчиқ, паноҳ -  
Пушаймондир...

Шаҳарликлар тўдаси киради.

Мана, сизнинг гала рўдапо!

Хуллас, бундан чиқди, унга Авфидий ҳамроҳ.

*(Оломонга)*

Сиз ислиқи қалпоғингиз отиб ҳавога,  
Кориолан қувилсин, деб қичқирган палла  
Рим бошига чорладингиз фалокат, бало.  
Мана қайтиб келмоқда у, жангчиларининг  
Бошидаги ҳар битта тук энди бегумон,  
Сизга атаб тайёрланган қамчи ва арқон.  
Қилмишингиз учун энди жазо беради  
Ва ҳавога отилган у қалпоқлар учун  
Нодон каллангизни кесиб, улоқтиради.  
Нима қипти! Бизни ҳатто кўмирга кўмиб,  
Ёқса ҳамки, ҳақи кетар.

### Ш а ҳ а р л и к л а р

Мудҳиш хабарлар.

Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Мен-чи, "Қувилсин" деб, кейин "Афсус" дегандим.

И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Мен ҳам.

У ч и н ч и ш а ҳ а р л и к

Албатта, мен ҳам шундоқ дегандим. Тўғриси, ёлғиз биз-  
мас, кўпчилик шундоқ деган эди. Биз ҳаммага яхши бўлсин  
деб ўйлагандик, уни қувишга қувиб, ичдан бунга рози  
бўлмагандик.

К о м и н и й

О, сиз, овоз беришда ҳеч суюгингиз йўқ!

М е н е н и й

Сиз, чала рўдапо, ажаб иш кўрсатдингиз!

*(Коминийга)*

Хўш, сен сенатгами?

К о м и н и й

Қайга борардим бошқа!

Менений ва Коминий кетишади.

С и ц и н и й

Қўшнилар, уй-уйингизга тарқалинг дарҳол,  
Биласиз-ку, булар унинг тарафдорлари.  
Миш-мишлардан ёлғондакам кўрқиб, аслида  
Кутишади бу гапларнинг рост чиқишини.  
Боринг, бардам бўлинг, зарра хавотир чекманг.

Б и р и н ч и ш а ҳ а р л и к

Тангрилар сизни паноҳида асрасин! Юринг, қўшни-  
лар, уй-уйга кетақолайлик. Биз уни бекор ҳайдадик, деб  
доим айтардим-а.

И к к и н ч и ш а ҳ а р л и к

Ҳамма ҳам шундай дерди. Қани, чаққонроқ юринглар.  
Шаҳарликлар кетишади.

Б р у т

Бу хабарлар менга жуда нохуш.

С и ц и н и й

Менга ҳам.

## Б р у т

Қани, юр, Капитолийга борайлик энди.  
Бу гапларнинг ёлгон бўлиб чиқиши учун  
Мол-мулкимнинг тенг ярмини берардим.

## С и ц и н и й

Кетдик.

Кетишади.

## Еттинчи саҳна

Рим яқинидаги қароргоҳ.

Авфидий бир лашкарбошиси билан киради.

## А в ф и д и й

Хуллас, лашкар суйканмоқда римликка?

## Л а ш к а р б о ш и

Шундоқ.

Унинг худди жодугардек бир балоси бор.  
Давраларда бўлмас таъриф-тавсифи адо.  
Марций номи жангчиларга тиловат, дуо.  
Такрорланур улфатларнинг суҳбатида у,  
Таомдан сўнг фотиҳанинг ўрнида ҳам шу.  
Ҳа, саркардам, бу юришда гапнинг сираси,  
Сен сояда қолиб кетдинг.

## А в ф и д и й

Нима қил дейсан?

Курашайми? Унда буткул режамиз - барбод.  
У қарайди менга бир пайт қучоқлашгандан -  
Кўра анча виқор, балки манманлик билан.  
Аммо унинг бўлгани шу, ўзгартолмадим,  
Ўзгартиролмадимми, бас, маъзур тутаман.

## Л а ш к а р б о ш и

Саркардам, чин тилак шуки, қўшин устидан  
Ўша билан фармонингни бўлишмагайсан.  
Ёки ўзинг қўлингга ол уни бус-бутун,  
Ё бутунлай унга топшир.

## А в ф и д и й

Сени тушундим.  
Лекин эшит: бу ҳақда у ўйламас асло,  
Ҳисоб-китоб куни унинг бўйнига қўйгум -  
Нечук оғир бир маломат, нечук бир бало.  
Шундоқ туюларки, бунга ўзи ҳам комил,  
Халойиқ ҳам шундоқдир, деб ўйлайди ҳозир,-  
Вольскларнинг юришига ўша раҳнамо,  
Бу ишни у бажармоқда аълодан аъло.  
Жанг-жадалда аждаҳодек даҳшат солар у,  
Бир силтаса, ёв дегани тутдек тўкилар,  
Лекин ҳисоб-китоб куни ҳали олдинда,  
Йиқилармиз иккимиздан биримиз унда.

## Л а ш к а р б о ш и

Римни ола билармикин, не деб ўйлайсан?

## А в ф и д и й

Унга жангсиз таслим бўлмиш не-не шаҳарлар.  
Римда эса сенаторлар ва аҳли кибор -  
Унга содиқ. Воизлар - ҳарб ишида ночор.  
Халқ бир замон қувган эса дашномлар айта,  
Энди шундоқ шитоб билан чақирар қайта.  
Бургутда чин ҳукмдорнинг азмини уққан,  
Мени ол, деб сув бетига талпиниб чиққан -  
Балиқчадек олар Римни чангалига у.  
Гарчи бошда Ватанига хизмат қилди-ку,  
Лекин кейин ён-верига назар солмади.

Балки бунда мағрурлик ҳам айбдордир, зотан,  
У зафар кунлари бизни оздирар йўлдан.  
Шу бўлдимми, қизикқонлик бўлдимми боис,  
Омадларнинг занжирини улай олмади.  
Ёки унга туғма одат бўлган қатъият  
Моне бўлиб, чеқди унинг йўлларига сад.  
Шу сабабли ҳатто сенат курсисига ҳам  
Ўлтирарди дубулғасин ечмай, шиддаткор.  
Жангдагидек ёғар эди қовоғидан қор.  
Бу хислатлар ҳар биттаси ҳаммасидан ҳам  
Топиларди унда, лекин маълум миқдорда  
Кифоядир уни элдан айирмоқ учун,  
Элнинг қаҳру ғазабига буюрмоқ учун.  
Эл наздида такрор этиб, айлаб писанда,  
Қилган хизматларин йўққа чиқарди тамом,  
Халқ фикри-ла келар ахир бизга яхши ном.  
Кимки давлат курсисига ўлтирар бўлса  
(Бу рутбага у қанчалик ҳақли бўлмасин)  
Билиб қўйсин мақтаётган минбар ўлимдир.  
Михни уриб чиқарилар бошқа мих билан,  
Кучни эса куч синдирар, қани юр, кетдик.  
О, Кай Марций, Римни мағлуб этганинг замон  
Сен, шўрликни мен ҳам мағлуб этармен тамом.  
Кетадилар.

## БЕШИНЧИ ПАРДА

### Биринчи сахна

Рим. Майдон.

Менений, Коминий, Сициний, Брут ва бошқалар киришади.

#### М е н е н и й

Йўқ, бормайман. Унга падар ўрнида турган  
Бир кимсага, яъни собиқ саркардасига  
Не деб жавоб берганини эшитдингиз-ку!  
Мени ҳам у, ота, дерди. Лекин нима наф?  
Энди-чи, сиз, уни қувфин қилганлар, боринг,  
Чодиридан бир чақирим нарида ётиб,  
Ётганда ҳам тупроқларга юзтубан ботиб,  
Сурининг ва шафқат-карам сўраб, ёлборинг,  
Шундай Коминийга назар солмабдими, бас,  
Менинг уйда ўтирганим афзал.

#### К о м и н и й

У мени

Танишни ҳам истамади.

#### М е н е н и й

Эшитдингизми?

#### К о м и н и й

У: "Коминий" деркан хомуш хаёл аралаш  
Хотирига солдим бирга тўккан қонларни,  
Дўстлигимиз ҳурматини ўртага солдим,  
У ҳайқириб, Кориолан энди йўқ, деди,  
Мен воз кечдим ундан, мени тинч қўйинг энди,  
Римни ямлаб-емиргувчи ёнфинлар аро  
Ўзимга бир бошқа лақаб топмагунча то -  
Номсиз юрабергум, деди.

## М е н е н и й

Воизлар, раҳмат!

Кўмир нархи пасайсин деб, жуда ҳам ортиқ,  
Заҳмат чекиб юбордингиз. Сизни эслар Рим.

## К о м и н и й

Мен раҳм ила шафқатга ҳеч арзимайдиган  
Одамларга шафқат қилиш - мардликдир, дедим.  
У дедики, давлат жазолаган одамдан,  
Давлат ўзи яна шафқат кутса - нодонлик.

## М е н е н и й

Бундан бўлак яна не деб жавоб берсин у?

## К о м и н и й

Дўстларингни ая, дедим, айлаб эътироз,  
Вақтим борми, деди, чирик тўпон титмоққа,  
Қайда қолди экан, дея, икки-учта дон.  
Чириндининг у ачиган уюмин буткул  
Ёқмаслик - бу тентакликдир.

## М е н е н и й

Икки-учта дон!..

Бири мену бошқа бири унинг онаси,  
Учинчи дон - шу баҳодир жангчи... Сиз эса  
Ўша чирик хору хассиз, ёнар экансиз,  
Қўлансангиз кўтарилур юлдузгача то,  
Сизларни деб энди биз ҳам бўлурмиз адо!

## С и ц и н и й

Қўй, жаҳлга минаверма. Бу фалокатда  
Бизга агар ёрдам-мадад бермоқ истасанг,  
Ҳадеб таъна қилаверма. Ундан кўра сен -  
Римга марҳаматли пуштипаноҳ бўлгайсен.  
Сенинг бийрон тилинг кўпроқ келтирар карам,  
Бизнинг шоша-пиша йикқан қўшинлардан ҳам.



Б р у т

Ўтинаман, борақолгин, йўқ дема!

М е н е н и й

Нега?

Б р у т

Зора, яқин дўстлигингиз Римга бир паноҳ -  
Бўлса, дейман.

М е н е н и й

Ҳа, борди-ю, Марций мабодо  
Коминийни қувган каби мени ҳам қувса,  
Гапларимни тингламаса, қайтсам хор бўлиб,  
Дўстнинг таҳқиридан қайғу-аламга тўлиб,  
Нима бўлар унда?

С и ц и н и й

Унда шу шўрлик ватан  
Пок, мусаффо ниятингни кўраркан чиндан,  
Сендан рози бўлур.

М е н е н и й

Бўпти, уннаб кўраман.  
Ўйлайманки, гапларимга қулоқ солади,  
Гарчи Коминийни совуқ бир назар билан  
Лабларини тишлаб туриб эшитибди у,  
Ўйлайманки, унинг ҳузурига Коминий  
Унинг қорни очган маҳал боргандир балки?  
Томирларинг бўм-бўш қолиб, қизитмаса қон,  
Ҳатто эрталабки қуёш кўринмас кўркам,  
Хасисдирмиз маблағга ҳам, мурувватга ҳам.  
Аммоки, қон оқизувчи томир-каналлар  
Май ва озиқани лим-лим оқизган маҳал  
Юрагимиз юмшоқ тортиб қолур бегумон,  
Рўза тутган пайтимиздан кўра кўп чандон.

Бас, у овқатланиб олсин, сабр қилайин,  
Шафқат сўраб ҳузурига бораман кейин.

### Б р у т

Юрагига йўл топишни биласан. Зотан,  
Бу борада адашмайсан.

### М е н е н и й

Майли, таваккал,  
Не бўлиши тезда аён бўлур. Хўш энди,  
Мен бориб, бир уннаб кўрай.

*(Кетади.)*

### К о м и н и й

Унга Кориолан  
Ҳатто қулоқ солмайди ҳам.

### С и ц и н и й

Йўғ-ей, наҳотки?

### К о м и н и й

Ўзим кўрдим ахир: унинг авзойи бузуқ,  
Зарбоф кийиб, чодирода танҳо ўлтирар.  
Римга ўт қўйгудек бўлиб, кўзлари ёнар.  
Жаҳл зиңдонига солмиш шафқат-карамни,  
Худди қаршисига бориб тиз чўқдим, мени -  
Менсимасдан "Тур!" деб, солди совуқ бир нигоҳ,  
Ва қўлини силтаб, этди эшикка имо.  
Кейин мактуб йўллаб, мени қилди хабардор -  
Ки, неларга қодир ўзи, неларга ночор,  
Оралиқда вольсклар билан тузган битим бор.  
Хуллас, умид айламоққа бергувчи асос -  
Бизга унинг хотини-ю, онаси, холос.  
Эшитдимки, ватанинга шафқат айла деб,  
Ундан сўраб-ёлборишга қарор этмишлар.  
Юринг, ҳамма ўтинайлик, ошиқсин улар.  
Кетишади.

## Иккинчи саҳна

Рим яқинидаги вольсклар қароргоҳига киравериш жой.

Посбонлар қоровулда туришибди. Уларга Менений яқинлашади.

Б и р и н ч и п о с б о н

Тўхта! Қайдан пайдо бўлдинг?

И к к и н ч и п о с б о н

Кет! Орқангга қайт!

М е н е н и й

Баракалла: бажарасиз хизматни аъло,  
Аммоки, мен амалдорман, Кориолан билан  
Учрашмоғим керак.

Б и р и н ч и п о с б о н

Қайдан келгансан?

М е н е н и й

Римдан.

Б и р и н ч и п о с б о н

Қайт! Саркарда эшитишни истамас Римни.

И к к и н ч и п о с б о н

Сен саркарда билан ҳали учрашмай туриб,  
Рим деганинг куйиб, худди кўмир бўлади.

М е н е н и й

Рим ҳақида ва Римдаги дўстлар ҳақида  
Сўзлар экан саркардангиз, ишонаманким,  
У мени ҳам эслаб ўтган. Мен - Мененийман.

## Б и р и н ч и п о с б о н

Йўқ, бари бир орқангга қайт! Шундоқ ном билан  
Келсанг ҳамки, сенга йўл йўқ.

### М е н е н и й

Эшит, азамат,  
Мени севар эди сенинг саркарданг. Гўё  
Китоб эдим, унинг шуҳрат солномасини  
Саҳифаларимга ўзим этардим иншо.  
Ҳамшаҳарлар мендан ўқиб биларди фақат  
Унинг ўлмас ишларини, бир оз маҳобат  
Қилар эдим тавсифида ҳар сафар, чунки  
Дўстлар аро биринчи деб билардим уни.  
Таърифини келтиришга ошиқиб ҳар дам  
Баъзан бир оз чегарадан ошар эдим ҳам.  
Узун, эгри-бугри йўлда учган пуфакдек  
Узоқлашиб кетар эдим гоҳо тамоман.  
Мақтовимга қўшар эдим ёлгон заррасин  
Шунинг учун ўтишимга рухсат эт, ошнам.

## Б и р и н ч и п о с б о н

Чин сўзим шуки, ўзингни мақтаб, қанча ёлгон гапир-  
ганингдек, уни кўкларга кўтариб, ёлгон аравани қанча  
олиб қочма, бари бир қўймайман. Ҳаттоки, уйдирма -  
қиз иффатидек фазилат саналса ҳам йўқ, қўймайман.  
Шунинг учун гапни чўзма - орқангга қайт!

### М е н е н и й

Ҳой, ошнам, тушунсанг-чи: мени Менений дейишади  
ва мен ҳамиша сенинг саркардангга содиқ бўлганман.

## И к к и н ч и п о с б о н

Аниқроғи, алдоқчи бўлгансан, ҳозир ўзинг айтганинг-  
дек, унинг тўғрисида доим бир нималарни тўқиб-чатиб  
юргансан. Мен эсам, бор гапни шартта юзингга соламан,  
негаки, унинг хизматидаман. Шунинг учун сенга айтади-  
ган сўзим шу: қўймайман. Орқага қайт!

## М е н е н и й

Хўп, бўлмаса, айт-чи, у тушликда овқатландими? Овқатланмаган бўлса, яхшиси, учрашмай турганим тузук.

## Б и р и н ч и п о с б о н

Сен римликсан, шундайми?

## М е н е н и й

Ҳа, саркардангга ўхшаб, римликман.

## Б и р и н ч и п о с б о н

Демак, унга ўхшаб, Римни ёмон кўришинг керак. Хўш, нимага умид қиласан? Бошда ўзингиз энг яхши ҳимоячингизни дарвозадан ҳайдаб чиқардингиз, авомнинг сўзига кириб, ўз қалқонингизни душманга топшириб қўйдингиз, энди эса кампирларингиз ҳиқиллаб, қизларингиз маъюс қўл қовуштириб, сенга ўхшаш эсини еган чоллар йигламсираб, ёлбориш билан унинг қасосидан қутулмоқчи бўласиз. Сен ўз ожиз нафасинг билан шаҳрингизни ҳализамон қамраб оладиган алангани ўчирмоқчисан шекилли? Овора бўласан! Бас, орқангга қайт! Бориб, Римга хабар қил, ўлимга шайланиб туришсин. Ҳаммангиз ҳукм этилгансиз. Саркардамиз ҳеч кимга шафқат қилмайман, деб қасам ичган.

## М е н е н и й

Сен бир оз ҳовурингдан туш. Бошлиғинг бу ердалигимни билганда, мени иззат-икром билан кутиб оларди.

## Б и р и н ч и п о с б о н

Тошингни тер. Бошлиғим сенга қайрилиб ҳам қарамайди.

## М е н е н и й

Мен сенинг анави центурионинг ҳақидамас, саркардангиз ҳақида гапиряпман.

## Б и р и н ч и п о с б о н

Унинг сенга неча пуллик иши бор? Орқанга қайт! Кимга айтяпман? Жўна, йўқса сўнги қатра қонингдан ҳам жудо бўласан. Орқанга қайт, деяпман!

М е н е н и й

Эшитсанг-чи, ошнам, эшитсанг-чи...

Кориолан билан Авфидий киради.

К о р и о л а н

Нима гап, нима шовқин?

М е н е н и й

*(Биринчи посбонга)*

Ҳа, ошнам, энди шаънингга айтадиганимни айтаман! Мени бу ерда қанчалар ҳурмат қилишларини кўрасан энди. Шуни билиб қўйки, қандайдир бир ислиқи қоровул мени Кориолан эшигидан ҳайдаб юборолмайди: ахир у менга худди ўғлимнинг ўзи-ку. Эшитиб қўй, биз у билан гаплашдикми, тамом, сиртмоққами, бошқа бир балогами дучор бўлдим, деявер. Сенга бир оз қийин бўлса ҳам, бошқаларга томоша бўлади. Ҳай, ҳазир бўл: қўрқувдан эсинг оғиб қолмасин тагин. *(Кориоланга)* Ҳақ Танг, илар бошингда ҳар соат соябон бўлсин, улар сени кекса отанг Мененийдек астойдил севсин. Ўғлим, ўғлим! Сен биз учун ёнғин тайёрлаяпсан, лекин манави кўзлардаги ёш уни ўчиради. Римликларнинг сенинг ҳузурингга бор, деб айтганига узоқ кўнмадим, лекин юрагинга йўл топишга ёлғиз ўзим қодирлигимни билардим, ниҳоят, уларнинг оҳ-воҳлари мени шаҳар дарвозасидан чиқарди. Қара, мен, мен сенга нидо қиламан, сенга шафқат сўраб ёлбораётган Римнинг, ватандошларингнинг гуноҳини кеч. Илоё, муруватли Тангрилар қаҳр-ғазабингни бизнинг кўз ёшларимизда эритиб, менинг йўлимни тўсган манави бекорчи, манави бадкирдор тўнканинг бошига ағдарсин.

## К о р и о л а н

Жўна!

М е н е н и й

Нима? Жўна, дедингми?

К о р и о л а н

Танимасман-онам, ўғлим, хотинимни ҳам,  
Менинг ишим бошқаларга хизматдир тамом.  
Мен интиқом олгувчиман, шафқат ҳуқуқи  
Вольскларда фақат. Қадим дўстлигимизни  
Мурувват-ла бунда яна аён этгандан,  
Менга афзал: уни унут этсам бир йўла  
Ва шу билан заҳарласам батамом! Жўна!  
Қулоғим қар менинг оҳу фарёдингизга,  
У том битган, балки менинг жангчиларимга  
Дарвозаларингиз шундоқ бекитилмаган.  
Лекин бир замонлар менга азиз эдинг сен,  
Ҳа, манави қоғозни ол. Сенга деб ёздим,  
Сенга ёздим, ҳозир сенга юбормоқчийдим.

*(Унга қоғоз беради)*

Энди сўзни айлантирма, Менений, жўна.  
Авфидий, бу Римда менга мўътабар эди,  
Аммо лекин, ўзинг кўриб турибсан, мана...

А в ф и д и й

Ҳа, сен қатъиятда доим собит, ягона.

Кориолан ва Авфидий кетишади.

Б и р и н ч и п о с б о н

Хўш, муҳтарам жаноб, хуллас, сизни Менений деб ата-  
шади, шундоқми?

И к к и н ч и п о с б о н

Бу номнинг қудратини кўрдингизми! Ҳой, уйингга йўл  
топиб бора оласанми?

## Б и р и н ч и п о с б о н

Шундоқ муҳтарам зотни киритмаганимиз учун роса таъзимимизни едик-ов!

## И к к и н ч и п о с б о н

Қўрқувдан эсим оғиб қолганини негадир сезмаяпман...

## М е н е н и й

Саркардангиз билан ҳам, шу ёруғ олам билан ҳам энди ишим йўқ. Сиздек майда-чуйдалар эса ўйлашга ҳам арзимайсиз. Ўз жонига қасд қиладиган одам қотиллардан қўрқмайди. Майли, саркардангиз қора ишини амалга ошираверсин. Сиз ҳам шу ҳолингизча қолиб, тўмтоқлигингиз зиёда бўлаверсин, Мен энди қарзни ўзингизга қайтараман: "Йўқолинг!"

*(Кетади.)*

## Б и р и н ч и п о с б о н

Тўғриси айтганда - у олиймақом бир зот!

## И к к и н ч и п о с б о н

Йўқ, олиймақом зот деб бизнинг саркардани айтса бўлади; худди қоя ёки эманга ўхшайди, ҳеч қандай шамол уни қўзғатолмайди.

Кетадилар.



## Учинчи саҳна

Кориолан чодири.

Кориолан, Авфидий ва бошқалар киришади.

### К о р и о л а н

Демак, худди тонгда Римни қамал қиламиз.

*(Авфидийга)*

Сафдош биродарим, сендан ўтинч-илтимос,  
Вольскларнинг сенатига хабар қилгайсан,  
Сизга содиқ эканимни таъкидлагайсан.

### А в ф и д и й

Иш юритдинг мудом бизнинг манфаатга мос,  
Римнинг илтижоларига қулоқ осмадинг,  
Дўст-ёронлар тилагига ён ҳам босмадинг.

### К о р и о л а н

Римга кўнгли вайрон бўлиб қайтган чол бор-ку,  
Мени отамдан ортиқроқ севарди рости,  
Менга сигинарди. Унинг арзи ниёзи  
Римга сўнгги умид эди, хотирга олдим  
Эски қадрдонлигини, шундоқ бўлса ҳам,  
Уни совуқ қабул қилдим ва у орқали  
Сулуҳ салоҳ таклиф этдим эски шарт билан.  
Аввалда-ку, улар қабул қилишмаганди,  
Қабул қилишмаса керак энди бу гал ҳам,  
Мен бобойга таскин бўлсин учун баъзи бир -  
Майда-чуйда ён беришлар қилдим атиги.  
(Кўп нарсага умид боғлаб келганди ахир),  
Тамом, бари битди, бари тугади энди.  
Римнинг элчилари учун эшигим ёпиқ,  
Дўстлар илтижосини ҳам эшитмам ортиқ,  
Саҳна ортида шовқин.

Нима шовқин? Улар тагин келишдими ё -  
Қасам ичган соатимда қасаминг буз деб,  
Мени йўлдан оздирмоққа? Йўқ-йўқ, мутлақо!

Мотам либосларига бурканган Виргилия, кичик Марцийни  
етаклаган Волумния, Валерия ва хос маҳрамлар киришади.

Келаётган хотиним ва изидан эса  
Келаётир неварасин етаклаб алҳол -  
Шу танимга қолип бўлган азиз бир кимса,  
Шу жонимнинг маскани.

*(Ўзини кўрсатади.)*

Эй муҳаббат, йўқол!  
Табиатнинг занжирлари, узилинг тамом!  
Ёлғиз фазилатим бўлиб қолсин саботим!  
Аммо менинг кабутарим мунча гуландом,  
Ё Тангрилар, бу кўзлар ва бу қомат учун  
Лаънатларга кўмардингиз қасамни бутун.  
Таъсирландим. Мен ҳам бошқа одамлардайман,  
Юрагим бор ахир, тошдан ясалмаганман.  
Онам менинг рўпарамда бош эгиб турар -  
Бир каламуш қаршисида эгилди олам,  
Менга жовдирайди боқиб ҳаттоки болам,  
Табиат бор вужудимда ёниб қичқирар:  
"О, шафқат қил!" Йўқ, вольсклар Римни шудгорлаб,  
Италия ўлкасини этсинлар абгор,-  
Талпинмайман бир ҳавойи қушчага ўхшаб,  
Тек тураман, саботимнинг бўлмас ҳудуди,  
Ўз-ўзини бунёд этган Худодай худди.

В и р г и л и я

Бизни танимаяпсанми, эрим, соҳибим?

К о р и о л а н

Бир пайт Римдагидек энди кўрмас кўзларим...

## В и р г и л и я

Қайғу-алам ўзгартибди сени ҳар қалай,  
Шунга шундоқ дейсан.

## К о р и о л а н

Нўноқ актёр мисол  
Мен ролимни адаштириб, шарманда бўлдим.  
Менинг бағритошлигимни кечир, санамим,  
Римликларнинг гуноҳини сўрама лекин.

*(Виргилияни упади.)*

Қасос каби бўсанг ширин, қувгиндек узоқ.  
Онт ичаман осмонларнинг маликасига,  
Сенинг сўнгги хайрлашув бўсангни доим  
Соф сақладим, унга асло гард юқтирмадим,  
Улар ҳамон лабларимда. - Ё Тангриларим,  
Гапга машғул бўлиб азиз онамга, ёҳу,  
Таъзим бажо айламоқни унутибман-ку!

*(Онасининг олдида тиз чўқади.)*

Тиззаларим, ерга шундоқ чўкингиз, токим  
Изи тупроқ узра ўчмас нақшлар мисол  
Бўлиб қолсин бир умрга.

## В о л у м н и я

Раҳмат, тур, болам.  
Болалар то шу пайтгача оналарини  
Хато қилиб ҳурматлаган бўлсалар қандай,  
Мен ҳам болишгамас, энди тиз тўкай тошга,  
Иззатингни бажо этай қаршингда.

*(Тиз чўқади.)*

## К о р и о л а н

Нима!  
Осий ўғлинг қаршисида тиз чўкасанми?  
Ундоқ бўлса, қоқ-қовжироқ соҳил тошлари

Қўзғолишиб, юдузларга учиб етсинлар,  
Шамолларда тўзғиб мағрур, чайир оғочлар  
Кўқда тўфон ясаб, кунни абгор этсинлар.  
Бари мумкин, бўлмас нарса бўлиптими, бас,  
Қолганлари ҳеч нарсамас.

В о л у м н и я

Менинг ботирим,  
Бунёдкоринг менман.

*(Валерияни кўрсатиб)*

Буни танияпсанми?

К о р и о л а н

О, Публиколанинг олийжаноб синглиси,  
Диананинг даргоҳида қаҳратон кучи  
Бунёд этган муз қоядан кўра мусаффо,  
Римнинг тўлин оyi! Валерияга салом!

В о л у м н и я

*(Ўғилчасини Кориоланга ундаб)*

Мана энди рўпарангда кичик тимсолинг,  
Йиллар ўтар экан, қадди камоли келиб,  
Кучга тўлиб, худди сендек бўлмоғи мумкин.

К о р и о л а н

Юпитерни рози қилиб, уруш Тангриси  
Сени юксак, олийжаноб руҳга тўлдирсин.  
Ҳеч шарафсиз бўлмагайсан, собит тургайсан  
Маёқ каби порлаб ҳарбий бўронлар аро  
Соф қалбингни билганларни ўлимдан сақлаб.

В о л у м н и я

Тиз чўк, қўзичоғим.

К о р и о л а н

Менинг азамат ўғлим!

## В о л у м н и я

Валерия, хотининг, мен, ана шу боланг  
Сендан ўтинч айламоққа келдик...

## К о р и о л а н

Гапирма!

Эсда тутгил, жим бўлмоққа илож топмасанг,  
Чекинмайман, қасамимда тураман собит.  
Қўшинингни тарқатгин, деб талаб айлама.  
Ёки Римнинг жулдурвоқи мардуми билан  
Сулҳу салоҳ этишимни сўрмай қўя қол.  
Такрорлама менинг ғайриинсонлигимни,  
Қаҳрим, қасос чанқоғимга ташлама соя,  
Ақлингни йиғ, дея ўгит этма.

## В о л у м н и я

Кифоя!

Огоҳ этдинг: қарорингда қатъий турасан,  
Аmmoки биз сен аввал рад этган нарсани  
Яна бир бор сўрамоққа келдик, сўраймиз.  
Рад айласанг, шундоқ бағритошлигинг учун  
Иснод билан шармандалик ўзингга қолсин,  
Сендан ўтинчимиз шуки, бизни эшитгин.

## К о р и о л а н

Ҳой, Авфидий, вольсклар, келинг, римликларни мен  
Ёлғиз ўзим эшитмайман. -Ўтинчингиз не?

## В о л у м н и я

Сени қувғин этишгандан буён не аҳвол  
Кечаётир биздан - ўзинг кўриб турибсан:  
Сўзимизмас, юзимиздан, кийимимиздан.  
Борми биздек манглайи шўр, бахти қаролар?  
Қарашларинг - кўзимизга иқбол ёшимас,  
Кўнглимизга севинчларнинг титроғинимас,  
Мусибату аламларнинг даҳшатин солар.

Бизни - рафиқангни, ўғлинг, онангни - ҳозир  
Сен томоша айламоққа этасан мажбур:  
Она-юртнинг сийнасини чок этар қандоқ,  
Бир йўласи - суюкли эр, ота ва ўғил.  
Душманлигинг бизга оғир келди ҳаммадан,  
Тиловати-тасалли йўқ бизга дастингдан.  
Биз бир йўла этолмаймиз ахир ибодат  
Бурчимизга кўра, сенга ғалаба тилаб,  
Яна бурчимизга кўра, айна шу фурсат  
Биз ибодат этолмаймиз ватан учун ҳам.  
Эвоҳ, дариг! Айрилурумиз энди беомон  
Бизга умри жовид бўлган азиз ватандан.  
Ё бўлмасам, фарёд чекиб, ютиб лахта қон,  
Бир умрга куйиб, жудо бўлурумиз сендан.  
Қай бир дуойимиз қабул этса Тангрилар,  
Муқаррарки, бошимизга бало ёғилар:  
Е ўтарсан кўчалардан, қўлингда кишан,  
Ҳаммамизга хиёнаткор, бегона бўлиб,  
Ёки яна жасоратда афсона бўлиб,  
Бузғун бўлган ватанингни топтаб ўтарсан,  
Ўғлинг билан хотинингни тупроққа кўмиб.  
Аммо мен-чи, ўғлим, ортиқ этмасман бардош  
Ва эгмасман ювош туриб қисматимга бош,  
Баски, сени икки тараф, икки ёққа ҳам  
Олийҳиммат бўлишликка ундай олмасам,  
Тутар бўлсанг бир томоннинг измини маҳкам,  
Римга юрар бўлсанг, менинг мана шу сийнам  
Сенга ҳаёт берган вужуд йўлингда турар,  
Сен оёғинг билан уни топтаб ўтарсан.

### В и р г и л и я

У ўз фарзандига оппоқ сут берган кўкрак -  
Менинг сийнамни ҳам босиб-янчиб ўтажак.

### Б о л а

Мени босиб ўтолмайди, яширинаман:  
Улғаяман, жанг қиламан кейин у билан.

## К о р и о л а н

Хотинлардек нозик миждоз бўлмайин десанг,  
Хотинлару болаларга боқмаган маъқул.  
Мен ўлтириб қолдим бунда.

*(Ўридан туради.)*

## В о л у м н и я

Йўқ, кетолмайсан.  
Римликларга раҳм-шафқат тиланиб ёлғиз,  
Вольскларга ҳалокатни кўрсайдик раво,  
Таъна-дашном этсанг унда, бўларди жоиз,  
Номусимни тўқдингиз, деб айласанг даъво.  
Ўтинамиз, бир-бирига ғаним халқларни  
Яраштиргин, токи улар бўлсин биродар.  
"Биз марҳамат этдик!"-десин вольсклар бари,  
"Бизлар уни қабул қилдик!"- десин римликлар  
Сени бирдек қаршиласин ҳар икки тараф:  
"Баракалла, сулҳ келтирдинг, саломат бўл!"-деб.  
Буюк ўғлим, урушда бахт дегани - пуч гап.  
Лекин чин гап шуки, Римни вайрон айласанг,  
Бунинг мукофоти учун қозонасан ном,  
Шундоқ номки, тарихларда бўлурсан бадном,  
Солномалар сенга шундоқ лаънат ўқирлар:  
"У чиндан ҳам буюк эди, ва лекин сўнгги -  
Бир кирдикор билан барин йўққа чиқарди.  
Ватанини ҳалокатга қорди, умрбод-  
Номи шундай шармандали ном бўлиб қолди!"  
Ўғлим, менга жавоб бергин! Айтар эдинг-ку,  
Юксак номус нишонаси - шафқат, карамда  
Худоларга тенг келиш деб, Ҳақ-Тангриларнинг  
Иши аввал чақмоқ билан кўкни ёритиб,  
Қалдироқнинг қиличига айлантириб, сўнг  
Эманларнинг танасига тикка уриш, деб.  
Нега индамайсан? Ахир асл одамлар  
Юрагида кек-кудурат асрарми? Асло!

Йўқ у ўтинчиларимизга боқар бепарво,-  
Қизим, гапир унга. - Ундан ўтин, болакай.  
Унинг юрагини балки чулдирашларинг  
Бизнинг кўз ёшимиздан ҳам кўпроқ юмшатар.  
Ҳой, сен онанг қаршисида қанчалар қарздор!  
Аммо ажаб дейман, яна дейман, вожаб,  
Маҳбус каби нидо солсам, бермайсан жавоб.  
О, доим оз эди сенинг онага меҳринг,  
Ҳеч нарсада ён бермасдинг, у бўлса нуқул  
Кеча-кундуз курк товукдек чурқиллаб фақат,  
Фақат сени дерди, мудом сенга парвона.  
Сени жангу жадалларга шайлаган ўша,  
Келарсан, деб йўлларингни пойлаган ўша...  
Ўтинчимиз агар ноҳақ бўлса, аяма,  
Ҳайдаб юбор, қани, қувиб, ҳайда шу замон.  
Ўтинчимиз ҳақ бўлса-чи,- сен беномуссан,  
Худоларнинг қаҳри ёғар сенга беомон.  
Сен оналик ҳуқуқини хўрладинг ёмон -  
Рад этишинг билан. - Юзин ўтириб олди!  
Тиз чўкайлик ҳаммамиз: бир уялтирайлик!

*(Кориоланнинг оёғига йиқилишади.)*

У Кориолан ахир, бундоқ баландпарвоз ном  
Меҳр-шафқаттамас, кибру ҳавога ёндош.  
Бас, қўямиз охирги бор оёғига бош,  
Шунда ҳам рад этса, тамом, қайтамиз уйга  
Қўшинлар-ла шайланамиз биз ҳам ўлимга.  
Ҳой, назар сол, ҳеч бўлмаса, болага бир боқ:  
У нимани сўрашням билмайди, бироқ  
Биз билан тиз чўкиб, сенга чўзар қўлчасин  
Шу нарсанинг қаршисида тупроқдир, тупроқ.  
Боис - баҳоналарингни ҳамма-ҳаммаси,-  
Турдик. Етар. Энди аён бўлди: бу одам  
Римлик эмас, вольск онадан туғилган экан.



Кориолада хотини ҳам бўлса эҳтимол.  
Неварамнинг ўхшашлиги шунчаки хаёл.-  
Нега қувмаяпсан? Майли, сокит тураман,  
Шаҳримизни қуршар экан оташ-аланга,  
Ана унда гапираман гапимни.

### К о р и о л а н

Онам,  
Сен нималар қилиб қўйдинг мени! Назар сол,  
Кўк ёрилиб, кўз кўрмаган бу томошага  
Кулиб қарамоқда ҳатто қодир Худолар.  
Азиз онам! Соҳиб зафар айладинг Римни,  
Лекин жуда қаттол, балки ўлим билан тенг  
Ҳалокатли хавф-хатарга шайладинг мени.  
Майли, нима бўлса бўлар! Дўстим Авфидий,  
Қоидани қиёмига етказиб уруш  
Қилолмадим, энди фахрий битим тузаман.  
Олийжаноб Авфидий, гар менинг ўрнимда  
Бўлганимда, айт-чи, нима қилар эдинг сен?  
Ёки қоя каби туриб, кўру кар бўлиб,  
Онангга ён бермасмидинг? Гапир, Авфидий.

### А в ф и д и й

Мен ҳам юмшар эдим.

### К о р и о л а н

Балли, отангга раҳмат!  
Онг ичаман, шу айтганинг айни ҳақиқат:  
Ахир осон эмас, раҳму шафқат намини  
Менинг кўзларимга бир зум тортиш, биродар.  
Маслаҳат бер, энди, қандай шартларга кўра,  
Биз уларга сулҳу салоҳ бергаймиз тугал.  
Мен-ку, Римга қайтолмайман. Ҳамроҳим сизлар.  
Сен қарашиб юбор менга. - Онам! Рафиқам!

## А в ф и д и й

(Четта)

Мен хурсандман, сенинг меҳринг билан номусинг  
Баҳслашиб қолди шундоқ - бу ҳол муқаррар  
Менинг сўнган довруғимни қайтариб берар.

## К о р и о л а н

Йўқ, ошиқманг! Аввал бир оз шароб ичамиз,  
Бу тағин ҳам мустаҳкамлар шартномамизни,  
Кейин уни эҳсон қилиб элтасиз Римга.  
Қани, юра қолинг, энди меҳрибонларим,  
Жасоратингизга атаб эҳром солса кам.  
Мажбур этолмасди бизни шундоқ битимга  
Жумла Италиянинг жасур қўшинлари ҳам...  
Кетишади.

## Тўртинчи саҳна

Рим. Майдон.

Менений билан Сициний кирадилар.

## М е н е н и й

Анави, Капитолий бурчагидан чиқиб турган тошни  
кўряпсанми?

## С и ц и н и й

Кўряпман. Нима эди?

## М е н е н и й

Шу тошни чинчалоғинг билан ўрнидан қўзғатолсанг,  
Рим аёллари, айниқса, унинг онаси Кориоланни кўнди-  
ради, деб умид қилсанг бўлади. Бироқ, гапнинг хулласи  
шуки, умид йўқ! Сиртмоқ бўйнимизга тушган, уни фақат  
тортиш қолган, холос.

## С и ц и н и й

Наҳотки, одам деган шундай қисқа вақт ичида шу қадар ўзгариб кетса?

## М е н е н и й

Қурт ҳам капалакка ўхшамайди, лекин капалак аввал қурт бўлади. Марций одамдан аждаҳога айланди: у қанот чиқарди, энди ерда ўрмалаб юролмайди.

## С и н и ц и й

Лекин у онасини қанчалар севар эди.

## М е н е н и й

Мени ҳам севарди. Саккиз яшар айғир онасини қанча ўйласа, Марций ҳам онасини шунча ўйлайди. Унинг тунд афт-ангоридан пишган узум ҳам айниб, ачиб қолади. Худди қамал минорасига ўхшаб юради: қадами залворидан ер титрайди. Қараши қалқонни тешгудай. Овози - довул, сўзи - замбарак наърасидан ҳам баланд. Чакмон кийиб, курсида ўлтирганида, худди Искандар Зулқарнайнинг ҳайкали дейсан. Буйруқ оғзидан чиқдимми - бажо. Умрбоқийлик ва арши аълода тахт берсанг, тамом, Тангри таолонинг ўзига айланади-қўяди.

## С и ц и н н и й

Агар айтганларинг ҳаммаси чин бўлса, унга тагин бир нарса - раҳм-шафқат етишмайди.

## М е н е н и й

Мен уни борича тасвирладим. Онаси ҳали қандай хайр-эҳсон олиб қайтишини кўрасан. Йўлбарсда сут қанча бўлса унда раҳм-шафақат шунча. Шўрлик шаҳримиз ҳадемай буни татиб кўради. Ҳаммасига сиз айбдорсиз!

## С и ц и н и й

Худоларнинг бизга раҳми келар...

## М е н е н и й

Йўқ, бу гал уларнинг раҳми келмайди. Биз уни қувиб ҳайдаганимизда Худоларни эсладикми? У пайимизни қир-қаман деб келганда, Худолар бизни эсламайди.

Чопар киради.

## Ч о п а р

Воиз, уйингга кет, йўқса, ўлдим, деявер!  
Плебейлар шеригингни арқонлаб-чандиб,  
Сазойидек судрашмоқда кўчама-кўча.  
Хотинлар гар сулҳу салоҳ олиб қайтмаса,  
Уни ҳалок айламоққа онт ичмоқдалар -  
Худди парча-парча қилиб.

Иккинчи чопар киради.

## С и ц и н и й

Қандай хабарлар?

## И к к и н ч и ч о п а р

Чин хушxabар: ёвни олиб кетмоқда Марций -  
Қозонишди ахир бизнинг хотинлар зафар!  
Тарквиний қувилгандан буён шу қадар -  
Шоду хандон кунни сира кўрмаганди Рим.

## С и ц и н и й

Ҳой, янглишган бўлма тагин? Ҳақиқатми шу?

## И к к и н ч и ч о п а р

Порлаб турган шу қуёшдек айна ҳақиқат.  
Сен қайларда бўлибсанки, гумон қиласан?  
Дарёдаги тўлқинни ҳам қолдириб йўлда  
Елкасидан тоғ қулаган халойиқ бу дам  
Дарвозага томон оқиб бормоқда. Тингла!

Саҳна орқасидан карнайлар ва ногоралар садоси янграйди,  
шодиёна қичқириклар.

Карнайлару, сурнайлару ногоралардан  
Римликларнинг суруридан, ҳадемай, ана,  
Нақ рақсга тушсам дейди қуёш ҳам. Тингла!

Тағин қичқириклар.

### М е н е н и й

Ҳа, хушхабар! Хотинларни бориб қаршилай.  
Волумния ёлғиз ўзи зодагонлардан,  
Шаҳардаги жумла консул, сенаторлардан,  
Сенга ўхшаш воизлардан минг карра афзал.  
Қаттиқ ибодат қилгансиз бугун афтидан.  
Тонгда минг бир суронингиз эди - бир чақа,  
Аммо ҳозир Рим тантана қилмоқда. Тингла!

Қичқириклар ва мусиқа.

### С и ц и н и й

*(иккинчи чопарга)*

Ҳа, аввало ёрлақасин сени Худолар  
Хушхабаринг учун, кейин қабул айлагин  
Менинг ташаккуримни ҳам.

### И к к и н ч и ч о п а р

Ташаккур деймиз  
Ҳар биримиз тинчлик олиб келган зотларга.

### С и ц и н и й

Улар ҳозир қайда, магар узоқдамасми?

### И к к и н ч и ч о п а р

Дарвозага яқинлашиб қолишди.

## С и ц и н и й

Юринг,  
Биз уларга пешвоз чиқиб қарши оламиз,  
Ҳамшаҳарлар севинчига шерик бўламиз.

Кетишади.

## Бешинчи саҳна

Ўша жой. Шаҳар дарвозасига яқин бир кўча.

Волумния, Виргилия, Валерия ва бошқалар киришади, сенаторлар, аслзодалар ва халойиқ кузатиб борадилар, улар саҳна-ни кесиб ўтишади.

## Б и р и н ч и с е н а т о р

Кўриб қўйинг: мана, Римнинг халоскорлари,  
Бизга ҳаёт эҳсон этган соҳиб жаҳонлар!  
Эй, карнайлар, сурон солинг! Машғаллар, ёнинг!  
Хотинларнинг йўлларига сочинг райҳонлар!  
Кай Марцийни қувғин этган қичқириқларни  
Босиб кетсин онасига айтган садолар  
Ва ўғлини онасига қайтариб берсин,  
Қани энди яқдил бўлиб кичқирсин ҳамма:  
"Олийжаноб аёлларга шарафлар бўлсин!.."

## Ҳ а м м а

Олийжаноб хотинларга шарафлар бўлсин!

Карнайлар ва ноғоралар чалинади.

Ҳамма кетади.

## Олтинчи саҳна

Кориола. Майдон.

Тулл Авфидий хос маҳрамлари билан киради.

### А в ф и д и й

Қайтганимни хабар қилинг сенаторларга,  
Улар менинг мактубимни ўқиб шу замон  
Дарҳол ташриф буюришсин катта майдонга,  
Улар ҳузурида, халойиқнинг олдида  
Ёзганларим битта-битта тасдиқ этаман,  
Мен айблаган кимса ҳозир кирар шаҳарга.  
У халқ билан гаплашмоқчи бир бало қилиб,  
Ўз-ўзини оқламоқчи бўлар. Шошилинг.

Маҳрамлар кетишади. Авфидий гуруҳидан уч-тўрт фитначи киради.

### Б и р и н ч и ф и т н а ч и

Салом. Ҳол-аҳволинг нечук, саркардам?

### А в ф и д и й

Худди

Ўз садақасидан ўзи балога қолган,  
Ўз ҳиммати ўзига ўқ бўлган кимсадек.

### И к к и н ч и ф и т н а ч и

Саркарда, сен қарорингда устувор эсанг,  
Шу ондаёқ тилагингни айлаб саранжом,  
Сени хатарлардан халос этурмиз тамом.

### А в ф и д и й

Аввал билинг: кимга мойил бу дам халойиқ.

### У ч и н ч и ф и т н а ч и

Иккингиздан бирингизга тушаркан сайлов,  
У кутади, нари-бери иккиланади,  
Кўз тутади: қай бирингиз йиқиласиз, деб,  
Ва салтанат мерос бўлиб кимга қолади...

## А в ф и д и й

Мен биламан буни. Фурсат етди зарбага,  
Мен Марцийни юксалтирдим гаровга олиб.  
У бўлса-чи, янги шуҳрат чаманзорини  
Хушомаднинг суви билан этди парвариш.  
Шу йўл билан дўстларининг кўнглини олмиш,  
У ҳаттоки, жиловламиш шу ният билан  
Оғир, кўпол, қайсар хулқу атворини ҳам.

## У ч и н ч и ф и т н а ч и

Ахир бир пайт қайсарлиги билан у худди  
Ўз элида консулликдан маҳрум бўлганди.

## А в ф и д и й

Мен ҳам шуни айтяпман, қувфин бўлиб у -  
Келганида, хурсанд кутиб олгандим уни,  
Қиличимга тутиб берган эди бўйнини,  
Қабул қилдим, ҳокимиятимни бўлишдим,  
Ҳар дақиқа ҳар соҳада бўлдим мададкор.  
Лашкаримни тутиб дедим: ўзинг сайлаб ол,  
Унга ҳамроҳ бўлсам, шуҳрат топарман, дедим.  
Умид билан хизматига кирдим ўзим ҳам,  
У шон-шуҳрат олди, менга сарқити қолди.  
Аввалига фахрландим: фидокорликка  
Анча-мунча қодирман, деб мен ҳам ҳар қалай,  
Ўйлаб кўрсам: унга сафдош бир ўртоқ эмас,  
Бир ёлланма хизматкорман, аянч бир малай,  
Ки, ҳар сафар мурувватли назари билан  
Хизматимга тўлов тўлар гўё.

## Б и р и н ч и ф и т н а ч и

Бу ҳақ гап.

Сенинг сабру бардошингга жангчилар ҳайрон,  
Ўйлаб қара ахир, Римнинг дарвозасига  
У етаркан, бизлар фақат шон-шуҳрат эмас,  
Ўлжа ҳам кутганмиз...



## А в ф и д и й

Худди мана шу гапни  
Мен бошига ағдараман тоғ қилиб энди,  
Хотинларнинг икки қатра кўз ёши учун  
Шунча заҳмат, маъракани йўққа чиқарди.  
У сотқинлик қилди, энди ҳалок бўлади,  
У қулайди, лекин мени юксалтиради.  
Эшитяпсизми?

Саҳна ортида ноғоралар, карнайлар садоси, халойиқнинг хитоблари.

## Б и р и н ч и ф и т н а ч и

Сен бир оддий аскар каби кирдинг шаҳарга,  
Қайтганингни биров билиб, биров билмади.  
Халойиқнинг олқишлари қаршилар уни.

## И к к и н ч и ф и т н а ч и

Гала авом, гала аҳмоқ, гала нодонлар  
Томоқ йиртиб, ҳозир иззат-икром этишар  
Ўғилларин гўрга тиқиб қайтган кимсани.

## У ч и н ч и ф и т н а ч и

Хулласки, у халойиқни бийрон сўз билан  
Ўзига ром этиб ҳали олмаган экан,  
Қиличингни яланғочла, бизлар мададкор.  
У йиқилсин аввал, кейин не бўлса бўлар.  
Ишни ўз йўлингда талқин-изоҳ этасан,  
Далил, исботлари билан мурда тобутга  
Жо бўлади.

## А в ф и д и й

Дамингизни чиқарманг бошқа.  
Сенаторлар келишмоқда.  
Сенаторлар киришади.

## С е н а т о р л а р

Салом, Авфидий!

А в ф и д и й

Мен лойиқ эмасман шу дам саломингизга.  
Азиз отахонлар, сизга ёзган мактубни  
Ўқидингизми?

## С е н а т о р л а р

Ҳа.

## Б и р и н ч и с е н а т о р

Афсус-надомат билан.  
Аввалги у неча кору кирдикорларни  
Маъзур тутиш қийин эмас. Аммо буниси,  
Ишни бошламасдан - адо этиш, нимаси?  
Офир юриш самарасин қўлдан бой бериб,  
Бизга сарқит билан қайтиш, нима деган гап?  
Таслим бўлаётган ёвга яраш не даркор,-  
Бунисини энди оқлаб бўлмагай зинҳор!

А в ф и д и й

Мана ўзи. Эшитайлик, нима деркин у...

Кориолан ноғоралар ва байроқлар билан кириб келади,  
унинг ортидан бир тўда шаҳарликлар.

## К о р и о л а н

Салом отахонлар! Жангдан жангчингиз қайтди,  
Юришнинг илк айёмидек юраги яна  
Юртга меҳр-муҳаббат-ла гупуриб, тўлиб,  
Аввалгидек сизга содиқ, мусаллам бўлиб.  
Иродангиз шараф билан айладим адо,  
Қирғинбарот билан Римнинг қопқасига то  
Қўшинларни бошлаб бордим. Йиғилган ўлжа  
Ҳарбий сарфу харажатдан уч карра зиёд.

Биз римликлар билан шундоқ битим туздикки,  
Улар учун шармандалик, бизларга - қанот.  
Мана ўша битимнома, сенат муҳри-ла  
Тасдиқланган, зодагонлар билан консуллар  
Имзо чеккан.

А в ф и д и й

Отахонлар, унга ишонманг  
Ва ўқиманг ёлғон битимномасини ҳам,  
Сен сотқинсан, бизлар берган ҳокимиятни  
Совурдинг, деб айтинг унга.

К о р и о л а н

Нима? Мен - сотқин?

А в ф и д и й

Ҳа, Кай Марций, сен сотқинсан.

К о р и о л а н

Марций? Нима? Мен?

А в ф и д и й

Марцийсан-да, ким бўлардинг ўзга? Наҳотки,  
Баъзи бировлардек энди мен ҳам атасам -  
Сени, ўзинг Кориоладан ўғирлаб олган  
Кориолан, деган фахрий атама билан.  
Халқнинг оталари, азиз давлатпаноҳлар,  
Ҳаққингизга у хиёнат қилди бағоят,  
Онаси-ю, хотинининг қатра ёшига  
Сизнинг Римни бериб қайтди, ҳазрат саломат.  
Ҳарбий кенгаш чақирмади, қасамёдини  
Чириган бир ипдек узиб-юлиб ташлади.  
Шерик бўлди онасининг дийдиёсига,  
Ғалабани кўз ёшига кўмиб ташлади.  
Катталарни ҳайрон қилди, ўспиринларни  
Номусларга ўлдирди.

К о р и о л а н

Марс, тинглаяпсанми?

А в ф и д и й

Сен йиғлоқи гўдак бола, Марсга не дердинг?

К о р и о л а н

Нима? Қайтар?

А в ф и д и й

Сен йиғлоқи гўдак боласан!

К о р и о л а н

Ҳой, бетавфиқ ёлғончи, сен қаҳр-ғазаб-ла  
Юрагимни тўлдирдинг-ку. Мен гўдакманми?  
Вой, қулвачча! Мени маъзур тутинг, оталар,  
Сўкинишга мажбур бўлдим. Манави итни  
Муҳокама этсин сизнинг олий судингиз,  
Бўхтончининг башарасин ошкор этингиз,  
Танида-ку қиличимнинг излари қат-қат,  
Энди унинг иқроридан кесилсин тўхмат.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Иккинги ҳам жим бўлинг. Ҳой, мени эшитинг!

К о р и о л а н

Вольсклар, мени парча-парча қилиб ташлангиз,  
Қиличларингизни эса ювинг бир йўла -  
Қонларимга! Сен мишиқи! Ёлғончи кўшпак!  
Агар ҳақиқатни ёзса солномаларинг,  
Ўқийсизки, Кориолага кирганман ёриб,  
Не-не лашкарларингизни олдимга солиб,  
Каптар уясига кирган лочиндай худди,  
Ёлғиз ўзим бажарганман буни. Мишиқи!

## А в ф и д и н

Отахонлар, бунга қандай чидаб турасиз?  
Шундоқ ёнгинангизда шундоқ мақтанчоқ даҳрий  
Кўр-кўрона омадини кўтариб кўкка,  
Сизни яна қайта бошдан таҳқир этади?

## Ф и т н а ч и л а р

Бу гуноҳи учун уни ўлдириш керак!

## Ш а ҳ а р л и к л а р

Уни бурда-бурда қилиб ташлаш керак! - Нимани ку-  
тяпмиз! - У менинг ўғлимни ўлдирган! Менинг қизимни  
ўлдирган! - Акам Маркни ўлдирган! - Менинг отамни ўлдир-  
ган!

## И к к и н ч и с е н а т о р

Жим бўлингиз! Уни таҳқир этманг! Жим бўлинг,  
У - машҳур зот, овозаси оламга кетган.  
Бас, биз шошилмайлик, унинг сўнги айбини  
Совуққонлик билан таҳлил этиб қарайлик.  
Авфидий, бас, гижгижлама бошбошдоқликка.

## К о р и о л а н

О, қанчалар истар эдим, Авфидий ўзи,  
Ўзи каби етгитаси тагин бир йўла,  
Бор элати, бутун уруғ-аймоғи ила  
Шу мусаффо шамширимни татиб кўрсайди.

## А в ф и д и й

Ярамас! Сурбет!

## Ф и т н а ч и л а р

Ўлдириш керак уни, ўлдириш! Ўлдириш!

Фитначилар қиличларини яланғочлаб, Кориоланга ташлана-  
дилар ва уни ўлдирдилар. Авфидий унинг мурдасига оёғини  
кўяди.

## С е н а т о р л а р

Тўхта, қўлингни торт!

А в ф и д и й

Отахонлар, изн беринг сўзлашга...

Б и р и н ч и с е н а т о р

О, Тулл!..

И к к и н ч и с е н а т о р

Сенинг ишинг йиғлатади мардоналикни.

У ч и н ч и с е н а т о р

Ҳой, ноинсоф, босма уни оёғинг билан!

Ҳой, жим бўлинг, қиличларни қинларга солинг!

А в ф и д и й

Марҳаматли отахонлар, унинг ҳаёти  
Сизга қандай оғир хавфу хатар солгани  
Тамом аён бўлур менинг изоҳотимдан.  
Ўзи менинг ғазабимни қўзғаб кўп ёмон,  
Аввал буни айтишимга бермади имкон.  
Сўзламоққа агар имкон берсангиз менга,  
Қувонарсиз балки, шундоқ бўлди хотима...  
Ўтинаман, мени ҳозир сенатга бошланг,  
Ҳақлигимни айтиб унда далиллар билан  
Сизга сидқу садоқатим манзур этаман,  
Ёки берган жазойингиз қабул этаман.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Кўтарингиз уни, йиғлаб, аза тутайлик,  
Тобуткашлар қабр сари элтмаган ҳали  
Шу қадар бир олийжаноб, азиз мурдани.

## И к к и н ч и с е н а т о р

У қизикқон эди. Балки шу сабаб билан  
Авфидийнинг айби бир оз енгиллашади.  
Эҳтимолки, шундоқ якун топгани ҳам хўп.

### А в ф и д и й


Менинг қаҳру ғазабларим босилди тамом,  
Энди қалбим қақшатмоқда қайғу ва алам.  
Тўрт саркарда кўтарайлик унинг тобутин,  
Ноғоралар, самоларга таратинг садо!  
Чўнг найзалар, эгилингиз тупроққача то,  
Гарчи Кориолада кўплаб аёлларни у  
Эрлари, ўғилларидан этмишди жудо,  
Кўзда ёшлар ҳали қуриб битмаган, аммо,  
Бу шон-шуҳрат соҳибини иззатлаш лозим.  
Қани, кўтаринглар!

Кориоланнинг жасадини кўтариб чиқадилар. Мотам марши  
садолари янграйди.









---

# ЮЛИЙ СЕЗАР

(Беш пардали фожиа)

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Юлий Сезар, Октавий Сезар, Марк Антоний – Сезар ўлиmidан кейинги триумвирлар.

Марк Эмилий Лепид, Ситсерон, Публий – сенаторлар.

Попилий Лена, Марк Брут, Кассий, Каска, Трибоний, Лигирий, Дессий Брут, Метелл Симбер – Сезарга қарши фитна уюштирувчилар.

Синна, Флавий, Марулл – нотиклар.

Артемидор – нотиклик муаллими.

Фолбин – башоратчи.

Синна – шоир.

Луссий, Титиний, Мессала – Брут билан Кассийнинг тарафдорлари.

Ёш Катон, Волумний, Варрон, Клит, Клавдий – Брутнинг хизматкорлари.

Стратон, Луссий, Дарданий, Пиндар – Кассийнинг хизматкори.

Калпурния – Сезарнинг хотини.

Портсия – Брутнинг хотини.

Сенаторлар, фуқаролар, соқчилар, мулозимлар ва бошқалар.

Воқеа аввал Римда, кейин Сарди ва Филипп яқинида кечади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Рим. Кўча.

Флавий, Марулл ва бир неча фуқаролар киришади.

Ф л а в и й

Йўқол ҳамманг! Уй-уйингга жўна, ялқовлар,  
Бугун байраммиди сизга? Билмайсиз наҳот,  
Иш кунлари коржомасиз юриш мумкинмас.  
Қани, айт-чи, кимсан, сенинг ҳунаринг нима?

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Дурадгорман, бегим

М а р у л л

Агар дурадгор бўлсанг,  
Чарм пешбанд билан тешанг, искананг қани?  
Ҳашам либос кийиб, нега юрибсан санқиб?  
Хўш, сен-чи, сен, қай бир ҳунар соҳибидирсан?

И к к и н ч и ф у қ а р о

Сизга айтсам, тақсир, чинакам косиб билан қиёсла-  
ганда, мен бир ямоқчиман, холос.

М а р у л л

Гапни айлантирмай, менга ҳунарингни айт.

И к к и н ч и ф у қ а р о

Ҳунаримни айтсам, тақсир, мен уни сидқидилдан адо  
этаман. Мен эски тагчармларни ямайман.

М а р у л л

Ҳунарингни айт, деяпман, хумпар, ҳунаринг не?

## И к к и н ч и   ф у қ а р о

Ўтинаман, тақсир, кучаниб, кўпам жазавага тушаверманг. Ёрилиб кетманг тагин. Ёрилиб кетсангиз, ямаб қўйишга тўғри келади.

## М а р у л л

Нималар деб валдирайсан? Мени ямаб қўймоқчимисан, тасқара?

## И к к и н ч и   ф у қ а р о

Ҳа, ямаб қўяман, тақсирим.

## М а р у л л

Пойафзал ямайдиган ямоқчимисан?

## И к к и н ч и   ф у қ а р о

Тўғриси, тақсир, тирикчилигим шу бигизнинг орқасидан. Эркакларнинг ҳам, хотинларнинг ҳам ишига мени аралаштирадиган - шу бигиз. Эски-туски пояфзалларнинг кетворган жарроҳиман. Титиғи чиққанларни тузатиб, ялтиратиб қўяман. Ман-ман деган одамлар ҳам мен тиккан тагчармларни босиб юришади.

## Ф л а в и й

Нега унда дўконингда ўлтирмай бутун, Оломонни кўча-кўйда судраб юрибсан?

## И к к и н ч и   ф у қ а р о

Пойафзалари йиртилсин, дейман. Менга иш кўпайсин, дейман. Аммо, тўғриси, тақсир, Сезарнинг байрам тантанасини кўриш учун шодиёна, ҳайит қилиб юрибмиз.

## М а р у л л

Шодиёна нечун? Римга на келтирди у?  
Асирларни келтирдими гаровга олиб,  
Турнақатор қилиб, боғлаб араваларга?!

Сиз тўнкалар, тошсиз, балки тошданам ҳиссиз,  
 О, сиз, Римнинг бағри қаттиқ фуқаролари,  
 Тошюрақлар, сиз Помпейни унутдингизми?  
 Неча карра деворларга, томларга чиқиб,  
 Тирмашгансиз миноралар, мўриларга ҳам.  
 Норасида гўдақларни қўлда кўтариб,  
 Йўлларига кўз тиккансиз узун кун бўйи  
 Кўчамиздан буюк Помпей ўтармикин, деб.  
 Ҳашаматли араваси бўларкан пайдо,  
 Кўтаргансиз бор овоз-ла қийқириқ, чуввос.  
 Шовқинингиз еру кўкни ларзага солиб,  
 Соҳил бўйлаб ғорларда ҳам бериб садолар,  
 Сокин Тибр дарёсини чайқатгани рост.  
 Бугун яна ясанишиб олибсиз, мана,  
 Бугун яна шодиёна байрам қиласиз.  
 Помпей қонин тўкиб, ғолиб бўлган кимсанинг  
 Йўлларига гул чечаклар сочмоқ бўласиз...  
 Жўна ҳамманг!  
 Уйингизга бориб, тоат-ибодат қилинг,  
 Кўрнамаклар, Худоларга ёлборинг, токим  
 Ёғдирмагай бошингизга фалокат, вабо!

### Ф л а в и й

Боринг, ҳамшаҳарлар, ушбу гуноҳингиз-чун  
 Барча фақир-фуқаролар бўлиб жамулжам,  
 Тибр қирғоғига тушиб, йиғлангиз бу дам,  
 Дарё тўлиб, тошиб оқсин кўз ёшингиздан.

*(Фуқаролар кетишади.)*

Қара, қандай юмшоқ тортиб қолди тўнкалар,  
 Тарқалишди ғинг демасдан, бошларин эгиб.  
 Сен бу йўлдан Капитолий томонга югур,  
 Мен эса бу йўлдан борай, қайда учратсанг,  
 Ҳайкаллардан юлиб ташла гул маржонларни.

## М а р у л л

Йўғ-ей, қандоқ бўларкин бу?  
Билмайсанми, Луперкалий байрами бутун.

## Ф л а в и й

Байрам бўлса, нима қипти? Осилмагай то  
Ҳайкалларга Сезар олиб келган ўлжалар.  
Мен бу ёқда кўчалардан қувай мардумни,  
Сен у ёқда халойиқни суриб, ҳайдагил.  
Шу йўсинда юлинади Сезарнинг паги,  
Қанот қоқиб, бошқалардан учолмас баланд.  
Йўқса, баланд парвоз этиб кўкка кун сайин,  
Бизни қуллик, асоратга солмоғи тайин...

Кетишади.

## Иккинчи саҳна

Ўша жой. Майдон.

Муסיқа янграб, Сезар тантанавор кириб келади. Антоний югурувчилар кийимида. Улар изидан - Калпурния, Портсия, Дессий, Ситсерон, Брут, Кассий, Каска ва кўп сонли оломон, оломон орасида фолбин-башоратчи

## С е з а р

Калпурния!

## К а с к а

Жим бўлинг, ҳой! Сўзлайди Сезар.

*(Муסיқа тинади.)*

## С е з а р

Калпурния!

## К а л п у р н и я

Лаббай, бегим

С е з а р

Югуриш пайти  
Антонийнинг йўлида тур худди. Антоний!

А н т о н и й

Эштаман, буюк Сезар

С е з а р

Унутма сен ҳам,  
Югураркан, тегиб ўттил Калпурнияга.  
Кексаларнинг айтишича, туғмас хотинлар  
Шу муқаддас тўқинишнинг шарофати-ла  
Барча сеҳру жодулардан бўлармиш холос.

А н т о н и й

Хўп бўлади, Сезар сўзи мен учун вожиб.

С е з а р

Энди бориб, маросимни бошлангиз.

*(Муסיқа)*

Б а ш о р а т ч и

Сезар!

С е з а р

Ким чақирди мени?

К а с к а

Қани, тинчланингиз, ҳай!

Муסיқа тинади.

С е з а р

Ким оломон орасидан чақирди мени?  
Музикани босиб кетди унинг овози -  
"Сезар!" дея. Гапир, сени тинглайди Сезар.

Б а ш о р а т ч и

Иди мартдан эҳтиёт бўл.\*

С е з а р

Ким бўлди бу шахс?

Б р у т

Башоратчи, иди мартдан эҳтиёт бўл, дер.

С е з а р

Яқинимга келсин, уни мен кўрмоқчиман.

К а с с и й

Ҳай, яқинроқ кел, ўзингни Сезарга кўрсат.

С е з а р

Нима дединг? Яна бир бор қайтариб айт-чи.

Б а ш о р а т ч и

Иди мартдан эҳтиёт бўл.

С е з а р

Ҳай, бу жинни-ку,

Эшитишга нима ҳожат. Юринглар, кетдик.

Карнай чалинади. Брут ва Кассийдан бўлак ҳамма кетади.

К а с с и й

Томошага бормайсанми, Брут?

Б р у т

Боргим йўқ.

К а с с и й

Ўгинаман, юр, борайлик.

---

\* Иди мартдан - Қадимий Рим календари бўйича 15 мартта тўғри келадиган кун



## Б р у т

Ўйин-кулгуга

Ҳушим йўқроқ, Антонийга ўхшаб, масалан,  
Ўйинга ўч, давраларда шодон эмасман.

Кассий, халал бермай дейман хоҳишларингга,  
Қўй, мен кетақолай.

## К а с с и й

Брут, шуни сезаманки, сўнгги пайтларда  
Кўзларингга аввалгидек ҳароратинг йўқ.  
Мен истаган меҳрдан ҳам кўринмас нишон.  
Сени жондан севган дўсту биродарингга  
Чеҳранг очиб гапирмайсан, хомушсан.

## Б р у т

Кассий,

Янглиш ўй-хаёлга борма, хомушлигимки,  
Ўзим билан ўзим бандман, ҳолим паришон.  
Турфа ҳислар, андишалар қуршамиш мени,  
Улар менинг дардим, ёлғиз ўзимга тегиш.  
Маъюс, бадқовоқман балки ўшалар сабаб.  
Озор чекишмасин бундан қадрдонларим,  
Шу жумладан сен ҳам, Кассий, мендан ранжима.  
Бир оз бетакаллуф эса, боиси улким,  
Ўзи билан жанг қилади бечора Брут,  
Шунинг учун дўстларига илтифоти йўқ.

## К а с с и й

Демак, янглиш тушунибман маъюслигингни,  
Аммо менинг юрагимда неча бир муҳим  
Фикрлару андишалар тутмишлар макон.  
Брут, айт-чи, кўрганмисан юзингни ўзинг?

## Б р у т

Йўқ, Кассий, кўз қандоқ қилиб кўролгай ўзин?  
Кўрар бўлса, кўзгуларда кўргай у фақат.

## К а с с и й

Айтганинг чин, аммо ўта афсуски, Брут,  
Йўқдир сенга ўша ўзни кўргудек кўзгу.  
Кўрсатарди кўздан ниҳон шавкатингни у,  
Кўрар эдинг тасвирингни. Кўп эшитганман,  
Неча-неча аслзода, кибор римликлар  
(Фақат буюк Сезар эмас,) сўйламишдилар,  
Шу кунларнинг бедодидан ҳар гал оҳ уриб,  
Қачон кўзин очгай дея шавкатли Брут?

## Б р у т

Мени нечук бир хатарга бошлайсан, Кассий?  
Ўзимда йўқ бир нарсани менинг ўзимдан  
Изламоққа нега мени ташвиқ этасан?

## К а с с и й

Ундоқ эса, дўстим Брут, тинглагил мени,  
Модомики, сен ўзингни кўзгуда фақат  
Кўришинг шарт экан, мана, мен сенга кўзгу.  
Кўзгу бўлиб, мен ўзингга кўрсатай сени,  
Кўрасанки, сен ўзингни билмас экансан.  
Шак-шубҳага борма, Брут, менга ишонгил,  
Агарда мен бир бетайин лақмадек худди  
Ўз меҳримни кўча-кўйда сочиб юрсайдим,  
Ё бўлмасам, бировларга айлаб хушомад,  
Улар билан қучоқлашиб, ўпишиб аввал,  
Кейин орқасидан сўкиб, ерга урсайдим,  
Тилимга эрк бериб базму зиёфатларда,  
Юрагимни дуч келганга очиб юрсайдим,  
Ишонмасанг бўлар эди.

*(Саҳна ортидан карнайлар чалиниб, шодиёна қичқирриқлар  
эшитилади.)*

## Б р у т

Бу нима шовқин?  
Қўрқаманки, шу дақиқа Сезарни авом  
Подшо қилиб кўтармоқда.

## К а с с и й

Демак, қўрқасан?

Истамайсан демак шундоқ бўлишини сен.

## Б р у т

Истамайман, гарчи уни севаман чиндан.

Хўш, не учун мени бунда тутиб турибсан?

Айтадиган гапинг борми, гапир, нима у?

Гар умумга манфаати тегса, розиман.

Номус билан ўлимни қўй қаршимга маним,

Иккисига тенг баробар боқар кўзларим.

Худо шоҳид, мен номусни севаман, илло,

Шунинг учун ўлимданам қўрқмайман асло.

## К а с с и й

Брут, мен биламан сенинг жасоратингни,

Шу меҳрибон қиёфангдан менга таниш у.

Сенга айтмоқ бўлган ўша сўзим ҳам - номус,

Мен билмайман, не дейсан шу турмуш ҳақида,

Ва бошқалар не ўйлайди, бу ҳам қоронғу.

Аммо мен-чи, қўрқув ичра ўзимга монанд

Бир кимсага бошим эгиб яшаёлмайман...

Биз ҳам озода туғилганмиз Сезарга ўхшаб,

Ва бизни ҳам унга ўхшаб боқишган магар,

Ва бизга ҳам қўрқинч эмас қишлар, аёзлар...

Бир гал бўронли кун эди, Тибр сувлари

Қирғоқларга сапчир эди кўпириб, тошиб.

Сезар деди: "Кассий, ўзни дарёга ташлаб,

Мен билан ҳув нари ёққа сузиб ўтишга

Журъат эта олармисан?" Мен шу ондаёқ

Кийим-бошим билан ўзни дарёга отдим,

Ва чорладим уни, у ҳам тушди ортимдан.

Дарё тошиб, ҳайқирарди, қулоч отиб биз

Уни тиккасига ёриб, борардик сузиб.

Соҳил сари, тўлқинларнинг бағрини кесиб,

Лек соҳилга етмай ҳали қичқирди Сезар:  
"Кассий, ёрдам бергил, ёрдам! Чўкаяшман" деб.  
Буюк аждодимиз Эней кекса Анхизни  
Ёш боладай елкасида кўтариб озо,  
Ёнаётган Троядан олиб чиққандай,  
Олиб чиқдим мен ҳам ҳолдан тойган Сезарни  
Тибрнинг шум, ҳалокатли тўлқинларидан.  
Энди ўша одам - Худо, Кассий - бир гадо,  
У қўл қовуштириб, қуллуқ қилмоғи даркор  
Сезар унга агарда бир ишорат этса...  
Бир гал безгак тутди уни Испанияда,  
Касал хуруж қилар экан, қалтиради у.  
Ўзим кўрдим, қалтиради безгакдан Худо,  
Ранги ўчиб, оқаришиб қолди лаблари  
Ва буткул дунёни кўрқув, асорат ичра  
Тутган ўша кўзлари ҳам тортдилар хира.  
Мен эшитдим унинг қандай зорланганини,  
Ҳай, ўша тил, римликларга ҳар бир сўзимни  
Китобларга битингиз, деб буюрган забон  
"Менга сув бер, Титиний!" деб ингради, эвоҳ,  
Худди бемор қизалоқдай овози титраб.  
Эй, Худолар, мен ҳайронман, шу ожиз банда  
Қандоқ қилиб бор дунёнинг жиловин тутиб,  
Ёлғиз ўзи ҳоким бўлур бутун жаҳонга?

*(Саҳна ортида карнайлар чалиниб, яна шовқин – сурон  
кўтарилади.)*

Б р у т

Тағин умум шодиёна! Ишонаманким,  
Шарафларга кўймоқдалар Сезарни яна...

К а с с и й

Ажаб, шу тор дунё узра қадду қоматин  
Баҳайбат бир девдек нечук кўтаролди у?  
Бизлар эса майда, митти одамчалармиз,  
Унинг улкан оёқлари остида нуқул

Ўралашиб, ўзимизга қабр излаймиз.  
Гоҳида ўз қисматини яратар инсон,  
Иллат юлдузларда эмас, ўзимиздадир,  
Басқи, шундоқ аянчдирмиз, ношуд, нотапон.  
Брут - Сезар!... Хўш, нима бор Сезар номида?  
Нега унинг номи шундоқ жаранглар баланд?  
Ёзар бўлсанг, икки ном ҳам баробар кўркам,  
Айтар бўлсанг, иккиси ҳам бирдек хуш ёқар.  
Тортиб кўрсанг, иккисининг салмоғи бирдек,  
Чорлар эсанг, ҳузурингда арвоқлар ҳозир,  
"Брут!" десанг, ё бўлмасам, "Сезар" десанг ҳам.  
Шундоқ экан, бор Худолар ҳақи сўрайман,  
Менга айт-чи, нима учун Сезар ҳаммадан  
Улуғ бўлиб қолди бугун? Эй бадбахт замон!  
Айтгил, ким кўрибди, қачон, қайси замонда  
Ёлғиз бир кишининг шунча шуҳрат топганин?  
Ким эшитган, Римнинг буюк сарҳадларида  
Марди майдон деб аталмиш фақат бир кимса?  
Агарда у бир кишининг майдони бўлса,  
Аввалги Рим қани, бугун қайга йўқолди?  
Оталардан эшитганмиз неча бор, Брут,  
Йўқ, сен эмас, сенинг ўша шонли аждодинг  
Тирик бўлганида, Римни халос этарди  
Мустабиддан, агарчи у иблис бўлса ҳам...

## Б р у т

Сен севадан мени, бунга этмасман гумон,  
Не истайсан мендан, бу ҳам мен учун аён.  
Ва бу ишлар хусусида нелар ўйлайман,  
Кейин айтиб бергум сенга. Ҳозирча мени,  
Ўтинаман, гижгижлама. Айтганларингни  
Мен бир ўйлаб кўрай. Яна гапларинг бўлса,  
Бажону дил эшитаман. Вақтини топиб,  
Биз бафуржа гаплашамиз бу нарсаларни.  
Ўшангача, азиз дўстим, ёдингда бўлсин:  
Замон бошимизга бутун залвори билан

Машаққатин солар экан, сабрли Брут  
Ўзини Рим ўғлони деб ҳисоб этолмас,  
Бир саҳройи бўлишни у билади афзал.

К а с с и й

Мен хурсандман, ожизона сўзларим менинг  
Шундоқ олов ёқа олди Брут қалбида.

Б р у т

Ўйин тугаб, қайтаяпти бу ёққа Сезар.

К а с с и й

Улар ўтишаркан, секин бориб Касканинг  
Енгидан торт, кулиб-кулиб айтиб беради  
Ўйингоҳда бугун нелар содир бўлганин.

Сезар ва унинг аъёнлари киради.

Б р у т

Хўп, шундоқ қиламан. Лекин назар сол, Кассий,  
Сезар сиймосида тугаб ёнмоқда газаб.  
Аъёнлари - калтакланган мулозимлардек,  
Калпурния ранги ўчиқ, Ситсерон эса  
Сассиқ кўзанга ўхшайди, кўзлари ёниқ.  
Кўргансан-ку, сенаторлар Капитолийда  
Сўзини бўлганда шундоқ чақнайди улар...

К а с с и й

Каска айтиб берар бизга гапнинг тагини.

С е з а р

Антоний!

А н т о н и й

Сезар?

## Сезар

Менинг атрофимда семиз одамлар бўлсин,  
Ясан-тусан, ораста ва тунда уйқучан.  
Анув Кассий ориқ-нимжон, назари гушна,  
Кўп ўйлайди, хавфли бўлур бундайлар жуда.

## Антоний

Ташвиш чекма, Сезар, Кассий сира хавфлимас,  
Аслзода римликдир у, соҳиб диёнат.

## Сезар

Аmmo ориқ-озгин. Ундан қўрқмасман лекин.  
Ҳа, мабодо қўрқувга йўл бергудек бўлсам,  
Бу дунёда менинг учун қўрқинч бир кимса  
Бўлмас эди ўша нимжон Кассийдан ўзга.  
Кўп ўқийди, ўта нозик кузатувчи у,  
Бир боқишда ботинингни кўра олади.  
Сен, Антоний, хуш кўрасан ўйин-кулгуни,  
У ёқтирмас ўйинни ҳам, мусиқани ҳам.  
Кам кулади, кулар бўлса, ўзи ўксиниб,  
Ижирғиниб, қилмишидан пушаймон бўлиб,  
Кулгусини гўё мазах қилиб кулади,  
Бундай одам йўқотади ҳаловатини  
Ўзгаларнинг мартабаси зиёда бўлса,  
Шу боисдан бу тоифа хавфлидир жуда.  
Мен сўйладим кимдан қўрқиш жоизлигини,  
Қўрқаман, деб айтганим йўқ, Сезарман, ахир.  
Бу қулоғим оғирроқ, сен ўнг томонга ўт,  
У тўғрида не ўйлайсан, менга баён эт.  
Карнайлар чалинади, Сезар ва унинг аёнлари чиқишади,  
Каска қолади.

## Каска

Сен енгимдан тортдинг, сўйла, нима гапинг бор?

Б р у т

Каска, нелар бўлди унда, айтиб бер бизга.

К а с к а

Сиз у билан бугун бирга эмасмидингиз?

Б р у т

Бирга бўлсак, сўрармидик нима бўлди деб?

К а с к а

Сизга айтсам, унинг бошига кийдириш учун тож келтиришди. Таклиф қилишганда, у қўли билан мана бундоқ қилиб рад этди. Шунда халойиқ шовқин-сурон кўтарди.

Б р у т

Иккинчи дафъа нега қичқиришди?

К а с к а

Айни шу сабабли.

К а с с и й

Улар уч карра қичқиришди. Сўнгги бор нега қичқиришди?

К а с к а

Яна ўша, айна сабаб билан.

Б р у т

Унга тожни уч карра таклиф этишдимиз?

К а с к а

Онт ичиб айтаманки, уч карра таклиф этишди. У уч марта ҳам рад қилди. Ҳар гал аввалгисидан юмшоқроқ бир йўсинда. Буни кўриб, ёнимда турган соддадил оломон шовқин-сурон кўтарди.



К а с с и й

Унга тожни ким таклиф этди?

К а с к а

Ким бўларди, Антоний-да.

Б р у т

Азизим Каска, бўлган воқеани бизга бир чеккасидан сўзлаб бера қол.

К а с к а

Мени осишганда ҳам бу иш қўлимдан келмайди. Турган-битгани масхаравозлик. Менинг қарагим келмасди. Мен Марк Антоний унга тож тақдим этганини кўрдим. Аслида тож ҳаммас, бошга киядиган ялтироқ чамбарак. У бўлса, боя айтганимдек, биринчи дафъа рад этди. Аммо, ўйлашимча, ўзи жон деб қабул қилишга рози эди. Шунда Антоний яна бир бор таклиф этди. У тагин рад қилди, аммо бармоқларини ундан ажратгиси келмасди. Шунда учинчи марта тақдим этишди. У учинчи марта ҳам тожни рад қилди. У рад этаркан, одамлар шовқин-сурон кўтариб, дағал қўллари билан чапак чалиб, ислиқи қалпоқларини ҳавога отиб, ҳамма ёқни қўланса ҳидга тўлдириб юборишди. Сезар нафаси бўғилиб, ҳушдан кетиб, йиқилди. Мен бадбўй ҳаво оғзимга кирмасин учун кулгудан ўзимни аранг тўхтатиб қолдим.

К а с с и й

Шошма, сабр қил. Сезар ҳушдан кетиб, йиқилди, дедингми?

К а с к а

Ҳа, бозор майдонида йиқилди, оғзидан кўпиги чиқиб, уни-нафаси ўчди.

Б р у т

Демак, унинг тутқаноғи тутган.

К а с с и й

Тутқаноқ деганинг менда, сенда, Каскада,  
Бизда бўлса, бордир, бироқ Сезарда бўлмас.

К а с к а

Тушунмадим, бу билан нима демоқчисан? Ахир, Сезарнинг йиқилганини ўзим кўрдим. Ислиқи оломон театр артистларини ёқтириб ёки ёқтирмаганда қиладиган хуш-такбозлигини қилиб, чапак чалмаган бўлсайди, мени ёлғончига чиқарсанг бўларди.

Б р у т

Хўш, нималар деди Сезар ҳушига келгач?

К а с к а

Онт ичаман, у ҳушдан кетиб йиқилишидан олдин тож-ни рад этганидан оломоннинг шодланганини кўриб, ёқа тутмаларини ечди-да, мени бўғизлай қолинглар, деб ишорат этди. Агар қўлимдан келса, уни шу сўзидан илинтирардим, ёлғон айтсам, майли, мутгаҳамлар билан жаҳаннамга кетай. Шундан сўнг у йиқилди. Ўзига келгач, бирор ножўя сўз айтиб, номақбул ҳаракат қилган бўлсам, муҳтарам зотлар буни хасталигим туфайли деб билсинлар, деди. Менинг ёнимда турган уч-тўрт ойимчалар "Оҳ, нақадар ажойиб қалб соҳиби!" деб қичқиришди ва уни чин юракдан кечиришди. Аммо бу эътиборга арзимаydi. Сезар оналарини ўлдирса ҳам, улар кечиришаверади.

Б р у т

Шундан сўнг у қовоқ-димоғини уйиб, йўлга тушдими?

К а с к а

Ҳа.

К а с с и й

Хўш, Ситсерон-чи, у бир нима демадимми?

К а с к а

У юнонча нутқ сўзлади.

К а с с и й

Ҳа, нима деди у?

К а с к а

Қайдан билай, бир нима тушунган бўлсам, ўлай агар. Аммо тушунганлар бир-бирларига қараб, кулиб, бош чайқаб қўйишди. Менга эса юнонча тил-жумбоқ... Сизга тагин бир янгилик айтай. Сезарнинг ҳайкалларида безакларни юлиб ташлашгани учун Марулл ва Флавийни нутқ сўзлаш ҳуқуқидан маҳрум этишди. Хайр, яхши қолинглар. У ерда яна талай бемаънигарчиликлар бўлди, аммо ҳаммасини эслаб қололмадим.

К а с с и й

Каска, бугун меникига, кечки овқатта келолмайсанми?

К а с к а

Йўқ, бугун бошқа жойга таклиф этилганман.

К а с с и й

Эртага, тушликка-чи?

К а с к а

Хўп, агар ўлмасам, сен фикрингдан айнимасанг ва овқатинг ейишга арзигулик бўлса.

К а с с и й

Келишдик, мен кутаман сени.

К а с к а

Мени кут. Хайр, хуш қолинглар.

*(Кетади.)*

## Б р у т

Улғайганда тўмтоқлашиб қолибди пича,  
У мактабга қатнаганда олов-ўт эди.

## К а с с и й

Йўқ, кам эмас у ҳозирги ҳолатида ҳам,  
Олийжаноб қадамларга, шижоатга шай.  
Сусткаш бўлиб кўрингани шунчаки ниқоб,  
Дағаллиги - унинг ўткир ақлига қайла,  
Кинояларига очар иштаҳамизни.

## Б р у т

Ҳа, бу шундоқ. Эртагача хайр бўлмасам,  
Гар мен билан гаплашмоқчи бўлсанг, келаман.  
Ё ўта қол ўзинг, уйда кутаман сени.

## К а с с и й

Хўп, бораман. Сен унгача дунёни ўйла...

*(Брут кетади.)*

Брут, олийжанобдирсан, кўриб турибман,  
Эгсанг, эгиларкан аммо олийжаноб ҳам.  
Шунинг учун юксак руҳли инсонлар ҳар дам  
Суҳбат қилсин юксак руҳли инсонлар билан...  
Бироқ аврайверсанг, тўрга тушмаган ким бор?  
Сезар ёқтирмайди мени, Брутни севар,  
Мен Брут бўлсайдим, Брут бўлсайди Кассий,  
Айтганига юрмас эдим... Бугун тундаёқ  
Унинг ойнасидан неча мактуб ташлайман,  
Гўё турли фуқаролар йўллаган хатлар...  
Мен уларда ёзаманки, бугун Рим аҳли  
Брут номин тилга олар севиб, ардоқлаб,  
Айбситаман Сезарни чин шуҳратпараст деб.  
Тож-тахтингга буңдан кейин ҳазир бўл, Сезар,  
Ё қулайсан, ёки бўлар кунимиз баттар...

*(Кетади.)*

## Учинчи саҳна

Кўча. Момақалдироқ ва чақмоқ.

Бир томондан қўлида қилич яланғочлаб Каска, иккинчи ёқдан Ситсерон киришади.

### С и т с е р о н

Салом, Каска, кузатдингми Сезарни уйга?  
Хўш, не бўлди? Нега мунча ҳаяжондасан?

### К а с к а

Ер тебраниб, худди сувдек чайқалса ҳамки,  
Сокиндирсан, парвойингга келмайди наҳот?  
О, Ситсерон, мен кўрмаган не-не бўронлар  
Эманларни қўпоргани, итқитганини.  
Ва кўрганман, шамолларда кўпчиб океан,  
Тўлқинларни булутларга ирғитганини.  
Аммо сира кўрмаганман шу тунга қадар  
Еру кўкка ўт пуркаган даҳшат довулни.  
Осмонларда жангу жадал бўлдими, дейман?  
Ёки дунё Худоларнинг қаҳрига учраб,  
Бир йўласи ҳалокатга этилди ҳукм...

### С и т с е р о н

Яна нечук ажабтовур нарсалар кўрдинг?

### К а с к а

Бир қул бор-ку, уни яхши танийсан, ўша  
Чап қўлини кўтарганди, худди шу заҳот  
Йигирмата машғал бўлиб порлади қўли,  
Аммо бирор заҳму зиён етмади унга.  
Яна айтсам, Капитолий рўпарасида,  
Қиличимни ҳали қинга жойламагандим,  
Бир шер учраб қолди, қаҳру ғазаб-ла боқди,  
Ўз йўлида давом этди, тегмади менга.  
Худди ўша жойда кўрқув, даҳшатга тушган

Юзлаб хотинларга яна дуч келдим, улар  
Кўча-кўйда олов ичра ёниб югурган  
Одамларни кўрдик, дея қасам ичдилар.  
Тагин кеча қоронғу тун элчиси - бойқуш  
Бозор майдонига қўниб худди туш маҳал  
Нуқул ҳув-ҳувламиш. Ушбу аломатларни  
Бир нуқтага йиғар бўлсанг, айтишинг мушкул:  
"Булар шу туфайли, булар табиийдир" деб.  
Ўйлайманки, улар қайда айласа зуҳур,  
Ўша юртга бир фалокат, офат ёғилур.

### С и т с е р о н

Ҳа, чинданам замонамиз - антиқа замон,  
Аммо кўпда содир бўлган ҳодисаларнинг  
Маъносига етмай талқин этади инсон.  
Сезар келармикин эрта Капитолийга?

### К а с к а

Ҳа, келади, Антонийга тайинлади у,  
Боришимдан хабардор қил Ситсеронни деб.

### С и т с е р о н

Хайрли тун, Каска. Бундоқ қаҳрли осмон  
Бизни сайр этишга қўймас.

### К а с к а

Хайр, Ситсерон.

Ситсерон кетади. Кассий киради.

### К а с с и й

Кимсан?

### К а с к а

Римлик.

### К а с с и й

Овозингдан танидим, Каска.

К а с к а

Овозинг зўр сенинг. Кассий, бу не бало тун?

К а с с и й

Ҳалол инсонлар-чун аммо хайрли кеча.

К а с к а

Ким билипти кўкнинг бундоқ даҳшат солишин?

К а с с и й

Ер илатга тўлганини кўрганлар билар.  
Мен, масалан, кезиб юрдим кўча-кўйларни,  
Хатарли тун оғушига топшириб ўзни.  
Кўрганингдек, Каска, шундоқ тутмамни ечиб,  
Чақмоқларнинг оташига бағримни очиб.  
Ҳар гал осмон гумбазини мовий чақмоқлар  
Ярқиратиб, қилич каби кесиб ўтаркан,  
Мана, ур, деб кўкрагимни тутиб бердим мен.

К а с к а

Осмон ила ўйнашмоқлик сенга не ҳожат?  
Ҳар гал қаҳҳор элчиларни қодир Худолар  
Кўқдан йўллашаркан бизни кўрқитмоқ учун,  
Кўрқиб, қалтирашлик бизга жоиз эмасми?

К а с с и й

Каска, тўмтоқдирсан, барча римликларга хос.  
Ҳаёт оташлари сенда сўнган ё ниҳон.  
Кўкнинг қаҳру ғазабини кўрар экансан,  
Рангинг ўчиб, қалтирайсан ваҳима ичра,  
Ҳар томонга олазарак термулиб ҳайрон.  
Аммо асл сабабини англай олсайдинг,  
Нега мундоқ тентирайди ўтлар, арвоҳлар?  
Нега жониворлар ўзни тутар ғалати?  
Нега кексалар бефаҳм, болалар оқил?  
Нега булар туб-тубидан, аслидан айнаб,

Табиатин ўзгартириб, бўлмиш бедаво?  
Гар шуларни англай олсанг, англар эдинг сен  
Фалак жо этиб уларга айру бир руҳни,  
Огоҳликка бир восита қилиб уларни,  
Умум фалокатдан бизни хабардор айлар.  
Каска, энди мен айтишим мумкин рўй-рост  
Шу даҳшатли тунга монанд бўлган кимсани.  
Бир кимсаки, қабрларни очиб, ўт сочиб,  
Шердек наъра тортиб юрар Капитолийда.  
Бир кимсаким, сендан, меңдан ортиқ ери йўқ,  
Шахсий хислатларда ёки фазилатларда.  
Аммо қутурди у, босар-тусарин билмай,  
Қўрқинч бир тус олди манов фалокатлардай...

#### К а с к а

Сен Сезарни айтаяпсан, шундоқ эмасми?

#### К а с с и й

Майлига, у ким бўлмасин. Римликлар бутун  
Ўша-ўша қўл-оёқлар, пайларга эга.  
Аммо, ҳайҳот, оталарнинг руҳи йўқ бизда,  
Бизни йўлга бошлар нуқул оналар руҳи,  
Шу сабабдан ҳезалакмиз, хотинчалишимиз.

#### К а с к а

Ҳа, чинданам сенаторлар эртага худди  
Эълон этишмоқчи элга подшо деб уни.  
Италия сарҳадидан бўлак ҳар ерда  
Сувда, қуруқликда Сезар тож кияр энди.

#### К а с с и й

Мен биламан қандоқ ханжар тақиб юришни,  
Ки қулликдан халос айлар Кассийни Кассий.  
Сиз, Худолар, заифларга қудрат бағишлаб,  
Тупроқларга тенг этасиз мустабидларни.  
На тош миноралар ва на темир деворлар,



На ҳавосиз чоҳ-зиндонлар, на занжир-кишан  
Қудратли руҳ йўлларига бўлолмас тўсиқ.  
Дунё тўсиқлари аро бўғилган ҳаёт  
Ўзни халос айламоққа топгай шижоат.  
Мен биламан, билиб қўйсин бутун дунё ҳам,  
Устимиздан босиб турган зулм юкини  
Мен елкамдан улоқтириб ташлай оламан.

*(Момақалди роқ гумбурлайди.)*

### К а с к а

Бу иш менинг қўлимдан ҳам келгай, аянч қул  
Ўзни қуллик, асоратдан қутқара олур.

### К а с с и й

Унда Сезар қандоқ қилиб мустабид бўлур?  
Вой, шўрлигей! Ўзни бўри этармиди ул  
Гар римликлар худди қўйдек ювош бўлмаса?  
Биз оҳу бўлмасак, Сезар бўлмасди арслон.  
Зудлик билан ўт ёқишни истаган кимса  
Ишни сомондан бошлайди. О, бечора Рим,  
Қандай ахлат, қандай чирик похол бўлдинг сен,  
Ки ёқарлар сени тинмай Сезардек тубан -  
Бир золимнинг башарасин ёритмоқ учун!  
Эвоҳ, алам! Қаёқларга бошладинг мени,  
Балки садоқатли қулга қалбимни очдим?  
Эҳтимолки бу гап учун жавоб бергайман?  
Майли, қуролим шай, қўрқув менга бегона.

### К а с к а

Бу сўзларни сен Каскага айтдинг, у асло  
Кўча-кўйда гап тарқатиб юргувчи эмас.  
Мана, қўлни бердим, бизни курашга бошла,  
Зулм элда барҳам топсин, сен олдинда юр,  
Мен ортингда турай доим.

## К а с с и й

Демак, келишдик.

Энди билиб қўйгил, Каска, мен аллақачон  
Неча олийжаноб римлик, довюракларни  
Бу хатарли, аммо ғоят хайрли ишга  
Жалб этганман. Улар худди шу дақиқада  
Помпей пешгоқи остида кутишар мени.  
Мана шундоқ қўрқинч тунда кўча-кўйларда  
На қадам шарпаси, на бир тиқ этган садо...  
Қорайган осмон ҳам бизнинг ишга ўхшайди,  
У шундоқ бир ишким, қўрқув, даҳшатлар сочиб,  
Қон ва олов билан уни этгаймиз адо.

## К а с к а

Қара, кимдир келаяпти ошиқиб.

## К а с с и й

Синна,

Қадам олишидан дарҳол танидим уни.  
У бизнинг дўстимиз.

Синна киради.

Синна, намунча шошиб,  
Қайга бораяпсан?

## С и н н а

Сени излаб юрибман.  
Ёнингда ким? бу Метеллий Симбер эмасми?

## К а с с и й

Йўқ, бу Каска. У ҳам бизга қўшилди, Синна.  
Айтгил, у томонда мени кутишмоқдами?

## С и н н а

Мен хурсандман бунга. Қандай қўрқинч бир кеча!  
Биз бир неча киши ажаб мўъжиза кўрдик.

К а с с и й

Мени кутишмоқдами, ҳай, гапир?

С и н н а

Ҳа, шундоқ.

О, Кассий, сен иложини топиб, агарда  
Брутни ҳам биз томонга торта олсайдинг.

К а с с и й

Хотиржам бўл, Синна, мана, бу мактубни ол,  
Элтиб уни, олий суднинг курсисига қўй.  
Ўша ердан Брут топиб, ўқийди уни.  
Бу мактубни ойнасидан ташла, бу хатни  
Кекса Брут ҳайкалига ёпиштириб, қайт,  
Дессий Брут, Требоний келишдими, айт?

С и н н а

Симбердан ўзгаси, барча жамулжам унда.  
Сени излаб кетганди у уйингга. Энди  
Айтганингдек, тарқатай мен бу мактубларни.

К а с с и й

Сўнгра тўғри боргил Помпей театрига.

*(Синна кетади.)*

Кетдик, Каска, тонг отмасдан олдин Брутни  
Биз уйда учратайлик, тўртдан уч ҳисса  
Маслақдошдир бизга, борар ягона сафда,  
Лек учрашсак, ўтар тамом бизнинг тарафга.

К а с к а

О, халқ орасида унинг ҳурмати баланд,  
Жиноятдек кўрингувчи ишимизга у  
Бош қўшаркан, айлантирар кимёгар каби  
Уни ору номус, шону шавкат ишига.

## К а с с и й

Унинг қийматини, унинг фазилатини  
Сен тўғри англабсан, бизга у ғоят зарур.  
Тун ярмидан оғди, магар тонг ёришмасдан  
Бориб, уйғотолсак, Брут бизники бўлур.  
Кетишади.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Рим. Брутнинг боғи.

Брут киради.

### Б р у т

Ҳой, Луссий, тур!  
Юлдузларга боқиб туриб, айтишим қийин,  
Тонготарга яқинмикин? Ҳой, Луссий, уйғон!  
Кошки эди мен ҳам шундоқ қотиб ухласам.  
Луссий, дейман, Луссий!

Луссий киради.

### Л у с с и й

Лаббай, хўжам?

### Б р у т

Бир шам келтир хонамга, Луссий,  
Шамни ёқиб, сўнгра мени чақир у ёққа.

### Л у с с и й

Хўп бўлади, хўжам.

*(Чиқади.)*

## Б р у т

У ўлиши керак, менинг фойдам учунмас,  
Ундан хафа бўлишликка йўқ менда асос,  
Умум манфаати учун. Тож кийгизишар,  
Сўнгра қандоқ ўзгаради, масала шунда.  
Ҳа, ўрмалаб, ёруғликка чиқар газанда,  
Қадам босиш керак унда эҳтиёт бўлиб.  
Унга тож кийгизиш - унга ниш бермоқ демак,  
Кейин истаганча бизни чақа олади...  
Улуғлик дегани - оғир, машаққатли юк,  
Ҳокимият маҳрум эса раҳму шафқатдан.  
Мен, тўғриси, сезганим йўқ Сезар туйғуси  
Унинг ақлу идрокидан устун келганин.  
Бироқ шоён ҳақиқат бор: шуҳратпарастга  
Камтаринлик - юқорига элтгувчи нарвон,  
Чиқиб борар экан, боқар ўша нарвонга.  
Лекин чиқиб олгач сўнгги пиллапояга,  
Унга орқа ўгиради, осмонга боқар,  
Таянч бўлган зиналарни этмайди писанд,  
Шунинг учун радди бадал айламоқ даркор.  
Гарчи низо этмоқ учун йўқдир баҳона,  
Аммо аниқ, у баландга чиқиб олса, бас,  
Ўзгалардек санар ўзни мутлақ ягона.  
Уни илон уруғи деб ҳисоб этамиз,  
Қўйиб берсанг, бир газанда чиқар бегумон,  
У тухумдан чиқмай туриб, янчамиз ҳамон.  
Луссий киради.

## Л у с с и й

Шамни ёқиб қўйдим, хўжам, чақмоқтош излаб,  
Шу мактубни топиб олдим ойна олдидан.  
Муҳрланган, сурғучли хат. Қараб кўрганман,  
Мен ухлашга ётганимда йўқ эди унда.

*(Хатни узатади.)*

## Б р у т

Бориб, ухла, тонготарга ҳали анча бор,  
Ҳа, айтмоқчи, иди мартми эртага, болам?

## Л у с с и й

Мен билмадим, хўжам.

## Б р у т,

Календарга боқиб, менга жавобини айт.

## Л у с с и й

Хўп бўлади, хўжам.

*(Чиқади.)*

## Б р у т

Кўк гўмбази чақинлардан шунчалар равшан,  
Шуъласида мен ўқишим мумкин мактубни.

*(Мактубни очади.)*

"Брут, уйқудасан, уйғон, ўзинга кўз сол,  
Наҳотки Рим... Қўзғол, зарба бергил, халос қил".  
Бундоқ даъватномаларни менга кўп марта  
Илгари ҳам ташлашганди, ўқиганим бор.  
"Наҳотки Рим..." Хўш, давоми нимадир бунинг?  
Наҳотки Рим мустабидга бўйин эгади?  
Рим бўйин эгарми? Римнинг кўчаларидан  
Боболарим қувиб солган Тарквинийни,  
У ўзини подшо дея эълон этаркан.  
"Қўзғол, зарбалар бер, халос айлагил" дебон  
Нажот сўрашмоқда... О, Рим, қасам ичаман,  
Нажот истар эсанг, уни оласан албат  
Бошқалардан эмас, Брут қўлидан фақат...

Луссий киради.

## Л у с с и й

Хўжам, бугун мартнинг худди ўн тўртинчиси.

*(Эшик тақиллайди.)*

Б р у т

Яхши, қара, кимдир бизнинг эшикка келди.

*(Луссий чиқади.)*

Кассий қайрагандан буён Сезарга қарши,  
Мен уйқумни йўқотдим.  
Даҳшатли бир ишга илк бор қарор бергандан  
Унинг ижросига қадар кечган оралиқ  
Худди алаҳлашга, қўрқинч бир тушга ўхшар.  
Ақлу идрокимиз, тана аъзоларимиз  
Бир кенгашга йиғилишар, гўёки инсон  
Кичик бир мамлакат бўлар, унда тарафлар  
Исён қилиб, савашади бир-бири билан.  
Луссий киради.

Л у с с и й

Хўжам, келмиш Кассий деган биродарингиз,  
У сиз билан кўришмоқчи.

Б р у т

Ёлғиз ўзими?

Л у с с и й

Йўқ, ёнида одамлар кўп.

Б р у т

Танимадингми?

Л у с с и й

Танимадим, қалпоқларни бостириб кийиб,  
Юзларини бекитишган плашлар билан.  
Мен қанчалар тикилмайин синчиклаб, хўжам,  
Ҳеч бирини танимадим.

## Б р у т

Майли, киришсин.

*(Луссий чиқади.)*

Булар - фитначилар. О, сен фитнес фагод!  
Нега юзинг беркитасан сим-сиёх тунда?  
Ахир, қабоҳатлар эркин юришар унда!  
Бас, кундузи башарангни яширмоқ учун  
Қоронғу бир моғорани қайдан топасан?  
Яхшиси, сен яшир уни табассум билан.  
Безаб-бежамасанг уни, ҳаттоки ўшал  
Эреб салтанати - қуюқ зулмат ичра ҳам  
Таниб олиш мумкин турқу тароватингни.

Фитначилар - Кассий, Каска, Дессий, Синна, Метеллий Сим-  
бер ва Требоний киришади.

## К а с с и й

Биз бостириб келиб, буздик фароғатингни,  
Хайрли тонг, Брут, магар уйқудан қўйдик?

## Б р у т

Мен турганман, ухламадим узун тун бўйи,  
Айт-чи, келган ҳамроҳларинг танишми менга?

## К а с с и й

Улар бари таниш сенга, улар юракдан  
Сени ҳурмат қилишади, яна иштар  
Қадру қимматингни баланг тутишингни ҳам,  
Чунки баланг тутар сени асл римликлар.  
Мана бу - Требоний.

## Б р у т

Уни хуш кўрдик, салом.

## К а с с и й

Бу - Дессий Брутдир.



Б р у т

Салом, хуш кўрдик сени.

К а с с и й

Бу - Каска, бу - Синна ва бу - Метеллий Симбер.

Б р у т

Уларга ҳам марҳаболар. Қани, айтинг-чи,  
Нечук ташвиш бузди тунги оромингизни?

К а с с и й

Изн берсанг, айтай...

*(Брут билан Кассий шивирлашиб гаплашадилар.)*

Д е с с и й

Бу томон - шарқ, ўша ёқдан ёришмоқда тонг.

К а с к а

Йўқ, ундоқмас.

С и н н а

Рост айтади, булутларнинг четига тушган  
Оқ шуълалар - тонготарнинг даракчисидир.

К а с к а

Янглишдингиз иккингиз ҳам, буни тан олинг.  
Қилич билан кўрсатаман, мана, кунчиқар,  
Ҳув, жанубга яқин жойда қалқади қуёш  
Икки ойдан кейин эса унинг шуъласи  
Шимол ёққа сурилади. Бугун тонготар  
Шафақлари Капитолий ортида порлар.

Б р у т

Қани, менга ҳамма бир-бир қўлини берсин.

К а с с и й

Ва аҳдимиз қатъий, дея ичайлик қасам.

## Б р у т

Қасамга не ҳожат, агар одамлар дарди,  
Чекаётган азобимиз, ранжу ҳақорат  
Ҳали камлик қилса, келинг, тарқалайлик биз,  
Борайлик-да, тўшакларга ётайлик ағнаб.  
Майли, авжга чиқаверсин зулму қабоҳат,  
Бирин-бирин ютаверсин бизни истибдод.  
Аммо агар қалбимизда ёниб аланга,  
Қўрқоқ қалбларни ҳам ўтга тўлдира олса,  
Хотинчалиш руҳларни ҳам ёндира олса,  
Шунинг ўзи қўзғалмоққа гаров эмасми?  
Ватандошлар, бизга яна қистов не ҳожат?  
Римлик каби лафзи ҳалол ким бор дунёда,  
Сўз бераркан, ўз сўзида тургувчи собит?  
Қасамга не ҳожат, баски, юрак-юракдан,  
Ё ўламиз, ё шу ишни айлармиз адо,  
Дея шундоқ аҳду паймон этар эканмиз.  
Қасам ичсин руҳонийлар, қуён юраклар,  
Маккор, ўлаксалар, хаста, касалманд жонлар.  
Қабих жиноят устида ишончдан маҳрум  
Мутгаҳамлар қасам ичар. Аммо, ёронлар,  
Келинг, қасам ичайлик, деб шу дақиқада  
Ерга урманг юксак аҳду паймонимизни,  
Таҳқир этманг юракдаги туғенимизни,  
Айтинг, қасам деганлари не керак бизга?  
Ҳар бир римлик томирда кўпириб оққан  
Асл, олийжаноб қоннинг ҳар қатрасида  
Нопок бир зарра бор демак, агарда ўша  
Ваъдасини бузса, айтган сўзидан қайтса.

## К а с с и й

Сафимизга қўшмаймизми Ситсеронни ҳам?  
Агар айтсак, жон деб бизга қўшиларди у.

## К а с к а

Ҳа, уни ҳам тортиш керак.

## С и н н а

Яхши бўларди.

## М е т е л л

Шундоқ бўлса, унинг оппоқ сочи ҳурмати  
Ортар эди халойиқнинг бизга рағбати.  
Бизни йўлга солган унинг ақли деб ҳамон  
Мақташарди кўча-кўйда бизни оломон.  
Бизнинг ёшлигимиз, бизнинг туғенимизни  
Тўсиб турар эди унинг сўзи, савлати.

## Б р у т

Йўқ, қўйинглар уни, унга оғиз очманглар,  
Ўзгалар бошлаган ишга қўшилмайди у.

## К а с с и й

Яхши, гапирмаймиз унга.

## К а с к а

Майли, керакмас.

## Д е с с и й

Ёлғиз Сезар ўладими?

## К а с с и й

Саволинг тўғри,  
Дессий, агар Сезар ўлиб, унинг севимли  
Арзандаси Марк Антоний қолса, яхшимас.  
У ашаддий рақиб бўлур бизга бегумон.  
Унинг ҳунарлари маълум, агар уларни  
Ишга солса, ташвишларга қўяди бизни.  
Шунинг учун бериш керак баробар барҳам  
Бир йўласи Сезарга ҳам, Антонийга ҳам.

## Б р у т

Фоят қонли тус олади ишимиз, Кассий,  
Аввал бошин узиб, кейин қўлини кессак.  
Ўлдирганда қаҳр, сўнгра ҳасадми, ўйла?  
Антоний - Сезарнинг тана аъзоси, холос,  
Биз қурбонлик қилаяпмиз, қассоблик эмас.  
Биз оёққа турдик Сезар руҳига қарши,  
Биласизки, қон бўлмайди инсон руҳида.  
Қанийди Сезарни жисман ҳалок этмасдан,  
Ёлғиз унинг руҳини биз синдиросайдик.  
Ҳайҳот! Иложи йўқ! Унинг тўкилар қони  
Руҳи учун. Менинг азиз биродарларим,  
Уни дадил ўлдирамиз, газаб биланмас.  
Худоларга қурбонлик деб сўямиз гўё,  
Аммо итлар есин, дея бурдаламаймиз.  
Бизнинг қалбларимиз аввал хизматкорларни  
Ўзи қотилликка ундаб, сўнгра уларни  
Ёлғондакам койиб юрган хўжайин бўлсин,  
Ўч-интиқом эмас, бизга адолат раҳбар.  
Шундоқ қилсак, эл наздида топамиз нуфуз,  
Қотил эмас, халоскор деб билишар бизни.  
Сиз ўйламай қўя қолинг Марк Антонийни,  
Сезар боши жудо бўлса унинг танидан,  
Қўли нима қила олур?

## К а с с и й

Қўрқаман ундан,  
Сабабики, Сезарга кўп садоқати бор.

## Б р у т

Ташвиш чекма, Кассий, уни ўйлама ортиқ,  
Гар Сезарни севса, унинг азасин тутиб,  
Фироқида ёниб, куйиб, ўлади тамом.  
Бошқа не ҳам келар унинг қўлидан, гарчи  
Ўйин-кулгу, маишатни севади жондан.

## Т р е б о н и й

У бизга хавфлимас, майли, яшай берсин у,  
Кейин қилмишларин айтиб, кулиб юради.

*(Соат занг уради.)*

## Б р у т

Жим! Соат занг ураяпти.

## К а с с и й

Соат - роса уч.

## Т р е б о н и й

Энди тарқалайлик.

## К а с с и й

Аммо ҳали маълуммас,  
Сезар чиқармикин ёки чиқмайди бугун,  
Хурофотчи бўлиб қолган яқиндан бери.  
Турли уйдирмалар, тушлар ва таъбирларга  
Аввал парво этмас, унча ишонмасди у.  
Тунда содир бўлган турфа фаройиботлар,  
Турли даҳшатларнинг қўрқинч асоратидан,  
Фолбинларнинг этган совуқ башоратидан  
Таъсирланиб, чиқмас балки Капитолийга.

## Д е с с и й

Ташвиш чекманг, чиқмасликка қарор қилса у,  
Мен бораман, қарорини ўзгартираман.  
Бир матал бор, такрорлашни яхши кўради:  
Якка шох овланар дарахт воситаси-ла,  
Айиқ кўзгу ила, филни ўралар қазиб,  
Арслон тўр, одамзод хушомад билан.  
Мен дейманки, хушомадни севмайди Сезар,  
Мойдек ёқиб тушар унга бу хушомадим.  
Хуллас, қўйиб беринг менга,  
Қандай аврамоқни ўзим яхши биламан,  
Ва Капитолийга уни бошлаб бораман.

К а с с и й

Йўқ, ҳаммамиз бориб, уни бошлаб келамиз.

Б р у т

Соат саккизларда, ундан сира кеч эмас.

С и н н а

Тайин соатида келсин барча кечикмай.

М е т е л л

Сезар ранжитмишди қаттиқ Кай Лигарийни,  
У бир гал Помпейни эслаб, мақтагани-чун.  
Нега уни ҳеч ким эсга олмапти, ажаб?

Б р у т

Метелл, биродарим, ҳозир унга бора қол,  
У мени хуш кўрар, бунинг сабаблари бор.  
Айтгил, ҳузуримга келсин, мен гаплашаман.

К а с с и й

Тонг ёришиб қолди, Брут, дўстларим, хайр,  
Тарқалайлик эслаб аҳду паймонимизни,  
Асл римликларга ўхшаб тутайлик ўзни.

Б р у т

Биродарлар, ўзни тутинг хушчақчақ, тетик,  
Юзингизда ниятингиз бўлмасин ошкор.  
Худди римлик актёрлар роль бажаргандек,  
Ролингизни ижро этинг дадил, пурвиқор.  
Ҳаммангизга хайрли тонг, ёронлар, хайр.

*(Брутдан бўлак ҳамма кетади.)*

Луссий, тагин ухладингми? Майли, ухлайвер,  
Гаштини сур фароғатли, ором уйқунинг.  
Ташвиш тўла мияларнинг маҳсули бўлган  
Айқаш-уйқаш рўёлардан йироқсан буткул,  
Шунинг учун ухляяпсан донг қотиб.

Портсия киради.

## П о р т с и я

Хўжам!

## Б р у т

Портсия, не бўлди? Нега вақтли турибсан?  
Ахир, сенинг соғлигингга зиён қилади  
Бундоқ эрта туриш, шундоқ салқин субҳидам.

## П о р т с и я

Сенга ҳам бу зиён, нега менга сездирмай,  
Тўшагингни тарк айладинг? Яхшимас, Брут.  
Кеча оқшом овқат маҳал кутилмаганда  
Ўрнингдан даст туриб кетдинг, юра бошладинг.  
Қўлларингни чалиштириб, ўйлаб, уф чекиб.  
Не бўлди, деб сўрадим мен, бунга жавобан  
Мен томонга ташлаб қўйдинг совуқ бир назар.  
Мен сўрадим тагин, сен-чи пешонанг қашиб,  
Ер тепиндинг, жаҳлинг чиқиб, боқдинг бесабр.  
Мен боз сўрагандим, яна жавоб бермадинг,  
Қўлинг силтаб, қаҳр ила ишорат этдинг,  
Мени холи қўй, деб. Сени холи қўйдим мен.  
Истамадим ғазабингни этсам зиёда,  
Назаримда оловланиб, тўлиб тургандинг.  
Англадимки, кайфинг бузуқ, ўйладим шунда,  
Бундай ҳолат бўлиб турар ҳар бир инсонда.  
Еб-ичмайсан, сўзламайсан, ухламайсан ҳам,  
Сувратинг ҳам худди хулқу атворинг каби  
Ўзгарсайди, балки сени танимасдим мен.  
Брут, кўнглингни оч, менинг эримсан, азиз,  
Нимадир у сенинг дарду ғамингга боис?

## · Б р у т

Тобим йўқроқ, бор гап шу, тамом-вассалом.

## П о р т с и я

Брут нодон эмас, агар касал бўлганда  
Муолажа чорасини кўрар эди у.

## Б р у т

Чорасини кўраяпман, бориб, ёта қол.

## П о р т с и я

Брут касалмишми, агар касал бўлса у,  
Салқин саҳарларда юриб ярим яланғоч  
Рутубатли ҳаволардан изларми даво?  
Брут касалмишми, унда нега ярим тун  
Тўшагидан яширинча туриб кетади?  
Нега намчил ҳаволарга ўзни тутуди?  
Касалини этмоқчими магар у афзун?  
Йўқ, азизим Брут, дардинг юрагингдадир,  
Бир гапинг бор, уни менга айтишинг даркор,  
Ахир, уни билмоқликка ҳаққим бор менинг,  
Кечган ҳусну тароватим ҳурмати, айтгил,  
Иккимизни бирлаштирган муқаддас қасам,  
Эзгу аҳду паймонларни ўртага қўйиб,  
Ўтинаман, тиз чўкаман, сендан сўрайман,  
Юрагингни очгил, Брут, худди ўзингга  
Очган каби, очгил уни ёстиқдошингга.  
Нега хомуш, паришонсан? Ким эди улар,  
Ярим тунда ҳузурингга келган кимсалар?  
Олти-етти киши сенга келишди бирдан,  
Юзларини очишмади қоронғуда ҳам.

## Б р у т

Портсия, азизим, тургил, тиз чўкма менга.

## П о р т с и я

Сен меҳрибон бўлсайдинг, мен тиз чўкармидим?  
Қайда қолди аввалги у илтифотларинг?  
Менга айтчи, Брут, магар аёл кишига



Эрнинг асрорини билиш эмасми жоиз?  
Умр йўлдошингман, ахир, менинг вазифам  
Бирга овқатланиш, битта тўшақда ётиш  
Ва гоҳида гаплашишдан иборатми ё?  
Яшайманми ёлғиз нафсу фароғатинг-чун?  
Агар шундоқ бўлса, Брут, азизим, сенга  
Хотин эмас, чўри бўлиб қолмиш Портсия.

### Б р у т

Ундоқ дема, севар ёрим, вафодоримсан,  
Менинг маънос юрагимга ҳаёт бағишлаб,  
Оқиб турган қоним қадар жонимга азиз.

### П о р т с и я

Агар шу рост бўлса, менга асрорингни айт,  
Тўғри, мен аёлман, лекин ёдингда тутким,  
Шавкатли Брутнинг содиқ рафиқасиман.  
Тўғри, мен аёлман, аммо унутма шуни,  
Катоннинг қизи деб эъзоз этишар мени.  
Наҳот шундоқ отам, шундоқ эрим бўлсаю  
Бир эркақдек матонатга эга бўлмасам?  
Менга сирингни айт, уни сақлай олурман.  
Магар биқинимни, Брут, ўзим шарт кесиб,  
Сенга азму иродамни кўрсатмадимми?  
Баски шундоқ оғриқни сир тутган эканман,  
Сир тутаман эримнинг сир-асрорини ҳам.

### Б р у т

Эй Худолар, менга қудрат бахш этинг, токим  
Лойиқ бўлай шундоқ содиқ хотинга.

*(Эшик тақиллайди.)*

Шошма!

Кимдир келди. Портсия, сен ичкарига кир.  
Ҳали замон сенга бир-бир айтиб бераман.  
Юракдаги асроримни.

Ўйларимни, ташвишларим, гумонларимни,  
Хомуш, маъюс юришларим сабабини ҳам.  
Ҳа, бора қол, жоним.

*(Портсия кетади.)*

Луссий, эшикка қара.  
Луссий билан Лигарий киришади.

Л у с с и й

Хўжам, сизга бу хастанинг гапи бор эмиш.

Б р у т

Менга боя Метелл айтган Кай Лигарий бу.  
Сен чиқиб тур, бола. - Салом, хўш, қалайсан, Кай?

Л и г а р и й

Бироз хастаҳолман, салом, шавкатли Брут.

Б р у т

Афсус, касал бўлибсан-да жуда бемаврид,  
Рўмол танғиб бошингга. Эҳ, соғ бўлганингда...

Л и г а р и й

Мутлақ соппа-соғман, агар Брут шу онда  
Муносиб бир жасоратга мени бошласа...

Б р у т

Худди шундоқ иш бор сенга, Лигарий, фақат  
Мени тетик, ҳушёр бўлиб тинглай олсанг, бас.

Л и г а р и й

Римнинг буткул Худолари ҳақиға қасам,  
Касалимни улоқтирдим. Эй Римнинг жони!  
Шижоатли арслонларнинг жасур ўғлони!  
Бир ажойиб сеҳргардек дуолар ўқиб,  
Сеҳр ила тирилтирдинг сўник руҳимни.  
Буюр, қандай машаққатлар бўлмасин, бешак,  
Мен ҳозирман ҳаммасига. Не қилиш керак?

Б р у т

Касалларга соғлигини қайтиб берамиз.

Л и г а р и й

Касал қилиб аммо баъзи саломатларни?

Б р у т

Шундоқ. Бунинг нелигини фаҳмлайсан, Кай,  
Йўл-йўлакай, борар бўлсанг мен билан ҳозир  
Адо этмоқ учун ўша юмушни.

Л и г а р и й

Бошла,  
Қалбим яна оловланиб, боргум изингдан.  
Не юмуш, билмайман, аммо юпанчим фақат:  
Брут - йўлбошчидир.

Б р у т

Унда юргил изимдан.

*(Чиқишади.)*

Иккинчи саҳна

Сезар уйи. Момақалди роқ гумбураб, чақин чақнайди.  
Тунги либосда Сезар киради.

С е з а р

Еру осмон тинчимади узун тун бўйи,  
Калпурния уйқусида қичқирди уч бор:  
"Ёрдам беринг! Сўймоқдалар Сезарни!" дея...  
Ким бор бунда?

Хизматкор киради.

Х и з м а т к о р

Лаббай, хўжам!

## С е з а р

Роҳибларга буюр, дарҳол қурбонлик қилсин,  
Сўнгра менга айт уларнинг башоратини.

## Х и з м а т к о р

Хўп бўлади, хўжам.

*(Хизматкор чиқади.)*

Калпурния киради.

## К а л п у р н и я

Сезар, не истайсан? Уйдан чиқмоқчимисан?  
Бугун уйда ўлтир, бугун чиқмаган маъқул.

## С е з а р

Йўқ, Сезар чиқади... Менга таҳдид этишар  
Хавф-хатарлар пусиб келиб ортимдан нуқул,  
Бир қайрилиб боқсам аммо, ғойиб бўлишар.

## К а л п у р н и я

Сезар, ишонмасдим сира хурофотларга,  
Лекин қўрқаяпман... Боя соқчилар айтди,  
Воқеалар содир бўлмиш сирли ва мубҳам,  
Даҳшатлидир бизлар кўриб, эшитгандан ҳам.  
Кўча ўртасида туғиб қўймиш она шер,  
Мурдаларни ташқарига отмиш қабрлар.  
Ҳарбу зарбнинг бутун тартиб, низоми ила  
Қўшинлар жанг қилмиш кўкда, булутлар узра.  
Қонлар ёғмиш Капитолий узра ёмғирдек.  
Ҳаволарни жанг сурони қопламиш буткул -  
Отларнинг кишнаши, бўғиқ фарёд, фиғонлар.  
Қичқиришиб, кўча-кўйда юрмиш арвоҳлар  
О, Сезар, буларнинг бари ғайришуурий,  
Мен қўрқаман улардан...

## С е з а р

Хўш, не келар қўлдан,  
Тақдиримиз тайин этиб қўйса Худолар?  
Йўқ, Сезар чиқади... Айтган аломатларинг  
Ҳаммага тегишдир, фақат Сезарга эмас.

## К а л п у р н и я

Гадолар ўларкан, учар юлдузлар учмас,  
Аммо шоҳлар ўлимидан дарак берар кўк.

## С е з а р

Қўрқоқ киши юз бор ўлар ажалдан аввал,  
Ботир уни татиб кўрар фақат бир карра.  
Мен ҳайронман бир нарсага ҳаммадан ортиқ,  
Нега ҳар гал ўлим деса, қўрқади инсон?  
Ахир, ҳамма билади-ку, ўлим муқаррар,  
У келади...

Хизматкор киради.

Хўш, не дейди бугун фолбинлар?

## Х и з м а т к о р

Улар, Сезар бугун уйдан чиқмасин, дейди,  
Сабабики, қурбонликка сўйилган молнинг  
Ичин излаб, юрагини топишолмади.

## С е з а р

Қўрқоқларни уялтирмоқ истар Худолар,  
Бир юраксиз молга ўхшаб қолмасми чиндан  
Гар қўрқоқлик қилиб, Сезар чиқмаса уйдан?  
Йўқ, Сезар чиқади бугун. Чунки хавф-хатар  
Яхши биладики, ундан хавфлидир Сезар.  
Биз бир кунда туғилганмиз, икки арслон,  
Улуғвори менман, яна қўрқинчлиси ҳам.  
Йўқ, Сезар чиқади бугун.

## К а л п у р н и я

Эвоҳки, хўжам,  
Худбинлигинг босиб кетмиш ақду ҳушингни.  
Бугун чиқма, майли, боис бўлсин бу ишга  
Менинг қўрқоқлигим, сенинг қўрқоқлигингмас.  
Биз сенатга жўнатайлик Марк Антонийни,  
Бориб айтсин, Сезар касал, келолмайди деб.  
Хўп дея қол, мен тиз чўкиб сўрайман сендан.

## С е з а р

Марк Антоний бориб айтсин касал деб, майли,  
Сенинг хоҳишинг-чун бугун уйда қоламан.

Дессий киради.

Ана Дессий Брут, бориб, айтар бу гапни.

## Д е с с и й

Салом, тонг хайрли бўлсин, шавкатли Сезар!  
Келдим сенат мажлисига таклиф этмоққа.

## С е з а р

Айни фурсатида келдинг, ортингга қайтиб,  
Саломимни етказ, Дессий, сенаторларга.  
Ва айтгилким, боролмайман мажлисга бугун.  
Боролмайман, десам, ёлғон, ёлғон не ҳожат?  
Мен боришни истамайман, тамом-вассалом.

## К а л п у р н и я

Касал деб айт.

## С е з а р

Сезар ёлғон гапирсинми, а?  
Мен дунёга қулочимни ёзиб, шу қадар  
Зафарлар қучсаму наҳот оқсоқолларга

Ростини айтишдан энди чўчиб ўтирсам?  
Дессий, бориб, Сезар бугун келмайди деб айт.

### Д е с с и й

Шонли Сезар, сабабини айтишим керак,  
Йўқса, улар мени кулгу, мазах қилишар.

### С е з а р

Сабаби шу, мен боришни истамайман, бас,  
Шунинг ўзи кифоядир сенаторларга.  
Аммо сенга меҳрим баланд, шу туфайлидан  
Сабабини сенга аниқ айтиб бераман,  
Калпурния тутиб турар уйимда мени.  
Сабабики, туш кўришти бу кеча кўрқинч,  
Менинг ҳайкалимнинг юзлаб тешикларидан  
Юзлаб фавворадек қонлар оқиб ётганмиш.  
Ва қаҳқаҳа уриб римлик аслзодалар  
Қўлларини ботирармиш ўша қонларга.  
Ана шу туш фалокатдан дарак бергувчи  
Даҳшатли бир башоратдек туюлар унга.  
Шу сабали у тиз чўкиб қаршимда ҳали,  
Бугун уйда қолгин, дея ёлборди менга.

### Д е с с и й

Афсус, бу туш тескарича таъбир этилмиш,  
Аслида кўп хайридир, бахтдан нишона.  
Ҳайкалингдан қонлар оқиб, римликлар унда  
Кула-кула қўлларини ювишган бўлса,  
Демак, Рим тирикдир сенинг қонларинг билан.  
Атрофингда уймалашиб аҳли киборлар,  
Сендан инъом-эҳсон, мансаб, мукофот олар.  
Калпурния тушин шундоқ англамоқ керак.

### С е з а р

Тушнинг таъбирини яхши англаднинг бешак.

## Д е с с и й

Агар тинглар бўлсанг, яна айтар сўзим бор,  
Гап шундаки, сенаторлар тўпланиб бугун,  
Бошингга тож кийгизишга этмишлар қарор.  
Гап-сўз кўпаяди унда, бугун бормасанг,  
Сезарнинг хотини яхши туш кўргунча то,  
Кутамиз, деб кулишади ортингдан улар.  
Бошланади давраларда ивир-шивир гап:  
"Қара, Сезар қўрқди!" деган ғийбат авж олар.  
Кечир мени, Сезар, сенга севгим туфайли  
Бу гапларни дадил туриб айтаман, чунки,  
Ақлим бўйсунди севги, садоқатимга.

## С е з а р

Калпурния, қўрқувларинг қандоқ беҳуда  
Ва бемаъни бўлиб менга туюлар энди!  
Мен бу гапга қўшиламан, хижолатдаман,  
Тўнимни бер, мен сенатга бораман, жоним.

Публий, Брут, Лигарий, Метел, Каска, Требоний ва Синна  
киришади.

Қара, Публий келмиш олиб кетмоққа мени.

## П у б л и й

Салом, хайрли тонг, Сезар!

## С е з а р

Марҳабо, Публий.  
Салом, Брут, сен ҳам бугун эрта турдингми?  
Салом, Каска. Кай Лигарий, сенга ҳеч қачон  
Сезар безгакчалик заҳму зиён этмаган.  
Соат неча бўлди?

## Б р у т

Соат саккизни урди.

## С е з а р

Ҳаммангизга раҳмат меҳру илтифот учун.



Антоний киради.

Антоний ҳам! Базму ишрат қилиб тун бўйи  
Барвақт турганини қаранг. Салом, Антоний.

А н т о н и й

Салом, хайрли тонг, буюк, шавкатли Сезар!

С е з а р

Айтинг, барча ҳозирликни кўришсин унда,  
Кутдирганим учун ғоят хижолатдаман.  
Сен ҳам Синна, сен ҳам Метелл, эй Требоний,  
Мен айрича гаплашаман бугун сен билан.  
Ёдингда тут, бугун менинг ҳузуримга кел,  
Менга яқинроқ юр, токи унутмай сени.

Т р е б о н и й

Хўп бўлади, Сезар.

*(Четта)*

Шундоқ яқинлашайки,  
Нега йироқ турмади, деб айтсин дўстларинг.

С е з а р

Қани, дўстлар, ичкарига, бир оз май ичиб,  
Сўнг жўнаймиз бирга дўсту биродарлардек.

Б р у т

*(Четта)*

Биродарлар эмиш... Сенга шундоқ туюлар,  
Шуни ўйлаганда қалбим қайғуга тўлар...

Кетишади.

## Учинчи саҳна

Капитолий яқинида бир кўча.

Мактуб ўқиб Артемидор киради.

### А р т е м и д о р

*(Ўқийди.)*

"Сезар, Брутга ҳазир бўл, Кассийга ёндашма, Каскага яқинлашма, Синнани кўздан қочирма, Требонийга ишонма, Метелл Симберни кузат. Дессий Брут сени хуш кўрмайди, Кай Лигерийнинг сенда алами бор. Уларнинг нияти ёмон, бари Сезарга қарши. Агар омон қолай десанг, эҳтиёт бўлиб қадам бос. Ишонувчанлик фитнага йўл очгай. Қодир Худолар паноҳида асрасин сени.

Сенга садоқатли Артемидор".

Шу кўчадан ўтади у, шунда тураман,

Ариза деб узатаман унга мактубни.

Қалбим ўртанади ҳар гал ўйласам, ҳасад

Эзгуликни яралайди, қонга бўяйди...

Шу хатни ўқисанг, Сезар, қолурсан омон,

Йўқса, қисмат сени асраб қолмоғи гумон.

*(Кетади.)*

## Туртинчи саҳна

Кўчанинг иккинчи қисми. Брут уйининг олди.

Портсия ва Луссий киришади.

### П о р т с и я

Бора қол, ҳой, бола, сенат томонга югур,

Нега деб сўрама мендан, қани, чопқилла,

Вой, ҳали ҳам шундамисан?

### Л у с с и й

Бориб, не қилай?

## П о р т с и я

Чопқиллаб боргин-да, дарров изингга қайтгил,  
Кейин нима қилишингни айтаман сенга.

*(Четга)*

Сабру сабот, ўзинг менинг мададкорим бўл,  
Қалбим билан тилим аро юксак тоғ яса.  
Эркақдек ақлим бор, аммо аёлдек жисмим,  
Сир сақлашлик осон эмас аёл кишига.

*(Луссийга)*

Ҳой, ҳали ҳам турибсанми?

Л у с с и й

Не қилай, бекам?  
Чопқиллаб бораман Капитолийга, холос,  
Чопқиллаб қайтаман яна, бас, шу холосми?

П о р т с и я

Менга хабар келтирасан хўжанг ҳақида,  
Уйдан чиққанида бир оз тоби йўқ эди.  
Сезар нима қилар, қара, ким бор ёнида?  
Бу не шовқин?

Л у с с и й

Мен ҳеч нарса эшитмаяпман.

П о р т с и я

Сен яхшилаб қулоқ сол, мен аниқ эшитдим,  
Жанжал, тўполонга ўхшаш шовқин-суронни,  
Шамол келтирмоқда уни Капитолийдан.

Л у с с и й

Бекам, рости, мен ҳеч нарса эшитмаяпман.  
Фолбин киради.

П о р т с и я

Яқинроқ кел, қайдан келдинг?

Ф о л б и н

Уйимдан, хоним.

П о р т с и я

Соат неча бўлди?

Ф о л б и н

Соат тўққиздир, хоним.

П о р т с и я

Сезар жўнадими магар Капитолийга?

Ф о л б и н

Йўқ, ўтмади, мен шу ерда кутиб турибман,  
Унинг худди шу кўчадан ўтишин пойлаб.

П о р т с и я

Бирор арзинг борми унга?

Ф о л б и н

Арзим бор, хоним,  
Унга айтмоқчийдим, агар тингласа мени,  
Ўз-ўзингга бир оз меҳру шафқатли бўл, деб.

П о р т с и я

Бирор хавфу хатар борми унга?

Ф о л б и н

Ҳозирча

Хавф-хатар йўқ, аммо кейин бўлиши мумкин.  
Хайр, хоним. Кўчанинг бу бети тор экан,  
Сезарга эргашган шундоқ катта издиҳом  
Босиб-янчиб ўтар бунда заиф кимсани.  
Кенгишроқ бир жойни танлай, унда баҳарҳол,  
Ўтар экан, сўзларимни эшитар Сезар.

*(Кетади.)*

## П о р т с и я

Мен ҳам кета қолай. Эвоҳ, аҳволим хароб!  
Аёл қалби заифмидир шунча? О, Брут!  
Бу ишингда мадад берсин сенга Худолар...  
Бола эшитди шекилли... Ана, Брутнинг  
Сўзларига этмаяпти Сезар эътибор.  
Вой, мен ҳушдан кетаяпман!  
Луссий, югур, бор,  
Хўжамизга учраш, менинг хурсандлигим айт,  
Кейин унинг жавобини менга олиб қайт..  
Иккаласи икки томонга кетади.

## УЧИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Рим. Капитолий олди. Юқорида сенат мажлиси.  
Пастда оломон, оломон орасида Артемидор ва фолбин.

Карнайлар чалинади. Сезар, Брут, Кассий, Каска, Дессий,  
Метелл, Требоний, Синна, Антоний, Лепид, Попилий, Публий ва  
бошқалар киришади.

С е з а р

*(Фолбинга)*

Иди март бошланди.

Ф о л б и н

Аммо ўтганича йўқ.

А р т е м и д о р

Салом, Сезар, шу хатимни ўқи, илтимос.

Д е с с и й

Требоний сўрайдики, шавкатли Сезар,  
Бир кўз солсанг унинг кичик аризасига.

А р т е м и д о р

Сезар, аввал бошлаб менинг хатимни ўқи,  
У Сезарга тегиш, ўқи, эй буюк Сезар.

С е з а р

Бизга тегиш ўқилади ҳаммадан кейин.

А р т е м и д о р

Кечиктирма, Сезар, уни ўқи ҳозироқ.

С е з а р

Нима бало, жиннимисан?

П у б л и й

Ҳой, йўлни бўшат.

С е з а р

Кўчада ҳам аризами? Аризанг бўлса,  
Капитолийга элт...

Сезар ва ҳамроҳлари Капитолийга қараб юради, сенаторлар  
оёққа туришади.

П о п у л и й

*(Кассийга)*

Ишингиз ўнгидан келсин бугун, биродар.

К а с с и й

Қанақа иш, Популий?

П о п у л и й

Хўп, хайр ҳозирча..

*(Сезарга яқинлашади.)*

Б р у т

Не деди у?

## К а с с и й

Ишимизга ютуқ тилади,  
Сиримиздан хабар топган шекилли.

## Б р у т

Қара,  
Аста юриб, Сезарга у яқинлашмоқда.

## К а с с и й

Ҳой, бўла қол, Каска, биров халал бермасдан.  
Не қиламиз, Брут? Гар сир очилиб қолса,  
Унда Кассий ёки Сезар ҳалок бўлади.  
Мен ўзимни чавақлайман.

## Б р у т

Дадил бўл, Кассий,  
Популий биз тўғримизда гапирмаяпти,  
Қара, у кулмоқда, Сезар боқар хотиржам.

## К а с с и й

Требоний ўз ишини эплади, қара,  
Антонийни бир чеккага бошляпти у.  
Антоний ва Требоний чиқишади. Сезар ва сенаторлар ўз ўрин-  
ларини эгаллайдилар.

## Д е с с и й

Метелл Симбер қани? Худди шу дақиқада  
Бориб, у Сезарга айтсин арзи ҳолини.

## Б р у т

Ана, бораяпти, сиз ҳам яқинроқ жилинг.

## С и н н а

Каска, сен берасан унга биринчи зарбни.

## С е з а р

Хўш, ҳамма тайёрми? Қани, қай бир нуқсонни  
Тузатмоғи даркор Сезар, унинг сенати?

## М е т е л л

Эй қудратли, маҳобатли, шавкатли Сезар,  
Метелл Симбер бош эгади сенинг қаршингда.

*(Тиз чўқади.)*

## С е з а р

Айтиб қўяй, Симбер, бундоқ тиз чўкиш ила  
Ялинишлар, ёлбориш ва илтижоларинг  
Юмшатиши мумкин фақат соддадилларни.  
Ва шу йўсин болаларнинг ўйинчоғига  
Айланишиб қолар бизда қонун, қоида.  
Аммо Сезар соддадил деб ўшалар каби  
Зинҳор ўйламагил, уни юмшатиб бўлмас  
Аҳмоқларни юмшатувчи хушомад билан,  
Қулдек бўйин эгиш, ёлғон назокат билан,  
Булар Сезар саботига таъсир этолмас.  
Сенинг аканг этилмишди сургунга ҳукм,  
Ўшани деб агар яна ёлворар бўлсанг,  
Итдек савалайман сени, уриб, ҳайдайман.  
Ёдингда тут, Сезар - одил, ҳукмда собит,  
Қарорини у бесабаб ўзгартирмайди.

## М е т е л л

Сезар қулоғига менинг сўзларимдан ҳам  
Сўзи хуш ёқувчи бирор кимса бормикан?  
Акам қайтсин, ёрдам беринг менга, ёронлар.

## Б р у т

Изн бергил, мен қўлингни ўпайин, Сезар,  
Лекин зарра хушомадсиз сўрайман сендан,  
Публий Симбер қайтарилсин сургундан.

## С е з а р

Брут!  
Наҳотки бу сенсан?



## К а с с и й

Кечир, раҳм қил, Сезар,  
Кассий ҳам бош қўяр сенинг оёқларингга,  
Публий Симберга ҳукмингни бекор айла, деб.

## С е з а р

Сиздек бўлсам, балки сиздек таъсирланардим,  
Юмшар эдим, гар этолсам сиздек илтижо.  
Аммо мен собитман қутб юлдузи янглиғ,  
Юксак кўк саҳнида ёнган юлдузлар аро  
Собит мақомликда унга баробари йўқ.  
Кўк юзида живир-живир юлдуз беҳисоб,  
Бари ялтирайди, ҳар ён ёғду тарайди,  
Фақат битта юлдуз фақат қимирламайди.  
Худди шундоқ ер юзида инсонлар бисёр,  
Борлиқлари гавда ва қон, ақлу фаросат,  
Улар ичра биттасини биламан фақат,  
Сўзи, аъмолида доим собит, устувор,  
Ўзгалар-чун дахлсиздир, ўша инсон - мен.  
Кўрсатаман буни шундоқ майда ишда ҳам,  
Ҳукм айлаб, сургун этдим Симберни Римдан,  
Қарор қилдим, қароримни ўзгартирмайман.

## С и н н а

О, Сезар!

## С е з а р

Кет! Олимп тоғин қўпорасанми?

## Д е с с и й

Буюк Сезар!

## С е з а р

Йўқ, дедим-ку Брут сўрса ҳам  
Бошин эгиб!

К а с к а

Ол ҳаққингни, мана, бўлмасам!

*(Улар Сезарга ташланиб, уни чавақлайдилар.)*

С е з а р

О, Брут, сен ҳамми?.. Майли, ҳалок бўл, Сезар!..

*(Улади.)*

С и н н а

Озодлик!.. Ҳуррият!.. Золим, мустабид ўлди!  
Кўча-кўйда жар солинглар, сурон солинглар!

К а с с и й

Минбарларга чиқиб, халққа айтинг баралла:  
"Эрк, озодлик келди элга, тугади қуллик!"

Б р у т

Эй халойиқ, сенаторлар, қўрқманг, тарқалманг,  
Манманлигу кибру ҳаво олди жазосин.

К а с к а

Брут, минбарга чиқ энди.

Д е с с и й

Кассий ҳам чиқсин.

Б р у т

Публий қани?

С и н н а

Ғалаёндан гангиб қолди у.

М е т е л л

Ҳамма яктан бўлсин, токи Сезар дўстлари  
Бир шумликни ўйлашмасин.

## Б р у т

Хавотир чекма!  
Публий, қўрқма, сенга бирор хавфу хатар йўқ,  
Ҳеч бир зиён етмас ўзга римликларга ҳам.  
Шу гапимни айт уларга.

## К а с с и й

Публий, бизни қўй,  
Бошимизга гар ёприлиб келса оломон,  
Сенга шикаст етказмасин.

## Б р у т

Майли, бора қол,  
Биз қилдик бу ишни, масъул, жавобгар ҳам биз.  
Требоний киради.

## К а с с и й

Марк Антоний қани?

## Т р е б о н и й

Қочиб, уйига кетди.  
Эркак-аёл, бола-чақа, дод солиб барча  
Қочмоқдалар, гўё қойим бўлмиш қиёмат.

## Б р у т

Қисмат, нечук рағбатинг бор бизга, биламиз!  
Биламизки, ўламиз!.. Лек ўша соатни  
Жиндақ орқага суришни истар одамзод.

## К а с к а

Ҳаётдан йигирма йилни чегирган киши  
Шунча йил қутулгай ўлим қўрқувидан ҳам.

## Б р у т

Демак, ўлим деганлари - инсонга неъмат.  
Биз Сезарнинг дўстларимиз, баски, шу нафас  
Уни ўлим қўрқувидан айладик халос.  
Римликлар, энгашинг, энди қўлларимизни  
Тирсаккача ботирайлик Сезар қонига,  
Унинг қони билан бўянг қиличларни ҳам.  
Бозор майдонига шу он борайлик, сўнгра  
Қизил шамширларни силкиб бошимиз узра,  
Қичқирайлик барча: "Тинчлик, эрк, озодлик!" деб.

## К а с с и й

Қўлларингиз бўянг, ҳали асрлар ўтар,  
Янги туғилажак не-не мамлакатларда  
Жасоратимизни ижро этар артистлар.

## Б р у т

Қонларига ботар ҳали яна кўп замон  
Помпей ҳайкали пойига бугун бош қўйиб,  
Тупроққа тенг бўлиб ётган ана шу Сезар!

## К а с с и й

Ва бизни ҳам эшлашади, жасорат ила  
Ватанини озод этган баҳодирлар деб.

## Д е с с и й

Хўп, борайлик.

## К а с с и й

Аҳил бўлиб йўлга тушайлик,  
Брут бошлаб борсин, кўриб қўйишсин барча,  
Римда биздан ортиқ ботир, довюраклар йўқ.  
Хизматкор киради.

## Б р у т

Кимдир келди. Антонийнинг одами шекил.

## Х и з м а т к о р

(Тиз чўкиб)

Брут, шундоқ тиз чўкиб, сўнг оёқларингга  
Бош қўйишни Марк Антоний буюрди менга.  
Ва дедиким, Брут - асл, довьорак, ҳалол,  
Сезар буюк, олийжаноб, оқ кўнгил эди.  
Брутга меҳрим бор, иззат-эҳтироҳим ҳам,  
Сезарни севардим қўрқув, садоқат ила.  
Агар Брут изн берса, хавфсиз-хатарсиз  
Бориб, Сезар ўлимига нималар боис  
Бўлганини билолсайдим, ўлик Сезардан  
Тирик Брут менга афзал бўларди бешак.  
Замонанинг сўнгсиз алғов-далғовларида  
Қисматимни Брут билан боғлар эдим мен...  
Шу гапларни айт, деб менга буюрди хўжам.

### Б р у т

Оқил, доно, шижоатли римликдир хўжанг,  
У ҳақда бир ёмон ўйга борган эмасман.  
Бориб айтгил, келсин бизнинг ҳузуримизга,  
Ҳамма гапни эшитади, қасам ичаман,  
Эсон-омон қайтади ҳам.

## Х и з м а т к о р

Бориб, айтаман.

### Б р у т

Ўйлайманки, садоқатли дўст бўлуру бизга.

### К а с с и й

Кошки эди, аммо менинг хавотирим бор.  
Ундан хавфсирайман, билсанг, ана шу туйғу  
Ҳаётимда алдамаган мени ҳеч қачон.

Антоний киради.

## Б р у т

Мана, ўзи келиб қолди. Салом, Антоний.

### А н т о н и й

Буюк Сезар! Наҳот энди ётибсан бежон?  
Зафарларинг, шавкатларинг, тантаналаринг  
Шу нуқтада тугадими? Хайр, алвидо!  
Ниятингиз қоронғудир менга, жаноблар,  
Шу дам яна тўқмоқчисиз кимнинг қонини?  
Агар менинг қонимни ҳам тўқмоқ бўлсангиз,  
Айни фурсатидир - Сезар жон берган палла.  
Яна қўлингизда, мана, кўриб турибман  
Шу дунёда энг мўътабар, тоза, табаррук  
Қон билан бўялган олмос шамширингиз шай.  
Ёлвораман, агар сизга маъқул бўлмасам,  
Қўлингизда ҳали-ҳамон буғланиб турган  
Қонлар қотмай туриб, тўкинг менинг қонимни.  
Минг йил яшасам-да, шундоқ яхши ўлимни  
Ва Сезарга туташ шундоқ ўлимгоҳни ҳам  
Тополмасдим, ҳимматингиз аяманг мендан,  
Эй сиз, аср қисматининг ижодқорлари.

## Б р у т

О, Антоний, ўлдиришни сўрама биздан.  
Гарчи қўлларимиз боис, ишимиз боис  
Қонхўр бўлиб кўринамиз сенга дафъатан.  
Кўрмоқдасан бизнинг қонли қўлларимизни,  
Кўрмоқдасан бизнинг қонли қилмишимизни,  
Аммо кўрмаяпсан Римнинг жафолари-чун  
Қайғуларга тўлган бизнинг қалбларимизни.  
Ўтни ўт ўчираш, дерлар, аламни алам,  
Шу нарса кулатди, этди Сезарни ҳалок,  
Уни кесган қиличимиз кесмайди сени.  
Қўлимиз ҳам, қалбимиз ҳам сенга мунтазир,  
Улар қучоқ очиб, сени бағрига тортар  
Меҳру ихлос билан, сидқу садоқат билан.

## К а с с и й

Бошқалар қатори сафда теппа-тенг туриб,  
Олий рутбаларга сен ҳам бўласан ноил.

## Б р у т

Фақат жиндак сабр қилгин, тинчитайлик биз  
Эл ичида кўшган қўрқув, олаговурни.  
Кейин сенга тушунтириб берамиз бир-бир,  
Не сабабдан мен, Сезар севгувчи инсон  
Унга қарши тиф кўтардим.

## А н т о н и й

Этмайман гумон,  
Сиз оқилу доноларсиз, шунинг учун ҳам  
Беринг менга ўша қонли қўлларингизни.  
Марк Брут, биринчи сенинг қўлинг сиқаман,  
Кай Кассий, сиқаман сўнгра сенинг қўлингни.  
Брут Дессий, қўлингни бер, Метелл, қўлни бер,  
Синна, жасур Каска, беринг қўлларингизни,  
Требоний, жигар, узат қўлингни сен ҳам...  
Биродарлар, хайҳот, не ҳам дея олардим?  
Менга бўлган ишонч энди камайиб қолди,  
Иккисидан бири: мени аташса ҳақли  
Ё қўрқоқ деб, ё бўлмасам, хушомадгўй деб.  
О, чинданам сени жондан севардим, Сезар!  
Бошимизда ҳозир эса арвоҳинг магар,  
Унга оғир тушмоқдадир, ўлимдан оғир,  
Антонийнинг шундоқ қонли қўлларни сиқиб,  
Душманларинг билан шундоқ опоқ-чапоқ бўлиши  
Сенинг, эй аржуманд, азиз жасадинг узра!  
Кўзим бўлса жисмингдаги жароҳатларча,  
Қонинг қадар оқизардим кўз ёшларимни.  
Бу душманларинг-ла бундоқ қўл сиқишгандан  
Менга афзал эди, балки муносиб эди.  
Кечир мени, Юлий! Бунда ётибсан, эвоҳ,  
Яраланган буғу янглиғ, атрофингдадир

Сенинг қизил қонларингга ботган овчилар...  
О, дунё, сен унинг яшил ўрмони эдинг,  
У сенинг юрагинг эди, қалбинг, эй дунё!  
Мана энди, шаҳзодалар отган буғудек  
Бу ерда ётибсан...

К а с с и й

Марк Антоний!

А н т о н и й

Маъзур тутгил мени, Кай Кассий!  
Шундоқ дерди унинг ҳатто душманлари ҳам.  
Дўстлари тилида эса бу - одатий сўз.

К а с с и й

Сени айбламайман уни мақтаганинг-чун,  
Не битимга келмоқчисан энди биз билан?  
Дўстларимиз сафидами санайлик сени,  
Ёки сенсиз йўлимизда этайлик давом?

А н т о н и й

Сизнинг қўлингизни сиқдим, аммо, рости гап,  
Бироз гангиб қолдим шу он Сезарга боқиб.  
Сизнинг дўстингизман, чиңдан севаман сизни,  
Умидворман, менга айтиб берасиз магар,  
Не сабабдан хавфли бўлиб қолмишди Сезар...

Б р у т

Ҳа, йўқса-чи, бу ишимиз ёвуз кирдикор  
Бўлур эди... Аммо шундоқ далиллар борким,  
Сен Сезарнинг ҳатто ўғли бўлганингда ҳам,  
Бир эътироз этолмасдинг сўзимга бу дам.

А н т о н и й

Мен ҳам шуни истар эдим, ижозат этинг,  
Бозор майдонига элтай Сезарни, илло,  
Бир дўсти ўлароқ ўзим минбарга чиқиб,  
Бир-икки сўз ила унга айтай алвидо.



Б р у т

Майли, Марк Антоний.

К а с с и й

Сенга сўзим бор, Брут.

(Секин)

Ўйламасдан бир иш қилма, минбарга чиқиб,  
Сўз айтмасин Антоний, сен берма ижозат.  
Биласанми, сўзи билан халойиқни у  
Қўзғатиши мумкин, ахир.

Б р у т

Мени маъзур тут,  
Мен минбарда сўз айтаман биринчи бўлиб.  
Сезар ўлимини халққа тушунтираман.  
Антоний сўзлайди, дейман, ҳузурингизда  
Бизнинг иродаю азму ижозат билан.  
Ва дейманки, қарор қилдик, Сезарни буткул  
Қутлуғ расму русум ила этмоққа дафн.  
Бу фойда келтирар бизга, зиён келтирмас.

К а с с и й

Не бўларкин... Бу иш менга ёқмай турибти.

Б р у т

Марк Антоний, мана, Сезар жасадин олиб,  
Бозор майдонига уни элтишинг мумкин.  
Аммо бизни қоралашни сира ўйлама,  
Майлига, Сезарни мақтаб, ҳамду сано айт,  
Айтгил бунга бизнинг майлу рағбатимизни,  
Йўқса, ҳайдаласан дафн маросимидан.  
Сен сўзлайсан, мен биринчи чиқиб минбарга,  
Сўзим айтиб, тугатгандан кейин.

А н т о н и й

Розиман,  
Бундан ортиғи ҳам менга керакмас, зотан.

## Б р у т

Сен жасадни тайёрла, сўнг дарҳол етиб бор.

Антонийдан бўлак ҳамма кетади.

## А н т о н и й

Кечир мени, қон сизфиган тупроқ, ўлик тан!  
Жаллодларинг билан ювош, юмшоқ бўлдим мен.  
Эй замонлар ичра буюк, беназир зотнинг  
Бузғун вайронаси, сени аямай асло,  
Қонинг тўкканларга ёғсин мусибат, бало!  
Қонли яраларинг узра қилгум башорат,  
Улар бу дам унсиз, қирмиз лабларин очиб,  
Менинг тилим билан сўйлаб, этгай ишорат:  
Одамларнинг танасини чирмагай лаънат,  
Ўзаро жанг-жадал, қаҳру ғазаб ёлқини  
Бошдан-охир чулғаб олар Италияни.  
Табийий бир ҳолдек бўлиб қон ва ҳалокат,  
Одатий бир тусга кирар даҳшат, фалокат.  
Уруш болаларни ямлаб ютаркан ҳар зум,  
Онажонлар боқиб унга, этар табассум.  
Ёвуз одат бўғар буткул раҳму шафқатни,  
Қасос, деб юксалар шунда Сезар арвоҳи  
Жаҳаннамдан чиққан тангри Ҳеката билан  
Шоҳона бир овоз учиб, жаранглар балаң:  
"Ҳаммангизга ўлим!.." Уруш кўшпақларини  
Қўйиб юборишар бўғов, занжирларидан.  
Ерни қоплар қўланса ҳид, қилич бедоди,  
Мурдаларнинг, бизни кўминг, деган фарёди.  
Хизматкор киради.

Сен чамамда Октавийнинг хизматкорисан?

## Х и з м а т к о р

Худди шундай, Марк Антоний.

## А н т о н и й

Римга чорламишди уни хат ёзиб Сезар.

## Х и з м а т к о р

Хатни олди, етиб келар Римга ҳа демай.  
Сенга айтишимни тагин тайинлади у...

*(Жасадга кўзи тушиб)*

О, Сезар!..

## А н т о н и й

Олийжаноб юраклисан, нари бор, йиғла.  
Қайғу-алам юқумлидир, кўз ёшинг кўриб,  
Кўз ёшларга тўлиб кетар кўзларим менинг,  
Кейин оқа бошлар... Хўжанг келаяптими?

## Х и з м а т к о р

Римдан етти чақиримча олисда ҳозир.

## А н т о н и й

Ортинга қайт, бунда нелар бўлганини айт.  
Рим мусибат ичра, қўрқув, ташвишга тўла,  
Рим Октавий учун хавфу хатарсиз эмас.  
Бориб айт шу гапни. Йўқ, сен шошма, тура тур,  
Биз майдонга элтамиз шу жонсиз жасадни.  
Мен нутқ сўзлайман, қараб кўрайлик, қани,  
Қонхўрларнинг бундоқ ёвуз қилмишларини  
Қандоқ қабул қилар экан унда халойиқ?  
Ва шунга мувофиқ бориб, ёш Октавийга  
Бор аҳволни борлигича баён этасан.  
Қани, ёрдамлашиб юбор.

Сезар жасадини кўтариб чиқишади.

## Иккинчи саҳна

Форум - Римда халқ мажлислари ўтказиладиган катта майдон.

Брут, Кассий ва бир гуруҳ фуқаролар киришади.

### Ф у қ а р о л а р

Сабабини айтинг бизга! Сабаби нима?

### Б р у т

Оғайнилар, юринг, сизга айтиб бераман.  
Кассий, сен, биродар, энди бошқа ёққа бор.  
Халойиқни биз иккига бўлайлик, токим,  
Мени истаганлар, майли, шу ерда қолсин,  
Сени истаганлар, Кассий, сен билан борсин.  
Сезар нечун ўлдирилди, бунинг сабабин  
Жамоатга англатайлик шу дақиқада.

### Б и р и н ч и ф у қ а р о

Мен Брутни тинглайман.

### И к к и н ч и ф у қ а р о

Мен эсам Кассийни,  
Сўнг уларнинг айтганини чоғиштирамиз,  
Айру-айру баён этган далилларини.

Бир неча фуқаролар билан Кассий кетади, Брут минбарга чиқади.

### У ч и н ч и ф у қ а р о

Жим бўлинглар! Минбардадир шавкатли Брут!

### Б р у т

Сабру тоқат ила тингланг охирга қадар...  
Римликлар, ватандошлар, дўстларим! Мен сизга нега  
бундоқ қилганимни айтиб бераман. Фақат яхшироқ эши-

тиш учун жим туриб тингланг мени. Номусим ҳақи сўрайманки, менга ишонинг ва менга ишонмоқ учун номусимни ҳурмат қилинг. Ўз ақлингиз билан мен ҳақимда фикр юритинг ва яхшироқ ҳукм юритиш учун ақлингизни ишга солинг. Мабодо шу йиғинда Сезарни астойдил севадиган бирор кимса бўлса, ишонтириб айтаманки, Брутнинг Сезарга севгиси унинг севгисидан кам эмасди. Агар ўша дўст, нега Брут Сезарга қарши оёққа турди, деса, жавобим шундай: мен бу ишни Сезарни камроқ севганим учунмас, Римни кўпроқ севганим учун қилдим. Сизга қай бири афзал: Сезар яшаб, сизнинг қул бўлиб ўлишингизми?.. Ёки Сезар ўлиб, сизнинг эркин, озод яшашингизми?.. Сезар мени севарди, шунинг учун мен уни деб кўз ёши тўкаман; у омади эди, мен унга боқиб, қувонардим; у шижоатли эди, мен уни иззат-эҳтиром этардим; у шуҳратпараст бўлди, шунинг учун мен уни ўлдирдим. Севгиси учун - кўз ёшим, омади учун - қувончим, шижоати учун - ҳурматим, шуҳратпарастлиги учун - ўлим... Ораларингда, мен қул бўлишга ҳозирман, дегувчи бирор бедаво топилармикин? Бўлса, айтсин, мен уни ранжитдим. Ораларингизда, мен римлик бўлишни истамасдим, дегувчи бирор ёввойи бормикин? Бўлса, айтсин, мен уни ҳақорат этдим. Ораларингда ватанини севмайдиган, бирор нокас учрармикин? Бўлса, айтсин, мен уни хафа қилдим. Мен жавоб кутаяпман.

## Ф у қ а р о л а р

Ундайлар бизда йўқ, Брут, бизда йўқ.

## Б р у т

Демак, ҳеч кимни ҳақорат этмадим. Сиз Брутга қандоқ муомалани раво кўрсангиз, мен Сезарга шундоқ муомала қилдим. Унинг ўлими тарихи Капитолий китобида битилган. Муносиб шон-шавкати камситилмаган, ўлимига боис бўлган гуноҳи ҳам камайтирилмаган.

Антоний ва бошқалар Сезарнинг жасадини олиб киришади.

Ана, унинг жасадини олиб келишди. Антоний унинг устида йиғлаб, кўз ёши тўкаяпти. Бу ўлимга унинг дахли йўқ, аммо бу ўлимдан унга манфаат бор, у энди Республикада яшайди. Хўш, сизга ҳам манфаат етмадими? Сиз ҳам энди Республикада яшайсиз... Шу билан сўзим татом. Рим манфаати учун энг яхши дўстимни ўлдирган эканман, мана ўша ханжар, керак бўлса, мамлакатим манфаати учун ўзимни ҳам ўлдиришга тайёрман.

### Ф у қ а р о л а р

Яшасин Брут!.. Брут, омон бўл!..

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Уйига элтайлик уни тантана билан.

И к к и н ч и ф у қ а р о

Буюклар сафида ҳайкал қурамиз унга.

У ч и н ч и ф у қ а р о

Майлига, у Сезар бўлсин!

Т ў р т и н ч и ф у қ а р о

Сезарнинг барча

Зебу зийнатларин унга тақамиз!

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Дўстлар,

Кузатиб қўяйлик иззат-эҳтиром ила!

Б р у т

Ватандошлар!

И к к и н ч и ф у қ а р о

Жим бўлинг! Ҳой, Брут сўзлайди.

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Қани, тинчланинглар!

## Б р у т

Биродарлар, мен сизни тарк этаман энди,  
Ўтинаман, қолинг бунда Антоний билан.  
Сезар хоки ҳурматини ўрнига қўйинг,  
Марк Антоний бунда бизнинг ижозат ила  
Сезарнинг шон-шуҳратидан сўзлайди сизга.  
Унинг сўзларига диққат-эътибор қилинг.  
Мен кетаман, сиз тарқалманг, сабр этинг пича,  
Марк Антоний нутқини то тутатмагунча.

*(Кетади.)*

## Б и р и н ч и ф у қ а р о

Ҳой, тарқаманг! Эшитайлик Марк Антонийни.

## У ч и н ч и ф у қ а р о

Эшитайлик! Бизга айтар сўзини айтсин,  
Шавкатли Антоний, минбар сенга мунтазир.

## А н т о н и й

Брут менга сўз айтишга ижозат этди,  
Миннатдорман.

*(Минбарга кутарилади.)*

## Т ў р т и н ч и ф у қ а р о

Не дейди у Брут ҳақида?

## У ч и н ч и ф у қ а р о

Миннатдорлигини изҳор этди Брутга,  
Халқ олдида сўз айтишга изн берди деб.

## Т ў р т и н ч и ф у қ а р о

Ҳазир бўлсин, Брутга у тил тегизмасин.

## Б и р и н ч и ф у қ а р о

Сезар золим эди.

## У ч и н ч и ф у қ а р о

Яъни, мустабид золим!  
Хайриятки, мустабиддан халос бўлди Рим.

## И к к и н ч и ф у қ а р о

Жим бўлинглар! Эшитайлик Антонийни биз.

## А н т о н и й

Муҳтарам римликлар!

## Ф у қ а р о л а р

Қани, тинчланинглар, ҳай!

## А н т о н и й

Дўстларим, римликлар, менга қулоқ солинглар,  
Сезарни кўмишга келдим, мақташга эмас.  
Ёмонлиги яшар, қилган яхшиликлари  
Марҳум ила кўмилади тупроққа ҳар гал,  
Худди шундоқ бўлур Сезар кўмилганда ҳам.  
Аслзода Брут сизга дедиким, Сезар -  
Шуҳратпараст эди, шу гап ҳақиқат бўлса,  
Бу катта гуноҳдир, ушбу гуноҳи учун  
Сезар олди бугун оғир, муносиб жазо.  
Бу ерда мен мард Брутнинг рухсати билан,  
Биласизки, Брут қандай олийжаноб зот  
Ва олийжанобдир унинг сафдошлари ҳам  
Бир-икки сўз айтмоқчиман Сезар ҳақида.  
Дўстим эди, менга содиқ, одил эди ул,  
Лекин Брут атар уни шуҳратпараст деб,  
Биласизки, Брут қандай олийжаноб зот,  
Римга ҳайдаб келди Сезар кўп асирларни  
Ва уларнинг товонига тўлди хазина.  
Шуҳратпарастликми унинг шу қилмиши ҳам?  
Сезар йиғламишди йўқсил арзини тинглаб,  
Тошбағир бўлмасми ахир шуҳратпарастлар?



Лекин Брут атар уни шуҳратпараст деб,  
Биласизки, Брут қандай олийжаноб зот.  
Сиз кўрдингиз Луперкалий байрами куни  
Мен Сезарга кий деб уч бор тақдим этдим тож,  
У рад этди, шундоқ киши шуҳратпарастми?  
Аммо Брут атар уни шуҳратпараст деб,  
Ишонаман, Брут жуда олийжаноб зот,  
Мен рад этармидим унинг айтганларини?  
Аммо билганларимни мен айтишим даркор.  
Хизматлари учун уни севардингиз-ку,  
Нега энди чекмаяпсиз алам ва қайғу?  
О, адолат! Ҳайвонларга кўчибсан магар,  
Ақлу идрокдан жудо бўлмиш одамлар.  
Менинг қалбим Сезар билан тобутга кирди,  
Маъзур тутинг, қайтишини кутаман энди.

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Назаримда жон бор унинг айтганларида.

И к к и н ч и ф у қ а р о

Ҳа, чинданам, агар бундоқ ўйлаб қарасанг,  
Сезарга кўп жабр бўлган.

У ч и н ч и ф у қ а р о

Унинг ўрнига

Ёмонроғи келмасайди, дея қўрқаман.

Т ў р т и н ч и ф у қ а р о

Эшитдинг-ку, тож кийишни истамаган у,  
Бундан чиқди, шуҳратпараст бўлмаган Сезар.

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Унда баъзи бировларга қийин бўлади.

И к к и н ч и ф у қ а р о

Қара, йиғлаб, қип-қизариб кетмиш кўзлари.

## У ч и н ч и ф у қ а р о

Римда Антонийдек улуғ, олийжаноб йўқ.

## Т ў р т и н ч и ф у қ а р о

Эшит, яна бир нималар демоқчи шекил.

### А н т о н и й

Кеча Сезар бир сўз ила буткул дунёни  
Тек қотириб қўяр эди, энди-чи, мана,  
Ётибти у, писанд этмас ҳатто гадо ҳам.  
Оғайнилар! Рухингизга солиб галаён,  
Исёнга ундасам сизни, қаҳру қасосга,  
Ранжитардим Кассий билан Брутни ҳамон.  
Биласизки, қандай олийжанобдир улар.  
Уларнимас, шу мурдани ёки ўзимни,  
Ёки сизни ранжитганим минг карра афзал,  
Олийжаноб кимсаларни ранжитолмайман.  
Аммо Сезар муҳрлаган қоғоз қўлимда,  
Тошиб олдим унинг сўнгги васиятини.  
Халойиқ бу васиятни эшитса борми,  
Ўқиб бериш ниятим йўқ, ўқиб берсам-чи,  
Ўпар эди келиб унинг жароҳатларин.  
Рўмолчаларини бўяб қутлуғ қонига,  
Ҳар мўйини талашарди табаррук билиб.  
Ажали етганда ўша бир тола мўйини  
Қолдирарди фарзандлари, авлодларига  
Буюк мерос қилиб...

## Т ў р т и н ч и ф у қ а р о

Васиятномани бизга ўқи, Антоний.

### Ф у қ а р о л а р

Ўқи бизга, ўқи Сезар васиятини.

### А н т о н и й

Сабр қилинг, биродарлар, менга мумкинмас,  
Сизга ҳам ясоқдир. Сезар сизни нақадар

Севганини билишингиз, одамларсиз-ку,  
Ёғоч эмас, тош эмассиз, тупроқ ҳам эмас.  
Сиз эшитиб бунда Сезар васиятини,  
Қалбингизга олов тушиб, бўласиз жинни.  
Қандай мерос қолдирмиш у, билмайсиз унда,  
Билсангиз-чи, о, нималар бўлмасди бунда...

Т ў р т и н ч и   ф у қ а р о

Ўқи бизга, эшитамиз уни, Антоний,  
Сезар васиятларини ўқиб бер бизга.

А н т о н и й

Ҳай, намунча шошиласиз? Сабрингиз йўқми?  
Мен тўсатдан айтиб қўйдим сизга бу сирни.  
Сезарнинг кўксига ханжар ботирган талай  
Олийжанобларни яна ранжитиб қўймай.  
Мен шундан қўрқаман.

Т ў р т и н ч и   ф у қ а р о

Олийжаноб эмас, улар - хиёнаткорлар.

Ф у қ а р о л а р

Сезарнинг ёзганин ўқи! Васиятини!

И к к и н ч и   ф у қ а р о

Улар муттаҳамлар, ёвуз қотиллар! Ўқи  
Бизга Сезар мактубини!

А н т о н и й

Ўқиб бер, деб мени мажбур этмоқчимисиз?  
Сезар теграсида унда тутингиз давра,  
Васият ёзгани токи кўрсатай сизга.  
Пастга тушсам бўладими?

Ф у қ а р о л а р

Туша қол пастга.

И к к и н ч и ф у қ а р о

Ҳа, тезроқ туша қол.

У ч и н ч и ф у қ а р о

Изн берамиз сенга.

Т ў р т и н ч и ф у қ а р о

Қани, давра олинг шундоқ айланасига!

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Жасаддан, тобутдан бир оз четроқда туринг.

И к к и н ч и ф у қ а р о

Йўл бўшатиинг, олийжаноб Антонийга жой.

А н т о н и й

Кўпам тиқилишманг, кенгроқ олинг даврани.

Ф у қ а р о л а р

Орқага сурилинг тагин! Қани, жой беринг!

А н т о н и й

Кўз ёшингиз бўлса, уни тўкмоққа шайланг.  
Шу плаш танишдир сизга, эсимда ҳамон  
Қачон биринчи бор Сезар уни кийгани,  
Нервийларни мағлуб этган эди шу куни.  
Қаранг! Бу жойга санчилган Кассий ханжари,  
Бу тешик - ҳасадчи Каска ханжаридан из.  
Бу - севимли Брут тиғи зарбидан нишон,  
У лаънати ханжарини тортиб оларкан,  
Қон отилиб чиққан унинг ортидан, гўё  
Билмоқчидек эшигимни бу қадар қаттиқ  
Тақиллатган Брутми ё бошқамикин деб...  
Сезар учун Брут гўё фаришга эди,  
О, Худолар, Сезар қандоқ севарди уни!  
Брут берди энг беомон, офир зарбани.

У Брутнинг ханжарини кўргани замон,  
Кўрнамаклик хиёнатнинг тифидан ёмон  
Тилкалади, тарс ёрилди кўксида юрак.  
Ва шу асно плаш билан беркитиб юзин,  
Баданидан ҳар тарафга қони тирқираб,  
Помпей ҳайкали пойига йиқилди Сезар.  
Ватандошлар, қандай оғир йиқилишдир бу,  
Мен йиқилдим, сен йиқилдинг, йиқилдик барча,  
Қонли хиёнат ҳокимдир бошимиз узра...  
Йиғлаяпсиз, кўраяпман, қалбларингизни  
Тўлдирган дард-аламларнинг кўз ёшидир бу.  
Тифдан тилка-пора бўлган плашни кўриб,  
Шунча йиғлаяпсиз... Мана, кўринг ўзини,  
Хоинлар ўлдирган буюк Сезарга боқинг...

Б и р и н ч и ф у қ а р о

О, нақадар даҳшат!

И к к и н ч и ф у қ а р о

Эвоҳ, шавкатли Сезар!

У ч и н ч и ф у қ а р о

Қандай қаро кун бу!

Т ў р т и н ч и ф у қ а р о

Ҳайҳот, ёвуз қотиллар!

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Оҳ, қонли маҳшар бу!

И к к и н ч и ф у қ а р о

Йўқ, биз қасос оламиз!

Ф у қ а р о л а р

Қасос!.. Оёққа тур!.. Ўт қўй!..

Ёндир ҳаммасин!

Токи бирор хиёнаткор тирик қолмасин!

## А н т о н и й

Шошманг, ватандошлар!

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Тингла, Антоний сўзлар!

И к к и н ч и ф у қ а р о

Эшитамиз, эргашамиз Антонийга биз,  
Керак бўлса, курашамиз, бирга ўламиз.

## А н т о н и й

Азиз дўстлар, биродарлар, мен истамайман  
Исён оловининг бундай гурлаб ёнишин.  
Олийжаноб зотлар этмиш бу кирдикорни,  
Не сабаблар юзасидан этмишлар, ёҳу,  
Мен билмайман, бу жиҳати менга қоронғу.  
Фақат биламанки, жўмард, донодир улар,  
Сабабларин айтиб, сизга ҳисоб беришар.  
Фикрингизни чалғитишга келмадим, зотан,  
Брут каби сўзга чечан, нотик эмасман.  
Биласизки, тўғрисўзман, танги бир одам,  
Мен дўстимни севар эдим, шунинг учун ҳам  
У тўғрида сўз айтишга бўлди ижозат.  
На ўткир зеҳн бор менда, на қочирим сўз,  
На қонларга ўт солишга қодир фасоҳат.  
Мен гапнинг пўст калласини айтаман, холос.  
Бир гапларки, улар сизга аввалдан маълум.  
Сезар яраларин кўринг, о, унсиз лаблар,  
Истайманки, мен учун ҳам гапирсин улар,  
Мен Брут бўлсайдим, магар, Брут - Антоний,  
Рухингизга ўт соларди Антоний унда.  
Сезар жароҳатларига бағишларди жон,  
Тилга келтирарди, тинглаб уларни шунда,  
Римдаги тошлар ҳам ҳатто турарди тикка.

Ф у қ а р о л а р

Биз ҳам қўзғаламиз!

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Биз Брут уйига бориб, ўт қўямиз, ўт!

У ч и н ч и ф у қ а р о

Юринг, қўлга туширамиз фитначиларни!

А н т о н и й

Тингланг, ватандошлар, мени эшитинг тағин!

Ф у қ а р о

Қани, ҳой, тинчланинг! Яна Антоний сўзлар.

А н т о н и й

Биродарлар, билмай туриб, қилманг бир ишни,  
Севгингизга Сезар нечун бўлмишдир ноил?  
Сиз билмайсиз, уни сизга айтишим даркор,  
Унутдингиз магар Сезар васиятини.

Ф у қ а р о л а р

Тўғри, тўғри! Васиятин ўқиб бер бизга.

А н т о н и й

Мана, васиятномаси, Сезар муҳри бор,  
Бунга кўра, ҳар бир римлик фуқарога у  
Етмиш беш драхма ақча инъом айлаган.

И к к и н ч и ф у қ а р о

Олийжаноб Сезар!.. Унинг ўлими учун  
Биз қасос оламиз!

У ч и н ч и ф у қ а р о

Буюк, шавкатли Сезар!

А н т о н и й

Мени тағин эшитинглар.

## Ф у қ а р о л а р

Жим бўлинглар, ҳой!

А н т о н и й

Яна Тибр бўйидаги гўзал боғлари,  
Сайлгоҳларию шинам шийпонларин ҳам,  
Мерос қилиб қолдирди у сизга умрбод,  
Токи у боғларда доим қувончга тўлиб,  
Сайр қилиб юринг, суринг роҳат-фароғат.  
Мана, Сезар қандоқ инсон эди, дўстларим,  
Унинг каби яна ким бор?

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Ҳеч кимса! Ҳеч ким!  
Биз қасос оламиз унинг қотилларидан!  
Қутлуғ ерда кўйдирамиз жасадни, сўнгра  
Ўт қўямиз хоинларнинг қўрғонларига.  
Кўтаринглар Сезарни.

И к к и н ч и ф у қ а р о

Ҳой, олов келтиринг!

У ч и н ч и ф у қ а р о

Курсиларни синдирилинглар!

Т ў р т и н ч и ф у қ а р о

Эшик, дераза,  
Не учраса, ҳаммасини йиқинг, ёқамиз!

*(Фуқаролар жасадни кўтариб чиқишади.)*

А н т о н и й

Иш юришиб кетди, мана, қўзғолдинг, исён,  
Энди от сура бер ўзинг истаган ёққа.

Хизматкор киради.

Хўш, нима гап?



## Х и з м а т к о р

Хўжам, Римга келди Октавий.

## А н т о н и й

Қаерда у?

## Х и з м а т к о р

Лепид билан Сезар уйида.

## А н т о н и й

Шу ондаёқ ҳузурига бораман унинг,  
Айни фурсатида келмиш. Қисмат - меҳрибон,  
Биздан аямайди энди марҳаматини.

## Х и з м а т к о р

У кўрибди, Брут билан Кассий иковлон  
Жинниларча Римдан чиқиб қочмишлар ҳамон.

## А н т о н и й

Демак, билишипти халқни қўзғатганимни,  
Юр, Октавий ҳузурига бошлагил мени.

Кетишади.

## Учинчи саҳна

Кўча.

Синна-шоир киради.

Туш кўрибман: Сезар билан зиёфатдаман,  
Офир ҳислар хаёлимни босар беомон.  
Бугун уйдан чиқишга ҳеч майлим йўқ эди  
Лек нимадир судраб чиқди мени.

Фуқаролар киришади.

## Б и р и н ч и ф у қ а р о

Тўхта, кимсан? Исминг нима?

И к к и н ч и ф у қ а р о

Қаёққа кетаяпсан?

У ч и н ч и ф у қ а р о

Яшаш жойинг қайда?

Т ў р т и н ч и ф у қ а р о

Уйланганмисан ёки бўйдоқмисан?

И к к и н ч и ф у қ а р о

Саволларимизга очиқ-равшан жавоб бер.

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Лўнда қилиб гапир.

Т ў р т и н ч и ф у қ а р о

Ҳа, сирасини айт.

У ч и н ч и ф у қ а р о

Тўғриси айтсанг, ўзингга яхши бўлади.

С и н н а

Исмим нима? Қаёққа кетаяпман? Қаерда яшайман? Уйланганманми ёки бўйдоқманми? Буларга очиқ-равшан, лўнда қилиб, сирасини айтиб, тўппа-тўғри жавоб беришим керак. Сирасини айтсам, бўйдоқман.

И к к и н ч и ф у қ а р о

Бу билан уйланганлар аҳмоқ демоқчимисан? Бунинг учун мендан таъзирингни ейсан. Давом эт, тўғриси айт.

С и н н а

Тўғриси айтсам, Сезарнинг дафн маросимига кетаяпман.

Б и р и н ч и ф у қ а р о

Дўст бўлибми ёки душман бўлибми?

С и н н а

Дўст бўлиб.

И к к и н ч и ф у қ а р о

Мана бу - тўппа-тўғри жавоб.

Т ў р т и н ч и ф у қ а р о

Қаерда яшайсан, лўнда қилиб айт.

С и н н а

Лўнда қилиб айтсам, яшаш жойим - Капитолий.

У ч и н ч и ф у қ а р о

Исминг нима? Очигини айт.

С и н н а

Очигини айтсам, исмим Синна.

И к к и н ч и ф у қ а р о

Бурда-бурда қилиб ташланглар!

Бу - фитначи!..

С и н н а

Мен шоир Синнаман! Мен шоир Синнаман!

Т ў р т и н ч и ф у қ а р о

Ёмон шеърлар ёзгани учун бурдалаб ташланг уни! Ёмон шеърлари учун!..

С и н н а

Мен фитначи Синна эмасман!

И к к и н ч и ф у қ а р о

Бунинг аҳамияти йўқ. Унинг исми Синна. Бу номни унинг юрагидан юлиб ташланглар, тамом-вассалом.

## У ч и н ч и ф у қ а р о

Бурдалаб ташланглар!.. Бурдалаб!.. Олов келтиринглар, олов!.. Брут билан Кассийнинг уйига ўт қўямиз! Сиз Дессийнинг уйига борасиз, сиз - Касканинг уйига, сизлар - Лигерийга! Қани, кетдик!..

Кетишади.

## ТЎРТИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Антоний уйида бир хона.

Антоний, Октавий ва Лепид стол атрофида ўлтиришбти.

А н т о н и й

Бу рўйхатда чизилганлар ўлади демак.

О к т а в и й

Улар орасида сенинг аканг бор, Лепид,  
Розимисан?

Л е п и д

Розиман.

О к т а в и й

Чиз уни, Антоний.

Л е п и д

Аммо, шартим шуки, Публий ўлмоғи керак,  
Марк Антоний, жиянинг у, опангнинг ўғли.

А н т о н и й

У ўлади, мана, ўлим белгисин қўйдим,  
Сезар уйига бор, Лепид, бизга ола кел

Васиятномани, токи қисқартирайлик  
Меросга дахлдор турли харажатларни.

Л е п и д

Сиз қайда бўласиз, қайдан топаман сизни?

О к т а в и й

Шу ерда бўламиз ёки Капитолийда.

*(Лепид чиқади.)*

А н т о н и й

Мана, ношуд, лаёқатсиз, аянч бир банда,  
Югурдакликка ярайди, қандай қилиб у  
Ҳоким бўлур дунёнинг тенг учдан бирига?

О к т а в и й

Ўзинг қилган иш бу, унинг овозин олдинг  
Қабул қилганимиз ўлим, қувфин ҳукмига,  
Неча бировларни шундоқ ҳукм этганмиз.

А н т о н и й

Октавий, биласан, сендан каттароқ ёшим,  
Бу шарафни ортдик унинг бўйнига, токим  
Халос этмоқ учун ўзни лаънати юқдан.  
У устига олтин ортган эшакка ўхшар,  
Қай томонга бошламайлик, боради бешак,  
Устидаги юки билан терлаб, инқиллаб.  
Бас, манзилга элтсин ўша бойлигимизни,  
Юкни туширамиз унинг устидан ҳамон,  
Ўзини ҳайдаймиз, майли, ўтлоққа борсин,  
Ўтлайверсин қулоқларин силкитганича.

О к т а в и й

Майли, ихтиёринг, лекин не қилганда ҳам  
У синовдан ўтган жасур, довюрак аскар.

## А н т о н и й

Худди менинг тулпоримдек, Октавий, уни  
Мен ҳамиша таъминлайман ем-хашак билан.  
Шундоқ жонворки, уни жангга ўргатдим,  
Чопиш, бурилишга ёки таққа тўхташга.  
Хуллас, ҳар бир ҳаракати боғлиқдир менга.  
Лепиднинг ҳам худди шундоқ табиати бор,  
Уни ҳам ўргатиб, йўлга бошламоқ даркор.  
Мияси пуч йигит, яъни егани сарқит,  
Тақлидчидир, бошқаларнинг тўзиб, эскиган  
Кийимини елкасига илар янги деб...  
У ҳақда бас, у биз учун қуролдир, холос.  
Энди муҳим бир хабарни эшит, Октавий,  
Брут, Кассий бизга қарши йиғмишлар аскар,  
Биз ҳам куч йиғайлик, энди мустаҳкамлайлик  
Иттифоқимизни, унга уюшсин дўстлар  
Ва сафарбар бўлсин барча куч-воситалар.  
Кел, ҳозироқ кенгаш қуриб, ўйлаб кўрайлик,  
Махфий ниятларни нечук фош этиб шу тоб,  
Очиқ таҳдидларга қандоқ берамиз жавоб.

## О к т а в и й

Мен розиман бу таклифга. Гўё устунга  
Боғланганмиз, теграмизда акиллар душман.  
Лабларда табассум, аммо қалбларда шу дам  
Миллион фисқу фужурлар бор...

*(Кетишади.)*

## Иккинчи саҳна

Сарди яқинида бир қароргоҳ. Брут чодирӣ. Ноғоралар чалинади.

Бир томонда Брут, Луссий, Луссий ва аскарлар киришади, Титиний билан Пиндар уларни қарши олади.

Б р у т

Эй сен, тўхта!

Л у с с и л и й

Тўхта, аввал сен паролни айт!

Б р у т

Хўш, Луссий, яқинлашиб қолдими Кассий?

Л у с с и л и й

Икки одим нарида у, ёнимда Пиндар,  
Сизга олиб келди унинг эҳтиромини.

Б р у т

Бу яхши гап. Сенинг валийнеъматинг, Пиндар,  
Жаҳл, асаб устидами, ё бировларнинг  
Қутқусига учдимикин, лекин ҳар қалай,  
Ўзгариб қолгандай менга туюлди, афсус.  
Баски, келиб, икки одим нарида экан,  
Ҳамма нарса равшан-аён бўлур ҳа демай.

П и н д а р

Мен шубҳа қилмайман, менинг шавкатли хўжам  
Яна ҳозир бўлур сизнинг ҳузурингизда  
Аввалгидек садоқату эҳтиром билан.

Б р у т

Мен ҳам ишонаман бунга, Луссий, айт-чи,  
Нечук қабул қилди сени, бизга изоҳ бер.

## Л у с с и л и й

Қабул қилди лутфу одоб, назокат ила,  
Аммо аввалгидек равшан меҳр ва қувонч,  
Очиқ чехра, очиқ кўнгил, дўстона ишонч,  
Самимият билан эмас.

## Б р у т

Демак, совупти  
Унинг меҳру оқибати. Эшит, Луссилий,  
Севги сўлиб, кейин айнаб, чирий бошласа,  
Зўр беради расму русум, қоидаларга.  
Ҳалол сидқу садоқатда муғомбирлик йўқ.  
Пуч, бачкана одам асов отга ўхшайди,  
Ҳар қадамда ирғишлайди, сакрайди кўкка.  
Қамчи билан сағрисини қонатсанг магар,  
Ювош тортиб, қирчанғига ўхшаб қолади.  
Қўшин билан келмоқдами, Кассий?

## Л у с с и л и й

Ҳа, шундоқ,  
Тунамоқчи бўлишганди Сардида бугун.  
Катта қўшин, кўпчилиги отлиқлар билан  
Кассий келаяпти.

## Б р у т

Ана! Келиб қолишди.

*(Саҳна ортидан туёқ товушлари эшитилади.)*

Юринг, қарши олайлик.

Кассий ва аскарлар киришади.

## К а с с и й

Ҳей, тўхта!

## Б р у т

Тўхта! Тўхташга буйруқ бер!



## Б и р и н ч и а с к а р

Тўхта!

## И к к и н ч и а с к а р

Тўхта!

## К а с с и й

Азиз биродарим, мени ранжитиб қўйдинг.

## Б р у т

Эй Худолар, гувоҳ бўлинг, душманларимни  
Ранжитган эмасман бирор дафъа бўлса ҳам.  
Дўсту биродаримни мен нечук ранжитай?

## К а с с и й

Брут, хотиржамлик ичра ғазабинг ниҳон,  
Агарда сен...

## Б р у т

Кассий, ўзни қўлга ол, тинчлан,  
Айтар сўзинг бўлса, айтгил босиқлик билан.  
Аскарлар кутишар биздан меҳру садоқат,  
Улар кўз ўнгида, дўстим, баҳслашмайлик,  
Уларни четга сур, ўзинг чодиримга кир,  
Юрагингда нима бўлса, тўкиб сол.

## К а с с и й

Пиндар,  
Қўмондонларга буйруқ бер, қўшинларини  
Бир оз орқароққа олсин.

## Б р у т

Луссилий, сен ҳам  
Худди шундай қилгин, токи чодиримизга  
Биз кенгаш қиларкан, биров яқинлашмасин.  
Луссий ва Титиний келиб, эшиқда турсин.

Кетишади.

## Учинчи саҳна

Брут чодир.

Брут ва Кассий киришади.

К а с с и й

Нега хафа бўлганимни айтаман энди:  
Сарди ҳудудида халқдан пора олди деб  
Сен жазога маҳкум этдинг Люссий Пеллани.  
Уни мен билардим, сендан илтимос этдим,  
Назарга илмадинг аммо ёзган хатимни.

Б р у т

Сен ўзингни камситдинг шу ёзганинг билан.

К а с с и й

Ҳозиргидек ўта нозик, қалтис паллада  
Майда-чўйда нарсаларга парво этилмас.

Б р у т

Сен тўғрингда, Кассий, неча миш-мишлар юрар,  
Номуносиб ишлар ила машғул эмишсан.  
Олтин эвазига мансаб сотар эмишсан  
Разил кимсаларга...

К а с с и й

Демак, мен - порахўрман!  
Худоларга онт ичаман, Брут бўлмасанг,  
Сўнги сўзинг бўларди шу сўзларинг, Брут.

Б р у т

Кассий номи соябондир бошингда, илло,  
Чорасиздир шу боисдан қаршингда жазо.

К а с с и й

Жазо?

## Б р у т

Иди мартни эсла, азиз март айёмини,  
Адолат деб тўкмадикми Сезар қонини?  
Ёки гала муттаҳамлар унинг жисмига  
Ханжар санчиб, ноҳақларча оқиздик уни?  
Биз шундай бир буюк зотни айладик ҳалок  
Ўғриларга пушту паноҳ бўлгани учун.  
Энди ерга урамизми номусимизни?  
Ва ўткинчи пул-бисот деб шармандаларча  
Пора билан булғаймизми қўлларимизни?  
Шу алпозда римлик бўлиб юргандан кўра  
Бир ит бўлиб ойга қараб ҳурганим афзал.

## К а с с и й

Брут, қаттиқ тегма мунча, чидаёлмайман,  
Ҳой, ҳаддингдан ошиб бундоқ, хўрлама мени.  
Мен аскарман, сендан кўра билим, тажрибам  
Ортиқроқдир, бинобарин, шарт қўйишга ҳам  
Мен ҳақлиман.

## Б р у т

Йўқ, сен ҳақли эмассан, Кассий.

## К а с с и й

Мен ҳақлиман.

## Б р у т

Йўқ, сен сира ҳақли эмассан.

## К а с с и й

Етар, Брут, гижгижлама, тугайди сабрим,  
Унда ўзингдан кўр, жаҳлим қўзғама ортиқ.

## Б р у т

Йўқол, эй бедаво!

К а с с и й

Наҳот, шундоқ десанг сен!

Б р у т

Ҳа, не десам, эшитасан энди ҳаммасин,  
Жаҳлинг чиқмасин деб энди жим турайми мен?  
Қўрқишим керакми жинни олайиб боқса?

К а с с и й

О, Худолар, мен бу гапга қандоқ чидайман?

Б р у т

Чидайсан, то синмагунча кибру ҳавойинг,  
Бориб, жаҳлу жазавангни қулларга кўрсат,  
Улар қўрқиб, қалтирашсин, менга чикора?  
Мен индамай турармидим қўл қовуштириб,  
Бошим эгиб, сенинг қаҳру ғазабинг тошса?  
Худоларга онт ичаман, қаҳру заҳрингни  
Ўзинг симирасан, майли, сени ёрсин у.  
Парво ҳам қилмайман, билсанг, шу кундан бошлаб  
Қаҳру ғазабларинг менга эрмақдир, кулгу.

К а с с и й

Вой, шунгача етдингми, а?

Б р у т

Боя мақтандинг,  
Жуда яхши жангчиман деб, кўрсат кучингни.  
Мени бир хурсанд қил, зеро улуғлардан мен  
Сабоқ олиб, ўрганишга ҳамиша шайман.

К а с с и й

Мени хафа қилаяпсан таҳқирлаб, Брут,  
Йўқ, яхшиман, демадим, мен каттаман, дедим.  
Айт, яхшиман, дедимми, а?

Б р у т

Менга бари бир.

К а с с и й

Мени ҳатто Сезар мунча таҳқирламасди.

Б р у т

Сен Сезарни ранжитишга ботинолмасдинг.

К а с с и й

Ботинолмас эдимми?

Б р у т

Ҳа.

К а с с и й

Ранжитишга-я?

Б р у т

Қўрқанингдан ранжитишга ботинолмасдинг.

К а с с и й

Сен елга совурма меҳру садоқатимни.

Бир иш қилиб қўйсам, кейин бўлгум пушаймон.

Б р у т

Аллақачон пушаймонлик иш қилиб қўйдинг.  
Сенинг таҳдидларинг менга писандмас, Кассий.  
Чунки ору номус ила қуроолланганман.  
Таҳдидларинг елдек учиб ўтар ёнимдан,  
Мен уларни сезмайман ҳам... Одам юбордим  
Сендан бир оз олтин сўраб, сўзим олмадинг,  
Пул йиғмайман қабих йўлар, усуллар билан.  
Юрагимдан тангалар зарб этганим афзал  
Ва қонимдан драхмалар қуйганим авло,  
Қадоқ қўлли деҳқонларнинг чақаларини  
Ҳийла-найранг билан бундоқ тортиб олгандан.

Сендан бир оз маблағ сўраб, одам юбордим,  
Тўламоқчи эдим уни аскарларимга  
Сен бермадинг, Кассий, сенга, ярашиқми шу?  
Кай Кассий сўраса мендан, бермас эдимми?  
Агарда Марк Брут шундоқ очкўзлик билан  
Пулини яширса дўсту қадрдонидан,  
Эй Худолар, чақинг газаб чақмоғингизни,  
Куйиб, кул бўлсин у!

К а с с и й

Мен йўқ демадим.

Б р у т

Дединг.

К а с с и й

Йўқ демадим, аҳмоқ экан афтидан ўшал  
Менинг жавобимни сенга етказган киши.  
Брут, менинг юрагимни парчаладинг-ку.  
Дўст дегани кечирмасми дўстнинг айбини?  
Сен оширдинг менинг айбу нуқсонларимни.

Б р у т

Сен кўксимга найза қилиб отдинг уларни.

К а с с и й

Хуш кўрмайсан мени.

Б р у т

Сенимас, нуқсонларингни.

К а с с и й

Дўстим эсанг, кўрмас эдинг нуқсонларимни.

Б р у т

Хушомадгўй кўрмас эди, ҳаттоки улар  
Олимп тоғидек бўлса ҳам...

## К а с с и й

Эй Антоний, ёш Октавий, тезроқ келинлар,  
Келиб, Кассийдан сиз қасос, интиқом олинг,  
Тўйиб кетди бу дунёдан Кассий батамом.  
Ундан дўсти жирканади, жон биродари  
Уни таҳқирлайди худди аянч бир қулдек.  
Рўйхатга олиниб барча камчиликлари,  
Ўрганилган, жам этилган, турар тош бўлиб,  
Ҳар лаҳза бошига унинг урилмоққа шай...  
Эвоҳ, йиғлаб, юрагимни бўшатолсайдим!  
Мана, ханжар, мана, менинг яланғоч кўксим,  
Унда юрагим бор менинг, олтидан қиммат,  
Плутоний конидан ҳам бойдир, бадавлат.  
Асл римлик эсанг, майли, юрагимни ол.  
Сезарни қулатган ўша ханжарингни ур,  
Биламанки, унга ханжар урганингда ҳам  
Сен Кассийни эмас, кўпроқ севардинг уни.

## Б р у т

Ханжарингни қинига сол. Истаганингча  
Қаҳру қазабинга тагин беравер имкон.  
Таъна-дашномлар ёғдириб, жиззакилик қил.  
О, Кай Кассий, кўзичоқдир ўхшашинг сенинг,  
Чақмоқтошдаги оловдир ундаги олов,  
Чақсанг, ялт этади, аммо сўнади дарров.

## К а с с и й

Демак, Кассий жаҳлга эрк берган чоғида  
У Брутга ёлғиз кулгу, мазах экан-да?

## Б р у т

Мен жаҳл устида буни айтдим-қўйдим-да...

## К а с с и й

Демак, тан оласан? Қани, қўлингни бергил.

Б р у т

Қалбимни ҳам ола қол.

К а с с и й

О, Брут!..

Б р у т

Не бўлди?

К а с с и й

Онамдан меросдир пича қизиққонлигим,  
Наҳот шуни кўтаргудек озгина меҳринг,  
Мурувватинг бўлмаса?

Б р у т

Хўп, келишдик, Кассий.  
Бундан кейин дашномларга кўмар экансан,  
Онанг сўкаяпти, дейман, тутаман маъзур.

*(Ташқарида шовқин).*

Ш о и р

*(Ташқаридан)*

Лашкарбошилар олдига кираман, қўйинг.  
Улар жанжаллашяпти, уларни ҳозир  
Ёлғиз қўйиб бўлмайди.

Л у с с и л и й

*(Ташқаридан)*

Йўқ, кириш мумкинмас!

Ш о и р

*(Ташқаридан)*

Йўқ, кираман, ўлдирсанг ҳам тўхтатолмайсан!

Шоир, унинг ортидан Луссий, Титиний ва Луссий киришади.



К а с с и й

Хўш, нима гап? Не ҳодиса юз берди?

Ш о и р

Уят!

Қўмондонлар, уят сизга! Ўйламайсизми?  
Севги ва садоқат бўлсин ўртада ҳар дам,  
Бежиз айтмаяпман, чунки ёши улуғман.

К а с с и й

Ҳа-ҳа!.. Шоир, чатоқ чиқди бу гал қофиянг!

Б р у т

Кет бу ердан, маҳмадона, қорангни ўчир!

К а с с и й

Брут, хафа бўлма, бунинг одати шундоқ.

Б р у т

Дўстим, майнавозчиликнинг мавриди бошқа,  
Уруш билан неча пуллик иши бор бунинг?  
Жўнаб қол, оғайни! Жўна!

К а с с и й

Қани, бора қол!

Шоир кетади.

Б р у т

Лусиллий, Титиний айтинг, аскарларингиз  
Шу ерда тунашга бугун ҳозирлик кўрсин.

К а с с и й

Шу буйруқни бериб, изга қайтинглар ҳамон,  
Айтинг, Мессала ҳам шу он келсин сиз билан.

Лусиллий билан Титиний кетишади.

Б р у т

Луссий, шароб келтир!

*(Луссий чиқади.)*

К а с с и й

Шунча ғазабланарсан деб ўйламагандим.

Б р у т

О, Кассий! Мен тўйиб кетдим қайғу-аламдан.

К а с с и й

Тасодифий аламларга бош эгар бўлсанг,  
Қайда қолди, дўстим, сенинг ҳаёт фалсафанг?

Б р у т

Ғам кимни эгмайди? Ахир, Портсия ўлди...

К а с с и й

Портсия дедингми?!

Б р у т

Шундоқ, вафот этди у.

К а с с и й

Шундай пайтда мен жаҳлингни қўзғабман, афсус,  
О, азизим, жудолик бу, оғир мусибат!  
Нима бўлди, хастамиди?

Б р у т

Мени соғиниб,  
Ҳижрон ичра экан, унга хабар беришган  
Октавий ва Антонийни биздан кучли деб.  
Саросима ичра ақлу ҳушдан айрилиб  
Ўзи танҳо эканида олов ютган у...

К а с с и й

Сўнг вафот этганми?

Б р у т

Шундай.

К а с с и й

Эвоҳ, Тангрилар!..

Шароб ва шам кўтариб Луссий киради.

Б р у т

Бу ҳақда бас, гаплашмайлик... Менга шароб бер,  
Мен шаробга ғарқ этайин қайғуларимни...

*(Ичади.)*

К а с с и й

Шароб истар шу дақиқа менинг ҳам қалбим,  
Тўлдириб қуй, Луссий, уни сипқорай, Брут  
Ўртадаги юксак меҳру оқибат учун.

*(Ичади.)*

Б р у т

Титиний, кир!

Луссий кетади.

Титиний билан Мессала киради.

Хуш келибсан, Мессала, салом.  
Кел, яқинроқ ўлтириб биз шам атрофида,  
Кенгашиб олайлик зарур ишларимизни.

К а с с и й

О, Портсия!..

Б р у т

Ўтинаман, бу ҳақда бас қил.  
Мессала, мен мактуб олдим тунов кун, унда  
Ёзишибти, ёш Октавий билан Антоний  
Бизга қарши катга қўшин йиғиб, шу кунда  
Филиппи томон келишмоқда йўл босиб жадал.

М е с с а л а

Мен ҳам шундоқ мактуб олдим.

Б р у т

Яна не хабар?

М е с с а л а

Қонунга зид ҳолда қора рўйхат тузишиб,  
Октавий, Антоний ҳамда Лепид учовлон  
Қатл этишибти унда юз сенаторни.

Б р у т

Менга етган маълумотлар бир оз бошқача,  
Улар етмиш сенаторни қатл этишган  
Ва ўшалар орасида Ситсерон ҳам бор.

К а с с и й

Ситсерон ҳам?

М е с с а л а

Ситсерон ҳам қатл этилган  
Мазкур қонунга зид қора рўйхат бўйича.  
Хўжам, мактуб олдингизми рафиқангиздан?

Б р у т

Йўқ, Мессала.

М е с с а л а

У тўғрида бирор нима ёзишмадими?

Б р у т

Йўқ, ҳеч нарса, Мессала.

М е с с а л а

Бу жуда таажжуб.

Б р у т

Хўш, Мессала, бирор гапдан хабаринг борми?

## М е с с а л а

Хабарим йўқ, хўжам.

## Б р у т

Агар римлик бўлсанг, менга тўғриси айт.

## М е с с а л а

Римлик бўлсанг, эшит сен ҳам мардона туриб,  
Ҳайратли бир тусда ҳалок бўлмиш рафиқанг.

## Б р у т

Алвидо, Портсия. Ўлим ҳаммамизга ҳақ,  
Бир бошга бир ўлим, деган гап бор-ку, ахир.  
Айрилиқда мадад берар менга шу фикр.

## М е с с а л а

Буюк қалблар чидар буюк жудоликларга.

## К а с с и й

Мен ҳам сенга ўхшаб яхши англайман буни,  
Амал айламоққа аммо етмайди кучим.

## Б р у т

Келинг, ишга кўчайлик, хўш, нима дейсизлар,  
Қўшинларни сурсакмикин Филиппи томон?

## К а с с и й

Мен қаршиман.

## Б р у т

Нега?

## К а с с и й

Бунинг сабаби равшан:  
Ғаним бизни излаб, сарсон, овора бўлгай,  
Лашкари толиқиб, ҳолдан кетади унда.  
Ўз-ўзига зиён этар, биз қимирламай,  
Ҳимояга шай турамиз, куч йиғиб бунда.

## Б р у т

Яхши далил жой бўшаттай яхшироғига.  
Атрофдаги аҳоли то Филиппга қадар  
Бош эгиб турибти бизга ночор, ноилож,  
Солиқ, жарималар унинг жонига теккан.  
Душман ўтиб келар бўлса ўша тарафдан,  
Ҳеч шубҳасиз сафларини тўлдиран яна.  
Журъат-жасорати ортиб, қувватли бўлар.  
Биз маҳрум эгамиз уни имкониятдан,  
Агарда тўқнашсак Филипп остонасида,  
Халқ орқада қолса.

## К а с с и й

Мени эшит, биродар...

## Б р у т

Ошиқма, сен бир жиҳатни эътиборга ол,  
Биз дўстлардан олиб бўлдик улушимизни.  
Тўкис, тугал шай турибти қўшинларимиз,  
Зафар қучишимиз тайин. Душманнинг кучи  
Ортганидан ортиб борар кун ўтган сайин.  
Биз баланддан пастга иниб борамиз энди,  
Кўтарилиш, пасайиш бор бизнинг ишда ҳам.  
Кўтарилиш асносида қучамиз зафар.  
Тўлқин чекинаркан, бизнинг ҳаёт кемамиз  
Саёзликда сузиб, қумга тикилиб қолар.  
Биз ҳозирча кўтарилиш палласидамиз,  
Сузишимиз керак тўлқин, тошқинлар аро,  
Йўқса, омад қўлдан кетар...

## К а с с и й

Дўстларим, олға!  
Ёвни қаршилаймиз Филипп остонасида.

## Б р у т

Мана, гап устида тун ҳам оғиб қолипти,

Заруратга бўйсунди табиатимиз.  
Жиндак улаб, дам олайлик энди бўлмасам,  
Хўш, бўлак гап йўқми? Айтинг...

К а с с и й

Йўқ, хайри тун,  
Эрта тонготарда туриб, тушамиз йўлга.

Б р у т

Луссий!

Луссий киради.

Тунги либосимни бер.

*(Луссий чиқади.)*

Хайр, Мессала,  
Хайрли тун, Титиний, хайр, шавкатли Кассий,  
Хайрли тун, яхши дам ол.

К а с с и й

Жон биродарим!  
Тунимизнинг бошланиши яхши бўлмади,  
Орамизда сира низо бўлмагай энди!  
Шундоқмасми, Брут?

Б р у т

Энди ҳаммаси яхши.

К а с с и й

Хайрли тун, дўстим.

Б р у т

Хайр, жон биродарим.

Т и т и н и й, М е с с а л а

Хайрли тун, хўжам.

## Б р у т

Яхши ётиб туринглар.

Брутдан бўлак ҳамма кетади.

Тунги либосини кўтариб Луссий киради.

Халатни бер, созинг, чолғу асбобинг қани?

## Л у с с и й

Чодирда.

## Б р у т

Ҳой, сени уйқу босаяптими?

Зиёни йўқ, чунки узоқ ухламагансан.

Клавдийни чақир, яна бошқасини ҳам,

Иккаласи чодиримга кириб ухласин.

## Л у с с и й

Ҳей, Варрон! Ҳой, Клавдий!

Варрон ва Клавдий киришади.

## В а р р о н

Хўжам, чақирдингизми?

## Б р у т

Ҳа, йигитлар, келинг.

Менинг чодиримда ётиб ухланг бу кеча.

Эҳтимолки ҳали замон уйғотиб сизни,

Жўнатарман биродарим Кассийга.

## В а р р о н

Хўжам,

Ухламасдан, буйруғингиз кутишга шаймиз.

## Б р у т

Йўқ, керакмас, иккинги ҳам ётинг шу замон,

Балки сизни жўнатишга бўлмагай ҳожат.



Мана, Луссий, топиб олдим китобимни мен,  
Уни халат чўнтагига солган эканман.

Варрон ва Клавдий ётишади.

Л у с с и й

Уни менга бермагансиз, хўжам.

Б р у т

Маъзур тут,  
Паришонхаёлман, болам, уйқунгни ҳайдаб,  
Удда бирор нима чалиб берсайдинг, дейман.

Л у с с и й

Жоним билан, хўжам.

Б р у т

Балли, чалиб бер, болам,  
Ташвиш орттираман, аммо сен меҳрибонсан.

Л у с с и й

Хўжам, хизмат қилиш сизга - бурчим, вазифам.

Б р у т

Бурчим ўтайман, деб ўзни чарчатиб қўйма,  
Биламанки, дам олишни хуш кўрар ёшлик.

Л у с с и й

Мен мизғиб олгандим, хўжам.

Б р у т

Яхши қилгансан,  
Бир оздан сўнг яна ётиб ухлайсан, болам.  
Бир нима чалиб бер менга, агар ўлмасам,  
Хизматингни тақдирлайман...

*(Муסיқа ва қўшиқ)*

Мудроқ оҳанг... Уйқу-қотил, сен эмасмисан  
Болакайни гурзи билан уриб, қулатган?  
Мана, оҳанг тинди... Майли, ухла, болажон,  
Сени уйғотмайман, аммо ногоҳ қўлингдан  
Созинг тушиб кетса, синиб, чилпарчин бўлур.  
Шунинг учун олай уни, хўп, хайрли тун.  
Ҳа, қарай-чи, ўқигандим қайси бетгача?  
Мана, топдим... Шу ўқиган сўнгги саҳифам.  
Сезарнинг арвоҳи киради.

Шам милтираб қолди... Ҳой, у келаётган ким?  
Менинг чарчоқ кўзларимга кўринмиш магар.  
Назаримда пайдо бўлди қўрқинч бир рўё.  
Ана, яқинлашмоқда у... Жавоб бер, кимсан?  
Малакмисан, раҳмонмисан ё зилли шайтон?  
Қоним музлаб, тепа сочим тиккайди буткул,  
Жавоб бергил, кимсан?

А р в о ҳ

Сенинг руҳингман, Брут.

Б р у т

Нега келдинг?

А р в о ҳ

Мени кўражаксан Филипп остонасида.

Б р у т

Сени тагин кўраманми?

А р в о ҳ

Учрашамиз тагин Филипп остонасида.

*(Арвоҳ гойиб бўлади.)*

Хушимни йиққанда бирдан гойиб бўлди у.  
Эй ёвуз руҳ, гаплашмоқчи эдим сен билан.  
Эй Луссий! Эй Клавдий! Эй Варрон, турунглари!  
Клавдий!

Л у с с и й

Мен созламадим созимни ҳали.

Б р у т

У соз чалаяпман, дея ўйлайди ҳануз.  
Кўзингни оч, Луссий!

Л у с с и й

Лаббай, не дейсиз, хўжам?

Б р у т

Нечук бир туш кўрдинг, Луссий, нега қичқирдинг?

Л у с с и й

Мен сезмадим, хўжам, тушда қичқирганимни.

Б р у т

Йўқ, қичқирдинг. Бирор нима кўрдингми тушда?

Л у с с и й

Йўқ, ҳеч нарса, хўжам.

Б р у т

Ётиб, ухла тагин, Луссий. Клавдий, уйғон!  
Кўзингни оч, ошнам!

В а р р о н

Лаббай, хўжам!

К л а в д и й

Лаббай, хўжам!

Б р у т

Уйқунгизда қичқирдингиз намунча?

В а р р о н, К л а в д и й

Ажаб,  
Қичқирдикми?

Б р у т

Тушингизда нелар кўрдингиз?

В а р р о н

Ҳеч нарса кўрмадим, хўжам.

К л а в д и й

Мен ҳам ҳеч нарса.

Б р у т

Боринг, азиз биродарим Кассийга айтинг,  
Тонг отарда йўлга тушсин лашкари билан,  
Биз ортидан эргашамиз.

В а р р о н, К л а д в и й

Айтамиз, хўжам.

Кетишади.

## БЕШИНЧИ ПАРДА

### Биринчи саҳна

Филипп яқинида яланглик.

Октавий, Антоний ва уларнинг кўшинлари киришади.

О к т а в и й

Тахминимиз тўғри чикди, қара, Антоний,  
Душман пастга тушмайди, деб айтгандинг ҳамон,  
Силжимасдан, тепалиқда турар деб давом...  
Мана худди қаршимизда турипти улар.  
Йўлимизни тўсиб Филипп остонасида,  
Биз ҳужумга ўтмай, ҳужум этишни ўйлар.

## А н т о н и й

Мен биламан, уларнинг чин муддаоси не?  
Ва англайман не сабаблар сурмиш уларни.  
Улар жон деб бошқа жойга боришга ҳозир.  
Лекин сохта журъат ила пастга тушишар,  
Кўрсатмоқчи бўлиб сохта жасоратларин.  
Аммо бари ёлгон.

Чопар киради.

## Ч о п а р

Қани, жангга шайланинг,  
Душман яқинлашиб қолди саф-қатор бўлиб  
Ва кўтарди ҳарбу зарбнинг байроғини ҳам,  
Шошилинч бир чора-тадбир кўрмоқлик даркор.

## А н т о н и й

Октавий, сен қўшинингни бошлаб бор дадил,  
Шошилмасдан, майдоннинг чап қаноти бўйлаб.

## О к т а в и й

Мен ўнг ёқдан от сурай, сен чап томондан бор.

## А н т о н и й

Шундай пайтда қайтарасан гапимни нечун?

## О к т а в и й

Мен гап қайтармадим, балки шуни истадим.

Қўшинлар ҳаракатга тушади.

Ногоралар чалинади. Брут, Кассий ва уларнинг аскарлари,  
Луссилий, Титиний ва бошқалар киришади.

## Б р у т

Мана, улар, музокара бошламоққа шай.

## К а с с и й

Титиний, тур, бир гаплашиб олайлик аввал.

О к т а в и й

Марк Антоний, жангта буйруқ берсакми, дейман?

А н т о н и й

Шошма, Сезар, ҳаракатни душман бошласин,  
Сўзлашмоқчи бўлаяпти улар афтидан.

О к т а в и й

Жойингиздан жилманг буйруқ берилмагунча.

Б р у т

Аввал сўзлашайлик, кейин жанг қилиш қочмас.

О к т а в и й

Сўзни кўпроқ сиз севасиз, аммо биз эмас.

Б р у т

Яхши сўзлар яхшироқдир ёмон зарбадан.

А н т о н и й

Сен яхши сўз айтиб, ёмон зарба бергансан,  
Сен эмасми, Брут, ханжар санчиб юракка,  
"Яшасин Сезар!" деб сўнгра ҳайқириқ солган?

К а с с и й

Зарбинг нечук, биз билмаймиз ҳали, Антоний,  
Аммо сўзинг асалини ўғирлаб кетмиш  
Ҳибла арилари.

А н т о н и й

Фақат нишини эмас.

Б р у т

Болини ҳам, нишини ҳам, овозини ҳам.  
Сен улардан гингиллашни ўғирлаб олдинг,  
Гингиллаб турибсан, мана, чақишдан олдин.

## А н т о н и й

Муттаҳамлар, бошқачароқ эди ҳолингиз  
Сезарга санчганда ёвуз ханжарингизни.  
Маймунлардек тиржайишиб келгансиз унда,  
Итлар каби думингизни ликиллатгансиз,  
Қулдек ялагансиз Сезар оёқларини  
Ва орқадан писиб келиб лаънати Каска  
Бўйнига тиф солган унинг. О, мунофиқлар!..

## К а с с и й

Мунофиқлар!.. Ташаккур айт ўзингга, Брут,  
Кассий кенгашига агар қулоқ солсайдинг,  
Бу тил кўмолмасди бизни маломатларга.

## О к т а в и й

Бас, етади, муддаога ўтайлик энди.  
Баҳсу мунозара бизни терлатар фақат,  
Аmmo жангу жадал қизил қонларга бўяр.  
Қаранг, фитначилар!  
Қиличимни суғурдим мен қинидан, мана,  
Қачон қинга жойланади? Қинига қайтмас  
Сезар танидаги ўтгиз учта жароҳат -  
Қасос, интиқоми адо этилмагунча.  
Ёки янги Сезар тани мунофиқларнинг  
Қиличидан қора қонга бўялмагунча.

## Б р у т

Мунофиқлар қиличидан ўлмайсан, Сезар,  
Гар уларни ўзинг бошлаб келмаган бўлсанг.

## О к т а в и й

Мен ҳар ҳолда бу дунёга Брут деганнинг  
Қиличига ем бўлиш-чун келмагандирман.

## Б р у т

О, йигитча, энг мақтовли аслзода ҳам  
Бундан ортиқ шарафли бир ўлим тополмас.

## К а с с и й

Жўжаҳўроз бу шарафга муносиб эмас,  
Масхарабоз, фосиқ билан дўст тутинмиш у.

## А н т о н и й

Ўзгармабсан, ўша тулак Кассийсан ҳамон!

## О к т а в и й

Гап-сўз тамом, мақсад аён, кетдик, Антоний,  
Сизни жангга чақирамиз, хиёнаткорлар!  
Агар мард бўлсангиз, қани, майдонга тушинг,  
Йўқ, десангиз, қистамаймиз, кутиб турамиз.

Октавий, Антоний ва уларнинг аскарлари кетишади.

## К а с с и й

Шамол увлар, тўлқин ўйнар, чайқалар кема,  
Бўрон ичра таваккалга тутқиндир ҳамма.

## Б р у т

Ҳой, Луссий, сенга айтар сўзим бор.

## Л у с с и л и й

Лаббай!

*(Улар бир чекада гаплашадилар.)*

## К а с с и й

Эй Мессала!

## М е с с а л а

Эшитаман, милорд.

## К а с с и й

Мессала,  
Биласанми, бугун менинг туғилган куним,  
Кассий деган инсон бугун топмиш таваллуд -  
Гувоҳим бўл, бугун ўзим истар-истамай,



Бугун озодлигимизни, Помпейга ўхшаб,  
Боғлаяпман битта жангнинг натижасига.  
Хабаринг бор, Эпикурнинг маслақдошиман,  
Аммо пича ўзгартирдим маслагим шу он,  
Кўнглим мойил бўлиб қолди хурофотларга.  
Сардидан чиқаркан тонгда қўшинлармиз,  
Икки бургут қўниб икки байроғимизга,  
Аскаримиз қўлларидан ейишди овқат  
Ва ҳамроҳ бўлишиб бизга Филиппга қадар,  
Ногоҳ учиб кетди улар бугун эрталаб.  
Уларнинг ўрнига келди қарға-қузғунлар,  
Бошлар узра айланишиб, боқишар бизга,  
Ўлжага боққандек, улар солган соялар  
Машғум кафан бўлиб гўё кўринар кўзга,  
Қўшинимиз ўлим сари бораётгандай...

#### М е с с а л а

Буларга ишонма.

#### К а с с и й

Бир оз ишонаман мен.  
Аммо руҳим тетик, азму қарорим қатгий,  
Хавфу хатарларни дадил қарши оламан.

#### Б р у т

Шунақа гаплар, Луссилий...

#### К а с с и й

Шавкатли Брут,  
Бизни қўллаб, ёрлақасин бугун Худолар,  
Роҳатда яшайлик пири бадавлат бўлиб!  
Аммо дунё деганлари буқаламундир,  
Шунинг-чун шай турмоқ керак фалокатларга.  
Мабодо шу жангда ёвга ютқазиб қўйсақ,  
Демак, суҳбат қиляпмиз сўнгги мартаба.  
Агар шундай бўла қолса, не қилардинг сен?

## Б р у т

Ўз-ўзини ўлдиргани учун Катонни  
Айблаганман бир замонлар, ўша фалсафам  
Ҳамон устувордир, унга амал қиламан.  
Нима учун билмайман, лек не бўларкин деб,  
Қўрқув ичра ўз жонига қасд айламоқни  
Тубан кимсаларга лойиқ иш деб биламан.  
Сабру бардош қилиб, тоқат, қаноат айлаб,  
Таваккални осмонларга бойлайман, чунки  
Ўшалар ҳал этар бизнинг қисматимизни.

## К а с с и й

Бундан чиқди, агар жангда ютқазиб қўйсақ,  
Сени зафар араваси ортига бойлаб,  
Римга судраб элтсалар ҳам майли эканда?

## Б р у т

Йўқ, Кассий, йўқ, римликсан-ку, бундоқ ўйлама,  
Брутни элтмаслар Римга кишанбанда қилиб.  
Унинг руҳи буюк. Аммо, ўйлагил, бутун  
Иди мартда бошланган иш охирга етар.  
Мен билмадим, яна такрор кўришамизми?  
Шунинг учун бир умрга дейман: алвидо!  
Бир умрга хайр сенга, алвидо, Кассий!  
Гар кўришсак, кўришайлик табассум айлаб,  
Кўришмасак, хайрлашдик жуда аломат.

## К а с с и й

Бир умрга хайр сенга, алвидо, Брут!  
Гар кўришсак, кўришайлик табассум айлаб,  
Кўришмасак, хайрлашдик жуда аломат.

## Б р у т

Қани, бошла. О, кошкийди, била олсайдик,  
Бугунги жанг тугар қандоқ натижа билан.  
Яхшиямки кун етади ниҳоясига,  
Шунда аён бўлуру унинг оқибати ҳам.  
Кетдик!  
Кетишади.

## Иккинчи саҳна

Жанг майдони.

Жанг сурони. Брут билан Мессала киради.

### Б р у т

Мессала, сур отни, анув қўшинларга бор,  
Менинг буйруғимни етказ уларга ҳамон.

*(Жанг сурони кучаяди.)*

Хужумга ўтишсин ногоҳ, кутилмаганда,  
Октавийнинг аскарлари довдираб қолди,  
Тумтарақай қочар ҳозир хужум этилса.  
Мессала, чоп, югур тезроқ, отни қамчила!..

*(Кетишади.)*

### Учинчи саҳна

Жанг майдонининг бошқа бир қисми.

Жанг сурони. Кассий ва Титиний киришади.

### К а с с и й

О, қара, Титиний, қара, қочар аблаҳлар,  
Душман бўлиб қолдим энди аскарларимга.  
Қочаётган байроқдорни тутиб ўлдирдим  
Ва байроқни тортиб олдим қўлидан...

### Т и т и н и й

Кассий,  
Брут эрта бериб қўйди буйруқни жангга,  
Мағлуб этди Октавийнинг қўшинларини,  
Аскарлари тушиб кетди талончиликка  
Ва шу замон қуршаб олди Антоний бизни.

Пиндар киради.

### П и н д а р

Қоч бу ердан, хўжам, энди тезроқ қочиб қол!  
Марк Антоний эгаллади қароргоҳингни.  
Эй шавкатли Кассий, қочгил, жонингни қутқар!

К а с с и й

Бу тепалик йироқда, ҳай, Титиний, қара,  
Ёнаётган чодирларим эмасми менинг?

Т и т и н и й

Ҳа, ўшалар, милорд.

К а с с и й

Мени севсанг, Титиний,  
Отимга мин, ҳув, узоқда тўпланиб турган  
Қўшинлар олдига худди елдек учиб бор,  
Яна шундоқ изингга қайт, билишим керак,  
Улар дўстларимми ёки душманларимми?

Т и т и н и й

Хўп бўлади, ҳозир бажо этгайман буни.

*(Чиқади.)*

К а с с и й

Югур, Пиндар, бориб, анув тепаликка чиқ,  
Кўзим заиф, Титинийнинг кузат ортидан,  
У ёқда не кўрсанг, менга бир-бир баён қил.

*(Пиндар тепаликка чиқади.)*

Мен шу куни туғилганман, муҳлатим битди,  
Тугатаман уни, қайда бошлаган бўлсам,  
Айланиб туташар бугун ҳаёт доирам...  
Гапир, нима кўрмоқдасан?

П и н д а р

*(Тепалиқдан)*

О, милорд!

К а с с и й

Хўш, нима гап?

## П и н д а р

Титинийни ҳар томондан ўраб олишди,  
Уни тутмоқчилар... Ана, қочаяпти у.  
Вой, етиб олишди унга. Шўрлик Титиний!  
Уни отдан туширишди, Титиний - асир...

*(Қичқириқлар)*

Улар шодиёна қилиб, қичқирмоқдалар.

## К а с с и й

Кузатганинг етади, бас, Пиндар, пастга туш,  
О, мен кўрқоқ шу кунгача яшадимми, ҳай,  
Азиз дўстимни ҳам асир олишди, мана!

Пиндар тепалиқдан тушиб келади.

Яқинроқ кел, йигит,  
Сени асир олгандим мен парфиянлардан.  
Ҳаётингни сақлаб қолдим, ичганинг қасам  
Адо айламоққа барча амру фармоним.  
Кўрсат ўша қасамингга садоқатингни,  
Қул эмас, озодсан энди, шу қилични ол,  
Сезарни қулатган тини кўкрагимга ур.  
Сўз қайтарма, дастасидан маҳкам тут уни,  
Мен юзимни бекитаман, бекитдим, ана,  
Ур қилични!...

*(Пиндар қилич солади, Кассий йиқилади.)*

Сезар, сени ҳалок айлаган  
Қилич билан интиқоминг олинди, мана...

*(Улади.)*

## П и н д а р

Мен озодман адо айлаб шундоқ бир ишни,  
Истамасдим шу йўсинда озод бўлишни...  
О, Кассий! Пиндаринг энди қочади бундан,  
Римликлар бир ному нишон топмагай меңдан.

(Кетади.)

Титиний билан Мессала киради.

М е с с а л а

Талафотлар тенг-баравар бўлди, Титиний,  
Октавийни тирқиратди Брут қўшини,  
Кассий қўшинини мағлуб этди Антоний...

Т и т и н и й

Бу хабардан Кассий бир оз топар тасалли.

М е с с а л а

Уни қайда қолдиргандинг?

Т и т и н и й

Шу тепалиқда,  
Содиқ қули Пиндар билан, аламлар ичра.

М е с с а л а

Қара, анув ерда ётган Кассий эмасми?

Т и т и н и й

Ўша, жонсиз мурда каби ётибди. Эвоҳ!

М е с с а л а

Кассийми у?

Т и т и н и й

Ҳа, илгари Кассий эди у.  
Энди у йўқ. О, қуёш ҳам ботиб бормоқда,  
Тун қаърига сингиб борар алвон шафақлар.  
Кассийнинг куни ҳам шундоқ ботди қонига,  
Рим қуёши ботди, бизнинг кунимиз битди,  
Зулмат босди, поёнига етди ишимиз,  
Менга ишончсизлик ҳалок айлади уни...

## М е с с а л а

Галабага ишончсизлик ўлдирди уни.  
Эй даҳшатли хато, қайғу-алам боласи,  
Инсонларнинг хаёлини қамрайсан нечун  
Аслида йўқ нарса, қуруқ ваҳимлар билан?  
Сенга бегонадир мудом бахтли таваллуд,  
Сен онангни ўлдирасан туғилмасингдан...

## Т и т и н и й

Пиндар! Қаёқдасан? Пиндар, овозинг чиқар!

## М е с с а л а

Уни излаб топ, Титиний, мен эсам ҳамон  
Шавкатли Брутга бориб айтай бу гапни.  
Биламанки, бу хабарни эшитиш унга  
Заҳарли ўқ ёки найза захмидан ёмон,  
Қулоғини тешиб ўтар.

## Т и т и н и й

Хайр, Мессала,  
Мен унгача излаб топай Пиндарни бунда.

*(Мессала кетади)*

Нега мени юбординг сен, баҳодир Кассий?  
Дўстларинг эди-ку мени қуршаган унда.  
Галабанинг гултожини кийдириб менга,  
Сенга элиб беришимни сўрашди улар.  
Шодиёна хитобларни эшитмадингми?  
Ҳайҳот, бунини тушунибсан тамом тескари.  
Кассий, гултожингни энди бошингга кийгил,  
Брут юбормишди сенга, унинг амрини  
Бажони дил бажараман... Брут, қайдасан?  
Гултож кийган Кай Кассийга келиб, назар сол.  
Эй Худолар, маъзур тутинг, бу - римлик бурчи,  
Юрагимга санчил энди, Кассий қиличи!..

*(Ўзини ўлдиради.)*

Жанг сурони. Мессала ва Брут киришади, улар изидан ёш Катон, Стратон, Волумний, Луссий ва бошқалар.

Б р у т

Мессала, айт, қани, қайда унинг жасади?

М е с с а л а

Ҳув нарида, ғам чекмоқда Титиний унда.

Б р у т

Чалқанча ётибти унда Титиний.

К а т о н

Ўлик...

Б р у т

О, сен Юлий Сезар, ҳамон қудратлидирсан,  
Руҳинг тентиб, ғанимларга бермайди омон.  
Қиличларимизни санчар кўкрагимизга.

*(Жанг сурони пасайиб боради.)*

К а т о н

Баракалла, мард Титиний!  
Қаранг, қўндирибти Кассий бошига гултож!

Б р у т

Бундай римликларни ҳали дунё кўрмаган!  
Римликларнинг сўнггиси бу, хайр, алвидо!  
Замонлар ўтарлар, аммо маҳобатли Рим  
Сендек бир йигитни яна кўрмоғи гумон.  
Дўстларим, шу тўкаётган кўз ёшларимдан  
Кўра кўпроқ кўз ёш тўкиб, йиғлашим даркор,  
Ҳа, сен учун ҳали роса йиғлайман, Кассий.  
Олинг, Фазос оролига элтингиз уни,  
Бизнинг қароргоҳда дафн этилса агар,



Рухимиз чўкади... Қани, кетдик, Лусиллий,  
Қани, кетдик, Катон, ҳамма - жанг майдонига.  
Эй Лабсон, Флавий, бошланг қўшинларни сиз,  
Соат уч, римликлар, юринг, қош қорайгунча  
Бахтимизни тагин бир бор синаб кўрамиз.

*(Чиқишади.)*

## Тўртинчи сахна

Жанг майдонининг бошқа бир қисми.

Жанг сурони. Жанг қилиб, ҳар икки тарафнинг аскарлари  
киришади. Кейин - Брут, ёш Катон ва бошқалар.

Б р у т

Бўш келманг, эй ватандошлар! Мардона туринг!

К а т о н

Бўш келмаймиз, бизда қўрқоқ, ҳаромилар йўқ!  
Мен билан ким савашади? Эшитсин майдон:  
Марк Катоннинг ўғлдирман, эшитдингизми?  
Золимларнинг душманман, ватаннинг дўсти,  
Марк Катоннинг ўғлиман, ҳой, эшитдингизми?

Б р у т

Мен - Брутман. Марк Брут деб аташар мени,  
Ватаннинг дўстиман, билинг Брутагимни!

Жанг қила-қила, кетишади. Душманнинг зарбидан Катон  
ҳалок бўлади.

Л у с и л л и й

О, навқирон, жасур Катон, йиқилдингми, а?  
Сен ҳам ҳалок бўлдинг ботир Титиний каби.  
Аён бўлди, мард Катоннинг ўғлисан, асл...

## Б и р и н ч и а с к а р

Таслим бўл, йўқса, ўласан!

### Л у с и л л и й

Майли, ўлиш учун сенга таслим бўламан,  
Мана буни ол-да, мени ҳозироқ ўлдир.

*(Пул таклиф этади.)*

Сен Брутни ўлдир, сўнгра шуҳратланиб юр...

## Б и р и н ч и а с к а р

Ўлдирмаймиз, Брут - юксак мақомли асир.

## И к к и н ч и а с к а р

Антонийга айтгил Брут қўлга тушди деб.

## Б и р и н ч и а с к а р

Ҳозироқ айтаман. Ана, келаяпти у.

Антоний киради.

Биз Брутни асир олдик, милорд.

## А н т о н и й

Қани у?

### Л у с и л л и й

Йўқ, Антоний, Брут ҳали соғу саломат  
Ва шунга ҳам аминманки, ботир Брутни  
Душман зоти тириклайин қўлга ололмас,  
Худолар асрайди уни шармандалиқдан!  
Тирикми ё ўлик, уни топсангиз агар,  
У - Брутдир, Брут бўлиб қолгай муқаррар.

## А н т о н и й

Дўстим, бу Брутмас, лекин бунинг баҳоси  
Кам эмасдир, эҳтиётлаб, қўриқланг қаттиқ.

Меҳрибонлик қилинг, буңдоқ кимсалар борки,  
Менинг душманиммас, дўстим бўлсайди кошки.  
Ва ахтариб, билинг, Брут ўликми, тирик?  
Аниқданг у не аҳволда, бор гапни кейин  
Октавийнинг чодирига, бизга етказинг.

*(Кетади.)*

### Бешинчи саҳна

Жанг майдонининг бошқа бир қисми.

Брут, Дарданий, Клит, Стратон ва Волумний киришади.

Б р у т

Келинг, қолган-қутган дўстлар, дам олинг бир оз.

К л и т

Статилий машғал ёқиб, кўтарди, бироқ  
Қайтмади, ё асир тушди, ё ўлдирилди...

Б р у т

Ўтир, Клит, "ўлдирилди" деган сўз ҳозир  
Тилдан тилга кўчаяпти... Қулоқ сол, Клит.

*(Шивирлайди.)*

К л и т

Менми, милорд? Йўқ, бу нарса келмас қўлимдан.

Б р у т

Бўлмаса, жим.

К л и т

Ундан кўра, ўлганим афзал.

Б р у т

Дарданий, қулоқ сол менга...

*(Шивирлайди.)*

Д а р д а н и й

Шундоқ қилайми?

К л и т

О, Дарданий!

Д а р д а н и й

О, Клит!

К л и т

Қандай машғум ишни сендан сўради Брут?

Д а р д а н и й

Уни ўлдиришимни... Ҳай, қара, берилиб,  
Бир нималар ўйлаяпти.

К л и т

Алам-қайғуси  
Кўзларидан оқаяпти маржон ёш бўлиб.

Б р у т

Волумний, азизим, сенга айтар сўзим бор.

В о л у м н и й

Эшитаман, милора.

Б р у т

Мени тингла, Волумний.  
Икки марта тун қўйнида Сезар арвоҳи  
Ҳозир бўлди ҳузуримда, бири - Сардида,  
Бири - кеча оқшом Филипп остонасида.  
Шундан биламанки, кетар соатим етди.

В о л у м н и й

Йўғ-ей, милора.

## Б р у т

Бу айтганим ҳақ гап, Волумний,  
Дунёда не бўлаяпти, кўриб турибсан.  
Душман суриб келди бизни чуқур ўрага,  
Энди итаришларини кутиб турмасдан,  
Ўзимиз сакрасак унга, яхши эмасми?  
Волумний, азизим, менинг мактабдошимсан,  
Эски дўстлигимиз ҳақи, шу шамширни тут,  
Мен унга ташланай.

## В о л у м н и й

Йўқ, бу дўстликдан эмас.

*(Жанг сурони)*

## К л и т

Қочайлик! Бу ерда ортиқ туриб бўлмайди.

## Б р у т

Хайр, алвидо, эй Клит, хайр, Волумний,  
Стратон, сен мудрадинг бу ерда нуқул,  
Сенга ҳам алвидо!.. Азиз ватандошларим,  
Мен хурсандман бағоят, дўст тутинганларим  
Умр бўйи этишмади менга хиёнат.  
Мен шу бадбахт куним билан шуҳрат топарман,  
Октавий ва Антонийлар эришган разил -  
Ғалабанинг доврўғидан бўлур у баланд.  
Ҳаммангизга хайр энди, алвидо, тилим  
Брут ҳаёт ҳикоясин айтиб тугатди.  
Кўзларимда зулмат, таним истайди роҳат,  
Шу соатга етмоқ учун чекдим кўп захмат.

*(Жанг сурони. "Қочинглар!..", "Ҳой, қочиб қолинг!.." деган қичқириқлар)*

## К л и т

Қочайлик, милорд, қочайлик!

## Б р у т

Сизлар боринг! Ортингиздан етиб оламан.

*(Клит, Дарданий, Волумний кетишади.)*

Сен, Стратон, ўтинаман, хўжанг билан қол,  
Сен ҳиммати балаңд, яхши йигитсан, ахир.  
Номус нима, шараф нима, яхши биласан.  
Шу шамширни тутиб тур ва юзингни ўтир,  
Токи унга мен ўзимни ташламагунча.  
Келишдикми?

## С т р а т о н

Қўлингизни беринг, хўжам, хайр алvido!..

## Б р у т

Хайр, биродарим!..

*(Ўзини қилич устига ташлайди.)*

Сезар, қабрингда ёт жим,  
Сени шундай иштиёқ-ла ўлдирмагандим...

*(Ўлади.)*

Жанг хотимасидан хабар бериб, бурғулар чалинади.

Октавий, Антоний, Мессала, Луссилий ва аскарлар қирьшади.

## О к т а в и й

Манави ким?

## М е с с а л а

У - Брутнинг одами, милорд.

Стратон, хўжайининг қани?

## С т р а т о н

Сен каби

Асир этиб бўлмас уни энди, Мессала,  
Ёқишлари мумкин уни голиблар фақат...

У ўзини ҳалок этди, бу ҳалокатнинг  
Шуҳратига бирор кимса шерик бўлолмас.

Л у с с и л и й

Демак Брут қолмиш қадим Брутлигича.  
Баракалла, Брут, таҳсин, ташаккур сенга,  
Сен Луссилий айтганларин исбот айладинг.

О к т а в и й

Мен Брутга хизмат қилган мулозимларнинг  
Барчасини хизматимга оламан. Йигит,  
Менга ўтасанми?

С т р а т о н

Агар Мессала кўнса.

О к т а в и й

Мессала йўқ демас.

М е с с а л а

Менга айт-чи, биродар,  
Қандай қилиб ўз-ўзини ўлдирди хўжам?

С т р а т о н

Мен қилични туғиб турдим, ўзни ташлади...

М е с с а л а

Хўжасига то сўнгги дам хизмат айлаган  
Шу йигитга хизматингни буюр, Октавий.

А н т о н и й

Хўжанг римликларнинг асл, аълоси эди,  
Барча фитначилар турди Сезарга қарши  
Ҳасад юзасидан, фақат Брут мустасно.  
У ҳасаддан эмас, ҳалол, пок ният билан  
Умум манфаатин ўйлаб, қилди бу ишни.

Гўзал эди Марк Брутнинг ҳаёти, дўстлар,  
Унда барча фазилатлар мужассам эди.  
Табиат оёққа қалқиб, жумла жаҳонга  
"У инсон эди" деб айтса, муносиб эди.

### О к т а в и й

Уни шавкатига лойиқ эҳтиром ила,  
Тантанали маросим-ла дафн этайлик.  
Элтинг, менинг чодиримда ётсин бу кеча,  
Худди бир жангчидек безаб, ораста айланг.  
Қўшинлар дам олсин! Юринг, дўстларим, биз ҳам  
Ғалабамиз қувончини кўрайлик баҳам.

Кетишади.





## МУНДАРИЖА

Ромео ва Жульетта.....	5
Отелло .....	153
Кориолан .....	335
Юлий Сезар .....	525

*Адабий – бадиий нашр*

## ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

САЙЛАНМА

Уч жилдлик

Иккинчи жилд

*Инглиз тилидан Ўзбекистон халқ шоири  
Жамол Камол таржимаси*

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти  
илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган*

*Техник муҳаррир:*  
Мадина Абидова

*Саҳифаловчи:*  
Сирдарёхон Утанова

Нашриёт рақами: №-807  
Босишга рухсат этилди: 14.11.2007 йил.  
Босмахонага топширилди: 11.02.2008 йил.  
Бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> Ҳисоб-нашриёт табоғи: 29,5.  
Босма табоғи: 41. Адади: 1000 нусха.  
8-буюртма.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«ФАН» нашриёти: 100170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

«Нур полиграф» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., 3. Қобулов кўчаси, 19-уй.